


Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ



48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980 **5**

Мундарижа

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 35 ЙИЛЛИГИ

Ф. Норхўжаев. Совет халқининг буюқ ғалабаси	3
З. Обидов. Бахтномамиз таронаси. Назармат. Хатинь нидоси. М. Ушаков. «Ғалаба машъали». У. Пўлкан ўғли. Сенингдек гулбаҳор йўқдир. Ш. Орифий. Тошчаноқ. М. Жаббор. Тўртликлар	16
А. Раҳмат. Жанг суронлари. Хужжатли қисса	24
М. Косих. Ҳамшаҳар йигит. Очерк	74
О. Холдор. Қучоқ очган арчалар. Баллада	80
В. Гафуров. Волгаграднинг меҳр-оқибати	84
С. Мадалиев. Соғинч. Шеърлар	89
В. Канивец. Ульяновлар. Романдан боблар.	93
М. Мансуров. Устюрт воқеаси. Қисса. (Давоми)	126
Б. Бойқобилов. Шукуҳли карвон. Шеърый роман. Давоми	145
Э. Амит. Кийик булоқ. Қисса. Давоми	153

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

А. Қаюмов. Устоз Беруний.	197
--	-----

ОЧЕРК

Н. Қиличев. Кўнгил мулки	216
---	-----

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

А. Алимбеков. Демьян Бедний ва Ўзбекистон	221
Қ. Сейдонов. Адабиётимизнинг қадрдон дўсти	225

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

У. Норматов. Социалистик реализм назарияси ва ҳо- зирги адабий жараённинг баъзи масалалари	229
--	-----

ТАҚРИЗЛАР

Н. Бекмирзаев. Умид нишонаси	239
---	-----



Файзулла Норхўжаев,

истеъфодаги генерал-лейтенант

Совет халқининг бўёқ ғалабаси

Хозирги кунларда совет халқи фашист босқинчилари тор-мор этилган-лигининг 35 йиллигини нишонламоқда. Бу ҳар бир инсоннинг қалбини ҳаяжонга солувчи байрамдир.

Қардошлик мазорлари, ҳалок бўлган жангчиларнинг қабрлари, айниқса, шу кунларда гулларга кўмилиб кетган, пионерлар ва мактаб ўқувчилари бундай жойларда фахрий қоровулликда саф тортиб турибдилар. Биз сукут сақлаб, жангда ҳалок бўлганларни ёдга оламиз.

Уруш қурбонларининг хотираси абадийдир! Бунинг сабаби, ҳали ҳам баъзи солдатларнинг ўз баданларида снаряд ва мина парчаларини олиб юрганлигида, ёки ҳали ҳам муштипар оналар бедарак йўқолган ўғилларини «болагинам келиб қолармикин» деб кутаётганларида эмас, албатта!

Урушнинг машъум хотираси! Уни унутиб бўлмайди. Чунки бизлар, шаҳид бўлганларнинг болалари ва набиралари — фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганлигини яхши биламиз.

Мамлакатимизда кўплаб мемориал комплекслар, одмигина қабртошлар қишлоқ ва шаҳарларда улўвор сукунатда турибдилар. Умримизнинг ўтган ҳар бир куни бизни урушдан тобора узоқлаштирамоқда. Лекин унинг хотирасига бағишланган обидалар тобора кўпаймоқда. Янгидан-янги қаҳрамонларнинг номлари ойдин бўлиб бормоқда. Уларнинг хотираси учун кўкрагида автомат, плашч-палаткали солдатлар ҳайкаллари келажак авлодга назар ташлаган ҳолда мармар шоҳсуларларда қад кўтармоқдалар. Пионер ва ўқувчилар бу обидаларни нақадар асраб авайлаётганларини, музейларда, шон-шуҳрат бурчакларида замон ўтиши билан сарғайиб кетган расмларни, уч бурчак хатларни сидқидиллик билан тўплаётганларини кўриб кишининг қалби ҳаяжонга тўлади.

Ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг мангу барҳаётлиги мавҳум бир рамз эмас, бизнинг кундалик турмушимиздир, чунки уларнинг барҳаётлиги — бизникидир.

Халқимиз жасоратининг юксаклиги, ёрқинлиги биз учун энг тўғри ва энг содиқ йўлланмадир.

* * *

Улуғ Ватан уруши икки қарама-қарши системанинг тұқнашуви — иккинчи жаҳон урушининг энг катта ва узвий бир бўлагидир. У дунёдаги биринчи социалистик мамлакат билан империализмнинг энг жанговар қуролли кучлари орасидаги тұқнашув бўлиб, илгари кўрилмаган мислсиз ижтимоий силсилалар сабабчиси бўлди. Унинг синфий моҳияти яққол равшан бўлгани учун кучлар тұқнашуви алоҳида мурасизликда, алоҳида кескинликда ўтди.

Олти йил давом этган иккинчи жаҳон уруши ўзининг стратегик кўлами, воқеалар тигизлиги, унда иштирок этган одам сони, ҳарбий техникаси жиҳатидан илгариги урушлардан бениҳоя катта эди. Агар биринчи жаҳон урушида 36 давлат, бир миллиард одам иштирок этган бўлса, иккинчи жаҳон урушида 61 давлату бир миллиарду 700 миллион одам иштирок этди. Европа, Осиё, Африкадаги қирқ мамлакатнинг майдони қонли жангоҳларга айланди. Бир юз ўн миллион одам қўлига қурол олди. Иккинчи жаҳон урушида энг кўп қон тўкилди. 54 миллион 800 минг одам ҳалок бўлиб, бу рақам биринчи жаҳон урушидагидан кўра олти марта ортиқдир. Тўқсон миллион одам жароҳатланиб, уларнинг йигирма саккиз миллиони умрбод майиб бўлиб қолди. Немислар босиб олган ерлардаги тинч аҳоли, кўпчилик асир бўлганлар ирқчилик юзасидан совуққонлик билан ўлдириб юборилди. Совет Иттифоқи қурбон берган 20 миллион одамнинг ярмидан ортиқроғини фашистлар вақтинча босиб олган ерлардаги тинч аҳоли билан асир тушганлар ташкил этади. 21 миллион иморат, жумладан Германиянинг ўзида 1 миллион 500 минг иморат барбод бўлди. Англиядаги бомбардимондан хароб этилган биноларнинг сони 2 миллиондан ошиб кетди. Франция, Голландия, Польша, Югославия, Греция ва бошқа мамлакатларда ҳам фашистлар кўп турар жойларни пайҳон қилдилар. СССРда фашистлар бир минг етти юз ўнта шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкаларнинг кулини кўкка совурдилар, етмиш мингдан зиёд қишлоқни ёндирдилар. Жами босиб олинган мамлакатлар гитлерчилар томонидан аёвсиз таланди. Уруш келтирган талофат тўрт триллион доллар билан ҳисобланади. Совет Иттифоқининг кўрган зарари 2 триллиону 600 миллиард долларга етди.

Ваҳоланки, ғарб давлатлари Совет ҳукуматининг Европада коллектив хавфсизлик системасини барпо этиш, шунингдек, тинчлик истовчи мамлакатларнинг ростмана ҳамкорлик қилиш хусусидаги таклифларини кетга суриб, охирида йўққа чиқармаганларида бу фожиаларнинг ҳаммасини олдини олиш мумкин эди.

Аксинча бўлиб чиқди. АҚШ, Буюк Британия ва Франция империалистик доиралари Германиянинг урушга тайёрланишларида катта ёрдам бердилар. 1933—1936 йиллар уларнинг кўмагида Германияда 300 дан ортиқ ҳарбий завод янгидан барпо этилди. Улар фашист давлатини СССРга қарши ҳужум қилишга ҳар хил йўллар билан ниқтай бошладилар ва бу йўлда миллатчиларга қисқа давр ичида қудратли ҳарбий-иқтисодий базисга ва катта қуролли кучга эга бўлиб олишига катта ёрдам бердилар. Немис милитаристларининг «Дранг нах остен» деган қисқа лекин аниқ ишоралари АҚШ, Англия, Франция ҳукмрон доираларига жуда мос келиб қолди. Шу боис Гитлернинг Рейн зонасини, Австрияни босиб олганини ҳам, Мюнхен шартномаси ва Чехословакияни ютиб юборганини ҳам, шунингдек, бошқа тажаввузларини ҳам индамай кечириб юбордилар.

1941 йил март ойидаги фашист Германиясининг раҳбар шахсларининг йиғилишида Гитлер шундай гапларни айтди: «Бизнинг Россиядаги вазиғамиз: ҳарбий кучларни тор-мор этиб, давлатни йўқотишдир... Масала, йўқ қилиш учун кураш хусусида боради... Уруш ғарбдаги

урушларимиздан кескин фарқ қилади. Шарқда шафқатсиз бўлишимиз келажак учун яхшилик деган гапдир...»

Уруш бўсағасидаги йилларда ҳам, худди ҳозиргидек, СССР тинчлик сиёсатини оғишмай амалга ошириб бориб, урушнинг олдини олиш, коллектив хавфсизлик ва коллектив зарба бериш сиёсати учун курашиб келди. Аммо Англия ва Франция реакцион доиралари АҚШ монополиялари билан келишган ҳолда тинчликни мустаҳкамлаш ишини ўпириб, Германияни СССРга қарши ҳужумга ўтишга ундаб келдилар.

В. И. Лениннинг «Доимо огоҳ бўлинг, Ватанимизнинг, Қизил Армиямизнинг мудофаа қобилиятини кўз қорачигидек сақланг», деган кўрсатмасига амал қилган Коммунистик партиямиз шу йўлда ҳамма чораларни кўрди. Урушдан олдинги уч беш йилликда мамлакатимиз қолоқликдан чиқиб қурол-яроғнинг, техниканинг ҳар қандай турларини ишлаб чиқара оладиган қудратли индустриал-аграр мамлакатга айланди, ҳарбий ишларга ажратиладиган маблағ кескин суратда оширилди. 1940 йилда 10565 самолёт, 2900 танк, 13724 тўп ишланган бўлса, 1941 йилга келиб 12000 самолёт, 6500 танк, 71000 тўп ишлаб чиқарилди. 1941 йилда Совет Қуролли кучларининг сони 4 миллион 207 минг кишига етди.

Янги жаҳмиёт қуришдаги ҳар бир қадам, ижтимоий ва илмий-техниканинг ҳар бир янги босқичи ўз навбатида социализмнинг ҳарбий тузилишида ҳам янги босқич бўлиб борди. Бу эса совет ҳарбий фанининг, ҳарбий санъатнинг такомиллаша боришига омил бўлиб хизмат қилди.

Марксизм-ленинизмдек мустаҳкам негизда юзага келган, ўтмиш саркардаларининг илғор ғояларини, инқилобий урушларнинг тажрибаларини ўзлаштирган бизнинг ҳарбий фанимиз, муҳорабаларнинг ва жаҳмиёт тараққиётининг объектив қонуниятларига асосланган ўзининг мустақил методологиясини ишлаб чиқди.

Фашист босқинчилари Европадаги кўп мамлакатларнинг сиёсий ва миллий мустақиллигини қўлга олганди. Улардаги қаршилик ҳаракатларини босиш учун эса мисли кўрилмаган ваҳшийликлар ва қирғинлар уюштирар эди. СССРга қарши уруш очиш арафасида Германия бу мамлакатларнинг иқтисодий ва кишилар ресурсидан бемалол фойдалана оларди.

1940 йилнинг ўзида немис саноати 2500 самолёт, 1800 танк, 4000 тўп, 3700 мулемёт ишлаб чиқарганди. 1941 йилга келиб фашист Германиясининг ҳарбий-ҳаво, қуруқлик ва ҳарбий-денгиз кучларининг жаҳми сони 7 миллион 234 минг кишига етганди. Унинг стратегик аҳволи ҳам анча қулай эди. Чунки Франция тор-мор этилганди. Буюк Британия қаттиқ зарбаларга учраган эди. Шунинг учун Германия ўзининг орқа тарафидан унчалик хавотир олмай асосий кучларини СССРга қаратиши мумкин эди. Норвегияни босиб олиши, Финляндияни эса ўз иттифоқчисига айлантиргани Германиянинг ўнг қанотини мустаҳкамлаган бўлса, Югославия билан Грецияни босиб олиб, Болгария ва Руминияни вассалга айлантиргани эса, чап қанотни ҳам мустаҳкамлаганди.

Шундай қилиб, 1941 йилнинг ёзига келиб Германия тиш-тирноғича қуролланган катта армияга, қудратли иқтисодий ва ҳарбий таянчга, қулай стратегик аҳволга эга ҳолда СССРга қарши шай турарди. Фашистлар Германиясининг раҳбарлари ана шуларни ҳисобга олиб мамлакатимизни бир ярим-икки ой ичида янчиб ташламоқни мўлжаллаган эдилар. Шу мақсадда, 1941 йилнинг 22 июнида улар 5000 самолётга, 3700 танкка, 50000 дан ортиқ тўп ва миномётга эга бўлган сараланган 190 дивизияси билан СССРга ташландилар.

Бизнинг мамлакатимиз бу империалистик агрессияни даф қилишга қодир эди. Қудратли социалистик индустриямиз Қизил Армияга етарли

даражада қурол-яроғ етказиб бера олар, колхоз хўжалиги эса, қуролли кучларни ҳам, бутун мамлакатни ҳам керакли миқдорда озиқ-овқат билан таъминлай оларди. Совет кишиларининг юксак маданий ва техник савиялари ҳарбий техникани тезда ўзлаштириб олишларига имкон берарди, илм-фан ривожланишида катта ютуқларни қўлга киритган мамлакатимиз кўп миллатли малакали кадрларга ҳам эга эди. Энг асосийси эса, совет кишилари ўз ватанлари учун жонларини тикишга тайёр эдилар. Мана шу жиҳатдан СССРнинг ҳар қандай капиталистик мамлакатга нисбатан беқиёс устулиги бор эди.

Аммо, уруш тўсатдан бошланганлиги учун, Совет мамлакати ва унинг қуролли кучлари ўта қийин вазиятга тушиб қолдилар. Шунга қарамай аскарларимиз душманга қарши қаҳрамонона жанг қилдилар. Кучлар тенг бўлмаган бу жангларда босқинчиларга қақшатқич зарбалар бериб, мамлакат ичкарисига чекинишга мажбур бўлдилар.

Тўғри, биз катта талафотлар кўрдик. Аммо бизлардан ҳам кўпроқ босқинчилар талафот кўрди. 1939 йил 1 сентябрдан 1941 йил 22 июнгача, шунча мамлакатларни босиб олган Германия 300 минг кишисидан ажралган бўлса, СССРга қарши урушдаги қисқа давр мобайнида бир миллиондан ортиқ кишисидан ажралди.

Совет халқининг, армиясининг урушнинг дастлабки давридаги кўрсатган қаҳрамонликлари унинг кейинги муваффақиятларига гаров бўлди. Бу даврдаги вақтинчалик чекинишлар совет халқининг иродасини буколмади, ғалабага бўлган ишончини йўқотолмади.

Ватанимиз учун қалтис бўлган мана шу кунларда Коммунистик партия бутун имкониятларни душманга зарба беришга қаратди, кўп миллионли совет халқини фашист босқинчиларига қарши адолатли, озодлик курашига чорлади.

Партия тинчлик давридаги кайфиятга, танбаллик ва кўнгилчанликка барҳам беришни, бутун куч ва иродани ғалабага бўйсундиришни, бутун ишларни ҳарбий шароитга мослаштиришни, фронтга ҳар томонлама қўмак этишни, қурол-яроғ, ўқ-дори, самолёт, танклар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни талаб этди. Армияни, флотни, ҳамма совет кишиларини жонажон Ватанимизнинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳари учун бир томчи қон қолгунча курашишга даъват этди. Душман орқасида партизанлик ҳаракатини бошлашга, душманни доимо танг аҳволда ушлаб туришга, ҳар бир қадамда уни таъқиб қилиб қириб боришга, фронтда ва фронт орқасида интизомни кучайтиришга, халқнинг ва армиянинг сергаклигини энг олий даражага етказишга ундади. Яъни, бутун мамлакатни ягона бир жанговар лагерга айлантириш борасида мислсиз бир ғайрат билан ишлади.

Партиянинг чақириғи совет халқининг битмас-туганмас илҳом манбаига айланди. Совет халқлари оиласининг жами аъзолари ўз мамлакатларининг мудофаасига бир ёқадан бош кўтариб чиқдилар.

Ўзининг партия ташкилоти раҳбарлигида ўзбек халқи ҳам муқаддас курашга отланди. Бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам ўзининг бутун кучини, илми ва тажрибасини душман устидан ғалаба қозонишга тикди.

Ўзбекистон ССР партия ташкилоти урушнинг биринчи кунларида ноқ ўзининг ҳарбий ташкилотчилик, хўжалик, ғоявий-сиёсий вазифаларини аниқ қилиб белгилаб олди.

Партия ташкилоти жуда кўп миқдорда мудофаа учун зарур бўлган ашёлар ишлаб чиқаришни, ёқилғини, электро-энергияни, хом ашёларни тежашни, Совет Армиясини тобора кўпроқ миқдорда самолётлар, тўплар, пулемёт, миномёт ва озиқ-овқат билан таъминлашни уюштириш лозим эди. Бу янги вазифаларни амалга ошириш учун эса, ишлаб чиқаришнинг янги шакллари эгаллаш керак эди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети аппаратада қурол-аслаҳа, ҳарбий қисмлар, ёқилғи ва энергетика бўйича Марказий Комитет секретари лавозими, республика Халқ Комиссарлари Советида эса худди шу соҳалар бўйича раис ўринбосари лавозими ташкил этилганлигини айтиб ўтиш kifоядир.

Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Андижон сингари йирик шаҳар партия ташкилотларида ҳам шу масалалар билан шуғулланувчи секретарлар тайинланди.

Советларнинг, Қасаба Союз ва комсомол ташкилотларининг ишлари ҳам ҳарбий ҳолатга мувофиқлаштириб қайта қурилди. Советларнинг фаолиятларида эвакуация қилинган аҳолини ишга жойлаш, озиқ-овқат ва бошпана билан таъминлаш масалалари катта ўрин ола бошлади. Қасаба союзлар фронт учун қурол-яроғ, запас қисм ва кийим-кечак ишлаб чиқаришдаги социалистик мусобақани бошқара бошладилар, мудофаа фондини ташкил этишда, иссиқ кийимларни, озиқ-овқатларни йиғишда фаол иштирок эта бошладилар. Эвакуация қилинган аҳоли ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб турдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Компартияси ВКП(б) нинг кўрсатмаларини бажара бориб, партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг ишларини қайта қуриб олиш билан фашистларга қарши муқаддас урушда халққа етакчилик қила бошлади.

Партия ва ҳукуматнинг «Ватан хавф остида» деган чақириғи — Совет халқини оёққа турғизди.

Ўзбек халқининг мард ўғлонлари ўзларига чақириқ қоғозларининг келишини кутиб ўтирмай, оммавий равишда, кўнгиллилар сифатида фронтга жўнаш истагини билдира бошладилар. Ҳарбий комиссариатларга бутун оилалари билан келиб илтимос қилиш ҳоллари жуда кўп бўлган. Самарқандлик, тўрт боланинг отаси Костинцев шундай деб, комиссариатга ариза берган эди. «Коммунизмнинг ашаддий душмани Ватанимга ҳужум қилди. Менинг жойим фронтдадир. Тўрт ўғлим билан биргаликда фронтга жўнатишингларни илтимос қиламан».

Худди шу мазмундаги хатлар партия ташкилотларига ҳам кўп келиб тушарди. Ўзбекистон партия ташкилотлари ўн мингларча коммунист ва комсомол аъзоларини фронтга жўнатди.

Республика Компартияси Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлиги остида Ўзбекистонда урушнинг дастлабки кунлариданоқ қирувчи батальонлар ва халқ кўнгиллилари қўшилмалари тузила бошланди. Бу қўшилмаларга ҳамма, ҳаттоки, гўдаги бор аёллар ҳам қўшилиш истагини билдирардилар.

Уруш тобора кўпроқ одам талаб қилмоқда эди. Ўзбекистон — партия қанча сўраса, шунча одам етказиб берди. Энг қийин пайтларда республикамиз энг кўп ҳарбий резерв тайёрлади.

1941 йилнинг кузида гитлерчи қўмондонлик Ватанимиз юраги бўлмиш Москвага зарба беришни мўлжаллаган эди. Москвани эгаллаш урушнинг бошиданоқ гитлерчиларнинг энг муҳим стратегик мақсади эди. Бу йўналишда фашистларнинг сараланган 80 дивизияси ҳаракат қилмоқда эди. Жанглар мана шундай ҳал қилувчи даврга кираётган пайтда, фронтнинг одам ресурслари билан тўлдирилиб бориши ниҳоятда муҳим масала бўлиб қолган эди.

1941 йили декабрь ойининг ўзидагина Ўзбекистонда 85 мингдан зиёд киши сафарбар қилинган, ўнларча дивизия ва бригадалар тузилиб марказимизнинг мудофаасига жўнатилган эди.

Бутун Европа Гитлерга хизмат қилаётган бир пайтда ғарбда ва океан ортида: «Наҳотки, дунёда бу қора вабони тўхтатадиган куч топилмаса?» деган саволлар айтила бошлади. Бундай куч топилди. Бу — Совет Армияси эди. У фашистларни фақат тўхтатибгина қолмай, улар-

ни тор-мор этиб, қарши ҳужумга ўтди. Москва остидаги қақшатқич бу жангларда Ўзбекистонда тузилган 258-ўқчи дивизия (кейинчалик 12-гвардиячи дивизия номини олган), 21-отлиқ дивизия (кейинчалик 14-отлиқ дивизия бўлган), 44-отлиқ дивизиялар қатнашди. Ўзбек жангчилари ҳамма совет жангчиларидек мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Москва ҳимоячиларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатдилар. Жанговар резервлар билан бирга, республикамиз меҳнаткашлари фронтга қурол-яроғ, ўқ-дори, озиқ-овқат, кийим-кечак, кўплаб совға-салом ва тансиқ посилкалар жўнатдилар. Олти ой мобайнида фронтга Ўзбекистондан 406 вагон совға юборилди.

Москва остоналаридаги жанглар фашист босқинчиларининг тор-мор этилиши билан тугади. Бу ерда гитлерчиларнинг «яшин тезлигидаги уруш» плани барбод бўлди, гитлерчиларнинг енгилмас эканликлари ҳақидаги тўқима афсона чиппакка чиқди. Улар бу жангларда элликка яқин дивизияларини йўқотдилар.

Бу талафотларига қарамай фашист Германияси ҳарбий машинаси ҳали синдирилмаган эди, у машина мамлакатимизда ажал уругини сепишда давом этарди.

1942 йилнинг ёзида гитлерчилар аламдан чиқиш мақсадида бир миллиондан ортиқ аскар, кўплаб ҳарбий техника тўплаган ҳолда жануб томонга — Сталинград томонга ҳужумга ўтдилар.

Яна вазият қийинлашди. Совет жангчилари Волга бўйларида, Сталинград остоналарида олти ойдан ортиқроқ қақшатқич жанглар олиб бордилар.

Сталинград буткул харобазорга айланганди, бизнинг қисмларимизда одамлар камайиб кетганди, борлари ҳам сурункали жанглар туфайли толиқиб қолишганди, қурол-яроғ, ўқ-дори танқислик қиларди. Лекин ҳеч ким чекинишни, Волга орқасига ўтиб кетишни хаёлига келтирмасди. Фашистлар бу каби қатъиятликни ҳеч қачон кўрмагандилар. Ахир Брюссель, Париж, Варшавадек катта шаҳарлар осонгина таслим бўлишганди, Польша саккиз кунда қулаган бўлса, Франция қирқ кунда. Норвегияни улар икки-уч кун ичида босиб олишганди, бир ярим ой ичида бутун Болқон ярим оролини эгаллашганди. Бироқ Сталинград ҳали ҳамон зарба бермоқда эди. Бу ердаги битта ишчилар посёлкасини олиш учун Гитлер йигирма саккиз кун қон ютиб овора бўлди. Бир кўчани ўтиш учун 46 кун керак бўлди. Биргина уй учун бир неча кунлаб жанг қилишга тўғри келмоқда эди ва бу уйлар ўнлаб марталаб қўлдан қўлга ўтарди.

Ана шу тарихий мудофаа кунларида Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг вакиллари ўз қаҳрамонликлари билан ном чиқардилар. Булар ичида Ўзбекистонда тузилган 339-ўқчи дивизия, 128-гвардиячи дивизия, 14-гвардиячи отлиқ дивизия, 90—94-ўқчи бригадалар ҳам бор эди. Волга бўйидаги қақшатқич жанглар мобайнида Ўзбекистондан Совет Армиясига 200 мингдан ортиқроқ киши сафарбар қилинди ва уларнинг кўпчилиги Сталинградда урушдилар.

Сталинград учун бўлган жангларда ўзбек аскарлари Ватан олдидаги, халқ олдидаги бурчларини сидқидилдан англашларини яққол намоён этдилар.

«...Биз Сталинград фронтига серқуёш Ўзбекистондан келиб қўшилдик,— деб ёзишганди улар.— Оталаримиз, оналаримиз, болаларимиз: — «Қаерда жанг қилишларингдан қатъий назар, қайси фронтда немисларга қирон келтиришинглардан қатъий назар — душманга бешафқат бўлинглар» деб бизга қаттиқ тайинлашган. Сталинградни ҳимоя қила туриб, Ўзбекистонни ҳимоя қилаётганимизни тушунамиз. Сталинградни бермасак Тошкентда яхши яшаймиз. Фашистларни ана шу

Волга бўйида мажақласак — ўбеклар ҳам, қozoқлар ҳам, тожиклар ҳам, Совет Иттифоқидаги бошқа биродар халқлар ҳам кул бўлиб қолмайди. Ҳозир ҳамманинг фикри-зикри битта — Ватанни қутқариш, гитлерчиларни тор-мор келтириш. Сталинград ҳимояси учун қонимизни ҳам, жонимизни ҳам аямасликка қасамд этамиз. Ўлсак ўламизки, аммо фашистларни бир қадам ҳам олға силжитмаймиз».

Мана бу сўзларни эса, Ленинград қуршовида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўбек жангчиси Қаюм Раҳмонов ёзган эди: «Ватансиз ҳаёт йўқдир. Ватан — бу оила дегани, жонажон қишлоғинг, бутун совет мамлакати дегани. Советлар юртига фашистлар бостириб кирган куни Фарғона водийсининг бир қалқиб тушганини сездим. Шу куни юрагида ўти бор ҳар бир ватанпарвар ўзига-ўзи шундай деди: «Бор ўша ёққа, душманни тўхтат». Мен ҳам шундай деб, мана, келдим Ленинградга. Совет Россиясисиз озод Ўзбекистон ҳам бўлиши мумкин эмас. Совет ҳокимияти туйфайли эришган бахт-саодатимизни ҳимоя қилишда, жонимни ҳам аямайман».

Умуман Ўзбекистон фарзандлари қайси фронтда бўлмасинлар, урушнинг бошидан-охиригача қаҳрамонларча жанг қилдилар.

Социалистик Ватанимизни ҳимоя қилишда кўрсатган жасоратлари учун Ўзбекистондан борган жангчиларнинг 125 минги орден ва медаллар билан тақдирландилар, улардан 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Улуғ Ватан уруши даврида республика партия ташкилотларининг бевосита раҳбарлиги остида фақатгина умумий сафарбарлик планларигина эмас, миллий ўбек қўшилмалари бўйича мобилизациялар ҳам юксак кўтаринкилик руҳида амалга оширилди. Бу қўшилмалар областлар миқёсида ҳам амалга оширилди, шаҳарлар ва районлар миқёсида ҳам. Қўшилмаларнинг қурол-яроғдан бўлак ҳамма таъминотини ана шу жойларнинг партия ва совет ташкилотлари ўз зиммаларига олардилар. Бунинг нақадар катта иш эканлигини кўрсатиш учун биргина отлик бўлинма учун 20 минг от зарур бўлганлигини эслатиб ўтиш kifойадир. Ўзбек миллий қўшилмалари ҳақидаги масала Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленумида ва бир неча маргалаб ВКП(б) МКнинг бюросида кўриб чиқилганди.

Республикамиз область, шаҳар комитетларида командирларнинг қўшилма ва бўлинмалардаги аҳвол, тўпланишнинг бориши ҳақидаги ахборотлари бир неча маргалаб эшитилган ва муҳокама этилганди. Қорхоналарда шу хусусда мажлислар ўтказилганди. Тошкент ип (йигирув) фабрикаси партия ташкилоти мажлисларининг қарорларидан бирида шундай дейилганди:

1. Партия мажлиси фабрика маъмуриятига миллий қўшилмаларга чақирилганларни таъминлаш учун зудлик билан сметадан ташқари маблағ тўплашга киришишни юклайди.

2. Фабрика партбюросига яқин кунларда ленинча шанбалик ўтказишни ва ундан тушган маблағни тузилаётган миллий қўшилмалар фондида ўтказиш вазифасини юклайди.

3. Миллий қўшилмаларнинг тузилиши муносабати билан тарғибот ва ташвиқотчилик ишларини кенг ёйиш завкомларга топширилди.

Миллий қўшилмаларга кириш истагида аризалар берган мингларча одамлар шу даврдаги ўбек халқининг руҳини, социалистик Ватанга садоқатини жуда аниқ белгилайди. «Ёшим етмишга борган бўлишига қарамай, ҳали куч-қувватим кўп, — деб ёзади Иўлдош Сафаров Ўзбекистон КП Марказий Комитетига юборган хатида. — Партия ва ҳукуматнинг ўзбек қўшилмалари ҳақидаги қарорини сидқидилдан табриклайман ва ўзим ҳам четда туролмайман. Мени уларнинг сафига кириштишларингни илтимос қиламан. Уч ўғлим урушда, ҳаракатдаги армия-

дадир, мен ҳам сурбет душманнинг тор-мор этилиши йўлида жонимни аямасликка ваъда бераман».

Уч ўғли миллий қўшилмаларга кетаётган Пошита Собирова фарзандларига шундай ҳақидаги аризалар берганди. «Душманни аяманглар, гитлерчи газандаларни охиригача омон қўйманглар».

Ўзбек қўшилмаларига олинаётган ҳамма йигитларнинг ота-оналари шу каби сўзлар билан фарзандларини кузатардилар. Миллий қўшилмаларга кириш ҳақидаги аризалар шу даражада кўпайиб кетган эдики, Ўзбекистон КП Марказий Комитети маҳаллий партия ташкилотларига ариза қабул қилишни чеклаш ҳақида махсус хат билан мурожаат этишга мажбур бўлди.

Ҳаммаси бўлиб, Улуғ Ватан уруши даврида Қуролли кучлар сафига Ўзбекистондан бир миллиондан ортиқ одам юборилди. Шулардан 28 минг комсомол аъзоси бўлиб, улар республика комсомолларининг 65 процентини ташкил этарди. Республика вакиллари орасида олти минг аёл қўлига қурол олиб жангларда қатнашди.

Ўзбекистон партия ташкилоти аҳолининг ҳарбий билимларни эгаллашига ҳам катта эътибор берди. Республика ДОСААФи томонида ўн мингларча снайперлар, қўл жанги усталари, донорлар, ҳамширалар, санитарлар, телеграфчилар, шофёрлар, тоғ ўқчилари, танк қирувчилари тайёрланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари фронтга кадр тайёрлаш билан бирга Совет Армияси ва Флоти жангчилари билан доимо алоқада бўлиб турдилар, фронтдагиларни бир дақиқага бўлса-да унутмадилар. Қўшилма ва бўлимлар устидан оталиқ қилиб, ўз вакиллари орқали хабар олиб турдилар.

1941 йил декабрида республика вакиллари ЎзССР Олий Совети Президиумининг раиси Йўлдош Охунбобоев бошлаб борди. Вакиллар генерал Рокоссовский, Белобородов ва генерал Говоров аскарлари ҳузурда бўлдилар. Генерал Говоров армиясининг жангчи ва сиёсий бўлима ходимлари кейин уларга шундай деб ёзишганди.

«Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшмоқда. Гарчи орамиздаги масофа узоқ бўлса ҳам дилингиз дилимизга яқинлигини ҳис қиляпмиз. Жангга кира туриб, биз билан ҳамдард эканлигингизни, ғалаба учун қўлларингиздан келганича ҳаракат қилаётганларингизни сезаяпмиз.

Ўзбекистондан фронтга муттасил равишда санъаткорларнинг группалари ҳам бориб туришди. Уруш даврида фронтда иштирок этган ўттизта санъат бригадаси 24 мингта концерт берди.

Ватанимиз хавф остида қолган Волга бўйидаги жанг кунларида, ўзбек халқи ўзининг фронтдаги фарзандларига хат ёзиб мурожаат этганди. Хатда, ўзбек халқининг катта оғалари бўлмиш рус, украин ва белорусларнинг уйига герман номли босмачи бостириб кирганлиги, у ўзи билан қуллик, очлик, ўлат олиб келаётганлиги айтилади. Руснинг уйи — ўзбекнинг ҳам уйи, Совет Иттифоқида ҳамма халқлар бир рўзгор: уларнинг иноқлиги мамлакатимиз қудратининг асоси эканлиги таъкидланади мактубда. Ўзбек жангчилари, оғалари бошига мусибат тушганда ёрдам қўлини чўзсалар, ўзбекнинг ёмон кунларида руслар ҳам шубҳасиз, қор келишлиги айтилади. Совет жангчилари сафида энг сараси бўлишга даъват этилади мактуб сўнгида.

Улуғ Ватан уруши мамлакатимиз экономикаси учун ҳам қаттиқ синов даври бўлди. Ниҳоятда кучли ва шафқат билмайдиган душманга қарши турар экан, Совет Иттифоқи фақат ўзининг кучига ишониши мумкин эди. Бунинг учун эса урушнинг дастлабки ойларидаёқ хўжаликни қайта қуриб олиб, фронтнинг тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини қондира оладиган ҳарбий хўжалик барпо этиш керак эди.

Республика партия ташкилоти олдига Ўзбекистонни Совет Иттифоқининг энг муҳим арсеналларидан бирига айлантириш вазифаси қўйилган эди. Ўзбекистон Компартияси фронтни ҳарбий техника ва қурол-яроғ билан таъминлаш, мудофаа саноатини изга қўйиш йўлида тезда амалий тадбирлар кўрди. «Совет Армияси учун қурол-яроғ ва ўқ-дори ишлаб чиқаришдан биронта ҳам корхона четда қолмасин!» Ўзбекистон Компартияси ташлаган бу шиор республикамизнинг ҳамма меҳнаткашлари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди. 1941 йилнинг охирига келиб, Ўзбекистоннинг 300 завод ва фабрикаси самолёт, миномёт, замбарак, граната, танкка қарши мина, авиабомба ва бошқа хил ўқ-дори ишлаб чиқара бошлади.

Тўқимачилик ва тикувчилик саноати маҳсулотининг 65 проценти фронт учун жўнатилади. «Ташсельмаш» заводи урушнинг биринчи ойларидаёқ мудофаа мақсадидаги маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлади. Октябрь инқилоби номидаги Тошкент паровоз ремонт заводи бешта цехини ҳарбий маҳсулотнинг махсус турини ишлаб чиқаришга кўчирди. Чирчиқ электротехкомбинати ҳам шу корхоналар сафига ўтди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқимачилик саноати учун қисмлар тайёрлаб юрган механика цехи миналар, Андижондаги «Авто-трансдеталь» заводи эса танкнинг запас қисмларини ишлаб чиқара бошлади. Самарқанддаги қишлоқ хўжалик машиналари ремонт билан шуғулланувчи «Қолхозчи» заводи фронтнинг автомобиль машиналарини ремонт қилишга, ҳамда чиқиндилардан гранаталар, ўқ-дори гильзалари, котелок ишлаб чиқаришга кўчди.

Ўзбекистонга юзга яқин саноат корхоналари кўчириб келтирилган, уларнинг ичида эса, «Ростсельмаш», «Красний Аксай», «Электрокабель» сингари йирик корхоналар ҳам бор эди.

Заводлар етиб келмасиданоқ, Ўзбекистон КП Марказий Комитети уларнинг жойларини белгилар, одамларига бошпана топиб қўяр, хуллас, техникани жойлаш, ишга тушириб юбориш учун нимаики зарур бўлса шунга тайёрлаб қўярди. Эвакуация қилинган заводларни монтаж қилиш жуда қийин иш бўлишига қарамай, ишчи-хизматчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли, партия ташкилотларининг ғамхўрлиги туфайли корхоналарнинг кўпчилиги ўз вақтида ишга тушириб юборилганди. Масалан, 420 вагонда келган «Ростсельмаш»дек улкан завод икки ойдан кейиноқ маҳсулот бера бошлади. Бу заводни изга қўйиш учун эса 11500 кв. метр майдондаги цехларни тиклаш, уларга қўшимча равишда 11000 кв. метр бино топиб мослаштиришга тўғри келди.

Уша пайтда энг йирик заводлардан бири бўлган «Электрокабель» эса беш ой ичида қайта қурилган эди. Шу ўринда Ўзбекистонга эвакуация қилинган заводларнинг илгаригига қараганда анча кўп маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганини айтиб ўтиш жоиздир.

Бу ишларнинг ҳаммаси осон бўлмади. Ишчи, инженер, техник ходимлар етишмасди. Шунда станок ва машиналарни — фронтга кетган эркаклар ўрнига уларнинг аёллари, ўспирин ўғиллари бошқардилар. Улар, «фронт эҳтиёжи учун қанча керак бўлса шунча ишлаймиз» деб, кўпинча заводлардан кетмасдилар. Корхоналарда социалистик мусобақанинг янги-янги шакллари вужудга кела бошлади. Кўпчилик бригадалар «Фронт ортида фронтдагидек!» шиори билан ишлардилар. «Топшириқни бажармай туриб уйингга кетма!», «Ваъда бердингми — бажар!», «Фронтга ўзинг учун эмас, фронтга кетган ўртоқлар учун ҳам ишлайлик!» шиорлари Ўзбекистон меҳнаткашлари фаолиятида кундалик қоидага айланганди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ҳам ниҳоятда танг аҳволда қолганди. Ҳосили етилиб қолган жуда катта экин майдонлари душман қўлига ўтиб кетганди, колхозчилар, хўжаликларнинг раҳбарлари, трак-

торчилар, комбайнчиларнинг кўпчилиги урушга кетганди. Трактор, автотомашиналарнинг сони жуда қисқариб кетганди. Шунинг учун шарқий район деҳқонлари, жумладан, Ўзбекистон деҳқонлари олдида ҳам барча қийинчиликларга қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш вазифаси турарди.

Шунинг учун Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ҳамма пленумларида қишлоқ хўжалик масалалари муҳокама этиларди, уни ривожлантириш хусусида аниқ тадбирлар белгиланарди. Ҳосилдорликни кўпайтириш, колхозчиларга меҳнат куни сонининг минимумларини ошириш қарорлари шулар жумласидандир. Шу қарор бўйича колхозчилар меҳнат кунларининг минимуми 150—200 қилиб белгиланди. Колхозчи деҳқонлар орасида икки-уч нормани бажариш каби ватанпарварлик ҳаракати кенг ёйилди.

Ўзбекистон партия ташкилотининг раҳбарлиги остида колхоз ва совхозлар экин ерларини, ҳосилдорликни анча кўпайтирдилар, чорвачилик ҳам ривожлантирилди. Булар ҳаммаси Ўзбекистоннинг бутун бойлигини унинг халқи томонидан фронтга юборилишини таъмин этди.

Ватан мудофаасига Ўзбекистон зиёлилари ҳам салмоқли улушларини қўшдилар. Республиканинг илмий текшириш идоралари уруш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга кўчирилди. Мисол учун республикада порох, шунингдек, бошқа портловчи моддалар тайёрлашда зарур бўлган ўткир азот кислотаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Урушнинг дастлабки йилларининг ўзида Ўзбекистон фронтга 70 минг тонна ўткир ва 158 минг тонна кучсиз азот кислотаси тайёрлаб берди.

Олимлар саноатни маҳаллий хом ашё билан таъминлашда ҳам катта ёрдам бердилар. Урушгача Ўзбекистонга бошқа республикалардан келтириладиган кўпгина камёб хом ашёларни олимлар шу ернинг ўзидан топиб бердилар. Кўмир, металлларнинг кўп турлари, шунингдек, мудофаа саноатини янада юксалтирган — ўзида каучук моддасини мужассамлаштирган ёввойи ўсимликлар шулар жумласидандир.

Гитлерчиларнинг мамлакатимизга қилган ҳужуми ҳамма халқларнинг ватанпарварлик туйғусини уйғотиб юборди. Фашизм устидан ғалаба қозонишга бўлган интилиш турли шаклларда кўринарди. Шулардан бири, партиянинг, ҳамма куч ва маблағ Ватан мудофааси учун, деган шиори остида туғилган «мудофаа фонди»нинг дунёга келишидир. Меҳнаткашлар ўз ихтиёрлари билан пулларини ва қимматбаҳо буюмларини мамлакат ҳимоясига бағишлай бошладилар. Мажлисларда маошнинг маълум қисмини фондга ўтказиш, икки сменилик ишга ўтиш ҳақида қарорлар чиқа бошлади. Оммавий равишда заёмларга ёзилиш, якшанбаликлар ўтказиш қизғин авж олиб кетди.

Урушнинг дастлабки ойларидаёқ фондга берилаётган маблағлар анчага бориб қолганди. 1942 йилнинг биринчи февралига келиб мудофаа фондига республикамиздан 58 миллион сўм пул, 3 минг центнер ғалла, 2190 центнер гўшт, 2 минг кило жун, 18 минг 500 пўстин ўтказилди. Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача Ўзбекистон меҳнаткашлари мудофаа фондига 650 миллион сўм пул ажратдилар. Бу пулларга танклар, самолётлар сотиб олинарди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари танк колонналари ва авиа эскадрильялари сотиб олиб «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон 20 йиллиги», «Ўзбекистон колхозчиси» деган номларда фронтга жўнатдилар.

Республикамиз колхозчилари танкларнинг ўзига 300 миллион сўмдан зиёд пул тўплаб бердилар. Икки фарзанди фашистларга қарши жанг қилаётган янгийўллик колхозчи аёл Турлиева 20 минг сўм жамғармасини, Фарғона область Жалоир қишлоқ советининг раиси Бекмуротов нақд 104 минг сўм, колхоз раиси Тожибоев эса 100 минг сўм пулларини мудофаа фондига топширишди. Тошкент область, Қорасув рай-

онидан колхозчи Турғун Тошматов 1941 йил 21 декабрда ўзининг жамгармаларини Ўзбекистон КП Марказий Комитетига келтириб бериб шундай деганди: «Бодалик, ўспиринлик давримни ёруғлик кўрмай ўтказдим. Тиним билмай бойларникида хизмат қилдим-у, камбағалликдан бошим чиқмади. Совет ҳукумати мени саодатга олиб чиқди, турмушим фаровон бўлди. Уруш бошланишидаёқ Қизил Армия душманни тезроқ янчиб ташласин деган ңиятда икки ҳисса қаттиқроқ ишлай бошладим. Назаримда бу ҳам камга ўхшайди. Мана менинг бутун йиққан-тукканим. 160 минг сўм. Илтимосим шуки, бу пулга жанговар самолёт буюртириб, уни янги йил совғаси сифатида Ватан ҳимоячиларига совға қилсак».

Уруш бошланган дастлабки кунларданоқ бутун Ўзбекистон ўн минглаб ярадорларни сафга қайтарадиган, ўлимдан асраб қоладиган шифохонага айлантирилди. Республика партия ташкилоти бу ишларга ҳам раҳбардик қилиб, жароҳатланганлар, эвакуация қилинганлар, хусусан болалар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсата бошлади. Ўзбекистонда эвакуация қилинган 40 минг ўринлик 115 госпиталь жойлаштирилганди. Бунинг учун дам олиш уйлари, мактаблар, олий ўқув юртларининг бинолари бўшатиб берилганди. Ўзбек меҳнаткашларининг ярадорларга нисбатан қилган ғамхўрлигини — госпиталларнинг колхоз, совхоз, завод, идора ва корхоналардан 750 дан ортиғи оталиққа олганини кўрсатиб ўтиш kifоядир. Госпиталлардаги шаронт ва даволашнинг яхшилигидан жами ярадорларнинг 45 фоизи яна армия сафига, 53 фоизи эса меҳнат фронтига қайтишга муваффақ бўлганди. Буни аниқлаштирак 54 минг 252 киши соғайиб Совет Армияси сафига қайтган, 70 мингга яқин кишининг эса меҳнат қобилияти тиклангани маълум бўлади.

Ўзбек меҳнаткашлари фронт линияларидан кўчирилган юз мингларча оилаларни меҳрибонлик билан бағриларига олдилар. Ҳар бир оила республикада ўзига бошпана ва машғулот топа олди. Ўзбек халқи уларга уйдан жой берди, бир бурда нонини бўлиб ейишди. Айниқса ўзбек халқининг етим-есирларга кўрсатган меҳрибончилиги дostonларга лойиқ нарсадир. Мингларча ўзбек хонадонлари болаларни боқиб олардилар. Жами бўлиб, республикамиз 200 мингга яқин болани қучоғига олди, уларга бошпана берди, қорнини тўйғазди.

Ўзбек халқи немис босқинчиларидан озод этилган районларнинг хўжалигини тиклашда ҳам ўз ёрдамини аямади.

Техника ва мутахассисларнинг ўзида етишмаётганлигига қарамай, республикамиз меҳнаткашлари Украина, Белоруссия ва РСФСРга вайрон бўлган хўжалиklarини тиклаш учун 1500 трактор, 50 комбайн, 1610 оғоч, қанчадан қанча дон, қорамол, мева-чева, пул юбордилар. Ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушига қўшаётган ҳиссаси ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан муносиб равишда қайд этиб ўтилган эди: «Совет Иттифоқининг фашистлар Германиясига қарши олиб борган озодлик урушида Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватанга бўлган чуқур садоқат ва меҳрларини ёрқин намойиш этдилар. Ўзбек халқининг мард ўғлонлари урушнинг ҳамма фронтларида қаҳрамонларча жанг қилмоқдалар. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари фронтга ёрдам бериш соҳасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар» дейилганди партия ва ҳукуматнинг Ўзбекистон ССРнинг йигирма йиллиги муносабати билан юборилган табрикномасида.

Фашистлар Германиясининг очган уруши Совет Иттифоқи учун энг қийин синовлардан бири бўлган эди. Бошқа ҳар қандай давлат бу каби қақшатқич зарбаларга чидамаслиги аниқ эди. Лекин, дунёдаги биринчи социалистик давлат бўлган Ватанамиз, бу зарбаларга чидади.

На фақат чидади, балки гитлерчиларнинг қудратли ҳарбий машинасини яқсон қилиб ташлади. Германиянинг 507, унинг малайларининг 100 дивизияси тор-мор этилди, 48 минг танк ва ўзи юрар уруш машиналари, 77 минг самолёт, 16700 замбарак ва миномёт, 1600 дан ортиқ кема йўқ қилинди. Фашистлар Шарқий фронтда ўзларининг 10 миллион одамларини йўқотдилар. Бу эса, улар кўрган жами йўқотишларининг 73 фоизини ташкил этди. Мамлакатимизнинг бу урушдаги иттифоқчилари эса Шимолий Африка, Италия ва Ғарбий Европада гитлерчиларнинг ҳаммаси бўлиб 176 дивизиясига талафот бердилар.

Улуғ Ватан уруши совет халқидан жуда катта сергакликни ва метиндек иродани талаб қилди. Социалистик тузумнинг мустаҳкамлиги ва ҳаётийлиги иқтисодий, сиёсий-ахлоқий негизи, СССР халқларининг бирлиги, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализи ғояларини синаган катта омил бўлди. Совет халқи бу синовдан музаффарона чиқди. Душманини ер тишлатди. Қаҳрамон халқимиз бу ўтли-суронли уруш йиллари ичидан шонли Ленин байроғини, Улуғ Октябрь байроғини, социализм байроғини шараф билан олиб ўтди. Бу йилларда фронт ва унинг орқасининг метиндек бирлиги, Ватанимизнинг ҳар бир одами, у фронтда бўладими, завод ёки колхоздами, ўзини СССР деб аталган яхлитликнинг бир бўлаги деб, дилдан ҳис қилиши яққол кўринди.

Социалистик тузум уруш синовидан муваффақиятли ўтиб, ўзига қилинаётган туҳматларга ҳам, ҳар хил «кароматларга» ҳам қақшатқич зарба берди. Бу ғалаба фақатгина қуроли кучларнинг қуроли кучлар устидан ғалабасигина бўлмай, социалистик турмуш тарзининг ғалабаси сифатида ҳам тарихга кириши ниҳоятда аҳамиятлидир.

Улуғ Ватан уруши мобайнида Совет Қуроли кучлари ўз миллий вазифалари билан бирга улкан байналминал вазифаларини ҳам бажардилар. Австрия, Альбания, Болгария, Югославия, Норвегия, Польша, Руминия, Чехословакия, Венгрия ва Хитой халқларига фашизм мустабидлигидан озод бўлишларида қардошларча ёрдам бердилар. Польшани озод қилишда совет жангчиларидан 600 минги, Руминияда 69 минги, Венгрияда 140 минги, Австрияда 26 минги, Чехословакияда 140 мингтаси ҳалок бўлди. Бошқа озод этилган мамлакатларда ҳам Совет жангчиларининг қанчадан-қанча қабри қолди. Худди гражданданлар уруши даврида бўлганидек, ғалабамизни таъминлаган энг муҳим омил Коммунистик партиянинг раҳбарлиги бўлди. Партия совет халқини жипслаштириб душманга қарши ғоявий жиҳатдан қуроллантириб ва доимо руҳлантириб турди. Коммунистлар мудофаага келганда энг матонатли, ҳужумда энг шиддаткор кишилар бўлдилар. Улар жангда ҳам, металл, ҳарбий техника, нон, пахта учун курашда ҳам биринчи сафда турдилар. Уларнинг шахсий ўрнаги, большевистик оташин сўзлари одамларни ҳужумга, меҳнат қаҳрамонликларига ундади, ғалабага ишонч туғдирди.

Ҳозир, ўша ғалаба таронаси яшиндай тез ёйилиб, одамларнинг орзиқиб кутган хабарини эшиттирган ёрқин май кунидан бизни роппа-роса ўттиз беш йил ажратиб турибди. Ўттиз беш йил озмунча вақт эмас. Бу давр ичида кўп нарса ўзгарди. Фашист босқинчилари етказган жароҳатлар битиб кетди. Хароб бўлган шаҳару қишлоқлар, заводу фабрикалар, конлар яна қадларини кўтардилар, тикландилар. У пайтдаги жанггоҳларда боғлар яшнамоқда, буғдойзорлар аллаланмоқда. Уша кунларда ўз аскарларини жангга ундаган ёшгина лейтенантларнинг сочларига оқ инган. Уруш садолари буткул тингандан кейин туғилган янги авлод воёга етди.

Ҳа, вақт бешафқат. Лекин, ҳатто у ҳам кишилар ҳаёлидан халқимизнинг ўлмас жасоратини ўчириб ташлай олмайди. Унинг миллион-

лаб ўғил қизларининг жасорати, ғалабаси — марксча-ленинча дунёқарашнинг, СССР халқлари дўстлигининг, пролетар интернационализмнинг ғалабаси тимсоли сифатида асрлар оша яшайверади.

Совет халқининг бу ғалабаси тарихнинг унутилмас саҳифаси бўлиши билан жаҳоннинг келажак тараққиётида ҳам муҳим бурилиш ясаган бир воқеадир. Ғалабамиз — инсоният тадрижидаги энг катта, энг кўп хунрезлик ва вайроналик келтирган урушга нуқта қўйди, халқларни фашизмга тобе бўлишдан сақлаб қолди, социализмнинг, демократиянинг, тараққийпарварликнинг қора кучлар ва реакциядан устунлигини таъминлади. Меҳнаткашларнинг империализмга қарши олиб бораётган ижтимоий ва миллий-озодлик курашларини янги поғонага кўтарди. Ғалабамизнинг меваси бўлмиш бу кураш эса, ғоявий мухолифларимиз учун доимий ва залворли сабоқ бўлиб қолмоқда.

Биз ҳозирги кунда мураккаб бир даврда яшамоқдамиз. Империализмнинг таҳдиди, ундан чиқиши мумкин бўлган урушларнинг хавфи ҳали тўла олди олинмаган. Бу хусусда, партиямиз XXIV съезди белгилаб берган йўл ҳамиша бизга йўлчи юлдуз бўлиб қолади: «Халқнинг қўли билан яратилган ҳар бир нарса қаттиқ ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Совет давлатини мустақкамлаш — бу унинг Қуролли кучларини мустақкамлаш демакдир. Ватанимизнинг мудофаа қобилияти муттасил равишда ошириб борилиши керак. Ва токи биз, нотинч дунёда яшар эканмиз, бу энг муҳим масала бўлиб қолаверади».





Зоҳиджон Обидов

БАХТНОМАМИЗ *таронаси*

Бахт қонуни, юрт авжига кўзгу бўлдинг жаҳонда,
Гурур жўшиб тўлқин урар ҳар покиза виждонда.
Сен Октябрь тонларида бош кўтарган қуёшсан,
Қуёш ботар, сен ботмайсан шуъланг ҳар бир маконда.
Ҳар саҳифанг бахт бўстони, ҳар сатринг эрк достони,
Тенглик, тинчлик посбонисан бу беқиёс замонда.
Сен саҳоват уммонисан, сен адолат осмони,
Ҳимматингдан юрт гуркирар, эллар омон-омонда.
Партиямиз даҳосига минг-минг шараф, ташаккур,
Бахтномамиз қўшиқ қилсак арзир бу соз давронда.

Она ер

(Жангчи дафтарида)

Она ер, она ер, бардош бер,
Сен учун қалб, ёвдан ўч, ол дер.
Сийнангда жароҳат излари,
Сени деб, барча эл жангда шер.

Таҳқирдан тўкилган ёшлар-чун,
Бемаҳал қўйилган бошлар-чун,
Қон учун, жон учун жанг борар,
Тул қолиб чимрилган қошлар-чун.

Кремль бонг урар, бонг урар,
Зулматни қувалаб тонг юрар.
Тун қуёш йўлини ҳеч тўсолмас,
Қасд қилган ёв ҳоли танг бўлар.

Зулматга бош букмас бахтимиз,
Кулфатинг аритмоқ аҳдимиз.
Адолат байроғи йўл бошлар,
Ғалаба машъалин ёқдик биз.

Интил сойларга томон

Жилға бўлма, дарё бўл,
олисларга етасан.
Жилға қисмати аён,
йўлда қолиб кетасан.
Йўлда қолиб кетганинг
Армони бўлмас адо.

Дами ичида қолур,
Шовуллаб бермас садо.
Дарё бўлсанг йўлингда
Унар боғи-бўстонлар.
Чўлда чаманлар пайдо,
Булбуллар ўқир дoston.

Жилга бўлма, дарё бўл,
 Янги боғ-роғ сеники.
 Инсон очиб берар йўл,
 Янги қирғоқ сеники.
 Бориб қўшил дарёга,
 Турфа дунё кўрасан,
 Қуёш ҳамроҳ бўлади,
 Жилоланиб юрасан.
 Бориб қўшил дарёга,
 Юлдузли тунлар кутар,
 Тонг қуйилиб қўйнингга,
 Ранго-ранг кунлар
 кутар.
 Этмай десанг пушаймон
 Интил сойларга томон.
 Сойлар дарё бўлади,
 Дарё қисмати аён.

Бўстон бўлур

Қўшиқ

Қўриқ ерлар қувраб ётмас, бўстон бўлур,
 Синовлари осон эмас, дoston бўлур.
 Чўлнинг қаҳри қаттиқ, унга дош бермаган
 Уч-тўрт кунлик иззати йўқ меҳмон бўлур.

Нақорат

Қўриқ кутар саҳоватли юракларни,
 Довриқ қилар саодатли тилакларни.

Чўл ҳам ҳиммат қилганларга ҳиммат тутар,
 Заҳмат чексанг ширин-шакар неъмат тутар.
 Бағрин очиб келганга чўл бағри очиқ,
 Меҳринг тўксанг, шону шавкат, иззат тутар.

Нақорат

Қўриқ кутар саҳоватли юракларни,
 Довруқ қилар саодатли тилакларни.

Чўл бош эгмас ўзим бўлай деганларга,
 Жон койитмай ўз ғамини еганларга.
 Қўриқлар юз бурар қуруқ одамлардан,
 Чўл бахт тутар қўлни қўлга берганларга.

Нақорат

Қўриқ кутар саҳоватли юракларни,
 Довруқ қилар саодатли тилакларни.

 ХАТИНЬ Нидоси

Белоруссияда фашистлар томонидан ёндирилган Хатинь қишлоғи ўрнида ёдгорлик ўрнатилган.

Аста юринг бу хоки покда,
 Йўлкаларда бош эгиб тўхтанг.
 «Унутманг!» дея азиз тупроқдан
 Қўтарилган мунгли бир оҳанг.
 Тилсиз еллар шивирлашида,
 Қўнғироқлар чалинар такрор.
 Япроқларнинг шитирлашида
 Шаҳидларнинг чеккан оҳи бор.
 Йўл устидан кўринар қишлоқ,
 Қишлоқ эмас, яқинлаб қаранг,
 Уй ўрнида мўри, қўнғироқ...
 Таралади мунгли бир оҳанг:
 «Қишлоғимиз — Хатинь қишлоғи,
 Деҳқон эдик, аҳил оила.
 Кўркам эди ўрмон, ўтлоғи,
 Экинларга кон эди дала.
 Ҳаёт эди осуда, маъмур,
 Рози эдик тақдиримиздан.

Келиб бир кун ногоҳ ёв — қонхўр,
 Қувмоқ бўлди ўз еримиздан.
 Душман қўлин чўзди қишлоққа,
 Ёқди унда дўзахий гулхан.
 Тўкилди қон она тупроққа,
 Хатинь қишлоқ йўқ бўлди бирдан.
 Қасос тиғи, эл қаҳридан ёв
 Хазон каби тўкилди ерга.
 Уч олди у, қирди беаёв,
 Мурдаларин қалади гўрга...»
 Утди уруш, битди жароҳат,
 Лекин йиғлар Хатинь қишлоғи.
 Зиёратгоҳ — сўнмас жасорат,
 Муқаддасдир унинг тупроғи.
 Аста юринг бу хоки покда,
 Йўлкаларда бош эгиб тўхтанг.
 «Унутманг!» дер, азиз тупроқдан
 Қўтарилган мунгли бир оҳанг.

Михаил Ушаков

 *Ғалаба маъбали*

Ўттиз беш йилдирки, зафар машъали
 Шон-шараф байроғин нурга чўмдирар.
 Бу машъал ўттиз беш аср ўтса ҳам,
 Юртимиз бағрини нурга кўмдирар.

Юлдузу қуёшу, ойнинг нури бор,
 Осмону заминни ёритар бу нур.
 Қуёш нурларининг ажиб кўри бор,
 Қуввату жон берар борлиққа бу кўр.

Зафар машъалининг нури ўзгача,
 Юмилган кўзларнинг нури бор унда.
 Бу нурнинг, дўстларим, кўри ўзгача,
 Қон бўлган дилларнинг кўри бор унда...

Жанггоҳ жароҳатлари

Яна оғриқ тутди, синов залпидай
Асаб торларига урар бетиним.
Гўё окопдаман, аччиқ тутундан
Бошим гир айланур, зирқирар таним.

Жанггоҳ жарроҳлари, қайдасиз, айтинг,
Оловли йилларнинг сеҳргарлари!
Оғриқ зўраймоқда, кўзим ўнгидан
Эпчил қўлларингиз кетмайди нари.

Пўлат парчаларни тонна-тонналаб,
Ажратиб олдингиз, бўлмадик майиб.
Наҳотки, сиз бугун ҳориб қолдингиз,
Сафингиз наҳотки қолди камайиб?!

Қайдасиз, соғ-омон бўлсангиз агар,
Тезда етиб келинг, зирқирар таним.
Ахир бир оловда бирга тобландик,
Тафтин сиз биларсиз, дўстларим,
маним...

Матросов жасорати

Гўё шивирларди Россия қори;
Зафар-чун бир йўл бор: Ҳужум
ва ҳужум!

Юраги қистарди ёвни янчгин деб,
Ботир бўлсанг ҳар ёв ўлимга маҳкум!

Тўйиб нафас олди қор ҳавосидан:
«Алвидо эй она, эй она тупроқ!»
Дзотга ташлади ўзин ногаҳон...
Ўлимни ўлдирган бу мардликка боқ!

Жонибек ҚУВНОҚ таржималари.

 Сенингдек гулбаҳор йўқдир

Ватан, бахт гул очар гулбоғларингдан,
Уфқлар нур ичар чироқларингдан,
Кўкламлар жой олмиш қучоқларингдан;
Сенингдек гулбаҳор йўқдир жаҳонда,
Сенингдек ҳур диёр йўқдир жаҳонда.

Қиёсинг ой, қуёш бўлмиш азалдан...
Боболар куйлаган дилбар ғазалсан,
Жаннатсан, ризвонсан, юртим, гўзалсан;
Сенингдек гулбаҳор йўқдир жаҳонда,
Сенингдек ҳур диёр йўқдир жаҳонда.

Кўрар кўзим, менинг жону дилимсан,
Аждоди алп ўтган ботир элимсан,
Қўнсам-қўналғамсан, юрсам-йўлимсан;
Сенингдек гулбаҳор йўқдир жаҳонда,
Сенингдек ҳур диёр йўқдир жаҳонда.

Бошингда — бахт қуши, ҳурдир
замонинг,
Сўнгсиз оқ маъводир ҳамма томонинг,
Ҳар ўғил, ҳар қизинг жону жаҳонинг;
Сенингдек гулбаҳор йўқдир жаҳонда,
Сенингдек ҳур диёр йўқдир жаҳонда.

Адолат юртисан, шону шарафсан,
Ўтмишинг — бир тараф, сен — бир
тарафсан,
Армону аффондан мангу йироқсан;
Сенингдек гулбаҳор йўқдир жаҳонда,
Сенингдек ҳур диёр йўқдир жаҳонда.

Олтинсой

Олтинсойнинг сойларига шарбат қуяр булоғи,
Тариқпоя қирларида ўйнар эчки-улоғи,
Ёзда йиғиб емишини, қишда толмас билаги;
Жўшқин сой-у булоқларнинг кони бўлган Олтинсой,
Чорвадорлар меҳнатининг боли бўлган Олтинсой.

Шилдир-шилдир сувларида сузиб юрар оқ ғози,
Сурув--сурув қўйни ҳайдаб чўпон мамнун қиш-ёзи,
Йилдан-йилга кўпаяди кўз олгувчи сур қўзи;
Марду майдон чўпонларнинг кони бўлган Олтинсой,
Меҳнат қилиб элимизнинг холи бўлган Олтинсой.

Бахт елидан яйраб ётар чексиз ўтлоқ жойлари,
 Биялари қулун туғса, от бўп кишнар тойлари,
 Қўк ойдан гўзалроқдир бунда қишлоқ ойлари;
 Бағри балқиб, бойликларнинг кони бўлган Олтинсой,
 Завққа тўлган элимизнинг шони бўлган Олтинсой.

Адирида етиштирган тоғ-тоғ тилло дони бор,
 Дастурхони тўкин-сочин, жизза тўла нони бор,
 Боғбонлари кўп ажойиб, бунда майиз кони бор;
 Турли-туман меваларнинг кони бўлган Олтинсой,
 Куйлаб турган қўшигимнинг жони бўлган Олтинсой.

Қишлоғига меҳмон келса кўрар иззат-сийини,
 Ильич нури ёритмоқда кўркам қурган уйини,
 Бунда отам Пўлкан ўтмиш халққа куйлаб куйини;
 Бахши юрти, куй-қўшиқнинг кони бўлган Олтинсой,
 Бахт йўғрилган пешонамга толе бўлган Олтинсой.

Шарофжон Орифий



*(Шаҳрисабз шаҳридаги қадимий Оқсаройнинг
 гиштин парчинларидан беш қиррали пахта чаноғи
 сурати топилди).*

Қўлимда товланар оппоқ тошчаноқ,
 Ҳаяжондан титрар, титрар юрагим.
 Хаёлимда мозий жонланар шу чоқ,
 Мозий-ла юзма-юз турар нигоҳим.

Кафтимда тошчаноқ, кумушдай ёрқин,
 Мужассам ажодлар юксак камоли.
 Офтобни шимирган эй деҳқон халқим,
 Бу чаноқ меҳнатинг қутлуғ тимсоли.

Оҳ, тошчаноқ мени айлади мафтун,
 Асрлар кечмишин сўйлаб бирма-бир.
 Англадим боболар қалбин зарбларин,
 Зарбларнинг гувоҳи қўлимда ахир!..

Ўзбекнинг бағри кенг, иқболи баланд,
 Сурури чаноқнинг тасвирида жо.
 Машриқдан мағрибга аёндир ҳарчанд,
 Пахтапаз хислати — мангу муддао.

Донишманд илмидай азиз, табаррук
 Шу чаноқ рамзида меҳру, садоқат.
 Дунёда нима бор, пахтадан буюк,
 Пахтадир дунёда буюк муҳаббат.

Пахтазор тонгига бўлсам рўбару,
Кулган чаноқларда юз очар дилим.
Бу сурат порлайди, нур сочар ёғду
Унинг ижодкори — Ўзбекистоним!

Чевар

Бир ажиб бўстонга кирдим тонг маҳал,
Қамалак тасвири жо бўлмиш бунда.
Бинафшалар нурга чулғаниб ял-ял,
Товланиб туради турфа хил рангда.

«Нақшбанд» нусхаси гулгун, чиройли,
«Наврўз» манзараси — ям-яшил гулшан.
Чўғдайин порлайди «Наъматак» гули,
Гўё ёнгандайин рангин бир гулхан...

Бу гулзор аро мен сайр этсам хуррам,
Қалблар ҳаяжонга тўладир ҳар чоқ.
Жилоланар бунда атлас ранг гилам,
Сабзавор далалар очгандай қучоқ.

Нафосат соҳиби — лобар бир жувон
Нусхалар яратар, мисли дур-гавҳар.
Бўстоннинг саҳнида уради жавлон,
Саъъати бебаҳо зукко дид чевар.

Назокат меваси — тўшалмиш гилам,
Наздингда мисоли гулгун чаманзор.
Ранглардан яралган латиф бир олам,
Гўзаллик пардози — ям-яшил баҳор.

Муҳиддин Жаббор

ТҮРТЛИКЛАР

Инсон бор, ҳаёт бор, ўлмас ирода,
Мисоли денгиз у, қудратли тўлқин.
Иродали бўлса инсон дунёда,
Бало тошин талқон қилиши мумкин.

* * *

Йигит юрагига ўт солмиш дилдор,
Мудомки ёндирар қилиб интизор.
Ўзи ҳам ёнармиш, ёнишидан у
Чақнаган қуёшдек эмиш бахтиёр.

* * *

Ҳижрон дардин тортиб кўрган ошиқ
билади,
Унинг ҳар бир дақиқаси йилдек бўлади.
Севилсангу севгилигинг фироқи бўлса,
Қор остида яйратгучи баҳор бўлади.

* * *

Тўлин ой тушмоқда тахтидан,
Тонг ели эсмоқда сар-сари.
Қуёшсан кўнглимининг кўкида
Қалбим дилбари!

* * *

Жафо кўрмай десангиз,
Чертинг кўнгил торини.
Дўстлар ичра дўстлар бор,
Билинг вафодорини!





Адҳам Раҳмат



ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

Ҳайдарнинг бошидан кечирганлари

Мушибат эрталаб рўй берди. Кўчада ўртоқлари билан ўйнаб юрган Ҳайдар бирдан ҳовлисидан чиққан фарёдни эшитиб қолди.

— Во-ой, меҳрибоним, бизларни кимга ташлаб кетдингиз? Вой, меҳрибоним!

Бу, Ҳайдарнинг отаси Мирҳамид аканинг жони узилганидан хабар берувчи дод-фарёд эди. Она бошига тушган қора кун ҳақида, етим қолган фарзандлари ҳақида бўзларди. Йиғига бирпасда қўшни хотинлар ҳам чиқиб қўшилишди. Эркаклар бирин-кетин ҳовлига кириб келиб, марҳум ёнида пичирлашиб дуо ўқишар, унинг етим қолган болаларига худонинг раҳми келишини илтижо қилишарди.

Қўни-қўшнилар тезда у ёқ-бу ёқни йиғиштиришди, ҳовлини супуриб-сидириб, келган-кетганлар учун жой ҳозирлашди ва ҳолвайтар қилиш учун қозонга ўт ёқишди. Кичкина Жавҳар қўрқанидан бақириб йиғлар, Ҳайдар бўлса овоз чиқаришдан ҳайиқиб пиқилларди. Рокия хола эса ҳамон фарёд чекиб, бўзлар эди.

Ҳамқишлоқлар Мирҳамид аканинг жанозасига тўпланишди. Атроф қишлоқлардан ҳам таниш-билишлар тезда етиб келди.

Кун ҳаддан ташқари иссиқ, ҳамма жон терига тушган, тобут кўтариб кетаётганларнинг кўйлаклари баданларига чип-чип ёпишарди. Тупроқ шунчалик қизиб кетганидан кўпчилиги ялангоёқ бўлган одамлар зўрға босиб борардилар. Ниҳоят, жасадни элтиб лаҳадга қўйишди, дуои фотиҳа ўқиб, тарқалишди.

□

Эшон Миён Жабборхон ўша замоннинг мўътабар кишиси бўлиб, заркентликларнинг ярмидан кўпи унинг муридлари эди. Эшон ҳар йили ёзда Заркентга мурид овлагани келар, шунда ҳамма унинг йўлига пешвоз чиқиб, эҳтиром билан кутиб оларди.

Муридларнинг кўпчилиги айтгулик ўзига тўқ кишилар бўлмаса-да, эшоннинг ёлғон-яшиқ сўзларига, алдовларига учиб, ўзларини у дунёда дўзах ўтидан шафоат этишини истаб, топган-тутганларини унга назр қилар ва унинг оёғи остига бошларини қўйиб, сигинар эдилар.

Заркентлик бой-боёнлар, домла-имомлар Миён Жабборхоннинг ташриф буюришини интизорлик билан кутишарди. Эшон катта даврада «ширин суханлик» билан воизлик қилиб, ҳаммани ўзига мафтун қилиб қўярди.

Эшон ёшликдан таниш ва қадрдон дўст бўлганидан ҳар гал келганида тўғри Салимбойнинг данғиллама меҳмонхонасига тушарди. Бой эшонни худди туғишган акасидан ҳам зиёда кутиб оларди.

Мирҳамид ака дафн этилганидан сўнг бир неча кун ўтгач, ўн олтинчи йилнинг ёзида, марҳумнинг маъракаси бўлаётган куни Миён Жабборхон эшон қишлоққа кириб келди ва маъракага боришга, марҳумнинг хотирасига дуои фотиҳа қилишга истак билдирди. Ғамбода аёлнинг кўнглини кўтариш эшон-домлаларнинг худо олдидаги қарзи, деди у. Дуои фотиҳадан сўнг амри маъруф қилиб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирди.

Эшоннинг иштаҳаси карнай бўлгани учун ҳам ҳаддан ташқари семириб кетган, уни тўртта азамат йигит эгардан зўрға кўтариб туширган эди.

Дераза орқасидан хотинлар эшоннинг ҳамма гапларини қулоқ бериб эшитиб ўтиришарди. Эшон мушטיפар аёлдан худо ўз сахийлигини дариф тутмаслигини ҳаяжон билан гапирарди.

Шу орада чой ташиб юрган жуда озгин ва қотмадан келган болага эшоннинг кўзи тушиб қолди ва:

- Исминг нима, бўтам? — деб сўради.
- Ҳайдар,— деди бола.
- Ёшинг нечада, Ҳайдаржон ўғлим?
- Ўн учда, эшон бува.
- Ҳайдаржон, сени шогирд қилиб олсам, нима дейсан?

Дастурхон атрофидаги эркаклар, ичкаридаги хотин-халаж ҳам бу гапдан ҳайратланиб, жим бўлиб қолишди. Ҳеч ким эшон ҳазратларининг бунчалик мурувват қилишини кутмаганди.

Адҳам Раҳмат Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг жасоратларини бадиий жиҳатдан ёритиш ва оммалаштиришда самарали ижод қилмоқда. Унинг «Улмас қаҳрамонлар», «Жанговар йиллар», «Кўёшли ўлкада», «Бизнинг боғ», «Тарас», «Тошкентлик казак», «Зафарли йўллардан» сингари ўнга яқин асарларини рус, туркман ва қорақалпоқ китобхонлари ҳам севиб ўқимоқдалар.

Александр Фадеев мукофотининг лауреати — ёзувчи, шоир, драматург Адҳам Раҳмат бу йил 70 ёшга тўлди. Партия ва ҳукуматимиз унинг Ватан олдидаги хизматларини юксак тақдирлаб, СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. У ўз юбилейини янги асари «Жанг суронлари» деган ҳужжатли қисса билан нишонламоқда.

Мазкур қиссада Улуғ Ватан урушининг ветерани — истеъфодаги гвардиячи полковник Ҳайдар Ҳамидовнинг жасоратларга бой машаққатли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Рокия хола ичида: «Менинг ўғлимга оталик қилиб, пешонасини силаса, йўқ дермидим», деб қўйди.

Эшон Ҳайдарни ўқитиб, яхши домла қилиб етиштиражагини айтди. Унинг бу сўзларини эшитган Рокия хола йиғлаб юборди ва эшонга беҳад миннатдорчилигини билдирди.

— Муҳтарам синглим! — деди эшон. — Сиз — онасиз, қалбингизни сезиб турибман. Хотиржам бўлинг, Ҳайдарни ҳар ёзда Заркентга ўзим бирга олиб келаман.

Рокия хола эшонни ҳамон олқар, унга дунёдаги энг эзгу тилакларни тиларди.

Ҳайдар қишлоғи ўртасидан кесиб ўтадиган йўлдан жўнаб кетишидан мамнун эди. Бу йўл жуда узоққа, катта шаҳар — Тошкентга олиб борарди. Ҳайдар бу азим шаҳар тўғрисида онасидан кўп гаплар эшитган, акаси Миртурсун ўша ерда ишларди.

Эшонни аравага ўтқазилари Ҳайдар учун жуда қизиқ бир томоша бўлди. Тўртта хизматкор уни кўтарди, қишлоқдаги энг кучли Деҳқонбой полвон эса мушаклари ўйнаб ётган елкасини тутиб турди. Эшон аравага чиқиб олиш учун унинг елкасига оёқ қўйганида курашларда ерга тегмаган елкаси дир-дир титраб кетди.

Ҳайдар билан хайрлашаётганда Рокия холанинг кўнгли аллақандай бўлиб кетди. Аммо, болам қишлоққа илмли, домла бўлиб қайтди, деб ўзига тасалли берди.

Арава, ниҳоят, йўлга тушди. Филдиракдан кўтарилган тумандек қуюқ чанг қадрдон уйини ва юзини чопон билан беркитиб, кўзёшларини маржондек тўкаётган муштипар онани тўсиб қолди.

Ҳайдар меҳрибон онасидан йироқлашаркан, юраги ачишиб, дунёда энг азиз кишиси орқада қолиб кетаётгани бир умр эсидан чиқмайдиган маҳзун манзара касб этди.

□

Ҳайдар араванинг ярмини эгаллаб ўтирган эшоннинг орқасида чўккалаб келарди. Араванинг ярми эса муридлар, бойлар берган совғасаломлар ва ҳадялар билан тўла. Бир-бирига боғлаб ташланган товуқ ва хўрозлар ҳар замонда «қа-қа»лашиб қўяди.

Эшоннинг орқасидаги лиқ тўла қоплар ўртасида ўтиравериб, Ҳайдарнинг оёқлари увишиб қолган бўлса-да, бехосдан эшонни туртиб юборишдан қўрқиб, қимир этмасди. У Салимбойнинг хизматкори Деҳқонбойнинг эгар устида яйраб ўтирганига ҳаваси келарди. Деҳқонбой отга бемалол миниб олган, вақти-вақти билан отнинг тизгинини тортибгина қўярди.

Ниҳоят, арава қош қорая бошлаган вақтда катта дарвоза олдига келиб тўхтади. Ичкаридан одамларнинг гала-говури, итнинг акиллаши эшитилди. Деҳқонбой отдан сакраб тушди. Кейин ёш-яланг ёрдамида эшонни бир амаллаб аравадан тушириб олишди. Кейин Ҳайдар яйраб нафас олиб, увишиб қолган оёқларини секин қимирлатди.

— Хўш, жиян, ўзинг тушоласанми? — деди қопларни тушираётган Деҳқонбой. Кейин Ҳайдарни даст кўтариб, ерга олиб қўйди-да:— Сенинг қуллик манзилгоҳинг шу ер, жиян! — деди.

— Амаки, нега қуллик деяпсиз? — деб сўради Ҳайдар.

— Сени, ўқитиб мулла қиламан, деб эшон онангнинг бошини айлантириб олиб келди. Булар сени мулла қилиш ўрнига молдай ишла-тиб, жонингни суғуриб олмаса, дейман. Хайр, пешонандагини кўрарсан, аммо ўзингга эҳтиёт бўл, жиян!

Деҳқонбой нарсаларни жойлаб чиққач, эшон билан хайрлашиб, изига қайтди.

— Ҳайдар, ўғлим, қаердасан? — деб чақирди эшон ҳовлида галаговур тиниб, чироқлар ўчирилгач.

Ҳайдар ҳамон катта дарвоза олдида мўлтираб турарди.

— Шу ердаман, эшон бува!

— Мен энди «эшон бува» эмасман. Бундан буён тўғри «ота» деб чақиравер. Сени ўқитаман, тарбия қиламан, худодан товфиқли, инсофли бўлишингни тилайман. Қани, юр!

Уни ичкарига — қоронғи хонага бошлаб кирди. Бу жой катта ошхона бўлиб, пилик чироқ аранг ёритмоқда эди. Ҳайдарга бир бурда нон, чети учган пиёлада чой беришди.

— Бугунча шуни тамадди қилиб ёт. Эртага, худо хоҳласа, насиб этгани бўлади, бўтам. Энди сенга ота бўлдим, сен ҳам чин ўғил бўлишга ҳаракат қил!

Ориқ, бир оз букчайган аёл кириб келди. Лаблари дўрдоқ, кўзлари худди бойқушнинг кўзидай катта-катта эди. Ҳайдар унинг вазоҳатини кўриб, чўчиб кетганидан беихтиёр қўли қалтираб пиёласидаги чой тўкилди.

Аёл унинг қўлидан пиёлани тортиб олди:

— Ичгинг келмаса, пиёлани ўйнама! Қани, менинг орқамдан юр-чи.

Аёл алланимани кўтариб, йўл бошлади. Ҳайдар бўйинини эгган ҳолда унга эргашди. Ошхонанинг ёнида яна бошқа бир хона бўлиб, унга ўчоқларнинг ёнгинасидан кириларди. Бу омборхонанинг бир чеккасига увадаси чиқиб кетган кўрпача ташлаб қўйилганди.

— Шу ерда ётасан, — деб аёл ташқарига чиқди-ю, дарҳол изига қайтди. — Эрталаб барвақт туриб ўчоққа олов қалайсан. Утин ташқарида, болта ҳам ўша ерда. Кейин молларга қарайсан, қолган ишларни ўзим эртага кўрсатаман...

Ҳайдар кир ва жулдир кўрпача устига чўзилди. Заркентни, ойиси ва ака-укаларини, чиннидай тоза уйини эслаб, йиғлаб юборди. Онасининг эркаловчи мулоим овози эшитилгандай бўлди.

У тушида ўзини анҳор кўприги устида кўрди. Кўприкнинг нариги томонида марҳум отаси турганмиш. Отаси касал ётган пайтида жуда-озиб кетган бўлса, энди бақувват, олдинги пайтдагидек қувноқ кўринармиш. Ҳайдар суюнганидан отаси томон югурар экан, ўзини худди учиб бораётгандай ҳис қилармиш. Лекин қанча югурмасин, кўприкнинг поёни йўқдек эмиш.

«— Дада! — деб бақирди Ҳайдар. — Буёққа келинг!»

«Отаси кулиб юборди».

«— Иложи йўқ, ўғлим!»

«— Дада, тўхтаб туринг!»

Отаси бирдан яна озгин бўлиб қолибди, овози зўрға чиқармиш,

— Ҳалиям ухлаб ётибсанми?! — деб ўшқирди эшоннинг катта хотини.

— Дадажон, ухлаганим йўқ, — деди Ҳайдар уйқусираб.

Букри, укки кўз аёл Ҳайдарнинг оёғига тепиб:

— Тур ўрнингдан! — деб қичқирди. — «Дада» эмиш-а...

Ҳайдар кўзини очганда омборхонага эрталабки қуёш нурлари тушмоқда эди. Кўрган туши билан ўнгидаги бир-бирига ўхшамайдиган манзара тентиратиб қўйдими, ҳеч қачон бировнинг олдида йиғламайдиган Ҳайдар бирдан хўнграб юборди.

Ҳайдар энди азонда хўрознинг қичқириши билан ўрнидан турар, ҳадеб ўтин ёрарди. Эшоннинг уйида кун бўйи қозон қайнаганидан, кўп ўтин керак бўларди. Утин етмай қолса, қиёмат қойим бўларди. Эшоннинг укки кўз катта хотини, юзлари бўғирсоқдек дум-думалоқ ўртанча хотинию суюкли кенжа хотини ҳам худди бало-қазодек Ҳайдарга ёпи-

шар, бақириб қичқирардилар. У эшоннинг арзандалари тургунча ишни битиришга ҳаракат қилса ҳам, бари бир улгура олмасди.

— Яна ошхонадаги ўчоққа олов ёқмадингми?! — чийиллаб сўрарди эшоннинг катта хотини.

— Ўзинг ҳам роса худо урган дангаса экансан-да! — дерди ўртан-часи қўлини мушт қилиб.

— Об-бо! — деб минғирларди суюклиси. — Тақсиримга энди қачон чой дамлаб бераман? У киши бомдод намозини ўқиб бўлай, деб қолдилар-ку!

Ҳайдар эртадан кечгача тиним билмас, югуриб-елиб хизмат қилса ҳам бари бир қулоғи тинчимас эди. Бошига «дангаса, ишёқмас, текин-хўр, қишлоқи» деган таъналар тошдек ёғиларди. Баъзан мушт ва шапалоқ ҳам еб турарди. Аммо буларнинг ҳаммасидан ҳам жонига теккани — кечки овқатдан сўнг ҳамма ором олиб уйқуга кетса, Ҳайдар эшонни уқалашга тушарди.

— Ўғлим, қаттиқроқ эз, ҳа баракалла! Биласанми, мен сени намозларимда дуо қиламан, асло кам бўлмайсан, ҳа-ҳа, қаттиқроқ бос! — дерди эшон ётган ерида.

Эшоннинг қат-қат ёғ босган гавдасини уқалайвериш Ҳайдар қора терга тушарди. Миён Жабборхон эса бунақа пайтларда уйқусираган бир овозда Ҳайдарга ҳадеб унинг яхши бола эканлигини, келажакда катта мударрис бўлиб етишишини уқтирарди.

Мудроқ босган Эшоннинг овози аста-секин пасайиб борар, сўзлари оғзидан тушиб кетаётгандай туюлар, пировардида хонани қаттиқ хуррак овози тутиб кетарди. Ҳайдарга энг ёқадиган нарса шу эди. Оёқ учидан ҳужрадан аста чиқиб, омборхонага қараб йўл олар ва ўзини увада кўрпачага таппа ташлаб, шу заҳоти данг қотиб ухлаб қоларди.



Ҳайдар эшоннинг ховлисида роса бир йил яшади. Бу орада февралъ инқилоби бўлиб, Россия империяси ичи пўк қайрағочдек қулаб тушди. Аммо эшоннинг пахса девор ортидаги катта хонадонидан ҳеч нарса ўзгармади.

Ҳамма иш ўз мароми билан бораверди. Миён Жабборхон ҳар куни эрталаб бомдод намозини ўқиб нонушта қилгач, хўжаликни айланар, товукхонага кириб қайси товук қанча тухум қилаётганини сигирларнинг сут бериши қанақалигини суриштиришдан ҳеч эринмас, хотинларидан, қанча қаймоқ, қатиқ, сариёғ ва дурда олинганини суриштиришни ҳам асло унутмасди. Кейин омбору ертўлаларга ҳам тушиб чиқарди.

Энди эшон аввалгидан анча эзма, серзарда бўлиб қолганди. Кечқурунлари Ҳайдар уқалаётган пайтларда эшон кўпроқ гуноҳ ва дўзах азоблари ҳақида жаврар, бунақа гапларни эшитавериш Ҳайдарнинг жонига тегиб кетганди.

У бир сафар нима бўлди-ю эшоннинг белини уқалаётиб, бехосдан тимдалаб юборди. Эшон жон ҳолатда уни бир тепган эди, икки газ нарига чалпақ бўлиб тушди.

— Кўрнамак! — деди бақириб эшон ғазаб билан.

Эртасига эрталаб эшон Ҳайдарни Тошкентнинг Самарқанддарвоза даҳасида турувчи савдогар Салоҳиддинга ўн тиллога сотиб юборди.

Ҳайдарнинг хўжайини ўзгарса-да, аммо тақдирида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Баланд девор ичидаги ҳашаматли хонадоннинг тонг отгандан кун ботгунча қилинадиган машаққатли меҳнати устига бола боқиш каби оғир юмуш ҳам зиммасига тушди.

Ҳайдар она бағридан мулла бўлиш ниятида чиқиб кетганига икки

Йилдан ошиқ вақт ўтди, шу давр ичида не-не уқубатли дамларни бошидан кечирмади дейсиз!

Кунлар, ойлар шу зайлда ўтаверди...

Савдогар Салоҳиддин, унинг ўғли Шамсиддин кейинги кунларда «озодлик, инқилоб, ҳуррият» деган сўзларни тез-тез тилга оладиган бўлиб қолди. Бир куни Салоҳиддин бозордан олти мардикор олиб келиб, катта ҳовлининг икки бурчаги ва чорбоғда олти ердан катта-катта ўра қаздирди. Кечаси тоға-жиянларини, қайноға, қайин иниларини чақириб, омборда қоп-қанорларда турган буғдой, гуруч, мош ва нўхатларни ўрага кўндириб, устидан тупроқ тортдириб юборди.

Ҳайдар ширин уйқуда ётганида Салоҳиддин икки хотини ва ўғли Шамсиддин ёрдамида бутун топган-тутган бойлигини — қўша-қўша ипак гилам, тўп-тўп шойи ва кимхоб буюмларни, хотинларининг қуйма тилла билагузукларини, қашқар балдоғ ва узукларини тонг отгунча токчалар ичига яшириб, устидан ганч билан шуватиб ташлади.



Ун саккизинчи йилнинг июль ойлари эди. Савдогар Салоҳиддиннинг ҳовлисида:

— Сен ўғрисан!!!

— Уғри!!!

— Уғривачча! — деган бақирӣқ овозлар кўчага ҳам баралла эшитилиб қолди.

Ҳайдар бўйинини эгиб, мўлтиллаб турарди. Лекин уй эгалари уни ўраб олиб, роса савалашди.

Ҳайдар болалик қилиб, татиб кўриш учун жиззали кулчадан биттасини олгани рост. Ширин экан, еб қўйди. Нима қилсин, қорни оч эди-да!..

Ҳайдарни бақирӣб-чақирӣб дарвозадан итни қувлагандек қувиб чиқаришди. У нотаниш азим шаҳарнинг қайси кўчасидан юришини, қишлоғига қандай қилиб қайтиб кетишини билмасди. Дарвозанинг ёнгинасидан ўтган трамвай изи она қишлоғидаги чанг йўлга ўхшаш узоқ-узоқларга, номаълум томонларга қараб кетган эди.

Қизил аскар Ҳайдар

Тақдир шамоли Ҳайдарни Қизилтепа станциясига учириб келди. Ҳайдар бу ерда оқу қорани таниди, инқилобчилар сафига қўшилиб, ўзининг бундан кейинги йўлини ҳам аниқлаб олди.

Эрта баҳор. Табиат ҳали уйғонгани йўқ. Мана шу баҳор кунлари Бухорода Қизил Армия сафига кириш учун кўнгиллилар тўпланмоқда эди. Аммо ёши тўғри келмаганлиги учун Ҳайдарни қабул комиссиядагилар кўнгиллилар сафига қабул қилмади. Чунки қонун-қондага мувофиқ йигирма икки ёшдагилар қабул қилиниши керак эди. Ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган Ҳайдар бари бир Қизилтепага қайтиб кетмади. Комиссия бошлиғига ялиниб-ёлворди. Ниҳоят, комиссия аъзолари уни қолдиришга розилик билдирдилар.

Унга ҳам бошқалар қатори қизил юлдуз тақилган қалпоқ, гимнастёрка ва галифе шим, милтиқ беришди. Ҳайдар аслида отлик аскар бўлмақчи эди, лекин кўнгиллилар отлик аскарликка эмас, пиёда аскарликка олингани учун унга от ва қилич беришмади.

Сиёсий машғулотлар Ҳайдар учун катта бир мактабга айланди. Ротанинг сиёсий раҳбари бу қобилиятли йигитчага кўпроқ эътибор бе-

ра бошлади ва ҳадемай рус ва ўзбек тилларида бемалол ўқиб, ёзадиган бўлди. Она қишлоғи Заркентга ёзган хатини «Қизил аскар Ҳайдар» имзоси билан жўнатди.

Рота командири Гинатуллин бир кунни Ҳайдардан:

— Командир бўлишни истайсанми? — деб сўради.

— Қани эди! — севинчини яшира олмади Ҳайдар.

У командирликка ўқиш кераклигини билмасди. Рота командири Гинатуллиндан Тошкентда Урта Осие миллий ҳарбий мактаби борлигини, у ерда Қизил Армия командирлари тайёрланишини эшитди. Бу мактабга боргунча Ҳайдар Шарқий Бухорода босмачиларга қарши қизғин курашларда қатнашди. Босмачилар билан бўлган шиддатли жанглар Ҳайдарнинг ҳаётида унутилмас бўлиб қолди.



Биринчи ўзбек ўқчи батальони Бухорода жойлашганди. Иброҳимбек тўдалари қишлоқларни қон қақшатиб, фаолларни ўлдирмоқда, халқни аёвсиз таламоқда эди. Тарихда биринчи марта меҳнаткаш халқ ҳақида ғамхўрлик қилаётган ҳокимиятнинг ашаддий душманлари ислом динининг яшил байроғи остига тўпланган эдилар.

Уша йилларда Совет ҳукумати босмачиларга қарши курашга Будённийнинг машҳур отлиқ аскарларини юборди.

Иброҳимбек қўрбошининг йигитлари таълим олган, тажрибали бўлса-да, аммо уларда на уюшқоқлик ва на тартиб-интизом, на энг муҳими — жонни фидо қилишга арзигудек ғоя бор эди.

Янги ҳокимиятни қурол кучи билангина эмас, эътиқод ва ишонч кучи билан мустаҳкамлаш зарур эди. Ана шундай мураккаб ва шарафли вазифани бажариш қисман Ҳайдар Ҳамидов хизмат қилган биринчи ўзбек ўқчи батальони жангчилари зиммасига тушди.

Май ойида ўзбек батальони Бухородан Қогоң станциясига олиб келинди ва улар темир йўл бўйлаб Қарши станциясига боришди.

Қаршида ўтказиладиган операция олдидан кўп кишилик митинг бўлди. Митингга Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси Йўлдош Охунбобоев ва республика Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаевлар ҳам етиб келишди.

Файзулла Хўжаев катта эҳтирос билан гапириб, Шарқий Бухорода босмачилик устидан тезроқ ғалаба қозонишга чақирди.

Батальон Будённийнинг отлиқ аскарлари кетидан йўлга тушди. Ҳар бир ротанинг ўз ҳаракат маршрути бўлиб, Ҳайдар Ҳамидовнинг ротаси Қарши, Ғузур, Дарбант, Бойсун, Сарносиё, Шеробод томонларда ҳаракат қилди. Мудофаа чораларига алоҳида эътибор берилди. Жанговар пистирмалар қўйиб, аҳоли яшайдиган жойларда соқчилар сонини кўпайтириб, илгарилаб кетишди. Отлиқ аскарлар душманнинг асосий кучларини изма-из қувиб борарди. Писиб қолган майда тўдаларни эса тор-мор қилиш рота зиммасига юкланган эди.

Жанговар вазифадан ташқари кенг омма ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб бориш ва уларга ёрдам бериш керак эди. Улар ҳар бир қишлоқда икки-уч кун тўхтаб ўтишар, халқ ўртасида суҳбатлар ўтказишар, армия ҳаваскорлари эса концерт қўйиб беришарди. Ҳаваскорлар орасида Ҳайдар ҳам бор эди.

Баъзан қишлоқларда яшириниб қолган қулоқлардан ранжиётган бева-бечоралар ҳам учраб турарди. Қишлоқ Совети раислигига ўтириб олган, аслида босмачи ва бойлар тарафдори бўлган мунофиқлар ўрнига камбағал-деҳқон вакилларидан сайлаб, активларга ва комсомол ячейкаси ишларига ёрдамлашардилар.

Жанговар юриш июль ойининг ўрталарида поёнига етди. Баталь-

оннинг ҳамма роталари Шерободга тўпланди. Дам олишнинг учинчи куни катта сайил бўлди. Файзулла Хўжаев билан Йўлдош Охунбобоев яна ўзбек жангчилари ҳузурида меҳмон бўлиб, аскарларга таълим ва жанговар ишларида катта муваффақиятлар тиладилар.

Орадан икки йил ўтгандан сўнг алоҳида ўзбек ўқчи батальони асосида 42-ўзбек тоғ кавалерия полки тузилди. Бу пайтда қизил аскар Ҳайдар Ҳамидов ҳарбий билим юртида эди.



Тонг ёришгач, буйруқ эшитилди:

— По-од-ём!! Жисмоний тарбияга сафланинг!

Тонг шабадаси юзингни силаб-сийпалагандай бўлади, этингни бир оз жунжиктиради. Лекин жисмоний машқ танингни қиздириб юборади.

Ювинишга рухсат берилгач, Ҳайдар сочиқни олиб кетаётган эди, қулоғига, бир аёл Ҳайдар деган қизил аскарни қидириб юрган эмиш, деган гап чалиниб қолди. Ҳайдарнинг юраги ҳовриқиб кетди. У Бухорода эканида уйига хат ёзган, аммо жавоб ололмаган эди. Ҳайдар ювиниш учун югуриб кетди. Мактаб қалъа ичига жойлашган, аскарлар қалъанинг ёнгинасидан ўтадиган анҳорда ювинишар эди.

У дарвозадан чиқиши билан дарахт остида юзини чопон билан ёпиб, чўнқайиб ўтирган аёлга кўзи тушди. Кампирнинг қўлида бир варақ қоғоз, қалъадан ким чиқса шунга узатади. Аёл ўша қоғозни Ҳайдарга ҳам узатди. Қоғозни олган Ҳайдарнинг қўлидан сочиғи тушиб кетди. Аёл ўтирган ерида сочиқни олиб, унга узатди.

— Онажон! — беихтиёр қичқириб юборди Ҳайдар.

— Вой болажоним-ай!..— деб йиғлаб юборди аёл. У дарахтга қандай суянган бўлса ҳамон шу ҳолда ўтирарди.— Сенмисан, болам, Ҳайдармисан?

Улар бир-бирларига узоқ тикилиб қолишди.

— Агар сен чиндан ҳам менинг ўғлим — Ҳайдарим бўлсанг, бошингда чандиқ бўлиши керак...

Ҳайдар онанинг олдига тиз чўкли.

— Шўрлик бошинг нималарни кўрмади,— пиқиллаб йиғлади она. У ҳам қувонар, ҳам йиғлар, ора-сира ўғлининг бошидаги чандиқни пайпаслаб кўрарди.— Тушимми, ўнгимми — ишонмайман. Сени қишлоқда ҳамма ўлдига чиқарган эди. Аввалига роса қидирдим. Эшон Миён Жабборхоннинг ҳам ҳоли жонига қўймадим. Сен боламини ўқитиб, мулла қиламан, деб ўз қўлимдан олиб чиқиб кетган эдинг, уни қаёққа гумдон қилдинг, кимга бериб юбординг, топасан, деб туриб олдим. Эшон жуда кўрқиб кетди. Роса қидиртирди. Савдогарни ҳам қидиришга мажбур қилди. Улар қанча қидирса ҳам сени топишолмади. Қидириб-қидириб тополмаганларидан сўнг сени ўлдига чиқардик. Тирик бўлса, уйини топиб келарди, ёш бола эмас, деди ҳамма. Сени кута-кута кўзларим нигорон, бағрим қон бўлди, болам! — деди она.

Ҳайдарнинг томонига бир нарса тиқилгандай бўлиб:

— Она... Онажоним! — деб қучоқлади онасини.

Она бечоранинг бошидан не кунлар кечмади. Унинг тўнғич ўғли Миртурсун тошкентлик бойниқида қанча ишласаям бири икки бўлмай, яна уйига қайтиб келди. Иккинчи ўғли Мирсултон касалга чалиниб, кўз юмди. Зор-зор йиғлаб она бечора уни ўз қўли билан қора ерга қўйди. Қишлоқ Советига раислик қилаётган Деҳқонбой бўлмаганида Жавҳар ҳам у дунёда бўлармиди. Барака топкур, Жавҳарни болалар уйига жойлаштириб қўйди.

Ҳайдар бошлиқлардан жавоб олиб, онаси билан шаҳарга — ҳарбий комиссариатга йўл олди. У ерда қизил аскарнинг онаси — Рокия

холага тезлик билан нафақа расмийлаштирилди. Она ҳар ойда нафақа олиб турадиган бўлди.

Ҳайдар онасини Заркентга кетадиган қўқон аравага ўтқизар экан, унинг юзларидан, оқ оралаган сочларидан тўйиб-тўйиб ўпди. Меҳрибон онажони ҳам «ўлиб тирилган» эркатойини бағрига босиб, юзларидан, пешонасидан ўпиб-ўпиб:

— Энди сени ҳукуматга топширдим. Бошинг тошдан бўлсин, болажоним! — деди.

Арава жилди. Она бечора ўғлидан кўзини узолмасди. Арава чорраҳадан бурилиб кетгандан кейингина Ҳайдар қалъага қайтди.

Ҳарбий мактабда

1925 йил, кеч куз пайти.

Отиш майдонига Урта Осиё миллий ҳарбий мактаб бошлигининг ўринбосари, комбриг Мирбадаловнинг ўзи келиб қолди. У баланд бўйли, қотмадан келган, салобатли киши эди. Олтинсимон кичкина пенсенеси ҳам ўзига жуда ярашиб турарди. Комбриг Мирбадалов нишонга ўқ отаётганларни бирма-бир кўздан кечириб чиқди ва шулар ичида Ҳайдар Ҳамидовнинг нишонга бехато отишидан мамнун бўлиб, жангчилар сафи олдида унга ташаккур эълон қилди.

Ҳайдар сафда тик турган ҳолда:

— Уртоқ, комбриг, бир илтимосим бор эди, айтишга рухсат этинг? — деди.

— Рухсат, гапиринг!

Ҳайдар дона-дона қилиб, бундан уч ой илгари ҳарбий мактабга ўқишга келганини, аммо уни курсантлар сафига қабул қилишмай, болалар уйдан келган ёшлар ротасига қўшиб қўйишганини айтди.

Ҳақиқатан ҳам ротадаги болаларга қараганда Ҳайдарнинг устунлик томони бор эди. У бир йил қизил аскар бўлиб хизмат қилган, босмачиларга қарши курашларда қатнашган эди. Ротадаги янги келган болалар эса эндигина қўлларига милтиқ олиб, отишни ўрганаётган ва пулемётни биринчи дафъа кўраётган бўлсалар, Ҳайдар бу қурооллар билан босмачиларга қарши курашган эди.

— Уртоқ комбриг, мени ёшлар ротасидан курсантликка ўтказишингизни ўтиниб сўрайман?

Комбриг Мирбадалов Ҳайдарнинг сўзларини диққат билан тинглади ва ундан:

— Қайси бўлинмага кирмоқчисан, ўртоқ қизил аскар? — деб сўради.

Шу пайт Ҳайдарнинг кўз олдидан от устида шамолдек елиб, қилич ўйнатиб кетаётган суворийлар ўтгандай ва: «Эскадрон, олға!» деган буйруқ эшитилгандай бўлди-да:

— Уртоқ комбриг, отлиқ аскар бўлсам дейман, — деди.

Орадан икки кун ўтгандан сўнг ёш тарбияланувчилар ротасининг қизил аскарлари Ҳайдар Ҳамидовни Урта Осиё миллий ҳарбий мактаб отлиқ аскарлар бўлинмасига курсант қилиб қабул қилиш ҳақида буйруқ келди. Тарбияланувчилар рашк аралаш ҳавас билан уни кузатиб қолишди.

Бошда Ҳайдарга осон бўлмади. Чунки билими унча етарли эмас, бунинг устига курсдошларидан уч ой орқада қолиб кетганди. Аммо бўш келмади, қийинчиликлардан тап тортмади. У отлиқ аскар бўлишни орзу қилган бўлса ҳам, эгарда қандай ўтиришни мутлақо билмасди. Қир-

ғиз ва туркман отрядларидаги курсантларга ўхшаш эгарда қўйиб қўй-
гандек ўтиришни ўрганиш анча мушкул эди.

Ҳайдар ниҳоят улардан отни елдириш ва қандай тўхтатишни ўрган-
ди. Бора-бора машқларни ўринлатиб бажарадиган бўлди, уста чаван-
доз бўлиб етишди. Иккинчи курсдаги муваффақиятлари учун уни бў-
линма командири қилиб тайинлашди.

Тез орада, Урта Осиё миллий ҳарбий мактаби 1918 йилда шахсан
Владимир Ильич Лениннинг кўрсатмаси билан очилган ва эндиликда
унинг номи билан юритилувчи Умумқўшин командирлари ҳарбий би-
лим юрти билан қўшилиб кетди.



Билим юртининг 50 йиллиги муносабати билан истеъфодаги полков-
ник Ҳайдар Қурбонovich Ҳамидов қўмондонликдан олган табрикнома-
сида шундай сўзлар ёзилган:

«Биз сизнинг Совет Қуролли Кучлари тенгдоғи бўлган билим юр-
тимизни тугатганингиз билан фахрланамиз».

Ҳайдар билим юртида ўқиган кезлари кўпгина яхши дўстлар орт-
тирди. Айниқса Маҳмуд Қосимов билан Олимжон Аҳмедов унинг сир-
дош дўстлари эди. Олимжон Улуғ Ватан уруши даврида фашист бос-
қинчиларига қарши қаҳрамонона курашиб, ғалабага озгина қолганда —
1945 йилнинг 19 март куни жанг майдонида ҳалок бўлди. Полковник
Маҳмуд Қосимов эса урушдан ғалаба билан қайтиб келганидан сўнг
бир қанча вақт Фарғона область ҳарбий комиссари бўлиб, истеъфого
чиққач, Фарғона шаҳар ижроия комитетининг раиси лавозимида иш-
лаб юрганида, 1964 йилда тўсатдан вафот этди. Ҳайдарнинг ўша йил-
лардаги жанговар дўстларидан Абдували Собиров ҳозир пенсионер,
кексалик гаштини сурмоқда. У Алексей Баксов, Алексей Гарькавийлар
билан ака-укадай қадрдон эди.

Тўрабек Жонибеков деган яна бир қирғиз дўсти ҳамма нарсада
Ҳайдарга ақл ўргатмоқчи — дўстлар билан қандай муомала қилиш,
айрим командирлар билан гаплашганда ўзини қандай тутиш, ёқтириб
қолган қизни қандай ром этиш кабиларда Ҳайдарга устозлик қилмоқ-
чи бўларди...

Ҳайдар бўш вақтини кўпинча машғулотларга тайёргарлик кўриш
билан ўтказарди. Бир куни Тўрабек Ҳайдардан сўраб қолди:

— Нега мунча мукка тушиб ўқиганинг ўқиган? Шундоқ ҳам би-
ринчилардан бўлиб олдинг-ку!

— Тагин ҳам кўпроқ билгим келади-да! — деб жавоб берди Ҳай-
дар.

— Сен шундоқ ҳам кўп нарсани биласан. Ҳеч ким пулемётдан сен-
чалик яхши отолмайди, милтиқ, тўппончани ажратиб-йиғишда олдинга
тушадигани кам, отда юришда нақ чавандознинг ўзисан.

Ҳайдар бу гаплардан суюниб қўйди. «Қимсан — Тўрабек Жонибе-
ков от минишимни мақтадими — демак, ўрганганим рост!»

— Тўрабек ака, одам кўп нарса билган сари кучлироқ бўлаётган-
га ўхшайди. Шахсан мен ўзимни шундай ҳис қиляпман.

— Бу хилда куч тўплаш сенга нима учун зарур бўлиб қолди?

— Душмanning додини бериш учун-да!

— Сенинг душманинг ким?

— Советлар ҳокимиятига ким душман бўлса — ўша менинг душ-
магим! — деди Ҳайдар.

Жонибеков кулиб қўйди.

Ёзги таътил кунлари бошланди. Курсантлар ҳар тарафга жўнаб
кетишди. Тўрабек Жонибеков ҳам кетди-ю, шу кетганича қайтиб кел-
мади.

Душманини ким?

Отлиқ аскар қисм командирлари бўлишга ҳозирланган курсантларни битирув кечаси арафасида Урта Осиё ОГПУ чегара ва ички қўшинлар бошқармасига таклиф қилишди. Уларни бошқарма бошлиғининг ўринбосари Иван Иванович Ламанов қабул қилди. У чегара хизмати ташкил этилиши устида қисқача тўхталиб, чегарани муҳофаза қилиш ҳақида шахсан Владимир Ильич Лениннинг ўзи 1918 йил 5 майдаги декретга имзо чекканини уқтирди.

Шунингдек, Иван Иванович босмачилик тарихига қисқача тўхталиб ўтди. Бу ҳаракат илк марта Туркистонда ўн саккизинчи йилда жаҳон империализми ёш совет республикасига ҳужум бошлаган кезларда пайдо бўлган эди. Мана эндиликда совет халқи Октябрь инқилобининг 9 йиллигини нишонламоқда. Шунга қарамай, халқаро империализм ҳамон пролетар давлатини бўғиб ташлаш пайида. Эрондан Жунаидхон, Помир ортидан Иброҳимбек лашкарлари чиқиб келди. Ички душманлар — қулоқлар, бой ва руҳонийлар ҳам ғимирлаб қолди...

— Ҳа, чегарачилик хизмати осон эмас. Ана шунинг учун ҳам унга энг яхшиларнинг яхшиси танлаб олинади. Бундай шахсий жасорат, қўмондонлик қила билиш, маҳаллий аҳоли билан топишиш, сиёсий тарбиявий ишларни олиб бориш маҳоратлари эътиборга олинади, — деб сўзини тугатди Ламанов. — Чегарачилик санъати ҳам шунда.

Иван Ивановичнинг ўзи ҳам ажойиб командир, жуда довурак киши эди. Шу сабабдан ёш командирларга энгил ҳаёт ваъда қилмай, бор гапни рўй-рост айтди-қўйди ва уларни, хусусан, ўзбеклардан биринчи бўлиб ҳарбий таълим олган ва эндиликда чегара қўшинларида биринчи ўзбек командирлари бўлиб қоладиган Ҳайдар Ҳамидов, Маҳмуд Қосимов, Абдували Собиров ва Олимжон Аҳмедовларни чин қалбдан табриклади.



— Онажон, сиз мен билан бирга кетасиз, — Ҳайдар шундай деб туриб олди.

Рокия хола ҳайрон бўлиб, ўғлига қаради-да:

— Вой ўлмасам, мен... бир аёл бўлсам, — деди.

У, илмсиз она ўқимишли ўғлига ҳамроҳ бўлолмайди, деб ўйлаган бўлса керак. Ҳайдар онасига ётиғи билан тушунтира бошлади.

Ахир, қайси фарзанд ўз онаси билан бирга бўлгиси келмайди дейсиз.

Ҳайдар уйда роппа-роса ўн бир йил бўлмади. У ўқишни тугатгач, онам ва акам Миртурсун билан бирга яшаймиз, деб ўйлар эди.

Рокия хола эса Ҳайдарнинг шундай йигит бўлиб етишганига ич-ичидан суюнардди. Чунки бир пайтлар ундан тамом кўнглини узган, ўлдига чиқарган эди-да. Уни, қайтиб келади, деб сира ўйламаган эди. У бўлса тирик, бунинг устига саркарда. Ўзига ўхшаш яхши-яхши ўртоқлари ҳам бор.

Рокия хола, ўғлининг ёнида бўлганидан ўзини ёшариб кетгандек ҳис қилди. У понушта, тушлик овқат ҳозирлар, кир юварди. Ўғлининг қайтишини интизорлик билан кутиб ўтирар эди. Ўғли ишда узокроқ ушланиб қолгудек бўлса, Ушнинг қоқ ўртасидаги тахти Сулаймон тоғига бориб, тоғ атрофида ўтирган шайхларга садақа берар, шайхлардан Ҳайдарнинг номига туморча ёздириб оларди. Рокия хола кунлардан бир кун, Уш атрофи, ҳатто шаҳарнинг ичи ҳам нотинч, деган гапларни эшитди-ю, ташвишга тушиб қолди. Ўғлимни бевақт ўлимдан, фалокат-

лардан ўзи асрасин, деб худога илтижо қиларди. Ҳайдар эса онажон, кечга қолсам ҳавотир олиб, ортимдан борманг, деб неча-неча марта тайинлар эди. Роқия хола ўгли қизил командир, қўлида аллақанча қизил аскар, ҳаммаси ҳам қуроолланган, мард йигитлар эканини яхши биларди. Ҳайдар уларнинг ажойиб баҳодир йигитлар экани ҳақида онасига гапириб берган эди.

Кунларнинг бирида манёврчи взводдан бири торгина дарада тўсатдан босмачилар қуршовига тушиб қолади, улардан фақат бир неча кишигина қуршовни ёриб чиқишга муваффақ бўлади.

Ваҳший босмачилар ҳалок қилинган чегарачиларнинг мурдасини қилдич билан чопиб, тилка-пора қилиб ташлаган эдилар. Чегарачилар эртасига ҳалок бўлган ўртоқларининг мурдаларини Ушга олиб келиб, дафн қилдилар.

Кўшни хотинлардан бири:

— Марҳумлар орасида ўғлингиз Ҳайдар ҳам бор экан, уни ўз кўзим билан кўрдим, — деган шум хабарни топиб келди. Ҳайдар ўн кундан бери уйда бўлмагани учун Роқия хола бу гапни эшитиши билан ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳушига келиб кўзини очганида ёнгинасида ҳеч ери шикастланмаган Ҳайдарни кўриб, худога минг қатла шукур қилди.

— Илоё умринг узоқ бўлсин, ўғлим, — деб шивирлади она.

Шу-шу, Роқия холанинг тинчи бузилди. Сулаймон тоғидаги шайхлар қизил аскарларни, советлар ҳокимиятини қарғашар, авом халқни большевикларнинг гапига қулоқ солмасликка, уларни йўқ қилиб ташлашга даъват этардилар.

Бу сўзларни эшитган Роқия хола муқаддас тоққа чиқишни ҳам, ифвогар шайхларга назр-ниёз беришни ҳам йиғиштириб қўйди. У энди уйда ўтирмай қизил аскарлар турадиган бинонинг дарвозаси яқинига бориб, кириб чиқиб турганларни соатлаб кузатиб турарди.

— Онажон, бунча ташвишланмасангиз, нега мени кутиб, овора бўлиб келдингиз?

Роқия хола ёш тўла кўзлари билан ўғлига тикиларкан, шивирлаб:

— Юрагим бетоқат бўлаверди, бирон фалокат рўй бердим, деб келдим, болагинам, — дерди.

Онасини шунчалик ташвишда қолдирганини ўйлаб, Ҳайдарнинг юраги сиқиларди.

— Балки, онангни Заркентга жўнатганинг яхшироқ бўлар, ташвишинг камаяди, — деб маслаҳат берди Маҳмуд Қосимов бир куни.

— Билмадим, онам мени ташлаб кетмасалар керак, — деди Ҳайдар унга жавобан.

— Биз кўндирамыз, — деди Алексей Гарькавий.

У ўзининг қувноқлиги, оққўнгилиги билан Роқия холанинг меҳрини қозонган эди.

Айни қаҳратон қишда, қалин қор ёққан кунларнинг бирида, Ҳайдар меҳмон бўлиб келган акаси Миртурсун билан онасини Заркентга кузатди.

Орадан кўп ўтмай, шу пайтгача манёврчилар взводининг командири бўлган Ҳайдар Ҳамидовни баланд тоғ заставаси бошлиғига ўринбосар қилиб тайинлашди.

Баҳорда Миртурсун уйланди ва қишлоқда янги ташкил қилинган колхозга аъзо бўлиб кирди. Роқия хола катта ўғли ва келинининг олдида қолиб кетди.

Чегарадаги биринчи жанг

Бу жанг бир умр эсда қолди.

Воқеа Турук дарасида рўй берди. Дарага уч юзга яқин босмачи беркиниб олган эди. Улар тўда-тўда бўлиб ҳаракат қилар, ҳар сафар жангдан сўнг торгина унгурга чекинишиб, яраларини боғлаб, яроғ-аслаҳаларини тартибга солиш билан шуғулланишарди...

Разведка ва ерли аҳоли фаоллари келтирган маълумотларга қараганда, босмачилар тўдасининг асосий қисми баланд тоғлар билан ўралган қишлоқда экан. Шунинг учун ҳам улар фақат қишлоққа борадиган ва қишлоқдан чиқиб кетадиган йўлларгагина пойлоқчи қўйган... Атрофни баҳайбат қоялар тўсиб турарди.

— Уртоқ Ҳамидов, шу қоялардан ошиб ўтишингиз керак бўлади, — деди операцияга бошчилик қилаётган бўлинма командири Соколов. — Душман дара орқали жанубга чекиниб, чегарадан нариги томонга ўтиб кетмоқчи. Жанговар группамизда, маълумки, ҳаммаси бўлиб юз киши бор. Душман бизга қараганда уч ҳисса кўп. Шунга қарамай, улар устига тўсатдан бостириб боришимиз керак. Улар ҳақда бизга ҳамма нарса маълум, аммо улар биз ҳақимизда ҳеч нарса билишмайди.

Режа боддийгина эди: Соколовнинг ўзи бош бўлган икки взвод босмачиларнинг дарадан чиқиш йўлини тўсиб туради, Ҳамидовнинг взводи эса айланиб ўтиб, эрталаб соат роппа-роса саккизда осмондан тушгандек орқа томондан душманга зарба беради. Соколов қўмондонлигидаги взводлар чор томондан ўт очиб, тўппа-тўғри ҳужумга ўтади, ҳамма взводлар бирлашиб душманни қуршаб олади.

Ноябрнинг тинч сокин туни. Акса урсанг тоғларда момақалдиरोқдек акс-садо беради. Қоронғида тоғлар янада юксак ва баҳайбат бўлиб кўринади. Қоялар қояларга, чўққилар чўққиларга мингашиб кетган. Қаттиқроқ нафас олсанг ҳам биров эшитаётгандек туюладиган бундай пайтда кичкинагина тош юмалаб кетса нақ тошбўрон бўлаётгандек туюлади. Шунинг учун ҳам отларнинг туёғига латта боғлаб, яроғ-аслаҳаларни яхшилаб ўраб, эҳтиётлик билан йўл босиб борардилар.

Ҳайдарнинг взводи аввалдан мўлжалланган жой томон илгарилаб борар, аммо Соколовнинг взводларида иш бошқачароқ эди. Улар йўлга чиққанидан сўнг чорак соат ўтар-ўтмас душман томонга разведкачилар юборилди. Афсуски, разведкачиларнинг биттаси ҳам қайтиб келмади. Уларнинг иккитаси ерли аҳолидан, учтаси қизил аскар эди. Маълум бўлишича, душман пистирмаси ўт очмай, шов-шув кўтармай, ҳийла билан разведкачиларни битта-битта тутиб олган экан. Босмачилар чегарачиларнинг ҳужум бошлашга ҳозирлик кўраётганини билиб қолиб, ўрталарида тўс-тўполон бошланган. Олдинги жанглардан сўнг ҳамон ўзларини ўнглаб ололмаганликлари сабабли яна жангга киришга юрақлари дов бермай ярадорларни ҳам ташлаб, дарадан шошилинич жануб томонга қочмоқчи бўлишган.

Эрталаб қуёш дара ва жарликларни ёритар-ёритмас, Ҳайдар Ҳамидовнинг взводи режа бўйича душман устига орқа томондан атака бошлади. Соколов взводидан эса ҳамон дарақ йўқ эди.

Кўққисдан ҳужум қилиш плани барбод бўлганини Ҳамидов тушунди. Демак, онда-сонда эшитилган ўқ овозлари босмачиларнинг жанг билан қуршовдан ёриб ўтаётганидан, бутун оғирлик Соколовга тушганидан далолат берар эди. Ҳамидов взводи шошилиб қочаётган босмачилар орқасидан қувлашга тушди... Босмачилар пала-партиш ўқ узиб,

чекинарди. Қўлга тушган асирларнинг айтишича, босмачилар халқдан талаб олган бойликларини сақлаб қолиш мақсадида жанг қилишдан кўра, бу тош қопқондан тезроқ чиқиб кетиш пайида бўлган.

Душман қароргоҳидаги ўчоқларда олов ҳануз тутаб ётар, босмачилар овқатланишга ҳам улгуролмай, қозондаги овқатларни ҳам ташлаб қочган эдилар. Улжалар йиғиштириб олиниб, ярадор ва асирлар жўнатилгач, Ҳамидов ўз взводига овқатланиш учун рухсат берди. Шу пайт Соколов командирлик қилган взводларнинг жангчилари ҳам етиб келди. Улар овқатланиб бўлганидан сўнг маслаҳатлашиб, душманни таъқиб этишнинг фойдаси йўқ, деган қарорга келишди. Чунки босмачилар чегарадан ўтиб улгурган эдилар.

Шу қадар пухта ишлаб чиқилган операция нима учун барбод бўлганига Ҳайдар қаттиқ афсусланарди.

— Босмачиларнинг асосий тўдаси зарбамиздан жон сақлаб, қутулиб қочиб қолгани учун сизнинг ҳеч айбингиз йўқ, ўртоқ Ҳамидов, тунда тоғдан ошиб ўтиб, ўз вақтида ва аниқ мўлжалга чиққанингиз учун сизга ташаккур эълон қиламан,— деди Соколов вазмин оҳангда.

□

Ҳайбатли тоғларнинг ёлғизоёқ сўқмоқ ва тор доволари этаклари гача ям-яшил, унга қараган кишининг баҳри очилади. Юракни орқага тортиб кетувчи қоронғи жарлик ва оппоқ чўққилар кишини беихтиёр сергак қилиб қўяди. Дунёда энг ширин сув ҳам, энг мусаффо ҳаво ҳам тоғда бўлади.

Советлар ҳокимияти тоғликларни ҳам қулликдан озод этди. Осойишта ва тинч меҳнат қилишга шароит яратди, бой-зодагонларнинг ерини мусодара қилиб, меҳнаткаш халққа тақсимлаб берди.

Чегара яқинидаги тоғларда эса ҳамон кураш давом этарди.

Ҳайдар янги телпак билан тўн кийиб, устидан энлик камар боғлади. Камарга қилич ва дўппонча осиб олиш мумкин. Мўйнаси ўсиқ телпак ҳам қўйиб қўйгандек ўзига ярашди. Ойнага қараб туриб, анча ўсиб қолган мўйловини буради.

Алексей Гарькавий билан Алексей Баксов Ҳайдарни биринчи марта шундай уст-бошда кўришлари эди.

— Худди босмачининг ўзи бўлиб қолибсан! Биронта белги осиб олмасанг, ошна, адашиб, отиб қўйиш ҳеч гап эмас!

Ҳайдар бўйнига дурбин осиб олди.

— Қалай, белги ўрнига ўтадимиз?

— Бўлаверади...

Кўнгилли отряд тузилмоқда эди. Унга Ҳайдар Ҳамидов командир этиб тайинланган. ОГПУ чегара ва ички қўшинлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари ўртоқ Ламанов кўнгилли отряд қандай тузилаётганини текшириб кўриш учун Уш комендатурасига келди. У отряд аъзоларининг рўйхатини текшириб, ҳар бир аскарнинг ким, қаердан эканини суриштирди. Шунингдек, Ҳайдар Ҳамидов командир сифатида бу кишиларни биладими, йўқми — қизиқди.

— Ҳаммасини яхши биламан, булар учун бошим билан жавоб бераман,— деб жавоб қилди Ҳайдар.

Яқинда бир фожиали воқеа содир бўлган эди.

Кўнгилли отрядлардан бирига босмачилар таъсиридаги бир неча бой болалари суқилиб кириб олган экан. Кўнлардан бир кун ўша атрофда изғиб юрган кўрбоши Қаип понсод йигитлари чегарачилар постига ҳужум қилганда, бой болалари ўнта қизил аскарни ўлдириб, босмачиларга қўшилиб кетганлар. Ана шунинг учун ҳам Ҳайдар Ҳамидов отрядни шахсан ўзи яхши билган кишилардан тузмоқда эди.

Кўнгиллилар отрядлари тасодифан тузилмаган эди. Ўша пайтдаги

мураккаб шароитларда фақат шундай отрядларгина муваффақият билан ҳаракат қилиши мумкин эди. Зеро, отряд жангчилари яқин атрофдаги қишлоқлардан бўлганликлари учун кимлар босмачиларга ёрдам беришини, босқинчилар тўдалари чегарани ёриб ўтишга шайланаётганда кимлар йўл кўрсатишини яхши билардилар. Кўнгиллилар фақат жангчигина эмас, айни вақтда меҳнаткаш халқ ўртасида совет ҳокимиятининг сиёсатини тушунтирувчи ташвиқотчи ҳам эдилар.



— Отря-ад, отланинг!

Эрта тонгдан то қош қорайгунча улар эгардан тушишмас, қоронғи тушиб қолса, дуч келган жойда тунаб қолаверардилар. Душман билан бўлган қизгин жангларда чарчаган бўлишларига қарамай, ерли аҳолини тўплаб, суҳбат ўтказардилар. Дара ёки тоғ сўқмоғида қоронғи тушиб қолгудек бўлса, ўша ерда омонат қароргоҳ қилишар, тонг ғираширасида яна босмачиларни таъқиб қилишни давом эттирардилар. Босмачилар қоронғи кечаларда ҳеч қаёққа қоча олмасдилар. Тоғ йўлларида кечаси юриш мушкул эди.

Қўрбошилар халқдан талаб олган бойликдан бир қисмини нариги томондаги чегарачилар бошлиқларига оширар, ўзлари эса шу ҳисобга кун кўрарди. Савдогарлар ҳам, бой чорвадорлар ҳам улар атрофида парвона эди. Босмачилардан от ва сигирларни, кигиз-гилам, кўрпа-тўшак, кийим-кечакларни арзон гаровга сотиб олиб, қиммат баҳога сотишар, бойлик устига бойлик орттирар эдилар. Босмачилар ҳордиқ чиқариб, ярадорларнинг жароҳатини тузатиб олгач, гоҳ йирик, гоҳ майда тўда бўлиб, яна совет чегарасини бузиб ўтишарди.

Ҳайдар ўз отрядини белгиланган чегара чизиғига бошлаб борди. Ҳайбатли тоғ ва қояларни, қорайиб турган дара ва оппоқ чўққиларни дурбин билан бирма-бир кўздан кечирди.



Оқшом пайтида отряд гор оғзига келиб тўхтади. Ҳайдарнинг руҳсати билан овқат пишириш учун олов ёқилди. Кундузи қишлоқдан қўй, нон сотиб олишган эди. Таян-торождан, ўлимдан қутқариб қолинган кишилар бор нарсаларини бирга баҳам кўришга тайёр бўлсалар ҳам, чегара қўшинларига халқдан текинга ҳеч нарса олмаслик ҳақида буйруқ берилган эди.

Эндигина гулхан ёқиб, жанговар соқчиларни жой-жойига қўйишган ҳам эдики, тоғ томондан от дупури эшитилиб қолди. Қимдир от чоптириб, ўқдек учиб келмоқда эди.

Тор-сўқмоқдан чиқиб келган эгарсиз от жангчилар яқинига келганда ҳуркдими, икки оёғини осмонга кўтариб сапчиди. Устидаги чавандоз уни тинчитди-ю, бош тарафидан аста сирғалиб ерга тушди.

Ҳайдар унинг чавандозлигига қойил қолиб:

— Хўш, яхши ййигит, қаёқдан ва кимнинг олдидан келяпсан? — деб сўради.

Чавандоз тез-тез нафас олар, ҳансираганидан гапиролмасди.

— Буёққа яқинроқ келавер, қўрқма!

— Қўрқаётганим йўқ.

У гулханга яқинроқ келди. Еруғда оппоқ тишлари ялтирар, кўзларида ўт чақнарди. Қулоқчинига қирғий патидан уқпар тақиб олганди.

— Кечирасиз, синглим...

Кутилмаган меҳмон — қирғиз қиз командирга беихтиёр тикилиб қаради.

— Кечирасиз, синглим, исмингиз нима?— деб сўради командир.

— Ойқиз,— деди у кулимсираб.

— Ойқиз, Ойдин қиз...— Унинг номини айтаётганда Ҳайдарнинг овози титрагандек бўлди.

Йигитга бу қиз бутунлай бошқа дунёдан келгандай, юлдуз ёки ойдан тушгандай туюлди. Нима бўлганда ҳам кураш ва жанг хавфу хатарларига тўла бир пайтда бу қизнинг булар олдига кириб келиши ҳайратланарли эди.

Қиз ташвишли хабар олиб келган эди. Ҳайдар паривашнинг ёқимли овозига маҳлиё бўлиб, унинг айтганларини аранг англаб олди. Қиз,

юзга яқин босмачи узоқ довон оша чегарадан ўтиб, Қоратош қишлоғига кириб, халқнинг мол-мулкни талаётганини, эркакларни қўрбошига йигит бўласан, деб зўрлаётганликларини, хотин, бола-чақа ва оналарнинг қон-қон йиғлаётганликларини, ёш келинчаклар шарманда бўлишдан кўра ўзларини жарга ташламоқчи эканликларини гапириб берди.

Ойқиз чиндан ҳам шундай дедими, йўқми, ҳар қалай Ҳайдар шуларни пайқагандек бўлди-ю, ўзида шу пайтгача сезилмаган мислсиз бир жасорат ҳиссини туйди. Гўё сеҳрлангандек қизга маҳлиё бўлиб қолди. Жангчилар бир-бирларига қараб, мийиғида кулишаётганини ҳам сезмади.

Йлгари заставада ошпазлик қилган, кўнгилли отрядга эса ўз ихтиёри билан ёзилган хушчақчақ Сидоров ҳазилдан ўзини тия олмай:

— Тамом, командиримиз адо бўлди!— деди.

Ҳамма кулиб юборди. Ойқиз уларга бир ўкрайиб қўйди. Сидоров хижолатдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кейин гулхандаги қўй осиб қўйилган ёғочни айлантиришга тушди.

— Тайёр бўлиб қолдимиз ёки гўштни кўмирга айлантириб, бизни оч қолдирмоқчимизан?— деди кекса жангчилардан бири ҳазил аראлаш.

Ҳил-ҳил бўлиб пишган гўштни ошпаз Сидоров эпчиллик билан бўлиб ташлади. Буғи чиқиб турган катта-катта гўшт бўлакларини ким пишчоқ, ким милтиқ найзаси билан илиб оларди. Ойқизни ҳам меҳмон қилишди. Лекин Ҳайдарнинг ҳеч нарса егиси келмас, негадир иштаҳаси йўқ эди.

Овқатдан кейин Ойқиз хайрлашди. Ҳайдар отни тизгинидан етаклаб, қизнинг олдига олиб келди. Ойқиз ҳайрон бўлиб:

— Қизик, унча-мунчага тизгинини тутқизмайдиган асов отнинг сизга жим турганини қаранг!— деди.

— У менинг кўнглимда нималар кечаётганини сезяпти-да, сулув қиз!

Ойқиз жилмайди-да, бир сакраб, эгарсиз отга миниб олди.

— Омон бўлинг, командир йигит!

У отнинг бўйнидан қучоқлаганча елдириб кетди. Туёқ товушлари эшитилиб турмаганда буни тушга йўйиш мумкин эди.



— Зап қиз эканми?! — деди Сидоров.

Ҳайдар тундлик билан буйруқ берди:

— Отланинг, ўртоқ Сидоров! Заставага маълумотнома олиб борасиз.

Босмачи тўдаларини тор-мор қилиш учун барча кучларни бирлаштириб, ҳамма воситаларни ишга солиш зарур эди. Ҳайдар маълумотнома ёзиб, Сидоровга берди. Лекин заставадан буйруқ келишини кутиб, қўл қовуштириб ўтира олмасди. Шунинг учун у уч ёққа — Қизилдор довони йўлидаги уч қишлоққа разведка юборди. Агар ҳужум қилингу-дай бўлса, албатта, шу қишлоқдан ўтишга тўғри келарди.



Қоратошга юборилган разведкачиларнинг эрталаб олиб келган хабарига қараганда, кечаси қишлоқда душман айғоқчилари бўлган. Ҳайдар бу жойларни яхши билса ҳам, яна бир марта дала харитасига кўз югуртирди. Застава бошлиғига ўринбосар бўлиб хизмат қилган кезлари у ерни беш панжадек билиб олганди.

Маълумотнома олиб кетган Сидоров қайтиб келди. У олиб келган операция плани Ҳайдар ўйлаганидек чиқди. Бундан у анча мамнун бўлди: Кўнгиллилар отряди Қизилдор довонидан ўтиб, давлат чегарасига олиб чиқувчи йўлни беркитиш ва босмачилар тўдасини тўхтатиб, тор-мор қилиб ташлаши керак. Душман билан қаерда жанг қилишни отряд командири Ҳайдар Ҳамидов белгилаши лозим. Разведка берган маълумотга қараганда, босмачилар Қоратош қишлоғига бориш ниятида эканлиги маълум бўлди. Бу қишлоққа келиш учун улар албатта «Шайтон кўприк» дан ўтар эди.

Худди ана шу «Шайтон кўприк»да босмачи тўдасининг йўлини тўсиб чиқиб, мағлубиятга учратиш мўмкин. Жуда қулай жой — тоғ дараси бир оз кенгайган, отряд бемалол ёйилиб жойлашса бўлади. Маълумотномада операцияда бошқа отрядлар ҳам қатнашиши, уларга муайян топшириқ берилгани айтилган эди.

Ҳайдарнинг разведкачилари душман ҳаракатини кузатиб борар, отряднинг ўзи эса, сўқмоқ бошланадиган кичикроқ довон орқасига яшириниб олган эди. Отряднинг кузатаётганини босмачилар билмас, аммо ҳар эҳтимолга қарши ҳийла ишлатмоқда эдилар. Улар кетаётган йўлнинг ўнг тарафида кичкина қишлоқ бор. У ёққа разведкани чалғитиш учун кичик бир группа юборилган, асосий кучлар эса Қоратош қишлоғи томон йўл олган эди.

Ҳайдар қоя қирралари панасидан дурбинда «Шайтон кўприк»ни кузатиб турарди. У ерни ҳақиқатан «Шайтон кўприк» деганларича бор: Жуда пастликда тош ва харсангларни оқизиб кетувчи шўх ва ўжар тоғ дарёси ўкириб оқар, унинг шовқини эса қулоқни қоматга келтириб, ҳатто ўз овозини ҳам эшитишга имкон бермас эди.

«Шайтон кўприк» аслида Россия империясининг дастлабки чегарачилари томонидан қурилган эди. Унгурнинг икки чегарасига осиб қўйилган торгина тахта кўприк ҳар қадам босганда титраб, гижирларди. «Шайтон кўприк» номи эса шунчаки одамларни қўрқитиш учун қўйилган эмас, бу ерда кўпгина фалокатлар рўй бергани учун ҳам уни шундай деб аташган. Кексаларнинг айтишига қараганда, кўпни кўрган, уста чавандозлар ҳам кўприкдан ўтаётиб, жарликка қулаб кетган.

Ҳайдар отряд жангчиларига довон ортида шай туришни буюриб, ўзи беш жангчи билан кўприкни кузатмоқда эди.

Дарадан ёйилиб чиққан босмачилар кичик-кичик тўдаларга бўлиниб, кўприкдан ўта бошлади. Ҳайдар сабр-тоқат билан босмачиларнинг кўприкдан ўтиб бўлишини кутиб турарди. Аммо нариги қирғоқда бир-

дан жанг бошланиб кетди. Қўнгилли отряд жангчилари командирнинг қўққисдан отишма ва атака бошланиб кетиши мумкин, деган сўзларини эсда тутиб, шай бўлиб туришган экан, бирдан ўт очишди ва бу тарафда ҳам жанг бошланиб кетди. Пулемётлар тариллар, гранаталар портларди. Босмачилар икки томондан ўт ичида қолган эдилар. Улар ўртасида парокандалик рўй берди: нима қилишларини билмай, ўзларини ҳар томонга урар, пала-партиш ўқ отишар, кўплари эгардан учиб-учиб кетарди. Чўчиб кетган отлар сўқмоқдан тўғри қизил аскарлар томонга қараб чопди.

Жанг узоқ чўзилмади.

Қўрбоши бир неча йигити билан торгина унгур орқали қочиб қолди. Қизил аскарлар кўпгина ўқ-дори, милтиқ ва пулемётларни ўлжа олдилар. Отряд жангчилари қочганлар кетидан қувмоқчи бўлганларида Ҳайдар уларга рухсат бермади. Чунки, ҳар бир тош, ҳар бир харсанг, ҳар бир унгур ва тепалик панасига беркиниб олган душман уларга қирон солиши мумкин эди.

Кўприкнинг нариги томонида босмачиларнинг орқасидан ҳужумга кирган жангчилар кўринди. Ҳайдар тўсатдан кўприк устидан югуриб келаётган командирлик камарини таққан кишига кўзи ушиб:

— Командир Баксов-ку! — деб қичқириб юборди. — Алексей! Дўстим! Сенмисан? Оббо шайтон-эй!

Улар қучоқлашиб кўришдилар. Ҳарбий мактабда бирга ўқиб, энди бирга хизмат қилаётган дўстлар учрашиб қолишган эди. Баксов қўшни заставада хизмат қиларди.

— Дўстим, қандай қилиб ўз вақтида ёрдамга улгурдинг? — қизиқсиниб сўради Ҳайдар.

Алексей Баксов ярим взводга яқин аскари билан тунги соқчиликдан қайтиб келаётганида «Шайтон кўприк»ка зудлик билан етиб бориб, кўприкдан ўтаётган босмачи шайкасининг орқа томонидан ҳужум қилиш ҳақида буйруқ олганини айтди.

— Ана шу буйруқ бажарилди, ўртоқ серсоқол!


Ҳайдар кулиб, қоп-қора соқолини силаб қўйди.

— Нима бало, соқолни ўстириб, мулло бўлмоқчимисан?

— Топган гапингни қара-я, Алексей, соқол олдиришга вақт бўлмаяпти. Қоратошга қайтиб боришим билан олдириб ташлайман.

Улар отда ёнма-ён суҳбатлашиб боришарди.

Отряд босмачилар ўтолмаган Қоратош қишлоғига яқинлашди. Уларни карнай-сурнай билан кутиб олишди. «Шайтон кўприк»даги жангда ғалаба қилишмаганида бу ерда ҳозир карнай-сурнай садолари ўрнига кишиларнинг дод-фарёди эшитилган бўларди. Босмачилар қишлоққа ўт қўйиб, кулини кўкка совурган, ҳамманинг қолган-қутган мол-мулкини талаб, хонавайрон қилган бўларди.





«Исми жисмига монанд, тоғ санами — сулув Ойқиз, қаердасан, отингинг туғни ҳозир қайси сўқмоқни титратмоқда? Уша чиндан ҳам сенмидинг ёки кўзимга одам қиёфасида кўринган фариштамиди?» деб ўйлаб борарди Ҳайдар. Аргумоғининг юришига монанд қўшиқ эшитилаётгандек бўларди. Отини чоптурса, гўё қўшиқ тезлашар, лўкиллашиб юрса, қўшиқ ҳам секинлашаётгандек бўларди. Гўё бу қўшиқ ич-ичидан қайнаб чиқаётгандек эди.

Қиз бир кўриндию ғойиб бўлди. Тоғда Ойқиз исмли қиз оз дейсизми? На ота-онасини, на уруғ-аймоғини билса.

Ёз ўтди. Тоғлардаги яшил дарахт, ўт-ўланлар сарғая бошлади. Кечалари тушган қировдан ўтлоқлар оқариб қоларди. Ёзи билан яйловларда яшаган халқ тик қоялар бағрига қалдирғоч инидек жойлашган тоғ овуллари ва қишлоқларга қайта бошлади. Бу ўлкада асрлардан бери турар жойларни ўтиш қийин бўлган тоғ бағирларига қуришарди. Қиш кезлари ҳамма ёқни қор босадию, тоғ қишлоқлари билан алоқа узилди. Ман-ман, деган довураклар ҳам қишда йўлга чиқишга ботина олмайди.

Холхўжа қўрбошининг ўлими ҳақида эртаксимон гаплар юрарди. У қишда, қалин қор ёққан пайтда Катта Олой дараси оша чет элга йўл олибди. Йўлда ҳам, ўзи қурол-яроғ ҳамда талаб олган бойликларни олиб кетаётган бутун тўдаси ҳам от-потлари билан қор кўчкиси остида қолиб кетибди.

Ун саккизинчи йилда пайдо бўлган ва Ғарбий Тянь-Шанда талончилик қилиб, одамларни, совет ходимларини ёвузларча ўлдириб юрган шайқаси кўп марта қамалга олинса ҳам, кўпни кўрган тулки бўлгани учун Холхўжа нуқул қопқондан қутулиб, ғойиб бўларди. Кейин чет элдан яроғ-аслаҳа ва ёрдам олиб, яна каллакесарларни тўплар, яна ҳужум бошларди. Бир сафар яқин орадаги заставани тор-мор қилди. Қўшни заставада эса чегарачилар турган уйни ёқиб юборди. Уша йили тоғда қиш бошланиб, қалин қор ёққунча бу тарафда қолиб кетди. Шундан кейин қорасини кўрсатмади.

Ҳақиқатан ҳам ўшанда Холхўжа тўдаси қор кўчкиси остида қолгани аниқ. Холхўжадан кейин унақа йирик тўда бўлгани йўқ. Тўғри, яна икки каллакесар Жонибек қози билан Қайип понсод тўдаси босқинчилик қилар, бу қузғунларнинг қаноти калта, тўдаси кам бўлса ҳам, бари бир анча зарар етказиб турарди. Холхўжа жанубий Қирғизистонни Россиядан ажратиб олиб, унга ҳокими мутлоқ бўлишни орзу қиларди.



Ҳайдар бошлиқ бўлиб турган заставага ғалати бир хабар етиб келди: Бир кўчманчи овул ўз-ўзидан ғойиб бўлиб қолибди. Унча катта овул бўлмаса ҳам, одамлари зич экан. Демак... кўп!

Ҳайдар учта чегарачини олиб ўтов тикилган жойга етиб келди. Музлаб қолган ердаги ўт-ўланлар сомондек сарғайган, аммо ўтовларнинг ўрни билиниб турар, ўчоқлардаги кул илиқ эканлигига қараганда, овул атиги бир неча соат аввал ғойиб бўлганга ўхшайди.

«Овул нега кўчди?» — Ҳайдарнинг хаёлидан шу савол нари кетмасди.

Овул босмачилар юрадиган йўллардан четроқда, уларнинг кичик-кичик тўдалари, овулга келганда ҳам ҳеч кимга дахл қилмасди. Бу овулнинг чегара яқинига кўчиб келганига бор йўғи бир йил бўлган эди. Энди бўлса улар чегара тарафга — Қизилдор довоғига йўл олипти.

Ҳайдар икки чегарачига из қувиб бораверишни буюрди. Ўзи эса

таниш сўқмоқдан от солди. Чегарага бир чақиримча қолганда уларни кўриб қолди.

— Ҳа, оғайнилар, йўл бўлсин?

Тоғ оралиқлари ҳали қоронғи бўлса ҳам, довон ёришиб қолган. Этни жунжиктирувчи изғирин эсмоқда. Шу он ҳуштак чалинганга ўхшаш овоз эшитилди. Ҳайдар ўзини катта харсанг панасига олди. Қулогининг ёнгинасидан чийиллаб ўқ ўтди... Бир қиз қичқириб юборди. Кейин аёлларнинг йиғи-сигиси эшитилди. Бир оздан кейин ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди-да, яна бақир-чақир кўтарилди. Ҳайдарга қизнинг овози танишдек туюлди. Тўппончани қўлга олиб, югуриб борганида одамлар қизни ўраб олишган, унинг қўллари пешонасида, бармоқлари қип-қизил қонга бўялган эди.

— Ойқиз! — деб қичқириб юборди Ҳайдар.

— Мен Сафаргулман, — деди қиз йиғлаб, шундай деди-ю, отдан қулаб тушди. Кекса аёл — онаси унга отилди. У аюҳаннос тортиб йиғлар, қизига ўқ отганга лаънатлар айтиб қарғарди. Яхшиям, ўқ қизнинг чаккасини ялаб ўтган экан.

Ҳамма шошиб турарди. Қариялар тўпланиб, Ҳайдарнинг ёнига келишди. Ҳайдар улардан нима сабабдан овулни ташлаб кетишаётганини сўраган эди, улар:

— Овул Совет райси қишда барча аёллар умумий, жамоатники бўлади, ҳамма бир ўтовга қамалади, эркаклар аёллар ёнига ҳафтада бир марта қўйилади, деди, — деб жавоб беришди.

Муаллим бу гапга ишонманглар, бу беҳуда, иғво гап, деса ҳам, ҳеч ким унга қулоқ солмапти. Чунки у келгинди, қолаверса ёш экан. Овул Советининг райси эса мўътабар киши, қуръон ўқишни ҳам биларкан. Шу сабабдан ҳам кўчиб кетаётган эканлар.

Ҳайдар бу иғво гапларни эшитиб:

— Овул Советининг райси ким ўзи, ҳозир қаерда? — деб сўради.

Ҳамма уни қидиришга тушди. Лекин, топишолмади. Тўс-тўполонда қочиб қолибди. Маълум бўлишича, ўзини овул Советининг райси деб танитган одам аллақадан келиб, баҳордан бери улар билан яшар, эртаю кеч шу ҳақда гапириб, одамларни йўлдан оздирган экан.

— Отахонлар, айтинглар-чи! Агар у сизларни ҳақ йўлга, яхши ишга бошлаган бўлса, қочиб кетармиди?! — деди Ҳайдар қизишиб.

— Уқ отган ҳам ўшанинг ўзи, ўз кўзим билан кўрдим, — деди ўша ерда турган ёшлардан бири.

Аёллар яна дод-фарёд кўтаришди, куйиниб қарғашга тушишди. Ҳайдар эса кексаларни уйга қайтишга, иғвога учмасликка, совет ҳукумати меҳнаткаш халқ ҳукумати эканини, совет ҳукуматининг душманлари бойлар, қулоқлар, босмачилар эканини батафсил тушунтирди.

Кексалар ҳаммани тўплаб орқага қайтишга қарор қилдилар. Чошгоҳга бориб, овул эски жойига келиб ўрнашди.

Ҳайдар овулдан қайтар экан, ярадор қиз турган ўтовга кириб, ҳолаҳвол сўради, унинг онасига тасалли берди.

— Сафаргул, — деди Ҳайдар уялинқираб. — Сиз Ойқизни танимайсизми?

Сафаргулнинг жилмайган чеҳраси буришди:

— Яхши йигит, бунақа қизни эшитмаганман, — деди у.

Ҳайдар чиқасола эгарга ўтириб, отга қамчи босди.



Қиш барча довон ва сўқмоқларни қор билан кўмиб ташлади. Паст-баландликлар ҳам текисланиб кетди. Жарликлар ҳам йлгаридек

чуқур кўринмас, қияликлар негадир энди унчалик тик туюлмас, қояларнинг ўткир чўққилари пасайиб қолгандек эди. Чор-атроф оппоқ.

Чегарада ҳамма нарса тинчиб, босмачи тўдалари нариги ёқда қишламоқда эдилар. Бола-чақаси бу томонда қолган айрим босмачи йигитлар баъзан яшириниб ўтиб қоларди. Баъзилари эса эски, жулдир кийим кийиб, ўзларини фақир-бечора кўрсатиб, у томондан қочиб ўтаётган киши, деб танитарди. Инглиз разведкаси юбораётган жосуслар ўз оёғи билан тузоққа йлинарди. Чегаранинг нариги томонида Ўрта Осиё инглиз мустамлакаси бўлади, деб ҳамон хом хаёл сураётганлар ниятларига етолмай, кўкракларини захга бериб, нажот истаб ётардилар.

Бирдан довондаги чегара постидан от изи топилгани ҳақида хабар келди. Кечаси кимдир чегарадан ўтипти. Изларнинг чуқур эканлигига қараганда, улар бир киши бўлмаса керак. От изини ўз кўзи билан кўриш учун Ҳайдар довонга отланаётган эди, кўчманчи овулдан бошқа хабар келиб қолди. Икки ошиқ-маъшуқ ота-оналарининг таъқибидан кўрқиб, бу ёққа қочиб ўтган эмиш.

Овулдан хабар топиб келган йигит — комсомол Боймирзанинг айтишича, у ёқдан ўтган йигит жуда уятчан, лекин қиз ўт-олов эмиш. Йигит қизни эмас, қиз йигитни олиб қочган бўлса эҳтимол. Қариялар буларнинг овулга келишига ҳойнаҳой қиз сабабчи бўлса керак, дейишмоқда. Қиз овул Советининг раиси Бекмирзадан уларни янгичасига — совет тартиби бўйича никоҳлаб қўйишни сўрабди.

Ҳайдар билан Боймирза отларнинг жиловини бўш қўйиб, секин боришарди. Сўқмоқнинг энг тор жойида улар эгардан тушдилар-да, отларини ўз ихтиёрига қўйиб, думидан ушлаб, юқори кўтарила бошладилар.

Ёз кунларида уч соатда босиладиган жойга кун бўйи юришга тўғри келди. Улар овулга кириб борганларида чўққининг қоқ учи қизариб, тоғ бағри қораймоқда эди. Бекмирзанинг ўтови ҳам овул Совети, ҳам меҳмонхона вазифасини ўтарди. Қочоқлар нариги ўтовда экан. Қизил гулли кулранг наматни кўтариб, иссиққина ўтов ичига киришди.

Уй бекаси ўрнидан дик этиб туриб, чироқни ёқди. Унинг эри эса ўрнидан оҳиста кўзгалиб, келганлар билан қўл бериб кўришди. Ҳайдарга тўрдан, сандиқнинг ёнидан жой кўрсатди, ўтиришгач, чой қўйиб узатди. Ҳайдар атрофга оҳиста назар солди.

— Яхшимисиз, ўртоқ командир? — деган таниш ва ёқимли овозни эшитиб, юраги аллақандай бўлиб кетди...

Оппоқ садафдек тишлари ўчоқдаги олов нурида ялтиллаб турган қиз унга танишдай эди.

— Ойқизмисан? — деб сўради Ҳайдар.

Ўтовдагилар жимиб қолишди.

— Қаёққа ғойиб бўлган эдингиз, Ойқиз, Ойдин қиз? Сизни роса изладик-да!..

— У томонда севган йигитим бор эди, ўртоқ командир. Ушани излаб, охири топиб келдим.

Ўтов бекаси уҳ тортиб юборди ва:

— Йигит қизни олиб қочиши баъзан учраб туради, лекин қиз йигитни олиб қочганини биринчи эшитишим! — деди.

— Вэй худойим-ей, нима фарқи бор? — деди Ойқиз.

Ойқиз ўзи комсомол аъзоси эканлиги, кўнгил берган йигити — Бойғозин ҳам комсомолга кирмоқчи эканлигини айтди. Аммо Бойғозининг комсомолга киришини билиб қолган акаси уни Тўрабойга хизматчи қилиб бериб юборибди.

Ойқиз севган йигитининг қаёққа ғойиб бўлиб қолганлигини билолмай, кўл қидиради. Отасидан сўрашса, ўғлим Бойғозини нариги то-

монда қизил аскарлар ўлдирибди, деб қўяқолади. Лекин бу гапга Ойқиз ишонмайди. «Йўқ, у ўлган эмас, тирик» деб, уни қидиришга тушадди...

— Ана ўшанда сиз билан учрашган эдик, ўртоқ командир! — деди қиз.

— Ойқиз, Ойдин қиз,— Ҳайдар шу номни оҳиста такрорлар экан, тоғдаги илиқ ёз кечасини эслади.— Топилганингиз яхши бўлди. Мен сизни тушимда кўрган эканманми, деб юрардим.

Қиз хандон уриб кулди. Ҳайдар унинг ёнидаги йигитга назар ташлади: Оддий. Кенг елкалари ва очиқ чеҳрасини айтмаса, ўзига тортадиган ҳеч қандай жойи йўқ. Аммо анча бақувват.

Ҳайдар куёвга сўз қотиб:

— Бахтингиз бор экан,— деди.— Бунақа қизни етти иқлимдан ҳам топиш қийин. Қўша қаринглар!

Йигит жилмайиб қўйди. Ойқиз эса Ҳайдарнинг ички кечинмаларини сезиб, жим қолди.

Ҳайдар қайтиб келгач, застава бошлиғи Мировга чегара бузувчиларнинг антиқа тарихини гапириб берди. Миров ишонқирамай, бош чайқади.

— Антиқа дейсанми? Балки уйдирмадир.

— Нимаси уйдирма? Ҳаммаси рост!



Тоғда кўклам бирмунча кеч бошланади. Пастликда лолалар очилиб, ўт-ўланлар бел баравар бўлганида ҳам, тоғларда кўклам нафаси сезилмайди. Адирдаги ям-яшил гилам ўз лола-қизғалдоқларини тоғ этакларига; кейин янада юқориқоққа узатади. Ана шунда кўкка бўй чўзган тоғларнинг ён бағирлари қизил гулларга бурканади.

Заставада сархуш баҳор бошланган. Қишлоқларда ҳам баҳор. Аммо Қизилдор довонидан ҳали қор ариганича йўқ. У ердаги қалин қор жуда хавfli бўлиб қолган. Эҳтиётсизлик билан қадам ташладингми, зичлашиб қолган қор эски пахса девордек довондан пастга қулайди.

Кўчманчилар яйловга беҳад хурсандчилик билан кўчишади. Қизжуvonлар ясан-тусан қилиб, тақинчоқларини тақиб олишади. Ёш-яланг йигитлар аргумоқларини безашади, янги эгар жабдуқ уриб, юган ва узангиларни ҳам янгилашади. Наврўз байрами яйловда ўтказилади. Ана шундай кунларда катта сайил бошланади, унга ҳар тарафдан чавандозлар келиб, пойга ва улоқ ўтказишади.

Йуннинг ўрталаригача ҳамма яйловларга кўчиб бўлди. Қишлоқ ва овўлларда сули ва арпа майдонларига қараб турадиганларгина қолди.

Чегаранинг нариги томонидан нохуш хабарлар кела бошлади: Қайип понсод билан Жонибек қози беш юздан зиёд ўғри ва каллаке-сарларни тўплаб, бу томонга яна ҳужум қилишга ҳозирлик кўраётганмиш. Уларнинг кичик-кичик тўдалари билан чегарачилар ҳар замонда бир тўқнашиб турарди.

Жонибек қози касал бўлибди, деган хабар олинди. Унинг йигитларига инглиз офицери унвонини олган ўғли Тўрабек бошчилик қилаётган экан. Бу хабар Тошкентга, ОГПУ чегара ва ички қўшинлар бошқармасига маълум қилинди. Ҳадемай бошқарма бошлигининг ўринбосари Иван Иванович Ламапов Жанубий Қирғизистонга ОГПУ биринчи отлиқ аскарлар полкини бошлаб келаётгани ҳақида ҳам хабар олинди.

Ҳайдар эрталабданоқ застава постларини бирма-бир айланиб чиқди. Кейин тўрт нафар қизил аскарни олиб, Қизилдор довони оша яй-

ловга йўл олди. Улар етиб боришганда наврўз байрами айни авжида эди. Бу ерга застава бошлиғи Милов ҳам келди. Байрам дастурхонидан кейин Қизилдорга қайтиш лозим эди.

— Қизиқ, қирғизларда офицер, бор, деб эшитмаган эканман,— деди Милов заставага қайтишар экан.— Сиз-чи?

— Мен ҳам эшитмагандим,— деди Ҳайдар.

Милов сўзини давом эттирди:

— Офицер — қирғиз бойининг ўғли бўлса керак.

— Сизни унинг нимаси қизиқтиряпти? — деб сўради Ҳайдар.

— Тоғларда дўсган қирғиз тоғу тошларни беш панжадек билади. Ҳарбий илмга эга бўлган Тўрабек ўзини каллакесарликдан бошқа яна нималарга қодирман, деб ўйларкин?

— Ҳа, тўғри,— Ҳайдар командирнинг сўзига қўшилди.— Босмачиларнинг янги бошлиғи нималарга қодир эканлигини ҳадемай ўз кўзимиз билан кўрсак ажаб эмас. Қўлидан нима иш келиши ўшанда маълум бўлади.

— Душман ҳаракатга келмай туриб, унинг куч ва имкониятларини билиб олсак ёмон бўлмас эди,— деди Милов.

— Шундай,— деди Ҳайдар. Қирғиз офицерларининг номи унга таниш, лекин, ҳар қанча уринса ҳам, қаерда эшитганини сира эслай олмасди.

— Бугун-эрта Ламанов келиб қолади. Йигитлар ўрта асрдаги дарвишларга ўхшаб кетишибди, сочлари ўсиб елкаларига тушибди, деб қолса нима бўлади? Шунинг учун йигитлар соч-соқолларини тарашлатса ёмон бўлмасди,— деб қўйди Милов.

Ҳайдар ўрта асрдагиларнинг шундай соч қўйишларига унчалик ишонқирамади. Лекин, бари бир сочни олдириш керак. Қор ёғиб, барча йўллар бекилиб қолгач, бошқа заставада командирлик қилаётган Алексей Баксов билан Алексей Гарькавий, Петр Пахомич, Валентин Аржановский ва Ҳайдар қиш ўтмагунча соч олдирмаймиз, деб келишиб қўйишганди. Аммо белгиланган муддат ўтса ҳамки, улар соч-соқол олдиришга унча шошилишмасди. Аржановский худди попнинг ўзгинаси бўлган-қолган, Алексей Баксов қадим замонларда бутга расм солади-ган рассомларга ўхшар, бошқалар ҳам жуда антиқа кўринишда эди.

— Албатта сочни олдираман,— Ҳайдар шундай деди-да, шапкасини пешонасига бостириб олди.

Заставада адаш Алексейлар кутиб турган экан. Ҳайдар уларни кўриб, қувониб кетди. Ўсиб, елкасига тушган соч ҳақида бир нарса демоқчи, ҳазил қилмоқчи бўлди-ю, улгуролмади.

— Қулоқ сол, укажон,— Алексей Гарькавий кимгадир тақлид қилиб, ўшанинг оҳангида гапирмоқда эди.— Биз сен билан ака-укадекмиз...

— Душманларнинг ким, биласанми? — деб сўради Алексей Баксов.

Ҳайдар бу сўзни эшитиб, бир пайтлар таътилга кетганича билим юртига қайтиб келмаган курсант Тўрабек ёдига тушди.

— Худди шундай! — деди Алексей Баксов.— Мен янги кўрбошининг номини эшитишим билан ўшани эсладим.

— Ҳар ҳолда, душманинг тўғрисида ҳеч нарса билмагандан кўра, у ҳақда озми-кўпми тасаввурга эга бўлганинг маъқул,— деди Милов.



Қўшни застава бошлиғи Петр Пахомич, чегаранинг нариги томонидаги Улугчат деган жойда турган иккита йирик душман галаси ярим кечада Ишикард ва Қизилдор довлонларидан чегарани бузиб ўтишга

тайёрланмоқда, деб хабар қилди. Алексей Баксов Петр Пахомичнинг ўринбосари бўлиб ишларди. Ҳайдар беш нафар жангчини олиб, Ишикард довонига жўнади. Тор дарага пистирма қўйиб, тонггача кутиб ётди. Босмачилар кўринмади. Кечаси икки қочқин ва бир контрабандистни қўлга туширдилар. Эрталаб соат еттиларда Ҳайдар пистирмани олиб заставага қайтди.

Ҳайдар деразадан Қизилдор қишлоқ Советининг раиси билан комсомол ячейкасининг секретарини кўриб қолди. Улар ҳовлида дарахт соясида қизил аскарларга алланималарни гапириб беришмоқда эди. Иккаласи ҳам ҳозиргина жанг майдонидан чиққандай уст-бошлари йиртиқ, пешона ва юзларидан оқаётган терни дам-бадам артишарди.

— Нима бўлди, ўртоқ Милов? — деб сўради унинг ўринбосари Ҳайдар.

Милов шошилмай жавоб қайтарди:

— Яйловни босмачилар босибди, — деди Милов хомушлик билан. Фақат шу иккаласи қутулиб қолган. Қаршилиқ кўрсатишга уринган активлардан бир нечасини ҳалок қилишибди. Ойқиз билан эри ҳам босмачилар орасида экан. Энди бориб дамингизни олинг, — деди Милов буйруқ оҳангида.

— Сабингузга нима бўлди? — деб сўради Ҳайдар.

— Ён сўқмоқда жанг қияпти.

— Ундай бўлса, менга ҳам рухсат беринг, жангчилар билан бориб, уларга ёрдамлашай? — деб мурожаат қилди Ҳайдар.

Милов шароитни яхши билмаслигини айтиб, рухсат бермади. Яйлов билан алоқа узилган. Кундуз соат ўн иккиларга яқин заставага терлаб пишиб кетган чавандоз етиб келди. Сабингуз мадад сўрабди. Ҳайдар ярим взвод чегарачи билан ёрдамга отланди. Босмачилар йўлни тўсиб қўйган экан. Тез орада душман тактикаси маълум бўлди: улар ҳеч кимни яйловга яқинлаштирмоқчи эмас. Яйлов заставадан анча юқорида бўлгани улар учун қулай эди. Чегарачилар яқинлашди дегунча уларга пулемётдан ўт очиларди.

Сон жиҳатдан кўп бўлган душман қулай маррага жойлашиб олган. Улар аҳолининг мол-мулки ва чорвасини чегаранинг нариги томонига жўната бошлаган. Чегарачилар душманга ҳалақит бериш учун қўлдан келгунча ҳаракат қилса ҳам, бирон натижа чиқариш мушкул бўлди, чунки кучлар нисбати тенг эмасди. Чегарачилар мадад кучлар келишини кутишга мажбур бўлдилар.

Эртасига эрталаб биринчи отлиқлар полки мактабининг взводи етиб келди. Взводга тажрибали, жасур Притула командирлик қиларди.

«Полк мактаби талабалари взводи келдими, демак, полк ҳам яқин жойда», деб ўйлади Ҳайдар. У заставага қайтганида командир взвод командири Притула олиб келган махфий хатни ўқиб тугатаётган экан. Шу пайт застава ҳовлисида уч чавандоз кўринди.

— Уни қаранг, ўртоқ Милов, Усмон ака-ку! Бир амаллаб қуршовни ёриб ўтибди шекилли.

Чегара заставасининг актив ёрдамчиларидан бўлган Усмон ака, Жумабек ва Болтабойларни... босмачилар элчи қилиб юборишибди. Улар албатта, қайтиб кетишлари керак эди. Чунки босмачилар уларга «Агар хатга жавоб олиб келмасаларинг, гаровга олиб қолинган болаларингни, ота-она ва хотинларингни қириб ташлаймиз», деб шарт қўйган эдилар.

Элчилар олиб келган хат шахсан Ҳайдарнинг номига битилган бўлиб, уни босмачилар додҳоси Тўрабекнинг ўзи ўзбек тилида ёзганди.

«Ҳайдар Ҳамидов! Ёдингда бўлса керак, мен сени «ука, укажон», деб юрардим. Шундай деб янглишмаган бўлсам керак. Ҳозир ҳам сен билан оға-инимиз. Ўзингдан битта кўйлакни ортиқ йиртган акангнинг

маслаҳатига қулоқ сол. Ахир, авлод-аждодларимиздан қолган таомилга кўра, ака ота ўрнида бўлади. Шундай экан, унинг чизган чизигидан чиқмаслик, маслаҳатларига қулоқ солиш керак.

Азиз укажон! Ўзинг кўриб турибсан, биз томон кучли. Кишиларни кўчириб бўламизу эрта-индин заставаларингнинг кулини кўкка совурамиз. Кейин бошқа заставаларга навбат келади. Бизда куч, қурол-яроғ кўп. Биз ҳаммани қириб ташлашга қодирмиз, аммо сенинг ҳалок бўлишингни сира-сира истамайман. Сен қобилиятли офицерсан, бизларга ўтсанг, ўзингга яхши бўлади, сенга мўмайгина ҳақ тўлаймиз.

Укажон, менинг айтганимни қил. Биз билан учрашувга ҳозирлик кўр, бизники эканлигингни амалда кўрсат. Урис аскарларни қуролсизлантириб, Андижон томонга жўнат. Ўзинг заставадаги бор мулк ва ашёларни ҳамда қуролларни отларга юклаб, биз томонга ўт.

Шундай қилсанг, душманинг ким: биз, мусулмонларми ёки улар — ўрис коммунистларими, билиб оласан. Билишимча, ҳали ҳам уйланмаган экансан, бир гўзал қизни кўз остимга олиб қўйибман, отаси бадавлат.

Жавобингни сабрсизлик билан кутаман. Ёдингда бўлсин: биз энг аввал сенинг заставангни босамиз. Шундан кейин бошқа заставаларни тор-мор қиламиз.

Укажон, жавобингни кутаман.

Салом билан, аканг Тўрабек».

Ҳайдар ҳеч қачон бунчалиқ дарғазаб бўлмаган эди. Кўз ўнгидан бири-биридан ёқимсиз башаралар ўта бошлади. Эшоннинг ёғ босган сип-силлиқ юзи; мўйлови тарашланган савдогарнинг башараси кўрингандек бўлди. Кейин лабларини буриб, тишларини ғижирлата бошлади. Кўзларини очиб-юмса ҳам уларнинг башараси кўз ўнгидан нари кетмасди.

— Уртоқ Миров! — деди Ҳайдар.— Нима сабабдан улар мени ўзлари билан бирга бўлади, деб ўйлашмоқда? — Унинг томоғига бир нарса келиб тикилдию гапиролмай қолди.

Миров бош чайқади.

—... Наҳотки, Миров ҳам, адаш Алексейлар ҳам, Петр Топарашев, Сидоровлар ҳам душман бўлса... Наҳотки, Тўрабек унинг дўсти, қадрдониди?!

Ҳамиша мазах қиладиган, дангаса, энди босмачиларга бош бўлиб, халқни талаётган золим Тўрабек унга ака бўлса...

— Уртоқ командирлар! — деди ғам-алам билан Усмон ака.— Биз қайтишимиз керак, фурсат бўлди. Ахир, уларнинг шартини биласизлар-ку!

Ҳайдар билан Миров бирга ўтириб, жавоб хати ёза бошлашди.

□

ОГПУ биринчи отлик аскарлар полки ёрдамида босмачилар яйловдан қувиб чиқарилди. Ҳар қачонгидек жанг майдонини биринчи бўлиб босмачиларнинг бошлиқлари ташлаб қочдилар. Улар кетидан бошқалари ҳам. Улган ва ярадор бўлганларни, халқдан талаб олинган мол-мулк, яроғ-аслаҳа ва ҳатто отларни ҳам ташлаб қочишди. Катта тўда майда-майда гуруҳларга бўлиниб кетди.

□

Минг тўққиз юз ўттиз биринчи йилнинг июлида ҳам босмачилик ҳаракати давом этарди. Майда гуруҳлар ҳар ер-ҳар ерда оч бўридай санқиб, талончилик қилиб юрарди. Ўттиз биринчи йил охирига бориб

босмачиларга шундай қақшатқич зарба берилдики, улардан ном-нишон ҳам қолмади. Тўрабек Помір тоғларида, Хорог яқинида ер тишлади.

Кенгаш бошланишига ҳали вақт бор. Шунинг учун Иван Иванович ҳазилни давом этдирди.

— Бу қанақаси, ўртоқ ёш командирлар, ҳаммангиз кокилдор бўлиб кетибсиз?

— Нима қилибди? — деди Алёша Гарькавий.

— Биз ҳарбий уставни бузаётганимиз йўқ, — дея унга қўшилди. Алёша Баксов.

— Сиз нима дейсиз? — Ҳайдарга юзланди Ламанов.

Ҳайдар қизариб:

— Ўртоқларни қўллаб-қуватлайман, — деди. Алексей Баксов:

— Ўртоқ комбриг, уставда командирлар соч қўйиши мумкин, деб ёзилган, шундай эмасми? — деб сўради.

— Шундай.

Лекин уставда сочининг узунлиги қанча бўлиши кўрсатилмаган, тўғрими?

— Давом этинг...

— Демак, уставни бузмабмиз-да! — деди Алексей.

Кенгашни бошлаш вақти етди. Ламанов душманни тор-мор қилиш юзасидан ўтказилган операцияни бирма-бир таҳлил қилди. Мураккаб вазият юзага келганини айтиб, чегарачилар олдига аниқ топшириқ — тоғларга тарқаб кетган майда группаларнинг қолдиқларини йўқ қилиш вазифасини қўйди. Айниқса ерли аҳоли билан алоқани мустақкамлашга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Ана шундай ҳамкорлик билангина душман устидан узил-кесил ғалаба қилиш мумкинлигини айтди.

— Шундай қилингки, боқинчилар учун поёнсиз тоғ тор бўлиб қолсин, улар ўзларини қўярга жой топа олмасин, — деб сўзини тамомлади Ламанов.

Кенгашдан сўнг Ламанов «сочи узунлар»ни олиб қолди.

— Хайрлашиш олдидан шахсий илтимосим бор, айтсам майлими?

Командирлар диққат билан унга қарашди.

— Хўш, шахсий илтимосимни бажара оласизларми?

— Ҳа... бажара оламиз! — деган овозлар эшитилди.

— Менга ҳа, ёки йўқ, деб аниқ жавоб бeringлар.

— Ҳа, — деб ҳарбийчасига аниқ жавоб беришди.

— Ундай бўлса, сочларингизни тарашлатиб олинглар, — деди Иван Иванович.

Командирлар худди буйруқ олгандек қадларини ростлашди.

— Бу менинг илтимосим! — деб таъкидлади Ламанов. — Ҳадемай, яна ёнларингизга келсам керак...

Аммо Иван Иванович билан яна учрашув командирларга насиб қилмади. Иван Иванович ўша ёзда Туркменистоннинг кўчма қумлари ичида изғиб юрган Берди додҳо тўдаларини тор-мор қилиш вақтида ҳалок бўлди.

Ламановнинг ўлими Ҳайдарга, барча командирларга ва чегарачи жангчиларга қаттиқ таъсир қилди. Унинг айтган гаплари қулоқлари остида жаранглаётгандек бўлади. Ламанов командирларни душманнинг сиф-асорини билиш, мардлик ва садоқатга ўргатган эди.

Унинг таълими беҳуда кетмади. Шогирдлари Ватан душманларига нисбатан шафқатсиз бўлдилар, босмачиларга, ундан кейин оқ финлар-

га, фашист босқинчиларига ҳамда Япон самурайларига қарши курашларда жанговар анъанани давом этдирдилар.

□

Йиллар ўтди.

Шу йиллар ичида улар нималарни кўрмади дейсиз! Босмачиликка қарши кураш йиллари, Халхин-гол ва Фин уруши, Улуғ Ватан уруши, Советлар ҳокимиятини қарор топтириш учун совет халқи олиб борган курашнинг энг асосийлари сифатида тарих саҳифаларига киради.

Икки йилча чегарада хизмат қилган Ҳайдар Ҳамидов отлиқ аскарлар полкига жанговар таъминот бошлиғи қилиб тайинланди. Бир йилдан сўнг заставалардан бирига бошлиқ бўлди. Уттиз олтинчи йилнинг бошларигача чегара қўшинлари сафида садоқат билан хизмат қилди.

Урушнинг дастлабки кунларида

Запасдаги полковник Ҳайдар Қурбонович Ҳамидов энди — кексайган чоғида, ўзи босиб ўтган жанговар йўлларга назар ташлар экан, 1941 йилнинг 22 июнигача бошидан кечирганларининг ҳаммаси буюк синовга ҳозирлик эканини эслайди.

Ҳайдар душмanning Совет давлатини кўролмаслигини биларди. Ер куррасининг олтидан бир қисмини ташкил этган давлатимиз капиталистик давлатлар қуршовида экан, биз доим Ватанимизни ҳимоя қилишга шай бўлиб туришимиз керак, деб ўйлайди.

Босмачилик тамомила тугатилганидан сўнг Ҳайдар Қурбонович чегарачилар мактаби қошидаги курсда ўқиб, уни муваффақият билан тамомлади. Лекин ўзи узоқ йиллар хизмат қилган заставага — чегарачилар сафига қайтмади. Чунки у курсни тамомлаш арафасида кавалериячилар сафига юборишларини илтимос қилиб, Семён Михайлович Будённый номига ариза юборган эди. Унинг аризаси оқибатсиз қолмади.

Ҳайдар Ҳамидов тез орада 19-кавалерия дивизиясининг 41-ўзбек тоғ отлиқ аскарлар полкига эскадрон командири этиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай полк мактаби бошлиғи Собир Раҳимов ўқишга кетиши сабабли Ҳамидов полк мактабига вақтинча бошлиқ бўлди. Собир Раҳимов билан Ҳайдар Ҳамидовнинг дўстлиги ўша пайтда бошланган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ҳайдар Ҳамидов билан Собир Раҳимов Фрунзе номли ҳарбий академия қошида очилган қисқа муддатли курсда учрашиб қолиб, янада қалин дўст бўлишди.

Ҳайдар Ҳамидов Будённый номидаги Қизил Байроқли кавалериячилар курсини муваффақият билан тамомлади. Уни Черкасси шаҳридаги пиёда аскарлар билим юрти курсантларига рота командири қилиб тайинладилар. Ҳамидов ёшларга таълим бериш билан бирга ўзи ҳам ўқишнинг давом этдирди.

Унга ҳарбийчасига қисқа ва аниқ қилиб ёзиш ва гапириш одат бўлиб қолганди. Ҳарбий ҳужжатлар, характеристика, аттестация ёзувлари ҳам қисқа ва аниқ бўлиши керак. Масалан, капитан Ҳамидовга берилган характеристикада: «Капитан Ҳ. Ҳамидовнинг бўлинимаси ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда яхши, жангга доим шай, жангчи ва командирлар ўртасида капитаннинг обрўси баланд. Ҳамидов тўғри қарорга келишга моҳир, ўз режасини қатъият билан амалга оширади, шахсий тайёргар-

лиги, чавандозлик, мерганлик ва тактик тайёргарлиги аъло», дейилган.

1941 йил февралда капитан Ҳамидовни алоҳида Киев ҳарбий округи 5-армиясининг 35-ўқчи дивизиясига қарашли 120-алоҳида разведка батальонининг командир ўринбосари қилиб тайинлашди. Деярли барча қўшин турларини ўз ичига олган бу разведка батальонида хизмат қилиш мароқли эди. Батальонга автоматчиларнинг моторлаштирилган ротаси, бронетанк ротаси, отлиқ аскарлар эскадрони, алоқа ва хўжалик взводлари кирарди. У худди ана шу ерда илк марта муҳим ҳарбий синовга дуч келди. Барча қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги ва биргаликда ҳаракат қилишини бошқара олмаган одам ҳарбий бошлиқ бўлолмаслигига қатъий ишонди.

120-алоҳида разведка батальони Ғарбий Украинанинг кичик Дубно шаҳрида туради. Май ойининг бошларида 35-ўқчи дивизия ва унга қарашли алоҳида бўлинмалар Острог шаҳри яқинидаги ёзги лагерга кўчиб кетди.

Батальон командирининг ўринбосари капитан Ҳамидов ўз бўлинмаларининг ёзги лагерга қандай жойлашганини текшириб чиқди. Солдатларнинг чодир ўрнатишларини кўздан кечириб, сўқмоққа бир текис қилиб қурилган чодирларни кўриб кўнгли ўрнига тушди.

Оилали офицерлар хотин ва бола-чақаларини ёзги қароргоҳга яқин, Острог шаҳрига кўчириб қелишган бўлса ҳам, капитан Ҳамидов хотини билан икки қизини Дубнода қолдирган эди. Аввало бола-чақалари у ерга ўрганиб қолган бўлса, хотини ҳам у ердан-бу ерга кўчиб юришни ёқтирмас эди. Қизлари Ҳалима олтига, Сайёра эса энди тўрт ёшга қадам қўйганди. Ҳамидов уларни соғинар, яқин орада бориб кўриб келиш имконияти йўқлигидан кўнгли ғаш бўларди.

Орадан кўп ўтмай юқоридан 35-дивизияни ҳам, 120-алоҳида разведка батальонини ҳам Острогдаги ёзги лагердан янги жойга кўчириш тўғрисида буйруқ келиб қолди. Буйруқда айтилишича, ўн бешинчи июнда дивизия бутун состави билан йўлга чиқиши ва давлат чегараси яқинидаги Луцкое деган жойдаги ўрмон ичига жойлашиши керак эди.

120-алоҳида разведка батальони майор Шепавалов бошчилигида йўлга чиқди. Капитан Ҳамидов билан батальон партбюросининг секретари капитан Саркисов батальонга қарашли техника ва бор ашёларни темир йўл орқали жўнатиш учун Острогдаги ёзги лагерда қолишди.

Улар батальонга қарашли техника, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда ўқ-дори, яроғ-аслаҳа сақланадиган омборлардаги ҳамма нарсаларни Острог станциясининг юк ортадиган майдонига келтириб қўйишди.

...Бирдан, 1941 йилнинг 22 июнь тонг отарида Ғарбий Украина осмони фашист самолётлари билан тўлди. Ёзнинг очик, қуёшли куни осмон мусаффо эди. Ўрмонда ўт-ўланлар ва гулларнинг ҳиди анқиб турарди.

Узоқдан бомба ташлаётган самолётларни кўрган Ҳамидов ёнида турган капитан Саркисовга:

— Капитан, менимча уруш бошланганга ўхшайди? — деди.

Капитан Саркисов бунга ишонмади ва:

— Бизни синаб кўрмоқчи бўлишаётгандир,— деб қўя қолди.

— Портлашларни эшитмаяпсанми, уруш дедим-ку, уруш! — деди янада қатъият билан Ҳамидов.

Қулоқни қоматга келтирувчи овозли самолётлар қора булутдек бостириб келар, уларнинг кўланкаси ерда лапангларди.

Мотор овози ва дастлабки ташланган бомбаларнинг портлаш товушлари орасида:

— Энди ишондингми? — деб бақирди Ҳамидов.

Эрталаб радио карнайларидан фашистлар Германияси Ватанимизга қарши хиёнаткорона ўруш бошлагани эълон қилинди.

Ҳамидов Дубнода қолган хотин ва болаларини ўйлаб, уларнинг аҳволи нима бўлди экан, уларни нега олиб келмадим, деб афсусланди. Лекин у ерда ҳам, бу ерда ҳам уларга ёрдам беролмаслигини ўйлаб, ўзига-ўзи тасалли берди.

Тушга бориб, йўллар қочоқлар билан тўлди. Урушнинг биринчи куни охирларида жанг билан чекинаётган қўшинларимиз ҳам кўринди.

Шаҳар бўсағасида мудофаа чизиғи ташкил этилди. Острог шаҳар ҳарбий комиссариати капитан Ҳамидовга, одам кучи ва техника билан ёрдам берамиз, автотранспорт, техника ва одамлар сафарбар этилмоқда, деган бўлса ҳам, урушнинг иккинчи куни охирларидагина иккита бир ярим тонналик юк машинаси ва мутлақо ҳарбий тайёргарлиги йўқ йигирма учта одам берди. Шулар ҳамда ўз ихтиёридаги қирқ беш жангчи, битта эски машқ-ўқув бронемашинаси ва ўнта танкетка билан жангга ҳозирланди. Унинг қўл остидаги жангчилар тартиб-интизомли, таълим олган кишилар, коммунист ва комсомоллар, жанг қилишга шайланиб турган солдатлар эди.

Урушнинг учинчи куни капитан Ҳамидовнинг бўлинмасига сапёрлар батальони, тўғрироғи, батальоннинг қолган-қутган қисми — йигирма нафар жангчию унинг командири келиб қўшилди. Иккала командир биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олди. Ўша куни, 24-июнда Дубно шаҳрини фашистлар ишғол қилгани маълум бўлди. Бу хабарни эшитиб, Ҳамидовнинг юраги увишиб кетди: «Хотиним билан қизларим қаерда қолди экан? Шаҳарда қолишдими ёки бошқа қочоқлар билан йўлларда тентираб, сарсон-саргардон бўлиб юришганмикан?» — деб қайғурди.

Ҳамидов ва сапёрлар командири Острогнинг шарқий қисмида, Пикневой тоғи атрофида, СССР билан Польша ўртасидаги собиқ чегарада мудофаа маррасини эгаллашди. 25-июнь, куннинг иккинчи ярмида гитлерчилар Острогга яқинлашиб қолдилар. Кечқурунга бориб, эски чегара чизиғига етиб келишди. Ана шу ерда Ҳамидов билан қуршовдан чиқиб келган сапёр жангчилар душман билан жанг бошлаб, уларга катта талафот етказдилар. Қоронғи тушиши билан душман отишмани тўхтатди. Жангчиларимиз фурсатдан фойдаланиб, позицияларини янада мустаҳкамлаб олдилар.

Урушнинг бешинчи куни тонгги отмоқда эди.

— Уртоқлар! — деди Ҳамидов. — Бизга ёрдам келишини кутмай, имкон борица ўз кучимиз билан, сўнгги ўқ, охириги граната қолгунча жанг қиламиз, найзаларни ишга соламиз.

Сапёрлар батальони командири ҳам ўз қўл остидагиларга шундай буйруқ берди.

Улар худди тушга ўхшаш кунларда аҳвол ўзгаришидан шубҳаланишмасди. Тезда иш юришиб кетади, деб ўйлашар, нари борса бир ҳафтадан сўнг фашистлар ғарб сари қувиб юборилишига ишонардилар.

Тонг ёришиши билан душман биринчи бўлиб ўт очди. Улар палапартиш отишмоқда эдилар. Капитан Ҳамидов билан сапёрлар командири вазиятга қараб, фашистлар ҳозир ҳужумга ўтса керак, деб кутишди. Лекин душман ҳадеганда ҳужумга ўтавермади. Шунда иккала командир маслаҳатлашиб, эҳтимол бу кичикроқ бўлинма бўлса керак, шароитни билмагани учун жанг бошлашга юраклари дов бермаётгандир, балки разведкачилардир, асосий кучлар етиб келгунча автомат ва пулемётлардан ўқ отиб тургандир, деб гумон қилишди.

Капитан Ҳамидовнинг бўлинмаси ўқ-дорини тежамоқда эди. Соат ўн иккиларда душман худди қутургандек миномёт ва кичик калибрли тўплардан позицияни ўққа тутди. Борган сари кўп талафотга учраб,



озайиб қолган капитан Ҳамидов бўлинмасидаги жангчилар сафдан чиқиб бормоқда, ўлган ва ярадор бўлганлар сони кўпаймоқда эди. Отишма овозлари, тутун ва олов, миналарнинг чийиллаб ўтиши, даҳшатли портлашлар — ҳаммаси бир бўлиб ажойиб ёз кунини қиёмат-қойимга айлантриб юборганди.


Капитан Ҳамидов чап қанотдаги пулемёт жимиб қолганини сезиб, ўша томонга чопиб кетди. Пулемёт расчётидагилар ҳалок бўлган, сапёрлар батальони командири ҳам юз тубан чўзилиб ётарди. Ҳамидовга деярли туғишганидан ҳам зиёда бўлиб қолган кишиси ҳалок бўлганди. Ҳамидов ҳамма нарса учун. — жангчиларнинг ҳаёт-мамоти, мудофаа марраси учун бир ўзи жавобгар бўлиб қолганини чуқур ҳис этди ва дарҳол бошқа пулемётчига ҳалок бўлганларнинг пулемётини эгаллашни буюрди. Ўзи ўнг қанотга, негадир ўт очмай қўйган тўпчилар ёнига қараб юрди. У ерга етиб бормасиданоқ тўп яна «тилга кирди». Бу расчётда фақатгина наводчик тирик қолган — у ҳам бошини пайтава билан ўраб олиб, ўт очмоқда эди. Бир лаҳзада пайтава қипқизил қонга беланди.

Душманнинг капитан Ҳамидов бўлинмаси мудофаа маррасини ёриб ўтиш учун қилган ҳамма уринишлари чиплакка чиқди. Кечга бориб улар мудофаага ўтган аскарларимиз устига қарата миномётдан даҳшатли ўт очдилар. Капитан Ҳамидовга ҳам мина парчаси тегиб қаттиқ яраланди. Ҳеч нарса кўрмаётган ва ҳеч нарса эшитмаётган бўлса ҳам, ўрнидан туриб кетди. Кўз ўнғини қизил парда қоплади. У бир неча қадам юрди, кимдир уни ушлаб қолмаганда узала тушиб йиқиларди. Бу воқеа урушнинг бешинчи куни охирларида рўй берди.

У госпиталда, Шепетовкадаги эвакогоспиталда ўзига келди. Бўлинмаси қаерда, аҳволи нима бўлди — ҳеч ким унга айтиб бера олмасди. Бунинг устига Дубнодаги оиласининг тақдири ҳам номаълум эди.

— Доктор, бу кўпга чўзилармикан? — деб сўради Ҳамидов.

— Нима, урушми?



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

— Йўқ, госпиталда ётиш?

— Афсуски, ҳали анча ётишга тўғри келади.

Душман Шенетовкани ҳам бомбардимон қилмоқда эди. Кўча ва йўлларни аёвсиз бомбардимон қиларди. Госпиталь кўчиб борган Житомирга ҳам душман бомба ташлаб, ҳамма ёқни вайронга айлантирди. Деярли элликка яқин вагонни «Чўртан» деб аташадиган кучсизгина паровоз тортиб бормоқда эди. Одатда у жойидан жилиб олгунча бир оз жойида силтаниб турарди. Житомир станциясидан йўлга чиқшгач, олти километрча йўл босишлари билан эшелонга иккита «Мессершмидт» ҳужум қилиб қолди. Самолётлардан бири составга бомба ташлади. Иккинчиси эса паст учиб, составни ўққа тутди. Поезд тўхтади. Бир амаллаб юра оладиган ярадорлар пана жойларга қочмоқда эдилар. Ям-яшил майдонда ҳамма ёғи оқ дока билан ўраб ташланган ярадорлар фашист қузғунлари учун жуда яхши нишон эди.

Капитан Ҳамидов ётган вагондан ҳеч ким ташқари чиқмади.

— Менинг буйруғимга қулоқ солинглар! — деди чалқанча ётган бир ярадор.

Ҳамма унинг буйруғига қулоқ солди.

— Ҳеч ким вагондан ташқари чиқмасин! Ҳамма ўз жойига бориб ётсин!

Ҳайдар Қурбоновичнинг рўпарасида ётган киши комиссар экан.

Санитар эшелон икки ҳафта йўл босди. Уни Киев ҳам, Харьков ҳам қабул қилмади. Ниҳоят, эшелонни Черкасск яқинидаги бир чекка жойга олиб бориб қўйишди. Ўзи юра оладиган ярадорларни комиссиядан ўтказиб, уйларига кетишга жавоб беришди. Капитан Ҳамидовга ҳам жавоб беришди, у уйига — Тошкентга қайтмоқчи бўлди. Фронт орқасига кетаётган ўткинчи поездларда бир амаллаб юртига етиб келди. У она шаҳри қадрдон ўлкасининг қуёши ҳар қандай дори-дармондан ҳам кўпроқ шифобахшлигини яхши биларди.

Ҳайдар Қурбонович хотини ва болаларини Тошкентдан топди. Ҳаммаси соғ-саломат экан. Эвакуация билан эсон-омон Тошкентга етиб келишибди. Қизлари юрак олдириб қўйганидан завод гудоғи қич-қирса ёки юк машинаси кўчадан қаттиқроқ гувиллаб ўтса ҳам чўчиб, титраб кетишарди.

Ҳайдар Ҳамидов Тошкентда, бола-чақалари ёнида бир неча кун туриб, яна фронтга йўл олди.

Полк командири

Капитан Ҳамидов бир ҳафтада Москвага етиб келгач, СССР Мудофаа Министрлигида — Ока Иванович Городовиков ҳузурда бўлди. Улар иккиси эскидан таниш ва дўст эдилар. Ока Иванович Туркистон Ҳарбий Округи қўмондонининг ўринбосари бўлиб ишлаган. Уруш бошланганида СССР Мудофаа Министрлигида, кадрлар бошқармасида бошлиқ эди.

— Э, ҳамшаҳар, қайси шамоллар учирди! — дедию Ока Иванович, у билан учрашганидан қувониб, қучоқлашиб кўришиш учун каттакон столни айланиб ўтди.

Ҳамидов ҳам генерал билан учрашганига қувониб, фронтга юборишларини сўради.

— Фронт орқасига ҳам сиздек тажрибали офицерлар жуда керак, — деб жавоб берди генерал-лейтенант Ока Иванович.

У ҳамсуҳбатининг мақсадига яхши тушунган бўлса-да, нима ҳам

қилсин, ўзининг ҳам идорада ўтириб ишлашга тоқати йўқ, қанийди ҳозир унга катта стол ўрнига учқур от билан қилич беришса-ю, фашист-газандаларга қирон келтирса... Афсуски, бунинг иложи йўқ, кавалерия учун кадр тайёрлаш билан шуғулланиши керак.

У сиёҳдонга ручкани оҳиста ботирди-да, капитан Ҳайдар Ҳамидовни Самарқанд шаҳрида янги тузиладиган ҳарбий қисмга жўнатиш тўғрисидаги буйруққа имзо чекди.

Москвадан Тошкентга келаётган поезд вагонида чалқанча ётган Ҳамидов гилдиракларнинг тарақ-туруғи остида хаёл дарёсига чўмди. Капитан полкни тузиб бўлиш биланоқ, албатта, фронтга жўнайман, деб ўйлаб қўйди.

Бироқ, бу орзуси ҳам рўёбга чиқмади. Ўзбек отлиқ аскарлар полки ташкил қилинганидан кейин, Оренбург казак полкини тузишда ҳам қатнашди. Бу полк ҳам тез орада фронтга жўнади. Шу давр ичида майор унвонини олган Ҳамидовга Фрунзе номидаги Ҳарбий академияда ўқиш учун йўлланма бердилар.

Собир Раҳимов ҳам у билан бирга ҳарбий академияда ўқиди. Улар иштиёқ билан ўқишар, ҳарбий санъат сирларини ўрганишар, аҳён-аҳёнда Москванинг Большая Полянка кўчасидаги қирқ биринчи уйга жойлашган Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонасига бориб туришар, ваколатхона бошлиғи Еқуб Алиев ва у ердаги бошқа таниш-билишлар билан кўришиб-суҳбатлашиб, ҳордиқ чиқариб келишарди.

1943 йил ўтмоқда. Уша пайтда Курск ёни деб ном олган жойда ҳужум жанглари қизиб кетди. Москва оқшоми ғолиблар шарафига берилган салют билан ҳаммаёқни чароғон қилиб турган кунларда майор Ҳамидов имтиҳонларни муваффақият билан топширди...

Подполковник Ҳамидов аттестация варақасини олгач, «Энди қаёққа юборишар экан?» деб ўйлади.

Курск билан Орёлда қақшатқич зарбага учраган гитлерчи қисмларни Совет Армияси қўшинлари Днепр дарёси томон қувиб бормоқда эдилар. Подполковник Ҳамидов байроқчалар билан белгилаб қўйилган харитага қараб, фронт штабига етиб бориш учун қанча вақт керак, деб чамалаб чиқди.

Кадрлар бўлимига кирдию ҳафсаласи пир бўлди: уни фронт орқасига юбормоқчи бўлишибди.

Ҳамидовнинг хуноби ошиб, куз кунларида қамқатнов Москва кўчаларидан оҳиста қадам ташлаб борарди. Табиат ҳам унинг кайфиятига ўхшаш тунд, шивалаб ёмғир ёрмоқда эди.

— Ҳа, ҳамшаҳар, нимангни йўқотдинг, ердан бошингни кўтаролмай қолибсан?

Ҳамидов ялт этиб, овоз чиққан томонга қаради ва Туркистон ҳарбий округида бирга хизмат қилган эски таниши, генерал унвонига эришган дўстини кўриб қолди.

— Бир мушкулимни ҳал қилолмай юрибман, ўртоқ генерал, балки сиз ёрдам берарсиз?

— Қанақа мушкул экан? Қўлимдан келса, жоним билан ёрдам бераман,— деди генерал.

— Фронтга боришимга кўмаклашиб юборсангиз девдим! — деди подполковник Ҳамидов.

— Ундай бўлса, албатта, ёрдам бераман,— деди генерал.

Ҳақиқатдан ҳам генералнинг ёрдами билан подполковник Ҳамидов бир неча кундан кейин Воронеж фронтига жўнаб кетди.



Подполковник Ҳамидов алоқа офицери ҳамроҳлигида полк штабига етиб келганида ярим кеча бўлиб қолган эди. Полкдан эса... Бутун бошли полкдан бир батальонча аскар қолган эди, холос. Ана шу куч билан бутун полк мудофаа маррасини эгаллаб турган эди. Шу вазиятда қилинадиган ишларни тезгина белгилаб олиш керак эди.

— Хўш, болаларим...— Подполковник Ҳамидов шундай деб ўйга толди.

Ҳамидов «болаларим» деб атаган полк командири вазифасини вақтинча бажариб турган старший лейтенант Михаил Полешчуков, сиёсий ишлар бўйича ўринбосар капитан Неживой, штаб бошлиғи старший лейтенант Калиналар бир-бирларига ялт этиб, қараб қўйишганини Ҳамидов дарҳол сезди.

— Хўш, ўғилларим,— деб яна такрорлади у.— Кучимиз қанча?

«Ўғиллар» яна бир-бирларига қараб қўйишди. Орадан кўп вақт ўтмай «Ўғилларим!» деган сўз полкда одат тусига кириб қолди.

— Уч юзта,— деб сўз бошлади старший лейтенант Полешчуков. Кейин ён дафтарчасига қараб, гапини тузатди.— Уч юзга яқин.

Анча пароканда бўлиб қолган 15-полк эгаллаб турган позицияга душмanning қутуриб ҳужум қилиши ҳеч кимни шубҳалантирмасди. Буни дивизия командири ҳам, полк офицерлари ҳам билар, шунинг учун дивизия штабида ҳам, полк штабида ҳам подполковник Ҳамидовни бу ҳақда огоҳлантиришган эди.

Шунга қарамай, душман танкларининг ҳужумга ўтиши кутилмаган воқеа бўлди.

Янги полкда хизмат бошлаган биринчи кундаёқ жангга киришган командирнинг кайфиятини баён этиш қийин. У на чор-атрофни, на ўз командирларини, на уларнинг жанговар хусусиятларини яхши биларди. Лекин жанг майдони солдатлар, қолаверса, уларнинг командирлари учун ҳам энг яхши синов эди...

Дивизия штабидагилар, полкка душман тўғридан-тўғри танклар билан ҳужум қилолмайди, деб ҳисоблашарди. Чунки 15-полкнинг олдида дивизиянинг иккита полки ва отлиқ аскар қисми душман билан юзма-юз турарди.

Отлар ва танклар.

Танклар отлиқларни қисиб бориб, ўн бешинчи полк жойлашган позицияга чиқиб олди. Ана шундагина подполковник Ҳамидов граждандарлар урушида етакчи куч бўлган отлиқ аскарлар эндиги урушда етакчи куч бўлолмаслигини аниқ тушунди ва айни чоғда юраги ачишди.

— Бундан кўра сув ташиганингиз афзал эди! — деди кимдир отлиқ аскарларни майна қилиб.

— Қулишни тўхтатинг! — деди подполковник Ҳамидов.

Полк эгаллаб турган позицияга ўн бешга яқин танк ўрмалаб келмоқда эди. Уларнинг ёқимсиз овози, бунинг устига тинмай ўт очиб келаётганини айтмайсизми? Улар танкка қарши жанг қилувчи батареяга томон борарди.

Подполковник Ҳамидов телефон трубкасига овозининг борича бақирди:

— Клименко, бўш келма! От, отавер!

— Уртоқ подполковник, команда пунктдан кетиш керак. бўлмаса асир тушиб қоламиз,— деган овоз эшитилди.

Шунда Ҳамидов:

— Орқага, ўрмонга чекинилсин! — деб буйруқ берди.

Ҳозир галаба ҳақида, ҳужумни қайтариш ҳақида эмас, кўпроқ шахсий составни ҳамда полкнинг моддий қисмини зарбадан қутқариб қолиш ҳақида ўйлаш керак эди. Бундай мураккаб вазиятда ҳужумни бартараф қилишга уриниш фойдасиз, албатта. Бунинг устига, дивизиянинг иккита полки ҳам қанотни очиқ қолдириб чекинган эди.

Ҳамидов полкни қутқариб, унинг тор-мор этилишига йўл қўймаган бўлса ҳам, дивизиянинг қуршовга тушиб қолганини билмасди.

Қуршовдан чиқиб олингач, бўлинмалар қайтадан тузилди. Қайта жиҳозланган ва тузилган 15-полк Бердичев яқинида дам ола бошлади.

Дўстликнинг бошланиши

Ўрмон чеккасидаги қоровулнинг уйига полк штаби жойлашган эди. Ўрмон қоровулининг укасига қарашли иккинчи уй юз метрча нарида бўлиб, полк командири подполковник Ҳамидов ўша уйда турарди.

Иван Сазонов иккала уй оралигидаги юз метрча масофани изгиринли тунда чошиб ўтди. Эшикни оҳиста тақиллатиб, ичкарига кирдию бир оз довдираб честь берди:

— Ўртоқ подполковник, капитан Сазонов хизмат вазифасини давом эттириш учун сизнинг ихтиёрингизга келди.

Ҳамидов столга ёйиб қўйилган харитадан қаддини кўтарди-да, қўлини узатди.

— Ўртоқ подполковник, жанговар маълумотномага имзо чекиб берсангиз?

Подполковник Ҳамидов маълумотномани ўқий бошлади. Янги штаб офицери билан яқинда полкни қабул қилиб олган командирни стол ажратиб турарди. Подполковник овоз чиқармай, шошилмай ўқир, гоҳ жумланинг, гоҳ маълумотноманинг бошланишига қараб-қараб қўярди.

— Маълумотнома қачон етказилиши керак?

Ҳамидовнинг мулоим кўзлари ёш офицернинг ташвишли, ҳаяжонланган чеҳрасига тушди. Қуюқ, қора қошлари соя солгани учун бўлса керак, қовоғи солигдек кўринарди.

Капитан Сазонов маълумотнома дивизия штабига етказиб берилишига қанча вақт қолганлигини айтди. Полк командири капитан ёзган маълумотномага жуда ҳафсала билан тарашланган қизил қаламда имзо чекди-да:

— Ҳужжатни элтиб беринг-да, иккинчи нусхасини олиб, менинг ёнимга киринг,— деди.

Иван Сазонов маълумотнома нусхасини кўтариб, полк командири қошига қайтар экан, яхши гап эшитаман, деб ўйламаганди.

Иван Сазонов подполковникнинг таклифи билан кенг столнинг нариги ёғига, рўпарага жойлашиб олгач, подполковник сўз бошлади:

— Хўш, ўғлим...

Иван Сазонов командирга ажабланиб қаради.

— Қаерликсан, ота-онанг ҳаётми?

Капитан Сазонов қаерлик экани, урушни жануби-ғарбий фронтда бошлаганини, ўша ерда душманнинг бошлаб таъзирини беришганини гапириб берди. Кейин уч марта ярадор бўлганини, иккита орден олганини айтди.

— Ҳа, ҳа, ёш бўлсанг ҳам, кўп нарсани кўрибсан, баракалла, баракалла! — деб қўйди Ҳамидов.

— Раҳмат, ўртоқ подполковник.

— Гап бундай, ўғлим... Агар истасанг, шунақа... дўстона суҳбатлашаётган пайтларда мени оддийгина қилиб «Ҳайдар ака» деявер. Бизда, Ўзбекистонда шундай таомил бор. Шундай деявер...

— Хўп бўлади, Ҳайдар ака!

— Энди, ўғлим, кел, ёзган маълумотномангни биргаликда кўриб чиқамиз.

Капитан Иван Сазонов алоҳида батальон штаби бошлиғи, кейинчалик полк штаби бошлиғининг ёрдамчиси бўлиб ишлагани учун штаб ишларини яхши биламан, деб ўйларди. Лекин энди подполковник Ҳамидов билан ёнма-ён суҳбатлашиб ўтирар экан, кўп нарсани билмаслигини тушуниб қолди. Полк командири маълумотнома аниқ ва лўнда бўлиши учун қандай сўз ишлатиш, қайси жумла қайсинисидан кейин келишига эътибор беришни эринмай тушунтирди.

Подполковник Ҳамидов керосин лампанинг шуъла таратиб ёнаётган пилигига қараб, ўйчан жилмайиб қўйди.

— Энг асосийси, жанговар маълумотнома ҳақиқий вазиятни акс этдириши лозим. Бу ҳужжатда иложи борича «тахминан», «назаримизда», «чамаси» каби сўзларни ишлатмаслик керак. Вазият бизга маълумки, ўшани аниқ ёз. Бордию бизга қоронғи бўлса, шундай деб ёзавер. Дивизия штаби, армия штаби бизнинг шу хилдаги маълумотномамизга қараб иш қилади.

У қизил қалам билан бўяб ташланган маълумотномани узатди. Биринчи нусхасига имзо чекилган бу ҳужжатда капитан Иван Сазонов ёзганларининг учдан бири қолган эди.

Суҳбатдан сўнг Иван Сазонов: «Бундай командирдан кўп нарса ўрганса бўлади, ҳақиқий командир деса арзийди» деб қўйди.

Кейинчалик Иван Федорович Сазонов тарих фанлари кандидати бўлди, Фрунзе номли ҳарбий академияда ўқитувчилик қилди, уруш ҳақида ёзган бир қанча китоблари босилиб чиқди. Иван Сазонов урушдан кейин командири ҳақида бундай деб ёзди: «Подполковник Ҳамидов раҳбарлик лавозимига лойиқ коммунист... Ёш командир учун у билан мулоқотда бўлишнинг ўзи катта сабоқ эди».

Улар командир ертўласида ўтиришарди. Биринчи батальон билан уларни боғлаб турган зуммер телефони гувиллади.

Батальон командири Михаил Полешчуков телефонда подполковник билан гаплашмоқда эди.

— Полешчуков ажойиб командир, иродали, қатъиятли, бунинг устига жуда қобилиятли ташкилотчи,— деди полк командири.— Ваня, сен унинг заиф томонини биласанми?

Иван Сазонов подполковник билан телефонда гаплашаётган дўсти ҳақида очиқ жавоб бериш ниятида бир зум сукут сақлади. Биринчи батальон командири Полешчуков билан унинг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари — капитан Неживойни Ҳасан-Ҳусан деб юришади. Чиндан ҳам улар бир-бирига жуда ўхшаш, иккови ҳам қотма, дароз, полкда энг баланд бўйлиси шулар, сафда боришаётганда уларни икки қақирим наридан ҳам таниб олиш мумкин эди. Иккаласи ҳам анча вазмин, фикр-мулоҳазали...

Капитан Сазонов полк командири бу саволни нима учун берганини тушунди. Чунки, у кечаги суҳбатида, штаб бошлиғи бамисоли полк дирижёри бўлиши керак, деган эди. Дирижёр эса ҳар бир созандани ва ҳар бир созанда чаладиган чолғу асбобини беш қўлдек билиши ке-

рак. Ҳозирча штаб бошлиғи вазифасини бажараётган экансиз, қайси батальоннинг жанговар қобилияти қандай, энг аввало унинг командири нималарга қодир эканлигини билишингиз керак, деганди.

— Кечирасиз, Ҳайдар ака,— деди капитан Сазонов.— Бу саволи-нгизга ҳозирча қатъий жавоб бера олмасам-да, биринчи комбатга ўзим-га ишонгандек ишонишим мумкин, деб ҳисоблайман.

— Жуда тўғри, Ваня! — деб унинг фикрини қувватлади подполковник Ҳамидов.— Ўзимга ишонгандек, деганинг рост. Лекин улар ҳаракатни бир оз тезлаштиришса янада яхшироқ бўларди.

— Мени штаб бошлиғи қилиб тасдиқламай, тўғри қилишган экан, деди Сазонов.

— Тўғри эмас! — унинг сўзини бўлди подполковник.

Шундай дедию қошлари чимирилди. 15-полк командирини ёқтириб, унга кўп нарсаларга рухсат берадиган генерал Яжимов йигирма яшар капитан Сазонов номзодини штаб бошлиғи лавозимига тасдиқламаганида Ҳамидов қошларини чимириб: «Яхши бўлмади, ўртоқ генерал!» деганди. Полк анчагача штаб бошлиғига ёлчимади. Иван Сазонов штаб бошлиғининг ўринбосари вазифасини ижро этувчи бўлиб қола-верди. У полк командири раҳбарлигида таълим олиб ўсди. Фақат 1944 йил июлига бориб, янги дивизия командири уни шу лавозимга тайин-лади. Тўғрироғи, 15-полкка келган дастлабки кундан бери ижро эта-ётган вазифасида қолдирди.

Қийин вазиятда ҳам

Полк жангчилари мудофаа маррасини ишғол қилганларидан сўнг ҳужум бошлаш ҳақида буйруқ кутишарди.

Подполковник Ҳамидов капитан Сазоновни кутиб ўтириб, харита-га энгашди. Совет-Иттифоқи Маршали Георгий Константинович Жуков кўмондонлик қилган биринчи Украина фронти қўшинлари гитлерчи-ларнинг «Жануб» армия группасини қисиб бормоқда. Ҳадемай «Проску-рово-Черновецкий» деган ном оладиган операция бошланиши керак. Бу операцияда ўн учинчи, олтмишинчи ва биринчи гвардиячи армия қў-шинлари 3-гвардиячи ва 4-танк армиялари билан биргаликда жангга кириб, душман мудофаасини парчалаб юборадилар.

147-ўқчи дивизия 1-гвардиячи армиянинг асосий зарба берувчи би-ринчи группаси қаторида турарди. Дивизия фронтда ўн икки кило-метрли маррани эгаллаб туриш билан бирга унинг зиммасига душман мудофаасини ёриб ўтиш ва Старо-Константинов билан Проскуров то-мондан ҳужумга кириш вазифаси юклатилган эди.

Подполковник Ҳамидов ҳамон харитага тикилиб ўтирар экан, бирдан орқадаги эшик очилди.

— Хайрият-эй! — деди ўғирилмай у,— Жуда куттириб қўйдинг-ку, Ваня.

— Кечирасиз, ўртоқ подполковник,— нотаниш овоз эшитилди.— Ахборот беришга рухсат этинг.

— Ҳа, ҳа, марҳамат,— шундай деб подполковник Ҳамидов ўрни-дан турди. Рўпарада дивизиянинг алоқачи офицери турарди.

— Махфий пакет!

Подполковник уни чироққа тутиб очди.

Пакетни олгани ҳақида варақага имзо чекиши билан алоқачи офи-цер честь бериб чиқиб кетди. Шу заҳоти эшикда капитан Сазонов кў-ринди.

— Бошланадиганга ўхшайди, Ваня,— деди подполковник Сазонов ичкарига кириб улгурмасдан.— Айт, овқатни олиб киришсин.

Улар биргалашиб буйруқни ўқишди. Буйруқда полкка Катта Медведка, Грицев, Губача, Залесье, Зеленцев томондан жанг қилиш ва кечга бориб, Малька қишлоғини эгаллаш вазифаси топширилган эди.

Буйруқда ҳужум вақти кўрсатилмаган эди. Одатда полкка қўмондонлик жанг бошланишига бир неча соат қолганда хабар берарди. Полкдагилар зудлик билан ишга киришишди, штаб командири бўлинма штаблари командирлари билан, рота командирлари эса батальон ҳамда махсус рота командирлари билан жанговар вазифани ишлаб чиқишди. Кейин уни биргаликда муҳокама қилишди. Жўйга қараб мўлжал олиш, бўлинмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги, ён ва ичкаридагилар билан алоқа, таъминот масаласи — ҳамма-ҳаммаси муҳокама қилинди.

Штабда бўлинма командирлари, ички хизмат офицерлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлди. Капитан Сазонов полк командирида жангнинг энг майда тафсилотларигача ҳисоблаб қўйилган таёр плани борлигини биларди. Шундай бўлса ҳам подполковник ҳар бир офицернинг бу ҳақдаги фикрини диққат билан тинглар, босиқ овоз билан мунозарага яқун ясарди.

Бешиңчи март тонг отарида артиллерия душман мудофаасига қарата кучли ўт очди. Шартли мушаклар ним қоронғи осмонда из қолдириб, сўниб борар экан, 15-полкнинг икки батальон жангчилари окоплардан сакраб чиқиб, яқдиллик билан ҳужумга ташландилар. Улар душман мудофаасининг заиф жойини топиб ёриб ўтдилар. Аммо Губча қишлоғи бўсағасида душман артиллерияси даҳшатли ўт очиб қолгани сабабли жангчиларимиз ҳужумни тўхтатишга мажбур бўлдилар.

Подполковник Ҳамидов барча бўлинма командирларини ўз ҳузурига чаққириб одамларнинг бекордан-бекорга нобуд бўлишларига йўл қўймаслик кераклигини, ҳозирча муваффақиятга эришиш қийин эканлигини тушунтирди.

Чап қанотдаги қўшни қисм билан алоқа узилиб қолгани сабабли полк фақат ўз кучи билан ҳаракат қилиши керак эди. Шунинг учун ҳам полк командири вазиятни ҳисобга олиб:

— Демак, гап бундоқ, ўртоқ командирлар! — дея қалам учи билан харитага ишора қилди у.— Режамизни душмандан сир сақлаш учун биринчи батальонни ўз жойида қолдирамыз. Улар душманни чалғитиш учун жанг қилиб турадилар. Полкнинг асосий кучлари эса Губча қишлоғининг шимолий қисмига тўпланиб, сўнгра қишлоқнинг ўнг томонидаги жарлик орқали айланиб ўтиб, жануби-ғарб томондан зарба беради. Бунга нима дейсизлар?

— Анча хавфлироқ эмасмикин? — деди командирлардан бири.

— Хавфли эмас, жуда тўғри йўл шу! — деб полк командирининг режасини маъқуллади старший лейтенант Максимов.

Электр фонари билан ёритилган чодирда командирлар ҳужумнинг янги режасини ўз хариталарига белгилаб олдилар.

Подполковник юқорида айтган фикрларини яна бир бор такрорлаб:

— Огоҳлантираман, ҳеч қандай шов-шув бўлмаслиги, ҳар бир солдатнинг қурол ва идишлари латта билан ўралган бўлиши керак. Йўлга чиққанда ҳам, кетаётганда ҳам тиқ этган овоз эшитилмаслиги, ҳеч ким папирос чекмаслиги лозим. Тоғда юрганлар билади, тоғларда қор кўчкиси бирдан босиб қолади... Биз ҳам душманни шундай қилиб босамиз... тушунарлими, ўртоқ командирлар?

— Тушунарли, ўртоқ подполковник, — деб командирлар хариталарини буклаб сумкаларига солишди.

15-полк ана шундай усталик ва чаққонлик билан ҳаракат қилиб, Губча қишлоғини душмандан тортиб олди.

Старший лейтенант Полешчуков батальонини дивизия командири резервга олгани учун подполковник Ҳамидов эртасига эрталаб икки батальон билан Грицев ва Залесье қишлоғи томон ҳужумни давом этдирди. Бу қишлоқлар дивизия қўмондонлигининг буйруғига кўра, иккинчи куни ишғол қилиниши керак эди.

Қўмондонликнинг бу жанговар буйруғи ҳам ўша режа бўйича амалга оширилиб, кеч кириши билан қизғин жанг бошланиб кетди. Бу ерда гитлерчиларнинг яроғ-аслаҳа омборлари бўлгани учун душман жон-жаҳди билан қаршилик кўрсата бошлади. Бўлинма жангчиларининг шиддат билан қилган ҳужуми натижасида душман қаршилиги синдирилди ва кўп ўтмай Грицев қишлоғи ишғол қилинди. Бу ерда кўпгина ўлжа ва асирлар қўлга туширилди.

Навбатда Залесье қишлоғини эгаллаш вазифаси турарди. Қуёш ботмоқда. Катта йўл билан борилганда Залесьегга ўн икки километрча масофа қолади.

— Келинглар, ўртоқлар, бир маслаҳатлашиб олайлик, — деди полк командири батальон командирига. — Буйруққа кўра катта йўл билан ҳужум қилишимиз керак. Бу жуда қулай, йўл ҳам равон. Шуниси ҳам борки, душман ҳам шу йўлдан чекинади. Лекин мана бу ерда кесиб чиқиш мумкин бўлган уч-уч ярим километрли йўл бор. Агар катта йўлдан борсак душманни қувишга тўғри келади. Башарти, бу йўлдан юрадиган бўлсак, унинг олдидан тўсиб чиқиш мумкин. Сизларга қайсиниси маъқул?

— Рухсат этинг, подполковник, — дея салмоқланиб сўз бошлади старший лейтенант Полешчуков. — Дивизия командири менга катта йўлдан боришни буюрган эди.

— Ўртоқ подполковник! — сўзга аралашди капитан Иван Сазонов. — Менинг фикримча, бу чигил вазиятдан чиқиш йўли бор. Полешчуков катта йўлдан бораверади, бизлар асосий кучлар билан душмanning олдидан тўсиб чиқамиз. Шунда дивизия командирининг буйруғи ҳам бажарилади, ўз режамизни ҳам амалга оширамиз.

— Барча бўлинма командирларини ҳузуримга чақиринг! — деб буйруқ берди Ҳамидов.

Капитан Сазонов дарҳол алоқачи қизлар ёнига бориб, аввал улардан алоқанинг қандай ишлаётганини сўради ва уларнинг ишидан мамнун бўлиб:

— Баракалла, қизлар! Қани, менга навбати билан бўлинмаларни уланглар-чи, — деди.

Полк командири ёнида ўтирганлар Сазоновнинг ҳар қайси бўлинма командирининг фамилияларини айтиб турганини, қизлар унинг гапини бўлинмаларга етказётганликларини эшитиб ўтиришарди.

— Худди Бородино бўсағасидаги йиғилишнинг ўзгинаси, — деб ҳазиллашди урушдан аввал тарих ўқитувчиси бўлиб ишлаган, ҳозир полк командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари майор Шавровский.

Шавровскийнинг ҳазилида жон бор эди. Подполковник Ҳамидов чиндан ҳам ҳужум олдидан катта йиғилиш ўтказмоқчи бўлди. Капитан Сазонов подполковникка ҳамма етиб келганини айтгач, йиғилиш бошланди.

— Катта йўл билан Залесьегга чекинаётган душманни Полешчуков батальони таъқиб этиб боради. Унинг орқасидан ички хизмат ротаси йўлга тушади...

Сўнгра маршрут, топшириқ ва ўзаро алоқа ҳақида худди ёзганларини ўқиб бераётгандек, дона-дона қилиб гапирар экан, Ҳамидовнинг жанговар топшириқни тақсимлашига командирлар қойил қолиб ўтиришарди. Бунақа суҳбатларни кўп кўриб ўрганиб қолган Сазонов ҳам ҳайрон: Полкнинг жанговар ҳаракат плани шунчалик аниқ ва кенг кўламда ишлаб чиқилган эдики, Ҳамидовнинг бунга қачон улгурганига Сазоновнинг ақли бовар қилмай қолди.

Йиғилишдан сўнг, ярим кечада полк бўлинмаларини олдинга ўтказиб юборар экан, Ҳамидов мулойим овозда Сазоновга қараб:

— Ваня, Максиминг қалай, олдинга ўтиб олдимми? — деб сўради.

Подполковник Ҳамидов душманни изма-из қувганда Георгий Максимов батальони доимо олдинда боришини яхши кўрарди. Чунки, Максимов тadbиркор, уддабурро. Бугун негадир илгаригидек шашти йўқ.

Йўллар ҳали музламагани учун Максимов батальони илгарилаб кетолмаган эди. Батальон Залесьега яқинлашгач, орқадагилар ҳам етиб келишди.

— Қани, Ваня, юр, олдинга ўтайлик-чи, — деди Ҳамидов Сазоновга.

Улар отларини елдириб кетишди. Ер нам, от туёқларидан лой ва балчиқ сачрайди. Қутилмаганда, қоронғиликда, қишлоқнинг чап томонидан ғалати товушлар, кейин отларнинг кишнаши эшитилди.

— Эҳ, жин ургур! — сўкинган бўлди капитан Сазонов.

— Ҳой, Максим! Нима бўлди? — деб сўради подполковник, гарчи уни аниқ кўрмаётган бўлса ҳам. Максимов алланима деди. Пиёда аскарлар разведка взводининг командири младший лейтенант Георгий Ерофеев билан полк разведкаси бошлиғи старший лейтенант Николай Львов бараварига билганларича тушунтира кетишди. Ниҳоят, Максимовнинг ўзи аҳволни батафсил тушунтирди. Немисларнинг ўнга яқин тўп ва бир нечта от-уловли аравалари ботқоққа тикилиб қолган экан.

— Ундай бўлса, сизлар нимани кутиб турибсизлар? Еки улар катта йўлга чиқиб олишини кутяпсизларми?

— Уртоқ подполковник, биз ҳам, нима қилсак экан, деб ўйлаяпмиз.

— Бундай шароитда ўйлаб ўтирадимми! Қлименко, батареяни ботқоқзорга бур, тўплар бир қаторда бўлсин. Тайёр бўлгач, менга хабар қилинглар. Максимов, қайси роталар колоннанинг олдида?

— Олтинчи ва тўртинчи роталар, ўртоқ подполковник.

— Олтинчи ротани батареядан чапроққа, тўртинчи ротани эса ўнгроққа қўйинг ва оғоҳлантингки, батареялар ўт очиши билан роталар турган жойида «Ура!» деб қичқиришсин. Тушундингизми?

Орадан бир неча дақиқа ўтди. Қлименко батареяси тўртала тўпдан баробар ўт очди. «Ура!» садолари янгради. Қуёшнинг сўнгги нурларида отларни савалаб қоцаётган душман солдатларининг бақирӣқчақирӣғи эшитилиб турди.

— «Ура!» садоларидан гитлерчиларнинг ўтакаси ёрилиб қочиб қолишди, — деди кимдир.

Гитлерчилар қурол-яроғ, от-улов ва иссиқ кийимларини ташлаб қочдилар. Улар катта йўлга чиқиб боришарди. Катта йўлда бари бир яна қопқонга тушишлари аниқ эди.

Айланма мудофаа эгаллаган батальонлар жанговар топшириқни бажара бориб, Залесьени ўрай бошладилар. Соат йигирма иккиларда полк командири одатдагидек жанговар бўлинмаларни бирма-бир айланиб позиция эгаллаганлиги, солдатларнинг овқатланганини кўриб, қайтиб келгач, штаб бошлиғи энди овқатланмоқчи бўлиб турганда бирдан ўқ овозлари, бўғиқ, аммо қулоққа иссиқ чалинадиган «Ура!» саделари элас-элас эшитилиб қолди.

— Ҳойнаҳой, бу Полешчуков батальонининг иши бўлса керак,— деди подполковник Ҳамидов.

Сазонов унинг фикрига қўшилди.

Ҳақиқатан ҳам старший лейтенант Михаил Полешчуков батальони душманни Залесье қишлоғи томон қувиб келмоқда эди. Лекин иккала томондан ҳам отишма ҳам «Ура!» садолари остида бақирқ-чақирқлар эшитилиб қоларди. Ёпиасига ҳужумга ўтишди.

Фашист солдатлари ғирт маст бўлганидан, ҳайвондек ҳайқириб қочар, отилган ўқлар уларни тутдек тўқар, лекин орқадагилари мурдаларни босиб-янганча олдинга интилиб, жангчиларимизнинг ўқларига учрарди.

Ярим кечага бориб, Залесье учун бўлган жанг 15-полк жангчиларининг ғалабаси билан тугади.

□

Гречная бўсағасида жанглар жуда даҳшатли ва қақшатқич бўлди. Омад бир кулиб боқса, бир қовоғи солинади. Ана шу ерда подполковник Ҳамидовнинг командирлик фазилатлари янада яққол намоён бўлди.

Полк эгаллаган маррага душман қирққа яқин танк ташлади. Полк артиллериясининг ўзи билан уларни бартараф қилиш қийин эди. Подполковник Ҳамидов танкларни эгалланган маррадан ўтказиб туриб, дивизия артиллериясининг ўти билан уларни бир ёқлик қилиш, танклар орқасидан келаётган пиёда аскарларни қириб ташлаш тўғрисида буйруқ берди. Ниҳоят, бу тактик манёвр туфайли душман тўхтатиб қолинди.

15-полк ҳам анча талафот кўрди. Шундан кейин орқага, ўрмондаги сайхон жойга ўтказилди, у ерда мудофаа маррасини эгаллаб, кучларни қайта тўплаб олишга киришди.

Ўрмон жим-жит. Подполковник бута остидаги тўнкага ўтириб, чор атрофни кузатарди.

Шу пайт аёл йиғиси эшитилди.

— Мотя, менга қара, Мотя, йиғлама энди...

Қизлар икки марта штаб билан бирга қуршовга тушиб қолишганди. Отишма, тугун ва гумбур-гумбур остида чехраларида қўрқув аломатлари кўринган бўлса ҳам, алоқанинг бетўхтов ишлашига ҳаракат қилардилар. Ҳамидов у ёки бу бўлинма билан алоқа узилиб қолса, қизларни юбормас, эркак алоқачилар бор-ку, дерди. Аммо эркаклар бўлмаса, Надя Павлик билан Нина Сухаревани, шунингдек, Мотя Хорунжаяни юборишга тўғри келарди.

Ҳозир шу Мотя Хорунжая яхши кўрган йигити — Костя Қалина ярадор бўлгани учун ўксиб-ўксиб йиғламоқда эди.

— Ҳой, қизлар! — деб қичқирди подполковник Ҳамидов. — Бу ёққа келинлар-чи!

Улар фуфайкалари этагини тортиб, камарларини тўғрилаган бўлишди. Шаҳдам қадаму, гавдани ғоздек тўтиш ҳам уларнинг аёллик малоҳатига кўрк бағишларди.

— Утиринглар, — деб таклиф қилди Ҳамидов.

Учаласи қулаб ётган дарахтга ўтиришди.

— Костя Қалина анча соғайиб қолди, ҳадемай полкимизга қайтиб, яна жангни давом эттиради, — деди подполковник Ҳамидов.

Нина Сухареванинг шивирлагани эшитилди:

— Старший лейтенант Полешчуков бўлса...

— У қаҳрамонларча ҳалок бўлди, — унинг сўзини бўлди подполковник Ҳамидов. — Лекин у ҳамиша барҳаёт.

— Қандай қилиб? — деб сўради қора кўз Надя. — Биздан кейин уни кимлар ҳам эслайди дейсиз?

— Йўқ, Надя, қаҳрамонлар халқ ёдидан ҳеч ўчмайди, эслаб юришади.

— Сиз ростданам шундай бўлишига ишонасизми?

— Ишонаман. — Шу пайт Ҳамидовнинг кўзи ўзлари томон келаётган қизга тушиб: — Сен қаёқдан келиб қолдинг? — деб сўради.

— Менми, мен сизларга янги санструктор бўлиб келдим.

— Ҳа, ҳа. Капитан Сазонов янги санструктор келганини айтган эди, — деди Ҳамидов. — Қани, биз билан ўтир.

Қиз зилдек уст-бош ва солдатча этик кийиб олганига қарамай, халқоб сувдан сакраб ўтди.

Қиз киприк қоқмай, шўх кўзларини тикканча Ҳамидовга қараб қолганди. Калта қилиб қирқилган сочлари береткасидан чиқиб турар, чеҳраси таниш кўринарди. «Нимасидир Ойқизга ўхшаб кетаркан. Қизиқ...» деб ўйлади подполковник унсиз энтикиб.

— Мен сизларга анча кечикиб келдим шекилли? — деди қиз.

— Ҳечқиси йўқ, жанглар кўп ҳали...

Ҳамидов кўкка қаради. Ниманидир эшлашга уринди. Лекин ниҳоятда чарчаганини сездди.

Командирнинг чеҳраси оғир жанг пайтларидагидек жиддийлашиб қолди. Блиндажга кирган Сазонов ундаги қандайдир ўзгаришни дарров сездди.

— Нима бўлди, Ҳайдар ака?

— Ҳеч нарса, бир оғз чарчадим шекилли.

□

Бир неча кундан кейин 1944 йил 24-мартда 15-полк ўз дивизия-си составида Волудринци районида жангга кирди.

Полк тепаликдан ошиб ўтиб, темирйўл бўйлаб ҳужум бошлади. Тез орада душманни позициясидан қувиб чиқариб, кейинги тепаликдан ҳам ўтиб илгарилаб бораверди.

— Баракалла, йигитлар, баракалла! — жангнинг боришини дурбин билан кузатиб турган полк командири ўз-ўзича шундай деб қўйди.

Команда пунктини фронт чизиғига яқинроқ бўлсин, деб темирйўл стрелкачисининг будкасига кўчиришди. Фақат бир нарса — старший лейтенант Пётр Соловьевнинг батареяси анча орқада қолиб кетгани уни ташвишлантирар эди. «Соловьев қаерда экан?»

Полк командири Пётр Соловьевни яхши кўрарди. Оғир жанглardan бирида Пётр Соловьев асир тушиб қолган, аммо бир ҳафтадан кейин яна полкка қайтиб келганди. У суҳбат вақтида:

— Партия билетимни Обруч станцияси яқинидаги чакалакка кўмиб қўйдим, — деди.

Бироқ, қўмондонлик уни аввалги лавозимига қўйишга рухсат бермади. Шунда Пётр Соловьев ҳеч кимдан сўрамай, душман орқасига ўтиб, партия билетини топиб, йўл-йўлакай «тил» ҳам ушлаб келди. Шундан сўнг унинг унвони ва лавозимини қайта тиклашди — батальон командири қилиб тайинлашди.

Қутилмаганда тепаликдан ошиб ўтишга тайёрланиб турган солдатлар орасида саросима бошланди. Нариги жарликдан душманнинг саккизта бронетранспортёри ўрмалаб келмоқда эди. «Тигр»ларга қараганда, уларни яқсон қилиш осон: танкка қарши қурол билан типчи-тиш мумкин. Лекин, бу воқеа қўққисдан рўй бергани, биринчи бўлинма бронетранспортёрлар билан рўбарў келиб қолиб, душманнинг бирдан ўт очиб қолиши кимнидир чўчитди, кимнингдир асаби дош беролмади — қўрқув ақлдан устун келган эди. Хуллас, бир киши қочдию

бошқалари беихтиёр унга эргашди. Командирнинг буйруғи ҳам ўтмай қолди.

Капитан Сазонов қочаётганларнинг йўлини тўсиш учун ўша ёққа ташланди, аммо полк командири ҳозир бир киши у ерда ҳеч нарса қилолмаслигини билиб, уни тўхтатди...

Жангда полкка ҳукмиг ўтмай қолиши, одамларнинг ҳалок бўлаётганини кўриш жуда оғир, лекин кучлар нотенг жангда ёки эгалланган маррани ҳимоя қилиб эмас, шунчаки даҳшат ва қўрқув туфайли талвасага тушиб қолиб, ҳалок бўлаётганларни кўриш ҳаммасидан ҳам оғир. Одамлар тепаликдан пастга тушиб, темирйўл устидаги катта кўприк томон қоча бошладилар. Ундан нариги тарафга ўтиб, бронетранспортёр ўтидан омон қолмоқчи бўлдилар. Аммо ўлимдан қочиш ўрнига ажал чангалига бораётганликларини билишмасди (кейинчалик жангчилар бу кўприкни «жаннат йўли», «қил кўприк» деб аташди).

Хуллас, полк ҳалокатга учраган, фақатгина бир мўъжиза кишиларни ўзларига келишларига, эсларини йиғиб олишларига ёрдам қилиши мумкин эди. Буни полк командири ҳам, штаб бошлиғи ҳам биларди, аммо ўша мўъжиза қани?!

— Уртоқ подполковник! Уртоқ подполковник!

Кимдир подполковник Ҳамидовнинг енгидан тортқиларди.

— Уртоқ подполковник, қочинг! Сиз ахир асирга тушиб қоласиз.

Битта ўзингиз қолдингиз!

Полк командирини хавфдан огоҳлантираётган санинструкторнинг фусункор кўзлари мунгли эди.

— Қоч!— Аранг лаблари шивирлади Ҳамидовнинг.— Тезроқ жўна бу ердан!

Қиз ўжарлик билан унинг оёқлари остига ўтириб олди.

— Ҳеч қаёққа кетмайман!

Полк чекина бошлаган тепаликка старший лейтенант Петр Соловьёв батареяси чиқа бошлаганини биринчи бўлиб шу қиз кўриб қолди. Собиқ денгизчи, рязанлик йигит шу тобда нақ рус паҳлавонларини эслатарди. У бир зумда батареясини қулай вазиятда ўрнатди-ю, тўғри душман бронетранспортёрларига қарата ўт оча бошлади.

Аҳвол тамомила ўзгарди. Олтига бронетранспортер турган жойида тақа-тақ тўхтаб қолди, иккитаси эса жон-жаҳди билан қочишга тушди. Тўп овозлари кишиларга ҳушларини йиғиб олишга имкон берди. Полк тўхтади, сўнгра ҳужумга ўтиб, зарур маррани эгаллади.

Зилдек Петр Соловьёвни олқишлаб, бир неча марта осмонга ирфитишди. Уни командирнинг ўзи пешонасидан ўпди, сўнгра мукофотга тақдим этишди.

Полкда бўлиб ўтган бу кўнгилсиз воқеани эсламасликка ҳаракат қилишди. Ҳатто Ҳамидов ўзича Ойқиз деб юрадиган оқ-сарик сочли Фрося — Ефросиня ҳам бу воқеани эслашни ёқтирмасди. Проскурово — Черновский операцияси муваффақиятли тугади. Қўмондонлик подполковник Ҳамидовнинг ҳарбий маҳорати ва шахсий жасоратини юксак баҳолаб, уни Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Бир қанча офицерлар, шу жумладан старший лейтенант Василий Клименко билан старший лейтенант Пётр Соловьёв ҳам шундай орденга сазовар бўлдилар. Капитан Иван Сазонов ҳамда армия хизмати бошлиғи-капитан Александр Глуховларга Ватан уруши орденлари берилди. Иккинчи багалён командири Георгий Максимов Богдан Хмельницкий ордени, капитан Семён Неживой эса Александр Невский ордени билан тақдирланди.

147-Станиславский Дивизияси

15-ўқчи полк кўп кунлик қизғин ҳужум жанглари натижасида Тернополь областининг Бугач шаҳри яқинидаги Стрипа дарёси бўйига етиб келди. Душман қисмлари қуршовга олинган бўлиб, гитлерчилар қўмондонлиги қуршовни ёриб ўтишга уринмоқда эди. Бу пайтда тўртинчи танк армиясининг 10-гвардиячи танк корпуси ихтиёрида бўлган 147-дивизия ва 15-полк олдига қўйилган вазифа — душман ҳужумини тўхтатиш ва уни мудофаага ўтишга мажбур қилишдан иборат эди.

Жанглар ниҳоятда қизғин ва даҳшатли бўлди, айниқса 7—17 апрель кунларидаги жанглар жуда оғир кечди. Техника, хусусан танкка қарши артиллерия ва одам кучи жиҳатидан катта талафот кўрган дивизия мудофаага ўтишга мажбур бўлди. 15-полк Бугач шаҳридан шимолга борадиган йўлни қўриқларди. Стрипа дарёси ёнгинасидаги бу позицияга гитлерчилар кунига ўн марталаб ҳужум қиларди.

Пиёда аскарлар танк ҳужумидан қўрқмайдиган бўлиб қолишган, шунинг учун мудофаада бардам турардилар. Бир куни подполковник Ҳамидовнинг буйруғи билан душман танклари ичкарига ўтказиб юборилди. Танклар кетидан келаётган пиёда аскарларни жангчиларимиз автоматдан ўт очиб қира бошлади. Гитлерчилар подполковник Ҳамидов тайёрлаган бу хилдаги қақшатқич зарбани кутишмаган эди.

— Душман танкларига қараб ўт очилсин! — деб оғир танк экипажига қараб буйруқ берди Ҳамидов.

122 миллиметрли стволлар ўнглиниб, душман танklarининг юқори қисмини учира бошлади. Бу жуда ажойиб манзара эди. Душманнинг саккизта танки яксон бўлди. Қолганлари орқа томонга қоча бошлади. Бизнинг оғир танклар уларни қувиб, яна учтасини сафдан чиқарди.

Сўнг атроф жим-жит бўлиб қолди. Орадан кўп ўтмай 15-полк эгаллаб турган позиция устида душман самолётлари пайдо бўлиб, бомба ёғдира бошлади. Полк окоп қазиб, жуда яхши ўрнашиб олгани сабабли самолёт ҳужумидан ортиқча зарар кўрмади. Немислар яна танк ва бронетранспортёрлар ёрдамида ҳужумга ўтган бўлса ҳам, яна мағлубиятга учради. Ниҳоят, бу ердан ёриб ўтолмаслигига кўзи етган душман зарбаги ўнг томондан мудофаа маррага қаратди ва катта хавф туғдирди.

— Майор Сазонов, менга дивизия командирини чақиртир, гаплашиб олай,— деди-да, бирдан уни тўхтатди Ҳамидов.

Сазонов ҳайрон бўлди-ю, лекин билинтирмади.

Полковник Сазоновга мақсадини тушунтира бошлади.

— Биз фақат ўз полкимиз билан жанг қиляпмиз-а, тўғрими? Тўғри! Шунинг учун дивизия командирини билан эмас, чап қанотимизда турган қўшни 640-полк командирини билан алоқа боғла, гаплашиб олай.

Иван Сазонов 640-ўқчи полк командирини телефонга келмагунча рося уринди. Подполковник Ҳамидовнинг душман танкларига қалқон бўлиб турувчи оғир танкини ёрдам учун қўшнисига бериб турмоқчи эканлигини эшитиб, у ҳайрон бўлди.

Ҳамидов худди шундай қилди. У танк билан бирга капитан Черепашчук бошчилигидаги автоматчилар ротасини ҳам юборди. Ана шу мадад туфайли 640-полк пиёда аскарлари қарши ҳужумга ўтдилар ва душман дарёнинг нариги қирғоғига улоқтириб ташланди. Шундан кейин гитлерчилар бир неча марта ҳужум қилса ҳам, мағлубиятга учраб, мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар.

Июль ойи ўрталарида Львов томонда ҳужум бошланди. Дивизия биринчи гвардиячи армия составида душманнинг пароканда қилинган

қўшинларини тўхтовсиз таъқиб қилиши ва уларнинг қайта бирлашиб олишига имкон бермаслиги керак эди. 15-полк душманнинг ўт очиш нуқталарини ҳисобга олиб, унинг пинҳона ғойиб бўлиб қолмаслигини зийраклик билан кузатиб борди. Жадаллик билан сол қуриб, қайиқлар йиғилди, дарёдан шиддат билан ўтиб олиб, бор имкониятлар ишга солинди.

Дарёнинг ғарбий соҳилида мудофаа маррасини эгаллаб турган душман йигирманчи июлда ҳаракатга тушиб қолди. Гитлерчилар гоҳ тўплардан ўт очар, гоҳ бирдан жимиб қоларди.

— Фурсат келди, қани, бошланглар! — деди полк командири.

Иккала батальон — Георгий Максимов батальони ва Михаил Полешчуковнинг вафотидан кейин командирлик қилаётган Валентин Зумбович батальони ҳам бир неча минутдаёқ сўнг дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олди.

«Душманнинг ўт очиш нуқталари унча кўп эмас», деб хабар қилди комбат нариги соҳилдан туриб.

Бу гап кузатув пунктида ўтирган полк командирига ҳам маълум эди. У майор Сазоновга қараб:

— Ваня, чала инженеринг қаерда қолди? — деб сўради.

Сапёрлар командири старший лейтенант Макаренкони ҳазиллашиб чала инженер деб аташарди. Чунки полк инженери ҳалок бўлгач, унинг вазифаси ҳам Макаренкога юклатилган эди. Аммо дивизиядагилар қандайдир мулоҳазага бориб, уни полк инженери лавозимига тасдиқлашмай турарди.

Полк душман эгаллаб турган маррага кескин ҳужум очиб, Галич орқали фашистларни Днестр дарёси томон қувиб кетди.



Чекинаётган душман кетидан изма-из қуваётган 15-полк жангчилари тўрт кун деганда Галич шаҳри жанубидаги Дубовци қишлоғи яқинида Днестр соҳилига чиқдилар. Генерал Якимов ўрнига дивизияга командир бўлиб келган полковник Герасимов 15-полк олдида Днестр дарёсидан ўтиб, нариги соҳилга чиқиш ва Калуж шаҳрига юриб, Калуж-Станислав йўлини қўлга киритиш вазифасини қўйди. Улар Станислав районида қуршаб олинган душман қўшинларини бу йўлдан ўтказмасликлари керак эди.

Полк командири қисқа йиғилиш ўтказиб, батальон командирларини жанговар топшириқ билан таништирди. Тўп, миномет ва бошқа техникани ўтказиш учун сол ясашни буюрди.

Кечув учун мос — саёз жой йўқ. Уларнинг қўлида эса битта штурм кўприги, битта шиширма қайиқ ва битта буклама тахта қайиқ бор эди. Кечиб ўтиш мўлжалланаётган жойда темир йўл кўприги бўлса ҳам, аммо гитлерчи газандалар чекинаётиб, уни портлатиб кетган. Узунлиги қирқ метр келадиган кўприк иккига бўлиниб ётарди. Уни тиклаш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади, аммо бир иложини қилиб, ундан фойдаланиш керак, акс ҳолда кечув чўзилиб кетиши мумкин.

— Хўш, чала инженер, шу кўприкни кишилар ўтиб оладиган ҳолга келтирсанг, сени росмана инженер деб қақирардик, — деди ярим ҳазил, ярим жиддий оҳангда подполковник Ҳамидов. — Бунинг учун нимайки керак бўлса, шахсан менга мурожаат қилавер.

Иш қизиб кетди. Лекин немислар нариги соҳилдан пулемётдан ўт очиб, тинч қўйишмасди.

Ҳамидов дарё бўйидан туриб кузатиш учун қулай жой топди. Барча бўлинма командирларини йиғиб, уларга ўз қарорини маълум қилди.

Штурм кўприги, икки қайиқ ва бошқа сузиш воситаларида аввал қайси батальон ўтади, деган савол туғилиб қолди.

Учала батальон командири, қайси биримиз биринчи бўларканмиз, дегандек бир-бирларига қараб олишди.

— Максимов, сен ўтасан! — деди подполковник.

Капитан Максимов кўпчиликнинг, шу жумладан полк командирининг ҳам арзандаси бўлиб қолган эди. Подполковник Ҳамидов капитан Максимов билан бирга жанг қилаётганидан бери унинг батальони ҳамиша олдинда, ҳамиша биринчи қаторда турарди. Шунинг учун ҳам Максимов иккиланмасдан:

— Хўп бўлади! — деб жавоб қайтарди.

— Тайёргарлигинг ҳақида ахборот бериб турасан,— деди Ҳамидов.

— Хўп бўлади!

— Полкнинг иккинчи батальони темир йўл кўпригидан ўтади,— деб тайинлади подполковник.

Максимов ўз отряди билан йўлга тушди ва омон-эсон нариги қирғоққа ўтиб олиб, душман билан жангга киришди.

Бир амаллаб «ямалган» темир йўл кўпригидан бошқа бўлинмалар ҳам аранг ўтиб олдилар.

Шундай қилиб, Днестрнинг юксак ғарбий қирғоғида истехком эгалланди ва у секин-аста кенгая бориб, душман чекина бошлади...



Жангчилар душмандан шафқатсиз ўч олиш учун олдинга ташландилар. Бир неча минутга чўзилган қизгин ва қонли жангдан сўнг бешинчи рота жангчилари Беднароро қишлоғининг шимоли-ғарбий томонини эгаллаб, кейин катта йўлга қараб юрди. Орадан ярим соатча ўтгач, яна икки ўқчи рота душманнинг иккита взводини тор-мор қилиб, ўтгизга яқин солдат ва офицерини асир олди. Улар қишлоқ маркази — Черков олдига чиқишди. Бу пайтда бешинчи рота Станислав—Қалус тош йўлига чиқиб олиб, ҳужумни тўхтовсиз давом эттириб, Ломница дарёсидаги иккита кўприкни қўлга киритди. Улар мана шу ҳужум жангларида душман сапёрларини асир олдилар, душманнинг кўприкларни порглатиш учун тайёрлаб қўйилган аллақанча аслаҳаларини қўлга туширдилар.

Полкнинг ҳужум қилиши учун йўл очилган, Станиславдан чекинаётган душман аскарлари учун эса йўл тўсиб қўйилганди.

147-дивизия Станислав шаҳри яқинида гитлерчилар устидан қозонилган ғалабадан кейин урушнинг охиригача Станислав дивизияси деб аталди.

Станислав операцияси учун подполковник Ҳайдар Қурбонович Ҳамидов фақат саркардаларга бериладиган Александр Невский ордени билан тақдирланди...

Ҳамидовнинг ҳийласи

— Шко-о-ла, смирно-о!!!

— Эҳ, Ваня, Ваня, йигирма бирга кирай деб қолдинг-ку, баъзан жўжа хўрозга ўхшаб қичқирасан-а — Полковник Ҳамидов майор Сазоновга қараб шундай деб қўйди.

— Уртоқ полковник! Менга ишониб топширилган дам олиш уйи, яъни кичик командирларнинг полк мактаби эрталабки текширувдан ўтди. Рўйхат бўйича бир юз эллик киши, сафда бир юз қирқ беш киши.

Беш киши лагеръ ва ошхонада навбатчилик қилмоқда. Қасал бўлганлар йўқ. Доклад қилувчи мактаб бошлиғи — майор Сазонов!

— Вольно! — деди полковник Ҳамидов. Кейин сафни айланиб чиқди.

Полк командири деярли ҳар куни курсантлар сафини айланиб чиқарди. Бугун ҳам ҳеч қандай арз ва илтимос бўлмади. Полк командири Сазоновга машгулотларни жадвал бўйича давом эттиришга рухсат берди. Курсантлар унинг олдида шахдам қадам ташлаб нонушта қилгани кетишар экан, полковник Ҳамидов Сазоновнинг унга тикилиб ўтганини пайқади ва: «Ҳаммаси жойида, ўғлим», дегандек билинар-билимас кўзини қисиб қўйди.

Курсантлар ўтиб бўлишини кутиб турган майор Сазонов полк командири ёнида бир оз тўхталиб қолди.

— Ҳайдар ака, «сир»имизни билиб қолишибдими?

— Билиб қолишибди, ўғлим.

Умуман, бунақа ишни сир сақлаш қийин. Ахир, ойна этак билан ёпиб бўлмайди, деган мақол бор. Стрима дарёси соҳилида полк қайта ташкил этилиб, хужумга ҳозирланаётган, техника билан қайта қуролланаётган кунларда полк командири урушнинг бугун оғирлигини ўз елкаларида кўтариб келаётган ветеран-солдатлар учун дам олиш учун лагеръ ташкил этганди. Унга майор Шовровский ҳамда ички таъминот бошлиғи майор Шустер билан бирга Добромолла қишлоғи чеккасидаги бир неча уйни танлашган эди. Боғ ўртасидаги бу уйлар ремонт қилинди, янги каравотлар, тўшак, чойшаб ва ёстиқлар қўйишди. Овқат қилиш учун алоҳида ошхона қуришди. Китоб, газета, приёмник олиб келишди. Ҳатто урушдан олдин чиқарилган пластинкалар билан патефон ҳам топиб келишди.

Бу уч кунлик дам олиш уйи эди. Худди урушдан олдинги дам олиш уйларига ўхшаш, ҳатто шикоят ва таклифлар дафтари ҳам бор. Танкка қарши жанг қилувчи рота ветерани Кобзон таклифлар дафтарига бундай деб ёзади: «Бу ердан кайфим чоғ бўлиб кетаётirman. Бизнинг тўғримизда оталарча гамхўрлик қилаётган полк командирининг бу иши жуда маъқул. Душмандан янада кўпроқ ўч олгинг келади».

Таклифлар дафтарида бошқа ёзувлар ҳам бор. Ҳаммаси ҳам шунга ўхшаш. Уруш даврида жангоҳ ва оташгоҳ яқинида бунақа осойишта, бунақа оромбахш дам олишни солдатлар чиндан ҳам бахт деб ҳисоблашарди.

Дам олиш уйи полк командири Ҳамидовнинг шахсий ташаббуси билан ҳар қандай комиссия ва текширишлардан пинҳоний равишда очилган эди.

Оқибатда Ҳамидов ўйлаганча бўлиб чиқмади, комиссия устига комиссия келиб, бу хабар дивизия командири Герасимовга ҳам етиб борди.

Эртасига эрталаб соат олтида полковник Герасимов Ҳамидовни ўз ҳузурига чақириб ундан:

— Хўш, ўртоқ полковник, яна янги найранг чиқарибсиз, деб эшитдим. Тўғрими? — деб сўраб қолди.

— Жуда тўғри! — деди полковник Ҳамидов.

Аммо бу гапнинг тарқалиб кетгани Ҳамидовни бир оз ташвишлантириб қўйди. Комиссия устига комиссия келгани майли-я, уларнинг ҳар бири ҳар хил хулоса чиқаришини айтмайсизми? Ҳар сафар Ҳамидов айб иш қилиб қўйган мактаб ўқувчисидек уларга изоҳ бериши керак...

Турли комиссиялар, ҳатто дивизия бошлиқлари ҳам келиб кетишди. Охири, бу масалани 76-ўқчи корпус командири — генерал-майор Вержинцев ҳал қилди. 147-Станислав дивизияси, унинг тиниб-тинчимас Ҳамидовдек командири бўлган 15-полк ҳам шу корпусга қарарди.

Генерал-майор Вороженцев таълим-тарбия формаси, курсантларнинг билимларини пухта текшириб кўриб, буйруқ чиқарди. Бу буйруқда ҳамма полк ва бошқа йирик қўшилмалар, кичик командирлар тайёрлаш бўйича йигин ташкил этишлари, тажриба керак бўлса 15-полкдан ўртак олишлари лозимлиги айтилган эди.

Генералнинг буйруғидан мамнун бўлган 15-полк қўмондонлиги ўз тажрибасини бошқаларга бажонидил ўргатар, зарур бўлганда амалий ёрдам ҳам беради.

Мактаб бошлиги майор Сазоновга саф тайёргарлиги ишлари бўйича капитан Максимов, сиёсий тайёргарлик ишлари бўйича капитан Руденко ўринбосар эдилар.

Бир ярим ойлик ўқиш тугаб, курсантлар комиссия синовидан жуда синчковлик билан ўтказилди ва уларга сержантлик унвонлари берилди. Шундай қилиб, полкда яхши тайёргарлик кўрган кичик командирлар етишиб чиқди.

147-Станислав дивизияси Перемишль шаҳрининг жануби-шарқ томонига, 15-полк эса Поздячи ва Буцув қишлоғига жойлашганди.

Қайта тузиш ишлари тугагач, Сандомир плацдармига кўчиб ўтиш ҳақида буйруқ келди. 15-полк икки кун тўхтовсиз юриб, Сандомир шаҳрининг Ғарб томонига — Висла дарёси ёқасига жойлашди. Биринчи Украина fronti қўшинлари шу ерга келиб тўхтаган, худди шу ердан қатъий ҳужум қўшланиши ва бу ҳужум натижасида қардош Польша тупроғи фашист газандаларидан тамомила тозаланиши ва жаллод гитлер қароргоҳи — Берлинга йўл очилиши керак эди.

Сандомир плацдармидан ёриб ўтишга ҳозирланаётган қўшинлар тўпланадиган районларни мустаҳкамлаш ва ҳужумга тайёрлаш юзасидан катта-катта инженерлик ишлари олиб борилди. Айни чоқда бу ерда ҳам жанговар ўқиш давом этди, янги ва эски ефрейтор ҳамда сержантлар янги келган жангчиларга таълим бера бошладилар.

Ғалаба нашидаси

Гитлерчиларнинг катта умид боғлаган Сандомир плацдарми қўшинларимиз томонидан янчиб ўтилгач, армиямиз фашистларни измай қуварди. Ана шу кунларда полк командирлари — гвардиячи полковник Ҳамидов бўлинма командирларига, батальон ва батареялар, разведка ва алоқачилар командирларига энг сўнгги буйруқни берди. Шунингдек, у ҳар бир командирга душман чекинаётиб барча йўлларни миналаштирганини, майдонларни сапёрлар минадан тозаламагунча йўлдан бир қадам ҳам четга чиқмасликни, кўчма ошхона орқада қолиб кетмаслигини, ўз вақтида дам олишни унутмасликни... таъкидлади.

Полк дивизия составида илгарилаб борарди. Саф тортиб бораётганларнинг оғиз ва бурунларидан паға-паға буғ чиқарди.

Полк олға босарди. Қўшинларимизнинг шиддатли ҳужумлари натижасида чекинишга улгуролмаган душман қисмлари ҳақида маълумотлар келиб турар, полковник Ҳамидов разведка маълумотини олиш билан душман группаларини тезликда йўқ қилиш ҳақида командирларга буйруқ беради.

Баъзан кунига 25—30 километрлаб йўл босишга тўғри келарди. Қисқа муддатли дам олиш ва тунашларни ҳисобга олмаганда, бу хилда йўл босиш сурункасига ўн саккиз кеча-кундуз давом этди.

Полк жанглар билан 1945 йилнинг 27 январь кунини Одер дарёсига тўрт километр қолганда тўхтади. Ниҳоят, Волга бўйидан — Сталинграддан қизгин жанглар билан йўлга чиққан 147-Станислав ўқчи ди-

визиясининг 15-полки солдатлари фашистлар уясига яқин Одер дарёси бўйига етиб келди.

Бу пайтда 147-дивизия 120-ўқчи корпусга қарашли участкада бўлиб, Одернинг ғарбий соҳилидаги Штейнау шаҳри яқинидаги бир қанча аҳоли пунктларини ишғол қилди. Бу душман тупроғидаги биринчи жанглар эди.

Қизғин ва даҳшатли жанглар, чекиниш ва зафар онларини бошидан кечирган совет солдатлари Москва остоналарида экайликларида, гитлерчи галаларни ўз инигача қувиб борамиз, бутун ёвузликлари учун шафқатсиз ўч оламиз, деб ният қилишган эди. Ёндирилган ва топталган она тупроқда улар ана шундай ният қилишган эди.

— Университет ёнмоқда, ўртоқ полковник! — Биринчи батальон командири майор Зимбович шундай деб ахборот берди.

Батальон биринчи немис шаҳри Винциг ва у ердаги университет биносига яқин бориб қолган эди. Тор кўча, қия томлар, узун-узун деразалар уларга ғалати кўринарди.

— Дарҳол ўт ўчирилсин! Шароитга қараб иш тутинг, китоб ва ашёлар сақлаб қолинсин! — деб буйруқ берди полк командири.

Ёнғинни бирпасда ўчиришди. Университет деярли шикаст кўрмади. Эртасига эрталаб полк жангчиларини маҳаллий аҳолидан бир неча кексалар, эҳтимол университет ўқитувчилари бўлса керак, кузатиб қолишди. Уларнинг чеҳрасидан ҳам қўрқув, ҳам миннатдорчилик, ҳам ҳайрат аломатларини пайқаб олиш қийин эмасди... Винцигда одам кам, кўпгина оилалар Геббельснинг ёлғон-яшиқ иғволарига учиб, уй-жойларини ташлаб, қочиб кетганди.

Полковник Ҳамидов ҳар куни командир ва сиёсий ходимларга жангчилар билан иш олиб бориш зарурлигини, биз немис халқи билан эмас, фашистлар билан, Германия билан эмас, гитлерчи фашизм билан курашаётганимизни тушунтиришни эслатиб турарди.

— Улар Ватанзимизга бостириб кириб, бизларни суриштириб ўтирмаган эди-ку!... — деб қолди суҳбат вақтида бир солдат.

— Улар гитлерчи — фашистлар, бизнинг ашаддий душманларимиз эди. Биз эса ўшаларга қарши курашяпмиз, бизлар немис халқининг халоскоримиз. Фарқини тушундингми, ўғлим?..



Полк Бобер дарёсига тезроқ етиб бориш учун шошиларди.

Генерал Лелюшенконинг тўртинчи танкчилар армияси Бобер дарёсини кечиб ўтиб, ғарбий соҳилда каттагина ерни эгаллаб, сўнгра Нейси дарёсига қараб йўл олган эди. 147-Станислав дивизияси 13-армия составига ўтказилган бўлиб, уларнинг вазифаси танкчилар билан биргалашиб, ғарбга томон юриш эди.

Бироқ 13-армиянинг ўқчи қўшилмаси танкчилардан анча орқада қолиб кетган, қутилмаганда Бобер дарёсидан ўтаётиб кунжи-кавакка яшириниб олган душман пистирмасининг қаршилигига дуч келди. Бунга жавобан йўл-йўлакай кескин зарба беришга тўғри келди. Командирсиз қолган 15-полкнинг аҳоли борган сари оғирлашди. Чунки полк командири полковник Ҳамидов зотилжам касали билан оғриб, госпиталда ётиб қолди. Штейнау учун бўлган жангларда полк кўпгина жанговар командирларидан ажралган бўлса ҳам, аммо душманга қарши жанг қилди, қўмондонликнинг жанговар буйруқларини бажаришда намуна кўрсатди. Полк шахсий состави худди шу ерда ўзини кўрсатиб, яна бир қарра жиддий синовдан ўтди.

Гитлерчилар Черепашчук батальонига чигирткадек бостириб келган пайтда командирнинг ўзи пулемётдан ўт очишга мажбур бўлди.

Иккинчи батальон штаби бошлиғи Жуков ҳам у билан бирга пулемётдан ўт очарди. Афсуски, бу жангда ажойиб командир ҳалок бўлди.

15-полк душман тупроғида икки ойчадан бери жанг қиларди, чекинаётган душман қисмларини изма-из қувиш билан бирга унинг мустақамланган позицияларини ёриб ўтиб, ҳамон илгарилаб борарди. Полкнинг жанговар ҳаракатлари қўмондонлик томонидан юксак баҳоланди: СССР Олий Совети Президиумининг Фармониға биноан 15-ўқчи полк саркардаларға бериладиган Александр Невский ордени билан мукофотланди. Полк командири полковник Ҳамидов эса иккинчи жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Полк штаби бошлиғи майор Сазонов, капитан Жуков ва майор Шавровскийлар жанговар Қизил Байроқ ордени олдилар. Кўпгина офицер, солдат ва старшиналар ҳам орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Александр Невский орденли 15-ўқчи полк сўнги, ҳал қилувчи ҳужумға пухта ҳозирлик кўра бошлади.

□

Шу пайтгача энг яхши, деб ҳисобланган 15-полкни жуда синчковлик билан текширишди. Айниқса, фронт қўмондони вакили полковник Дудник жуда қаттиқ, ип-игнасиғача текширди. Дивизия ўша пайтда фронт резервида турарди.

Дудник олдидан хиёл қизариб чиққан майор Сазонов полк командирига:

— Дудник менга ёш бўлганим учун ишонмаётганга ўхшайди, — деди.

Полковник Ҳамидов уни тинчлантириб:

— Бу ерда бошқа гап бор, ўғлим, — деди. — Афтидан, у бизни текшириш учун эмас, тактикамизни ўрганиш учун келганга ўхшайди.

Полковник Дудник ҳадемай 147-дивизияға командир этиб тайинланди. Дивизия охирги ҳужумни муваффақиятли ўтказиб, Богдан Хмельницкий ордени билан мукофотланди ва энди Богдан Хмельницкий орденли 147-Станислав дивизияси деб юритилди.

Александр Невский орденли 15-полкка вақтинча иккинчи қаторда бориш вазифаси топширилган эди.

□

Қирқ бешинчи йилнинг апрель ойи. Полк Нейсе дарёсидаги душман мудофаасини ёриб ўтиши керак эди. Урушнинг дастлабки йиллари ўтиб кетган, энди армиямиз душманнинг ҳар қандай ўт очиш нуқталарини тилка-пора қилиб ташлашға қудрати етадиган пайт. Бу вақтда фронтнинг ҳар километриға 250 тадан тўп тўғри келарди. Шунинг учун ҳам душман мудофаасини ёриб ўтиш вақтида биринчи қатордагилардан унча мураккаб маневр талаб этилмасди. Асосий мақсад йўлида қатъият кўрсатилса бас. Иккинчи қатордагилар эса бошқа гап. Торгина ҳужум қилиш йўлидан иккинчи қатордагиларни жангга киритиш анча мураккаб иш...

Худди ана шу иккинчи қатордагилар эришилган муваффақиятларни мустақамлашлари зарур эди. Полк командириға дивизия командири режасини амалға ошириш учун мустақил қарор қабул қилишға руҳсат этиларди.

147-дивизия ўзининг сўнги ҳужумиға асосий йўналиш билан борди. Душман ҳар бир чуқурлик, ҳар бир бута орқасиға яшириниб, жанг қиларди.

1945 йил 16 апрелда Нейсе дарёси кечиб ўтилди. Гари районида 15-

полк душманнинг қарши ҳужумига дуч келган қўшнисига кўмаклашиб, битта батальон билан ён томондан зарб бериб, душман мудофаасининг ичкарасига кириб олди.

18 апрелда одатдаги қабул қилинган тактикани қўллаб, 15-полк Гобленци шаҳарчасини ишғол қилди. 19 апрелда эса Шеремберг районида соҳиллари ботқоқ, кенг Шпрее дарёсидан кечиб ўтилди. Қўлга киритилган марра қарши ҳужум билан тутиб турилди.


Шундай қилиб, Берлинга жанубдан ҳужум қилиш учун шароит тузилганди. Худди шунда полковник Ҳамидов ўқишга кетаётган майор Шавровский ҳамда жангда ярадор бўлиб қолган майор Сазонов билан хайрлашди: «Омон бўл, Ваня, ўғлим. Яна дийдор кўришгунча хайр!» деди.

Биринчи Украина фронтининг ўнг қанотида ҳаракат қилган 13-армия Шпрее дарёсидан ўтгач, автомобиль йўли билан Қалау, Шлабendorф, Люккау, Юстенбергдан ўтди. Аллақачон уйлар тепасига оқ байроқлар илиб ташланган эди. Бу ердагилар Совет Армияси ғолиб армия, халоскор армия эканлигини яхши билишарди.

1945 йилнинг учинчи май куни 147-дивизия қардош словак халқига ёрдам бериш учун Чехословакияга юборилди. Германиянинг таслим бўлганлиги ҳақидаги хабарни улар йўлда эшитдилар. Аммо дивизия учун ҳали уруш тугамаган эди. Улар учта концлагердаги тутқунларни қутқаришарди, Чехиянинг Карловице, Жигле, Петворув, Польшанинг бир қанча шаҳарларини немис-фашист босқинчилари асоратидан қутқариб мингдан кўпроқ фашист солдат ва офицерларини асирга олишди.

Дивизия ва 15-полкнинг жанговар йўли 1945 йил 10 майда тугади. Полковник Ҳамидов кўксига учинчи жанговар Қизил Байроқ ордени тақиб қўйилди. Бу полкнинг сўнги жанговар ҳаракатлари учун мукофот эди.

Орадан ўттиз беш йилдан ортиқ вақт ўтди. Ҳайдар Қурбонович Ҳамидов ҳозир пенсияда, суюкли неваралар даврасида кексалик гаштини сурмоқда. Солдат тинчлик пайтида ҳам жанг қилади, деганларидек истеъфодаги полковник Ҳамидов ёшлар орасида Совет Армиясининг жанговар аънаалари ҳақида қизғин суҳбатлар ўтказиб туради.





Михаил Косих

Ҳалшомолар йигит

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ
В. В. КАРПОВ ҲАҚИДА ОЧЕРК


1942 йилнинг охирлари эди. Калинин fronti участкаларидан бирига янги кучлар келиб қўшилди. Бундан полк командири ҳам мамнун бўлди. Умуман, фронтга мадад келиши доимо зўр хурсандчилик; бунинг устига янги келганлар кўринишидан жуда чаққон ва бақувват, соғлом ва сараланган йигитлар бўлиб, уларнинг жангга талпиниб, отланиб турганликлари шундоққина сезилиб турарди. Улар орасида истараси иссиқ, кўк кўз, қошлари ўсиқ, елкадор, хушбичим, ўн тўққиз ёшлардаги бир йигит — Володя Карпов ҳам бор эди. У ҳадемай кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди, дўстлар орттирди ва уларга ўзининг дил орзусини — разведкачи бўлиш нияти борлигини айтди.

— Уҳ-ҳў, жуда ошириб юбординг-ку, — кулди мададга келганлардан бири.

— Сен, йигитча, шаҳарликсан, жуда нозиксан, қулоғингдан кун кўриниб турибди, бўмайсан.

— Кўраминиз, — жавоб берди Володя.

Шу йили қишнинг қаҳри ҳам жуда қаттиқ келди. Қаҳратон совуқ, ер ялаган изғирин, шамол кўз очирмасди. Қор уриб кўмилган окопларни тозалашнинг чеки йўқ. Немислар ҳам, биз ҳам ҳимояда эдик. Узоқда, Сталинградда даҳшатли, қонли жанглар давом этмоқда, гитлерчи қўшинларнинг бир гуруҳи қуршовнинг оловли ҳалқасидан қутулиб кетиш учун беҳудадан-беҳуда уринмоқда эди. Бу ерда эса, солдатларнинг ҳазил аралаш ибораси билан айтганда, «окопда қўл қовуштириб ўтириш»дан иборат бир ҳолат эди. Аҳён-аҳёнда навбатчи пулемётлардан ўқ узилар, баъзан ҳар икки томон артиллерияси жазавага тушар, мерганлар эҳтиётсиз ва анқовроқ аскарларни пойлар, разведкачилар



«тил» топиш йўллари ҳақида бош қотирар эди. Аслини олганда бу ер ҳам, шунчаки, окопда қўл қовуштириб ўтирадиган жойлардан эмас эди. Хусусан разведкачиларга қийин эди. Гитлерчилар окопларга биқиниб олган бўлса ҳам бизнинг кўшинларимиз эгаллаган жойлар устидан пухта назорат ўрнатган эдилар, кўп табақали, ўтиб бўлмайдиган даражада пухта ўт очиш системасини ташкил қилгандилар. «Тил» эса сув билан ҳаводай зарур. Қаердан топсанг топ. Қўмондонликнинг талаби шу эди.

Ана шундай қиш тунларидан бирида Володя окопда навбатчилик қиларди. Вздои блиндажда дам олар, у эса пулемёт ёнида душман сарҳадларидан кўз узмай турарди. Шамолда тўзғиб, юз-кўзга урилган қордан бошқа ҳеч нарсаи кўриб бўлмасди. Фрицлар ҳам, энг сергак кузатувчиларини окопда қўйиб, блиндажда исинишаётган бўлса керак. Ҳар ҳолда ёш аскар диққатни бўшаштирмади, ўртадаги бетараф зонани хушёр кузатиб турди. Бирданга бетараф зонада қор дўнгликлар пайдо бўлиб қолди... қимирлайди. Секин унинг окопига қараб силжияпти! Володя ўз кўзларига ишонмади. Бу нима бало ўзи? Миясига ялт этиб бир фикр келди: «Бу оқ ниқоб-костюмларда эмаклаб келаётган немис разведкачилари. Об-ҳавонинг ёмонлигидан фойдаланиб улар бирон-бир навбатчини ўғирлашни... аниқроғи мени қўлга туширишни мақсад қилганлар».

Володя пулемётга ёпишди-ю, шу онда миясига бошқа фикр келди. У блиндажга қараб чопди, взводни уйғотиб, душман разведкачиларидан ўн бештачаси келаётганини хабар қилди.

Аскарлар секин-аста окопларга тарқалдилар, қуроолларни тахт қилиб турдилар. Володя яна ўз пулемёт ёнида пайдо бўлди ва чақирилмаган «меҳмон»ларни ўзига жалб эта бошлади. Немислар окопларимизга жуда яқин келишди ва пулемёт ёнида, гўё бепарводай бўлиб турган «тил»га қараб энди отилмоқчи бўлиб турганларида, бирдан пулемёт наъра тортиб, оғзидан ўт пурқаб берди, рус автоматлари «сайрай» кетди, гранаталар гулдиради. Даҳшатдан юраги ёрилаётган фрицлар аюханнос кўтардилар, тирик қолганлари қорда йиқилиб-туртиниб тум-тарақай қочдилар. Володя биринчи бўлиб окопдан отилиб чиқди ва қочаётганларга ташланди:

— Оғайнилар, буларни тириклайин ушланглар!

Иши юришмаган «овчиларни овлаш бошланиб кетди. Володя чопавериб ҳарсиллаб, ҳолдан тойган бир гитлерчини қувиб етди, ёқасидан бўғиб ушлаб, қўлини орқасига қайирди ва траншеяга судради. Уртоқлари ҳам яна иккитасини ушлашди. Ҳазил гапми, ҳадемай учта «тил». У пайтларда Калинин фронтида бу фавқулодда бир ҳодиса эди. Полк командири ҳам ҳайратда қолди:

— Қизиқ, фронтга келганига ҳафтаям бўлмаган йигитча, шароитни кўз очиб юмгунча, гоят тез ва тўғри баҳолаеса-я?

Шунда маълум бўлдики, оддий аскар Карпов, аслида жуда ҳам оддий аскар эмас, балки лейтенантлик унвони бўлмаса-да, жуда яхши тайёрланган ўртача командир экан. 1939 йилда у Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги пиёда аскарлар билим юртига ўқишга кирган. Бироқ уни битиришга шароит бўлмаган, атиги икки ой қолганда Володя ўқишни ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бундан қатъи назар, бу ерда — фронтда ҳаммага бир нарса жуда яхши аён эди-ки, у ҳам бўлса Владимир Карповнинг асл ўрни разведкадалиги. Бироқ яна бир талабчан, даҳшатли синовчи бор эди. У худонинг ўзи ёрлақаб табиатан қуйма разведкачи қилиб яратган, айиқсифат сибирлик Макогонов эди. Пакана, елкадор, фавқулодда кучли бу одам ким билан олишмасин, ҳадемай силласини қуриб ташлар эди. Саша Пролеткин деган ҳазилқаш разведкачи Макогонов ҳақида шундай дер эди:

— Э, бу одам эмас. Сейф бу! Пўлат сандиқ. Бешта бўлиб ҳам ағдаролмайсан!

Мана шу «сейф» Володянинг пишиқлигини шахсан синаб кўрадиган бўлди:

— Курашамизми ё муштлашамизми?

— Муштлашамиз.

— Лекин, ҳазил деб ўйлама, мен чиндан айтяпман. Бирон корихол рўй берса хафа бўлиб юрма, тагин. Разведкачиликка синайман, буни тушуниш керак.

— Тушундим.

Макогонов қанча уринмасин бу янги олинган аскарни «пийпалаб» ташлашнинг иложини тополмади. Володя унинг қақшатқич зарбаларига эпчиллик билан чап бериб қолар, қайрилиб, бурилиб, шўнғиб, алдамчи ҳаракатлар қилар эди. Кутилмаганда у чапақай қилиб чанга урди. Макогонов аввал ўнгга, сўнг чапга оғиб лапанглай бошлади. Ўзига келгач, қизиқиб сўради:

— Йигитча, сенга бу хунарни ким ўргатди?

— Сидней Жаксон.

— Ким?

— Бизда, Тошкентда америкалик эмигрант яшайди. Ўз вақтида, Америкада профессионаллар орасида, энгил вазнда чемпион ҳам бўлган. Мактабдалигимда унинг қўлида шуғулланганман. Қирқинчи йилда иккинчи ўрта вазн бўйича Ўрта Осиё биринчилиги ғолиби бўлганман.

Макогонов ҳалиям сирқираб оғриётган иягини кафти билан силаб, ўйлаб қолди ва хулоса қилди:

— Ярайди. Аммо ишда ҳам синаш керак эди-да.

Иш ҳам топилди. Разведкачиларга «тил» топиб келиш топширилди. Кўпни кўр-

ган, тажрибали аскарлар бу ишга ҳовлиқмасдан, бамайлихотир киришдилар. Фақат Володя ҳаяжонланар, бироқ буни сездирмасликка уринарди. Макогонов унга отларча васийлик қилди, унинг жуда кўп, ҳар хил маслаҳатлари орасида шунақаси ҳам бор эди: «агар «тил»ни бир оз ювошлантирмоқчи, тинчлантирмоқчи бўлсанг, асло боя мени урганигдақа қилиб урмагин, ўлдириб қўясан-а».

— Фриц,— деб ўргатар эди у ўз шогирдларига,— заиф бир нарса. Ҳаттоки жуда ҳам семиз ва йўғон бўлган тақдирда ҳам сен уни бйр уриб эсини оғдир, бироқ шундай урки, кейин у яна гапира оладиган бўлсин. Масала равшанми?

Қалин қор қоплаган «бетараф» зонага секин-аста қоронғилик чўка бошлади. Душман эгаллаб турган тепаликни текшириб кўриш керак эди. У ерда пулемёт жойлашган ва душманнинг кўпи билан бир бўлинмасигина ўрнашиб олган, деб тахмин қилинарди. Қоронғи тушиши билан разведкачилар оқолдан чиқишди. Уларга Макогонов бош эди. Операциянинг ҳамма деталлари пухта ўйлаб чиқилганди.

Дастлаб «бетараф» зонадан юриб бордилар, сўнг, мўлжалга яқинлашгач, қор билан бир бўлиб эмаклай бошладилар. Аввал Макогонов, сўнг бошқалари тиканли сим қатори ёнидаги буталар панасига етиб боришди. Атрофни диққат билан кузатишди. Режалаштирилганига биноан разведкачилардан икки киши тиканли симгача борди, сўнг махсус қайчи билан унинг остки қаторларини қирқа бошладилар. Бу пайт Володянинг юраги шиддат билан урар, ҳаяжондан титрар, чуқурроқ нафас олишга ҳам кўрқар, фашист навбатчиларининг сезиб-қолишидан хавотирда эди.

Ниҳоят олти киши тиканли сим остидан эмаклаб ўтди. Симни қирққан иккитаси эса ҳар эҳтимолга қарши шу ерда қолишди. Улар, агар душман сезиб қолгудай бўлса, автоматдан ўқ узиб, ҳамкасбларини ҳимоя қилиши, уларнинг орқага қайтишини таъминлаши керак эди. Олти киши душман траншеяси томон эмаклаб борди. Тўрттаси траншеяга тушиб олди. Иккитаси эса ташқаридэ қолиб, шерикларининг бе-хатар қайтишини таъминлашга ҳозир бўлиб турди.

Илон изи қилиб қазилган траншеянинг разведкачилар тушган қисми бўм-бўш эди. Улар пулемёт ўрнатилган томонга юрдилар. Шунда Володя траншея девори бўйлаб тортилган проводни кўриб қолди ва уни Макогоновга кўрсатди. Макогонов «қирқиб ташла», дегандай имлади. Шу пайт буларнинг қаршисида — траншеянинг бурилган жойида икки немис солдати пайдо бўлди ва разведкачилардан кимдир автоматдан ўт очиб, уларнинг бирини қулатди, иккинчиси, орқага — пулемёт томонга қараб қочди. Володя уни ҳадемай қувиб етди, елкасига чангал солди ва шу заҳотиёқ ияги остига мушт еб қулаб тушди. Бироқ ёш разведкачи бўш келмади, қочиб бораётган фашистни яна қувиб етди ва унга пичоқ урди. Бу муваффақиятсизлик устига яна муваффақиятсизлик эди. Чунки ўртоқларидан бири автоматдан ўқ узиб, тинчликни бузган ва немисларни оёққа турғизган бўлса, Володя тайёргина «тил»ни даф этиб қўйган эди. Блиндаждаги титлерчилар эшикни очмаёқ, оқолга ўт очдилар.

Макогонов улоқтирган граната портлаб эшикни кўпсориб ташлади. Блиндаж ичкарисига Володя граната отди. Яна портлаш! Қийқирик, инграшлар... блиндаж ичкарисидан тутун бурқсиди. Қандай бўлмасин бирон-бир «тил»ни қўлга тушириш керак. Ёш разведкачини шу фикр ўртарди. Бироқ блиндажга кириш хавфи эди. Шунда Володя устози Макогонов ўргатган ҳйллалардан бирини ишга солди. У блиндаж ичига ҳалқаси суғурилмаган гранатани иргитди-да, зидан ўзи ҳам отилиб кирди.

Ёш разведкачининг ўйлашича, фашистлар граната тушиши биланоқ унинг портлашидан кўрқиб, мукка тушиб ётиб олиши керак эди. Чунки бу гранатанинг портламаслигини улар билишмайди-ку!

Блиндаж ичи қоп-қоронғи, кимдир инграр, портловчи моддаларнинг сассиқ ҳиди анқир эди. Володя полда ўрмалаб атрофни тинтир эди. Буниси тайёр. Буниси ҳам. Буниси ҳушидан кетган... Бу ҳам «тил»га ярамайди... Мана буниси дуруст — ҳақиқий «тил», нафас оляпти, фақат ўтакаси ёрилгудай кўрқипти, холос, ўзига келади. Макогонов кўринди. Икковлашиб немисни ташқарига судрадилар. У қаршилик кўрсатмади. Қўллари боғлиқ, оғзига пайтава тикилган бу немис разведкачилар олдида гоҳ оёқлари чалкашиб, гоҳ лўкиллаб келарди. Разведкачиларни ҳеч ким таъкиб этмади, чунки окоп ва блиндаждаги немисларнинг барчаси кириб ташланган эди.

Қидирувга бормай қисмда қолган солдатлар разведкачи ўртоқларини зўр хурсандчилик билан қутиб олдилар. Топган-тутганларини дастурхонга қўйдилар, юзта-юзта ҳам отилди. Қувноқ кайфият, ўйин-кулги ҳукм сурди. Фақат Володянинг кайфияти бошқачароқ. Гарчи у ҳам ўйнаб-кулиб ўтирган бўлса ҳам, лекин ичини ит тирнар эди. Бўлиб ўтган отишмада унинг ҳам айби бор-да, тап-тайёргина «тил»ни чавақлаб ўтирибди-я. Энди гап тегади-да... Макогонов айикдай лапанглаб ёш разведкачи томон келди, баҳайбат қўллари билан унинг елкасига қоқди. Сўнг разведкачиларга юзланиб, деди:

— Маъқул йигит экан, ярайди.

Кўп ўтмай оқдий аскар В. Карпов лейтенант уновонга сазовор бўлди ва 134-Вердин ўқчи дивизияси 629-ўқчи полкининг пиёда разведкачилар взводи командири қилиб тайинланди. В. Карловнинг фронтдаги ҳаёти сермазмун, ҳаяжонли воқеа-

ларга бой. У разведкада юзлаб маротаба қидирув операцияларида қатнашди, душман фронтининг узоқ орқа томонларига дадил кириб борди, 79 та «тил»ни тутишда иштирок этди.

В. Карповнинг ҳарбий маҳорати ва жасурлигидан куйидаги факт ҳам далолат беради: 1942 йилнинг охирида у фронтга эндигина келган, тажрибасиз, ёш аскар эди. 1943 йилнинг 21 сентябрида эса уни ҳукуматнинг олий мукофотига — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тақдим этувчи мукофот варақаси тўлдирилди. Ёш аскарнинг мукофот варақаси жасоратли ҳарбий воқеалар тафсилоти билан шунчалар тўлиб-тошган эдики, ҳатто юқори доираларда бу тақдимномага бир оз шубҳа билан қараганлар ҳам бўлди. Чунки фронтнинг нисбатан тинч участкасида, қисқа муддатда бунча катта қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиш ғайри табиий ҳолдай бўлиб кўринар эди. Мукофот варақасига мурожаат этиб кўрайлик-чи:

«Смоленск областининг Пречистен ва Духовщина районларида 1943 йилнинг 13 августидан буён содир бўлган жангларда ўртоқ Карпов бир неча марта шахсий қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. Бир гуруҳ разведкачилар сафида у душман ҳимоя чизиғининг ичкарасига ўттиз мартадан кўпроқ ўтиб борди ва ҳеч қандай ҳавф-хатар билан ҳисоблашмай, гитлерчиларнинг катта кучларига қақшатқич зарба берди.

1943 йил 19 август тунда душман 259,1 тепалигида жуда катта куч тўплаб, бизнинг ҳужумга ўтмоқчи бўлиб турган қисмларимизга қарши ҳужум уюштириш пайида эди. Ўртоқ Карпов бир гуруҳ жангчилар билан душман территориясига яширин кириб борди, отишмалар пайтида рўй берган вазиятни шахсан ўзи тўғри баҳолаб, душманнинг артиллерия ҳужумини ўзига жалб этди. Шу билан душман планлаштириб қўйган қарши ҳужумни барбод қилди. Карповнинг бу жасур ҳийласи ва қаҳрамонлиги туфайли душман ўз артиллерияси билан ўзининг икки юздан ортиқ солдатини кириб ташлади, битта «тигр» танкини, ўзиюрар «фердинанд» замбарагини ёндириб юборди. Бу тенгсиз жангда Карпов оғир ярдор бўлди, лекин жанг майдонини ташлаб кетмади, курашни давом эттирди.

Белий-Духовщина йўлидаги Маецкое қишлоғида душман жуда мустаҳкам ўрнашиб ҳимоя позицияларини эгаллаб турар эди. Ўртоқ Карпов учта қизил аскар билан қишлоққа кириб борди ва ҳаётини ҳавф остида қўйиб бўлса-да граната отиб, катта йўл чеккасидаги душман дзотини йўқ қилди, траншеяга биринчи отилиб кириб, найзабозлик жангида шахсан олтига немисни ер тишлатди, душман кучларини орқага чекинишга, катта йўлни ташлаб кетишга мажбур этди. Бунинг натижасида бизнинг полк катта йўл томон силжиш, Маецкоедаги таянч пунктини тўла эгаллаш ва у ердан душманга қарши ҳал қилувчи зарбани ривожлантириш имконига эга бўлди.

1943 йилнинг 15 сентябрида душман Четовица қишлоғида жуда қаттиқ ҳимояда туриб олди. Карпов саккиз киши билан фронт линиясини яна кесиб ўтди ва душманнинг орқа тарафига ўтиб, аниқ мўлжал билан унга қақшатқич зарба берди; элликдан ортиқ немис солдати ва офицерларини кириб ташлаб, душманнинг муҳим ҳимоя пункти бўлган қишлоқни тамомилан эгаллади.

1943 йилнинг 16 сентябрида Духовщина районининг Ефремово қишлоғи учун бўлган жангларда ҳам ўртоқ Карпов қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. У бир гуруҳ жангчилар билан ҳимояда турган душманни ёнлаб ўтиб, унга орқадан кўққисдан ҳужум қилди ва қишлоқ остонасида қирқта немисни яксон қилиб, шахсан ўзи яна ўн биттасини асир ҳам олди.

Душман Демидов — Смоленск йўлини тиш-тирноғи билан, қаттиқ ҳимоя қилар эди. Карпов бир гуруҳ жангчилар билан олға силжиди ва душманнинг орқа тарафига ўтиб олди. Олтимиш кишидан иборат немис гарнизонини бутунлай кириб ташлаб, катта йўлни эгаллади, душманнинг кўприкни портлатиш планини ҳам барбод этди.

Смоленск область, Духовщина районининг Василево қишлоғида мен — полк командири, кичик бир гуруҳ жангчилар билан жуда оғир аҳволда қолдим. Душман анча катта куч билан бизнинг ҳужумимизга қарши атакага ўтди. Шунда ўртоқ Карпов ўз ҳаётини ҳавф остида қолдириб, жанг билан душманнинг ён томонини эгаллади. Ва шахсан ўз автомати билан йигирма бешта немисни ер тишлатди. Шу билан у гитлерчилар тўдасининг ҳужумини қайтариш, шунингдек қишлоқдаги муҳим мудофаа пунктини эгаллаш имконини туғдирди.

Бўлиб ўтган жангларда ўртоқ Карпов ўзининг ҳақиқий, довурак қаҳрамон эканлигини, Ватаннинг содиқ ҳимоячиси эканлигини намоиш этди, ўттиз мартадан кўпроқ душман позицияларининг орқа тарафига ўтди, унинг ҳужум ва ҳимоя планларини барбод қилди, ўзининг разведкачи ўртоқлари билан уч юз элликдан ортиқ немис солдат ва офицерларини йўқ қилди, ўттиз бешта асир олди.

Немис босқинчилари билан бўлган жангларда кўрсатган қатор шахсий қаҳрамонликлари учун ўртоқ Карпов ҳукуматимизнинг олий мукофоти — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига лойиқдир».

629-ўқчи полк командири, подполковник Кортунув,
Полк штаби бошлиғи, майор Шкодских.

1943 йил 21 сентябрь.

Подполковник Картунов ва майор Шкодских томонидан хассослик билан битилган бу вазмин ва салмоқдор жумлаларда ҳамшаҳаримиз — тошкентлик ёш қаҳрамон — афсонавий Карповнинг номи абадийлашди.

Дарвоқе, полк командири, ажойиб инсон Алексей Кириллович Картунов ҳақида икки оғиз сўз. Уруш давридаги жасоратлари учун унга ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Урушдан сўнг Картунов СССР Газ саноати министри бўлиб ишлади.

...Сентябрь воқеаларидан кейин яна янги жанглар, душман позициялари орқасида янги-янги «саёҳат»лар, кўп жасоратлар содир бўлди. Бир куни, навбатдаги сафарга жўнаётиб Владимир Карпов партия ташкилоти секретарига қисқагина ариза қолдирди: «Агар қурбон бўлсам, мени коммунист деб ҳисоблашингизни сўрайман». Уни партиёга қабул қилишди. Кишини ҳайратда қолдирадиган ўша сафар воқеаси ҳақида қисқагина сўзлаб бергим келади.

— Дивизия Велиж шаҳри яқинида ҳимояда турарди. Бир пайт полк командири Карповга юзланиб: «жуда билағон бир «тил» керак бўлиб қолди. Оқопа ётган оддий аскар ҳеч нарсани билмайди, сен иложи бўлса менга штаб ходимларидан биронтасини илинтириб кел. Тушундингми?.. Картага қара... Фашистларнинг штаби Симаки қишлоғида, биздан атиги беш километр нарига жойлашган. Ҳеч бўлмаса биттасинигина илинтир. Бир йўла қишлоқда нималар бўлаётганига эътибор бер».

«Илинтир» дейиш, айтишгагина осон. Ўзи бўладими? Баҳор тумшугининг тагида турибди. Об-ҳавода турум йўқ. Бир қарасанг иссиқ, бир қарасанг совуқ. Қишқиқниқобли кийимлар иш бермайди.

Анҳор ичидан — муз устидан юриб бориш ҳам хавфли, оёқ кўйишинг билан «қирс-қирс» этиб дарз кетади, юпқалашиб қолган. Шунга қарамасдан буйруқ бажарилиши керак. Карпов ишга киришди.

Улар фронт чизигини кесиб ўтишга уришиб кўрдилар. Бўлмади. Иккинчи марта яна муваффақиятсизлик. Чекиниш пайтида энг зўр разведкачилардан бири — ёш Синяев ҳалок бўлди. Уртоқларининг хатарсиз чекинишларини таъминлаш учун у орқада қолиб, гитлерчиларга танкка қарши отиладиган граната иргитди ва ўзи ҳам ҳалок бўлди. Учинчи уриниш ҳам натижа бермади. Штаб бошлиғи разведкачилар командири Карповни чақириб олиб, унга таъна қилди.

— Сизнинг бундай бесамара ахборотларингизни қачонгача эшитамиз?

Владимир узоқ бош қотирди. Ниҳоят йўлини топди. Немислар эгаллаб турган томонга чуқур бир анҳор кетарди. Унинг юпқа музи устидан юриб эмас, эмаклаб кетилса, айнаи муддао бўларди. Карпов ўз тахминини синаб кўрди. Муз «қисир-қисир» этди-ю, бироқ синмади.

Атрофга қоронғилик чўка бошлаши билан разведкачилар группаси муз устига тушишди. Анҳорнинг қирғоқлари баланд, туби қоронғи эди. Муз ўйилиб кетмаслиги учун улар оралиқда беш-олти метрча масофа қолдириб бирин-кетин эмаклаб кетишди. Шошилинч ҳолларда яширин сигнал билан бир-бирини хабардор этиш мақсадида узун арқон ушлаб олишди.

Душмanning мудофаа чизигига етган жойда дзот бор эди. Карпов ва Макогонов эҳтиётлик билан дзотни кузатдилар. Унинг эшиги очиқ, тахмин қилинишича, ичида одам ҳам йўқ эди. Текшириш натижасида бу тахмин тўғри бўлиб чиқди. Анҳорнинг юпқа музи устидан одам юра олишига кўзи етмаган немислар бу ердаги соқчиларни чақиртириб олишган эди. Разведкачилар душмanning орқа томонига ўтиб, буталар орасига бекиниб олишди.

Симаки қишлоғи полизга туташ битта узун кўчадан иборат эди. Олачипор кийимлар билан пухта ниқобланган разведкачилар похол томли бир кулбача ёнига ўрмалаб бориб, тахтадевор орқасида паналаб турдилар. Мақсад тушунарли. Гарчи немислар бу ташландиқ кулбада яшамасалар ҳам бу ердан ўтиб туриши мумкин эди. «Тил»ни Макогонов билан Карпов олиши, бошқалар эса хавфсизликни таъминлаб туриши керак эди. Диққат ошар, дақиқалар бамисоли соатларга тенг эди. Оёқ товуши эшитилди. Қандайдир командир билан иккита солдат яқинлашиб келарди. Афтидан, штабда қоровул сменаси алмаштирилиши керак эди. Уларга ҳужум қилиш керакми? Йўқ! Операция яна барбод бўлиши мумкин. Аммо «тил»сиз орқага қайтиш ҳам ақлга сифмайди. Разведкачилар тахтадевор панасидан олға қараб бордилар. Қаршидаги уйга яқинлашиб қолганларида эшик очилиб кимдир чиқди ва разведкачилар томон кела бошлади. Деворнинг бу томонида пўйлаб турган Макогонов Карповнинг елкасидан девор оша сакраб йўловчининг устига ташланди. Шу ондаёқ Карпов ҳам девордан сакраб тушди. Кўз очиб-юмгунча бўлиб ўтган олишув тинди. Макогонов немисни кекирдагидан бўғиб турар, у бақиролмас, ёрдамга чақиролмасди. Карпов асирнинг оғзига қўлқоп тикди, қўлларини боғлади. Кимдир ердан унинг фуражасини олди. Уҳ-хў! Офицер!

Обер-лейтенант аввалига бир оз қаршилик қилмоқчи бўлди, юрмади. Шунда Макогонов уни жуда усталик билан боплаб урдик, немис олдин ҳушидан кетди, сўнгра ўзига келгач, капалаги учганидан кўзлари ола-кула бўлиб йўрғалай кетди. Муз устидан эса уни «чана» қилиб судраб келишди.

Манзилга етишгач, Владимир Карпов, вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, «тил»ни штаб бошлиғи ҳузурига бошлаб борди ва разведкачилар ҳар доим ҳам «ов» дан қуруқ қайта бермасликларини унга шахсан ўзи исботлаб кўрсатди.

Биз Владимир Карпов билан турли қўшинларда, ҳар хил фронтларда бирга хизмат қилдик. Урушдан кейин дўст тутиндик. У Фрунзе номли ҳарбий академияни тугатиб, Совет Армиясининг Бош штабида ишлади, пиёда қисмларда хизмат қилди, Помир ва Қорақумда полкка командирлик қилди, Кушкада хизматда бўлди, полковник даражасигача ўсиб борди.

Қизиғи шундаки, Владимир мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ ёзувчи бўлишни орзу қиларди. Бироқ замон шундай эдики, Ватанга ҳимоячилар зарур бўлиб қолганди. Буни яхши тушунган Владимир мактабни тугатиб, ҳарбий билим юртига ўқишга кирди.

Лекин адабиётга бўлган табиий майл, муҳаббат унга тинчлик бермади. У сиртдан ўқиб, М. Горький номидаги Адабиёт институтини тугатди. Дивизия штаби бошлиғи лавозимида ишлаб туриб ҳам бадиий ижод билан шуғулланди. Кетма-кет унинг «Шарқдаги машъал» пьесаси, «ОРД» кинофильми, «Разведкачининг бир куни», «Командирларга жуда оғир», «Бедарак йўқолганлар» каби китоблари, туркум ҳикоялари юзага келди.

Владимир Васильевич Карпов урушда уч марта оғир ярадор бўлган эди. Суронли йилларнинг ўша белгилари ёш ўтиши билан тобора зўрайиб ўзини эслатиб турди. Армия хизматидан кетишга тўғри келди. Шу билан бирга ўзини адабиётга тамомила бағишлаш имкони ҳам туғилди. Тошкентда Карповнинг китобхонлар муҳаббатига сазовор бўлган «Маршаллик белгиси», «Мангу даъват» асарлари ёзилди. У Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар» романини рус тилига таржима қилди.

1972 йилда В. В. Карповни Москвага ишга таклиф этишди. Ҳозир у «Новый мир» журналида бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари. Карпов Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.


Яқинда унинг разведкачилар ҳаётидан олиб ёзилган «Тириклай ушлансин!» повести босилди. Ҳозир Карпов «Қиличнинг ўзи қалқон бўлолмас» романи устидаги ишини тугатди. Унда совет кишиларининг тинч ижодий меҳнатини ҳимоя қилиб турган шонли армиямизнинг муҳим проблемалари ҳаққоний ва бадиий гўзал ифода этилган.

Мен бу очеркда Владимир Карповнинг ташқи кўринишини ҳижжалаб тасвирлаб ўтирмайман. Чунки уни билмаган, танимаган одам жуда кам бўлса керак. Ахир у марказий телевидениеда «Жасорат» программасини олиб боради-ку.

У совет кишиларининг жаҳонда тинчликни таъминлаш ва коммунистик келажак тантанаси учун олиб борган ва ҳозир ҳам олиб бораётган кураш ва интилишлари ҳақида жуда вазмин ва бамайлихотир ҳикоя қилади. Фақат ўзи ҳақида ҳеч нарса демайди. Шу туфайли ҳам мен бу жумлаларни ёзишга журъат этдим.

Пўлат ТўРАЕВ таржимаси.





Олимжон Холдор

Кўноқ оғган АРЧАЛАР

БАЛЛАДА

1

Саратон... Беаёв ёндирар қуёш,
Қушлар беҳоллашиб ётар йнида.
Улфатлар шўх-шодон дамлашади
ош,

Қизлар ўсма сиқар ишком тагида:
Бир зумда давралар дарёдай тошар,
Дилларни қитиқлар мунис наволар.
Шаддот қиз қилпиллаб рақсга
тушар,

Гўё у ердас, кўкда ҳаволар.
Чирманда чалинар, дутор чалинар,
Тобора қизийди қизлар мажлиси.
Атлас кўйлақлар-эй, чунон
товланар.

Ёр-ёрга жўр бўлар чирманда саси:
«Баҳор чоғи жон қизлар, баҳор чоғи,
Бўлса тўйинг ёр-ёр, бўлса тўйинг.
Тўй кунгача гул юзлар, тўй кунгача,
Ўсма қўйинг ёр-ёр, ўсма қўйинг.
Ўсма қўйиб, ўт ёқиб, ўсма қўйиб,
Шайдо қилинг ёр-ёр, шайдо қилинг.
Йигитларга бир боқиб, йигитларга,

Адо қилинг ёр-ёр, адо қилинг...»
Йигит либосида Манзура қувноқ,
Қозон куясидан ясалган мўйлов.
Қийинг ўнглаб дер: «Етади

қийноқ,
Ишқинг юрагимга ёқмоқда олов!..»
Қушларнинг бошида қуёш ёғдуси,
Қалблар қувончлардан маст эди
тамом.

Ёшлар даврасида муҳаббат баҳси,
Ҳар оқшом шундайин этарди давом.
Тўйи яқин қолган иболи қизни
Ҳазил-ла юзларин лола этишар.
Бугун Манзурани, эрта Юлдузни
«Биров»нинг уйига ташлаб

келишар...
«Йигит — қиз ўғриси, қиз — уй
ўғриси»,
Шундайин гап бордир айб этилмас.
Бундай «ўғри»ларни, гапнинг
тўғриси,
Қайси ота-она қилмайди ҳавас!..

2

Тарих ўз чархида, ҳаёт сермазмун,
Куллалик¹ ёронлар эркин, бахтиёр.
Бироқ, камсухан-у, юзлари сўлғин,
Сулув қиз яшайди. Исми Гулрухсор.
Гулрухсор отасин ҳеч кўрган эмас,
Туслаб ҳам ололмас ҳатто юзини.

Тун демай, кун демай қийнар ҳар
нафас

Чигал саволларга кўмиб ўзини.

Ҳамон юрагида эзгу бир тилак,

Ҳамон отажонин қидиради у.

Ҳамонки тополмас, ҳамон бедарак,

«Номаълум, номаълум!»— ҳар-гал
жавоб шу.

Бу кўҳна дунёнинг доғли бағрига
Қиз қулоқ тутар, ўйчан ҳар сафар
Қайда бўлса номсиз солдат қабрига,
Балки отам шу деб, қўяр гулчамбар.
Мен қизни, дўстларим, бирён

қолдириб,
Унга ҳамдард бўлиб кўзим

ёшлайман.

Хаёл дулдулини нуқиб, елдириб,

Қирқ биринчи йилга назар
ташлайман.

3

Келинчак уйида йиғи овози:
— Наҳот мени ташлаб кетасиз

якка?

Наҳот қўлдан тушиб синади созим,
Тил бормас лочиним, хайр демоққа?!
Йигит дер:— Бас энди, жонгинам,

бироқ,

Пок севгимиз ҳаққи тилайман
бардош.

О, борар манзилим йироқ, кўп
йироқ.

Қипригинга асло илинтирма ёш.
Кут мени қайтаман, сабр билан кут.

Ишқингни йўлимга айла поёндоз.
Бўлмағур ваҳима-ўйларни унут,
Фақат оқ йўл тила, жоним илтимос...

Уч кунлик келинчак қалтираб қолди,
Унинг юзларида аланга, ҳижрон.

Зиёд шоша-пиша бўсалар олди,

Ҳам деди:— Севгилим, хайр
Ибохон!..

Йигит жангга кетди дўстлари қатор,
Фарзандлик бурчини оқламоқ учун,
Муқаддас Ватан-у жондан азиз ёр
Ҳам она тупроқни сақламоқ учун.

4

Дордаги сепини йиғмаган Ибо,
Тенгдошлари билан чиқар далага.
Зиёд муҳаббати ўртаб доимо,
Дер:— Чора бормикин, кўкси

ярага?!

Гоҳо мактуб келар аскар ёридан,
Ибо ҳар сатрини олиб қолар ёд.
Бир зум холи қолмас қалб

хуморидан,

Юрак қат-қатида нола-ю фарёд!
Энди қовушганда айрилмоқ ёмон,
Куттиш нималигин кутмаган билмас.

Ибохонни ўртар севги ва ҳижрон,
Нохуш ўйларини ҳаргиз қуволмас.

Шўхлик қилса ҳамки мурғак жон
гарчанд,

Онасин қорнида ётар шу тобда.

Ибо-чи, гоҳ хафа, гоҳида хурсанд,
Айниқса билинар бу сўнги ҳафта.

«Ширин жоним, тинчлан, отанг
келади,

Ўғилми, қизмисан — дўмбоғим
болам.

У сени бахтим, деб жондан севади,
Отангни юракдан севамиз биз ҳам...»

Дунё кўриб бўлмас қоронғи эди,
Кўнгил ёришмасди, йўқ эди қўним.

Бу шаксиз тўлғоқнинг қийноғи эди,
Кўзлари ёришди... лабда табассум!..

¹ Кулла — Андижон қишлоқларидан бири.

5

Пишиллаб, тамшаниб ухлайди қизи,
Ибохон гиргиттон унинг қошида.

Хат ёзар Зиёдга хонада ўзи,
Қандай ташвишлар бор ёлғиз

бошида.

Ойлар, йиллар ўтди изтироб ҳамон,
Ёзган хатларига йўқ бирор жавоб.

Тиқ этса чопади дарвоза томон,
Алдоқчи хаёллар орттирар азоб...

Ногоҳ кириб келди раиса опа,
Ибохон ғам тўла кўзларга боқар.

Не учун бунчалик кўринар хафа,
Ва ё... юрагида сирли гап ётар!

— Хуш келибсиз, опа, чой-нондан

олинг.

Ўзингизни олдириб қўйибсиз бунча!
Опа жим. Ниҳоят дер: — Ҳа, дадил

бўлинг,

Олти ой кўкракда манов «тугун»ча.
Дунёнинг савдоси кўп экан, қизим,

Кун сайин мазам йўқ, соғлиғим

ёмон.

Бирга олиб кетмай тагин... азизим,
Фақат дадил бўлинг, тингланг

Ибохон.

— Нега бундай дейсиз опа, опагон,
Бирорта бахтсизлик рўй бердими ё?

Нега яширасиз, ёки Зиёдгон...

Ахир усиз менга не керак дунё!

— Йўқ, йўқ, ундай деманг қизим
Ибохон,

Бу давр дардидир, айтмасам бўлмас.
Юрагим безовта, азобда виждон,

Тўғрисин айтмаслик инсофдан эмас.
«Бедарак йўқолмиш...» Ваҳима

қилманг,

Бу балки янглишдир, ким билади,
ким?!

Ортиқча бағрингиз ўртаманг,

тилманг,

Уруш, уруш экан, ўргилай, қизим!..
— Уруш... номи ўчсин! Лаънатлар

бўлсин!

Етим ўсганлитим етмасми эди?!

Йиғлайди... Бу ёқда опа ҳам бедор,
Йиғлама, дейди-ю, йиғлайди ўзи.

Унинг ҳам қалбида ғаму ҳасрат
бор,

Юпатмоқ бўлар-у, қовушмас сўзи:

— Оҳ, қизим, Ибохон, фақат сиз

эмас,

Қора хат кирмаган бирор хона йўқ.
Ўзингизни тутинг, бас, йиғламанг,

бас,

Дунёда мен каби адо бўлган йўқ.

Уч ўғлим ва эрим бир кунда кетди,
Ҳаммасидан келди бир-бир қора

хат.

Ғуссалар сунбулдек сочим қор этди,
Қисмат деган наҳот шунча

бешафқат!..

Бечора Ибохон, дили вайрона,
Жигар-бағрин ўртар айрилиқ,

фироқ.

Қандай маломатга қўймиш замона,
*Зиёди, Зиёди... йўлига муштоқ.

Чиндан ҳам Гулрухсор туғилган
куни,

Эрим деб, болам деб ўлганмикан
у?!

...Балки яраланиб ...Ким билсин
буни,

Боши берк кўчада қолганмикан у?!

6

...Уша оғир йиллар орқада қолди,
Дарё жиловланди, каналлар битди.

Кулла осмонидан булут тарқалди,
Кўплар у кунларни тамом унутди.

— Дарё қирғоғида эди уйимиз. —
Ҳамонки Гулрухсор ўйида у кез. —

Бирга ётар эдик онам иккимиз,
Ҳамонки кўнглимга сепилгандай

туз...

Онам дер: «Мард эди, билмасди
ғусса,

Одамлар отанга қиларди ҳавас.

Қизим ким юртини жондан севмаса,
Ундайлар ҳеч қачон инсон.

дейилмас!»

Гулрухсор отасин ҳеч кўрган эмас,
Туслаб ҳам ололмас ҳатто юзларин.

Кутади, кутади, кутар ҳар нафас,
Кўзига суртгудай босган изларин.

Кезмаган, ёзмаган жойи қолмади,
Қидирди, қидирди, тинмай,

толмай у.

Ҳеч қайдан бир дарак-хабар
 бўлмади,
 «Номаълум, номаълум!» ҳар гал
 жавоб шу.
 Бу маъсум оламнинг дардли бағрига

Қиз қулоқ тутаркан, ҳайҳот, ҳар
 сафар,
 Қайда бўлса номсиз солдат қабрига
 Отаммикан, деб қўяр гулчамбар.

7

Не-не тарихларнинг нурли гувоҳи,
 Не-не жангномалар бағрида пинҳон.
 Азиз Москвани кезганда гоҳи,
 Қўринар Кремль яна қадрдон.
 Бекорга кетмади бедор кечалар,
 Дараги топилди қизнинг отасин.
 Кремль ёнида яшил арчалар, —
 Очибди меҳр ила унга қулочин.
 Шу ерда барҳаёт ухлаб ётибди,
 Мармар зиналарнинг шундоқ ёнида.
 Иккинчи умрининг тонги отибди
 Бугун шоирларнинг шеър-
 достонида.

«Бағримда ҳамиша мендек
 навқирон
 Бир солдат ётибди, қизим,
 бахтлисан.
 Шубҳаларга борма энди ҳеч
 қачон,
 Отам шунда ётур, десанг
 ҳақлисан!»
 Номаълум солдатдан мангу
 хотира,
 Улуғвор заминга ёниб сўзлайди.
 У марднинг шаънига айтиб
 мадҳия,
 Арчалар шивирлаб қўшиқ
 кўйлайди.

8

Яна ўша қишлоқ, яна ўша ой,
 Яна ҳам файзли қизлар мажлиси.
 Даврада жозиба, даврада чирой,
 Мағрур жаранглар чирманда саси.

Яна тўйхонадир ҳар бир хонадон,
 Яна гул шохида ғуж-ғуж тугунча.
 Ҳаёт ўз чархида айланур ҳамон,
 Хайр, китобхоним, хайр бугунча.

1979—80 йиллар.

Андижон.





Вали Ғафуров

Волгограднинг меҳр-оқибати



1979 йилнинг октябрь ойида Волгоград область Тинчликни ҳимоя қилиш комитети ва Совет Тинчлик фондига ёрдам кўрсатиш область комиссияси мени шаҳарларига таклиф этишди. У ерда Умумжаҳон Тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг ўттиз йиллигига бағишланган, қаҳрамонлар номи берилган меҳнат коллективларининг биринчи область слёти ўтиш керак экан.

Волгоград!.. Сталинград! Унинг остоналарида кечган қонли кунлар миямга бир умр михланиб қолган. Тарихда бундай беомон жанг, бунчалар шарофатли ғалаба бўлмаган чиқар! Бу жанг авлодлар хотирида мангу сақланиб қолажак. Ватанпарварлик, мардлик, дўстлик ва ўртоқлик, сабот ва матонат Сталинград остонасида турган ҳар бир жангчига хос фазилат эди.

Мен ўша пайтларда ҳар бир аскар кўкрагида сақлаган область комсомол комитетининг мурожаатномасини эсладим. Ундаги ҳар бир сўзда душманга нафрат олови бор эди: «Жонажон Сталинград харобалари, ҳалок бўлган сталинградликлар бизни қасос олмоққа чақиради... Немис одамхўрлари, сизлар бизнинг қасосимиздан қочиб қутула олмайсиз! Сталинград ерининг ҳар бир қаричи учун, қонимиз ва жонимизни аямай жанг қилишга қасамёд қиламиз! Душманга қарши сўнги томчи қон қолгунча матонат билан курашайлик! Душманга омон бермайлик, токи немис фашистлари батамом қирилиб битсин!»

Волга бўйи ҳимоячилари ўз сўзларига содиқ қолдилар. Барча қардош республикаларнинг фарзандлари қатори биз ўзбек жангчилари ҳам, Сталинград деворлари остида бепоен социалистик мамлакатимизни, ўзимизнинг жонажон Ўзбекистонимизни фашистлар ўлатидан ҳимоя қилгандек.

Уша шафқатсиз жангларда мен оғир ярадор бўлиб сафдан чиқдим. Икки кўзимдан умрбод айрилдим.

Волгоградда иккинчи бор 1975 йилда бўлдим. Ушанда фашистлар устидан қозонилган ғалабанинг ўттиз йиллиги нишонланган эди. У кул-тепалар ва вайроналар остидан яна қад кўтариб, урушдан олдингидан ҳам гўзалроқ ва улуғворроқ бўлган-лигининг гувоҳи бўлгандим.

Мана, Волгоград билан учинчи учрашувим.

Слётда ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан ҳаммага ўрناق бўлганлар ва ўлкамизнинг барча бурчакларидан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Слёт волгоградликларнинг тинчлик йўлидаги ҳаракатларининг ўзига хос ҳисоботи ва қаҳрамон шаҳарнинг революцион жанговарлиги ва анъаналарга содиқлигининг ўзига хос намоёйишига айланди. Саҳнадан зарбдор меҳнат коллективларининг рапортлари янграб турди. «Меҳнатда жанговарлик ва инқилобий анъаналар — барҳаётдир!» — слётнинг асосий шиори мана шундай бўлди.

Бу олижаноб, ватанпарварлик ҳаракатининг тарихи қуйидагича. 1967 йилнинг

ёзида уруш қатнашчиси, коммунист Ф. И. Крючков бошлиқ қурувчилар бригадаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони, афсонавий разведкачи Николай Кузнецовни ўз коллективга фахрий аъзо қилиб киритди. Унинг номига ёзилган 18 минг сўмлик иш ҳақи СССР тинчлик фонди ҳисобига ўтказилди.

Ушш пайтдан бошлаб бу ҳаракат Волгоградда оммавий тус олди. Меҳнат коллективлари ўз сафларига Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, космонавтлар ва мустамакка мамлакатларидаги ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашганларни аъзо эта бошладилар ва уларнинг номига ёзилган маошни тинчлик фондига ўткази бошладилар. Волгоград областидаги 160 коллектив ана шундай кишиларни ўз составига фахрий аъзолар қилиб олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Слёт қатнашчилари тинч меҳнат жабҳасида қаҳрамонликлар кўрсатаётган ишлаб чиқариш илғорлари эдилар. Улар тинчлик ишига ўзлари қўшган ҳисса ҳақида ғурур билан рапорт берардилар. Барча рапортларда мусобақа илғорларининг қасам-ёди бор эди: «Улар Ватанин жангларда шон-шухратга буркадилар, биз уни меҳнатимиз билан улуғлаймиз!»

Мана, саҳнага бирин-кетин бригадирлар: Волга шина заводидан В. Петров, Волга труба заводидан В. Кономов, «Каустик» ишлаб чиқариш бирлашмасидан В. Жилейкина чиқишди. Бу бригадаларнинг ҳаммаси Яков Федотович Павлов номида.

Қаҳрамоннинг жавоб сўзи ҳам ҳаяжонли бўлди. Павлов Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг мардликларини муқаддас билди, Она-Ватан қудратини ўзларининг тинч меҳнатлари билан ошираётган, бутун дунёда тинчлик учун курашга муносиб ҳиссаларини қўшаётган волгоградликларга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.

Мажлис раиси Волга труба заводи пайвандловчилар бригадаси рапортини Сталинград ҳимоячиси, ёзувчи Вали Ғафуров қабул қилади, деб айтганида тўлқинланиб кетдим. Мен бу бригадага 1974 йилда ўзимнинг номим берилганини билардим, лекин дўстларимнинг гвардиячиларга хос зарбдорлик билан ишлаётганликлари мен учун жуда қувончли бир янгилик бўлди.

«Унингчи беш йилликнинг тўртинчи йилида,— дейилади бу рапортда.— В. И. Лениннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ваҳтасида турган гвардиячи комсомол-ёшлар бригадаси ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олди ва уларни муваффиқли адо этмоқда. Йил бошидан буён бригада 9383, 6 тонна, яъни план топшириғидан 101,1 тонна ортық катта диаметрли, спиралсимон чоқли трубалар пайванд қилди, 16 тонна металл, 25 тонна флюс, 11 тонна пайванд симини тежаб қолди... Социалистик мусобақалар натижалари бўйича бригадамиз шу йилнинг август ойида заводда ғолибликни қўлга киритди... Асосий кўрсаткичлар бўйича биринчи кварталда коллективга аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи бригада деган фахрий унвон берилди...»

Рапортни ўқиб бўлгач, бригадир Владимир Зотов уни менга топшира туриб коллектив номидан— труба пайвандловчилар бундан кейин ҳам гвардиячисига меҳнат қилишига, Сталинград ҳимоячилари жасоратига содиқ қолишларига сўз берди.

Менга сўз беришди. Волгоградликларнинг Сталинград ҳимоячиларининг исларини унутмаганликлари кўнгилда чуқур ҳурмат ва миннатдорлик уйғотганини айтдим ва гапимни ўзбекча, «Катта раҳмат!» деган сўзлар билан тугатдим. Залда ўтирганлар бу сўзларнинг таржимасини билмасдилар, лекин мазмунини тушунганига имоним комил эди.

Кейин Совет Иттифоқи Қаҳрамони Д. М. Карбишев номидаги коллективлар: Волга органик синтез заводи 3-цех «Д» сменаси ва Волгоградстройнинг В. Донской бошлиқ комплекс бригадаси вакилларининг меҳнат рапортлари янгради. Волга органик синтез заводи 6-цехи Совет Иттифоқи Қаҳрамони, космонавт учувчи Е. В. Хрунов номига қўйилган, унинг рапортини космонавтнинг ўзи қабул қилди.

Е. В. Хрунов слёт қатнашчиларига табрик сўзи айтди. У волгоградликларга Сталинград қаҳрамонлари билан бир қаторда совет космонавтларига ҳам юксак ишонч билдириб, уларни меҳнат коллективларига фахрий аъзо сифатида қабул қилганликлари учун чуқур миннатдорчилик билдирди. Космонавт-учувчи шаҳар аҳлига тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, ёшларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш ишидаги ютуқлари учун раҳмат айтди.

Қаҳрамонлар номидаги коллективлар область слёти қатнашчилари, уруш ва меҳнат ветеранлари, волгоградликлар Ватан учун жангларда ҳалок бўлган курашчилар майдондаги мангу олов пойига гулчамбарлар қўйишди.

Слёт қатнашчилари барча шаҳар ва область меҳнатқашларига мурожаат қабул қилди. «Сиз, ким бўлманг, ишчи ёки колхозчиси, хизматчи ёки олимми, ёзувчи ёки рассомми, ветеран ёки энди ҳаётга қадам қўйган навқирон-ёшми,— дейилади бу ҳужжатда.— Муқаддас Волгоград ерининг қаҳрамонона анъаналари меросхўрисиз, биз, қаҳрамонлар номидаги коллективлар слёти қатнашчилари, сизга мурожаат қилмоқдамиз. Биз, сизнинг орангиздан Улуғ Октябрь воқеаларида, граждандлик ва Улуғ Ватан урушлари йилларида, биринчи беш йилликлар даврида, халқаро коммунистик ҳаракатнинг олдинги жабҳаларда турган кишиларнинг тарафдорларини, уларнинг хотирасини муқаддас ҳисобловчиларни топамиз, деган умидда мурожаат қилмоқдамиз. Сиз сеvimли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, совет халқи ютуқларини му-

ҳофазалашга, коммунистик қурилиш ишига, тинчлик ҳимояси, мустақиллик ва озодлик учун курашаётган халқлар ҳимоясига ҳисса қўшмоғингизга ишонамиз».

В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги ва фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллиги арафасида слёт қатнашчилари барча волгоградликларни зарбдор меҳнатлари билан тинчлик ишини, Ватанмиз қудратини мустақкамлашга, совет тинчлик фондиди ўстиришда янада фаол иштирок этишга чақирдилар.

Хулоса ўрнида қуйидаги фактни келтириб ўтиш ўринли бўлар. Фақатгина ўн ой ичида Волгоград областидаги қаҳрамонлар номини олган меҳнат коллективлари СССР тинчлик фонди ҳисобига 2 млн. 300 минг сўм ўтказдилар. Бу маблағ миқдори ватанпарварлик ҳаракатига қўшилган коллективлар сони ошгани сайин, ўсиб бораверади.

Беихтиёр жонажон республикамизни эсладим. Бизнинг ҳамюртларимиз ҳам тинчлик фондига меҳнат тўловларини ўтказмоқдалар. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, Волгограддаги бу ватанпарварлик ҳаракати ўзининг кўлами, халқ орасидаги оммавийлиги билан ажралиб туради. Уйлайманки, бу муҳим сиёсий тадбир жонажон республикамиз меҳнатқашлари орасида ҳам ўз тарафдорларини топади.

Қаҳрамонлар номига қўйилган меҳнат коллективларининг слёти тугаган куни оқшом маҳали хонамизга СССР космонавт учувчиси Е. В. Хрунов ташриф буюрди. Сухбат давомида Евгений Васильевич ўзи ва космонавт дўстлари ҳақида гапириб берди. Биз космонавт билан адрес алмашдик, ундан космос забткорларига, Звёздний шаҳри аҳлига яхши тилақларимизни етказишни сўрадик.

Бизни область тинчликни ҳимоя қилиш комитетининг масъул котибаси Г. М. Ковалёва шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига олиб борди. Ёши анчага бориб қолган, лекин ҳали бардам бу аёл ҳамроҳлигида бир замонлар эвсиз жанглarning гувоҳи бўлган Аскар даласига бордик. У бизга қаттиқ таъсир қилди. Бу ернинг ҳар бир квадрат метридан бир ярим мингта снаряд парчаси териб олинган, деб айтишди. Бир парча ерга шунча ажал уруғи!

— Галина Михайловна, нега Аскар даласига гул тутган қизнинг ҳайкали қўйилган?— деб сўради Мелибой.

— Бу мангу ҳаётнинг рамзи,— тушунтирди аёл.— Мен сизларга майор Петраковнинг 1942 йилнинг 18 октябрида қизига ёзган хатидан бир нусха бераман. Петраков Сталинград жангида ҳалок бўлган. Унинг жасади шу ерга қўйилган. Унинг хати, назаримда, бу ҳайкалга бевосита алоқадор.

«Қорақўз Милагинам,— деб бошлаганди ўз хатини гвардиячи майор.— Сенга биттагина бинафша юборяпман. Ўзинг тасаввур қил: жанг боряпти, атрофда душман снарядлари портлаяпти; ҳамма ёқ вайрон, ўйдим-чўқур. Шу ернинг ўзида эса бинафша ўсаёпти. Бирдан портлаш рўй берди-ю, бинафша бандидан узилиб тушди. У ўсаётган қўёшга интилаётган эди, лекин портлаш тўққини унинг бандини узди, агар уни қўлимга олмасам, ер билан битта бўларди... Босиб олган жойларида фашистлар болаларга худди шундай муомалада бўлаяптилар, норасида гўдакларни топтамоқдалар, уларнинг жонига зомин бўлмоқдалар... Қизим Мила, даданг охириги томчи қони қолгунча фашистлар билан урушажак, охириги нафасига қадар... токи фашистлар сени ҳам шу гулнинг қўйига солмагай».

Уша куни кечқурун Галина Михайловна Елена Дмитриевна Карбишевани, Яков Федотович Павловни ва унинг хотини Нина Александровналарни бизнинг хонамизга бошлаб келди. Елена Дмитриевна отаси ҳақида гапириб берди. У ҳаяжонлар, дам-бадам кўзларига рўмолча босар, ўпкаси тўлиб кетган пайтларида биздан узр сўраб кўярди.

Дмитрий Михайлович Карбишев йирик ҳарбий инженер, инженерлик қўшинлари генерал-лейтенанти эди. У 1904—1905 йиллар рус-япон урушида ҳам қатнашган эди. Гражданлар уруши даврида М. В. Фрунзе раҳбарлигида кўплаб ҳарбий операцияларнинг инженерлик таъминоти режасини ишлаб чиққанди. Улуғ Ватан урушининг бошларида Карбишев оғир ярадор холида немислар томонидан асир олинди. Бу собит коммунистни қўрқитиб ҳам, сотиб ҳам олиб бўлмаслигини сезган фашистлар ўзлари билган барча жазоларни қўлладилар. Кейин Маутхаузен лагерида уни йиртқишларча қатл этдилар. Жаллодлар қаҳратон қишда генерални очиқ ҳавога олиб чиқдилар ва токи у музлаб қотгунча устидан сув сепаб турдилар. Д. М. Карбишевга ўлимидан сўнг Совет. Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, у ҳалок бўлган жойда ҳайкали ўрнатилди.

Елена Дмитриевна отасининг изидан кетди. Ҳарбий инженер, унвони полковник. Кўп вақтлар ҳарбий-инженерлик академиясида дарс берди. Ҳозирда у таржимонлик қилади. Мамлакатимизнинг кўп жойларини кезиб чиққан. Ўзбекистонга ҳам бир неча йил олдин келган. Сергелида отасига ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида қатнашган.

Я. Ф. Павлов урушда бошдан кечирган воқеалардан гапирди. Қоронғи сентябрь тунисида уларнинг дивизияси Сталинград соҳилига ўтди ва жангга киришди. Павлов бошлиқ бир гуруҳ аскарлар 9 январь кўчасидаги (ҳозирги Ленин майдони) 61 рақамли тўрт қаватли уйни ишғол этди ва бу муҳим стратегик объектни қарийб икки ой давомида мудофаа қилдилар. Ҳимоячилар орасида руслар, украинлар, ўзбеклар,

қозоқлар, грузинлар ва бошқа миллат вакиллари бор эди. Уларнинг ҳаммаси мардона жанг қилдилар.

— Уйни 58 кун мудофаа қилдик,— деб эслайди ветеран.— Мен гитлерчилар безовта қилмаган бирор кун ёки тунни эслай олмайман. Бизни қувиб чиқариш ёки уйни бутунлай йўқотиб ташлаш учун улар нимадар қилмади дейсиз. Пулемётлардан, автоматлардан, миномётлардан отишди, тўпга туттишди, устимиздан авиабомбалар ташлашди. Ҳаммаёқ титраб-қақшади, лекин гвардиячи аскарларнинг юраги қилт этмади. Деворлар бузиларди, лекин бизнинг дўстлигимиз, жанговар дўстлигимиз ва ғалабага ишончимиз девори ҳеч бузилмади.

Эртаси куни Павлов, унинг хотини билан биргаликда ўша афсонавий уй ёнида бўлди ва суратга тушди. Яков Федотович Волга бўйидаги жанглардан сўнг қисқа муддат уйга қўниб ўтганида, онаси қандай ташвиш билан кутиб олганини кулиб эслади.

— Сен нима иш қилиб қўювдинг, болам?— ҳиқиллади онаси кўз ёшини енги билан артаркан.— Ҳамма сени сўрайди, лекин ҳеч гап айтмайди.

— Менинг ҳеч айбим йўқ, ойи. Ярангни тузатгин, деб уйга юборишди.

— Тағин ҳазиллашаётган бўлма, Яша. Ҳамма сени излагани-излаган, мен бечора ҳар хил хаёлларга бориб, ўлай дедим.

Кўп ўтмай, ҳаммаси аён бўлибди. Павловга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилгани ҳақида расмий мактуб келди. Хатга кўз югуртириб, аскар йигит онасининг ёнига келди ва маҳкам қучоқлади.

— Буни бир ўқигин, ойи. Бир бало қилгансан, деб хавотирланиб юргандинг. «Сталинград мудофаасида қатнашган бир генерал ғалабадан сўнг Берлинда совет жангчилари сафи ёнидан ўтиб бораркан, ярадор бўлганлик ҳақидаги нишонларни таққан ўрта яшар солдатга эътибор қилди. Белгилардан учтаси тақилса, аскарнинг оғир ярадор бўлганлигини билдирарди.

— Сталинградликмисан?

— Худди шундай, ўртоқ генерал! Сталинграддан.

Генерал унга диққат бериб оқ қаради.

— Нима, тўрт марта ярадор бўдингми?

— Худди шундай, ўртоқ генерал. Тўрт марта.

Генерал қарасаки, солдат ярадор бўлишга бўлган, лекин кўксига бирорта ҳам ордени йўқ. Афтидан бу шоввознинг мукофотдан омади келмаганга ўхшайди.

У адъютантга қаради, гўёки ҳаммасига ўша адъютант айбдордек. Генерал яна бир оз жим турди, сўнг тағин солдатдан сўради:

— Фамилиянг нимайди?

— Павлов, ўртоқ генерал...

— Павлов?... Буни қара-я...— жилмайди генерал.— Павлов!— Бу фамилия унга

ёққани аниқ эди.

— Павлов уйини ҳимоя қилган сен эмасмисан?— кулимсираб сўради у, аскарга қараб, солдатлар ҳам бегараз кула бошлашди.— Эшитгандирсан?

— Худди шундай, эшитганман... Уша Павлов мен бўлман.

— Йўғ-е,— ишонқирамай сўради генерал.— Алдаётган бўлмагин, тағин!

Солдат индамади... Генерал тангликда қолди. У яна ўзининг мулозимларига қаради. Ҳамма жимиб қолди...

Ниҳоят, генерал тилга кирди:

— Ахир... ахир сен, қаҳрамонсан-ку!

— Худди шундай, ўртоқ генерал, қаҳрамонман.

— Қайларда юривдинг? Мукофотларинг қани?

— Мукофот олганим йўқ.

Генерал адъютантга ўгирилди, унинг кўкрагидаги нишонларини бир қур кўздан кечирди, лекин муносибини топмади шекилли, сўнг ўз кителига қадалган Юлдузни олиб:

— Олмаган бўлсанг, мана!— деди-ю, солдатнинг кўксига тақиб, уни маҳкам қучоқлаб ўпди.

Шундай қилиб, Павлов уйининг ҳимоячиси сержант Павлов ўзи ҳеч кутмагани ҳолда Берлин майдонларидан бирида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, деган мукофотни олди.

Яков Федотович Павлов 1949 йилдан бери тинчликни муҳофаза қилиш Новгород область комитетининг раиси. Бу вазифани у жамоатчилик бурчи сифатида бажариб келмоқда. Асосий иши заводда инженерлик, ёши 62 га борган бўлса ҳам Яков Федотович жуда бақувват, ғайрати ҳам зўр, тиниб-тинчиган вақтини кўрмайсан қиши.

Труба заводига қилинган саёҳат, унинг ажойиб меҳнаткашлари билан бўлган учрашувлар бизда катта таассурот қолдирди. Бу йирик корхонанинг тайёрлаган йирик диаметрли трубаларидан бир қисми бизнинг республикаимиздаги қурилишларга ҳам жўнатилади.

Бешинчи стан меҳнатчилари ишини қизиқиб томоша қилдик. Менинг қадрдон дўстларим бу станда диаметри 1300 миллиметрлик трубаларни ясаб, уларни бир-бирига кавшарлайдилар. Ишлар асосан механизм ва автоматлар ёрдамида бажари-

лади. Ҳозир коллектив ҳисобида пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Владимир Зотов бошлиқ бригада эса Коммунистик меҳнат коллективи унвонини олибди.

Биз — Улуғ Ватан уруши ветеранларининг меҳнат илғояри билан учрашувни бўлиб ўтди. Мажлисни завод партия комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ Александра Васильевна Юрьева очди. У коллективнинг революцион ва жанговар анъаналарига содиқлиги, труба прокатчиларнинг ўнинчи беш йилликда қилган катта ишлари, уларнинг тинчликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган ишлари ҳақида ҳаяжонланиб гапирди. Қаҳрамонлар номи билан юритиладиган завод бригадаларининг ўзларидаёқ ўн ой ичида СССР тинчлик фондига 16 минг сўм пул ўтказишибди.

У Сталинград ҳимоячилари ҳақида айниқса, меҳр-муҳаббат билан сўзлаб, завод дирекцияси ва жамоат ташкилотлари номидан менга Мамай қўрғонида ўрнатилган Ватан Онаси ҳайкалининг кичкина нусхасини топширди.

Бизни завод оталиққа олган 20-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари кутаётган эди. Бу учрашув ҳам жуда қизгин ўтди. Айниқса, дўстим Мелибой Муҳаммедовга қийин бўлди. Унинг кўкраги тўла орден ва медаль бўлгани учун қайси орденни қаерда ва қандай жасорати учун олганлиги ҳақидаги саволлар ёғилиб кетди. Ҳар қалай Мелибой ўзини йўқотиб қўймади. Сталинград ҳимояси ва фельдмаршал Паулюс қўшинларини банди этгани учун Қизил Юлдуз ордени, ярадор аскарларни қутқариб қолгани учун учинчи даражали Шўҳрат ордени олганини айтиб берди. Қарсақларга қараганда, ёш граждандлар унинг жавобларидан қаноат ҳосил қилдилар. Мелибой «Жанговар хизматлари учун», «Жасурлиги учун» медалларини қандай олганини ҳам гапириб берди.

Заводнинг жанговар ва меҳнат шўҳрати музейини бориб кўрдик. Музейда Брайль системаси бўйича ёзув мосламаси, брайлча дафтарлар, «Бир сафда»— «В одном строю», «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларининг менинг асарларим босилган сонларини кўриб беҳад қувондик.

— Энди музейимиз номидан шу муқаддас Волгоград тупроғининг бир кафтини Мелибой Муҳаммедовичга топширмоқчиман,— деди ҳамроҳимиз музейнинг жамоатчи директори Иван Васильевич Суворов.— Токи у Сталинград ҳимояларини эслатиб турсин.

Бундай эҳтиромни кутмаган Муҳаммедов аввалига шошиб қолди. Сўнг:

— Раҳмат, дўстлар! Мен Сталинград тупроғини кўкрагимда тумордай асрайман...— деди.

Бундан беш йил олдин худди мана шу хонада Иван Васильевич менга ҳам муқаддас Сталинград тупроғидан бир кафтини тутгани ёдимга тушди.

...Волгабўйи ерлари билан, унинг ажойиб кишилари, янги дўстларимиз билан хайрлашар эканмиз, Волгоградга қилган бу қисқа сафаримиз пайтида турли миллатга мансуб совет кишиларининг дўстлиги, биродарлиги, бирдамлиги хуллас, она-Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатнинг гувоҳи бўлганимиздан беҳад бахтиёр эдик.

Гулла, камол топ, қаҳрамон шаҳар, тинчликнинг толмас курашчиси!

Бахтли бўлинг, Волгоград аҳли!





Собит Мадалиев

СОБИТ

□

Сандалга тикаман қотган оёғим,
Ёмғир тиним билмай томни савалар.
Қампир куйманади:
— Ҳозир қароғим,
Титроғинг тўхтайтиди,
Мана, самовар!

Мен жавоб қиламан қисқа ва лўнда,
Мудраб, каловланиб ўтираман жим.
Мени йўл азоби ҳоритмиш, шундан
Ҳозир келаётир жуда ухлагим.

Қампир эшитмайди,
Шошиб чой қуяр.
Қистаб,

қанд-қурсларни яқинроқ сураб:
— Шаҳарда менинг ҳам икки ўғлим
бор.

Гоҳ хат ёзишар.
Катта, мансабдор.
Сўзин гира-шира қулоғим илғар,
Ёстиқни тўғрилаб қўяр сўнг ювош.
У менинг кўнглимни овламоқ бўлар,
Менга ором керак,
Унга суҳбатдош.
... Уйғониб,
Жўнайман
Тун чўккан асно.
Қандоқ кўмак берай мен унга, айтинг?!
Бундай ёлғизликни — кексайган

пайтинг —
Ҳатто душманингга кўрмассан раво.

Бепарво одам ҳақида шеър

Қандоқ яшаяпмиз?!
Умр кечади.
Душанбадан янги ҳаёт
Бошламоққа қилсак шаҳд,
Яна кунлар телевизор
Қаршисида ўтади.
Кетдик, дўстим, ким мен билан
Йўлларда сайр этади?
Шу кез кўчаларни кезмоқ — фароғат.

Биз ўтамиз —
Болаликдек қисқа дунёдан.
Не учун ўтамиз?
Утмоқ не ўзи?
Ёмғир шивалайди,
Шундай ҳавода
Кескинроқ ҳис қилдим
«Яшамоқ» сўзин.

Аёллар ёнидан,
Қўшиқ ёнидан
Ўтамиз,
кетамиз,
шундоқ, бепарво

Қаерга?
Тўхтаيمان...
Хат йўқ онамдан!
Бирор кўнгилсизлик юз бердими ё?

Телеграмма бердим...
Яна ўша из —
Ўтамиз
Кунларнинг ёнидан беғам.
Шоир ҳақ, —
Дунёда йўловчимиз биз,
Гоҳо пайқамаймиз
Одамларни ҳам.

Биз ўтаверамиз.
У ён-бу ёндан
Бошқалар ўтади
Шошқин, пиёда.
Биз ета олмаймиз уларга, ҳайҳот!
Юр, дўстим,
Яшашми шу ҳам дунёда!
Ёмғир шивалайди,
Шундай ҳавода
Бошлагим келмоқда ўзгача ҳаёт.



Севгилим,
 Сен томон этипман парвоз.
 Туйиб вужудимда куз ҳавосини
 Поезддан баландроқ қичқираман, рост,
 Севаман,

севаман,
 севаман

сени!

Улкан шиддат билан қаттиқ қичқирган,
 Электровозлар елиб бир изда,
 Мовий ўрмонларда яшириниб турган
 Айрилиқ садосин қайтарар бизга.

Далалар, ўрмонлар имлаб ўзига
 Чорлар,
 Сен поезддан йўлда тушиб қол.
 Сокин бир бекатда ёлғиз ўзгинанг
 Мени кутиб ол!

Биз қайин остидан кўкка боқамиз,
 Мовий ёмғирларнинг тинишин ўйлаб.
 Сўнгра қуёш билан бирга чиқамиз,
 Бирга сайр этамиз Россия бўйлаб.

...Дарчам ортидаги ёмғирлар мени
 Заминга қайтарар аллазамонда.
 Уйларим чарчайди.
 Фикрлаб сени
 Кун ўтар.
 Куз ўтар —
 Бизлар ҳижронда.



Қадрдон қўшиқлар куйлаган чоғинг,
 Ифода этиб қалб нидоларингни,
 Эслайсан: шафтоли гуллаган чоғин,
 Ҳамда ўз дўст-у, ўз худоларингни.

Эслайсан: уйингни, итни, дарёни,
 Олмазор боғларни ҳамда бугунни.
 У ёқда,
 оқшомлар чўккан замони
 Сен ҳақда бўлмасми чоллар гурунги?

Қадрдон қўшиқлар куйлаган чоғинг,
 Утмишинг чиқади қалқиб юзага —
 Руҳингда ёришар бир дард, бир соғинч,
 Ва сен йиғлаяпсан — нечун, нимага?

М. КЕНЖАБОВ таржималари.



Борарсан-да шошилма,
 Боқ ортингга қайрилиб:
 Остонада жонида
 Жаҳонидан
 Айрилиб,
 Онанг қолмоқда, онанг,
 Узмас сендан кўзларин.
 Сўқир одам офтобга
 Бурар шундай юзларин.
 Борарсан-да, шошилма,
 Уғрилсанг-чи, далда бер:
 Сўнгги марта узоқдан
 Кулиб қўйгин яна бир.
 Қўл силки, йиғламасин,
 Ярим тунлар уйғониб.
 Сен қолдирган ишончга
 Яшасин у суяниб.
 Майли, изла,
 Ел,
 Югур,
 Кўрсин ҳамма бўйингни.
 Кўзларингда олиб кет
 Аммо онанг, уйингни.
 Бир бурчида дунёнинг
 Меҳр истаб зор-зор
 Бўзлар бўлсанг, унутма:
 Оқсоч онанг, уйинг бор...

М. РАҲМОН таржимаси



Владимир Канивец

УЛЬЯНОВЛАР

Русчадан
Озод ШАРАФИДДИНОВ таржимаси

РОМАНДАН БОБЛАР¹

Маҳбусларнинг қамоқдаги бош назоратчиси подшонинг ўзи эди. Уларни қаерга ўтқизиш, қандай сақлаш ҳақида унинг ўзи шахсан кўрсатма бериб турди. Сўроқларнинг ҳамма қарорларини бетўхтов унга етказиб туришди. Бош жосусга муносиб тарзда, у қарорларни синчиклаб ўқиб чиқар ва уларнинг четиға ўз фикр-мулоҳазаларини қайд қиларди. Бу рус мустабиди бефаросатгина эмас, чаласавод бир одам эди. Подшо «аҳмоқ» сўзини жуда кўп қўлларди. Лекин лоақал шу сўзни тўғри ёза олмасди.

Бироқ, подшони ҳамма нарсадан ортиқ дарғазаб қилган нарса «Халқ эрки» партияси суиқасдчилар қанотининг Ульянов ҳибсда ўтириб ёддан қайта тиклаган программаси бўлди.

Программа халқчилар билан социал-демократларни бирлаштиришни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган эди. Унда Ульянов халқчиларнинг революцион талабларини қайта тиклаб, шундай талабларни ҳам олдинга сурган эдики, улар аввалги программаларнинг ҳеч қайсисида йўқ эди. У ёзади. «Ҳар бир мамлакат муқаррар равишда ўз иқтисодий ривожининг табиий йўли билан социалистик тузумға келади. Мамлакат пул хўжалиги йўлиға қадам қўйган экан, унда муқаррар тарзда капитализм ривожланади. Худди шунингдек, муқаррар тарзда капиталистик ишлаб чиқариш ва унинг оқибатида туғиладиган синфий муно-

¹ Давоми. Боши журналнинг 4-сониди.

сабатларнинг зарурий самараси ўлароқ социалистик тузум майдонга келади». Бундай мулоҳаза халқчиларнинг программасида биринчи марта олга сурилмоқда эди. Александр Ильич бунга Маркс асарларининг таъсирида келган деб хулоса чиқариш унча қийин эмас. Негаки, у қамоққа олинишига қадар Маркс асарларини зўр бериб ўрганган эди. «Партия ўзининг асосий кучларини,— деб давом этди у,— ишчилар синфини уюштириш ва тарбиялаш ишига, уни келажакдаги ижтимоий ролини бажаришга тайёрлаш ишига бағишлаши керак».

Лекин у шу жойнинг ўзида мавжуд сиёсий тузум шароитида Россияда бундай фаолиятни амалга оширишнинг деярли имкони йўқлиги ҳақида ёзади. (Подшо бу иборанинг тагига чизиб, ёнига «Шуниси тасалли беради», деб ёзиб қўйибди). Сўз эркинлигисиз ишчилар ўртасида тарғибот олиб бориш мумкин бўлмагани учун Александр Ильич ўз диққатини террорга қаратади. Унга ва унинг дўстларига террор — самодержавиега қарши курашнинг ягона таъсирчан воситаси бўлиб кўрилади.

Программанинг охирида Александр Ильич фракциянинг суиқасдга қарашларини баён қилган. «Рус жамиятининг тарихий тараққиёти,— кўрсатади у,— унинг илгор қисми билан ҳукумат ўртасидаги нифоқни тобора кучайтиришга олиб келмоқда. Бу нифоқ рус давлатининг сиёсий тузумининг рус жамиятининг энг яхши қисмига хос бўлган прогрессив халқчил интилишларига номувофиқлигидан туғилмоқда.

...Зиёлилар ўз идеаллари учун тинч кураш олиб бориш имконидан маҳрум қилинганда ва оппозицион курашнинг ҳар қандай шакли унинг учун тақиқ қилиб қўйилганда, у ҳукумат томонидан кўрсатилган кураш шаклини, яъни террорни қўллашга мажбур бўлган эди».

«Чакки эмас!» деб ёзади подшо бу абзацнинг тагига чизиб.

Программани охиригача ўқиб бўлгандан кейин эса, подшо сиёҳни сачратиб, резолюция ёзади: «Бу ёзувларни тентак одам ёзган десак, кам: уни аҳмоқ ёзган!» Кейинчалик кимдир қалтироқ қўли билан подшонинг саҳвини тузатиб қўйибди...

10

Петербургга келиб Мария Александровна ўғли билан учрашишга рухсат олишга ҳаракат қила бошлади. У кун бўйи ички ишлар министрининг, полиция департаменти директорининг, прокурорининг ва бошқа катта-кичик амалдорларнинг қабулхоналарида ўтирарди. Унга билиб беришни, аниқлашни, айтиб қўйишни, маълумот олишни ваъда этишарди.

— Улардан ҳеч нарсага эриша олмайсиз,— деди Песковский Мария Александровна унинг олдига келганида.

— Нима қилай, бўлмаса?

— Суиқасд подшога қарши тайёрлангани учун, унинг ўзи бу ишни кузатиб борапти. Бунинг маъноси шуки, давлатпаноҳдан бошқа ҳеч ким сизга ўғлингиз билан учрашгани ижозат беролмайди.

Мария Александровна подшога мактуб билан мурожаат қилди:

«Онанинг алами ва мусибати,— деб ёзади у йигирма саккизинчи март куни,— Сиз ҳазрати олийларига ягона ҳимоячи ва мададкор сифатида мурожаат қилиш учун менга дадиллик бағишлайди.

Сиздан марҳамат тилайман, давлатпаноҳ! Менинг фарзандларимдан шафқат ва мурувватингизни аяманг. Гимназияни олтин медаль билан тугатган тўнғич ўғлим Александр университетда ҳам олтин медаль олди. Қизим Анна Петербург олий аёллар ўқув юртида муваффақият билан ўқимоқда эди. Улар ўқишни битиришларига атиги икки

ой муҳлат қолганида, бирданига ҳам ўғлимдан, ҳам қизимдан жудо бўлиб ўтирибман...

Мусибатимни қай тил билан баён этай? Нечоғлик даҳшатли аҳволга тушиб қолганимни ифодалашга сўз йўқ.

Мен қизимни кўрдим, у билан гаплашдим. Мен ўз фарзандларимни жуда яхши биламан. Қизим билан шахсан учрашганимдан кейин унинг бутунлай бегуноҳлигига амин бўлдим. Ҳа, ниҳоят полиция департаментининг директори ҳам 16 мартдаёқ менга қизингизнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ, деб айтди. Уша кезлардаёқ уни бутунлай озод қилиш ҳақидаги гап бор эди. Бироқ, кейинчалик менга тергов тўла тугамагунча қизим озод қилиниши мумкин эмаслигини айтишди. Унинг соғлиғи жуда заиф. Маҳбуслик унга жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам жуда ёмон таъсир қилади. Бунинг оқибатида у нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун мен уни кафиликка олмоқчи бўлгандим. Лекин уни менга кафолатга беришмади.

Ўғлим ҳақида ҳеч нарса билмайман. Менга унинг крепостга қамалганини айтишди, у билан учрашувга рухсат беришмади ва ўзинг учун ўғлингни мутлақо ҳалок бўлган деб ҳисоблайвер, дейишди...

Бир йилча аввал эрим қазо қилди. У Симбирск губернасидаги халқ билим юртининг директори эди. Қўлимда олти бола билан қолдим. Уларнинг тўрттаси — вояга етмаган. Менинг оқ сочли бошимга сира ҳам кутилмаганда тушган бу мусибат мени узил-кесил нобуд қилиши мумкин эди. Аммо, бахтимга, тўнғич ўғлим менга мадақдор бўлди. У менга ҳар жиҳатдан ёрдам берди. Унинг ёрдамисиз оиламизнинг аҳволи ночор бўлишини яхши тушунди.

У бутун вужуди билан илмга берилган эди. Ҳатто машғулотлари қаршисида ҳар қандай ўйин-кулгини ва кўнгил очишларни унутганди. Университетда у яхши ҳисобда эди. Олтин медаль унинг учун профессорлик кафедрасига йўл очиб берганди. Бу ўқув йилида ҳам тезроқ мустақил оёққа туриб олиш ва оиланинг тирағи бўлиш учун магистрлик диссертациясини тайёрлаб, университетнинг зоология кабинетида зўр бериб ишламоқда эди...

Мен айбноманинг моҳиятидан ҳам, қандай фактларга асосланганидан ҳам беҳабарман. Аммо унинг жуда оғир жиноятда айбланиш фактини ўғлимнинг яқин-яқинлардаги курашларига доир фактлар билан, унинг илмга ва оиламиз манфаатларига садоқати билан таққослаб кўриб, мурасасиз номунофиқликни кўраман. Бу номунофиқликни, назаримда, мутлақо изоҳлаб бўлмайдигандай кўринади...

О, Давлатпаноҳ! Ўтинаман, фарзандларимга шафқат қилинг! Бу мусибатларга бардош беришга мажолим йўқ, чунки дунёда менинг мусибатимдан оғirroқ ва даҳшатлироқ мусибат йўқ! Менинг бадбахт кексалигимга раҳмингиз келсин! Фарзандларимни менга қайтариб беринг...»

Полиция департаментининг директори Дурново бу мактубни ўқиб чиқиб, Мария Александровнадан сўради:

— Ўғлингиз сизга рост гапиришига аминмисиз?

— У мени ҳеч қачон алдаган эмас.

— Ҳм... Майли қолдиринг, — деди Дурново. — Нима қилишни ўйлаб кўрамиз.

— Қачон хабар олай?

— Камида бир ҳафтадан кейин.

Мария Александровна оғир хўрсинди. Бир ҳафта кутиш керак! Яна ким билсин — подшо Саша билан учрашувга рухсат берадими ё йўқми? У эса шу қадар ўғлини кўргиси келяптики... У билан шу қадар гаплашгиси келяптики... Назарида, у ўғлини кўрса, бас, дарҳол уни кулфатдан қутқариб олади.

— Қизим билан учрашсам бўладими?

— Марҳамат! Кўриб турибсиз, менинг ихтиёримда бўлса, бир зўмда ҳал қилиб беряпман.

— Миннатдорман.

Қай бир даражада суиқасдга алоқадор бўлган материалларнинг ҳаммаси Александр III га жўнатилади. Мария Александровнанинг подшо номига ёзган мактубини ҳам полиция департаментининг директори ички ишлар министрига етказди. Граф Толстой мактубни бошқа тергов материалларига қўшиб подшога жўнатди. Мактубнинг чеккасига бир неча дарғазаб ва пичингли ибораларни ёзиб («Уғлини яхши билар экан!» «Шу пайтгача она бўлиб, қаёққа қараганди!»), подшо шундай хулоса чиқарди: «Менимча унинг ўғли билан учрашувига рухсат берган маъқул. Яхши кўрган ўғилчаси қанақа одам эканини кўриб қўйсин. Уғли терговда айтган гапларни ҳам онасига кўрсатиш керак, токи онаси ўглининг эътиқодларини билсин».

Граф Толстой подшонинг хулосасини ўқиб, полиция департаментининг директорига ёзади: «Давлатпаноҳ Ульяновга ўғли билан учрашувга рухсат берди. Бундан фойдаланиб бўлмасмикин? Онаси ўғлига бор гапни очиқ айтиб беришга, айниқса, бу ишда студентлардан бошқа яна ким иштирок этганини айтишга кўндирса. Менимча; Ульяновга моҳирлик билан таъсир кўрсатилса, шу ишни рўёбга чиқариш мумкин».

11

Симбирскда тинтув ўтказиш керакми, йўқми деган масала бир неча марта кўтарилди. Аммо тергов шунга кўрсатдики, Ульянов группаси Симбирскда ҳеч ким билан алоқа қилмаган. Группа 1886 йилнинг кузида ташкил топган. Александр Ильич эса Симбирскда ёзда бўлган, холос. Қишки каникулга, ҳар доимгидек, бормаган. Тергов материаллари ичида Александр Ильичнинг ўз туғишган шаҳрида бирорта одам билан боғлиқ эканини кўрсатувчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу иш бўйича полиция департаменти Симбирскка ҳеч қандай талабнома жўнатмади. Дастлабки пайтларда Симбирскдагилар қамалганлар ичида Александр Ильич борлигидан беҳабар эдилар, чунки суиқасд иштирокчиларининг номи сир сақланганди.

Жандарм бошқармасининг бошлиғи генерал фон Бракке ҳаддан ташқари дарғазаб эди. Бу нимаси, Мария Александровна ўғли билан қизининг қамалганини ундан аввал эшитибди. Петербургда жўнаш учун рухсат сўраб, унинг олдига келмабди. Балки Мария Александровнанинг Петербургда бориши таъқиқлангандир. Бунинг ҳаммасига айбдор ўша муаллима Қашкадамова. Хатни олиб келиб унинг қўлига бериш ўрнига, Ульяновга элтиб берибди. Генерал фон Бракке Қашкадамовани ҳузурига чақириб, ундан сўради:

— Петербургдан олган мактубингиз қани?

— Мен уни Мария Александровнага бердим,— деб жавоб берди Вера Васильевна бир оз саросимага тушиб.

— Хат кимнинг номига келган эди?

— Менинг номимга...

— Ундай бўлса, нега Ульяновга бердингиз?

— Хатда унинг фарзандлари қамалгани ҳақида гап бор эди-да...

Мактубни унга бериб қўйишимни сўрашганди.

— Бунақа мактубларни расмий шахсларга етказиш керак. Сизни кига ўхшаган қилиқни фақат фитнакорлар ва уларнинг шериклари

қилади. Бу мактубни сизга ким юборган? Мактубда нималар хабар қилинган? Агар жиноятчилар ўтирадиган жойга тушиб қолишни истамасангиз, ҳаммасини тўппа-тўғри гапириб беринг. Жиноятчиларга ҳам-товоқ бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас!

Вера Васильевна қисқагина қилиб, мактубнинг мазмунини айтиб берди. Брадке унинг гапига ишонмади ва яна бирон янги гап эшитиш иштиёқида, хат мазмунини бошқатдан айтиб беришни буюрди. Бироқ, у биринчи галда айтган гапларини сўзма-сўз такрорлади. Бу фон Браккени яна кўпроқ шубҳага солди: демак, у нима дейиш кераклигини ёдлаб олган экан-да! У Александр, Анна ҳақида, Ульяновлар оиласи тўғрисида суриштира бошлади. Вера Васильевна Симбирскда бундан яхшироқ оилани билмайман деди.

— Бу оилада икки киши даҳшатли давлат жиноятчиси бўлганини билиб туриб шундай дейсизми? Ахир, улар император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд қилмоқчи бўлган-а!

Вера Васильевна бир оз сукутга чўмди-да, паст овозда жавоб берди.

— Мен уларнинг ҳаммаларини ўз боламдай яхши кўраман...

Кашкадамовадан ортиқ ҳеч гап чиқмаслигига ишонч ҳосил қилгач, фон Брадке унга жавоб берди. Аммо унинг ижозатисиз шаҳардан бир қадам ҳам жилмаслиги ҳақида огоҳлантирди. Ўзининг барча агентларига фон Брадке Кашкадамовани, Ульяновлар уйини таъқиб остига олишни, Петербургдаги қамашлар ҳақида кимлар қаерда нималар деяётганига қулоқ солиб юришни буюрди. Ун иккинчи март куниёқ у полиция департаментига махфий маълумот юборди: «5 март куни Симбирск шаҳрида Петербургда Невский проспектида ўша ердаги университетнинг уч студенти қамоққа олингани ҳақидаги Шимолий агентликнинг телеграммаси олиниши билан, бу хабар тез фурсатда бутун шаҳарга тарқалди. Давлат банкининг Симбирск бўлими ходимларидан бири телеграммани ўқиб чиқиб, «Бундай одамларни осииш керак», деди. Шунда бу банк бўлимининг контролери Егор Егорович Коведяев ўз фикрини айтган шахсга мурожаат қилиб, шундай деган: «Сиздан илтимос, осииш ҳақидаги фикрингизни эҳтиётроқ бўлиб гапиринг». У одам хижолат бўлиб, жавоб берган: «Мен, ахир бирон ёмон гап айтганим йўқ-ку. Лекин Коведяев яна такрорлаган: «Тилингизга эҳтиётроқ бўлишингизни маслаҳат бераман».

Маълумотноманинг охирида фон Брадке Коведяевни муттасил назорат остида тутганини ва эндиликда унинг сиёсий жиҳатдан мутлақо ишончсиз эканига узил-кесил амин бўлганини ёзади. (Петербургдагилар ҳам билиб қўйишсин — у Симбирскда бекор ётгани йўқ!) Коведяев Симбирскка бадарға қилинган врач Кадьян билан ошначилик қилади, шунингдек, «сиёсий характердаги ишларга жалб қилинган» бошқа шахслар билан ҳам алоқаси бор. Фон Брадке Кадьяннинг номи тилга олар экан қўйидагиларни назарда тутган: Симбирскда Кадьяннинг Ульяновлар оиласининг дўсти экани, уларни муолижа қилиши ҳаммага маълум эди. Фон Брадке нима қилиб бўлса-да, катталарга яхши кўриниш пайда бўлгани учун, қўлида эса ишга бево-сита алоқадор ҳеч қандай материали йўқ бўлганидан, унинг фикрича, қамоққа олинган Ульяновларга нимаки бўлса, ҳаммасидан фойдаланишга уринишди. Эҳтимол, терговда Симбирскка дахлдор бирон нарса очилиб қолар, шунда у худди мана шу иш калаванинг учини топиб беради, бу чигални ечишга у улгуролмай қолди, чунки Петербургдагилар ундан олдинроқ ечиб қўйишди деди.

Ҳар куни фон Брадке бетоқатлик билан Петербургдан янгиликлар кутар ва биронта муҳим нарсани эътиборидан қочириб қўйишдан қўрқарди. Фитнакорларнинг Симбирск билан алоқаси борлигига унинг

ишончи комил эди. Петербургдан кўрсатма кутмай, унинг ўзи «фитнанинг Симбирскдаги чигали»ни ечмоқни истарди. Шунинг учун у Коведяевни чақириб, сўроқ қилди, қамоққа олинганларни нега ҳимоя қилганини айтиб бермаса, давлат хизматидан ҳайдатаман, деб дўқ қилди. Аммо Коведяевнинг ҳеч гапдан хабари йўқ экан.

Шунда генерал фон Брадке ҳаддан ошириб юбордим, шекилли, деб ўйлай бошлади. Яхши ҳамки, у Кашкадамова каби Коведяевни ҳам оғзаки суҳбат шаклида сўроқ қилган. Агар уларнинг фитнага алоқа-дорлигини аниқлаб қолса, протоколларни ишга тиркаб қўйишга ҳамма вақт улгуради.

Бирдан ўн саккизинчи март куни полиция департаментидан махфий телеграмма келиб қолди. Унда Новицкийнинг аптекасида хизмат қилувчи аптекачининг ёрдамчиси Александр Соловьевнинг уйида тинтув ўтказиш буюрилган эди. Ишнинг бунақа тус олишини фон Брадке сира ҳам кутмаганди, чунки у Новицкийни мутлақо ишончли одам деб ҳисобларди. Фон Брадке, албатта, қўрқиб кетди. Телеграмма унинг шаҳарда содир бўлаётган воқеалардан батамом беҳабарлигидан далолат берарди.

Ҳеч кимга ишонмай, фон Брадке тинтувга ўзи борди. Хаёлида Соловьевни қандай сўроқ қилишини, унинг шерикларини қандай қилиб қамоққа олишни ўйлаб, пишитиб ҳам олди. Лекин бу гал ҳам иш у ўйлагандан бошқача бўлиб чиқди. Соловьев бир ой бурун Мариуполга кетиб қолган экан. Қўрқиб кетган Новицкий Соловьевнинг яхши ходим бўлганидан бошқа ҳеч нарса деёлмади. Телеграммада Новицкийнинг аптекасида эмас, Соловьевнинг уйида тинтув ўтказиш керак дейилгани учун фон Брадке қуруқдан-қуруқ қайтаверди. Полиция департаментига телеграммани Мариуполга жўнатиб юборганини маълум қилишдан бошқа иложи қолмади.

Гарчи фон Брадке Новицкийнинг аптекасига тунда келган бўлса ҳам, гарчи у аптекачига ҳеч кимга ҳеч нарса деб оғиз очмасликни қатъий буюрган бўлса-да, бу гап бир зумда бутун шаҳарга тарқади. Миш-мишлар бирга ўн қўшилган ҳолда кучая борди. Юраги така-пука бўлган фуқаро хаёлида тинтув тафсилотлари янги-янги муболағалар билан бойиди. Эртаси куниёқ шаҳарнинг салкам ярми тинтув қилинган ва жуда кўп бомба топилгани ҳақида гап тарқади. Энг кўп бомба Ульяновларникига яшириб қўйилган экан. Подшонинг ўлдирилмай қолганига сабаб шу эканки, террористлар бомбанинг ҳаммасини Симбирскдан Петербургга олиб кетишга улгуришмай қолишибди.

— Володя, эшитдингми, Новицкийнинг аптекасидан бомба топишганмиш? деб сўради Оля гимназиядан келиб.

«Менга бизнинг уйимиздан бир арава бомба олиб чиқиб кетишибди», дейишди.

— Демак, бу гапларнинг ҳаммаси ёлғонми?

— Мутлақо! Аптекадан ҳеч қанақа бомба топишгани йўқ. У ерда тинтув ҳам бўлгани йўқ. Бомба эмас, аптекачининг ёрдамчиси Соловьевни қидиришган. У бўлса аллақачон қаёққадир кўчиб кетган экан.

— Вой, қўрқяпман,— деб хўрсинди Оля.

— Нимадан?

— Бизникига ҳам келиб қолишса, нима қиламиз?

— Келишса келаверсин. Бизнинг уйимизда тақиқланган ҳеч нарса йўқ.

— Сашанинг китоблари-чи? Чернишевский, Добролюбов, Писаревларнинг мақолалари босилган журналлар-чи?

— Мен ҳаммасини яшириб қўйганман.

— Қачон улгура қолдинг?

— Мен буни Вера Васильевна Саша билан Анянинг қамалгани

ҳақида хат олган кунидек қилганман... Ана, Вера Васильевнанинг ўзи ҳам келиб қолди.

— Агар Вера Васильевна билан Яковлев бўлмаганда, биз бу ерда турмада ўтиргандек, қамалиб ўтирардик, — деди Оля. — Дадам бўлса ҳамма вақт содиқ дўстларим жуда кўп деб юрардилар.

— Агар дадам шу кунларга етиб келганда; билмадим — аҳволи нима кечарди? — деди Володя. — Хаёлга келтириш ҳам даҳшат! Қани, бор Вера Васильевнани кутиб ол. Мен бориб кўрай-чи, миттивойлар нима қилишаётган экан?

Вера Васильевна ҳам Оля топиб келган янгиликни топиб келибди. Кечқурун Иван Яковлевич Яковлев келди — тинтув бўлган-бўлмаганини билгани келибди. Агар полиция келадиган бўлса, унга бетўхтов хабар беришни илтимос қилди. Қозонга профессор Ильминскийга хат ёзиб, Саша ва Аня учун ҳаракат қилишни илтимос этганини Володяга айтди. Ильминскийни Синоднинг обер-прокурори Победоносцевнинг ўзи яхши танийди, унинг қўлидан эса, маълумки, подшодан ҳам кўпроқ иш келади.

Ҳар куни Володя билан Оля сабрсизлик билан почтанинг келишини кутишарди, лекин оналаридан ҳамон хат йўқ эди. Эсон-омон етиб борганини ёзди-ю, ўшандан бери лом-лим демайди.

— Нима бўлдики-а, у ерда? — деб сўрарди Оля Володядан кечқурунлари Митя билан Маняшани ўринларига ётқизиб, икковлари катта хонада ёлғиз ўтиришганда. — Нега онамдан хат-хабар йўқ?

— Афтидан, ёзишга арзийдиган гап йўқ бўлса керак-да, — деб жавоб берарди Володя. — Учрашувга рухсат олиш осон эмас...

— Балки Саша билан Аняни чиқариб юборишгандир. Улар ҳозир ойим билан уйга келишаётгандир, — дерди Оля.

Володя Олянинг бунақа тахминларига ҳеч нарса деб жавоб бермасди. Чунки у Оля ўзининг гапига ўзи ҳам ишонмаслигини тушунарди. Баъзан уларнинг иккови ҳам битта нарсани ўйлаб, соатлаб индамай ўтиришарди...

Мариуполда Александр Соловьевни қамоққа олишди. Тинтув вақтида уйдан Чернишевский, Добролюбов, Писаревларнинг суратларини, Степан Разин ҳақидаги шеърларни топишди. Ён дафтариди Тит Пашковскийнинг Вильнодаги уйининг адресини топиб олишди. Канчер азот кислотасини шу одамдан олган эди. Канчер Пашковскийнинг фамилиясини билмасди, шунинг учун биринчи кунлари уни қамоққа олишолмади. Аммо Канчерни Вильнога олиб боришганда, у қайси уйга борган бўлса, ким билан учрашган бўлса ҳаммасини кўрсатиб, айтиб берди. Пашковскийникидан Соловьевнинг Симбирскдаги адресини топишди. Ульяновлар ҳам Симбирскдан бўлганлари учун табиий равишда, Соловьев ҳам фитнақорларни бомба ясаш учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлаб турган деган фикр турилди.

12

Полиция департаментининг директори Дурново Мария Александровнани ҳузурига чақиртирди. Унинг кабинетига кириб, Мария Александровна бу пақана, семиз, бақалоқ одамни таниёлмай қолди: у шу қадар хушфёъл, қувноқ ва мулойим эди. Авваллари Мария Александровна унинг олдига келганида, у лоақал ўтирган ўриндигидан турмасди, бу гал бўлса, унга пешвоз чиқди, қуюқ саломлашди, соғлигини сўради. Мария Александровна нима бўлганига ҳайрон эди. Наҳотки,

Саша билан Анянинг бегуноҳлиги аниқланган бўлса? Наҳотки, уларни турмадан бўшатишаётган бўлсалар?

— Давлатпаноҳ император аъзамлари,— деди тантанавор оҳангда Дурново ўриндиғига ўтирмай,— муруввати олийларини намоён этиб, ўғлингиз билан учрашувингизга ижозат беришни буюрдилар!

— Император аъзамларидан беҳад миннатдорман...

Мария Александровнанинг босиқлик билан билдирган миннатдорчилиги Дурновога ёқмади. У Мария Александровнага тикилиб, яна бирон гап айтармикан, деб кутди, лекин Мария Александровна индамади. Дурновонинг қовоқ-тумшуғи осилди; у қўли билан ўриндиққа ишора қилди:

— Марҳамат, ўтиринг.

— Миннатдорман,— деди Мария Александровна. Энди у полиция департаменти директорининг кайфияти нега бу қадар кескин ўзгариб қолганига ҳайрон эди.

— Ўғлингизнинг нимада айбланаётганидан хабарингиз борми?— деб сўради Дурново креслосига ўрнашиб ўтириб. Унинг қовоғи ҳамон солиқ эди.

— Йўқ. Давлатпаноҳга мактубимда айбноманинг моҳиятидан ҳам, қандай фактларга асосланганидан ҳам беҳабар эканимни ёзган эдим.

— Ўғлингиз, Ульянова хоним, жуда оғир жиноят қилган. У император аъзамларининг муборак ҳаётларига қўл кўтарди.— Дурново бир оз сукутга кетиб, кейин анча юмшоқ оҳангда давом этди:— Аммо давлатпаноҳимизнинг муруввати чиндан ҳам чексиз: кўриб турибсиз, ҳеч нарсага қарамай, давлатпаноҳ илтимосингизни қондирди...

— Ўғлимни қачон кўрсам бўлади?— деб сўради Мария Александровна.

Дурново ўзини саволни эшитмаганга олиб, гапини давом эттирди:

— Сизга очигини айтишим керакки, ўғлингиз бизнинг маслаҳатларимизга киргиси келмаяпти, у ўзини ўзи тўғри сиртмоққа рўбарў қилаяпти.

— Оҳ, Саша...— деди Мария Александровна паст овозда.

— Уни бу йўлдан қайтариш учун, тўхтатиб қолиш учун биз қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрдик, лекин... ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди. У ўжарлик билан ўз айтганида турибди. Давлатпаноҳ унинг кўрсатмаларини хотиржама ўқиёлмайдиган бўлиб қолди, чунки улардаги ҳар бир жумлада шаккоклик ва ўжарлик бор. Мана, ўзингиз кўринг: ўғлингизнинг сўнги сўроғига император аъзамлари ўз қўллари билан ёзиб қўйибдилар: «Ундан бошқа гап олиб бўлмайди, деб ўйлайман». Бунинг маъноси нима эканини тушунасизми?

Мария Александровна Дурновонинг кўзига тик боқиб, индамай турарди. Полиция департаментининг директори бир балони бошлаётганига, лекин ҳозирча уни яшириб турганига ақли ега бошлаган эди. Сукунатни биринчи бўлиб, Мария Александровна бузди:

— Қулоғим сизда...

— Кўриб турибман, ўғлингиз қандай вазиятда эканини тушунмаяпсиз,— деди Дурново зарда билан.— Шунинг учун, Ульянова хоним, сизга очигини айтман: сиз ўғлингиздан ажраб қолишингиз мумкин. Ҳа, агар кутқаришга ёрдам бермасангиз ажраб қоласиз. Бугундан бошлаб ўғлингизнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Бу гапни бутун масъулиятни бўйнимга олиб айтаяпман. Бу билан нима демоқчи эканимни тушунаётгандирсиз?

— Унчалик эмас...

— Сизга ростини айтиб қўя қолай...— деди Дурново мўлтонлик билан.— Биз бу разил суиқасдни уюштирган студентлар эмас, деб ҳисоблаймиз. Ўғлингиз билан унинг дўстлари ёшмигига бориб, пихини

ёрган террористларнинг қўлида қурол бўлган, холос. Биз аминмизки, сизнинг ўғлингиз группанинг етакчиси сифатида улар билан алоқа қилиб турган. Хуфия революционерларнинг номлари ва адресларини унинг ўзигина билади. Бироқ, у айтмаяпти. Агар у бор гапни айтиб берганида, албатта унинг айби енгиллашарди. Айбнинг бир қисми суиқасдни ҳақиқатан тайёрлаган одамларнинг елкасига тушарди.— Дурново индамай қолди. Кейин тантанавор тугатди:— Давлатпаноҳ император аъзамлари ўғлингиз билан учрашишингизга ижозат беришни буюрган эканлар, сиздан ўғлингизга таъсир кўрсатишингизни кутамиз...

— Мендан нима талаб қилаётганингизга ўзингизга ҳисоб бериб-сизми?— деб сўради Мария Александровна ўтирган жойидан туриб.

— Буни мен талаб қилаётганим йўқ, давлатпаноҳ император аъзамлари талаб қиляптилар,— деб жаҳл билан қичқирди Дурново. У шу пайтгача тийиб келган ғазабига эрк берди:— Ҳазрати олийлари шундай қилаётган бўлсалар, буни фақат бир мақсадда — ўғлингизни сиртмоқдан халос этиш учун қиляптилар!

— Император ҳазрати олийларидан мен бағоят миннатдорман,— деб қуруқгина қилиб Мария Александровна аввалги гапини такрорлади.— Ўғлимни қачон кўрсам бўлади?

Дурново зарда билан қўнғироқ чалди ва кабинет эшигида пайдо бўлган ходимга қарамай, буюрди:

— Ульянова хонимга ўғлининг олдига кириш учун пропуск тайёрланг. Сизга эса, хоним, яна бир карра маслаҳат бераман: айтган гапларимни яхшироқ ўйлаб кўринг...

— Вазият ҳаддан ташқари оғирлашиб кетди,— деди Песковский Мария Александровнага.— Саша учун бақувват ҳимоячи топишингиз керак. Мен сизга Александр Яковлевич Пассаверни тавсия қиламан. У билан гаплашган эдим. У розилик берди. Жуда ақлли ва анча дадил одам!

— Ўзингиз биласиз, Матвей Леонтьевич. Ҳамма умидим сиздан. Бу ерда менинг биронта таниш-билишим йўқ...

— Адашяпсиз, Мария Александровна! Мен аниқладим: кимсан оберпрокурор Некмодовнинг ўзи Илья Николаевичнинг шоғирди экан.

— Йўғ-е! Ростми?

— Ҳа, ҳа! Шу пайтгача уни ҳурмат-икром билан гапириб юради. Иннайкейин, Пензада турган вақтингизда Таганцев деганни таниган бўлсангиз керак?

— Танийман, шекилли...

— Таганцев ҳам илгари Илья Николаевичнинг қўлида ўқиган. Ҳозир — сенатор. Унинг сенатор Фукс билан алоқаси яхши. Сенатор Фукс эса ўғлингиз билан учрашишга ижозат олиб бериши мумкин. Судга пропускни ҳам ўша тўғрилаб бера олади. Майли, буларнинг ҳаммаси кейин бўладиган гаплар. Ҳозир энг муҳими — ҳимоячи.

Песковский Мария Александровнани ҳимоячи билан таништирди. Пассавер унга сира ҳам ёқмади: кўп гапирар экан, кўзлари аланг-жаланг, ҳар бир сўзида оламдаги ҳамма нарсага лоқайдлик сезилиб турарди. Ўзининг баҳосини ошириб, жуда узоқ эзмалик қилди, ҳимоясидаги одам учун ҳимоячи ишнинг кўзини билиб, дадиллик билан курашса, ҳимоячининг қўлидан анча иш келишини уқдирди. Мария Александровна танлаш имкони бўлмагани учун Сашанинг ҳимоясини ана шу Пассаверга ишониб топширишга мажбур бўлди. Мария Александровнани ўғли билан биринчи учрашувга кузатиб қўяр экан, Песковский тайинлади:

— Демак, энг муҳими шуки, сиз уни ана шу ҳимоячини олишга кўндиришингиз керак.

— Мен у билан гаплашиб кўраман.

— Мария Александровна, мени афв этасиз-у, аммо мен сизга яхшилик соғинганимдан, сиздан илтимос қилишга мажбурман — қаттиқ туриг. Александр Ильични бирор нарсада фикридан қайтариш нечоғлик мушкуллигини яхши биламан!

13

Учрашувларда маҳбусларнинг қариндош-уруғлари ўзларини ҳар хил тутади. Баъзилар йиғлайди, бошқалари турманинг ҳар бир ходими олдида ўзларини ерга уриб, тилёғламалик қилиб, афтидан, тезроқ бу ердан чиқиб кетиш орзусида, теварак-атрофга аланг-жаланг қарашади. Мария Александровна ўзини шундай гурур билан тутдики, ҳатто турма ходимлари ҳам унга иззат-икром билан қарай бошлашди. Улар унинг матонатига қойил қолишди. На юзидаги ифодада, на овозида юрагини эзаётган дардни ошкор қилди. Фақат кўзларидагина шундай изтироб бор эдики, унинг кўзига кўзи тушганларнинг ҳаммаси беихтиёр кўзини олиб қочарди.

— Шу ерда кутиб турасиз,— деди назоратчи бўш камеранинг эшигини очар экан.— Уни ҳозир олиб келишади.

Мария Александровна шип-шийдам каравотга ўтирди, юрак ўйноғини босиш учун чуқур нафас олди. Ниҳоят, у ўзининг Сашасини кўради!.. Кўради... У бу дақиқага эришиш учун кўп уринди. Бу дақиқани жуда узоқ кутди. Шунчалик узоқки, у ўғлини кўрса, у билан гаплашса, кўп нарса ўзгарадигандай туюла бошлади... Аниқроқ айтганда, кўп нарса равшанроқ бўлади. У полициянинг гапига ишонмайди. Унинг қалбида ўғлининг гуноҳи унга айтишганчалик оғир ва даҳшатли бўлмаса керак деган умид учқунлайди... Ана, ўғлининг қораси кўринди. Мария Александровна ўрнидан туриб, эшикка талпинди. Йўқ, ўғли эмас экан. Бошқа бировни олиб ўтиб кетишди. У ҳам Сашага ўхшаш ёш экан. Балки ўғлининг дўстларидан биридир...

Эшик олдида бир оз туриб, Мария Александровна яна бориб каравотга ўтироқчи бўлган эди, бирдан секин ва бўғиқроқ овозни эшитди:

— Ойи...

Унинг юраги бир лаҳза уришдан тўхтади— у бу овозни минглаб овозлар ичидан ҳам ажратиб оларди,— сўнгра шунақа ўйнаб кетдики, кўз ўнги қоронғилашиб, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Иродасини ишга солиб, ҳаяжонини босди-да, эшикка ўгирилиб, ёш йигитни кўрди. У Сашага жуда-жуда ўхшаб кетарди. Йўқ, йўқ, у ортиқ ёш йигит эмас эди. У энди кўп изтироб чеккан эркак эди. Ё маҳбус кийими уни шунчалик ўзгартириб юбордимикин? Бу эркакнинг юзида шу даражада таниш, кадрдон, хушнуд табассум пайдо бўлдики, Мария Александровна беихтиёр:

— Саша! Саша!— деб юборди.

— Ойижон! Кадрдоним,— деди мулоғим оҳангда Саша онасининг озғин елкасини қучиб.— Сизни жуда ҳам соғинган эдим... Сизнинг олдингида беҳад гуноҳкорман...

— Қўй, унақа дема, Саша — деди Мария Александровна кўзёшлари аралаш жилмайиб.— Унақа дема... фақат бир нарсани англаёлмайман: қандай қилиб бу ишга ботиндинг-а? Ё сенга қўяётган айбларни бўҳтонми?

— Йўқ, ойи,— деб дарҳол қаҳрли тус олди Саша.— Мен суиқасдда иштирок этганман. Бунинг учун мен жавоб беришим керак. Мен жавоб беришга тайёрман,— деб давом этди у.— Унинг оҳангида қатъият бор эди. Ўз йўлидан чекинишдан кўра ўлимни афзал билиши шундоққина сезилиб турарди. Мария Александровна ўғлини ўйлаб, қўрқиб

кетди.— Мен сизларни азоб-уқубатга солиб қўйдим. Аняни айтмайман — унинг олдида ҳам гуноҳим жуда катта... Сизни, Володяни, Оляни айтяпман... Ҳаммаларингни қийнаб қўйдим. Бу тўғрида изтироб билан кўп ўйладим. Лекин... мен бошқача қилолмасдим. Сизнинг олдингиздаги бурчимдан ташқари, ойижон, бутун оиламиз олдидаги бурчимдан ташқари, яна Ватан олдидаги бурчим ҳам бор. Ватаним эса мустабидлик зулми остида шу қадар эзилганки, менга ишонинг, мен бефарқ қололмасдим...

Менинг курашмаслигим мумкин эмасди...

— Яхши. Лекин сен танлаган восита шу қадар даҳшатлики...

— Бошқа воситалар бўлмагандан кейин, ойижон, нима илож бор? Фақат бир нарсани тушунинг, менинг курашмаслигим мумкин эмас эди. Мен халқ тортаётган азоб-уқубатларга бамайлихотир қараб туролмасдим. Бундай қилишга ожиз эдим.

— Саша, бошқалар-чи? Улар қандай қилади?

— Билмадим. Улар бошқачароқ одамлар бўлса керак. Менинг эса юрагим куйиб кул бўлди. Бу даҳшатли қуллик жонимга, тегиб кетди! Ҳар фикримни доимо кузатиб юриш заруратидан, қалбимнинг ҳар бир самимий интилишини бўғиш заруратидан хунобларим ошиб кетди, ойижон! Нега менга ақл берилган? Виждон-чи? Нега менга яхшини ёмондан, ҳақиқатни ёлгондан ажратиш қобилияти берилган? Ўзим лозим топган тарзда яшашга эрким йўқ экан, буларнинг бари беҳуда-ку? Йўқ, ойижон, мен ҳамма нарсага розиман, лекин бундай яшашга рози бўлолмайман...

— Муҳлат тугаяпти,— деб эслатди назоратчи.

— Яна бир дақиқа,— деб илтимос қилди Мария Александровна. У асосий гапни ҳали гапирмаганини эслади.— Сашенька, Матвей Леонтьевич яхши бир ҳимоячи топибди... Уни ҳимоячиликка олсанг, яхши бўларди. Унинг номини эслаб қол...

— Ойи, сиздан ҳам, Матвей Леонтьевичдан ҳам жуда миннатдорман... лекин мен бу ҳимоячининг ёрдамидан фойдалана олмайман...

— Нега энди? Сенга бошқа ҳимоячини айтишганми?

— Йўқ. Гап шундаки, мен, умуман, ҳимоячидан воз кечаман.

— Саша!— деб хитоб қилди лол қолган Мария Александровна.— Бундай қила кўрма! Бу сени ҳалок этиши мумкин.

Саша ўзининг ҳам, суиқасднинг бошқа ҳамма иштирокчиларининг ҳам қисмати аллақачонлар ҳал қилиб қўйилганини, суд ҳеч нарсани ўзгартира олмаслигини айтишни жуда истарди. Аммо у ҳозирдан бошлаб онасини яна ортиқча қайғу-ҳасратга дучор қилгиси келмади. Ҳали унинг бошига яна қанча синовлар тушади, бу хабар эса уни бутунлай ҳолдан тойдириши мумкин. У деди:

— Мен қилган ишларнинг боисини, ойи, ўзимдан тузукроқ ҳеч ким билмайди. Шундай бўлгандан кейин, ўзим бунинг ҳаммасини бошқалардан яхшироқ айтиб бера оламан. Яна бошқа сабаб ҳам бор: ҳимоячидағ воз кечсам, бу менга курашимизда биз амал қилган ғоявий сабабларни судда баён қилиш имконини беради. Ҳеч қандай қинғирликлар бўлмасин учун, мен шундай қилмоғим керак.

— Муҳлат тугади. Бўла қолинг, хоним...

— Хайр, ойи!— Саша онасини кучди.— Хафа бўлманг, ойижон. Биз яна учрашамиз.

— Саша, бирор нарса керакдир сенга?— деб сўради Мария Александровна ёшини артиб.

— Йўқ, ҳозирча ҳеч нарса керакмас... Агар кўрсангиз, Аняни қучиб, ўпиб қўйинг. Унга айтингки,— Саша камерага кирган прокурор Котляревскийни кўриб, гапни бошқа ёққа бурди:— Агар рухсат беришса, унга ҳамма гапни ёзиб юбораман..

Саша яна бир марта онасини кучиб, унинг оппоқ сочларидан ўпди ва орқасига ўгирилмай, камерадан чиқди. Мария Александровна қаравотга ўтириб қолди. Ҳўнграб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тутиб турарди. Аммо бир дақиқадан кейин кучини тўплаб, ўрнидан турди.

— Ульянова хоним,— деб уни тўхтатди прокурор Котляревский. Учрашув бошлангандан бери у қўшни хонада туриб, ҳамма гапни эшитган эди.— Мен ўғлингиз билан бемалол очиқчасига гаплашиб олишингизга халақит бергим келмади. Шунинг учун учрашувнинг охирида кирдим. Умид қиламанки, сиз император ҳазрати олийларининг мурувватларини сунистеъмол қилмагандирсиз ва ўғлингизни ҳамма нарсани тан олишга кўндиргандирсиз?

Мария Александровна бошини мағрур ва изтироб ҳамда ғазабдан титроқ овозда жавоб берди:

— Мен ҳеч кимга ҳеч қандай ваъда берганим йўқ!

— Афсус... Минг афсус... ўғлингизга ачинаман, — деди тишлари орасидан прокурор.— Уйлайманки, маслаҳатларимизга қулоқ осмаганингизга ҳали кўп пушаймон ейсиз...

Песковский Сашанинг ҳимоячидан воз кечганини эшитиб, гаши келиб хитоб қилди:

— Бу тентаклик-ку! У бўйини сиртмоққа ўзи тутиб берапти.

— Нима қилай, ахир. Унга ялиндим!

— Талаб қилиш керак эди! Ҳа, ҳа, талаб қилиш керак эди! Йўқ, унга нима бўлган ўзи? Сира ақлим етмай қолди! Ақли жойидамикин? Ахир, унинг хулқ-атвори бутун оиланинг тақдирига ҳалокатли таъсир кўрсатишини тушунмаслиги мумкин эмас-ку!

Мария Александровна хўрсинди холос.

— Йўқ!— деб давом этди Песковский.— Мен ўзим у билан гаплашишим керак. Мен шу бугуноқ ариза бераман...

Матвей Песковский садоқатли адабиётчилардан эди. У ўз фаолиятида «Нимани буюрадилар?» деган принципга амал қиларди. У Александр Ильичнинг хатти-ҳаракатларини ҳам ўз қолипидан келиб чиқиб баҳоларди. Сиртмоққа илинган одамнинг ундан қутулиш учун имкони бор ҳамма ҳаракатни қилмаслиги унинг ундан қутулиш учун имкони, Александр Ильич бундай бемаъни ишни қилишга қандай жўрват этдикин? Ахир, уни олимлик мартабаси кутмоқда эди. У ўзининг ақл-идроки, истеъдоди, ақл бовар қилмайдиган ишчанлиги билан оламшумул олим бўлиб кетарди-ку! Йўқ, унга бир бало бўлган...

«Ульяновнинг ўтмишини билганим учун,— деб ёзади Песковский полиция департаментига аризасида,— ақлий қобилиятларининг жойида эканига шубҳа қилмаслигим қийин бўляпти. Ўтмишдаги Ульянов билан 1 март ишига иштирок этган Ульянов ўртасидаги номувофиқлик тоғ билан осмонча. Одам писмиқ бўлиши мумкин, ўзини бошқача кўрсатиши мумкин, лекин ўзлигидан бутунлай юз ўгиролмайди — бунга ақл бовар қилмайди».

Ҳа, ўз халқининг тақдирига батамом лоқайд қаровчи Песковский учун Александр Ильичнинг хулқ-атвори турган-битгани жумбоқ эди.

14

Прокурор Котляревский учрашувда Мария Александровна ўзини қандай тутганини Дурновога айтиб берди. Яширин одамлар билан барча алоқаларнинг учи айна Ульяновнинг қўлида эканига Дурновонинг имони комил эди. Шунинг учун у Ульяновга лаънатлар ёғдириб, бу ҳақда ахборот бериш учун граф Толстойнинг ҳузурига жўнади. Мария Александровнанинг ўғли билан учрашуви Ульяновдан бирор гап олиш

йўлидаги сўнгги умид эди. Бу умид чиппакка чиқди. Энди бир иш қолди, холос: ишни судга ошириш керак, чунки сўроқларда ҳамма аллақачондан бери аввал айтган гапларини такрорлапти. Симбирскка олиб борадигандай туюлган иш ҳам узилди: Мариуполда қамоққа олинган Александр Соловьевнинг сўроғи шуни кўрсатдики, бу суиқасдга унинг мутлақо дахли йўқ. Қанчер, Горкун, Волоховлар айтиб берган гапларнинг ўзи билан кифояланишга тўғри келадиганга ўхшайди. Агар шу учови бўлмаса, кўп нарса очилмай қолиб кетарди.

— Юзингиздан кўриб турибман, ҳеч иш чиқмаганга ўхшайди,— деди граф Толстой Дурново унинг кабинетига кириши билан.

— Ҳа, жаноб олийлари...— деб гуноҳкорларча хўрсинди Дурново.— Ҳар қанча тушунтирмайлик, ҳар қанча кўндирмайлик, Ульянова ҳам ўғлидай ўжарлик билан ўз билганини қилди. Ульянованинг мактубини давлатпаноҳга етказишни сиз — жаноб олийларидан илтимос қилганим учун ўзимни сира ҳам кечира олмайман...

— Сиз ўзингизни кечиролмайсизми?— деб минғирлади истеҳзоли пичинг билан граф Толстой.— Хўш, император ҳазрати олийларига нима дейишимни буюрасиз? Давлатпаноҳнинг ўзи кеча: «Ульянова ўғли билан учрашдими? Унга таъсир кўрсатдими?» деб сўрадилар.

Дурново бошини қуйи солиб, гуноҳкорларча индамай турди. Кўп йиллик тажрибадан билардики, мутелик билан индамай туришдан яхшиси йўқ: жаҳли тез графни тинчлантиришнинг энг яхши йўли шу. У қичқириб-қичқириб, қуруқшоқ қўлларини силкитиб, хонасида югура-югура тинчиб қолади. Дурново чолдан хафа бўлмайди, ҳатто унга ачинади ҳам. У ахир эртага ҳамма гапни давлатпаноҳга етказиши керак. Дурново унинг ўрнида бўлиб қолишни сира ҳам истамайди, чунки подшонинг дарғазаблиги нима эканлигини жуда яхши билади.

— Хўш, сизнингча, мен нима қилишим керак?— деб сўради граф бир оз тинчланиб, ожизликдан қалтираётган қуруқшоқ муштирага йўталиб.

— Вужудга келган вазиятдан чиқишнинг фақат бир йўлини кўряпман, жаноби олийлари.

— Қандай йўл экан,— сабрсизлик билан унинг гапини бўлди граф Толстой.— Ишни судга оширишми?

— Ҳа, жаноби олийлари.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат!— деб истеҳзо билан кулди граф.— Давлатпаноҳдан кўпроқ инъому-мукофотлар олиш учун ишни шишириб, энди ҳаммасини қовуштиришга келганда ҳеч ким урдасидан чиқолмай қолдими? Қани эсланг-чи, бошида мен нима деган эдим. Мен бу ишга жуда катта аҳамият бермаслик керак дегандим. Ҳатто давлатпаноҳни бу найрангбозларнинг ҳаммасини судсиз ва терговчисиз крепостга жўнатиб юборишга кўндиргандай ҳам бўлувдим. Шу билан иш тамом эди. Йўқ, менинг гапимга кирмадинлар, қандайдир яширин ташкилотни қидиришга тушдинлар.— Граф қўл силтаб, ўтирди, Дурновони ҳам ўтиришга таклиф қилди.— Ўтиринг, Петр Николаевич, иложини ўйлаб кўрайлик...

Дурново ўтириб, эҳтиром билан сукут сақлади. Граф ҳам қоқ суяк бармоқлари билан столни чертиб, индамай ўтираверди. Унинг ажин босган чувак юзи асабий уча бошлади. Графнинг бармоқлари столни тириқлатишдан тўхташи билан Дурново чуқур сўлиш олди. Бунинг маъноси бор эди. У «айтадиган гапим бор-у, лекин жаноби олийларига гапимга қулоқ солиш малол келмасмикин», демоқчидай эди. Граф сарғиш ўткир кўзлари билан Дурновога қараб, сўради:

— Қани, нимани таклиф қиласиз?

— Хабарим бор, баъзилар ишни ҳарбий судга ошириш тарафдориди,— деб оҳиста гап бошлади Дурново.— Бунинг маъноси бор. Иш

ҳарбий судга оширилса, бу ҳукми ўн кун олдин чиқаришга имқон беради. Сенат кўрса, ўн кун ортиқ кўради. Ҳарбий суд ҳам, сенат ҳам бир хил жазо берадиган бўлгандан кейин ишни ҳарбий судга оширган маъқулроқ кўринади...

— Давлатпаноҳ ҳам шундай фикрни айтган эдилар, — деди граф Дурново нимани таклиф қилмоқчи эканини англамай.

— Ҳа. Лекин шундай бўлса-да, менимча, ишни сенатга оширган яхшироқ. Сабаби бундай, — деди шошқалоқлик билан Дурново графнинг қошлари таажжуб билан чимирилганини кўриб. Бундан графнинг дўнг бурни янада узунроқ кўриниб кетди. — Айбланувчиларнинг кўпчилиги гувоҳларнинг кўрсатиши бўйича эмас, шерикларининг чақимчилиги билан фош бўлган. Шунинг учун ана шу шерикларини сўроқ қилиш судда жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўз-ўзидан равшанки, бунинг учун жуда тажрибали суд раиси керак, токи у сўроқ вақтида айбланувчилардан бор ҳақиқатни билиб олишга қурби етсин.

— Кимни суд раиси қилиб тайинлаш мумкин деб ўйлайсиз? — деб сўради граф. Бу билан у Дурновонинг далилларига қўшилишини билдирган эди.

— Сенатор Дейерни, жаноби олийлари! Ўзингиз биласиз, Петр Антонович Нечаевлар процессидан бошлаб, анча-мунча террористларнинг ишини кўрган. Ўйлайманки, давлатпаноҳ император аъзамлари ишни сенатга топширишга рози бўлсалар, бу номзодга эътироз билдирмасалар керак...

Граф Толстой билан Дурново ишни кўришни сенатга топширишнинг барча афзалликлари ва қусурларини узоқ муҳокама қилишди. Ниҳоят, граф ҳам ишни ҳарбий судга бермаслик маъқул деган тўхтамга келди. Бари бир эмасми — сенат ҳам, ҳарбий суд ҳам ишни ёпиқ мажлисларда кўради. Сенат ишни кўрганда бой бериладиган ўн куннинг ҳиссасини бошқа томондан чиқариши мумкин — шикоят муддатини тўрт ҳафтадан икки кунга қисқартириш мумкин. Демак, ишни ҳарбий суд кўрганда ҳукм қачон кучга кирадиган бўлса, сенат кўрганда ҳам шу муддатда кучга киради. Ҳукм қандай бўлиши тўғрисида улар оғиз очишмади, чунки бу нарса судга эмас, фақат подшога боғлиқ эди. Суднинг вазифаси эса ёлғиз бир нарсдан — император ҳазрати олийларининг хоҳишларини бажо келтиришдан иборат эди.

15

Граф Толстой биронга муҳим ишни аввал Победоносцев билан маслаҳатлашмасдан подшога арз қилмас эди. Синод обер-прокурорининг подшога таъсири бениҳоя катта эди. Подшо Победоносцевнинг бирон таклифини рад этганини ё унга рози бўлмаганини ҳеч ким билмайди. Бирор нарсага рози бўлмаслик учун бирон нарсани, айтиклик, манифестни рад этиш учун рад этилганнинг ўрнига ўзиникини ёзиб чиқиш керак. Подшонинг эса калласида фикр деган нарсдан ному-нишон ҳам йўқ. У ҳатто тахтга чиққанида ҳимоя қилишни зиммасига олган реакция сиёсат масаласида ҳам аниқ қарашларга эга эмас эди. Бу сиёсат подшоники эмас, Победоносцевники. Шунинг учун ҳам подшо Синод оберпрокурорнинг маслаҳатисиз, янада аниқроқ айтганда, ижозатисиз бир қадам ҳам қўя олмасди. Подшо фақат бир нарсани биларди: у, даставвал ҳокими мутлақ. Унинг ҳокимиятини худо берган. Шундоқ экан, нимаики қилса, ҳаммаси худодан. Унга итоат этмайдиган одам худонинг хоҳишига қарши чиққан бўлади, бу гуноҳ учун эса энг шафқатсиз жазога мустаҳақ қилинади.

— Жуда-жуда мамнунман сизни кўрганимдан, граф Дмитрий Ан-

дреевич,— деди Победоносцев ясама хушнудлик билан меҳмонни қарши олар экан.— Ғоят мамнунман...

— Мен ҳам сизни кўрганимдан бағоят хурсандман, мухтарам Константин Петрович,— деди Толстой Победоносцевнинг ясама қувноқлигига ғаш келиб.— Сизни ишдан қўяётганимга афв этасиз. Бироқ, подшо ҳазратларига арзга киришдан аввал сиз билан маслаҳатлашмасам бўлмасди.

— Наҳотки, Ульянова хоним ўғлига таъсир кўрсатиб, ўгли янги кўрсатмалар берган бўлса?— деб сўради Победоносцев пинҳона киноя билан. Бундан ҳеч иш чиқмаганини унга аллақачон етказишган эди.— Шундай бўлса, давлатпаноҳ ғоятда хурсанд бўларди...

— Ҳамма гап шундаки, биз давлатпаноҳни хурсанд эта олмаймиз,— деб жавоб берди граф Толстой қовоғини солиб, чунки у Победоносцевнинг оҳангидаги кинояни илғаган эди.— Тергов бир маромда, ҳеч қандай янгиликларсиз давом этипти. Ульяновнинг онаси давлатпаноҳнинг муруватини суистеъмом қилди. Учрашувда у ўғлининг ҳамма нарсани очиқ тан олиши ҳақида лоақал лом-мим деб оғиз очмади. Ульяновга ўхшаш ярамасларнинг уруғи қаердан пайдо бўлиши менга энди равшан бўлди. Уларни оилада тарбия қилишади. Мана, шу Ульяновога ўхшаган оналар бор оилаларда! Мен ундан менинг номимга ҳеч қандай аризаю илтимосномаларни қабул қилмасликни буюрдим. Подшо ҳазрати олийларининг номига — инчунун!

— Сиз фақат онасини айтасиз,— деди Победоносцев жилмайиб.— Ульяновнинг отаси ҳам бўлган-ку! У сизнинг қўл остингизда хизмат қилганди. Унга халқ болаларини тарбиялаш иши ишониб топшириб қўйилганди...

Граф Толстой тилини тишлаб қолди. У Ульяновлар оиласи ҳақида оғиз очганига ўзи пушаймон бўлди. Победоносцев давом этди:

— Халқни маърифатли қилиш топширилган одам бош бўлган оиладан Ульяновга ўхшаган ярамаслар чиқса, бошқалардан нима кутиш мумкин? Йўқ, мен буни кўп айтганман ва яна айтаман: бутун ёмонликнинг илдизи мактабларимизда, гимназияларимизда, университетларимизда! Маориф системамиз чатоқ. Жамики бошланғич, ўрта ва олий таълимни тубдан қайтадан қуриш керак. Шундай қилмагунимизча, нигилистларнинг фитнаси бири кетидан иккинчиси содир бўлаверади.

Бу фикрлар янгилик эмас эди. Победоносцев авваллари ҳам уларни кўп айтганди. Бироқ, Победоносцевнинг бошқа ишлари қатори бу фикрларида ҳам танқид бор эди-ю, лекин аҳволни тузатишга ёрдам берувчи ҳеч қандай таклиф йўқ эди. Граф Толстой номигагина уни диққат билан тинглаётгандай кўринди, ўзи эса бошқа нарсани ўйламоқдайди. Ишни судга ошириш кераклигини подшога қай тарзда арз этса маъқул бўларкин? Победоносцев гапини тугатганда, у деди:

— Ҳа, Константин Петрович, мутлақо ҳақ гапини айтдингиз. Фикрингизга тўла қўшиламан. Лекин, очинини айтишим керак, бирон конкрет нарсани таклиф қилолмайман.— Толстой Победоносцевга қаради-да, пичингини яшириш учун жилмайди. У жилмайганда нозик лаблари ажин босиб, буришиб кетди. Граф гапини буриб, асосий мақсадга кўчди:— Эртага суиқасдчилар ишининг бориши ҳақида давлатпаноҳга арз этишим керак. Мен эсам ҳозир сизга нимани таклиф қилишимни билмаётгандай, ҳазрати олийларига нима дейишга ҳам ҳайронман. Бир томондан, иш аллақачон пишиб, судга оширадиган даражага етган, иккинчи томондан эса...— граф Толстой оғир сўлиш олди.— Суиқасдчиларнинг етакчиларидан биз нимани билдик? Деярли ҳеч нарсани. Агар биз уларни эртага қора курсига ўтқазсак, ортиқ ҳеч нарсани аниқлай олмаймиз...

— Менимча, граф, сиз адашяпсиз... Бу гўдакларнинг индамаётга-

нига сабаб шуки, уларнинг ҳаммаси иш бирон арзимас танбеҳ билан тугайди деб ўйлашяпти. Улар бундай мулоҳаза юритишади; биз ҳеч кимни ўлдирганимиз йўқ, шундоқ экан, нега бизга оғир жазо беришлари керак? Улар ўлимга ҳукм қилинганларини эшитишлари биланоқ, ишонаверингки, тиллари чиқиб қолади. Суд эса уларни энг олий жазога — ўлимга ҳукм этиш учун ҳамма асосга эга.

— Эҳтимол, шундайдир...— энгил нафас олди граф Толстой. Ишни судга оширишга Победоносцев шу қадар осон кўнади, деб кутмаганди.— Очиғини айтишим керак, Константин Петрович бу томонини ўйлаб кўрмаган эканми,— деб қўшимча қилди у. Победоносцев қарорини ўзгартиб қўймаслиги учун бу гапи билан граф хушомад қилмоқда эди.— Энди кўриб турибман, ўзга илож йўқ.

— Ҳа, уларнинг ўзи ҳам, бутун қариндош-уруғлари ҳам ё бошни сиртмоққа тутиб бериш, ё ҳаммасини тан олишдан бошқа чора йўқлигини кўрганларидан кейин, нойлож тилга кириб қолишади.

Шунга қарор қилинди: Толстой подшодан ишни судга оширишни илтимос қиладиган бўлди.

16

Александр III нинг довьюраклардан эмаслигини Туркия билан бўлган уруш вақтидаёқ ҳамма сезган эди. Суиқасдчилар томонидан отаси ўлдирилгандан кейин унинг табиатидаги қўрқоқлик янада кучайди. Ҳаммага яхши маълум эдики, у тахтга чиққан биринчи кунларда Гатчино қасридаги орқа хоналардан ташқарига чиққани йўқ, чунки навбатчи офицерлардан ҳам қўрқарди. Кейинчалик у бир оз дадил тортган бўлса-да, аввалдан эҳтиёт чораларини кўриб қўймай, ҳеч қачоққа бормас эди. Петербургнинг подшо ўтадиган кўчаларида доимо ўзини «халқ» қилиб кўрсатадиган юзлаб жосуслар изғиб юришарди. Агар у шаҳардан кечқурун ўтадиган бўлса, кўчаларнинг ҳаммасида қатновни тўхтатиб қўйишарди. Темир йўлда подшо эҳтиёт чораларини янада кўпроқ кўриб юрарди. Йўлларни муҳофаза этиш учун қўшинлар чинакамига сафарбар қилинарди. Ундан ташқари ўн беш минут ўтказиб, кетма-кет учта бир хил поезд жўнаб кетарди. Подшо қайси поездда— ҳеч ким билмас эди.

Авваллари гоҳи-гоҳида подшо Петербургга келиб турган бўлса, энди у ерга боришни бутунлай йиғиштириб қўйди. Фақат ижрочиларгина қамоққа олинган, суиқасднинг ҳақиқий раҳбарлари ҳамон аллақайларда яшириниб юрибди, деб ҳамма подшонинг қулоғига қуйган эди ва подшо бунга чиндан ишонарди. Яшириниб юрган суиқасдчилар бекор туришмайди, албатта. Улар янги суиқасдларни тайёрлашяпти. Ахир, қамоққа олинганлар ҳам ўз кўрсатмаларида мунтазам террор ҳақида гапиришади. Айниқса, Ульянов ўз программасида шунга қатъий таъкидлайди. Сўроқларда унинг ўзини тутишидан кўриниб турибди: ҳамма суиқасдчилар ичида энг ақллиги ва энг довураги — шу. Модомики шундоқ экан, қамоққа олинганлар ўрнига бош кўтарадиган суиқасдчи гуруҳлар билан ҳамма алоқаларнинг учи шу Ульяновнинг қўлида, албатта. Ахир, Александр II га қарши суиқасдни ўн беш йил тайёрлаган эди. Отасининг хатоси шунда бўлган эдики, бир гуруҳ суиқасдчиларни қатл қилдиргандан кейин, у атрофидагиларнинг суиқасдчилар тамом тугатилди, деган гапига чиппа-чин ишониб қўя қолганди. Мана, граф Толстой ҳам суиқасдчиларнинг ҳаммаси қамоққа олинганига ва ҳеч қандай яширин ташкилот йўқлигига ишонтирмоқчи бўляпти. Аммо у бунга ишонмайди. У ҳамма суиқасдчиларни мажақлаб ташламагунча тинчимайди. Буғун граф Толстой арзга келади. Қани, келсин, уни си-

қиб сувини олади, лекин чинакамига бу ишнинг тагига етишга мажбур қилади. Агар Толстойнинг қўлидан келмаса, уни қувиб юбориб, терговни охирига етказишни бошқа бирор одамга топширишга тўғри келади...

Гатчино қасрида Александр III нинг ҳаёти ҳукмдорниқидан кўра кўпроқ маҳбусниқига ўхшарди. Эрталаб соат еттида туриб, генерал Черевин билан бирга (у ҳам адъютант ҳам масхарабоз эди) хос соқчилар ва миршаблар томонидан уч ҳалқа билан қуршаб олинган боғда сайр қиларди. Қисқагина сайрдан кейин жисмоний ҳаракат билан шуғулланарди. Пастки қаватда ўтин ёриш учун катта тўнка бор, унинг ёнида бир нечта ойболта ётарди. Ойболталар ҳам катта-катта. Одатда гуноҳкорларнинг калласини олаётган жаллодларни шундай ойболталар билан тасвирлашади. Бу ердаги йўлаклар тор, шифти паст, ҳар битта эшикнинг ёнида қуролли соқчи турарди. Баҳайбат гавдали бесўнақай подшо қўлида ойболта билан чиндан ҳам жаллодга ўхшарди.

Ўтин ёриб бўлгандан кейин Александр III нонушта қилар, кейин ўз кабинетига кириб кетарди. У қоғозларга имзо қўйиб бўлгунча, генерал Черевин қабулхонасида, ўз столи ортида ўтирарди. Бу пайтда подшонинг олдига киришга ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳадди сиғмас эди. Подшонинг мулоҳаза ва хулосалари қисқа бўларди. Министрларнинг айтишича, у ибораларни танлаб ўтирмасди. Кўпинча қоғозларда «Чўққалар!», «Аблаҳлар!» деганга ўхшаш иборалар ёзилаверарди. Енғин, тошқин, қурғоқчилик, очлик, вабо ва бошқа табиий офатлар ҳақидаги маълумотларнинг четига подшо ҳамма вақт битта иборани ёзарди: «Таскин бермайди!». Агар подшо суиқасдчилар ҳақидаги маълумот четига кўнглидагини ёзадиган бўлса, «Кўрқинчли!» деган биргина сўзни ёзган бўларди. Бу «доҳиёна» хулосаларнинг барчаси — худо кўрсатмасин, ўчиб кетмаслиги учун устига лак суртиларди, негаки подшонинг қалами остидан чиққан ҳар бир сўз асрларга сақланиб қолмоғи керак эди.

Граф Толстой бўрон яқинлашиб келаётганини ҳис қилиб, Гатчинога одатдагидан аввалроқ келди. Уни қарши олган генерал Черевиннинг қиёфаси тунд эди. Граф Толстой бундан подшонинг дарғазаб эканини тушунди. Генерал Черевин масхарабозга хос тарзда ҳамма вақт подшонинг юзидаги ифодадан ҳам андоза кўчирарди. Подшо дарғазаб бўлган кезларда суҳбатдошига қовоғини уюб қарарди. Ҳозир генерал ҳам графга шундай қараб, қуруққина саломлашди. Граф билан гаплашишдан қутулиш учун иши қисталанг эканини айтиб, аллақандай қоғозларни титкилай бошлади. Ички ишлар министри зиммасидаги ишларни бажаришга чол борган сари қийналяпти. Лекин шундоқ бўлса-да, истеъфога чиққиси келмайди. Чиқмагандан кейин, чол қийналса, қийналаверсин, майли. Кимга қулоқ солма, ҳамма бир оғиздан бавар «Толстой суиқасдчиларни маҳв этмайди», дейди. Подшо ҳам шунанга фикрда. Лекин Победоносцев Толстойдан муносиброқ одами кўрмайман, деб уни ишонтирди. Победоносцевнинг Толстойни алмаштиришга журъат қилмаганига битта сабаб бор: ички ишлар министри янги бўлса, у душманлари томонига ўтиб кетишдан кўрқади.

Генерал Черевин бир неча марта подшонинг кабинетига кириб чиқди-ю, аммо граф қабулхонада йўқдай, унга лом-мим демади. Ниҳоят, генерал Черевин Толстойни кутиб олганидай қуруқ расмият билан графга давлатпаноҳ император аъзамлари «кирсин» деганини айтди. Граф Толстойнинг саломига қуруққина алик олиб, подшо ишдан гапиришни буюрди. У граф Толстойнинг нима дейишини аллақачон биларди, чунки куни кеча Победоносцевдан хат олган эди. У гарчи одадга гидек, Победоносцевнинг ишни судга ошириш кераклиги ҳақидаги далилларига рози бўлган бўлса-да, суиқасд раҳбарларини барча ҳақиқатни айтишга мажбур қила олишмаганига чидаёлмаётган эди. Яна

отаси даврида бўлган воқеа такрорланяпти: бу суиқасдчиларни осишади, аммо улар айтиб бермаган бошқа суиқасдчилар уни ўлдиради. Даҳшат! Шармандалик! Унинг қанчадан-қанча миршаблари, терговчилари, прокурорлари бор, дунёдаги энг даҳшатли истеҳком — қамоқлари бор, лекин буларнинг ҳаммаси она сути оғзидан кетмаган бир ҳовуч студентлар қаршисида — ожиз.

— Хўш, суиқасднинг ташкилотчилари қани?— деб сўради подшо граф Толстой гапани тугатганда унга ғазаб билан тикилиб.

— Император ҳазрати олийлари...

— Жим бўлинг!— Подшо қўлини орқасига қовуштириб, баҳайбат кабинет бўйлаб, у ён-бу ён юрди ва граф Толстойнинг рўпарасида тўхтаб янада дарғазаб оҳангда давом этди:— Буларнинг ҳаммасини ёлғиз студентлар тайёрлаганига ишонган эмасман ва ишонмайман ҳам! Сиз майда-чуйдаларни қўлга олгансиз. Раҳбарларни эмас, ижрочиларни! Сиз атиги уч кишинигина гапиртира олдингиз, холос. Сизнинг қоғозларингизда фақат битта гапни ўқийман: тергов ҳеч қандай янгиликларсиз давом этяпти.

Граф Толстой букчайганича, ингичка бўйинини ичига тортиб, подшонинг қулоқашлаб тушириб қолишидан кўрққандай бир алпозда турарди. Гавдали, пайдор подшонинг қаршисида ўшоққина граф хўжайинидан сўкиш эшитаётган малайга ўхшарди. Подшонинг кабинет бўйлаб бесўнақай юришини, бўйинини чўзиб, бошини орқага ташлаб олганини кўриб, граф Александр III ни кичкиналигида отаси эркалаб, «буқача» деб атаганини эслади. Кейинчалик бу гап унутилиб кетди. Аммо Александр III акаси ўлгандан кейин қўққисдан тахт вориси бўлиб қолгач, ҳамма бу лақабни эслади. Бу лақабнинг подшога ёпишиб қолганига сабаб — унинг кўриниши буқаникига ўхшаганигина эмас эди. Бунинг боиси яна шу эдики, подшо мутлақо ҳазил-мутуйиба туйғусидан маҳрум эди. Унга фақат генерал Черевиннинг ҳазилларигина манзур бўларди. Бу ҳазиллардан эса, худойчиларнинг айтишича, ҳатто папуаслар ҳам қизариб кетарди. Бировдан норози бўлса, уни чандиб олишга подшонинг уқуви етмагани учун, ўйлаб ўтирмай, бошига гурзи билан тушириб қўя қоларди.

— Сиз ишни судга оширомоқчи бўляпсиз!— деб давом этди подшо графнинг қаршисида тўхтаб, қоғоғини уюб, бақрайган кўзларини унга ғазаб билан тикиб.— Лекин сиз ҳозир Петербург кўчаларида қамалганлар айтиб бермаган суиқасдчилар ёнларида бомба билан сайр қилиб юрмаганига аминмисиз?

— Аминман, ҳазрати олийлари...— деди бидирлаб граф Толстой овози қалтираётганини билдирмасликка уриниб.

— Мен эса амин эмасман! Ҳа, мен амин эмасман!— деб такрорлади подшо худди аскарлар билан саломлашаётгандай бақариб.— Сизга ҳам ишонмайман! Ҳа, граф! Шу йиллар мобайнида доим менга: «Нигилистлар маҳв қилинди, Россияда уларнинг арвоҳи ҳам қолмади», деб, қулоғимга қўйиб келгандингиз. Хўш, оқибат нима бўлди?

Подшо анча вақтгача ғазабдан тушмади. Ниҳоят, у стол ёнига ўтирди-да, ишни судга оширишга ижозат беришини ёзди. Одатда подшо Победоносцевнинг маслаҳатини олган бўлса, шундай қиларди. Унинг бақариб-қичқариши эса ғазабини тарқатиш учун эди, холос.

Йигирма биринчи мартдан кейин Александр Ильични сўроққа чақирмай қўйишди. У нима воқеа рўй берганини билолмай қолди. Прокурор билан терговчи янги маълумотлар топиб олиб, уни ўрганишаётганмикин? Балки Симбирскка жўнаб кетишгандир. Лекин у ердан ҳеч нарса топиша олмайди. Яна ким билади?.. Ҳар нарсани кутиш мумкин.

Улар истаган нарсдан қийиқ топишлари мумкин. Ахир Аняни қамашди-ку! Ҳолбуки, унинг бор-йўқ айби — Канчернинг Вильнодан

унинг адресига телеграмма юборгани, холос. Бир гал Александр прокурордан «опамга бир-икки оғиз гап ёсам бўладими?» деб сўради. Прокурор тергов тугагандан кейин бунга рухсат беришини айтди. Ё сўроқча чақирмаётган бўлса, тергов тугадимикин? Балки бирор одам учрашуга ҳам келиб қолар...

Аммо кунлар ўтиб борар, Александр Ильични эса ҳеч ким безовта қилмасди. У билан учрашгани ҳеч ким келгани ҳам йўқ. Уни 47-камерага жойлаштиришган эдилар, камера Трубецкий бастионининг иккинчи қаватида эди. Бир томондаги деворининг ортида зина бор эди. Демак, бу томондан деворни ургани билан ҳеч ким жавоб бермайди. Қирқ саккизинчи камерада эса одам йўққа ўхшайди — Александр Ильич қўшниси билан гаплашмоқчи бўлиб, ҳар қанча деворга мушталасин, ҳеч кимдан садо чиқмади. Китоб берилмас эди. Қоғоз билан снѐхни ўзлари таклиф қилишади, аммо Александр Ильич уни олмади, чунки фақат ишга тааллуқли нарсаларнигина ёзишга ижозат беришарди. Аввалги кўрсатмаларининг ёнига бирор нарса қўшмоқчи эмас эди. Фақат бир иш қолди: судда сўзлайдиган нутқини тайёрлаш керак. Ҳеч ким гапини бўлолмаслиги учун, нутқни пухта ўйлаб, ёдлаб олиш керак. Александр Ильич судьялар Ипполит Мишкиннинг, Петр Алексеевнинг, Андрей Желябовнинг ва бошқа революционерларнинг гапиришига йўл қўймаганидан хабардор эди. Улар ҳам программ характердаги нутқлар сўзламоқчи бўлишган.

Соатлар мобайнида Александр Ильич камера бўйлаб қадамлаб, нутқини ўйлади. Унинг айтадиган гапи кўп эди! Бироқ, вақт жуда кам бўлади, албатта. Шунинг учун нутқи шундай бўлмоғи керакки, қисқа вақт ичида ҳамма гапни айта олсин. Баъзан ҳеч нарсани унутиб қўймагандай туюларди. Кейин бирдан миясида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетарди. Шунда Александр Ильич стол ёнига ўтирарди-да, бошини чангаллаб, ўзига-ўзи дерди: «Оғирроқ бўлиш керак». Мен чарчаганман, холос. Бир оз дам олиб олгандан кейин, ҳаммасини эслайман. «Ўтириш жонига тегса, ўрнидан туриб, нутқ ҳақидаги фикрлардан бир оз чалғиш учун, камерасини кўздан кечира бошларди. Уни иккинчи қаватга олиб чиқишаётганда бир фикр хаёлидан ўтганини эслади: «Агар камерада дераза бўлса, осмон кўришиб туради. Осмонга ҳам худди денгизга ўхшаб, қараган билан тўймайсан». Аммо деразада қўшалоқ темир ром орасида панжара бор эди, ташқаридан эса, деразанинг устига майда темир тўр қопланганди. У деразанинг ёнига келиб, унинг хира ойнали майда кўзларидан ҳеч нарсани кўролмади. Дераза шунақа баланд эдики, қўлни чўзса етмасди. Шунда у камеранинг ўртасига чекиниб, дераза ортида осмон эмас, аллақандай шuvoғи кўчган гишт деворни кўрди. Деразадан кўринадиган нарсанинг бор-йўғи шу эди.

Шабодасиз сокин ҳавода черков қўнғироқхонасидаги соатнинг занг ургани ва «Тангрим, подшони асра» гимнининг садолари эшитиларди. Ҳар куни соат ўн иккида Зотов бастионининг яқинида отиладиган замбарак гумбуридан камеранинг деворлари ларзага келарди. Замбарак гумбури унга Аня билан бирга қалъани кўргани келган кунларини эслатарди. Аня қайси камерада ўтирганикин? Нимани ўйлаётганикин? Кун ора янграйдиган замбарак гумбури унга нимани эслатаркин? Балки уни чиқариб юборишгандир?

Эшик ортидаги аллақандай ғайри одатий дупир-дупир Александр Ильичнинг ўйларини бўлиб юборди. Бу ерда эртаю-кеч ҳукм сурадиган ўлик сукунат ичида бу дупир-дупир шу қадар ғайри одатий эдики, Александр Ильич беихтиёр ўрнидан туриб, қулоқ сола бошлади. У эшикка яқинроқ бормоқчи ҳам бўлди. Шу чоқ тўсатдан эшик очилиб, камерага қалъа комендантлари билан бир гуруҳ ҳарбий ва ноҳарбий хо-

димлар кириб келди. Комендант Александр Ильичнинг исми-шарифини сўраб, деди:

— Суд раиси Петр Антонович Дейер сизга айбномани топширади.

Комендантнинг ёнида турган чол папкасидан қоғоз олиб, Александр Ильичга узатди.

— Мана, Ульянов, айбномани олинг.

Ҳамма камерадан чиқди, эшик ёпилди. Александр Ильич стол ёнига курси ўрнига кундуз кунлари тўшаги олиб қўйиладиган каравотга ўтириб, ҳужжатни синчиклаб ўқишга киришди. Уртоқларининг қамоққа олинишига нима сабаб бўлганини, тергов вақтида ким нима деганини тезроқ билишни истарди. Аммо полиция суиқасднинг изига қандай тушгани ҳақида айбномада фақат шундай дейилганди: «Невский проспектида олиб борилган кузатувлар оқибатида олти киши қўлга олинди».

У ҳаммадан ортиқ қўрққан воқеа рўй берибди — Канчер вильноликларнинг ҳаммасини айтиб қўйибди. Умуман, айбнома бошидан охиригача фақат Канчер, Горкун, Волоховларнинг кўрсатмалари асосига қурилган эди. Александр Ильич Шевиревга синалмаган одамларни группага қабул қилиб бўлмаслиги ҳақида гапирганини эслади. Лекин энди буни ўйлашдан нима фойда! Хато қилгандан кейин айбдорни топиш осон, лекин хатони тузатиш қийин.

Еттинчи боб

1

— Турилсин! Суд келяпти!

Залда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси—ўн-ўн беш юқори мартабали амалдорлар ва судланувчилар оёққа қалқди. Ёндаги эшик ланг очилди. Аввал суд раиси — сенатор Петр Антонович Дейер, унинг кетидан суд ҳайъатининг аъзолари — сенаторлар Лего, Бартенев, Янг, Окулов кириб келишди. Табақалар вакиллари: Тамбов губерна дворянларининг раҳнамоси Кондонди, Петербург уезд дворянларининг раҳнамоси Зейфарт, Москва шаҳар ҳокими Алексеев, Котель волость оқсоқоли Васильевлар эди. Ҳаммадан кейин оберпрокурор Неклюдов, оберпрокурор муовини Смирнов ва обер-секретарь Ходнев кирди.

Экспертиза столи ёнида генерал-майор Федоров жой олди. У суиқасдчилар устидан бўлган суд мажлисларининг деярли ҳаммасида эксперт сифатида иштирок этган эди. Шоша-пиша ҳимоячилар ўз жойларини эгаллашди. Уларнинг тушкун ва лоқайд қиёфаларига қараб, хизмат бурчларини шунчаки расмият юзасидан ўтагани келганларини билиб олиш қийин эмас.

Гувоҳларнинг рўйхатини текшириб кўргач, Дейер судланувчиларни ўрnidан туришга буюрди ва айбномани ўқий бошлади. У тутилиб-тутилиб, мингиллаган овозда ўқирди. Ҳамма судланувчилар айбнома билан танишиб чиқшиган эди. Шунинг учун ҳеч ким рансга қулоқ солмай, имкониятдан фойдаланиб, пичирлашиб гаплаша бошлади. Дейер кўзойнагининг устидан уларга ўқрайиб қараб қўйди.

— Бунақа ўқиши учун мен унга бир қўярдим,— деб шивирлади Генералов.— Ана, суд аъзолари ҳам зерикканларидан ёрилиб кетай дейишяпти...

— Ўзи ҳам роса топишибди-да: Дейер, Кондонди, Лего, Зейфарт, Янг, — деди истеҳзо билан Андрюшкин.

Айбнома бошдан-оёқ Канчер, Горкун ва Волоховларнинг кўрсатмалари асосида ёзилганди. Суд залида сотқинлар билан учрашганда ҳеч ким уларга қўл бермади. Ҳозир ўз кўрқоқлиги ва юраксизлигининг самарасига бўйсуниб, улар бошларини қўйи солганча, ўртоқларининг юзига тик қарашга ботинолмай туришарди. Новча, елкадор Горкун нечукдир шалоғи чиқиб қолгандай кўринарди: тўзиб кетган сочлари пешонасига тушиб турибди, ёқасининг тугмаси солинмаган, юзи йиғидан бужмайган. Канчер ҳам сувга тушган мушукдай шумшайиб турибди. Унинг чўзинчоқ юзи уятдан лов-лов ёнади. Ҳадеганда пешонасидаги терни артади.

— Анча меҳнат қилишибди, — деди баланд овозда Генералов, раис Канчер, Горкун ва Волоховлар терговда кўрсатган гапларнинг ҳаммасини ўқиб бўлганди.

«Терговда аниқланган ва бу ерда баён қилинган вазият асосида юқорида номлари зикр этилган шахслар қуйидагиларда айбланади:

1. Василий Осипанов, Похомий Андреюшкин, Василий Генералов, Михаил Канчер, Петр Горкун, Степан Волохов, Петр Шевирев, Александр Ульянов, Иосиф Лукашевич, Михаил Новорусский, Мария Ананьина, Раиса Шмидова, Бронислав Пильсудский ва Тит Пашковский ўзини «Халқ эрки» партиясининг суиқасдчилик фракцияси деб атовчи жинояткорона тўдага мансуб ҳолда ва унинг мақсадларига эришиш йўлида ҳаракат қилиб, давлатпаноҳ император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд қилишга ўзаро тил бириктиришган ҳамда шу ёвуз ниятни рўёбга чиқармоқ учун портлайдиган снарядлар тайёрлаганлар. Суиқасд иштирокчиларидан баъзи бирлари юқорида зикр этилган снарядлар билан қуролланиб, уларни император ҳазрати олийларининг экипажи тагига ташлаш ниятида бир неча марта Невский проспектига чиқишган. Аммо у ерда ўз ёвуз ниятларини амалга оширишга улгурмай, 1887 йил 1 март куни қўлга олинганлар.

2. Анна Сердюкова — суиқасд иштирокчиларидан бирдан давлатпаноҳ император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд тайёрланаётганини билиб ва бу тўғрида ҳукумат вакилларига аввалдан хабар бериш имкониятига эга бўла туриб, зиммасидаги бу мажбуриятни бажармаган...»

— Уф-ф... — деб хўрсинди Генералов. — Хўп жаназабон овози бор экан-да...

— Жаноб суд пристави! Судланувчиларни залдан олиб чиқинг! — деб буюрди Дейер айбномани ўқиб бўлиб, Дейер судланувчиларни битта-битта сўроқ қилмоқчи бўлди.

Дейер биринчи бўлиб Канчерни чақирди. Шериклари йўқлигини кўриб, Канчер бир оз дадилланди. У болаларникидай беғуноҳ, маъсум кўзларини мижжа қоқмай қоғозларни варақлаётган Дейерга тикди. Унинг хушомадгўйлик билан эгилиб туришида, юзидаги пушаймонлик ифодасида ҳаммани сотиб бўлса-да, ўз жонини сақлаб қолишга тайёрлиги сезилиб турарди. Генерал Федоров унга қараб, «Садқаи одам кет! Уят-е!» демоқчидай, кафти билан соқолини силаб, жаҳл билан йўталди.

— Канчер, сиз — деб қовоғини солиб қаҳр билан гап бошлади Дейер, — мавжуд ижтимоий тузумни ағдариб ташламоқни мақсад қилиб олган маҳфий жамиятга мансубликда ва шу мақсадга эришиш учун бошқа шахслар билан бирга давлатпаноҳ император ҳазрати олийларининг муборак ҳаётларига суиқасд қилишда айбланасиз. Шу масалада ўзингизни айбдор деб тан оласизми?

— Оламан, — деб жавоб берди Канчер титроқ товушда ва ёлбо-ришга тушди: — Аммо марҳамат қилиб, мен бу жамиятга қандай вазиятларда мутлақо тасодифий кириб қолганимни эшитсангиз...

— Бу вазиятлар ҳақида гапириб беришингиздан аввал, мен сизга

бир неча савол бермоқчиман,— деб тўхтатди Дейер,— отангиз амалдормиди?

— Ҳа.

— Демак, у давлат хизматида бўлган?

— Ҳа, почтмейстр эди... Оғир жиноятчиға айланиб қолганимнинг асосий сабабчиси деб,— раис саволларининг давомини кутмай бидирлай кетди Қанчер,— Шевиревни ҳисоблайман... Мени қандай жазо кутаётганини билиб турган ҳолда, ҳақиқатни айтишни муқаддас бурчим деб биламан.— Уни тўхтатиб қўйишларидан қўрққандек, Қанчер шоша-пиша Вильнога сафари ҳақида, Шевирев уни сигналчи бўлишга кўндиргани тўғрисида гапира бошлади.— Мен шўнақа аҳволга тушиб қолдимки, агар рози бўлмасам, деб давом этди у йиғламсираб,— мени жосус деб ҳисоблашлари мумкин эди. Студентлар дарҳол бундан хабар топишар эди. Ҳамма менга ёмон кўз билан қарай бошларди... Шуларни ўйлаб, эзилиб кетдим. Мен рад этдим-у, лекин узил-кесил эмас. Характерим бўш-да... Бундан ташқари, ишга жалб қилиниб, бўлган эдим... Хуллас, ўша куни, яъни 1-март куни Невскийга жўнадим. Менинг назаримда шу куни, давлатпаноҳ кўчага чиқадигандай кўринганди. Лекин мен белгиланган маршрутдан бормадим-да, Николай вокзалига йўл олдим. Кейин қайтиб келаётганимда, қўлга олиндим...

— Шундай қилиб, — уни тўхтатди Дейер,— Сиз Шевиревга жамият мақсадларига хайрихоҳ эмаслигингизни айтдингизми?

— Мен эътиқодларингизга тарафдор эмасман, дедим,— деб жавоб берди Қанчер тузоқни пайқамай.

— Қанақа эътиқодларни айтасиз? Улардан ҳали хабарингиз йўқ эди-ку?— деб суриштирди Дейер истеҳзо билан.

— Давлатпаноҳга қандай қилиб қўл кўтариб бўлади?— деб мингирлади Қанчер ошириб юборганини сезиб.

— Бироқ бу қуруқ факт холос. Тўғри, у Шевиревнинг эътиқодларига алоқадор,— деб саросимага тушиб қолган Қанчернинг таъзирини беришда давом этди Дейер.— Унинг эътиқодларини билмай туриб, қанақасига «уларга тарафдор эмасман» деб айтдингиз?

— У менга разведкачилик ролини таклиф қилганда, менда бир фикр туғилган бўлса керак. Мен уни маҳфий жамиятга ё бiron бир бошқа яширин ташкилотга мансуб деб ўйлаган бўлсам керак. Бунақа жамиятлар борлиги, албатта, ҳар бир рус кишисига маълум,— деб Қанчер тузоқдан қутилиб кетишга бесўнақай уринди.

— Агар сиз бу гапларнинг ҳаммасининг унинг таклифидан уқиб олган бўлсангиз,— деб давом этди Дейер маккорлик билан кўзларини қисиб,— нега уни бошқача одам деб ўйлаганингизни, сизнинг эътиқодларингизга тўғри келмайдиган нарсани таклиф қилаётганини унга айтдингиз?

— У шошиб турганди. Мени гапиргани қўймади...— деб эшитилар-эшитилмас мингирлади Қанчер узоқ сукутдан сўнг.— У менинг характеримни билиб, сотиб қўйишга майлим йўқлигини сезиб, мени мажбур қилди...

Бу сўроқдан кўриниб турибди: Шевирев Қанчерни суиқасдда иштирок этишга мутлақо мажбур қилмаган. Қанчер бу айбни унинг бўйнига юклар экан, ўзини қўрқитадиган, ночор қилган одам сифатида кўрсатмоқчи бўлган. Ҳақиқатда эса почтмейстернинг ўғлига халқ учун изтироб чекувчи қаҳрамон ролини ўйнаш хуш ёққан. Хавф узоқда бўлганида, шухратпарастлик қўрқувни енгиб турган. Аммо олдинда мрамор шоҳсупанинг ўрнида сиртмоқ кўришини биланоқ, у дарҳол ҳамма нарсани унутиб, фақат бир нарсанинг — нима қилиб бўлса ҳам ўз жонини сақлаб қолишининг пайига тушган. Энди эса жосуслик роли-

дан қўрқиш бир ёқда турсин, тўғридан-тўғри хоин бўлишдан ҳам чўчиётгани йўқ эди.

— Андреюшкин, қаерда тарбия кўргансиз?— деб сўради Дейер.

— Аввал Екатеринодарда гимназияда, уни тугатиб, етуклик аттестатини олганман. Кейин университетга кирганман.

— Отангиз ким?

— Мен қонунсиз туғилганман,— деб бўзариб жавоб берди Андреюшкин гўё бунга ўзи айбдордек.— Гимназиянинг тўртинчи синфига ўтгунимга қадар онамнинг қарамоғида бўлганман, кейин тирикчилигимни ўзим ўтказганман.

— Маблағни қаердан олгансиз?

— Гимназияда ҳам, бу ерда ҳам хусусий дарслар берардим.

— Давлатпаноҳга қарши суиқасд тайёрлаётган шахслар билан қандай танишгансиз?

— Мен сўроқда бу ерга революционер бўлиб келганимни айтган эдим. Ўз қарашларимга кўра мен «Халқ эрки» партиясига мойил эдим ва суиқасдга кўпроқ хайрихоҳ эдим...

— Осипанов! Сиз маҳфий жамиятга мансубликда айбланасиз. Шу масалада айбингизга иқрормисиз?

— Иқрорман,— деб қатъий жавоб берди Осипанов.— Яширин жамиятга иштирок этишимни бўйнимга оламан.

— Петербург университетидан анчадан бери ўқийсизми?

— Минг саккиз юз саксон олтинчи йилнинг кузидан бери.

— Қаердан келгансиз?

— Қозон университетидан.

— У ерда кўп ўқиганмисиз?

— Минг саккиз юз саксон биринчи йилнинг кузидан минг саккиз юз саксон олтинчи йилгача. Саккиз-тўққиз ой бўлганман.

— Сабаби?

— Студентлар йиғинида иштирок этганим учун университетдан ҳайдалган эдим. Кейин ўқишни давом эттиришимга ижозат беришди.

— Петербург университетига ўтганингизнинг сабаби нима?

— Бу ерга революцион мақсадда ўтганман.

— Отангиз ким?

— Ота-онам ўлиб кетган. Отам солдат эди...

— Қозон университетидан танишларингиздан ҳеч кимни бу ерда учратмадингизми?

— Мен Петербургдаги ҳаётим ҳақида кўрсатма бермасликни маъқул кўрардим.

— Унда суиқасдга иштирок этган вақтингизга ўтайлик. Қачондан бошлаб иштирок этгансиз?

— Бу тўғрида гапира олмайман...

— Шевирев! Сиз Харьковда яшаганмисиз?— деб сўради Дейер жаҳл билан кўзларини пирпиратиб.

— Ҳа. Мен Харьков гимназиясини тугатганман. Университетда тўрт йилдан бери ўқийман.

— Говорухин билан қандай танишгансиз?

— Мен уни курсдошим сифатида танийман.

— Унинг уйига бориб турармидингиз?

— Ҳа.

— У Шмидова билан бирга турармиди?

— Ҳа.

— Шмидовани биласизми?

— Биламан.

- Говорухиннинг уйида танишганмисизлар?
 — Йўқ. Мен Шмидова билан Харьковдаёқ таниш эдим.
 — Бу ерда Говорухиннинг хитобномалар олиб келгани тилга олинди.
 — Олиб келганди...
 — Уларни Говорухин босармиди?
 Шевирев индамайди.
 — Уларни кимдан олардинлар? Ульяновданми ё йўқми?
 Шевирев аввалгидай индамайди.
 — Жавоб беришни истамайсизми?
 — Ҳа.
 — Генералов!— сўроқни давом эттирди Дейер.— Ота-оналарингиз ким бўлади?
 — Отам казак, онам ҳам казак аёли.
 — Шевирев билан қандай танишгансиз!
 — У Ульяновникига тез-тез келиб турарди.
 — Демак, сиз аввал Ульянов билан таниш бўлгансиз. Шундайми?
 — Ҳа.
 — Давлатпаноҳ император аъзамларининг ҳаётига суиқасдда иштирок этишни сизга ким таклиф қилди?
 — Даставвал, биз жамиятимиз бошидан кечираётган оғир аҳвол ҳақида гаплашдик...
 — Бу тўғрида ким билан гаплашдинглар?
 — Ҳамма танишлар билан...
 — Уйингизда қанча динамит бор эди?
 — Ун беш қадоқча келиб қоларди.
 — Сиз уни Ульяновга жўнатганмисиз?
 — Менга ҳамма нарсани Андреюшкин олиб келиб, олиб кетарди.
 — Сиз ўзингиз снарядларга динамит жойлаганмисиз?
 — Йўқ.
 — Шмидова!— Дейер сўроқни давом эттирди.— Дояликни қаердан ўргангансиз?
 — Харьковда. Имтиҳонни Киев университетиде топширганман.
 — Сиз доимо бир ўзингиз турганмисиз?
 — Ҳа, ўзим.
 — Қандай мақсадда Петербургга келгансиз?
 — Надеждинск курсларида маълумот олиш учун...
 — Студент Говорухин билан бирга бир вақтда қайси уйда тургансиз?
 — Италиян кўчасида, ўн саккизинчи уйда.
 — Сиз алоҳида хонани ижарага олганмидингиз?
 — Ҳа.
 — Говорухин қўшни хонада турармиди?
 — Ҳа.
 — Хоналарнинг қурилиши қандай эди?
 — Менинг хонамга беканинг хонаси орқали кирилар эди.
 — Сиз Говорухин билан илгаридан танишмидингиз?
 — Ҳа. Мен у билан Хлебникованикида танишганман. Хлебникова — унинг қаллиғи эди.
 — Говорухинникига танишлари кўп келармиди?
 — Кўп деёлмайман. Лекин келиб туришарди.
 — Қимлар келарди?
 — Танишлари келганда, мен унинг хонасига кирмас эдим. Лекин бизнинг умумий танишларимиз ҳам бор эди. Ульянов ва ака-ука Хлебниковлар. Лекин улар жуда ҳам кам келишарди.
 — Ульянов-чи? Кўп келармиди?

— Кўп келарди.

— Сиз Ульянов билан Говорухин ўртасидаги гапларни эшитмаганмисиз?

— Йўқ. Ҳеч қачон!— деб қатъий жавоб берди Шмидова. Кейин бир оз сукут сақлаб, қўшиб қўйди:— Сирасини айтганда, табиий фанларнинг аҳамияти, адабиёт ҳақидаги гап-сўзларни эшитганман.

— Сизнинг ҳузурингизда социалистик характердаги гап-сўзлар бўлмаганмиди?— деб суриштиришдан тўхтамади Дейер.

— Йўқ.

Шмидовадан яна нимани сўрашни Дейер билмай қолганини кўриб, прокурор ёрдамга ошиқди.

— Андреюшкин Говорухинникига келиб турармиди?

— Жуда кам келарди. У малорус тилида яхши ўқиёлгани сабабли Шевченкони ўқиш учун уни мен чақириб турардим. Мен унинг ўқиганини эшитишни яхши кўрардим. Бизнинг бутун танишлигимиз шундан иборат.

— У сизнинг хонангизда ўқирмиди?

— Ҳа. Менинг хонамда.

— Говорухин ҳам кирармиди?

— Баъзан кирарди, шекилли.

— Улар таниш сифатида учрашиб туришармиди?

— Ҳа.

— У Говорухинникига кириб турардими?

— Билмадим.

— Говорухин билан Андреюшкин нималарни гаплашишарди?

— Мен ҳеч эшитмаганман.

— Ахир сизнинг хонангизда ўқишган экан-ку? — деб хуноб бўлади прокурор.

— Уқилган нарса ҳақида гаплашишган...

2

Стол ёнида тўхтаб Александр Ильич Дейернинг кўзига хотиржам тикилди. У Александр Ильичнинг тикилишига бардош беролмай, қоғозларни титкилай бошлади. Кейин ундан «айбингизга иқрормисиз» деб сўради.

Александр Ильич хотиржам жавоб берди:

— Ҳа, айбимга иқрорман.

Дейер бирор нарса сўраш ниятида қоғозлардан бош кўтарди, лекин ўзига тикилиб турган теран қўнғир кўзларни кўриб, улардаги мағрур хотиржамликни ва ўзининг ҳақлигига ишончни туйиб, кўзойнагини олиб артди ва ўзига маълум нарсаларни аниқлаб олмоқчидай сўради:

— Сиз Петербург университетиде ўқирмидингиз?

— Ҳа, ўқирдим.

— Тўртинчи курсдами?

— Ҳа.

— Шу қадар ёшлигингизга қарамай-а?

— Ҳа, мен тўртинчи курсда эдим,— деб «тўртинчи» сўзига алоҳида урғу билан жавоб берди Александр Ильич, Дейерга боягидек дадил тикилишда давом этиб.

— Демак, Петербургда тўрт йилдан бери турасиз?

— Ҳа.

— Хўш, ундай бўлса, шу тўрт йил давомида сиз муттасил ўзингиз шерик қидирдингизми ё биринчи йиллари ўқиш билан банд бўлдингизми?

— Мен бутун тўрт йил давомида,— деб кескин жавоб берди Александр Ильич бир оз сукутдан сўнг,— илм-фан билан машғул бўлдим. Ахир, университетга шу мақсадда келгандим...

— Нега Говорухин жўнаб кетди?

— Чунки ишга даҳлдор эди.

— Аммо сиз ҳам ишга даҳлдорсиз-ку? Лекин чет элга жўнаб кетганингиз йўқ?

— Бу унинг иши.

— Суиқасда иштирок этган сиз ва бошқа шахсларнинг бу ерда қолиб, унинг жўнаб кетишига қандай асос бор эди?

Александр Ильич хўмрайиб, ҳеч нарса жавоб бермади. Дейер давом этди:

— Унинг кетишига нега йўл қўйдингиз? Ахир, у сизнинг шеригингиз эди-ку! У сизни бу ерда қолдириб, ўзи қутилиб кетибди-да!

— У бизни қолдиргани йўқ,— деб жавоб берди Александр Ильич бефаросат одамга энг оддий ҳақиқатни тушунтираётгандай оҳангда.— Биз ўзимиз қолганмиз...

Суд аъзолари норозилик билан типирчилаб қолишди, Дейер эса қўнғироқчага қўлини узатди-ю, лекин қўли куйгандай, дарров тортиб олди. Александр Ильич сезилар-сезилмас жилмайди.

Александр Ильичнинг жавоблари ҳаққоний эди. У ёлғон гапиришни ёқтирмас ва истамас ҳам эди. Лекин Дейер уни илинтириш пайига тушиши билан, у жавоб беришдан бош тортарди. У ҳеч кимнинг номини айтиб, бировга орқа қилгани йўқ, ҳеч кимнинг панасига яширинмади ҳам.

— У ерга хитобномаларни ким келтирди? — деб суриштирди Дейер.

— Мен,— деб қисқа жавоб берди Александр Ильич.

— Гектографда уларни ким босди?

— Мен босганман.

— Сиздан бошқа ҳеч ким иштирок этгани йўқми?

— Бир шахс ёрдам берганди.

— Ким экан у?— тилёғламалик билан сўради Дейер.

Александр Ильич қора қошларини чимириб, бир дақиқа сукут сақлайди, бир нарсаларни эслагандай бўлади. Бутун зал жонини ҳовучлаб унинг жавобини кутади.

— Унинг номини айтишдан бош тортаман.

Ҳамма нарсдан таъсирланиб ўтирган волость оқсоқоли Егоров маъқулламай бошини чайқайди. Прокурор Неклюдов ҳам зарда билан нималарнидир ёзади.

Лукашевич билан Шевирев Говорухиннинг чет элга жўнаб кетганини билиб, кўп нарсаларни унга ағдаришди. Александр Ильич жуда осонлик билан шундай қилиш мумкин бўлган жойларда ҳам бу ёлғон йўлдан юрмади. Мана, Дейер ундан сўрайди:

— Сиз бунақа портловчи снарядларнинг намуналарини кўрганмидингиз? Уларни ясашни қаердан ўргангансиз?

— Менга бир шахс батафсил кўрсатма берган эди.

— Ким у? Говорухинми?— деб луқма ташлайди Дейер.

— Йўқ!— жавоб берди Александр Ильич.

Дейер, афтидан Ульяновни чалғитиш учун иккита арзимас савол беради-да, яна асосий мавзуга қайтади:

— Сизга кўрсатма берган шахс бундай снарядларни тайёрлашни бир жойда ўрганганми?

— Билмадим,— деб жавоб беради Александр Ильич ва бир оз индамай тургач, қўшимча қилади.— Лекин у одам, умуман химияни яхши билади.

Шундай қилиб суд раиси снарядларни Лукашевич тайёрлаганини билишга муваффақ бўлмади. «Мен бу одамни жўнатдим», «Менга бир одам кўрсатма берганди»,— дейди-ю, лекин «бир одам» кимлигини айтишдан Александр Ильич қатъий бош тортади.

Неклюдов ҳам уни чалғитиш учун унча-мунча саволлар бериб кўрди, лекин у ҳам ҳеч нш чиқара олмади. Александр Ильичнинг суд раиси ва прокурори билан олишувни, ўзининг фавқулодда матонати ва дадиллиги билан кишини лол қолдирарди. Унинг бу сифати ҳатто душманларини ҳам қойил қолдирганди. Полиция департаментининг директори Дурново ички ишлар министрига юборган маълумотномасида Ульянов «ўзининг одатдаги хотиржамлигини сақлаган ҳолда» кўрсатма берганини ёзади.

Шу Дурновонинг ўзи бошқа бир маълумотномасида ёзади: «Химоячига эга бўлмаган судланувчи Ульянов экспертга шундай масалаларни кўндаланг қилдики, улар Ульяновнинг химия соҳасидаги билими гоят чуқурлигидан далолат беради. Яна шуниси борки, Ульяновнинг қўйган масалаларнинг кўпчилиги у нитроглицерин тайёрлаганда Новорусский ва Ананьина «ҳидга» қараб, унинг ишига эътибор беришлари мумкин бўлмаганини исботлашга қаратилган эди. Эксперт нитроглицеринни тайёрлаганда шундай ҳид чиқадики, уни сезмаслик мумкин эмас. Ульянов эса, аксинча, у танлаган усул билан нитроглицеринни тайёрласа, деярли ҳид бўлмаслигига генерал Фёдоровни ишонтиришга ҳаракат қилди».

Дурново генерал Фёдоровнинг номус-ориға доғ тушмасин деб, эксперт билан Александр Ильич ўртасидаги олишувни унча аниқ баён қилган эмас.

Аслида, уларнинг ўртасида бундай гап бўлган:

— Сиз нитроглицеринни тайёрлашда нафасни бўғадиган ўткир ҳид чиқади дегансиз. Лекин бу гап ҳамма усулларга эмас, баъзи бир усулларгагина тааллуқли. Мен амал қилган усул билан тайёрланса, ҳеч қанақа ҳид бўлмайди.

— Ҳар қалай ҳид бўлади. Лекин шундай усул ҳам борки, — деб гапидан чекинди генерал, Александр Ильич нитроглицеринни тайёрлашнинг бир қанча формаларини санаб бергач, — уни қўлласа, ҳид бўлмаслиги мумкин...

Мағлубиятнинг олдини олиш учун гапга прокурор аралашди. У генералдан сўрайди:

— Судланувчи нитроглицеринни тайёрлаганда қайси усулни қўлаганини ҳозир аниқлаб бўлмайдимиз?

— Буни аниқлаб бўлмайди, — деб жавоб беради генерал бир оз сукутдан кейин.

Александр Ильич шундай қилиб мақсадига эришди: Ананьина билан Новорусский ҳидга қараб, унинг нитроглицерин тайёрлаётганини билишлари мумкин эмаслигини исбот қилди. У Перголово урядниги Белановнинг ёлғон гапирганини ҳам фош қилди. Беланов оҳранканинг кўрсатмаси билан судда «химия» сўзини тутила-тутила айтиб, гўё Ананьинанинг «унга ўқитувчи Ульянов ўғлимга химиядан дарс берапти» дегани ҳақида ёлғон гувоҳлик берди.

— Ананьина сизга «химия» билан «шуғулланыпти» демаганмикин? — деб сўради Александр Ильич урядникдан.

— Шуғулланыпти» деган бўлиши ҳам мумкин, — деб жавоб берди урядник, «химия билан шуғулланыпти» деган ибора билан «химиядан дарс берапти» деган ибора ўртасида нима фарқ борлигини тушунмай.

— Сиз «шуғулланыпти» деган сўз айтилганини қатъий тасдиқлайсизми? — деб суриштиришда давом этди Александр Ильич

— Буни аниқ айтолмайман,— деб иқрор бўлди саросимага тушиб қолган Беланов. Шу билан Ананьинага қўйилган айблардан яна бири бекор бўлди.

3

Биринчи март куни содир бўлган қамашларни Чеботарев эшитмаган эди. Иккинчига ўтар кечаси унинг уйида тинтув ўтказилди; лекин бу тинтув полицияга ҳеч нарса бермади. Уни қамамай, озодликда қолдиришгани учун Чеботарев тинтувга унча аҳамият бермади. Кейин тўсатдан Ульяновнинг қамалганини эшитди. Яна нима учун денг — подшога суиқасд тайёрлагани учун! Шундан кейин кун сари у ўзининг ҳам қамалишини кута бошлади, лекин уни лоқал чақириб, сўроқ ҳам қилишмади. Фақат апрелдагина ундан ҳеч қаёққа кетиб қолмаслиги ҳақида тилхат олишди. Сибирь сафарини кечиктиришга тўғри келди. Ниҳоят, уни прокурор чақириб, бир неча суратни кўрсатди. Буларнинг ичида қайси бири Александр Ильичникига бориб турганини ажратиб бериш керак эди. Прокурор у билан боадаб гаплашди, ортиқча ҳеч нарсани суриштирмади. Чеботаревни бу гал озодликда қолдиришди.

Энди, мана, суддан чақириқ қоғози келибди. Уни гувоҳ сифатида чақиришибди. Гувоҳлар хонаси гавжум эди. Бундагиларнинг кўпчилиги полиция жосуслари, фаррошлар, уй хўжайинлари эди. Миршаблардан бирининг кўксига олтин медаль ялтираб турибди. Фаррош Митюхин Чеботаревни кўриб, унга таъзим қилиб саломлашди-да, овози дўриллаб деди:

— Сизни ҳам чақиришибди-да...

— Кўриб турибсиз-ку!

— Ҳа,— деб бошини чайқади фаррош.— Шунақа ишлар...— Кейин зорланишга тушди.— Бир ойдан ошди менга тинчлик йўқ. Сезмаган-мисан деб сўкишгани-сўкишган. Қандай қилиб сезасан киши, ахир. Мана мисолга сизни олайлик... туппа-тузук одамсиз. Кузатса, кузатмаса ёмонлик қилмайсиз. Бир нарса бўлиб қолса... Ахир, ҳеч кимнинг пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку...

— Университет номзоди Чеботарев! Қасамга!

Суд залининг остонасидан ҳатлаб ўтиб, Чеботарев судланувчиларга қаради. Александр Ильич олдинги қатордаги скамейканинг чап томонида жингалак сочли бошини мағрур тутиб ўтирарди. Унинг ўтиришида зўракилик сезилмасди. У қора курсида эмас, аудиторияда ўтириб, диққат билан лекция тинглаётганга ўхшарди. Генералов энгашиб, қулоғига бир нима шивирлади, Александр Ильич унга жавобан билинар-билинемас бош ирғади. Шевирев безовта аланглаб, ўтирган жойида типирчилади.

Лукашевичнинг бўйи ҳам ҳамма маҳбусларникидан баланд эди. У елкаларини учириб янада букчайиб олди. Афтидан, бўйининг баландлиги билан ҳамманинг диққатини жалб қилавергани учун ўзини янада ноқулай ҳис қиларди. Бу билан у гўё группанинг марказига ўтиб қолаётгандай бўларди. Шмидова кўникилган ҳаракат билан турмак-ланган сочини тўғрилаб, алланечук сергакланди.

Қасам маросими вақтида Чеботарев яна судланувчиларга қаради ва Александр Ильичнинг нигоҳи билан тўқнашди. Афтидан, у ҳам боядан бери Чеботаревни кузатиб турганга ўхшайди. Унинг нигоҳида шу қадар ишонч ва далда бор эдики, Чеботарев анча енгил тортиди. Чеботаревнинг босиқ хотиржам овозини эшитиб, Александр Ильич унинг ўзини салобатли тута олишини пайқади ва «Балли! Бардам бўл!» демоқчидай, унга бош ирғади. Александр Ильичнинг шундай оғир шароитда ҳам, ўзини йўқотмай, бардам тутишига Чеботарев яна бир бор

қойил бўлди — у ўзини бардам тутишдан ташқари, яна бошқаларга ҳам далда бўляпти. Бунинг учун фавқулудда матонат керак!

Аллақандай қоғозларни варақлаб бўлиб, суд раиси Чеботаревга, судланувчиларга қаради, қўнғироқчани негадир ўзига яқинроқ суриб қўйди, сўнг бир маромдаги овоз билан саволлар бера бошлади. Унинг бетлари осилиб тушган чувак башарасидан эснаб юборишга тайёрлиги кўриниб турарди. У, ҳақиқатдан ҳам, зўрға эсноғини босиб, сўради:

— Ульянов билан бир уйда бирга яшаганингиз ҳақида сизга нима-лар маълум?

— Утган йилнинг кузида биз бирга туришга аҳд қилдик, чунки алоҳида квартирада яшаш бизга қулайроқ кўринди. Бунинг устига мен Ульяновни университетдаги машғулотларга жиддий муносабатда бўла оладиган одам, деб ҳисоблардим. Унинг таклифига рўзи бўлдим. Биз илгари ҳам таниш эдик, — деб илова қилди Чеботарев бир оз сукутдан сўнг, чунки Дейер кўзини пирпиратиб унга қараб турар ва яна нима деркин деб кутарди. — Октябрь ёки сентябрдан бирга тура бошладик, шекилли. Январнинг ярмигача бирга яшадик.

Давомли сукунат чўкди. Дейер хўмрайио олди — чунки у берган саволига жавоб ололмаган эди. Чеботарев қоғозлар устига энгашганда пайтини топиб, Александр Ильичга ялт этиб қараб олди. У «шундай давом этавер» дегандек қилиб, кўзини қисди. Тулкидай маккор Дейер ҳам дарҳол Ульяновга қаради, аммо Александр Ильичнинг юзидаги биронта мускул ҳам қилт этмади.

— Нима учун сиз бошқа уйга кўчиб ўтдингиз? — деб давом этди Дейер. Энди унинг овозида сал-пал сезиладиган ранжиш оҳанги бор эди.

— Чунки янги йил арафасида Шарқий Сибирга кетишим ҳақида хабар олдим...

— Сиз Ульяновнинг олдига келиб турадиган одамларни билармидингиз? — деб сўради Дейер қаҳр билан. Унинг овозида ҳатто таҳдид оҳанги ҳам бор эди.

— Шеви́рев ва Шми́дова билан шахсан танишман.

Яна давомли сукунат чўкди. Дейер йўталди, қаҳр билан хўмрайди, рўмолчаси билан кўзларини артди-да, босиб келаётган газабини зўрға босиб давом этди:

— Бошқа ҳеч кимни танймайсизми?

— Икки мартаба Лукашевични кўрганман.

Жавобларни бунақа сугуриб олиш натижасида Дейернинг сабр косаси тўлди. У қўнғироқчани олиб жаҳл билан столга урди-да, қичқирди:

— Осипановни-чи? Генералов, Андреюшкин, Канчерни-чи? Уларни танирмидингиз?

Генералов Осипанов билан мудом шивирлашиб ўтирарди. У афтидан Дейернинг хулқ-атворини шарҳляпти, шекилли, негаки, Осипанов ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб турибди. Ўзининг фамилиясини эшитиб, у Чеботаревга қаради, кейин нигоҳини Дейерга кўчирди, унга ўхшаб рўмолчаси билан кўзларини артди ва раисни мазах қилиб, кўзларини пирпирата бошлади. Дейер буни сезиб, қўнғироққа қўл чўзган эди, лекин танбеҳ бериш учун асос йўқлигини тушуниб, қўнғироқчани зарда билан шунақа суриб қўйдики, унинг столдан тушиб кетишига сал қолди. Чеботарев зўрға гапирди:

— Генераловни ҳам танийман.

— Шеви́рев Ульяновникига тез-тез бориб турармиди?

— Йўқ. Жуда кам борарди.

Дейернинг ичига ботиб кетган кўзлари ёшланар ва пирпирар; овози бўғиларди. У қичқирадиган бўлса, шу тарзда кулгили чинқира бошлардики, ҳатто суд аъзолари ҳам табассумларини яшириш учун

шоша-пиша рўмолчаларини олиб, бурунларини қоқа бошлардилар. Прокурор Неклюдов Дейерга ёрдамга ошиқди:

— Декабрда Ульяновичига одам кўп келганмиди?

— Уша ойда кўпроқ келганди.

— Сиз уникида Говорухинни учратганмидингиз?

— Мен уни аввалдан танирдим, бироқ кейинги вақтларда кўринмай қолганди.

— Генералов билан Лукашевични кўрганмидингиз?

Прокурор Дейер сўраган нарсаларни яна такрор сўрамоқчи эди. Раиснинг қўли беихтиёр қўнғироқчага кетиб қолди. У зарда билан прокурорга қаради.

— Лукашевични мен кузнинг бошида кўргандим. Генералов масаласига келсак, тайинли бир гап айтолмайман.

— Аниқроқ эслаёямайсизми?— деб ўжарлик билан давом этди прокурор.

Чеботарев ўйланиб қолди. Бир оз сукутдан кейин жавоб берди:

— Генералов келиб турарди, лекин жуда кам...

— Дастлабки тергов вақтида берилган кўрсатмаларингиз ростми?

— Ҳозир нима деган бўлсам, ўшанда ҳам шуни айтганман.

Прокурор билан суд раиси бу гувоҳдан яна нима гап олишни билмай қолдилар. Александр Ильич уларнинг дудмалланиб қолганидан фойдаланиб, ўрнидан турди-да, Чеботаревга савол беришга рухсат сўради. Дейер сергакланиб, қадини ростлади, ёрдам сўраб мурожаат қилаётгандай, суд аъзоларига қаради. Александр Ильич уни шу қадар хотиржам ва синчков қиёфа билан кузатиб турардики, у «йўқ» дейишнинг иложини қилолмади. Бу тилсиз олишувни беихтиёр гувоҳи бўлган Чеботаревнинг хаёлидан бир фикр ўтди: «Турмада ўтириб, таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетипти. Ҳатто овози ҳам янада салобатли бўлиб қолибди».

— Меникида Новорусский билан Ананьинани ҳеч кўрганмидингиз?— деб сўради Александр Ильич Чеботаревга ўгирилиб.

Чеботарев тушунди: Ульянов Новорусский билан Ананьинанинг беғувоҳлигини исбот қилмоқчи. У шоша-пиша жавоб берди:

— Ҳеч қачон кўрган эмасман!

— Новорусскийни кўрмаган бўлсангиз, нечук «ҳеч қачон Ульяновникида бўлмаган» деяпсиз?— деб сўради Неклюдов истеҳзоли табассум билан.— Қани у? Қаерда ўтирибди?

— Учинчи бўлиб ўтирибди.

— Уни қаердан биласиз?— зудлик билан сўради Неклюдов; у Чеботаревнинг ёлғон гапираётганини фош қилдим деб хурсанд эди.

— Уни менга гувоҳлар кўрсатишди.

— Қайси гувоҳ экан уни сизга кўрсатган?— таҳдид билан сўради Дейер зални кўздан кечириб.

— Пристав Сакс.

Чеботаревдан яна бирор гап олиш у ёқда турсин, у ўз кўрсатмалари билан ишни судланувчилар фойдасига буриб юбориши мумкинлигини тушуниб, Дейер унга жавоб берди...

Қораловчининг гувоҳлари — охранка жосуслари маҳалла назоратчилари, миращаблар, фаррошлар эди. Уларнинг ҳаммасига нима дейиш кераклигини аввалдан уқтириб қўйишганди, лекин бунинг фойдаси кам бўлди. Подшонинг бу содиқ малайлари шу даражада сурбетларча ёлғон гапиришардики, Ульянов, Андреюшкин ва бошқа судланувчилар ўз саволлари билан тез-тез уларнинг шармандасини чиқаришарди. Баъзи гувоҳлар эса тўғридан-тўғри саволларга жавоб беришдан бош тортардилар:

— Шмидова Ульяновникига келиб турармиди? — деб сўрайди прокурор Неклюдов фаррош Матюхиндан.

— Келиб турарди, — дейди у зўрға тилга кириб.

— Неча марта келган, тузукроқ эсланг-чи, — деб талаб қилади Неклюдов Матюхиннинг зўрға жавоб бераётганини кўриб. — Қим билан келарди?

Матюхин шапкасини эзгилайди, тайсалланади, кўзларини шипга қадайд ва оғир сўлиш олиб жавоб беради:

— Эслолмайман...

Прокурор энсаси қотиб, афтини бужмайтиради, нималарнидир тез-тез ёзади. Матюхин эса гуноҳкорона бошини эгиб, худди куракларининг ораси қичишаётгандек, елкаларини ҳаракатлантиради. Сўроқни энди Дейер давом эттиради. Қўнғироқча чалинади. Матюхин бошини кўтариб, суд раисига бақраяди. У қаҳр билан сўрайди:

— Ульяновникига яна ким келиб турарди?

— Буни билолмайман! — яна бошини чайқади Матюхин.

Квартиранинг хўжайини, саксон фуқароси Пауль-Гуго-Арно Флюгель «Ульяновникига ким келиб турарди» деган саволга сўзларни бузиб жавоб беради:

— Битта ёш қиз. Унинг танишга ўхшайди. Меники аниқ билмайди.

— Қайси у? Фамилияси нима? — деб ижикилайди Дейер.

— Меники билмайди...

— Сизнинг уйингизда турганида Ульянов нима билан шуғулланган?

— Меники билмайди, — такрорлайди у.

Жиндай саросимадан кейин прокурор Неклюдов савол берди:

— Ульяновнинг олдига қайси қиз келиб турганини аниқроқ айтишингизни сўрардим.

Пауль-Гуго-Арно судланувчилар ўтирган томонга юзланиб, ҳаммага назар ташлаб чиқади-да, дейди:

— Сердюкоф.

— Ҳа-ҳа-ҳа. — Бошини чангаллаб, бор овози билан хахолаб кулиб юборади Генералов. — Чолни кўриб, бувам деяпти-ку!

— Генералов! — қичқирди Дейер жон-жаҳди билан қўнғироқни силкитиб. — Сизни иккинчи марта огоҳлантираман! Агар яна бир марта шунақа қилиқ қилсангиз, сизни суд залидан чиқариб юборишни буюраман. Гувоҳ! Ульяновнинг бир неча кунга Парголовога кетгани сизга маълумми?

— Меники буни билмайди...

— Бу ерда ўтирган одамлардан қайси бири, — яна савол беради Неклюдов, — Ульяновникига бориб турарди?

— Эслаёлмайман. Ушанда мен уларни айн момент кўрдим.

— Андреюшкин деган фамилияни биласизми?

— Йўқ.

— Ульяновникига Сердюкова келганига қатъий аминмисиз?

— Буни қатъий айта олмайман.

Гувоҳлар ичда энг гапдони — Говорухин ва Шмидованинг бекаси чиқиб қолди. Бу аёл уйда ижара турганларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли шунақа тафсилотларни маълум қилдики, ҳатто Дейер уни бир неча марта гапдан тўхтатишга мажбур бўлди. Бу маҳмадона хотин Говорухин нималардир олиб келганини сезиб, уларни очиб кўрипти. Қараса, кислотали шишалар. Дарров фаррошга югурипти. У бетўхтов участкага хабар қилипти. Аммо маҳалла назоратчиси унга дебди: «Ижарачилар Прокофьевнага ижара ҳақини тўламаётгандир. Шунинг учун Прокофьевна улардан қутулмоқчи бўлаётгандир. Сен бўлсанг, дарров югуриб келибсан. Бор, йўқол. Вақт бўлса, кирарман». Бу ҳам

полиция ўз вазифасини нечоғлик ҳушёрлик билан бажарганини кўрсатувчи яна бир мисол. Маҳалла назоратчиси то вақт топиб киргунча, кислота ғойиб бўлган эди.

Новорусскийнинг фарроши Гурьянов полициянинг кўрсатмаси билан Ананьинани қамоққа олаётганда ўзига таҳдид қилганидан зорланди. Ғўё Ананьина: «Билиб қўй, бизни айтиб берсанг, сенга кўрсатиб қўямиз», деган эмиш. Аммо у Ульянов, Новорусский ва Ананьинанинг саволлари туғайли шу қадар чалкашиб кетдики, прокурор Неклюдов аҳволни тўғрилаш мақсадида унга ёрдамчи саволлар бера бошлади. Шунда ғалати гап-сўз бўлиб ўтди.

— Ананьина сизга нима учун таҳдид қилганини эсланг!— деди Неклюдов.

— Буни билолмайман,— деб саросима ичида жавоб берди Гурьянов.

— Эслашга уриниб кўринг,— деди Неклюдов янада юмшоқроқ оҳангда.

— Ҳеч нарсани билмайман.

— У сизга «нега бизнинг Парголоводаги адресимизни айтиб бердинг» демадими? — деб кўмаклашди прокурор.

— Йўқ, ҳеч нарса дегани йўқ,— деб ўзиникини маъқуллади Гурьянов.— Айтиб қўйма, деди холос.

— Демак, Ананьина ўзларини махфий бўлимга олиб кетишади деб ўйлаганда?— деб гапга аралашди Дейер гаши келганини зўр билан яшириб.— Ананьина балки сизнинг кўрсатмаларингиздан кўрққан-дир?

— Мен бунақа деб ўйлаганим йўқ. Мен полицияга тобе одамман... Нима бўлса, ҳаммасини айтиб туришим керак...

— Бўлган нарсанигина эмас, полиция талаб қилган нарсани ҳам айтасиз,— деб илова қилди Осипанов. Лекин Дейер ўзини эшитмаганликка солиб, сўроқни давом эттирди. Аммо бошқа гувоҳлар ҳам суд раисини унчалик хурсанд қилишмади...

4

Гувоҳларнинг сўроғи тамом бўлди. Суд раиси Дейер енгил нафас олиб, танаффус эълон қилди. Танаффусдан кейин обер-прокурор Неклюдовга сўз берилди.

— Жаноб сенаторлар! Жаноб жамоатчилик вакиллари!— деб гап бошлади Неклюдов зал батамом тинчигандан сўнг.— Шу кунлар мобайнида сиз билан биз судланувчилардан баъзи бирларининг кўзидаги ёши ва хижолатига гувоҳ бўлдик. Мен ўзимнинг қораловчи нутқим билан уларнинг ёнига яна нималарни қўшимча қилишим мумкин?— У индамай қолди. Сўнг залга мурожаат этиб, маънос оҳангда сўзлади:— Бутун Россиянинг кўзидаги ёш ва қалбидаги хижолатни айтсаммикин? Бу ёвузликнинг иккинчи марта содир бўлаётган бу биринчи мартнинг оғирлигини исбот қилиш,— деб давом этди у овозини кўтариб,— унинг даҳшатини камситиш бўларди, холос. Россиянинг юз миллион кишилик аҳолисининг онгидагина эмас, қалбида ҳам,— деб вайсарди прокурор ўзининг чечанлигига ўзи қойил бўлиб,— судланувчиларнинг қалбида бўлмаса ҳамки, ҳар қалай, онгида падаркушликдан оғирроқ кўринаётган ёвузлик, албатта, менинг қораловчи нутқимсиз ҳам ҳимоячиларнинг кўзида ҳам, сизларнинг,— у суд аъзоларининг томонига маънодор назар ташлади,— ҳукмингизда ҳам оғир, даҳшатли жиноят бўлиб қолаверади, чунки биз ҳаммамиз,— прокурорнинг овози авж пардаларга кўтарилди— энг кичиқдан тортиб энг каттамизгача бутун вужудимиз билан Россияга мансубмиз...

— Роса олиб қочяпти-ку!— деб бошини чайқади Генералов.— Куласанми, ўласанми? Ҳа-ҳа! Пахом, қара! Халқ вакилининг кўзидан, чиндан ҳам, ёш чиқиб кетди. Эҳ, жин урсин сени-ей...

«Халқ вакили» волость оқсоқоли Егор Васильев содиқ фуқаролигини намойиш этиб, каттакон кир рўмолига бурнини қоқди, муттасил ичкиликбозликдан қизариб кетган кўзларига ёш олди.

— Бу изоҳнинг мантиқи,— деб давом этди прокурор террорни танқид қилишга ўтар экан,— унчалик мураккаб эмас: ҳар бир одам ўз эътиқодларига, ўз идеалларига эга; у уларни тарғиб қилишигина эмас, рўёбга чиқариши ҳам мумкин. Агар унинг гапига қулоқ солишмаса ёхуд фаолиятига куч билан қаршилиқ кўрсатишса, у ҳам зўрлик қилишга ҳақли.

— Тўғри,— деб қичқирди Осипанов.

Дейер қўнгироғини жиринглатиб, прокурорга «давом этаверинг» деган маънода имо қилди.

— Бошқача қилиб айтганда, Петербургнинг Фин қўлтиғи бўйига қурилгани менга ёқмади, мен бу эътиқодимни бошқаларга айтаман, пойтахтни бошқа жойга кўчириш зарурлигини тарғиб қиламан, аммо менинг гапимга ҳеч ким қулоқ солмагани учун, динамитга мурожаат қилиб, пойтахтни вайронага айлантиришга менинг ҳақким бор. Сўнгра,— прокурор қўлини кўтариб, шиддат билан хитоб қилди:— пойтахтни ўша жойнинг ўзида қайтадан қуриш керакми ёхуд Россиянинг марказига кўчириш маъқулми деган масалада жамиятга эркин фикр изҳор қилишга имкон берилади...

— Мантиқ зўр!— деди киноя билан Александр Ильич.

— Бир таъзирини бер!— деб шивирлади Генералов Ульяновнинг қулоғига.— Шундай таъзирини берки, ўлгунча эсидан чиқмасин.

Шундан кейин прокурор қамаш вақтида Осипановнинг ёнидан «Халқ эрки» партияси ижроия комитетининг программаси топилганига, Ульянов эса «Халқ эрки» партияси террористик фракциясининг программасини боса бошлаганига асосланиб, бу суиқасдда икки революцион партиянинг кучлари бирлашиб кетгани тўғрисида хулоса чиқарди.

— Ҳар бир жамият,— деб прокурор программани ўзича баён қила бошлади,— социализм асосига қурилмоғи керак; ҳозирги даврдаги ижтимоий ҳаёт ва давлат тузуми бошқа асосларга қурилган; бинобарин, у бузиб ташлашиши, маҳв этилиши ва бошқатдан қурилмоғи даркор. Аммо сиёсий тўнтаришсиз уни бузиш ва маҳв этиш мумкин бўлмагани сабабли, олдин тўнтариш ўтказиш зарур. Бундай тўнтаришнинг воситаси тарғибот бўлмоғи керак, яъни аҳолининг турли табақалари ўртасида социал-демократик ғояларни тарқатиш лозим.

— Ҳақиқатан ҳам, бири тоғдан келса, иккинчиси боғдан келади деганлари шу бўлса керак,— деб кулиб юборди Генералов.— Бизга нима тўнкаётганини эшитдингми, Александр Ильич? Вой, философ-ей!..

— Мен, албатта, социализмни ҳам танқид қилмоқчи эмасман,— деб давом этди прокурор террористларнинг барча ҳаракатларини гапириб бериб бўлгач,— «Халқ эрки» партиясининг турли фракцияларига мансуб программаларини ҳам танқид қилмоқчи эмасман.

— Тўғри қиласан,— деб мақтаб қўйди уни Генералов.— Бетамиз гапинг камроқ бўлади...



Муроджон Мансуров



ҲИССА¹

У куйиб-пишиб, ёниб-тўлқинланиб тушунтираркан, юракда эзгу умид учқунларини уйғотаркан: «У ҳақ, ҳақ, ҳақ» дерди Отамурод ўзига ўзи.

Домла яна бирпас жим қолиб, тиззаларини силаб турди-да, кейин бошини кўтариб Ортиққа қарди.

— Шунақа гаплар, ука,— деди унга юмшоқлик билан.— Хафа бўлманг-у, сизга битта ёмон маслаҳатим, бунақа бетга чопар бўлманг. Ешсиз ҳали. Ўз иззатингизни билинг. Ўзингиз ўйланг, ахир, ҳозир қаттиқ-қуруқ гапнинг ўрними? Ҳамма нима ғамда-ю, сиз одамнинг бошида тегиримонтош юрғизмоқчи бўласиз. Яхшимас. Уят бўлади. Ҳали бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади, кўрмагандай бўлиб кетамиз. Ушанда юз-юзга тушганда уялмайдиган иш бўлиши керак. Майли, буёғига маҳкам бўлинг. Ҳозир меш билан компасни Отамуродга топширинг-да, ундан тошли рюкзакни олволинг.

— Биладан, шу керак сизларга!— Ортиқ кутилмаганда сапчиб туриб кетди, зарда билан мешнинг боғичини елкасидан чиқариб, ўзини шалақлатиб ерга ташлади.— Олинглар, ола қолинглар, зарил эмасман. Тошларингиз кимга керак бўлса кўтараверсин. Мен бу ерларда тош кўтариб юришнинг кафилини олган эмасман.

— Кўтармагани яхши! Худо хайрини берсин,— деди Отамурод шунга ялинасизларми, дегандай.

Кейин туриб ердан мешни кўтариб оларкан: «На яхши гапга кўнади, на ёмон гапга. Қанақа қайсар одам экан, нимага кажбахлик қилади-я, тавба», деб қўйди ичида. Бу вақт Ортиқ якка ўзи бир чеккага бориб, ҳаммага орқа ўгириб турар, кўпроқ аразлаган дўстдан аламзада душманга ўхшаб кетарди.

¹ Давоми. Боши журналнинг 4-сониди.

Саккизинчи боб

Пешиндан оғиб кетган, кун пешонадан уриб, кўзни кўтариб қарашга қўймайди. Улар энди ўзларини бир-бирларининг сояларига олиб, офтобдан хийла жон сақлаб, изма-из боришмоқда. Лекин қотмадан келган Отамуроднинг орқасига тушиб қолган Зулхумор ҳар қадамда кўзига қуёш тушиб, юра олмай қийналади. Домла буни сезиб қадамини тезлатди-да уни айланиб олдинга ўтиб олди. Зулхумор унинг тирсагидан ушлаб, миннатдорчилик билдирди:

— Раҳмат, домлажон.

Камолиддин ака бош силкиб, қайрилиб қараб қўйди:

— Оёқнинг таги қалай? Тузукми? Қийнамаяптими?

— Қаёқда. Ҳар босганда бирам зир-зир қиладики. Яна қавариб чиқдим дейман,— Зулхумор оёғи юмронқозиқ уясига ботиб, оғриқнинг зўридан лабларини тишлади.

— Бир оз сабр қиласиз, қизим, кўпи кетиб ози қолди. Ҳали тешиб, селгитиб олсак, эрталабгача яхши бўлиб кетади,— таскин берган бўлди домла.

— Ҳали сизники ҳам шундайми, қавара бошладимми? Ботинкангиз бутун шекилли. Қаеридан қум кира қолибди? — Зулхумор астойдил ачиниб бош чайқади.

— Бу чўлга оёқ кийими чидайдами! — Домла таг чарми кўчиб, жағи очила бошлаган ботинкасига кўз қирини ташлаб қўйди. Таги тушиб қолмасидан бирор нарса билан танғиб олсам бўларкан, дея кўнглидан ўтказди. Ҳали ким билади, чинккача яна қанча йўл бор. Улар бўлса ҳалитдан, уч кун ўтмасдан сафдан чиқай деб туришибди. Яширишнинг нима ҳожати бор. Олдинда йўл бошлаб бораётган Отамурод билан Ортиқдан бошқа ҳамманинг ҳам суроби тўғри бўлиб қолибди. Султоновни сал тетикроқ демаса, Зулхумор билан ўзи оёқларини зўрға кўтариб босишяпти. Ҳар қадамда қоқилиб-суқилиб, оёқлари қумга ботиб, чўккалаб ўтириб қолиб, мункиб, юз тубан йиқилай деб боришаётир. Ботинкалари кўчиб, шимлари йиртила бошлабди. Соқоллари ўсиб, ранглари синиқибди. Лаблари қуруқшаб, кўзлари ич-ичига тушиб кетибди.

Домланинг ўзи ҳар қадам қўйганда оёқлари бамисоли пружинадек букилиб-букилиб кетади. Тинимсиз қалтирайди. Тикка туришга мажол қолмабди. Ўзи бутун оғирлигини саксовул таёғига ташлаб чор-ночор олға интиларкан: «Энди бўлди! Етар! Бу жонимиз эртага ҳам керак-ку!» деб шарт четга чиқиб ўтириб олгиси, оёқларини ёзиб, бир роҳат қилгиси келади-ку... юзи чидамайди. Отамурод билган экан, йўлга чиқишга унамаганича боракан. Ўзларидан ўтди. Домла энди афсус қилади: ўзи ҳам ўшанда сал шошилди. Дарров овозга қўйиб юбориб чакки қилди. Маслаҳат маслаҳатдай бўлмади. Одамлар Отамуроднинг ниятини тушуниб-тушунмай Ортиққа ён босиб кетишди. Мана энди пушмон қилишгани билан фойдаси йўқ. Ҳали бу қийналишлар ҳам ҳолва бўлиб қолмаса кошки эди. Бу аҳволда узоққа бориша олармикан?! Худо кўрсатмасин-у, шу чўлда қолиб кетишадиган бўлсам, жуда ёмон бўлади... У чуқур тин олди. Кўнглига келган хунук хаёлларни ҳайдамоқчидек бош чайқаб қўйди. Уйламасликка тиришиб кўрди, хаёлини бошқа нарсаларга чалғитмоқчи бўлди. Лекин бари бир ўша совуқ хаёллар бошига ўралашиб келаверади. Ҳоли-жонига қўймай, кўз олдига гавдаланиб туриб олаверади.

Ўзи адашди. Бир қоқилди-ю, бирваракай қоқилди. Чўлда туғилган кунни нишонлашга бало бормиди! Энди нима деган одам бўлди! Эшитганлар нима дейди. Профессор туғилган кунларида кийик овига чиқишганакан дейдими. Ҳеч ким уни оқламайди. Ёмон қоқилди. Бир

Ўзи бўлса майли эди. Ачинмасди. Унинг орқасида мана булар ҳам борлиги, бекорга нобуд бўлиб кетаётгани алам қилади. Ҳаммасидан ҳам мана шунисига чидай олмайди. Ўзи-ку, ёшини яшаб, эришадиганига эришиб бўлди. Кўп нарсага улгурди. У очган конлар, ёзган монографиялар ҳали кўп иш беради. Ишини давом эттириб кетадиган шогирдлари ҳам оз эмас. Усиз илм тўхтаб қолмайди. Уйдан ҳам тинчиган. Қизларини чиқариб, ўғилларни уйлантириб оталик қарзидан қутулган. Худога шукур, ақлли-ҳушли, ўз йўлини топиб кетадиган болалар. Баъзиларнинг фарзандларига ўхшаб, унга кўз тикиб қолишган эмас. Бир орзуси шу Устюрт эди, унинг қанақа конлари борлигини, ўзини гуллатиб-яшнатиш мумкинми-мумкин эмаслигини аниқлаб бериш эди, афсуски, ҳамма орзуга ҳам етиб бўлмас экан. Шу армон бўлиб қолади шекилли энди...

Унинг кўзларида ёш ҳалқаланиб, ҳамма нарса чаплашиб кетди. Кўрмай бирор нарсага қоқилиб кетишдан чўчиб, енги билан пешонасидаги тер аралаш кўз ёшларини ҳам артди. Оғир хўрсиниқни зўрға ичига ютиб ўзига ўзи тасалли берди:

Уни-ку, бир эзгу иш йўлида қурбон бўлиб кетган деб эслашади. Жилла бўлмаса, Устюртга темир йўллар тушиб, сувлар топилиб, нефть, газ конлари очилиб, обод бўлиб кетганда, фалончи биринчи бўлиб шу хайрли ишга бош қўшган эди, деб қўйишади-ку. Номини изсиз йўқолмайди-ку. Унинг ишини кимлардир давом эттиради-ку!...

Лекин булар-чи? Бу ёшлар-чи? Улар ҳали нимага улгурибди? Ҳаётда нимани кўрибди? Анали шофер йигит — Отамуроднинг ўз дарди етмасиди? Уни суйганига етишолмай буёқларга бош олиб келган дейишади. Шундай ҳур замонда суйганига етишолмади, деган гапларга ишонинг келмайди. Лекин ишонмай иложинг қанча, тирик гувоҳини кўриб турганингда. Яхши кўрасанми, демабди қизига отаси. Йўқ, тенгимиз эмасакан, қизим, ниҳоятти оддий бир шофер экан, тагли-тугли бир оила бўлса бошқа гап эди, мен сенинг келажагингни ўйлайман, қизим, дебди. Каттагина лавозимли ота қизининг келажагини ўйлабди-ю, бахтини ўйламабди. Муҳаббатига зомин бўлаётганини хаёлига келтирмабди. Бечора Отамурод. Бу бахтсизлиги кам эканми! Ҳаётга келиб нима рўшнолик кўрди? Мени деб шу Султонов кетимда соядек эргашиб юрмаса, яхши кўринаман, деб кийик овига бошламаса, унинг бошида шу кўргилиқлар бормиди?!

Ҳаммадан ҳам Зулхуморга жабр бўлди. Унинг кўнглига қараб экспедицияга олмаганида ҳозир унга зомин бўлиб ўтирмасди. У ҳалитдан уриниб қолди. Бу кетишда узоққа боролмайди. Йўл азобига чидаёлмайди. Йигитлар кўтариб олиб чиқиб кетишмаса, ўз оёғи билан чиқиб кетолмайди. Пешонаси шўр бўлмаса уларга эргашадими?! Айни келин бўлиб, гул-гул очилиб юрадиган пайтида, фарзанд кўриб, орзу-ҳаваслари ушаладиган вақтда мана бунақа бўлиб турса... У ахир дунёга келиб нимани кўрибди, ҳаётнинг қандай лаззатини сура қолибди? Наҳот уни асраб қола олмасак?...

Домла чуқур тин олиб, оғир хўрсинди: агар улар бир нарса бўлиб кетишгудек бўлса, одамлар нима дейди? Тўрт бирдак эркак битта қизни асраб қололмабдими, профессор овга чиқмасалар нима қиларкан, демайдими? Ёши шунча жойга борганда шу маломат бор эканми-а?.. У бўғзига иссиқ бир нарса келиб, ютина олмай нафаси тикилди. Худо кўрсатмасин-у, уларга бир нарса бўлса газеталар биргина унинг тўғрисида катта-кичикми таъзия босишади. Бошқалар тўғрисида эса лем-ким дейилмайди. Билганларгина улар беш киши эди, дейишлари мумкин.

Бирон-бир журналист воқеанинг изига тушган тақдирда ҳам биринчи қадамиданоқ ҳафсаласи пир бўлиши тайин. Улар кийик овига

чиқиб адашиб кетишибди, деган бир оғиз гапнинг ўзи унга етарли бўлади. Қўлини ювиб, қўлтиғига уришга мажбур қилади. Адашгандан кейин улар ўзларини қандай тутишгани, ҳамма яшашни истаса-да, ҳар ким унга қандай интилиб-талпингани, ким саракка, ким пучакка ажраб чиққани, ким оғир дамда ҳам одамлигича қолгани-ю, ким саросимада ўзини йўқотгани — ҳамма-ҳаммаси бошқаларга сирлигича қолаверади. Ҳеч ким ҳеч нарсдан хабар топа олмайди. Наридан борса, улар беш киши эдилар, Устюрт сандигини очаман деб, саҳро билан тенгсиз олишувда мардона ҳалок бўлдилар, деб ёздилар. Ҳаммани бир ном билан — Устюртнинг мард заҳматкашлари деб атайдилар. Бу табаррук номга, бу олий мақтовга ҳамма бирдай лойиқ эмаслиги, нолайиқлар ҳам бўлгани ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Номардлар мардлар билан тенг қўйилади. Кўрқоқларнинг номи шон-шавкатга бурканади. Ёмонлар яхши саналади. Ичи қоралар билиб-билмай улуғланади. Мол-дунё деб юрганлар эзгу ният йўлида ҳалок бўлганлар билан бир сафга қўйилади. Ҳар нарсада ўзининг фойдасини кўзлаган, турланиб-товланувчи хамелеонлар оддий заҳматкашлар топган шон-шавкатга шерик бўлади. Ҳаммасидан мана шуниси унга алам қилади. Бошқалар ҳали ҳеч нарсани сезгани йўқ. Лекин домла қариллигига бориб аллақачон охири нима билан тугашини фаҳмлаб қолган, одамларни ҳам сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб қўйган. Ким нима билан нафас оляпти, нима ўй-хаёлда кетяпти, дилида нима бор — ҳаммаси энди унга ойнадагидек равшан. Шунинг билганидан бери хаёлига қачондир раҳматли катта бувисидан эшитган бир ҳикоят ўралашиб келади-ю, тинчлик бермайди. Дам олиб ётишганида бир-икки айтиб беришга оғиз жуфтлади-ю, яна айтолмади. Истиҳола қилди. Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит қабилидаги бу ҳикоят баъзиларга оғир ботиб кетишини ўйлаб, орқага ташлади. Мавриди келишини кутяпти энди.

Олдинда нимадир қарсиллаб синди-ю, домланинг хаёли учди. Бошини кўтариб, қўлидаги таёғи синиб кетиб, мункиб юз тубан йиқиляётган Султоновни кўрди. Отамурод ўгирилиб ушлаб қолишга ҳаракат қилди-ю, улгурмади. Ёнидан ўтиб, кўтариб олганида майин бархан қумда унинг чуқур изи қолган. Султонов қум кирган кўзларини очолмас, тишлари орасида қум фирчиллар, ўсиб кетган соқолига илашган қумлар дув тўкилар эди.

— Ёмон тушмадингизми, хўжайин? Қўзингизга ҳеч нарса қилмадимми? Балки бир оз дам оларсиз? — деб сўради Отамурод унинг кўнглига қараб.

Султонов қум туфлаб, бош чайқади. Қўлида қолган яримта саксовул таёғини чеккага улоқтирди-да, канистрли қопчиқни орқалаб, ўзи юриб кетди. Отамурод жойида тўхтаб турганича орқадагиларга разм солиб чиқди-да, ҳеч кимга қарамай:

— Бугунгиси етар. Пастга тушиб, анави юлғунзорга қўнамиз, — дея ўзи ўша ёққа қараб юрди. Ҳамма дамни эшитиб, бир енгил торгандай бўлди. Домла ҳам охириги кучини зир қақшаётган оёқларига тўплаб, Отамуродга эргашиди. Унинг товонлари бамисоли ёғоч бўлиб қолган, ҳеч нарсани сезмас эди.

Улар тўп-тўп ўсган юлғунзорга зўрга етиб бориб, ҳар ким ҳар қаерга, ўнг келган жойга тап-тап ташлаб чўзилиб қолишди. Ким бағрини бериб ер қучоқлаб ётибди, ким чалқанча тушиб оёқ-қўллари узатиб юборган-у, кўзларини юмиб олган. Фақат Зулхумор қиз болалигига бориб, бир чеккага чиқиб саксовулга суяниб ўтириб қолган. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб, чурқ этмайди. Тилла баркашдай ярқираб — ёниб ботиб бораётган қуёш чўлга жийда гулидек зархал нурини беомон сочади. Гоҳ-гоҳ оқшомги илиқ шабада тентираб ўтиб

қолади. Ҳарсиллашлар сусайиб, тик этган товуш ҳам аниқ эшитилади. Қаердадир ер остида, юмронқозиқ ниманидир кемиради, ора-чиранимадандир ҳадиксираб, бирпас тиниб қолади-ю, яна кемиришга тушади. Қаердандир синчалакдай бир қушча пайдо бўлиб, юлгун шохларида учиб қўна бошлайди. Юлгун орасидаги беланчак инда полопонлар сап-сарик оғизчаларини индан чиқариб, бир овоздан чирқиллай кетадилар. Она қушча ерда узала тушиб ётганлардан ҳадиксираб, шохдан-шоҳга учиб-қўниб чирқиллаб, ўз кўнглида болаларини огоҳлантиришга уринади. Лекин улар қани энди қулоқ солса...

Домлани хаёл олиб қочади: шў митти қушча шундай омонсиз саҳрода умид билан ин қуриб, бола очиб катта қилаётган экан, наҳот биз олий мавжудот — одам бўла туриб, таҳликага тушиб ўтирсак, ундан қотилиб чиқиб кетиш йўлини кўрмасак. Қўрққанга қўша кўринади, дераңларича борақан. Ўзимиз ҳам ваҳимага тушиб қолибмиз. Шу ваҳимадан қутулмасаканмиз, у биринчи галда бизни ҳалок этади. Бизни адоий тамом қилаётган ҳам шу ваҳима, наҳот шу чўлда беному нишон қолиб кетамиз, деган кўрқув. Уни даф этмас эканмиз — узоққа боролмаймиз. Бунинг учун нима қилсак экан?...

Айтмоқчи, машинадаги «Спидола»ни олганимиз нимаси-ю, бирор марта қўйиб эшитмаганимиз нимаси. Кечқурунлари музика тинглаб, Катта ер овозини эшитсак ҳам далда-ку. Рухимиз кўтарилиб, ҳеч бўлмаса ваҳималарни унутамиз-ку.

Шу пайт ён томонда қум сурилиб, кимдир ўрнидан туриб ўтирди. Домла кўз қирини ташлаб, кирза этиги қўнжидан латтага ўралган пичоғини олаётган Отамуродни кўрди. У чўзиқ бугдойранг юзини соқол қоплаб, офтобда ҳиндиларга ўхшаб қорайиб кетибди. Ўзи хийла тетик кўринади, кўзлари бошқаларникига ўхшаб, ич-ичига тушиб кетмаган, ҳаракатларидан унча чарчаганга ҳам ўхшамайди. Сал йўл уринтирган демаса, бир тўйиб ухлаб гурса, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетадиган. Ишқилиб, шу йигит омон бўлсин, унга кўз тегмасин. Ҳамма умид шундан. У бир иложини топмаса, бошқадан умид йўқ.

Отамурод ўрнидан туриб, ёшроқ юлгун ёнига бориб, унинг майда новдаларини териб қирқа бошлади. Нима қиларкан? Домла ўйлаб, ақли етмади.

Одамлар ғимирсиб қолишди. Зулхумор чуқур тин олиб, қаддини ростлади-да, таги кетган ботинкасини еча бошлади. **Ортиқ** ҳам туриб ўтирди. Ўзича ишга киришиб кетган Отамуродга қараб қўйиб, тиззасига қўлларини тираб ўрнидан дик этиб туриб кетди. Бирпас чаккасини қашлаб турди-да, кейин:

— Шу ерда тунайдиган бўлдикми, Отамурод? Гулханнинг ҳаракатини қилаверайми?— деди гўё ўрталарида ҳеч гап ўтмагандек. Отамурод ундан бундай одамгарчиликни кутмаган экан, ҳайратланиб ўгирилиб қаради. Ҳеч бир кек сақламай гапираётганини кўриб, юзи ёришди.

— Бўлмаса-чи! Ҳозир мен сихларни қотириб ташлайман-да, кейин бир кабохўрлик қиламиз. Гўштнинг ҳам нақ ёғлиқ жойи қолган. Ўзининг сели билан жуда боп бўлади-да. Кабоб билан сал кучга кириб олмасак. Нима дедингиз, домла?— У очилиб, атай хушчақчақлик билан сўради.— Гулхан кабобга тобингиз қалай?

Домла ётган ерида жавоб қайтаришни ўзига эп кўрмай, кўтарила бошлади. Беллари зир-зир қақшаб, шунча билинтирмайман деса ҳам бўлмай, зўрға туриб ўтирди. Оғриқларни ичига ютиб, самимий жавоб қайтаришга уринди.

— Жуда сийлаб юборасиз-ку. Мабодо туғилган кунингиз эмасми?— ҳазиллашди у. Домла шундай деди-ю, тилни тишлаб қолди. Бейхтиёр ўринсиз ҳазил қилганини сизди. Султоновга тегиб кетиши-

ни ўйламаганидан хижолатга тушиб қаради. Лекин Султонов ўзини эшитмаганга солиб ётар, фақат юмиқ бўлса-да, пирпираб турган киприклари у гапга қулоқ солиб ётганидан дарак бериб турарди. Домла унинг хижолатга тушмаганидан ҳайрон қолди. Юлғун новдаларининг учини текислаб, сихга ўхшатаётган Отамурод бундан беҳабар:

— Омон-эсон чинкка чиқиб олган кунимиз — туғилган кунимизда, домлажон! — деди. Шундай деди-ю, бирдан Зулхуморга кўзи тушиб, у ҳам ўзининг гапидан ўзи мулзам тортиб қолди.

Қиз бечора хўрлиги босиб келиб ўзини туголмай, юзини четга ўгириб олган, елкалари учиб-қўниб турарди. Камолиддин ака шу яқин кунларда унинг туғилган куни эканини эслаб, ғалати бўлиб кетди.

Роса уч кун олдин унинг туғилган кунда яйраб-яшнаб:

— Вой, уни қаранг, бир ҳафтадан кейин менинг туғилган куним экан. Афсуски, унда Тошкентда бўламиз. Домла, сиз қандай бахтли одамсиз! — деган эди. Энди ўша гаплари эсига тушиб кетди шекилли...

Камолиддин ака бир кўнгли унга таскин бермоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Бунақа пайтда таскин баттар хўрлигини келтиришини эслаб, индамай қўя қолди. Сизмаганга олиб, гапни чалғитди. Узини мажбурлаб ўрнидан тураркан:

— Кабоб бўлса озгина чой ҳам қўямиз-да, а, Отамурод? Декчада қайнатаверамизми? — деди.

Отамурод ҳам уни тушуниб:

— Сал ёғнинг таъми келиб қолса ҳам майлими, а? — дея ҳазиллашди. Домла ҳам атай бўш келмади:

— У-ку, майли. Шу кабобга озгина зира бўлгандами!

Боятдан бери чалпак бўлиб чалқанча ётган Султонов бошини кўтариб ҳорғин кулиб қўйди:

— Арча ўтиннинг оловида пиширилганида борми шу кабоб...

Ҳамма шарақлаб кулиб юборди. Ҳатто Зулхумор ҳам ўзини туголмади. Саксовулзордан ўтин териб юрган Ортиқ эса ўзидан ҳадиксираб, олазарак бўлиб уларга қараб қўйди. Гап нимадалигини англаганидан кейингина кўнгли жойига тушди.

Камолиддин ака Ортиқ томонга имо қилиб Отамуроддан сўради:

— Нечук, худо ярлақаб, инсофга кириб қолибди?

Отамурод елка учирди:

— Танасига ўйлаб кўргандирда.

Бу вақт Султонов ёнбошига ағдарилиб, ботиб кетай-ботиб кетай деяётган қип-қизил чўгдек қуёшга хомуш тикилиб ётар, ҳалиги митти қушча эса шом олдидан безовталаниб тинимсиз чирқиллар эди. Шохдан шохга учиб-қўниб, инига яқинлашиб келарди-ю, яна қочарди. Гулхан ёқишга тарадудланаётган домла унга кўзи тушиб, ўтин-чўларини қўлига олиб, ўрнидан турди:



— Жониворни безовта қилиб қўйибмиз-ку. Сал нарироққа қўнсақ бўларкан-а... Она-да, полопонларидан кўнгли бўлмапти.

Домла билан Отамурод йиғиштириниб, нарироққа кўча бошлади-лар. Султонов ҳам қопчигини кўтариб, орқасига қарай-қарай уларга эргашаркан, қушчадан кўз уза олмас эди. Ниҳоят, қушча қувнаб шохдан-шоҳга ўтиб, муштдек беланчак инига яқин келди-да, хотир-жам тортиб, кириб кетди. Султонов бош чайқаб ўзича кулиб қўйди:

— Шу чимчилоқдай митти қушча дўзах бир ерни ватан қилгани-га ҳайрон қоласан. Яна ин қуриб бола очибди. Уларни-ку, бир амал-лаб боқар, лекин сувни нима қиларкан-а?

Отамурод ҳам кулди:

— Сувни ҳам бир амаллар.

Унинг ҳазилини Зулхумор тўғрилиқча тушунди:

— Нима, Оролга бориб ичиб, келади, дейсизми? Йўғ-е...

— Балки бориб ҳам келар,— деди домла гулханга гугурт чақиб.

Отамурод қопчиқдан бир бўлак кийик гўштини олиб, тўғрашга тутинаркан, сал уринган гўшт ҳиди димоққа урилди. Султонов гўштга ўзича назар ташлаб қўйиб:

— Неча юз чақирим жойга-я. Шу қушча-я?..— деди ишонмай.

Ҳамма гап айланиб-айланиб сувга келиб тақалаётганини сезиб, Камолиддин ака гапни қисқа қилмоқчи бўлди:

— Ким билсин...

— Мен бир гапни эшитгандим,— дея жонланиб ўгирилиб қаради Зулхумор кўтилмаганда. У тўғноғичи билан оёғининг остидаги мар-жон-маржон оқиш қавариқларни тешиб, сувини чиқариб, шамолда селгитиб ўтирар, жароҳатлари ҳар шамол текканда туз сепгандай ачи-шиб, оғриқнинг зўридан лабларини қимтиб олар, юзлари буришиб ке-тар эди. У энди оғриқни ҳам унутиб гапга аралашди.— Шу Орол бўйи-да мешкопли қуш бўлармиш. Ўрта асрнинг йўқолиб кетган бесўна-қай мавжудотларига ўхшаб, ҳайвон бўлиб ҳайвон эмас, парранда бў-либ парранда эмасмиш. Тарновдек тумшуғи тагида каттакон тери хал-таси — мешкопи бўлармиш. Шу қуш жазирама саратон кунларида ўша халтасида кўлдан бир қозон сув олиб келиб, чўлдаги ҳар турли қуш-ларни сувсизликдан асрармиш. Мешкопдаги сувни тарнов тумшуғидан оқизиб турса, ҳалигидек майда қушлар уни ўраб олиб чанқоғини қон-дириб олишармиш. Шу ростмикан, а?

Домла қизнинг соддалигидан мийиғида кулиб қўйди. Шатир-шутур ёниб авж олиб кетган гулхандан кўзини олмай:

— Сиз пуштибирқозонни айтаяпсиз. У майда қушларга Оролдан сув ташиб беришини билмайман-ку, лекин тумшуғи тарновдек бўлиб, тагида мешкопи борлиги рост. Айтишларича, ўша мешкопида кўлдан тутган балиқларини болаларига таширкан. Майда-чуйда балиқларни тарнов тумшуғидан сув билан оқизиб қайтариб чиқарса, ҳали учирма бўлмаган полопонлари уларни талашиб-тортишиб тутишаркан.

— Унда ҳалигидай митти қушлар шолининг орқасидан курмак сув ичганидай, фойдаланиб қолишса керак-да,— кулди Отамурод гўшт-ни сикларкан.

Бу орада Ортиқ бир қучоқ-саксовул кўтариб келиб, гулхан ёнига ташлади-да, ўзи уларнинг ёнига чўкди. Яна ерга чўзила тушиб ётиб олган Султонов эса бўлаётган гапларга қизиқсиниб ёнбошлаб олди:

— Домла, бўлмаса, туянинг қорнида алоҳида сув меши борлиги ҳам тўғри экан-да,— деди у ҳовлиқиб.— Бўлмаса туя жонивор бир ой сувсизликка қандай чидайд?

— Рост, шунақа гапни мен ҳам эшитганман. Илгарилари карвон манзилга ета олмай суви тугаб қолса, бир туянинг баҳридан кечишар-

канда, уни сўйиб, ўша мешини ажратиб олишаркан. Мешда ҳамиша тоза сув бўлармиш,— кечадан бери одамларга қовушолмай келаётган Ортиқ гапга қўшилиб, Султоновни астойдил қувватлади. Отамурод мийғида кулиб қўйди. Домла ҳам уларнинг соддалигидан кулгиси қистади. Лекин хижолат қилгиси келмай, ётиги билан тушунтирмоқчи эди, Отамурод гапни ҳазилга буриб юборди:

— Қани энди ҳозир битта туямиз бўлганида, а? Ишимиз юришиб қоларкан-а?.. Бир меш сув ҳазилми?!

Зулхумор ўзини тута олмай кулиб юборди:

— Бечора туя. Сўйиб нима қиласизлар? Ўзига айтсаларингиз балки миндириб бу саҳрои кабирдан олиб чиқиб кетар... тирик қолиши эвазига.

— Ким нима гамда-ю, сизларга кулги бўлса,— Султонов хафа бўлиб, ўрнидан туриб ўтириб олди. Ортиқ эса жаҳлини ичига ютиб қўя қолди.

Домла баҳсга нуқта қўйиши кераклигини сезиб:

— Туянинг ҳечқанақа меш-пеш бўлмайди,— деди ётиги билан.— Лекин ўркачида қора кунга асраб қўядиган ёғи борлиги рост. Шу ёғи сув билан овқат ўрнига ўтаверади. Бошқа ҳайвонлар шўр сувни оғзига олмаса туя ичаверади. Чўлда нима кўп, катта-кичик шўр кўллар кўп. Туя чўл ҳайвони эканлиги шундан.

Отамурод сихга торган гўштини саксовул чўғи тафтига қўйиб айлантираркан, оғиз сувини қочириб ҳаммаёқни кабоб ҳиди тутиб кетди. Зулхумор дастурхон ёзиш зарурлигини эслаб, ўрнидан турди-да, оёғининг тагини қумга босолмай, ҳакачоқлаб оловга яқин келди. Домла унга ёрдамлаша туриб, яна тушунтирди.

— Аммо-лекин, қадимда сафарга чиққанлар алоҳида мешга туя сутини йиғиб боришаркан. Ичимлик сув тугаб қолди дегунча ўша туя сутига шўр сувларни аралаштириб ичаверишаркан, туя сутининг айрони чанқоқни қондириб, одамни тўқ тутаркан. Мана бунга ишонсангиз бўлади,— деди у Ортиққа.

Ортиқ оловга бир бўлак ўтин ташлаб, қўл силтади:

— Бир гап-да, сўядиган туямиз бормидики...

Бу орада уфқлар ўсма тортиб, бирпасда кеч туша бошлади. Осмонда яккам-дуккам юлдуз милтираб, кўз очгунча бўлмай чўлни қоронғилик пардаси ўраб олиб, барханлар қора чий духоба рангга кирди. Гулхан тобора чўлнинг қора ўтовига ўралиб борар эди.

Улар энди гулхан агрофига йиғилиб, ҳар ким ўзича ўрнашиб ўтирар, Отамурод пешма-пеш пишган қўлбола кабобни киши бошига бир сихдан улашиб чиқар:

— Қани, сизлар олаверинглар, бизники ҳам ҳозир тайёр бўлади,— деб Ортиқ билан ўзининг сихини чўққа тутиб айлантирар, ҳаммаёқни кабоб ҳиди тутиб кетган эди.

— Жуда зўр бўпти-да. Қани энди шунга озгина сирка билан пиёз бўлса, эҳ, унинг савобига нима етсин эди!— дея домла ҳаммани кулдирди.

— Бир бурдадан нон бўлганда-чи!— Зулхумор унга шўхчан назар ташлади.

— Ҳамма нарса нондан ўтаверсин. Ноннинг ўрнини ҳеч нарса босмайди. Лекин кабоб ҳам бу дунёнинг таоми бўлмабди. Таъми бир умрга оғизда қоладиган бўлибди. Нима дедингиз, домла?— Султонов кабобнинг мақтовини келтирди.

— Бу ҳам санъат: ҳар кимнинг қўлидан келсин-чи! Отамуродни дуо қилиб, паққос тушираверасиз. Яна сўрамасангиз бўлгани,— домла иштаҳа билан кабоб еятуриб, ҳазил-да, дегандай Отамуродга гулхан оша кўз қисиб қўйди.

— Қўшимчасига қарздормиз. Чинкка чиққанда эсга соласизлар,— Отамурод беҳазил дегандай қаради.

— Худо хоҳласа эсга солганимиз бўлсин,— деди Ортиқ, гўё ўзи оллодан шуни ўтиниб сўраётгандек.

Зулхумор декчада қайнаган озгина сувни кружкага солиб, бир чимдим қуруқ чой ташлади.

— Олинглар, кўп ўрнида кўрасизлар,— деди у домлага узатиб. Домла бир хўплаб, унинг ўзига қайтарди.

— Ичинг, бу кабоб ҳали кўп чанқатади.

Ҳаммалари кружкани ўртада айлантириб чой ича бошладилар. Отамурод мешни чеккага суриб қўятуриб, ўзича:

— Яна бир ичишлик сувимиз қолибди,— деб қўйди. Кутилмаган бу гапдан Ортиқ сапчиб тушди. Кўзлари шокоса бўлиб кетди. Лекин шу заҳоти ўзини босиб:

— Қанистрдаги сув-чи?.. Ҳали ваҳимага ўрин йўқ-ку,— деди.

— Тўғри, мен тоза сувимизни айтаяпман,— деди Отамурод, бамайлихотир.

— Шундай дегин-да!— деди Ортиқ зарда билан.

Ҳамма жим қолди. Ўртага ноқулай сукут чўкди. Бундан хижолатга тушган Отамурод «Спидола»ни олиб келиб, унинг тўлқинларини титқилаб, яхшироқ бир кўйми, қўшиқми излашга тушди. Рақсга чорловчи грузин сурнайи, қуръон оятларини эсга солувчи араб диктори овози, қувноқ ҳинд куйи янграб ўтди. Тожик ҳофизининг тоғлар аксадосидек жарангдор овози вужуд-вужудни титратиб юборди. У ҳам тиниб, «Изларман» радифли, болаликдан қон-қонга сингиб кетган, ҳар гал эшитганда юракларни жунбушга келтирувчи «Тошкент ироғи»нинг таниш оҳанглари таралди. Ҳофиз бу юрак қони билан битилган муҳаббатномани наинки ёниб, балки куйиб, эшилиб айтар, хаёлни узоқ-узоқларга олиб қочиб, муҳаббатга ошна этар, юракларга умид уруғини сочиб, ҳаётга ишонч уйғотар, гулхан атрофида ўтирганларнинг барчасини ўз учқур қанотларига олиб, туғишганлари, ёр-биродарлари ҳузурига етаклар, учраштирар, чақчақлаштирар, орзулари ушалишига тилакдош бўлиб, руҳини шундай енгиллаштирар эдики... улар кимсасиз, сувсиз, нажотсиз чўлда адашганликларини тамоман унутган эдилар.

Домла гулханда қип-қизил чўғга айланиб ёнаётган саксовул шохларига тикилиб, тиззаларини қучоқлаб ўтираркан, яна хаёлига ўша раҳматли бувисидан аллақачонлардир эшитган ўша ҳикоя ўралашиб келар, уни эсдан чиқаролмас, афтидан, ҳамроҳларига айтиб бермагунча қутулмайдигандек эди. Кўнгли ҳам шуни истаб турар, шуни айтиб қўйиш худди ўзига қарз ҳам, фарздек, ҳаловатини йўқотган, гапни нимадан бошлашни билмас эди.

Шу маҳал ҳофиз овози сусайиб бориб, кейин худди узоқлашиб кетгандек тиниб қолди.

— Эссиз, жуда яхши концерт бераётган экан-ку, «Спидола»мизнинг қуввати тугабди-да,— деди Отамурод ачиниб, кейин домлани гапга тутди.— Хўп ёзиб қўйганда-а, домла. Хаёлни шундай олиб қочадики...

Домла тиззаларини сал тушириб, қаддини кўтарди.

— Нимасини айтасиз. Мана, ҳозир у бир ҳикоятни эсимга тушириб юборди,— деди сирли оҳангда.

— Эштайлик? — деди ёнбошлаб ўтирган Отамурод қизиқсиниб. Зулхумор ҳамон «Тошкент ироғи» таассуротида гулҳанга кўз тикиб чуқур ўйга толиб ўтирарди. Султонов билан Ортиқ бир-бирларига орқа ўгириб ёнбошлашиб олишган, иккиси ҳам қоронғи кеча қаърига тикилиб, оғир сукунатга кетган эди.

— Ақл билан мағзини чақиб тинглаган одамга бу жуда ибратли ҳикоят,— Қамолиддин ака яна тиззаларини қучоқлаб олиб, бир бошдан бошлади.— Тоғдаги кичик бир дарада бўрсиқ билан тулки хийла дориламон яшар эқанлар. Еганлари олдиларида, емаганлари орқаларида экан, биров бурунларидан ортиқ гапира олмас, дарадаги жамики жонивор уларнинг хизматида экан. Бўрсиқ тулкининг айёрлигини эйтиборга олиб, ўзига бош маслаҳатчи қилиб олган экан. Қунлардан бирида бўрсиқ ўз қобиғига сиғмай, тулкига нолибди. Дара унга торлик қилаётганини, қўшни даралардаги жониворлар ҳам унга бўйсуниларини, у ерларда ҳам бемалол ов қилиш хоҳиши борлигини айтиб, бунга қандай эришсам экан, деб маслаҳат солибди.

Тулки ўз навбатида бу осонликча битмаслигини, бирдан-бир тўғри йўл катта хўжайин — Айиқполвоннинг кўнглини топиш, унга яқин бўлиш лозимлигини уқтирибди. Бўрсиқ ҳафтафатроқ экан. «Бунинг учун нима қилишим керак? Уни қандай қўлга оламан?»,— дебди. «Наҳот шунга ақлинг етмаса, ахир, Айиқполвоннинг энг суйган нарсаси нима?» — деб сўрабди тулки. «Асал»,— дебди бўрсиқ, «Ҳа, балли. Уни дарага асалхўрликка таклиф этасан. Бир марта тоғ асали билан меҳмон қилсанг, қарабсанки, унинг ишонган одамисан-да. Кейин истаган дарангда айшингни суриб юраверасан. Айиқполвоннинг яқини, деб ҳеч ким сенга ортиқча гапиришга журъат этолмайди. Муддаонг шумиди?» — дебди тулки.

Кейин Айиқполвонни асалхўрликка кўндиришибди. Бутун дарага унинг келиши хабар қилиниб, катта тайёргарлик бошлаб юборилибди. Бу ишга ҳамма сафарбар этилибди. Зарғалдоқ жарчи бўлибди. Олмаҳон чопар этиб тайинланибди. Қизилиштон асалари уяларига қорувулчиликка қўйилибди. Зағизғон югурдакликни олибди. Тулки Айиқполвон билан бўрсиқнинг олдига тушиб, ҳар хил ҳангомаларни айтиб кулдириб, кайфларини чоғлаб борибди. Булбуллар йўл-йўлакай чах-чахлаб сайраб туришибди. Маймунлар эса дарахдан-дарахга сакраб, қизиқчиликни ўрнига қўйишибди. Қапалаклару ниначилар минг хил либосда уларнинг олдига тушиб, рақсга тушиб боришибди.

Айиқполвон асалари инининг ўзидан тўйиб-тўйиб, боши айлангунча асал ебди. Кейин хурсандчиликдан ўзи ҳам лапанглаб ўйинга тушиб, ҳаммани кулдирибди.

Меҳмондорчилик айни авжига минганида табиатнинг қаҳри келибди-ю, бирдан тоғ-тош гўмбирлаб, ер у ёқдан-бу ёққа бориб келибди, дарахлар ерга эгилгудек чайқалиб, қарс-қурс синиб тушибди. Қушлар ҳар томонга отилибди. Маймунларнинг ўтакаси ёрилиб, чинқириб, тўнкалар орқасига яшириниб олишибди. Зилзила гулдураги тугар-тугамас, тепа тоғдан шаршара овози кучайиб кела бошлабди. Зағизғон ваҳима солиб учиб ўтибди. «Ойнақўл» тошди, қирғоғи ўпирилиб, дарага сув кетди. Эс-ҳушинг борида қоч, тошқин келяпти!» — деб жар солибди.

Меҳмонни қутқариш йўлини билмай, мезбонлар гангиб қолишибди. Шу орада ҳаммаёқни сув босиб, улар зўрға тошқин ағдарган баҳайбат ёнғоқ устига чиқиб жон сақлаб қолишибди. Бир вақт қарашса, сув ўртасида шўппайиб ўзлари қолишибди.

Шунда ўтакаси чиқиб кетган тулки бир ўзи қутилиб чиқиб кетишга кўзи етмай бўрсиқни чеккага тортиб, аврашга тушибди. «Айиқполвондан умидингни уз, ҳозир чўкиб кетмасимиздан бирга қочиб қолайлик»,— дея уни шерик қилиб олиб, секин бир чеккадан сувга тушиб, Айиқполвоннинг кўзини шамғалат қилиб сузиб кетишибди. Бўрсиқ пўкроқ экан, ярим йўлга бормаи ҳолдан тоя бошлабди. Тулкига: «Орқага қайтайлик»,— дебди. Тулки эса устомонлик қилиб: «Озгина қол-

ганида-я, ҳаракат қил, етиб оламиз»,— деб ишонтирибди. Лекин ҳеч қанча ўтмай бўрсиқнинг оёқлари тортишиб, акашак бўлиб қола бошлабди. Шунда у қўрқиб кетиб, тулкига ялиниб-ёлборибди. Ёрданингни аяма деб ўтинибди. Аммо тулки унга ёрдам қўлини чўзиб, ўзи ҳам фарқ бўлиб кетишдан қўрқиб, орқасига ҳам қарамай сузиб кетибди. Бўрсиқ чўкиб кетатуриб, алам-армон билан: «хоин, сенга эргашмасам шу қаро кун йўқ эди», дея олибди. Лекин буни қарангки, ҳеч қанча ўтмай, сув пастдаги бошқа дарага уриб кетиб, пасая бошлабди. Ниҳоят, сув бутунлай пастга тортиб кетиб, ағдарилган ёнғоқ устида қолган Айиқполвон билан бошқа ҳайвонлар омон-эсон ерга тушиб, ўз уйларига равона бўлишибди...

— Зўр! «Калила ва Димна»дагидек аъло! — деб юборди Зулхумор азбаройи таъсирланиб.

— Ғоят ҳикматли ҳикоят эканми?— деди Отамурод ҳам.

Ортиқ бўлса кутилмаганда:

— Айтмоқчи, тулкига нима бўлди, қутулиб кетдими?— деб сўраб қолди.

Домла сўна бошлаган гулханга ўтин ташлаб туриб, унга синовчан қараб қўйди-ю, атай айтмади, елка учириб:

— Бари бир эмасми?! Қутулса ҳам, қутулмаса ҳам хоинлигича қоладику,— деб қўяқолди.

Ортиқ бунақа жавобни кутмаган экан, ғалати бўлиб кетди. Султонов бўлса, ғик этмай бош эгиб ўтирар эди.

Домла ўрнидан туриб, юлдуз тўла осмонга қаради-ю, камдан-кам бўладиган бир ҳодисага кўзи тушиб, ҳайрон қолди. Тепада кетмакет икки юлдуз учиб бориб, кўз очиб-юмгунча бўлмай сўнди. Худди шу баробар майин шабада ўйноқлаб ўтиб, руҳини шундай энгил қилиб кетдики, домла ҳузур қилиб, кўкракларини тўлдириб нафас олди. Бу чўлнинг оқшомги илк соф ҳавоси эди.

Тўққизинчи боб

Қум, қум, қум... Бир-бирига мингашиб кетган, ўша-ўша, оч жи-гарранг чий духоба мисол барханлар. Чеки ҳам, чегараси ҳам йўқ. Чиқишда оёқ тагидаги қум шувиллаб сурилиб, ўзи билан пастга тортиб кетгудек бўлиб бир қийнайди. Бутун гавдани олдинга ташлаб, таёққа таяниб, эмаклагудек бўлиб, ёнламасига юриб, минг азоб билан бархан устига чиқадилар. Кейин яна ёнламасига юриб, қум суриб кетишидан жон ҳовучлаб, бутун гавдани орқага ташлаб, ўтириб қолгудек бўлиб пастликка тушадилар.

Яна оёқ, юрак, бутун вужуд зириллаб, боягидек бархан ошиш азоби бошланади. Ортиқ ҳамма-ҳаммасига, йўл азобига ҳам, очликка ҳам чидаши мумкин. Ҳатто уйқудан кечиб йўл юришга ҳам рози. Фақат бу худо қаргаган чўлдан омон-эсон чиқиб кетса бас. Лекин ҳаммаси ҳам бир бўляпти, саҳронинг дўзах иссиғи ҳам бир бўляпти. У мана шунисига дош беролмаяпти. Кун чиқишидан куйдириб чиқади. Пешинга бориб эса, олов пуркашга тушади. Бошдан офтоб ўтиб, мия лақиллайди. Ҳаво қизиб кетиб, нафас олиб бўлмайди. Томоқлар қақраб, туфук қуриydi. Лаблари қуруқшаб, чанқоқ азоби одамни шундай ўртайдики...

У қаёққа қараса, кўзи тиниб, сув кўринади. Жазирама живир-живири ҳам, барханларнинг қотиб қолган тўлқинлардай йўл-йўл чоклари ҳам жимирлаб, сув бўлиб кўринади. Кўзи олдидан, хаёлидан сув кетмайди. Ҳатто баъзан ёнгинасида сув шалдираб оқаётгандек туюлиб кетади. Қандайдир номсиз, нотаниш бир ҳофиз бўлса, нақ миясига

ўтириб олиб, тинмай Маҳтумқулидан ҳониш қилади: чўлда қолмай, сувнинг қадрин на билсин... сувнинг қадрин на билсин, на билсин...

Бу овоз миясини кемириб, асабини қўзғайди. Жони ҳалқумига келиб:

— Сув! Сув берасанми, йўқми?! Қачонгача чидаш мумкин, ахир! — деб бақирмоқчи бўлади-ю, яна зўрга ўзини тияди. Ҳали-ҳозиргина оғиз ҳўллашганини, олдинда ундан баттар аҳволдагилар ҳам чидаб бораётганини эслаб, ўзини босишга мажбур бўлади.

Ҳар ҳолда унга осон, у орқада юриш баҳонасида ҳаммадан кейинда, тайёр издан кетяпти. Отамуродга ўхшаб, қум кечиб, йўл очиб бораётгани йўқ. «Жони метин экан, ҳалигача чурқ этмай кетяпти, — ўйлайди Ортиқ унга ҳасад билан кўз қирини ташлаб қўйиб. — Шу бадбахт бўлмаганида сувнинг хўжайини ўзим эдим. Ҳозиргидек унга муте бўлиб ўтирмасдим. Узимдан ўтди, ўзим нўноқман. Бўлмаса уларнинг кўзини шамғалат қилиб, бир-икки литр сувни қумга яширмайманми, кейин ҳаю-ҳайт деб ажраб, отни қамчиламайманми! Сув бўлса бу қум, бу чўл нима бўпти! Қандай тоғ-у-тошларни ошиб ўтган одам бу чўлдан чиқиб кетолмасмидим. Эссиз, шундай имкониятни бой бериб ўтирибман. Ландовур эканман. Бориб турган калтабин эканман».

Улар бархандан қиялаб тушиб боришаркан, Ортиқ ҳаёл билан бўлиб издан чиқиб кетдими, оёғи сурилиб, ўзи йиқилиб ўтириб қолди. Олдинда ўзи зўрга атак-чечак қилиб, ҳассасига таяниб тушиб бораётган Қамолдидин ака унга ёрдам бераман деб оёғи тагидаги қум кўчиб, юзтубан йиқилди. Ортиқнинг аччиғи чиқди. Ўтирган жойида ичида тўнғиллади. «Ўзини эпласа-чи! Ёрдам бермасалар кимнинг кўнгли қолувди!» У қўлларини ерга тираб, ёрдамнингга муҳтожмасман, дегандай депсиниб туриб кетди. Домла эса ўзини эплай олмас, қумга тирмашиб, туришга интилгани сари тагидаги юмшоқ қум кўчиб, сурилиб, яна боягидек чўзилиб қолар эди.

Оёғини ерга босолмай қолган Зулхуморнинг қўлтиғига кириб суяб бораётган Отамурод уни қўйиб, юқорига талпинди. Тиззалари эгилиб-букилиб, чопиб тепага чиқиб кела бошлади. Зулхумор эса ҳоли келмай ерга ўтириб олди. Фақат Султонов ҳансираганича, унинг ёрдамсиз ҳам тургазиб қўйишларига кўзи етиб, жойида тек турарди. Отамурод домланинг қўлтиғига кириб пастга йўл бошларкан:

— Озгина сабр қиласиз, домла. Пастга тушиб олайлик. Бирорта юлғуннинг соясида тўхтамасак... Майлими? — дея ҳансираганича тинчлантиришга уринди. — Кейин томоқларни ҳам ҳўллаб, росмана дам оламыз.

Домла узлуксиз ҳансираб, нафаси томоғига тиқилиб, бош чайқади.

— Ҳечқиси йўқ. Ҳали чидайман. Сувни тежанг, керак бўлади.

Ортиқ ич-ичидан гижинди: «Ўзларини оёқдан олиб, суроблари гўғри бўлиб қопти-ку, яна «тежанглар»миш. Ўзлари бўлганлари бўлган, бошқаларнинг ризқини қирққанлари нимаси?»

Ниҳоят, улар пастликдаги якка юлғун тагига зўр-базўр етиб бориб, таппа-таппа ўзларини ерга ташладилар. Юзларини офтобдан яшириб, чалпак бўлиб ётиб қолдилар. Юрак қинидан чиқиб кетгудек потирлайди. Гурс-гурс уради. Нафас бўғзига тиқилиб келади. Тинимсиз ҳарсиллашади.

Ортиқ сувсизлик юрак бағрини ўртаб, иссиққа чидамай, юлғун тагига сурилади, бошини сояга олиб, қўлларини қумга тиқиб салқин излайди. Боши ҳамон иссиқдан лақ-лақ қилади. Иложи бўлса-ю, ҳозир муздек қумга бошини суқиб ётса. Мешдаги сувни бошга қўйиб ётишларни ҳам худо кўп кўрди. Мана ҳозир иш берган бўларди. Бировдан сўраб-нетиб ўтирмай мешни очарди-да, томоқ ҳўллаган киши бўлиб, чанқоғини қондириб-қондириб оларди. Ихтиёр ўзида эди.

Ҳеч ким ҳеч нарса дея олмасди. Энди бўлса, қаёқдаги ҳали ўзини эп-лаб уйлана олмаган бир саҳройи шоферга муте бўлиб ўтирибди. Тошкентдай жойда у билан бир пиёлада ўйлашиб чой ичарди. Бу ерда ёт деса ётади, тур деса туради. Шунга мажбур. Сув унда бўлмасин, ким унинг гапига кираркан? Ким уни бир тийинга оларкин?!

У армон билан бош чайқаб қўйди: шундай қудратли нарсани қўлдан чиқариб ўтирибди! Энди мана бу жони бўшлар билан қаёққа-ча ҳам бора оларди! Уларнинг ел тушган оёғига қараб, ташлаб кета олмай, орқасида судралиб, бир қултум сувга хор-зор бўлиб, шу барханлар орасида қолиб кетмаса кошки эди. Олим бўлса унга нима?! Олим экан деб бошқалар ҳам унинг кетида ўлиб кетиши керакми?! Қиз бола бўлса нима бўпти?! Орқасидан ой кўрибдимики, унга ачи-ниши керак?! Қани энди бир-икки литргина сув бўлса! Ўзи биларди нима қилишини...

Шу топ ёнида кимдир ёнбошига ағдарилиб, ўрнидан туриб ўтирди. Нафаси қисиб, ҳарсиллаб нимагадир урина бошлади. Ортиқ унинг пишиллаб ҳарсиллашидан таниди: «Жаҳаннам илмининг худолари-ку! Уларни ер юзида нима безовта этибди!» деб ўйлади. Домла нима билан машғуллигини тасаввур этмоқчи бўлиб, қулоқ солди. У оёғини уқалаётганга ўхшарди.

Лекин Ортиқ бошини ўгириб, бутунлай бошқа нарсани кўрди. Домла оёғини ечиб ташлаб, тагини игна билан титкилаб ўтирарди. Кўриб, ваҳми келиб кетди. Домланинг оёғи маржон-маржон қава-риб кетган, у бўлса эринмай битталаб тешиб, сувини оқизиб, шамол-да қотирар, ҳар гал ачишганидан юзлари буришиб-буришиб кетарди.

Ҳа-а, гап буёқда экан-ку, оёғини босолмай қолганича бор экан-ку! Худо кўрсатмасин бу азобни. Ортиқ ўйлаб, этлари жимирлаб кет-ди. Беихтиёр оёғининг бармоқларини қимирлатиб кўрди. Оғриқ сез-май, ўзича хурсанд бўлиб қўйди. Бу оёқлар пишиб кетган, қанча йўл бўлса кўрдим демайди. Фақат сув бўлса бўлгани. Чанқоқ азобидан қу-тулса бўлгани...

У қўлларини қумга тиқиб, бошини юлгун панасига олиб, сал ором топгандай бўлди. Бошининг лўқиллаши, қулоқларининг шанғиллаши камайиб, энди сал одамга ўхшаб, ақлини жойига қўйиб, фикр юрита бошлади.

«Ҳозир шарт ўрнимдан турсам-у оғайнилар, бир маслаҳат чи-қиб қолди, десам-чи? Отамурод, сен ҳақсан. Мен бекор йўлга бош-лаган эканман. Бекор сенга қарши чиққан эканман. Кечир мени. Энди билдим. Лекин кўзим кеч очилди. Шундай бўлишини билсам, мана буларнинг шундай аҳволга тушиб, қийин кунга қолишларини билсам, шу йўлга бошлармидим. Мен яхши умидда, қутулиб кетармиз деган умидда шу йўлга бошлай қолган эдим. Мени кечиринглар. Кечиринглар-да, рухсат беринглар, ўз ай-бимни ўзим ювай. Рухсат берсаларингиз, мен йўлга отланай. Сизлар бир ерга қўниб мени кутинглар. Мен чидайман. Чинкка етиб чиқиш-га, етиб чиқиб, одамларга хабар қилишга ҳаракат қиламан. Фақат йўлга етарли сув берсанглар бўлгани, десам-чи?...

Унга ишонилармикан? Кўзларидан ниятини сезиб қолишмасми-кан? Сездирмаган тақдирда ҳам якка ўзи бу балои азим чўлдан чиқиб кета олармикан?..

У чўчиди. Ниятини сезиб қолишларидан эмас, якка ўзи таваккал қилишдан чўчиди. Бу гоя ўзини қанчалик ром этмасин, юраги дов бермади. Жони ширинлик қилди.

Яна кимдир чуқур уф тортиб, бетоқатлик билан ўрнидан туриб ўтирди:

— Бай-бай-бай. Саҳройи кабирнинг ўзи-я. Ёндираман дейди-я,— У Отамурод экан, шапкасини олиб, зўр бериб елпинишга тушди. — Шундай кенг жойда қилт этган шабада ўтмаса-я...

— Демақ, чинкка ҳали анча бор экан. Эсингиздами, Кугисемда жардан қандай ғир-ғир салқин шабада эсиб турарди?— деди домла оёғининг тагини авайлаб силаркан.

— Қаердан биласиз, балки ҳозир мана бу барханлар тўсиб тургандир,— эътироз билдирди Султонов ётган жойида.

Домла унинг раъйини қайтаргиси келмади шекилли, елка учуриб кўяқолди:

— Балким.

— Шошманглар,— илтимос қилди Зулхумор,— нима тинимсиз гувиллаяпти? Сизларга ҳам билиняптими?

Ҳамма жимиб қулоқ солди. Ортиқ нафас ютиб қанча уринмасин, ҳеч нарса эшитолмади.

— Сизга шундай туюлгандир,— деди Отамурод ҳам.

— Шошманг... Мен эшитяпман. Узоқдан машина келаётганга ўхшайди,— дея ҳовлиқди Султонов бошини кўтариб.

Ортиқнинг юраги орзиқиб ҳаприқиб кетди: «Наҳотки!»— дея сапчиб ўрнидан туриб олди. Атрофга аланглаб, яна нафас ютмай қулоқ солиб кўрди.

Қамолиддин ака ўтирган ерида беҳафсалалик билан қўл силтади:

— Қанақасига машина бўлсин! Бу азбаройи чарчаганники. Қулоғингиз шанғиллаётгандир. Тузукроқ қулоқ солинг.

Зулхумор жим қолиб, кейин бош силкиди:

— Рост,— деди секин руҳи тушиб.

Ортиқ ҳафсаласи пир бўлиб, қайтиб ўтирди. Отамурод бўлса улар билан иши бўлмаётган бир бўлак пишган гўштни кесиб, икки парракдан ажратар эди. Ортиқ унинг ишига қараб туриб, ҳайрон қолди. Бир бўлак гўшт ўн парракка бўлинди. Отамурод нима учундир дастлабки тўрт парракни жонлироқ-жонлироқ қилиб кесди-да, иккига бўлиб қўйди. Қолганини текис учга бўлди.

Ортиқ унинг нега шундай қилганига тушунолмади. Қани, жонлироғини кимга бераркан, деб киши билмас кузата бошлади.

Отамурод қопчиқдай ёғоч қошиқни олиб ўртага қўйгач, мешни ёнига суриб, унинг оғзини очмоқчи бўлди-ю, яна очмади. Кафтани кафтига ишқаб:

— Қани, биродарлар, тушликка марҳамат,— деди-да, хижолат аралаш қўшиб қўйди.— Бир ҳўпламдан бўлса ҳам чой қайнатсам яхши бўларди-ю, аммо сувимиз чатоқ, мешда бир кружка чиқиб-чиқмай диган сув қолибди.

Домла оёғининг қавариқларидан қутулиб, игнани ёқасининг орқасига қадаркан, унга қарамай тасдиқлади:

— Нимасини айтасиз, кўрпага қараб оёқ узатаверган маъқул. Бизнинг райимизга қарасангиз сув етказиб бўладими. Ўзингиз биллиб расамадини қилаверинг.

Бу гап Ортиққа жуда таъсир қилди: мунча унга ишонмаса! Шунчалик тўғри, шунчалик ҳалол эканми? Бўлмаган гап! Минг тўғриси ҳам бунақа вақтда ўзини ўйлайди. Бу ҳам фарашта эмас! Унинг ҳам яшагиси келади. Четдан сездирмаса ҳам ичидан пишган. Зимдан ишини битириб юрган бўлса-чи. У ҳам анойимас. Ҳали мешдаги сув тугаб, канистрдаги занглаган сувга гал келсин, кўрамиз, Ваҳимага тушиб қолмасмиканлар!

Улар қоидага биноан дастурхон атрофига йиғилиб, ким тиз чўкиб, ким чордона қуриб ўтирди. Фақат Зулхуморгина оёқларини букиб, омонатгина жойлашди.

Ортиқ ҳамон Отамуродни зимдан кузатарди. Ниҳоят, у жонлироқ кесилган гўшт бўлаклари қолиб бундайроқларини олиб, узата бошлади.

— Мана, хўжайин, марҳамат, ош бўлсин... Мана бу, Ортиқ ака, сизга. Буниси — каминага. Қани, домла, Зулхумор, ҳа олаверинглар. Дастурхонга қаранглар.

Ортиқ унинг хийласини энди сезди: жони қаттиқларга мундайроқ экан-у, уларга жонлироқ эканми? Нима, уларнинг ўқи ўзганми? Биз ҳам уларнинг кунига тушишимиз керакми?! Фалсафандан ўргилдим сени. Кремага тушганнинг жони биттами — бир хил бўлиш керак! Уларни асраймиз, деб биз тегишимиздан воз кечишимиз керак эмиш. Қизиқ гап-ку!

Камолитдин ака унинг кўнглидан ўтаётган гапларни сезиб тургандай, гўё шунга ишонч ҳосил қилмоқчидай унга қараб қўйиб, Отамуродга бош чайқади:

— Бу ишингиз яхшимас, ука, шу охиргиси бўлсин. Қайтариладиган бўлса... хафалашиб қоламиз.

Отамурод ўзини оқлаб ўтирмай, гуноҳкорона бош силкиди:

— Яхши, энди қайтарилмайди,— деди-да, кўшиб қўйди.— Ўзи ҳам оз қолди...

Ортиқ шу баҳона узиб-узиб олгиси келди-ю, Отамуроддан ҳайиқди. У бу йигитнинг азбаройи тўғри сўзлигиданми, адолатпарварлигиданми, нимасидандир чўчиб турар, унга қарши гапиришга юраги бетламай қолганди. Ҳозир ҳам ич-ичидан норозилик босиб келганига қарамай, ғиқ эта олмади. Ҳаммадан ўзига мана шуниси алам қиларди. Отамурод ниҳоят мешнинг оғзини очиб, авайлаб, кружкага ҳамма сувни охирги томчисигача қўйди-да, бир қошиқдан узата бошлади.

— Кўп ўрнида кўрасизлар-да энди,— деди хижолат аралаш.

Ким умрида сув кўрмагандай ютақиб, ким бир кўтаришда оғзига лаққа ташлаб, ким симириб (шундай қилса чанқоғини қондирадигандай) қошиқдаги сувни ичар, бу сув чап ичакка юқ ҳам бўлмагани шундай кўриниб турарди. Ортиқнинг ўзи ҳўплашга ҳўлади-ю, ютишга қизғаниб оғзида ушлаб қолди. Худди шундай қилса қақраган томоқлари ором оладигандай, чанқоғи босилиб, юрагини ўрташдан тўхтатадигандек, ютиб юборишдан қизганди. Лекин иссиқда илиб қолган сув чанқоғини босиш ўрнига кўнгилни беҳузур қилар, Ортиқ оғзига сув эмас, бир бемаза нарсани олгандай эди. У кўнгли тортиб-тортмай култ этиб ютиб юбориб, шундан бир ҳўплам чойнинг ўлса ўлиги ортиқ эди, деб қўйди ичида.

Ҳамроҳлар бирин-сирин ўзларича дастурхонга фотиҳа ўқиб, чекка-чеккага чиқа бошладилар. Ҳамманинг хаёли энди канистрдаги сувда бўлса ҳам, буни сездирмасликка ҳаракат қилади, кўзларини четга олиб, ўзини алаҳситмоқчи бўлади. Отамурод бўшаган мешни четга суриб қўйди-да, қолчиқни йиғиштира бошлади. У нимагадир ора-чира Зулхуморга қараб-қараб қўяр, лекин у кўз ташлаб қолгудек бўлса дарров нигоҳини олиб қочарди. Унинг юзи, кўз қарашларидан қизга ачинаётгани, унга далда берадиган, кўнглини кўтарадиган бир оғиз сўз айтгиси борлиги шундай сезилиб турарди. Ортиқ энсаси қотиб, ичида қўл силтади: бировнинг ғамини егунча, ўзингни ўйласанг-чи, галварс. Етти туғишганингни биримики, ачинасан!

Шу пайт Отамурод кутилмаган қатъият билан қайтарма этигини еча бошлади. Ортиқ қўрқиб кетди: «Нима бало, унинг оёғига ҳам бир нарса бўлганми? Бунақада ярим йўлда қолиб кетамиз-ку!»

Йўқ, у этигини бир чеккага қўйди-да, пичоғини қўлига олиб, қолчиқнинг биттасини бўшатиб, буза бошлади. «Эсини еганми, қолчиқни пайтава қилмоқчимиз?» — ҳайрон бўлди Ортиқ.

У ўйлагандек бўлиб чиқди. Отамурод қопчиқни иккига бўлди-да, чокларини қирқиб ташлаб, оёғига чамалаб кўриб, ўрнидан турди. Этик билан ҳозиргина ўзи тайёрлаган пайтавани кўтариб, оёғининг тагини силаб-сийпалаб ўтирган Зулхуморнинг тепасига бориб тўхтади. Сўзсиз унинг ёнига чўнқайди-да, этикни орқасида қолдириб, пайтавани узатди:

— Мана бунга ўраб кўринг-чи, зора шу билан тўғри келса...

Қиз унга ялт этиб қаради-ю, нима гаплигини тушуниб, кўзлари бирдан ғилт ёшга тўлди, кўнгли тўлиб кетиб, лабларини тишлади. Қатъий бош чайқади:

— Қўйинг, Отамурод ака, кераги йўқ... Кераги йўқ, мени деб ўзингиз оёқдан ажраманг, кераги йўқ, раҳмат,— у бош чайқаб-чайқаб қўяр, азбаройи тўлқинланганидан ёшли кўзларини кўтариб қарай олмас эди.

Отамурод хижолатга тушиб кулимсиради, лекин бўш келмади:

— Сиз олдин кийиб кўринг, ҳали этик тўғри келадими-йўқми.

Зулхумор яна бош чайқаётганини кўриб, жиддийлашди.

— Йўқ десангиз, қўлимни қайтарсангиз, хафа бўламан, Зулхумор. Олинг!— деди қатъий. Кейин ўрнидан туриб, четга қаради.— Сизни шу аҳволда кўриш бизга осон дейсизми?! Ахир, биз ваҳший одамлар эмасмиз-ку.

Унинг овози титраб кетгандай бўлди. Кейин пайтавани этик устига ташлаб, ўзи бурилиб нари кетди. Ортиқ унинг қумдаги пойтешадай йирик-йирик изларини кўриб, худди ўзи қумда ялангоёқ кетаётгандек, этлари жунжикиб кетди.

— Худо кўрсатмасин,— дея бош чайқаб четга қараб олди.

Домла оёғини зўрга ерга босиб, Зулхуморнинг олдига келди-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандай унга пайтава ўрашга кўмаклаша кетди. Ортиқ ҳамон Отамуродни ўйлар эди: шундай чўлда ялангоёқ қолишга қандай журъат этди? У этигини ечиб бермаса, биров бир нарса дермиди, ҳеч ким айбламасди-ку? Нима, бу — валломатликми?..

Лекин шу топда у бошқа бир нарсани ҳам яққол ҳис этди. Унинг ўрнига ўзини қўйиб кўриб, ўзи ҳеч қачон шундай қила олмаслигини, кўзи кийиб, бунга журъат эта олмаслигини билиб, ғалати бўлиб кетди. Худди бу ҳақиқатни бошқалар ҳам сезиб қоладигандай, юрагини гулгула босди. Узининг хаёлидан ўзи қўрқиб кетди. Виждони уйғониб келиб, қулоғига пичирлади: «Бунга одамгарчилик дейдилар. Сен одамгарчиликни билармидинг...» Бу таъна унга огир ботиб ўзидан ўзининг жаҳли чиқди: «Нима, бирда-иккида ўтказиб қўйган жойи бормидики?..»

У тўрсайиб Зулхуморга қараб, ҳайрон қолди. Боягина руҳи тушиб, синиқиб ўтирган қиз энди тамомила ўзгариб қолибди. У этикни кийиб олиб, оёғини ерга тап-тап уриб кўради, оёқ оғриги азобидан қутулганидан хурсандлигини ичига сиғдиролмай, кўзлари чақнаб, пориллайди. Ора-чира Отамуродга қандай миннатдорчилик билдиришини билмай, ҳаяжонланиб қараб қўяди.

У бўлса, доволзонлардай шимининг почаларини шимариб, росмана ялангоёқ бўлиб олиб, чўнқайиб ўтирганича ҳалиги пайтава қилиб юборилган қопчиқдан чиққан нарсаларни канистрли рюкзакка жойлаш билан овора. Зулхуморнинг абжағи чиқиб кетган ботинкаси билан декчани, кейин қуввати тугаб гапирмай қўйган «Спидола»ни, яна алланарсаларни бир чеккага ажратиб қўйибди. Ниҳоят, у қопчиқ оғзини бўғиб, ўрнидан турди-да, бир йўла қўлини тасмалар орасидан ўтказиб, уни орқалаб олақолди. Бўшаган мешни ҳар эҳтимолга қарши унинг устига ташлаб, бўғзидан рюкзак тасмасига қистириб қўйди.

У силкинганида қопчиқ ичидаги канистрдаги сув ожиз қулдираб, Ортиқнинг юрагига гулгула тушиб кетди.

— Ростдан кунимиз шу сувга қолдими?— Шу заҳоти хаёлига чакмоқдай урилган фикрдан тиззаларигача қалтираб кетди: — Энди мен нима қилдим? Кечаманми... ниятимдан.

Ортиқ ғалати бир ҳолатда туриб қолди. У нимагадир умид тутар, ниятидан кеча олмас, титраб-қақшаб, ўзига ўзи, энди нима бўлади, энди нима қиламан дер, кўнгилга таскин бера оладиган ҳеч бир жавоб топа олмас эди.

Кўз олдидан Тошкентнинг баҳаво чеккасидаги ҳовли-жойи, гир айлана сўриларга чиқариб юборилган аймақи тоқлар, ҳовли ўртасидаги мўъжазгина, фойданинг ини бўлган теплица, бир-биридан ўтказиб, нозик қилиб гул солиб, тилла ҳал юритилган хона-хонали уйлар, гараждаги «Москвич» машина ясов тортиб ўтар, хаёлига ёпирилиб келаётган бир-биридан совуқ фикрлардан боши гир айланиб, кўзлари тиниб кетар, оёқлари остида ер қалқиб-қалқиб кетаётганга ўхшарди. Наҳотки, шуларнинг ҳамма-ҳаммасидан айрилса... унга буюрмаган бўлса... Шу умидминан йиққанмиди! Шу умидминан қурганмиди? Шу умидминан жонини жабборга бериб, ўзини ўтга-чўққа урганмиди! Буюрмас экан, мана шу ерларда хор-зор бўлиб ўлиб кетаркан, туғилиб нима қиларди?! Ундан бу дунёга келмагани минг маротаба маъқул эмасмиди! Кўрмагани, қўймагани маъқул эмасмиди! Энди ҳаммаси бир пул, тоат-ибодатлари ҳаром! Эссиз, пешонаси шўр бўлмаса, шулар билан шу ерга келадими?.

Кимдир унинг елкасига қўл ташлаб, ёнидан ўтиб кетди. Ортиқ чўчиб ўгирилиб, тошли рюкзакни йўл-йўлакай ортмоқлаб бораётган Султоновни кўрди-ю, бунга ўзича тушунди:

Хайрият. Уни ҳам тушунадиган, унга ҳам ҳамдари бўладиган одам боракан-ку. Ҳали ҳам бўлса, ундан қўймасин. Унга ишонса, бир гап тушунтирса бўлади. Йўлга ҳам юрақолади. Анавиларга ўхшаб латтачайнар эмас. Қандай бўларкин, бошқалар нима деркин, деб ўтирмайди.

Ортиқ ердан таёғини олатуриб, беихтиёр саксовул тагида тўнтариглиқ декчага кўзи тушиб, юраги увишиб кетди. Бошланибди-да, деб ўйлади ичида. Энди оғирлик қилган нарсаларни битта-биттадан ташлаб кетишаверади. Бугун декча кераксизга чиққан бўлса, эртага суви тугаб, канистри ҳам шундай...

У ўзининг хаёлидан ўзи даҳшатга тушиб, бош чайқади: йўқ-йўқ. Бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қачон! Кейин бунга эслагиси ҳам келмай, шахдам-шахдам юриб кетди-ю, лекин... Бу совуқ хаёл калласига шундай ўралашиб келардики... Охири ихтиёрини унга топшириб, бу бало-қазодек босиб келаётган даҳшатдан қандай қутулишни ўйлаб кетди. У ҳаммадан кейинда бошини ҳам қилганча, олдиндагилар қай аҳволга тушган-тушмаганини унутиб, ўзи билан ўзи бўлиб бораркан, бирдан-бир нажот йўлини изларди: ҳали кеч тушishi билан Отамуродни секин чегга тортиб, авраб кўрса-чи? Камбағалгина йигит экан. Балки кўниб қолар. Ахир, ким пулга учмаган. Бу ерларда бекорга юрмагандир. Мўмай пул излаб келмаса, Тошкентдай жойда шофёр зотига иш қуриб қолибдими?

Авраш керак! Ётиғи билан чўчитиб юбормай айтса, кўнади. Қаловини топса қор ёнади-ку. Бундай деса-чи? «Бўлар иш бўлди, оғайни. Булар билан энди узоққа бориб бўлмайди. Ўзинг кўриб турибсан уларни. Оёққа кишан қилиб нима қиламиз. Бу аҳволда ҳаммамиз ҳам шу чўлда бекорга нобуд бўлиб кетамиз», деса-чи?..

Ортиқ хаёлан Отамуродга мурожаат этади:

— Сен шунга розимисан? Ахир, бекордан-бекорга кимнинг ўлгиси келади? Тўғрими?— дейди.

Отамурод қовоғини очмай унга ўқрайиб қарайди. Худди унинг ниятини кўзларидан ўқиб олмоқчидек, қаттиқ тикилади. Жавоб қилмай, ўзи саволга тутади:

— Хўш, нима таклиф қиласиз? Қочишними?..

— Нега энди?!— Ортиқ довдирайди.

— Бўлмаса нима демоқчисиз?

— Сен уларни кўндирсанг. Бирор ерга кўнишса-ю, кейин биз...

— Нима биз?..— бетоқатлик билан сўрайди у.

— Яъни, сен йўлга отлансанг. Чунки сен иродалисан. Айтганингни қилмай қўймайсан. Кўзлаганингга эса етмай тинчимайсан. Сенга ишонса бўлади. Биргина сен чинкка етиб чиқа оласан. Йўқ дема. Худо ҳаққи, йўқ дема. Сендан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди бу иш,— ўтиниб ялинади Ортиқ унга.

— Шу холосми?— Хайрон бўлади Отамурод.

— Шу холос-ку, лекин... агар малол келмаса,— Ортиқ унга тупутиришга ошиқади,— кичкинагина бир илтимосим шуки...

— Уша илтимосдан келинг, қани?..

Ортиқ у рози экан деб мақсадга кўчади. Бор гапни айтиб қўя қолади:

— Агар йўқ демасанг, малол келмаса, мени ўзингга ҳамроҳ қилиб, бирга олиб кетсанг. Шу ердан олиб чиқиб кетсанг бўлди. Майли, бир умр қулинг бўлай, айтганингни қилай. Ет десанг ётай, тур десанг турай. Фақат ўзинг билан бирга олиб кетсанг бўлгани. Истасанг, ҳозир тилхат ёзиб бераман. Оғзингга сиққанича сўра. Пул десанг пул билан, мол десанг, мол билан тўлайман. Фақат қутқариб қолсанг бўлгани,— у кўзига жонидан бўлак ҳеч нарса кўринмай, ваъда қилади.— Битта машина олиб берсам ҳам майли!..

Отамурод истехзо билан қулиб бош чайқайди:

— Жуда валломат экансизми, а?!.

— Нима, ишонмаяпсанми? Чин дилдан, сидқидилдан айтаяпман.

— Нима? Бошингиздан садақами?!— Отамуроднинг жаҳли кўзийди.— Кечирасиз! Сиз мени ким деб ўйловдингиз. Адашибсиз. Чувварани хом санабсиз. Уйлайсизки, пул бўлса чангалда шўрвами! Бекорларни айтибсиз. Билмасангиз, билиб қўйинг. Мен сизнинг ўша пулларингиздан ҳазар қиламан. Ҳаром деб биламан, тупураман унга!

— Нима, нима?!— Ортиқнинг қони қайнайди.— Қимнинг топгани ҳаром экан? Менингни?! Менинг топганларим-а? Ҳали сен мени молпараст, бойликка муккасидан кетган, пул деса динидан воз кечадиган одам деб ўйлайсанми?! Йўқ, ошна, адашасан. Мен унақа диёнатсиз эмасман. Мен топсам ҳалол пешона терим билан топганман, ўзимни ўтга-чўққа урган бўлсам, одамлардек тўкис яшаш учун қилганман. Ит тинарди, қуш тинарди, лекин мен тиним билмасдим. Сен аввал нима қилардинг деб сўрагин. Ишга бориб келардим — бир, келиб, теплицага қарардим — икки, уйда касал кўрардим — уч, кечаси машинада кирага чиқардим — тўрт, новвос боқардим — беш. Хўш, булар иш эмасми? Айт, қай бири ўғриликка киради? Нимаси ҳаром экан? Ҳалолнинг ҳаромдан фарқи бордир, ахир? Хўп, айтайлик, мен пул, мол-дунё деб ҳаловатимдан кечиб, шу чўлларда юрибман. Бир-икки минг сўм ишлаб олиб, машинамни янгиламоқчиман. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Нимаси ҳаром? Мен-ку, ҳалол пешона терим билан топибман, лекин Тошкентнинг ўзида туриб, қўлини сувга уриш уёқда турсин, у чўнтагидан бу чўнтагига олмасдан ҳам иш битираётганлар, оғзининг еди билан минг-минг топаётганлар йўқми? Ҳар тимсоҳлар борки, халқнинг топганини туя қилиб, давлатнинг молини ямламай

ютиб ётибди. Агар қўйиб берса самолёт сотиб олишга қудрати етадиганлар бор, укагинам. Сен нима деб ўтирибсан! Ана уларникини ҳаром десанг ярашади. Биз уларнинг олдида ризқини териб еб юрган бир ҷумолимиз-ку...

— Аниқроқ айтаверинг, улар деганингиз кимлар? Қанақа одамлар?— Отамурад афтидан уни синамоқчи бўлади.

— Худди билмайдигандек сўрайсан-а? Ахир ўзинг айт. Ҳозир пулсиз битадиган иш борми?! Қаерга борсанг, қўлингга қарайди. Тут-қазмагинчи, ишинг битармикин. Улганда ҳам битмайди! Сургайверади, сургайверади. Кейин ўзинг мажбур бўласан. Телефонни ҳам шунаққиб туширасан. Газни ҳам шунаққиб киритасан. Қаёққа борсанг танишбилиш, сендан угина, мендан бугина. Зиёфатхўрлик... Ана, биттаси, тушунгани. Шу чўлда ҳам домласига мавриди келганида ўтказиб қолишни ўйлаб, зиёфатлар ташкил қилиб, кийик овига бошлаб юрибдику. Буларнинг қилмиши тўғри-ю, бизники эгрими?! Саломат бўлади-лар!..— Ортиқ қалайсан энди, дегандек унга қарайди.

— Сиз ҳам анойи эмассиз. Ўзингизни оппоқ қилиб кўрсатмай қўя-қолинг. Таклифингизга келсак — овора бўласиз. Мен буни, хафа бўлманг-у, бориб турган пасткашлик деб биламан,— у чўрт ўгирилиб нари кета бошлайди. Шунда Ортиқ жонҳолатда унинг кетидан эргашиб, зўр бериб ўз ҳақини талаб қилишга тушади:

— Бўлмаса, менинг тегишимни бўлиб бер! Менга тегадиган сувни ажратиб бер. Сен кетмасанг ўзим кетаман бу чўлдан. Тўйдим, жонга тегди сенларнинг кетингда сургалиб юриш. Етар, сенларни деб шунча тортган азобларим. Энди кетаман. Ўзимга қўйиб бер.

У бир ўгирилиб қарайди-ю, на ҳа, на йўқ бор, индамай кетаверади. Ортиқ минг бақириб, чақирмасин, қайрилиб ҳам қарамайди...

(Давоми келгуси сонда)





Барот Бойқобилов

Шукӯҳли Карвон

ШЕЪРИЙ РОМАН¹

«Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил».

Нафосат мажлисин суҳандонлари
Дил уйин безади назм гавҳари.
Нодир истеъдодга беришганда тан,
Шакур Мирзо деди: «Гулда бор
тикан».

Ва лекин кўчди тез суҳбат тўлқини,
Арқоғдек узилди вазирнинг уни.

Вафойига бўлиб Мирзобек ҳамроз,
Дард билан шоҳ байтга бахш этди
парвоз;

«Юзуда терни кўруб ўлсам, эй
рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан
қилгил».

Бу олий шарафдан гангиб бошлари,
Шарордек сочилиб дил оташлари

Навойи ўрнига қўнди омонат,
Ғазал айёмидан дилда саодат.

Вафойи юзланди Садоий сари:
«Куйлансин, Навойи ғазаллари!»

Жалб этди Вафойи ихтиёрини:
Садоий, созининг чертиб торини

«Амир ғазалига ўзни чоғлабмен,
«Муножот» аталмиш бир савт
боғлабмен.

Бул фақирга бўлса рухсати олий,
Умридан бахтиёр ўлгай Садоий.

«Марҳабо, Садоий!— деди Вафойи,
Бу куйдан беҳабар эди Навойи.

Навойига хушнуд қилиб наззора
Садоий қўйлади ёниб дилпора:

«Кеча келгумдир дебон ул сарви
гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча
уйқу келмади».

Тун бағрини-тилиб таралмиш
қўшиқ,

Маҳзун дил оҳидан яралмиш
қўшиқ.

¹ Давоми. Боши журналнинг 3 ва 4-сонларида.

Анжуман боши ҳам бу муножотдан,
Қалбини ўртар ғам бу муножотдан.

Само кўз ёшидек боқди юлдузлар,
Мунгли куй мавжида оқди юлдузлар.

Тўлин ой термулди ерга мунгайиб,
Кўҳак тоғи қолди ғамдан мункайиб.

Дилафгор нолага чўлғонди Кўҳак,
Ярадор шермисол тўлғонди Кўҳак.

Дилкушо эзилди ҳижрон оҳидан,
Ором йўқолди ишқ қароргоҳидан.

Самарқанд ҳайратдан хаёлга
толди,
Бир қатра симобдек ул титраб
қолди,

Маҳзун тун жонида дармон
қолмади.
Муғанний қалбида армон қолмади.

Ул ёниб дардини этмиш муножот,
Борлиқни сел каби тутмиш
«Муножот».

«Лаҳза-ҳаза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадху келмади.

Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғи келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча сув келгай деб ўлтурманг мени,
Ким бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам
Йўлгаким, аввал қадам маъшуқу ўтру келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади.

Қирғоқдан ҳасратнок қайтгандек
тўлқин,

«Муножот» оҳиста тинди ва лекин

Мунгли бу кўшиққа бўлиб қайғудош,
Анжуман ғам ичра қуйи эгди бош.

Тоғу тошлар ошиб савти «Муножот»
Кўнгишлар дардига изларди нажот!

Еттинчи кўшиқ

Амир Навойдан мангу миннатдор
Самарқанд элида ишонч барқарор.

Халойиқ юмушин қилгали осон
Энг мушкул дамда ул топарди
имкон.

Амир ҳузурига арзга келса ким
Қошидан чиқарди қилиб табассум.

Унга ён босарди — сўзи бўлса ҳақ,
Мулзам этар эрди гар бўлса ноҳақ.

Бор гапни юзига айтиб рўйи-рост,
Ранжиса, кўнглига солар эди даст.

Мансабдор кимсалар ҳузурида ул
Бир куни арз сўраб, очганида дил,

Олий садоратлик мансаби теккан
Қутбиддин Хавофий изтироб билан

Қирди-да, арзгўйлар ёнига чўкди
Ва дилда борини шошилишч тўкди:

«Мартабали амир, ҳаммадин бурун
Меним ишим кўриб, этгайсиз
мамнун.

Илтифот гулини тутди-да амир,
Хавофий кўнглини этгали маъмур,

Ғазаб алангасин зўрға сўндириб,
Дилида зорланиш наҳрин тиндириб.

Ёнига ўтқазди уни шу замон
Ва арзин сабабин сўрди меҳрибон:

«Мавлоно Ҳавофий, не бўлмиш
содир,
Изтироб чекмасдин этингиз зоҳир?»

Жаҳлу алам билан олий садорат
Кирангий устидан этди шикоят:

«Амир, хожа Ҳусайн Кирангий
бу кун
Сазо бериб, этди дилимни кукун.

Ул деди: сен аввал эдинг бир
навкар —
Мавлоно Муҳаммад амрига
мустар».

Бу сўзлардан амир таажжуб қилиб,
Ҳавофийга вазмин сўзлади кулиб:

«Бу гап изтиробга бўлмағай сабаб,
Модомики, мазкур хожани чорлаб,

Уртага ташласак бу гапни агар
Кирангий айтгани рост бўлиб чиқар.
Тўғри сўздан ранжиш яхши иш
эмас,
Бу хислат сиздек зот умрин
безамас».

Мавлоно Қутбиддин Ҳавофий
шу дам
Амирни қилмоқчи бўлди-да мулзам,
Султон Абусаид замонасида,
Қўксарой қасрнинг остонасида

Амир Султон Ҳасан Арҳангий билан
Бир неча мартаба суҳбатда бўлган
Чоғларин эслатиб деди амирга,
Масъул дам ёнида тургандек бирга:

«Арҳангийга эдим илгари навкар,
Амирлик мансаби бўлиб муяссар,

Ноибликнинг баланд мартабасига
Эришган бўлсам-да, вазифасига —

Ҳозирмен, ор қилмак ётдир фақирга,
Хизматда бўлғаймен қулдек амирга.

Ул киши не деса этгаймен бажо,
Миннатдор кўнгулда олий муддао».

Бу сўзлардан мажлис аҳли
тўлғанди,
Ҳавофий хулқидан таажжубланди.

Амир Султон Ҳасан чекиб ҳижолат,
Мийиғида кулиб қўёлди фақат.

Уз айбин сезиб лек уялди амир,
Бемаъни даъводан кечди шу тадбир.



Навойй кифтидан қулагандай тоғ,
Хавофий дилига ёқди шамчироғ.

Арз навбати келгач, ҳокисор деҳқон
Таъзим этиб деди гуноҳқорсимон:

«Саодатманд амир, адолат излаб,
Ургутдан келибмен, дардимни
сўзлаб,

Найлайн, бормаган жойим
қолмади,

Ҳеч кимса арзимга қулоқ солмади.

Халойиқ жўяли берди маслаҳат:
«Навойй кўрсатгай сенга марҳамат».

Деҳқонга меҳрибон боқди-да амир,
Деди: «Баён этинг арзингиз,
тақсир».

Амир карамидан бўлгандек мамнун,
Деҳқоннинг кўнглидан ечилди
тугун:

«Ун беш таноб ерга фақир экиб дон,
Бошида айланмиш санги тегирмон.

Тоғ-тоғ ваъда бериб Муҳаммад
Ансор,

Ваъдасига вафо қилмади бир бор.

Ҳосилнинг ярмига даъвогар эди,
Тўртдин учин талаб қилмоқда энди.

Ургутда адолат топмаса қарор,
Аҳли деҳқон бўлғай парча нонга
зор.

Қишдин омон чиқмас бола-чақамиз,
Бир сиқим дон сўраб қайга чопамиз?

Марҳамат қилсангиз, муҳтарам
амир,

Муҳаммад Ансордин кўрмасдик
жабр.

Раҳму шафқат қилса ул эл жонига,
Ут қўймаса анинг хонумонига.

Деҳқон қорни агар тўймаса нонга,
Бойларнинг омбори лиқ тўлмас
донга.

Саккизинчи кўшиқ

Навойй қалбида мавж урган сурур
Саодат онларин шукуҳи эрур.

Кўзларин яйратар мафтунли олам,
Кўнглини сайратар жонфизо қалам.

Изғиб юришибди масоҳиллар ҳам,
Хирмондин узмайди капсанчи
қадам.

Деҳқон ҳосилига чуғурчиқ мисол
Кўз тикиб турганлар кам эмас
алҳол.

Муҳаммад Ансорга айланг насихат,
Деҳқонлар ҳолига айласин
шафқат».

Деҳқон илтимоси, алам-зоридан
Мунгли садо янграб кўнгли
торидан,

Навойй боқди-да амалдорларга,
Бир мактуб битди сўнг Хожа
Ансорга.

Ва деди: «Мана бу хатни, отахон,
Муҳаммад Ансорга қилғайсиз
эҳсон.

Хожани чорладик инсоф боғига,
Парвона бўлғай ул эл чироғига.

Марднинг иши эрур ваъдага вафо,
Номард кимса эса тортуғуси жафо.

Сизни кўриб, чиқур ҳожа фиғони,
Вале арзингизга бўлмағай монен.

Боргоҳдин Ургутга боргай ваколот,
Хожа бирла албат қурғай мулоқот,

Ноумид бўлманг ҳеч, ноумид —
шайтон,

Умид билан доим тирикдир инсон!

Деҳқон, Навоййга икки букилди,
Севинчдан кўз ёши юзга тўкилди,

Бағрига босганча эзгу номани
Таъзим-ла тарк этди қабулхонани.

Деҳқон елкасидан мисли кўҳафкан
Ғам тоғин қулатиб, Навойй руҳан

Енгил тортди бир оз, лек яна қанча
Арзғўйлар турарди уни кутганча.

Дўст сўзи жонига ором бағишлар,
Дил уйин нурафшон айлар
олқишлар.

Умидли дунёда бўлма дея кам,
Тилак чаманида тутар мукаррам.

Хаёлин бургутдек эттирар парвоз,
Юксак чўққиларга чорлар
дилнавоз.

Рухини тонг каби этар беғубор,
Қалбига бахш этар ажиб бир баҳор.

Толеи кўкига чиққандек ҳилол,
Шодлик чашмасидан узатар зилол.

Бахтиёр Навоий завқнок этиб нўш,
Саратон субҳига жилмаяр сархуш.

Қўлида — мукаррам дўстнинг
муждаси,
Кўксига урилар Саййид нафаси.

Нома рухсорида меҳру эҳтиром,
Зар ичида зардир гўё ҳар калом.

Тоғу тошлар ошиб келмиш
бул нома
Кўзгусидан боқар гўё аллома:

Интизор кўзларда меҳр қуёши,
Қуёшдан нурланмиш мужгонлар
ёши.

Баланд чўққиларни безагандек қор.
Бошига қўнмишдир кумушранг
ғубор.

Пешонаси йиллар изидан кўркам,
Оқ тола тушмишдир соқолига ҳам.

Умр юкидан тик кифтлари чўкмиш,
Йиллар шамоли сал қаддини
букмиш.

Сиймоси касб этмиш улуғлик,
виқор,
Зукко боқишида тийран маъно бор.

Хуросон боғидан териб даста гул
Навоийга инъом этмоқ истар ул.

Илҳом онларининг завқидан шодон,
Кўнглини эзадир ҳамон бир армон.

Бу армон — Навоий суҳбати эрур,
Оламга бергусиз ҳикмати эрур.

Турфа муждасидан ўзида йўқ шод,
Навоий йўлига интизор устод.

Камоли умрини тилаб субҳи шом
Амирга кўрсатмиш сўнгсиз эҳтиром.

Ардашер васлига зору интизор
Навоий номани ўқийди такрор:

«Олий ҳазрат, тилаб камолингизни,
Кўрмакка муштоқмен
жамолингизни.

Сиздек саодатманд давлатли амир
Мартабасин кўриб, гоят шод фақир.

Диллар баҳра топмиш
камолингиздин,

Олам рўшно бўлмиш
қаламингиздин.

Мавлоно Лутфийга келган номадин
Улуғбек юлдузи боқди самодин.

Ул ҳазрат шод ўлди
карамингиздин,

Назмда кашф этган оламингиздин.

Назм мулки аро Султон Улуғбек
Номини сарбаланд тутмишсиз
туғдек,

Анинг анворидин чарагон диллар
Боғида қулф урмиш анвои гуллар.

Ким Кўҳак васфига солса
гар назар

Кўзларин сеҳрлар дилкушо манзар.

Наврузи оламга боқиб муфтахир
Анвои ранг билан ёзмишсиз, амир.

Самарқанд бошидин сочиб
сийму зар

Бўйнига тақибсиз бир шода гавҳар.

Ул элда топиб сиз обрў, эътибор,
Фақирга этмишсиз оламни нисор.

Ҳирийда, азизим, ўзга савдодур,
Хараж-мараж бирла жангу
ғавродур.

Халойиқнинг эса ҳоли эрур танг,
Қашшоқлик солмишдур яқосига
чанг.

Мирзо Султон Абусаид Кўрагон
Зулмидин қон йиғлар мулки
Хуросон.

Ул Эрон тарафга сурмак истар от,
Таҳлика остинда яшайдур Ҳирот.

Кўп мамлакат олди тиф билан
Султон,

Мухолиф элда ул тўкди қанча қон.

Лек ўзи тўйса ҳам кўзи тўймади,
Хунхор қиличини илқин қўймади.

Не юртлар учради анинг қаҳрига,
Ул эса етмади қалам қадрига.

Қалам бирла қилич — кун била
 тундир,
Қаламдин нур томур, қиличдин
 хундир.

Қилич тиғи қанча бўлмағай ўткир,
Ул қалам қошида титрағай зир-зир.

Султоннинг қиличи етмаган диёр
Сизнинг қаламингиз васфидин
 анвор.

Мирзо Султон Ҳусайн анга неча бор
Зарбалар берса-да, тиғи қилмас кор.

Анинг ҳам бошига чиққай деб
 офтоб,
Умид саҳарига боққаймен бехоб.

Сиз бермиш кўмакка ул эрур
 мухтож,
Одил бир подшога мухтож тахту
 тож.

Баланд мартабали Ҳазрати олий,
Давлатманд мавлоно амир Навоий,

Оллоҳдин тилаб мен камолингизни
Кўрмакка муштоқмен
 жамолингизни.

Ҳирийда камоли эҳтиром билан
Сизни дуо этмиш бул Саййид
 Ҳасан».

Тўққизинчи кўшиқ

Опшоқ қор қўйнида беғубор олам,
Қишнинг муждасидан бахтиёр олам.

Борлиқ жилвасидан қамашар
 кўзлар,
Заминга тўкилмиш кумуш
 юлдузлар.

Оламга нур сочиш офтоб
 мисли шам,
Шуълалар рақсидан олам
 мукаррам.

Қор билан безанмиш дилкушо
 боғлар,
Самога кифт қўймиш муаззам
 тоғлар.

Навоий чеҳраси ёришмиш кундай,
Дилининг ғубори тарқалмиш
 тундай.

Садоқатли дўсту устод сўзидан,
Юлдуз жой олганга ўшар кўзидан.

Хаёлин банд этар ҳайрату сеҳр,
Томирида қондек югурар меҳр.

Ҳаёт чарбоғида бундоқ меҳрибон,
Донолар дилини этмиш гулистон.

Меҳрибонлик ўти ёнса дилда гар
Шуъласидан минглаб кўнгил
 нурланар.

Марҳамат чашмаси мавж урса
 дилда,
Қадрини топади ҳар кимса элда.

Кўнгилда яшнаса карам гулзори
Бошида кўтаргай уни дўст-ёри.

Элга меҳрибонлик кўрғазмаган жон,
Адолат тиғидан бўлгуси қурбон.

Хаёлга чўмади Навоий шодон
Ва назм кўкида уради жавлон:

«Хуб эл била суҳбат тутубон
 хуб ўлғил,
Яхшини талаб қилгули матлуб
 ўлғил;

Ширин сўз ила халққа марғуб
 ўлғил,
Юмшоқ де ҳодисингнию маҳбуб
 ўлғил».

Уфққа туташган кенгликларда қор,
Қиру адирларда, дўнгликларда
 қор.

Оқ филдек узанмиш қорли тепалар,
Кенагас, Мингбулоқ, Қоратепалар

Роз айтиб қор ичра ётган баҳорга,
Тоғлар домонида бурканмиш
 қорга.

Кенагасда бўлиб бир кеча меҳмон,
Нозу неъматидан баҳра топиб жон,

Қатта йўлда елар бир даста отлиқ,
Шикор орзусидан диллари шодлиқ.

Юнг босма чакмонли, қундуз
 телпакли,
 Хиром этик кийган, бургут
 келбатли

Доруға Ҳожибек, Амир Навоий,
 Бадний, Мирзобек, Жамшид
 Садоий

Изидан от қўймиш бир неча
 навкар
 Кўзини қувнатар сеҳрли манзар.

Сеҳрли манзардан завқнок Алишер
 Сурурли қалбида туғён уриб шеър,
 Ҳаёлин этганда мулки борлиқ банд,
 Қорли чўққиларга боқиб
 ҳавасманд,

Муаззам дарага киргани замон,
 Қошида «Тешиқ тош» бўлур намоён.

Икки ошёналиқ уйдек баланд у.
 Силсила тоғларга гўё пайванд у.

Икки қўлин бошда қилгандек
 чамбар
 Музаффар қуёшни олқишлаб
 турар.

Қўллар чамбарида санги
 муаллақ —
 Гўё ёв бошини этгудек мажақ.

Ун одам сиққудек улкан «Тешиқ
 тош»
 Қалбига минг йиллар бўлгандек
 сирдош.

Она табиатнинг ажиб муждаси
 Қўқсига урилар шоир нафаси.

Кўзига ишонмас — дилида ҳайрат,
 Сабабин сўролмас — тилида
 ҳайрат.

«Тешиқ тош» қошида сангтарош
 мисол
 Навоий руҳида тамоқ ўзга ҳол.

Шоир ҳайратига бермасдан озор
 Ҳолатин кузатар мамнун дўсту ёр.

Навоий кўнглига ўт солган савол
 Дилларда акс-садо берар, эҳтимол.

Меҳмонлар матлабин сезгандек
 шу он
 Афсона китобин варақлар мезбон.



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

Мезбон — кенагаслик Музаффар
 Беҳзод
 Эл оғзига тушган соҳиб истеъдод.
 Навоий уйда бўлиб неча бор
 Қозонган эди ул обрў, эътибор.
 Самарқандлик қалам соҳиблари
 ҳам
 Ҳурматини бажо келтириб ҳар дам,
 Ашъори эл аро қилсин деб парвоз,
 Сакта байтларига берарди пардоз.
 Боғбонлик касбини ардоқлаб фақир
 Мулки назмда ҳам топганди қадр.
 Навоий қошида қилди-да таъзим,
 Бир қисса айтмакка ул этди жазм.
 Жон қулоғин тутди Навоий унга,
 Қўнғил кемаси тўш урди тўлқинга.

Музаффар Беҳзод

Бир афсона қолмиш мозийдин
 ёдгор,
 Авлоддан-авлодга сўйланмиш
 такрор.
 Мароқандга лашкар тортганда
 ганим
 Кўксин қалқон этмиш бу кўҳи
 замин.
 Оёққа қалқитмиш элни бир ботир,
 Тоғни ҳам йиғмоққа ул экан қодир.
 Ҳарбу зарбда ҳеч ким беролмаскан
 дош,
 Тўю базмларда кўтараркан тош.
 Уйқош экан унинг номи бургутга,
 Ҳавас қилар экан барча Ургутга.
 Ганимнинг устига қилганда ҳамла,
 Тоғларнинг бағрига тушаркан
 ларза.

Юртга чанг солганда Доро
 лашкари,
 Балогардон бўлмиш Ургут аскари.
 Баланд тоғ бошидан қулатиб
 тошлар,
 Душманнинг кўзидан оқизмиш
 ёшлар.
 Ургут отган тошлар урилиб
 тошга,
 Ажал олиб келмиш қанчалаб
 бошга.
 Ганимнинг аҳволи бўлганида танг,
 Қирон келтирибди шу муаззам
 санг.
 Тошдан-тошга тегиб кетибди-да
 дарз,
 Дафъатан иккига бўлинибди
 «қарс».
 Ёвқур арслондек наъра тортмиш
 ул,
 Юрагин кўксидан юлиб отмиш ул.
 «Тешик тош» шу йўсин бўлибди
 пайдо,
 Шундан буён этмиш ўзига
 шайдо.
 Ургут ботир эса яшаб ёшини,
 Тавоф қилиб ўтмиш: «Тешик
 тош»ини.
 Замонлар чархида айланиб йиллар,
 «Ургут» аталибди шундан бу
 ерлар...
 Музаффар Беҳзоднинг бу ажиб
 нақли
 Сеҳридан адашмиш меҳмонлар
 ақли.
 Навоий демишким: — Балки
 ҳақиқат,
 Афсона конига ўхшар бу хилқат.
 Ургут йигитлари бўлмаса жумард,
 Бошида тутмасди балки Мароқанд...

(Давоми келгуси сониде)



ҲИССА¹

«Агар ҳар бир одам шу киши айтгандек иш тутса, ер юзи тамоман жаннатга айланарди», деб ўйлади Бекир, қора «Волга»нинг изига қарар экан...

Стюардесса келиб уларга ичимлик тутди. Бекир қария ўтирган ўриндиқнинг суянчиғини пастлатиб берди. Самолёт бир дам булутлар бағрига кириб, титради, кейин кескин юқорилаб ёруғликка чиққач, тинчиди. Бекир газетани буклаб, ўриндиққа ястанди-да, кўзини юмди. Хотиралар уни яна уруш арафасидаги қишлоғига етаклади.

...Оқшомда қишлоқ аҳли клуб вазифасини ўтовчи эски масжидга тўпланди. Кўпчилик ташқарида қолди. Болалар эса туртиниб-суртиниб ичкарига кириб олишган. Улар мажлисдан кўра, кинога ишқибоз эдилар. Назарларида бу йиғиндан сўнг ҳам кино бўлиши керак эди. Бекир билан Витя олдинроқдан жой олишганди. Йиғилиш ҳали бошланмаган, аммо, ферма мудирини Илёснинг чираниб гапириши ҳаммани ўзига қаратган эди.

— Асан оға одамларнинг тинчини бузаяпти. Буғдой бўлмаса ҳам бошқалардан айб қидиради. Подадан қўй йўқолса ҳам аралашади. Бўри олиб кетган, десак, ишонмайди, далил сўрайди...

— Ҳой, Илёс, биз томонларда қачондан бери бўри пайдо бўлиб қолди? Отам замонида ҳам бўри йўқ эди. Ё ўзинг сотиб олиб келдингми?

— Бўри йўқ, деб уйда биқиниб ўтирмай яйловга чиқ, бўрини кўрасан.

¹ Давоми. Боши журналнинг 4-сониди.

— Бўлса бордир, сен айтган бўри икки оёқли эмасми?— хонада кулги кўтарилиб, ғала-ғовур бошланди.

— Райкомдан вакил келганмиш-ку...

— Терговчи ҳам шу ердамиш.

— Ҳамма хўжайинларни ишдан олармиши?

— Бекорга бир ой тафтиш қилишмагандир?

Бу гапларни эшитиб, Илёс яна тилга кирди.

— Билмаганларингдан кейин жаврайвермаларинг. Асаннинг на-зариди ҳаммамиз муттаҳаммиз. У бугун ҳамманинг молини тортиб олмоқчи. Эртага томорқага ҳам ёпишади. Ҳамма нарса умумники деб...

— Ие, бу қанақаси бўлди?

— Илёс оға, сен гапни айлантирмай очиғини айт: кимнинг молини тортиб олмоқчи? Масалан, менда ҳатто эчки ҳам йўқ. Сигиримни со-тиб бўғдой ғамладим. Мол-қўй сенда, ҳисобчида, раисда... бор.

— Сен ғийбатнинг иинини кавлама. Мен ўзим учун эмас, ҳамма учун қайғураман. Мен жамоа учун ҳеч нарса аямайман. Бир-иккита қўй нима деган гап экан!

— Баракалла, хотамтой, худо умрингни берсин, — деди кимдир ки-ноя билан. Колхозчилар мудирни масхаралаб кулишди. Колхоз партор-ги Сергей Степанович киргач, ҳамма жимиб, тартиб сақлади. Партор минбардаги чироқнинг пилигини баландлатиб, олиб кирган қоғозларни кўздан кечирди. Дам ўтмай, унинг ёнида Решид оға, қишлоқ совети-нинг раиси ва колхозчилар танимайдиган серсавлат ўрта яшар киши билан ёш йигит жой олди. Асан оға четроққа ўтирди. Ташқарида тур-ганлар ҳам ичкарига тиқилиб киришди. Мажлис очилиши билан эшик олдида райком секретари кўринди. Шу тобгача сир бой бермай ўтир-ган Решид оға уни кўрди-ю, ранги қув ўчди. Аммо, дарҳол ўзини қўлга олиб, секретарни ҳайъатга таклиф қилди.

Бекир Асанович бу мажлисни яхши хотирлайди.

Ушафта биринчи бўлиб Сергей Степанович гапирганди. У қилин-ган ишлар, бажарилган вазифаларни дам русча, кўпчилик тушуниши қийин бўлган гапларни эса татарча сўзлаган эди. Кейин тафтиш нати-жаларини қисқача баён этиб «Ҳисобчи билан раис ишончимизни оқлай олишмади. Шу сабабли сизлар билан маслаҳатлашишга тўпландик», деганда, залдан кимдир «Маслаҳатинг нимаси, уларни суд қилиш ке-рак», деб бақирди. Ғала-ғовур бошланди. Одамлар тинчигач, у қўлига бир вақф қоғоз олди.

— Уртоқлар, колхоз правлениеси ва партия активи раиснинг эгри йўл билан қурилган уйини мусодара қилиб, шу уйда болалар боғчаси очишга, ҳисобчи, ферма мудирининг отаридаги қўйларни колхоз ҳисо-бига ўтказишга қарор қилди. Энди бу одамларнинг тақдири сизларга боғлиқ. Афв этасизларми, ё ишни терговга оширасизларми, ўзинглар ҳал қилинглар.

— Бизга бундай раиснинг кераги йўқ!

— Уларни жазолаш керак!

— Правлениега софдил, ҳалол одамларни сайлаймиз.

Одамлар орасидаги ғала-ғовур бақирӣқ-чақирӣққа айланаёзган эди. Қони қайноқроқ эркаклар қўлларини паҳса қилиб гапирар, улар орасида, қўйиб берса, гуноҳкорларнинг адабини бериб қўйишдан ҳам тоймайдиганлар бор эди. Уларни тинчлатгунча мажлис раисининг эси кетди.

— Гапи борлар минбарга чиқсин. Агар тартиб-сақламасангиз, маж-лисни ёпиб, масалани ўзимиз ҳал қиламиз,— деди у таҳдид оҳангида. Тўпланганлар сўзларини йўқотиб қўйгандек, бирданига жим бўлиб қо-лишди. Кейин «ким гапиради» дегандек бир-бирларига қарашди. Дар-воқе, биринчи бўлиб ким гапирган эди? Ҳа, Варя хола! Бекир Асанович

вич бир оз букчайиб, сал оқсоқланиб юрадиган девордармиён, меҳрибон бу қўшни аёлни яхши эслайди. Варя хола Бекир Асановичнинг онаси билан қадрдон эди. Майда-чуйда юмушлар серҳаракат қўшни аёл иштирокисиз битмас эди. Ҳатто Бекир чақалоқлигида ҳам уни шу аёл йўргаклаб бераркан. Варя холанинг бир қиз ва бир ўғли ўн тўққизинчи йилларда Поволжьеда нобуд бўлган, ўшандан сўнг бир ўзи бу томонларга келиб қолган, дарров қишлоқ аҳлига эл бўлиб қадрдонлашиб кетган эди. Қолхоз тузилганда ҳам энг фаол аёллар қаторида шу Варя хола бўлган экан. Айтишларича, ўша йиллари қишлоққа янги турмуш ғанимлари бостириб кириб, масжидда шом намозини ўқиётган эркакларни банди қилишибди-да, аҳолидан асирлар эвазига дон-дун, қўй талаб этишибди. Аҳоли ноиложликдан сўралган нарсаларни тўплай бошлабди. Варя хола эса ўйлаб ўтирмай асов отга минибди-ю, район маркази томонга елибди. Йўлда каттароқ ариқдан ўтиш чоғида от мункиб кетибди, Варя хола ўзини тутиб туролмай йиқилибди. Аммо, оёғи узангига илашиб қолибди. От уни анча ергача судраб борибди. Бечора аёлни йўловчилар касалхонага олиб боришди. Йўқса... Унинг оқсоқлиги ҳам, букчайиши ҳам ўшанинг асорати. Варя хола ҳали элликни қораламаган эди. Лекин, букчайиброқ юргани учун қари кампирга ўхшарди. Ушанда Варя хола гапни ўтирган еридаёқ бошлаганди:

— Худо раисимизни тилдан ҳеч қисмаган. Гап десангиз қоп-қоп олаверасиз!

— Варвара Петровна, қўймайсиз! Бир таъзирини беринг!

— Бопланг, Варя хола!

— Бизга бундай раис керакмас, деб айтинг!

Яна ғала-ғовур кўтарилди. Бироқ, Варя хола минбарга кўтарилиши билан ҳамма жимиб қолди.

— Ҳисобчимиз билан раисимиз бир-бирини қоронғида топган. Бир пилик, бири чироқ ёғи. Агар Михайлонинг иши сизга тушса, булбулигўё бўлиб кетади. Сиз бирор юмуш билан мурожаат қилсангиз, ўзини эшитмаганга солади. Онангизни ўқиб ташламаганига шукур қилиб изингизга қайтаверасиз. Қолхоз иши тушига ҳам кирмайди буларнинг. Михайлонинг бир оёғи бу ерда бўлса, бир оёғи Қорасувбозорда. Раисга озиқ-овқат ташиш билан овора. Бизга бундай худбин раис ҳам, ҳисобчи ҳам керакмас!

Варя шундай деб гапини тугатиши билан яна шовқин кучайди. Бир бурчакда кетмончасига суяниб, жимгина турган қария қўл кўтариб сўз сўради. (Бекир ҳозир у кексанинг кимлигини эслай олмайди.)

— Чўнтагингиздан бир мири ўмарган ҳам ўғри, уйингизни шипириб кетган ҳам ўғри. Одамзод ўғридан ҳамаша ҳазар қилиб келган. Решид билан Михайлонинг кимлиги ҳам, унга бўлган муносабатимиз ҳам ойдинлашди. Энди Решид ҳам дардини айтсин. Хонасига кириб қолсангиз, бобохўроздай томоқ йиртарди. Бугун ҳам бир гапирсин. Эшитиб қолайлик.

Мажлис қизигандан қизиб борар, одамлар вақт ўтиб бораётганини сезишмас эди. Лампанинг керосини тугаётган, пилик қизара бошлаганди.

Решид оға қалтироқ қўллари билан қалпоғини олиб қўлтиғига қисди-да, чўчинқираганча саҳна четига яқинлашди. Унинг рангида ранг қолмаган, кўзларини ердан узолмасди. Бир нарса демоқчи бўлиб ҳаракат қилди, аммо, томоғидан ҳирқироқдан ўзга овоз чиқмади. Афтидан, бўғзига нимадир тиқилиб қолган, шу боис гапира олмай қийналарди. Стаканда сув узатишди. Тишлари стакан четига тегиб тақиллади, бир қултумгина сув ютди. Ниҳоят, тилга кирди:

— Раҳм қилинглр... биродарлар... кўзим юмуқ экан... Раҳм қилинглр... Ахир болаларим... Тўртгови ҳам норасида...— Унинг лаблари

титрар, кўзлари пирпирар, тайинли гап айтолмасди. Одамлар унинг «Раҳм қилинглар, раҳмингиз келсин», деб пичирлашидан ўзга нарсани эшитмадилар.

Одам пешонаси билан деворга урилса, кўзи очилади-ю, аммо, кўп ҳолда ўзининг гуноҳлари кўринмай, бошқаларни айблайди. Амалдан ажралганлар ҳам шундай кишилар тоифасидан эди. Уларнинг барчаси Асан оғага тиш қайраб, ўч олиш учун пайт пойларди. Айниқса, обрў, мол-мулкдан ажраб, боғ қоровулига айланган Михайлонинг уни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Унинг қайнаб турган ғазабига Бекирининг ўзи гувоҳ бўлди.

Имтиҳон арафаси эди. Бекир Люба билан дарс тайёрлашни келишиб қўйганди. Аксига олиб, дадаси уни саҳарда уйғотиб, «Тегирмонга бориб кел, менинг зарур-ишим чақиб қолди», деди. Бекир ноилож бир қоп буғдойни бияга ортиб йўлга тушди. Қишлоқдан чиқиб олгач, бияга қамчи босди. От бир оз тезлаб юрди-да, кейин яна пайсаллашга тушди. Бекир отнинг одатини биларди. Қанча урсанг-да, ўзи билганча, секин, жонини койитмай юрарди. Бекирнинг жони ҳалқумига келди. Қопни елкасига олиб пиёда бориб келишга ҳам тайёр эди. Тошлоқ сўқмоқдан қоқилиб-суқилиб юраётган биянинг яғрини бу сафар қамчига зориқмади. Аксига олиб тегирмонда ҳам одам кўп. Бир қоп буғдой учун навбатда туришга мажбур бўлди. У фақатгина пешинга яқин изига қайтди. Уйига яқинлашгач айёр бия қамчи емасданоқ лўкиллаб югурди. Бекир қопни тушириб, уни отхонага боғлади. Унни ошхонага олиб кириб қўйди-да, китоб-дафтанини кўтариб кўчага чиқди. Онаси: «Тамадди қилиб ол!» деганча қолаверди. Бекир тўғри Любаларнинг боғи томонга йўл олди. Боғ ичи кимсасиз, жимжит эди. У атрофга синчиклаб назар ташлаб, ҳафсаласи пир бўлди. Люба кутиб-кутиб бошқалар билан кетиб қолганга ўхшайди. Люба унга рус тилини ўргатган эди, алгебрага уқуви йўқлиги учун ундан ёрдам сўраганди. Энди кўнглига бошқа гап келиши мумкин...

— Борька!

Бекир овоз келган томонга қаради-ю, баланд ўтлар орасида тиззалаб ўтирган Любани кўриб, кўзи яшнаб кетди. Люба қўл силкиб, уни ёнига чорлади.

— Энди келмайсан деб ўйловдим,— деди у Бекир яқинлашгач.

Бекир тегирмонга бориб келганини айтиб берди. Люба ўт устига чиройли гиламча ташлаб ўтирарди. У бугун оқ ҳарир кўйлакда, бошидаги анвойи гуллардан қилинган чамбарак унинг ҳусини янада очиб юборган эди. Дарахтларнинг чаман гуллари, осмондаги беғубор парк булутлар унинг шабнам каби тиниқ мовий кўзларида акс этарди. Бекир унга қараган сари яна қарагиси келар, юраги ҳаддан ташқари тез урар эди. Дарс мутлақо хаёлидан кўтарилган эди. У қизнинг қўлини ушлади. Люба унга кулиб қаради. Бекир қиз билан дарс тайёрлаш учун эмас, уни кўриш, у билан бирга бўлиш учун ошиққан эди. Ҳар кўрганда «Дунёдаги энг гўзал, энг ақлли қиз — Люба!» деган фикр унинг учун чин ҳақиқатга айланиб борарди. У беихтиёр қизга яқинлашди. Любанинг кўйлагини туртиб чиққан кўкраклари баданига тегди. Лаблари лабларини излаб топди. Худди туш кўраётгандек ажиб бир ҳолга тушди. Қиз ўзини бир оз орқага олиб, унга ҳам ҳайрат, ҳам ички бир қувонч билан қаради.

Уларнинг оний лаззатини, сурурли лаҳзасини Михайлонинг хириллаган овози чилпарчин қилди.

— Ҳали сенмисан, итвачча!— деди у чалғини ўқталиб яқинлашар экан.

— Дада!— Люба шундай деб қичқирганча ўрнидан ирғиб турди-да,

отасининг қўлига осилди. Кўзи қонга тўлган Михайло қизини туртиб юборди. Люба анча нарига учиб тушди. Бир жуфт тўрғай париллаб осмонга кўтарилди.

— Энди қизимни ҳам шарманда қилмоқчимисанлар, йўқ, ўнга буқани бичиб қўйиш қўлимдан келади.— У шундай деб чалғини силкитди. Бекир ўзини четга олди. Михайло бир қадам орқага тисарилламан деб йиғлаб ўтирган қизига қоқилиб кетди.

— Билиб қўй, манжалақи, агар мана шу ҳайвондан бола орттирсанг, ўзингни ҳам, итваччангни ҳам бир қилиб, мана шу дарахтга осаман!— Михайло энди бутун қаҳрини қизига сочарди. Бекир етти ухлаб тушига кирмаган ҳақоратларни Михайлодан эшитди. Чидаб туролмай ўртага тушмоқчи эди, Михайло ён томондаги ниҳолни илдизпилдизи билан суғуриб олди-да, унинг елкасига урди.

— Улдираман!

Бекир ўзини четга олди.

— Қоч, қочсанг-чи ахир, ўлдириб қўяди,— деди Люба зорланиб. Лекин, Бекир унга қулоқ солмади. Агар қочса, Михайло аламини қизидан олиши мумкин. Шунинг учун унга чап бериб, ҳали у, ҳали бу дарахтни паналарди. Ниҳоят, Люба ўрнидан туриб, бир-бир босиб уйи томон кетгач, орқасига чекина бошлади. Михайло уни анча ергача қувиб борди. Бекир боғдан чиқиб буғдойзор орасига киргач, орқасига қаради: Михайло кўринмади. У то қоронғи тунгача шу ерда ётди. Хаёлан минг кўчага кириб чиқди, кўзига неча марта ёш келди...

Шундан сўнг деярли ёз бўйи Люба билан холи кўришолмади.

Қиш ўтди, баҳор келди. Гўё ҳамма нарса ўз маромига тушиб кетгандек: колхоз аҳли тинч, осойишта ҳаёт кечирарди. Зоҳиран шундай эди. Аммо, ботинан Асан оғанинг ғанимлари ҳали ўзларини ўнглаб олишолмаган эдилар.

Қишлоқнинг сарвлар билан қуршалган гузари, одатда, оқшомлари гавжум бўларди. Кексалар тамаки тутатганларича турли мавзуларда суҳбат қуришарди. Асан оға бўш вақтини ҳамиша шу даврада ўтказарди. Аммо, Михайло ҳисобчилик қилиб юрганда бу ерга қадам босмасди. Амалдан тушгач, «бир кўнгилнинг чигилини ёзиш» баҳонасида дарага қўшиладиган бўлди. Кўп ҳам суҳбатга тортишмаса-да, Михайло суқилиб турар, айниқса, Асан оғага «Ўзинг раис бўлиш илинжида қилдинг бу ишларни, бари бир ниятингга етолмадинг-ку, энди янги раисга осиласанми?», деган қабилда илмоқли гаплар ташлаб, барчанинг ғашини келтирарди. Шунда қариялардан бири жанжалнинг олдини олиш учун ўртага тушиб: «Сен Асан оғага осилма. Сени у эмас, биз ишдан олдик. Ўзимиз сайлагандик, ўзимиз пўстагингни қоқиб қўйдик. Қилғилиқни қилганингдан кейин бурнингни жийирма. Раис икковинг колхознинг биқинини ўпириб юбордиларинг, яна ҳам раҳм қилганимиз учун раҳмат айтиб, жимгина юравер»— деб Михайлонинг попугини пасайтириб қўярди. Лекин, ҳеч ким унинг йигирма йил муқаддам қурбон ҳайити кунда жулдур кийимда, қоқ суяк бўлиб, очликдан кўзлари олайиб қишлоққа кириб келганини, «Мусофирни худонинг ўзи юборди», деб уни ювиб-тараб қорини тўйғазганлари, кийим-бош берганлари, иш билан таъминланганлари, колхоз тузилгач, саводи бўлгани учун ҳисобчилик вазифасини топширганларини айтиб, миннат қилмас эди. Асан оға билан Михайло орасидаги муносабат йиринг тортиб бораверди. Ниҳоят, ёзга чиқиб, ер қаърида яширинган кучли вулқондай отилиб чиқди.

Кийик ёз, куз, қиш бўйи Бекирларникида яшаб, барчага қадрдон бўлиб қолди. Баҳорга чиқиб тўлишди, шоирлар ғазалга солиб куйлаган даражада гўзаллашди, майсалар энди бош кўтарган маҳалда Асан оға уни ўрмонга қўйиб юборажагини маълум қилди. Бекир кийикдан сира-сира ажралгиси келмас, йиғламсираб отасига ёлборарди. Аммо,

Асан оғанинг қарори қатъий эди. «Бизнинг ўйимиз эркинлик, кенглик учун яратилган жонивор учун зиндон. У озод яшаши керак. Балки ўрмонда онасини учратар... «Отасининг бу гапидан сўнг Бекир, юраги эзилса ҳам, рози бўлди. Кийик таниқли бўлиб турсин учун унинг ўнг қулоғига тугма қададилар. Кейин ота-бола уни етаклаб булоқ бошига бордилар-да, харсанг олдида қолдириб изларига қайтдилар. Жонивор бошини баланд кўтарганича қадрдонларининг бу ишига ҳайрон бўлиб қараб турди. Сўнг кўкраги билан буталарни ёриб ўтиб, уларга эргашди. Бекирлар сал узоқлашиб қолишса, шўхлик билан сакраб етиб олар, сўнг уларнинг чақиритиларини, эркалашларини кутиб туриб қоларди. Бекир бир неча марта тўхтамоқчи ҳам бўлди. Аммо, отаси елкасига қўлини қўйиб қадамни илдамлатди. Ўрмондан чиқар маҳаллари Бекир орқасига ўгирилдию юраги орзиқиб кетди — кийик кўринмади. Балки, у қайси бир бута орқасида туриб кузатаётгандир. Бераҳмликлари учун уларни лаънатлаётгандир? Ахир уларда нима айб? Кийикни жону дилдан яхши кўришади. Лекин, ана шу муҳаббатлари эвазига жониворнинг эркинлиги, озодлигини қурбон қилишни исташмади. Кийик бунга тушунармиди...

Орадан кунлар ўтди. Кийик уйга қайтиб келмади. Ўрмонга борган одамлар Асан оғага кийикни кўрганларини, жониворнинг ҳуркмай яқинлашганини айтиб беришди. Бир куни Виктор Степаненко билан Рефат балиқ овига боришганда, ирмоқ, бўйида кийикни кўришибди. Хўраки нонлар билан кийикни сийлаб, хонбалиқсиз қайтишибди. Ов юришмаган бўлса-да, иккови ҳам хурсанд эди.

Бекир ҳам бир неча марта ўрмонга бориб кийикдан хабар олмоқчи бўлди. Аммо, отаси: «Жониворни тинч қўй, аслига қайтиб, ёввойи-лашсин, йўқса нобуд бўлади», дегач, фикридан қайтди. Бироқ, кўпчиликдан кийикнинг ўрмонда одамдан ҳайиқмай, яқин келганини эшитди дегунча истаги алангаланаверади. Охири отасидан яшириқча Любани ўрмонга таклиф этди. Люба кийикни кўрарканман, деб ўзида йўқ қувонди. Улар бир бурдадан нон, кийик хуш кўрадиган сабзидан олиб йўлга тушишди.

Бекир кийикни кўпроқ қаерда бўлишини яхши биларди. Шунинг учун катта харсанг остидан сизиб чиқувчи булоқ бошига қараб юрди. Қайинларнинг қалин шохлари қуёш юзини булут каби тўсган, ўрмон ичкарисси яшил қоронғилик чодирига бурканган эди. Уларнинг қувончлари ичларига сиғмас, қаттиқ-қаттиқ гапириб, қаҳ-қаҳ уриб кулиб, мурғак қарағай шохчаларини оралаб боришарди. Бирдан Люба тўхтаб қолди. Бекирнинг тирсагидан ушлади-да, нигоҳи билан рўпараларини кўрсатди. Бекир ҳам кийикни кўрди. Ҳа, бу ўша кийик. У харсанг устида турар, ўнг тўёғи билан тошга уриб-уриб қўярди. Кийикнинг бу туриши ажиб санъат асарини эслатарди.

— Кийик, кийикжон! — деди Бекир қувонч билан.

Кийик таниш овоздан хурсанд бўлибми, худди рақсга тушгандай типирчйлаб қолди, сўнг орқа оёқларига тиралди-да, ўзини олдинга отди. Бекир билан Люба йиқилиб майиб бўлмасайди, деб қўрқиб кетишди. Шукурки, ерга енгил қўнди. Кийик яна бир неча марта сакраб, уларнинг қаршисига келиб тўхтади-да, илиқ, ҳўл тумшугини Бекирнинг кафтига суртди. Жонивор хурсандликдан бир зум тинч турмас, Бекирге сурканар, ирғишларди. Бекир билан Любанинг шодликлари ҳам беҳад эди. Улар кийикни силаб-сийпалашар, олиб келган нарсалар билан уни сийлашарди, ўпиб ҳам қўйишарди.

Улар оқшомга қадар ўрмонда сайр қилишди. Люба гул териб, иккита чамбарак ясади. Лолақизғалдоқдан ясаганини ўзи олди. Сарик қоқигулдан ясаганини Бекирге берди. Бекир қаламгароши билан сурх новдалардан турли шакллар ясаб, худди рицарларга ўхшаб ярим тиз

чўккан ҳолда уларни қизга узатарди. Кийик эса бу икки бахтиёрнинг изидан қолмасди. Ниҳоят, Люба ўрмондаги барча тур гуллардан бир чамбарак ясади-да, кийикнинг бўйнига илиб қўйди... Шу тобда улар ўзларини дунёдаги энг бахтиёр одамлар деб ҳис қилар эдилар. Айни пайтда уларнинг қалби ҳар қандай жирканч туйғулардан холи — муҳаббатга мойил бу икки юрак энг покиза туйғулар билан тепарди. Дарвоқе ўз шодлиги гулобидан маст бўлган бу икки ёш бахт билан кулфатнинг изма-из, юришини хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Афсуски, уларга кулфат узоқ куттирмади. Кийикнинг бўйнига илинган чамбаракдаги гуллар қуримай етиб келди...

Бир неча кундан сўнг ўрим бошланди. Бу йил ҳаво яхши келиб, кутилгандан ҳам мўлроқ ҳосил етилди. Юқори синф ўқувчилари ҳам катталар ёнига кириб, даладан бери келмай қолишди. Бекир тонгда отаси билан далага келар, қоронги тушганда силласи қуриб қайтар, баъзан овқатга ҳам қарагиси келмай, ухласам дерди.

Бир кунни саҳарда, энди нонушта қилиб бўлишган ҳам эдики, эшик тақиллади. Дам ўтмай ташқарида болаларнинг шовқини эшитилди. Эшик очилишини кутмай, уларнинг бири олиб бири қўйиб:

— Кийикнингиз деворда осиглиқ турибди, — деб қичқирди.

— Қанақа деворда? — деди Асан оға уларнинг шовқинига тушунмай.

— Михайло амаки кийикни сўйибди...

— Терисини деворга осиб қуритяпти...

Асан оға тез-тез юриб чиқиб кетди. Онаси Бекирнинг елкасига аста туртиб: «Сен ҳам бор» дегач, отасига эргашди. Дарҳақиқат, Михайлонинг ёғоч панжарасига кийик териси ташланган эди. Михайло «Бу хабар Асан оғага тезроқ етиб борсин», деган мақсадда тугма тақилган қулоқ тарафини атайин кўча томонга қаратиб қўйган эди. Ўзи ярим яланғоч бўлиб олиб, хотиржам бир мақомда экинларнинг тагини юмшатарди.

— Қани, бери кел-чи, — деди Асан оға ғазабдан титраб. У ўзини туттишга ҳарчанд уринмасин, овози панд бериб қўйди. Михайло кетмончасини четга қўйиб, шошилмай, гашга тегадиган даражада лапанглаб юриб келди. Унинг кўзида, юришида ўзига ишонч, қилган ишидан мамнунлик ҳисси сезилиб турарди.

— Нима, гўштга келдингми, дейман-а, агроном. Бир оз кеч қолдинг. Ичак-чавоғини ҳам ит еб тугатди...

Асан оғанинг томоғига нимадир тиқилди. Михайлонинг жағига мушт туширганини ўзи ҳам сезмай қолди. Михайло орқага қалқиб йиқилай деди-ю, аммо, ўзини ўнглаб олди. Айиқ каби лапанглаб Асан оғага ташланмоқчи бўлди. Аммо, Асан оға ўзини четга олиб, яна бир мушт туширди. Михайло тишини гижирлатганча қўлларини чўзиб Асан оға томон бостириб келаверди. Бу орада остонада хотини пайдо бўлиб, қўшнилари ёрдамга чақира бошлади. Михайло эса бир ҳамла билан Асан оғани бўғиб олди. Асан оға ҳарчанд ҳаракат қилмасин, унинг чангалидан қутўлолмади. Бекир отасига ёрдам бериш учун Михайлонинг белидан тортар, қўлига осилар, лекин, чайир қўлларни қимирлатишга ҳам мажол итмасди.

— Нари тур, итвачча, худди қўшмазор қиламан! — Михайло шундай деб, Бекирни тешиб юборди. Бекир гандираклаб бориб ўтириб қолди. Кейин қўлига тош олиб Михайлонинг бошига бор кучи билан урди. Хириллай бошлаган Асан оға Михайлонинг чангалидан қутулди. Михайло бир оз гангиб турди-да, кейин кутилмаганда Бекирнинг юзига қаттиқ тарсаки тортиди. Бекир бир неча қадам нарига учиб тушди. Уни кимдир турғазди. Кимдир нимадир деди. Кейин отаси яқинлашди. Шунда ҳам Бекир талмовсираб тураверди...

Шу ердан тўғри далага кетишди. Отасининг қовоғи очилмади. Йўлда учраганларнинг саломига бош ирғаб қўя қолди. Михайло ниятига етган эди. У кийикни эмас, балки Асан оғани тириклай сўйганди. Бекир отасининг аҳволига тушгани учун ҳам уни гапга солмади.

Люба бир неча кун далада кўринмади. Бекир уни кўриш илинжида кўчасидан ботма-бот бесамар ўтди. «Отасини урганим учун хафа бўлдимикин? Урмасам отамни ўлдириб қўярди-да. Отамни эмас, бошқа сдамни бўғаётган бўлса ҳам шундай қилардим... Ё касал бўлиб қолдимикин?» Бекир Любани ҳоли учратиб, воқеани тушунтиришни истарди. Бир куни таниш кўчадан ўтаётганда Любанинг синглиси кўринди.

— Мана, Люба берди,— деди у буклоғлиқ қоғоз узатиб.

Бекир қоғозни шошиб очди. Любанинг хати. «Борька, эртага эрта-лаб эски тегирмон олдига кел. Л.»

Қишлоқнинг кунчиқар томонидан оқиб ўтувчи зилол сувли Светлий дарёси бўйлаб кимсасиз тошлоқ сўқмоқдан юқорилаб юрилса, ялангликка чиқилади. Катта харсанглар билан ўралган кўл ўрни қадимда тегирмон бўлган. Баҳорда сел тошларни суриб кетгандан кейин тегирмонни бежавотирроқ жойга қуришган. Ҳозир бу ерга гоҳи-гоҳида фақат болалар келишади. Катталар деярли қадам босмайди. Бекир ўзи кашф этган тош арслон устида ўтириб Любани кута бошлади. Қуёш кўтарилиб, унинг нурлари тиниқ сув устида жилва қилди. Нариги тош устида Бекирга ҳайрон тикилиб турган қурбақа сувга шўнғиди. Кўлнинг нариги бетида қизил кўйлак кийиб олган Люба кўринди. У Бекирга қараб жилмайиб қўйди-да, кўйлагини ечиб ўзини сувга отди. Бир оздан кейин Бекирнинг рўпарасидан чиқди:

— О, халоскорим, мен бечора сув парисига раҳм қил. Сув остидаги саройимда қийналиб кетдим. Совуқ бадан-баданамни тешиб юборди. Мени қуёш нури билан чароғон дунёга олиб чиқ,— деди у кулимсирашга ҳаракат қилиб. Лекин, жилмая олмади. Қалбини қийноққа солаётган ғам унинг юзига қалқиб чиқди.

— Тезроқ чиқа қол, ростдан ҳам совқотиб кетдинг,— деди Бекир унга қўл узатиб.

Люба Бекирнинг қўлидан маҳкам ушлади-да, уни пастга тортди. Бекир ўзини тутиб қололмай сувга шўнғиди. Сув юзасига чиқиб қараганда, Люба қирғоқдаги харсанг устида турар, тинмай куларди.

— Шунча кундан бери қаерда эдинг?— деди Бекир сувда турганча.

— Шу ерда.

— Шу ерда?! Бу ерда нима қилдинг?

— Хаёл сурдим. Ҳаёт ҳақида ўйладим. Уйлашга арзирли сабаб йўқми ё?

— Бор,— Бекир шундай деб қирғоққа чиқди. Кийимларини сиқиб офтобга ёйиб қўйди-да, тиззасини қучоқлаганча офтобга орқасини қилиб ўтирди. Сочларидан сувни сидириб, Люба яқинлашди. Баданидаги томчилар қуёш нурида ялтиллади. Люба Бекирнинг чанқоқлик билан тикилиб турганини сезиб, масхараомуз жилмайди. Бекир ноқулай аҳволга тушиб, тескари қаради. Люба унинг ёнига ўтириб, юзини унинг елкасига қўйди.

— Мендан хафа бўлма,— деди у деярли шивирлаб,— мени кечир, хўпми?

— Нимага? Кечиримни мен сўрашим керак-ку?

— Йўқ, мен айборман. Ҳа, ҳаммасига ўзим айборман. Агар айбимни билсанг, ҳеч қачон кечирмайсан!— Люба шундай деб ўрнидан туриб кетди. Бекир унинг гапларига тушунмай ҳайрон бўлиб қолди.

— Ҳар қандай ёмон иш қилган бўлсанг ҳам кечираман. Истасанг, қасам ичай.

— Йўқ, керакмас. Ишонаман. Мен... Мен... ўрмонга, кийикнинг олдига борганимизни уйда айтмаслигим керак эди.

Люба йиғлаб юборди. Бекир ўрнидан туриб, унинг елкаларини ушлади. Люба ўгирилиб, унинг бағрига кирди. Офтоб нуриданми, ҳар нечук, икковининг баданига иссиқ ўтди.

— Нима қилсам кечирасан, айт.

— Фақат менга ишонсанг бўлди. Ундан кейин «қуёш нури билан чарогон дунёга» тез-тез келиб тур.

— Бирга юришимизни отанг билладими?

— Бутун қишлоққа маълум-ку, отам билмайдими?

— Мен бошқача маънода сўраяпман. Сенинг бу ишинг учун уришмайдими?

— Ҳар ҳолда, хурсандлигини сезмайман. Аммо, сўкмайди ҳам. Мен қадамимни билиб боса оладиган ёшга етганман. Шунинг учун отам эрк бериб қўйган.

— Менинг отам эса... мени сен билан яна бир марта кўрса... Сени икки-уч кун кўрмасам жинни бўлиб қолай деяпман...

Бекир ҳам ўтган кунлар ичи ит азобида юрганини айтмоқчи эди, аммо, тили гапга айланмади. Люба меҳр билан унинг жингалак сочларини силади. Бекир худди боғдаги каби қизнинг лабидан ўнгиси келди, бироқ, журъат этолмади. Фақат бармоқлари билан лабини силади, кейин қучди. Сўнг кимдандир чўчигандек, ўзини орқага олди. Соҳилга келди. Ўйлаб ўтирмай сувга шўнғиди. Бир оздан кейин қўлида балиқ билан юзада кўринди.

— Люба, қара!— деди у типирчилаб сув сачратаётган балиқни баланд кўтариб.

— Ахир бу менинг олтин балиғим-ку,— деди Люба қирғоққа югуриб келиб.— Сув парисига айланган пайтимда, у билан бирга сузаман. У бўлмаса сув ости саройимдан файз кетади. Қўйиб юбор, у менинг тилагимни бажаришга ваъда берган.

Бекир қўлини пастга тушириб панжаларини бўшатди. Балиқ бир зумда сув остига шўнғиди.

— Ундан нима тиладинг?— деб сўради Бекир қирғоққа яқинлашар экан.

— Бахт...— деди Люба ўйчан тарзда сувга тикиларкан.

— Бахт?! Бахтнинг ўзи нима?

Люба унга қараб «Ўзинг билмайсанми?» дегандек кулимсиради:

— Бирга бўлиш... Айрилиқсиз яшаш...

«Тўғри,— деб ўйлади ўзича Бекир,— Любасиз қандай бахтли бўлишим мумкин?..»

«Диққат қилинг, яна бир неча дақиқадан сўнг самолётимиз Симферополь аэропортига қўнади. Ўз жойларингизни эгаллаб, камарларни боғлашингизни сўраймиз». Стюардессанинг овози Бекир Асановичнинг хаёлларини тўзатиб юборди. Пешонасини иллюминаторнинг совуқ ойнасига тираб пастга қаради. Уфққа бориб туташган қўнғир ранг ер адоғида оппоқ туз кони бошланади. Худди катта майдонга пахта ёйиб қуриштираётганга ўхшайди. Бу — Қора денгизнинг қаҳрли қўриқчиси Сиваш. Бу оппоқ текисликнинг у ер-бу ерида кўлчалар жимирлайди. Самолёт бир ёнга шўнғиб айлангач, Қора денгизнинг бир тутами кўринди. Кейин атрофдаги оққа беланган чўл ҳам, денгиз ҳам кўринмай қолди. Самолёт тоғ чўққилари орасида паноҳ излагандай аста айлана бошлади. «Чодир тоғ» деб кўнглидан ўтказди Бекир Асанович. Бир маҳаллар Пушкинни ҳам ҳайратга солган ажиб ер бу. Пушкин қайси бир шеърида Чодир тоғда ўрмоннинг ҳам, ҳатто қояларнинг ҳам жони бор, деб таърифлаган эди. Ниҳоят, самолёт пастлаб, шаҳар кўринди. Симферополь! Боғларга бурканган шаҳар. Уртадан кўзни жимирлатиб

кичик дарё оқиб ўтади. Вожаб, ахир бу Салгирку! Бекир Асанович гўдаклик чоғида «Мени қаёқдан сотиб олгансиз?» деб сўраганда, она-си уни эркалаб «Сени Салгирдан тутиб олганман», дерди. Шу дарё билан ёнма-ён қурилган йўл юқорилаб, тоғ бағрига сингиб кетган.

Самолёт гилдираклари ерга тегиб бир титради. Бу гўё Бекир Асанович қалбида ғалаён бошлаётган ҳаяжоннинг аланга олишига туртки бўлди. У тезроқ тургиси, аждодларининг ҳоки билан мўътабар ва табаррук бўлган ерга тушиб, тупроғини кўзига суртгиси келарди. Стюардессанинг «Эшик очилиб, зина берилмагунча қўзғолманглар», деб жаврашига қарамай, у ўрнидан туриб кетди. Ён-атрофдагилар «Бу киши мунча бетоқат экан», деб норози қиёфада бош чайқаб қўйдилар. Йиллаб ота юртида бўлмаган одамнинг ҳаяжонини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Бекир Асанович эшик очилиши билан шошилиб ташқарига чиқди. Юзига нам, айни чоқда, илиқ, таниш ҳаво уфурди. Кўксини тўлдириб нафас олди. Юрагидаги ҳаяжон бу ҳавога қўшилиб, вужудда соғинч ҳиссини уйғотди. Маст одамдай боши айланди. Бўғзига нимадир тикилди. Чўнтагидан рўмолча олиб кўзларини артди-да, илдам пастга тушди.

Аэропорт биносидан ўтиб тўғри такси тўхтайдиган майдончага борди. Одам кўп. Қуёш худди Тошкентдагидек қиздиради. У саквоажини ерга қўйиб, кулранг пиджагини ечди-да, навбати яқинлашишини кута бошлади.

— Фарғона, Андижон, Самарқанд борми?

Бекир Асанович она тилида айтилган бу сўзларни эшитиб тушунмади. Қўлида калит ўйнатиб келаётган қора кўзойнакли йигитга қаради.

— Бухоро, Тошкент, Чирчиқ...— деди у Бекир Асановичга яқинлашгач.

— Мен Тошкентданман,— деди Бекир Асанович.

— Хуш кўрдик, қаерга борасиз?

Бекир Асанович қишлоқнинг номини айтди.

— Дам олгани келдингизми, ё бутунлайми?

— Униси ҳам, буниси ҳам эмас. Зарур иш билан келдим.

— Биз курортчиларни олиб юрмаймиз. Бензинини етказиб бўлмайди.

— Олиб бориб қўйсангиз, ҳар ҳолда хафа қилмас эдим...

— Сиз мени тушунмадингиз. Мен хизмат ҳаққи олмайман. Бутунлай кўчиб келаётганларга шунчаки холис хизмат қиламан.

— Шундай денг. Савобнинг тагида қолар экансиз-да.

— Хўп, манзилингизга яхши етиб олинг.— Йигит шундай деб нари кетди.— Бухоро, Самарқанд, Андижон... борми?

Бекир ўтирган машина дам ўтмай кўчанинг тинимсиз оқимида қўшилиб кетди. Деразадан уфуриб кираётган мусаффо ҳаво унга хуш ёқди. Урушдан кейин қайта қурилган темир йўл бекати орқали Ленин хиёбони ёнидан ўтишди. Асан оғанинг айтишича, хиёбон ўрни илгари қаровсиз ер бўлган, Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари шаҳар аҳлининг истағи ва меҳнати билан хиёбонга айланган экан. Қишлоқ хўжалиги институти талабаси бўлган Асан оға ҳам ўша йиллари ҳам-курслари билан ниҳоллар ўтказган. Демак, дарахтларнинг бир нечасини отаси эккан. Бекир Асанович хиёбонга суқланиб тикилар экан, қайтар маҳали сайр қилишни дилига тутиб қўйди.

Машина шаҳарнинг серкатнов кўчаларини ортда қолдириб, қафасдан бўшаган қушдай енгил тортиб, тезлигини оширди. Бекир Асановичга ҳаво янада мусаффолашгандек туюлди. Йўл дарё соҳили бўйлаб юқорилагач, Бекир Асановичнинг юраги ўртанди. Дарё уларнинг қишлоғидан ўтади. Демак, яқин орада машинадан тушиб озгина пиёда юри-

ши керак. У ҳайдовчидан «етай дедимми?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, дарров фикридан қайтди. У хотираларини тиклаб, тушиш ерини ўзи топмоқчи бўлди.

Асфальт тугаб, тош ётқизилган йўл бошлангач, у беихтиёр «Тўхта-тинг», деди. Машина бир силкиниб тўхтади. Бекир Асанович тушгач, яна ғувиллаганча кескин илгарилаб кетди.

Бекир Асанович саквояжини йўл четидаги майсага қўйиб, устига пиджагини ташлади. Галстугини бўшатиб, тамаки тутатди, босиб-босиб тортди. Қуёш уфққа аста бош қўярди. У энгашиб саквояжини олди-да, «бисмилло» деганча қишлоқ сари қадам босди. Отаси худога ишонмаса-да, ҳар иш бошлангандан илгари беихтиёр «бисмилло» деб қўярди. Унинг бу одати Бекир Асановичга ҳам ўтган.

Қишлоқда бирон кимсани таний олармикин, уни биров танирмикиё? Умуман, бир хат деб шундан шунга келиб тўғри қилдими? Шу хат баҳона бўлмаса, юртига қачон келарди? Йўл қисқариб борган сари, у шу каби саволлар оғушига кўмилиб борарди.

Узоқда тутун кўринди. Кимдир гулхан ёқяпти. Итларнинг вовуллаши, сигирларнинг маъраши эшитилди. Дарё ёқасида адл тераклар аскарлар каби саф тортиб турибди. Чамасида, илгари дарё соҳили бўш эди. Йўқ, бор эди, фақат бундай катта эмасди. Урушдан сал илгари экилганди бу тераклар.

Рўпарасида бир гуруҳ йигит-қизлар кўринди. Табиийки, Бекир Асанович уларни, улар эса Бекир Асановични танишмади. Нотаниш кишига ҳайрон бўлиб қараб ўтишди. Бекир Асанович кимникига боришни билмасди. Оёқларига эрк берди. У беихтиёр ўз кўчасига бурилди-да, уйига рўпара бўлгач, тўхтади.

Тош девор бузилиб, тахтачалардан панжара қилинибди. Ўзи эккан олма қуриб қолган бўлса керак, ўрнида бошқа ниҳол шабадада тебрани турибди. Бекир Асанович пастак эшикка суянганича туриб қолди. Томоғига нимадир қадалди. Ҳаяжонланиб, эшикни қаттиқ ушлаганидан бўлса керак, панжалари оқариб кетди. Нигоҳи ҳовли бўйлаб югурди. Кўп нарса ўзгармаган. Уй, ҳовли аслидай турибди. Лекин... назарида ҳовли торайганга ўхшайди. Уй ҳам чўккандай. Сарой эса бир томонга оғиб қолгандай. Йе, ана, эгарсифат харсангнинг ярми ерга ботибди. Отаси бу тошга ўтириб олиб тирсагини тиззасига тираганича хаёл суришни яхши кўрарди. Кундузлари эса Бекир отасига тақлид қилиб бу тош эгарда узоқ ўтирарди.

Ичкарида чироқ ёниқ. Дераза пардаси ортидан кимнингдир сояси кўринади. Бекир Асановичнинг юраги орзиқиб кетди. Назарида ота-онаси ухламасдан уни кутиб ўтиришгандай бўлди. Ҳа, ҳа, худди шундай: гўё улар кимдандир жигаргўшаларининг қайтаётганини эшитганлар, энди дастурхон тузаб йўлига нигорон бўлишаётгандай. Худди тўгарак стол атрофида ўтириб, кеч бўлиб қолганига қарамай қаҳва ичишаётгандай. Бекир Асановичнинг димоғига қаҳва билан чебурек ҳиди урилгандай, болалигига қайтгандай бўлди. Кўзларини юмиб беихтиёр инграб юборди. Кейин уйдаги чироқ ўчиб қолишидан қўрққандай шовиб кўзини очди... Эгнига ювилавериб охори тўкилган гимнастерка, бошига қорақўл телпак кийган отасини кўрди. Ҳорғин, миннатдор нигоҳида қувонч порлаб турган онажонини ҳам кўрди. Ҳозир онаси уни бағрига олади. Чебуреклар билан сийлайди. Отаси эса қанди қисқич билан майда бўлақларга бўлиб, хотиржам қаҳва ҳўплайди. У табиятан оғир одам. Ўғлининг ҳордиқ чиқаришини, сўнг кўрган-кечирганларини бир бошдан ҳикоя қилишни тоқат билан кутади. Дастурхон устида оқ пишлоқ. Онаси қўйни соғиб, Бекир учун махсус тайёрлаган. У ўғлидан кўз узмайди. Тўйиб-тўйиб тикилади...

Тонгда эса Бекир барвақтроқ туради. Саройга кириб отасининг

дулдулини олиб чиқади. Йўқ, аввал ҳовучини арпага тўлдириб отга тутади. От Бекирни таниб, пишқириб қўяди. Бу орада отаси ҳам уйғонади. Тиззаси уринган галифе шимини кийиб, елкасига сувори аскарларнинг шинелини ташлаб олган Асан оға «ўғлим отга эгар уришни унутмадимикин», деб унинг ҳаракатларини кузатади. Бекир эса чаққонлик билан отга минади-да, елдириб кетади. Кенг далаларни айланади, булоқ бошига боради. Кейин қайтиб келиб, терга ботган отни эгардан бўшатади...

Бир нафаслик бу хаёл оқими Бекир Асанович қалбидаги соғинч ҳисларини янада ўт олдириб, бағрини куйдирди. Шу ўт азобиданми кўзи ёшланди. У дарҳол хаёлларини жиловлаб, тунукадан ишланган почта қутисини тақиллатди.

Эшик ғичирлаб очилди. Оқ рўмол ўраган аёл кўринди. Чиндан ҳам аёл онасига ўхшарди. Бекир бақириб юборай деди.

— Ким у, нимага бегонага ўхшаб тақиллатяпсиз, киравермай-сизми?

Аёлнинг овози ҳам Бекир Асановичга таниш туюлди.

— Бегона деса ҳам бўлади, мен мусофирман.

— Мусофир?!— аёл шундай деб панжара сари юрди. Қадди дол, ўнг оёғи хиёл оқсоқ аёлни Бекир Асанович, ниҳоят, таниди.

— Варя хола, салом!— деди-да, илгакни кўтариб ичкари қирди.

— Уғлим, сизни таний олмаяпман-ку?— деди кампир унинг юзига тикилиб.

— Мен Бекирман, Асан оғанинг ўғлиман, энди танидингизми?

— Вой худойим, Бекир?!— у шундай деб Бекирнинг юзини кафтлари орасига олиб кўзига тикилди, кейин бағрига босди-да, пиқиллаб йиғлаб юборди.— Тушимми, ўнгимми, нариги дунёдан келяпсанми, сени...

— Деярли у дунёнинг остонасига бориб келяпман,— деди Бекир кулимсираб.

— Вой, нимага қаққайиб турибмиз, қани, уйга кир, ёруғда дийдорингга бир тўйиб олай...— У шундай деб рўмолининг учи билан кўзларини артди-да, бир оз букчайиб, оқсоқланганча йўл бошлади.

— Киравер, ўғлим, баъзан ёши ўтган қушлар ҳам манзилига етолмай нобуд бўлади. Қушчалар эса улғайиб, қадрдон юртини топиб келади.

Ичкарига кириши билан кўзи тўрдаги таниш жавонга тушди. Жавон ўрнидан жилмаган. Унинг ўнг томонидаги деворга суратлар осилган. Бекир Асанович сарғайиб кетган суратлар томон юрди. Варвара Петровнанинг қариндош-уруғи йўқ эди, кимнинг суратлари экан, деб қизиқди. Таниш суратларни кўриб, савол назари билан кампирга қараб қўйди.

— Ҳаммасини альбомларингдан олганман. Даданг раҳматлик битта чамадонни фашистлардан беркитиб кўмиб қўйган эди. Немислар кетгандан кейин очсам, ичида шу альбом бор экан. Кўзимнинг олдида турсин, деб осиб қўйдим.

Варвара Петровна дастурхон тузашга киришди.

Бекир Асанович суратларга бир-бир тикилиб, таниш чеҳраларни излади. Манави бир гуруҳ одамлар — ҳамқишлоқлари, олдинда яланг оёқ болалар. Энг четдагиси — Бекир. Уртадаги сурат Бекир Асановичнинг ота-онасиники. Асан оға ҳарбий кийимда, қилич ушлаб ўтирибди. Мўйлови Будённийникига ўхшайди. Нозик ниҳол бўлган онаси эса эрининг елкасига қўлини қўйиб, мамнун боқиб турибди.

— Худога шукур, тирик экансан,— деди кампир патнисда қандқурс олиб кириб,— сен билан бирга олиб кетилган йигитларнинг биронтаси ҳам қайтмади.— У ўтириб, Бекирга чой узатди.— Отангни геста-

почилар олиб кетишгач, онангни ҳам ҳайдашди. Ушандан бери мен уйингларда турибман.

— Варя хола, отамни нима учун ўлдиришди?

— Фашистлар бизга ҳисоб беришармиди? Билишимча, отанг партизанлар билан яқин алоқада бўлган. Уларга озиқ-овқат етказиб турган. Изига тушиб, кечаси бостириб киришди. Қўйлақчан аҳволда олиб кетишди. Шовқинни эшитиб югуриб чиқдим. Онанг бир аҳволда, тошдай қотиб турибди. Қулоғига гап кирмайди. Ундай десам ҳам кўнмайди, бундай десам ҳам. Шу кўйи тонггача кўзини эшикдан олмади, бечора. Эрталаб қишлоқ оқсоқоли билан фашистларнинг икки ялоғи келиб «Эринг бизга душман экан, яхшиликча қишлоқдан қорангни ўчир», дейишди. «Аёл боши билан қаёққа боради? Шу ғамнинг ўзи ҳам етарли унга» деб ялиндим ҳам бўлмади, гапимга қулоқ солишмади. Земи не бечора уларга ялинмади ҳам. Фақат «Саройга кўмилган буюмларимни олволай», деб сўради. Полицейлар бир-бири билан муғомбирона кўз уриштириб олишгач, рухсат беришди. Земинега эргашиб улар ҳам саройга киришди. Бу итвачалар саройга тилла кўмилган, деб ўйлашганда. Земи не ерни қазиб, чамадонни кўтариш билан, полицейлардан бири уни қўлидан юлқиб олди. Иккинчиси ҳам чамадонга ёпишган эди, қопқоғи очилиб, ичидаги қоғоз-дафтарлар билан бир чарм халта ерга тушди. Бир ёқдан оқсоқол, бир ёқдан икки полицей қутурган ит каби чарм халтага ташланиб, бир-бирини бўралаб сўка кетишди. Агар халтанинг оғзи очилиб қолмаганда, қирпичоқ бўлиши ҳеч гап эмас эди. Хуллас, халтачанинг оғзи очилдию ичидан буғдой тўкилди. «Олтин» деб ўйлаб талашганлар гаранг бўлиб қолишди. Сўнг қоғозларни тепкилаб «ҳой алвасти, нимага бизни гангитасан», деб Земи не бечорани сўка кетишди. Онанг эса мийиғида кулиб қўйиб, чўнқайганича буғдойни битталаб териб халтачага солди. Дафтарни ҳам олди. Бошидаги рўмолни ечиб, халтача билан дафтарни авайлаб ўради. Мени кучоқладию бир оғиз сўз ҳам айтмай ҳовлига йўналди. Орқасига ўгирилиб ҳам қарамади. Мен «Қаёққа?» деганимча қолавердим. Уйни бутунлай талаб кетишмасин деб, кунда неча маҳал чиқиб уйдан хабар олиб турдим. Дугонам бари бир қайтиб келади, деб кутдим. Кейин кўчиб чиқдим. Сабр таги олтин деганлари шу экан. Кутганларим зое кетмади, худога шукур, сени кўрдим... Ҳасрат тўрвасини очиб юбордимми, сен менга қарамай чойингни ичавер, ол, тортинма.

— Оқсоқол эсимда, полицейлардан ким келди?

— Бири Мурод эди, иккинчиси...

— Михайло эмасми?

— Йўқ, у эмас, бошқаси, бегона эди. Михайло полицейларга қўшилиб сенларни ҳайдаб олиб кетгандан сўнг қишлоқ то озод бўлгунча ҳам кўринмади. Фашистлар қочгандан кейин у ярамас қамалиб чиқишга ҳам улгурди. Қамоқдалигида хотини узилди. Чиқа солиб ёшроғига уйланди. Ҳозир ундан иккита боласи бор. Ҳали ҳам тўнғиздай кучли. Ҳеч ўзгармаган. Фақат одамларга бақирмайди. Қизи эсингдадир, Любана, ораларингдан қил ҳам ўтмасди...— Кампир шундай деб Бекир Асановичга ўғринча қараб олди. Бекир Асанович эсимда дегандек бош ирғаб, совуб қолган чойдан хўплади.— Ҳозир Любана машхур звено бошлиғи. Лавлаги етиштиришда унга етадигани йўқ. Вера эса бу йил мактабни тугатди.

Бекир Асановичнинг қўлидаги чашка тушиб кетаётган деди. Столга чой тўкилди. Кампирга қаради. Вера хола иягини кафтлари орасига олганча унга хаёлчан тикилиб ўтирарди.

— Қайси Вера?— деди Бекир Асанович гап ким ҳақида кетаётганини билса ҳам.

— Э, ўғлим-а,— деди кампир хўрсиниб,— қайси бўларди. Любананинг қизи-да, яъни сенинг қизинг.

Бекир Асанович кампирга қараб турди-да, стулга суянганча кулиб юборди.

— Кулма, кулгинг нимаси,— деди кампир таъна оҳангида,— Любана уни не азоблар билан катта қилганини билганингда, кулмас эдинг.

— Вера хола, нималар деяпсиз, бундай бўлиши мумкин эмас ахир!

— Нимага энди «бўлиши мумкин эмас», дейсан. Дон олишиб юрганларингни билмайманми?— деди кампир меҳмоннинг елкасига қўлини қўйиб, кўзига тикиларкан.

— Тўғри, аммо, биз фақат дўст эдик, ҳали гўдак эдик...

— Гўдак бўлсанг бўлгандирсан. Аммо, ўзларингга гўдак орттиргансанлар.

Бекир Асанович бўғилди. Чашкани нари суриб қўйди.

— Жаҳлинг чиқмасин. Сенга онанг қаторидаман. Мен айтмасам, бошқалар айтади. Любана кимдан ҳомиладор бўлганини бутун қишлоқ билади. Любана ҳам яширмайди буни. Ҳамма сени ўлиб кетган деб ўйларди. Э, ораларингдаги муҳаббат каттаю кичикка маълум эди.

— Йўғ-е, мен ҳеч ким билмайди, деб юардим.

— Жуда ҳам соддасан-да. Михайлонинг ғазабга минишига ҳам ораларингдаги муносабат сабаб эди-ку. Яхши ҳамки, Любананинг кўзи ёриганда, у тўнғиз қамоқда эди. Йўқса, қизни бир бало қилиб қўярди.

Бекир Асанович чўнтагидан сигарет чиқариб эзганча кампирнинг сўзи тугашини кутиб турди. Чекиш баҳонасида ташқарига чиқмоқчи эди.

— Шу ерда чекавер, ўғлим, мана кулдон. Бу уйдан анчадан бери тамаки ҳиди келмайди. Чекавер,— деди кампир.

Бекир Асанович бир-икки тутун бурқситиб, гапни бошқа ёққа буриш учун «Ўзбекистондан кўпчилик қайтяптими?» деб сўради.

— Белогорск, Богатийда, Первомайскда кўп дейишади. Яхши уй сотиб олишган, хусусий машиналари бормиш. Қадрдон ерлари торган-да.

— Бизнинг қишлоққа биринчи бўлиб мен қайтибман-да!

— Йўқ, ўғлим, биринчи сени эмассан. Етти йилча илгари Мемет-мўмин кўчиб келган. Тракторчи йигит, эсингдадир. Ҳаммани тракторчиликка ўргатарди. Бир куни кечқурун молхонага кетаётиб учратиб қолдим. Қўлида чамадон. Аввалига танимадим. Мемет ҳам мени танимади. У пайтларда автобуснинг тайини йўқ эди. Бечора ўтгиз чақирим йўлни пиёда босиб келаётган экан. Тўғри уйга бориб эшикни тақиллатди. Уй бекасига «Мен шу ерда яшардим. Бир-икки кун туриб кетай», деди. Бека тушмагур шартта эшикни ёпиб олди. У яна тақиллатди. Шунда хўжайин милтиқ ўқталиб чиқиб, бўралаб сўкди. Қарасам, жанжал кўтариладиган. Уни шу уйга бошлаб келдим. Шу столда ўтириб бошидан ўтганларини йиғлагудек бўлиб айтиб берди. Эртасига яна уйга бориб хўжайинни чақирди. Ҳар қалай, у бу сафар милтиқсиз чиқди. Мемет — мўмин «Уйнинг девори орасига тилла яширганман, кел, яхшиликча бўлишиб олайлик» дебди. У яна дарғазаб бўлиб Мемет бечорани ҳайдаб солди. Мемет индамай кетаверди. Эртасигаёқ у эси паст бола-чақасини ишга солиб уйни бузди. Пойдеворларигача кавлади. Аҳмоқлигини қара, колхоз унга бошқа уй бермагач, кўчиб кетди... Гапиравериш бошингни гаранг қилиб юбордимми? Чарчагандирсан, ҳозир жой солиб бераман.

— Варя хола, саройда пичан йўқми? Ешликни қўмсаепман.

— Хоҳишинг.

Тун ярмидан оғди, кўзига уйқу келмади. Томга пичан тўшаб, қўлини ёстиқ қилиб ётган Бекир Асанович осмон сеҳрига берилган эди. Тўлин ой атрофига нузли доира тортиб, юлдузлар чаманида оҳишта

сузади. Пичан ҳиди димоқни қитиқлайди. Осмон Тошкентда ҳам худди шундай кўринади. Сира фарқи йўқ. Ана, Қатта айиқ, Сомон йўли... Фақат бу ерда юлдузлар тиниқроқ кўринади. Қаердадир чигиртка чириллайди. Шабада турди, сарой эшиги ғийқиллади. Бекир Асановичнинг кўз олдига соч тараётган онаси келди. У фарқини тўғри очиб, турмаклади-да, ўғлига қараб жилмайди. Кейин олма дарахтига яқинлашиб, оёқ учиди турди-да, мевасидан узиб олмоқчи бўлди. Аммо, шох синиб кетиб қип-қизил олмалар дув тўкилди. Олмаларнинг бирига «Люба», бирига «Любахон», яна бирига «Любана» деб ёзилган. Яланг-оёқ, йигитча ёшидаги Бекир эса олмаларни териб олишга ошиқади. Бироқ, қайдандир пайдо бўлган шохли кийик уни туртиб, теришга йўл қўймади. Олмаларнинг бирига «Гулсум», бирига «Лиля», яна бирига «Гуля», деб ёзиб қўйилган...

Кўшни ҳовлида хўроз қичқириб, Бекир Асановични уйғотиб юборди. У жун чойшабни қўлтиқлаб пастга тушди. Варя хола унга гулдор сочиқ тутди. Ҳали вақтли бўлишига қарамай, кампир дастурхон тузашга; самовар қайнатишга улгурган эди. Уша стол, уша самовар, гўё ҳеч нарса ўзгармаган, ҳатто сарой эшиги ҳам аввалгидек ғижирлайди. Бекир Асанович бир зумгина болалигига қайтгандек бўлди, уша дамларни кўмсади. Кампирнинг тириш қўлларини ўпди.

— Раҳмат,— деди у ҳаяжонланиб.— Раҳмат, Варя хола.

— Аввал чой ич, раҳматни кейин айтасан,— деди кампир кулимсираб.

Нонуштадан сўнг у қишлоқни сайр қилишга отланди.

Кўчага чиқиши билан қўшнининг паҳмоқ ити ўзини панжарага урганча чираниб вовуллади. Нотаниш одамнинг бефарқ ўтаётганини кўргач, хуришдан тўхтади-да, орқасига қайтди. Бир оздан сўнг унинг йўлини кўкрак керган ғозлар галаси кесиб ўтди. Қимнингдир ҳовлисида оч қолган чўчқа хўр-хўр қилиб фарёд соларди. Бекир Асанович оҳиста юриб борар, ҳар бир уй, ҳовли, дарахтга разм солар, хотирасига муҳрланган белгиларни изларди.

Бир вақтлар клуб вазифасини ўтаган масжидни бутунлай бузиб ташлашибди. Унинг ўрнида янги бино савлат тўкиб турибди. Пештоқиқа «Санъат саройи» деб ёзилган бу бинога кираверишда қайси тўғаракларга аъзо бўлиш мумкинлиги ҳақидаги эълон ёзилган. Бекир Асанович эринмай ҳамма эълонларни, шиорларни ўқиб чиқди-да, йўлида давом этди.

У ўқиган мактаб ўрнига ҳам янги, икки қаватли бино тушибди. Инқилобдан сўнг Туркияга қочиб кетган Мирзанинг уйини мактаб қилишган эди. Вақти келиб, колхоз қаддини ростлагач, замонавий ойнаванд бино қурилибди. Бекир Асанович ўзларининг тор, нимқоронғи синфларини, бир партада учтадан ўтириб сабоқ олганларини, синфдошларини эслади.

Рўпарада кетмонча кўтарган тўрт аёл билан жомакорли бир эркак кўринди. Нотаниш одамни кўришгач, уларнинг қувноқ суҳбати сезиларли даражада пасайди. Бекир Асанович қишлоқ таомилига кўра, уларга салом бериб ўтиб кетмоқчи эди, хотинлардан бирининг «Вой, Бекир-ку бу!» деганини эшитиб тўхтади.

Елкадор, тўлиқ аёл кулиб унга яқинлашди.

— Синфдошингни танимаяпсан шекилли? Қайси шамол учирди,— деди у қўл узатиб.

Бекир Асанович меҳнатда қотган аёл қўлларини маҳкам қисиб, унинг кўзларига тикилди.

— Рая... Чиндан ҳам танимабман.

— Қаёққа кетявсан?

— Шундай ўзим... айланиб юрибман.

— Юр, биз билан, ўзим айлантираман.

— Раҳмат, Рая, аввал ёлғиз ўзим... хотирамни синаб кўрмоқчиман. Синфдошлардан яна кимлар бор?

— Сенга керакли одамлар бор,— деди Рая айёрона кўз қисиб,— оқшомда бизникига кел, ҳаммани тўплайман.

— Раҳмат, Рая, келаман.

— Ҳозир Любадан суюнчи оламан,— Рая шундай деб дугоналари-га етиб олиш учун эркакча қадам ташлаб тез-тез юриб кетди.

Бекир Асанович юриб-юриб, қишлоқ этагига етиб борди. Юқорилаб кетаётган йўлда арава ғилдиракларидан ариқча ҳосил бўлган. Икки ариқча ўртасида майса ўсиб ётарди. Қуёш кўтарилиб, чор-атрофга илиқ нур таратади. Бугдойзор денгиз каби чайқалади. У баландликка кўтарилди. Энди она қишлоғи ҳам, далага бораётган одамлар ҳам унга кафтдагидек кўринарди. Шу ерда туриб тамаки тутатди-да, кейин ўрмонга олиб борувчи сўқмоқ бўйлаб юриб кетди. Дам ўтмай сойга дуч келди. Тошдан тошга сакраб сойни кечиб ўтди. Яна озгина кўтарилгач димоғига игнабарг дарахтнинг хушбўйи урилди.

Бир вақтлар у йўлнинг тиклигига қарамай югуриб юрарди. Энди эса оёғидан қувват қочяпти, нафаси қайтяпти. Бир пасда терлаб, томоғи қуруқшади. Тупугини ютиб булоқ сари борди. Назарида, энг ширин сув шу булоқдан қайнаб чиқар эди. Булоқ сувини ўйлаган сари ташналиги ортди. Ўрмон тобора қуюқлашиб борар, юриши қийинлашарди. Унинг боши айланиб озгина дам олди. Кўйлак тугмаларини ечди. Таниш белгиларни излаб энди секинроқ юра бошлади. Чап томонга бурилиб кичик жарга дуч келди. Чакалакни кесиб ўтмоқчи бўлиб қўлларини тирнаб олди. Оёғи остидаги ўтлар аввалига юмшоқ гиламдек туюлди. Бир оз юргач ботқоққа дуч келганини англади. «Ажаб, илгари бу ерлар қуруқ бўларди, ботқоқ қайдан пайдо бўлди?» у ажабланиб атрофга алаанглади, бошқа йўл излади. Ниҳоят, бир қарорга келди-да, ўнг томонга кўтарилиб, қуруқ сўқмоққа чиқди. Аммо, пойафзали жиққа ҳўл бўлган, бир оз ноқулай эди. Кўзга аранг чалинадиган сўқмоқдан сал наридаги харсангни кўриб кўзи яшнаб кетди. Деярли югуриб борди-да, тошга қўлини қўйиб энгашди. Кейин ҳафсаласи пир бўлиб қаддини тиклади: булоқ қуриб қолган, унинг кўзи хас-ҳашак билан тўлган эди. «Демак, сув бўлак йўл топган. Жарликни ботқоқликка айлантириши, балки, шундандир?» Бекир Асанович ҳам алам, ҳам афсус билан узоқ туриб қолди. Сўнг ҳорғин қадам ташлаб майдончани кесиб ўтиб пастга олиб тушувчи сўқмоқ бўйлаб кетди. У тош йўллардан юришни унутган, шунинг учун кўп қоқиларди. Энди унинг кўзи жовдираб таниш белгиларни изламас эди.

У беихтиёр одимлар, тошларга қоқилиб, сирғалиб бораётган оёқлари хотирасига муҳрланган ерга бошларди. Собиқ тегирмон пойидаги кўлга яқинлашган сари қадамлари тезлашди. Кимдир елкасидан итариб «Тезроқ, тезроқ», деб шивирлагандек бўлди. Бирдан тўхтади. Кўл хароб бўлибди. Қамишлар ғовлаган, сувдан ачимсиқ ҳид таралади. Харсанг тошлар ҳам баланд ўтлар орасида мунғайиб турибди. Энди бу ерларга ҳатто болаларнинг ҳам келмай қўйгани аниқ.

У пиджағини ечиб ўт устига ташлади-да, устига ўтирди. Пойафзалини ечиб пайпоғини қуритиш учун офтобга ёйиб қўйди. Тиззасини қучоқлаганча кўлга тикилди. Қачонлардир бу ерда олтин балиқ яшарди. Ёшларнинг барча тилакларини адо этишга ваъда берганди. Афсус...

У тамаки тутатди. Гўё вақт оқими уни четлаб ўтаётгандек қанча фурсат ўтирганини сезмади. Яна хумори тутиб тамаки чекмоқчи бўлди. Бекир Асанович хотира тутқунлигида бўшаган тамаки қутисини ғижимлаб юборганини ҳам сезмаган эди. Узоқ ўтириб қолганини шундан билди.

Рўпарада шарпа сезилди. Кимдир аста қулгандек бўлди. Кейин тор шим, оқ кўйлак кийган йигит билан гўзал бир қиз кўринди. Нотаниш одамни кўриб, худди овчига дуч келган кийикдек, жойларида қотиб қолишди. Қизнинг сочлари олтин рангда. Кўм-кўк кўзларида ҳам ҳайрат, ҳам қўрқинч бор. Бир қўлида гулдаста, йигитга узатган иккинчи қўли муаллақ қолган. Унинг чеҳраси Бекир Асановичга танишдек, гўё бу қизни қайдадир кўргандек эди. У ўрнидан туриб қизнинг исмини айтиб чақиришига оз қолди. Аммо улгурмади. Йигит қизнинг қўлидан тортиб изига қайтди. Дам ўтмай ёнғоқзор томондан уларнинг кулгиси келди. Сўнг атрофга сокинлик чўкди. Бекир Асанович жойида қотиб турганча қиз билан йигит кетган томондан кўз олмади. Тушимми, ўнгимми? Ҳозирги қиз Любанинг ўзи-ку? Наҳотки, шунча йилдан бери Люба ўзгармаган бўлса? Ажаб?

Пайшогини ушлаб кўрди. Қурибди. Энди киймоқчи эди, қаршисида турган аёлга кўзи тушди. Кўлга тикилиб ўтириб аёлнинг қаердан пайдо бўлганини сезмай қолганди. У аёлни кўрдию бўғзига бир нима тикилди. Аёл бошидан рўмолини ечди. Сочлари тўзғиб кўкрагига тушди.

— Борька...— деди у ҳоргин овозда. Кейин қўлини узатди.

Бекир Асанович болалигидаги каби оёқяланг ҳолда чаққон югуриб унинг олдига борди. Офтобда қорайган, эркакларники каби қаттиқ ва қадоқли кўлларни авайлаб ушлаб лабларига олиб борди. Люба ўзгармабди. Кўз-қоши, лаблари ҳам ўша. Фақат қовоқларига ажин из тортган, сочларига оқ оралаган...

Люба уни маҳкам кучоқлаб, қулоғига шивирлади:

— Келганингни Рая айтди. Шу ердалигингни сездим. Тўғри келавердим...— Люба ўзини тутишга қанча ҳаракат қилмасин, бўлмади. Кейинги сўзлари титраб чиқди. Хўнграб юбормаслик учун лабларини унинг елкасига босди.

Бекир Асанович эса унинг сочларини силаб индамай турарди. Шу ерга келмай қаёққа борарди. Умрининг энг лазиз онлари, энг ширин хотиралар шу ерга боғланган-ку!

Люба ўзини орқага олиб Бекирга қаради. Жилмайди. Кулиши ҳам ўша-ўша. Фақат қулганида кўзлари атрофига ажин тўпланиб, ўтган ташвишчи йиллардан дарак беради. Бекир унинг қўлидан ушлаб ҳозиргина ўзи ўтирган ерига бошлади. Люба тўшалган пиджакка ўтириб, тиззасига рўмолини ташлади. Бекирнинг хўл почаларига қараб кулди. Бекир Асанович шундагина қай аҳволда турганини сезиб, айбдорона жилмайди.

— Шу пайтгача қаерда эдинг?

— Узоқда эдим, Люба.

— Мени унутиб юбордингми?

— Йўқ, Люба, унутмадим.

— Унда нега хат-хабар қилмадинг?

— Билмадим... илож бўлмади.

— Хўш, қандай яшаяпсан?

— Аввал сендан эшитайлик. Билишимча, қизинг бор эмиш.

Люба сесканиб кетди. Бошини қуйи солди. Бармоқлари беихтиёр тиззасига ёйилган рўмол учини бураб ўйнай бошлади. У дарров жавоб бермади. Бекир ҳам уни шоширмади.

— Ҳа, қизим бор,— деди у ниҳоят хўрсиниб. Кейин бошини кўтариб Бекирга қаради.— Сенга ҳаммасини айтиб беришга мажбурман.

— Ҳеч ҳам мажбур эмассан. Истасанг, ҳеч нарсани айтма.

— Йўқ, мажбурман... Шу пайтгача ҳеч кимга айтмагандим... Охирги учрашувимиз эсингдами?

Эсимда... Қирқ учинчи йилнинг кузаги эди. Одатдагидек, шу ерда учрашишди. Шу ерда, бир неча дақиқага бўлса-да, урушни, оламини

унутишди. Ёшликнинг сурурли дамларини унутиб бўлармиди? Кейин... кейин изларига қайтишди. Чакалакни кесиб катта йўлга чиқишганда, ёшларни ҳайдаб кетаётган немисларга дуч келишди. Қуршовда кетаётган Виктор Степаненко уларни кўриб «қочинглар», деб ишора қилди. Беркинишга улгуришолмади. Уларни Михайло кўриб қолган эди...

— Ушанда сен уларни чалғитиш учун бошқа томонга қочдинг, мен бошқа томонга... Қутулдим, деб ўйлаган эдим. Худога шукур қилиб турсам... Иккита фашист изимдан келаётган эман... Етиб олиб... Онамга ҳам айтмадим. Чидолмай, ўлиб қолсам керак, деб ўйловдим. Туз тотмай, эртаю кеч ўрнимдан жилмадим. Онамга раҳмим келди. Атрофимда парвона бўлаверди, йиғлаб-сиқтади. Акам Брестда ҳалок бўлди, отам эса... Қоқ суяк бўлиб қолдим. Онам «Сенга нима бўлди?» деб сўрагани сўраган. Ҳар сўраганда юрагимни кавлаб олгандек бўлади. Йиғлагим, дод солгим келади. Йўқ, дардим ичимда. Тунлари йиғлаб ёстиқни жиққа хўл қилиб юбораман. Бир ой кўчага чиқмадим. Назаримда, ҳамма мени «Ана, немислар булғаган оймича», деб масхара қилаётгандек туюлади.

Кейин бошим айланадиган бўлиб қолди. Кўнглим беҳузур бўлаверади. Овқатга қарамасам, дейман. Кўнглим шўр, аччиқ нарсаларни тусайверади. Нимага бунақа бўлаётганимни ўзим ҳам билмайман. Кейинчалик, сабабини билгач, ўзимни ўзим осмоқчи бўлдим. Йўқ, ирода етишмади. Қорнимни маҳкам боғлаб юрдим, оғир нарсалар кўтардим. Фойдаси бўлмади. Бари бир онам сезди. Раҳматли жуда меҳрибон эди, ёнига олиб «Отаси ким ўзи» деб сўради. Ушанда хаёлимга бирдан сен келдинг. Биринчи бўлиб онамни алдадим. «Биз турмуш қурмоқчи эдик, уни немислар ҳайдаб кетди, энди нима қилай?» дедим. Онам анчагача жим ўтириб кейин «Нима ҳам қилардинг, эсон-омон қайтишини худодан тилаб ўтиравер», деди.

Қиз туғилгач, қишлоқдагиларга отасининг ким эканлигини тушунтиришга ҳожат бўлмади. Онам гап тарқатмаган бўлса ҳам, ҳамманинг хаёлига сен келдинг. «Асан оғанинг ўғли пишиқ экан, ишини бажариб кетибди. Михайло доғда қолди», дейишди. Бу гаплардан очиги хафа бўлмадим. Чунки, менинг фожиамни улар билишмасди. Туғишга туғиб, чақалоқни кўргим келмади. «Менга кўрсатманглар, йўқотинглар», дейман нуқул. Ҳамма мени жинни бўлиб қолган деб ўйлади.

Онам эса ёнимга ўтириб олиб насиҳат қилади. Чақалоқни йўргаклаб ёнимга ётқизишди. Мен тескари қараб олдим. Чақалоқ типирчилаб, йўргак ечилиб, каравотдан тушиб кетай дебди. Онам чаққонлик билан ушлаб қолди-ю, мени қарғай кетди.

Бир ойгача болани сўрғичдан сут бериб боқишди. Бир куни оқшомда хотинлар тўпланиб яна насиҳат қилишди. «Ҳаммаси худодан», деб таскин беришди. Гапларини жимгина эшита олмадим. Чиқиб кетдим. Шунда хотинлар «Ичига шайтон уя қурган, ўқитиш керак», деган қарорга келишибди.

Ҳаммаси жонимга тегди. Барчасидан бирданига қутулиш ниятида йўргакдаги чақалоқни қўлимга олиб «Айланиб келай», дедим. Бу ишимдан онам хурсанд бўлди. Унинг назарида худо оҳ-ноласини эшитиб, мени шайтон васвасасидан халос қилган эди.

Сен билан сайр қилган ерларда ўтирдим. Сувга тикилдим. Сув остидан кимдир «Ташла, ташла», деб шивирлагандек бўлди. Қарасам, сувда ўзимнинг аксим. Қўлимни шундай бўшатсам, бола бир зумдаёқ... Эсласам... ҳозир ҳам этим жимирлаб кетади. Чақалоқ қимирлаб йиғлай бошлагач хаёлимни йиғдим. Бир пайтлар итимиз туққанда отам ҳали кўзи очилмаган кучукчаларни дарёга ташлаган эди. Шуни эслаб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Боламни бағримга маҳкам босдим. Йиғладим. Биринчи марта унинг юзчаларидан ўпдим. Кейин эмиздим.

Шунда она бўлганимни ҳис қилдим. Қизчамни ёнимга — ўт устига ёт-қизиб ухлаб қолибман. Кўзимни очсам, оқшом чўкибди. Тепамда онам бечора ўтирибди. Хавотир олиб изимдан келган экан. Қизга шу ерда исм қўйдик. Сенинг келишинга умид қилиб уни Вера деб атадик.

Вера эсини таниб отасини суриштира бошлагач, мен сен ҳақингда гапириб бера бошладим...

Люба жим қолди.

Қуёш довон ошиб, салқин шабада турган эди. Қамишлар сирли шивирлашар, атроф ажиб сукунат чоҳига ўралиб борар эди. Люба рўпарада ястаниб ётган харсанглардан кўз узмай ўтирар, унинг оқарин-қираган юзи, ёш қалқиган кўзларига қараб нималарни ўйлаётганини билиб бўлмасди.

Бекир Асанович ҳам жим эди. У суҳбатни бошқа мавзуга буришни истар, лекин, вужудига югурган совуқлик уни гаранг қилиб қўйганди. Ниҳоят, у Любани ўзига тортди-да, ёноқларидан ўпди. Люба ёш тўла кўзини унга тикди.

— Сен мени кечирдингми? Нима қилсам кечирасан?

— Уларни чалғитиб олиб кетолмаганим учун сен мени кечиршинг керак. — У шундай деб Любанинг кафтини лабига босди.

Люба салқиндан сесканди. Бекир Асанович ўрнидан туриб, унга қўлини узатди. Кейин пиджагини қоқиб, Любанинг елкасига ташлади. Улар сўқмоқдан юриб юқорига кўтарилишди-да, қишлоқ томонга қараб кетишди. Люба уни қўлтиқлаб олди.

Қишлоққа яқинлашишгач рўпараларида югуриб келаётган қизни кўриб тўхташди.

— Вера келяпти,— деди Люба.

Қиз бир неча одим нарида тўхтади. Қўлидаги рўмолини ғижимлаганча Бекир Асановичга тикилиб қолди. Бу ўша Бекир Асановичга Любанинг ёшлигини эслатган, эрталаб тор шим кийган йигит билан юрган қиз эди. У ҳозир ҳам кўзида ҳайрат ва озгина чўчиш, айна чоқда, қувонч билан турарди. Ҳозир ҳаммаси ҳал бўлади. Улар ёки бир умрга қадрдон бўлиб кетадилар, ёки...

Бекир Асанович жилмайиб қизга яқинлашди.

— Салом, мана, келдим...

Қиз уни маҳкам қучоқлади.

— Дадажон, мен ахири сени топдим!..

— Ҳа, қизим, топдинг.

Вера унинг бағридан чиқиб кўзини рўмоли билан артаркан, онаси-га қаради.

— Ана кўрдингми, менга ишонмаган эдинг.— У шундай деб икковларини қўлтиқлаб олди. Шу аҳволда учовлон қишлоққа кириб келишди. Вера тинмай гапирарди. Бир зумда отасини қандай қидиришни бошлагандан то сўнгги имтиҳонни қандай топширганигача айтиб берди. Гап орасида эрталабки йигитнинг ким эканини ҳам қистириб ўтди. Шу топда у ўзини дунёдаги энг бахтиёр қиз деб ҳисобларди.

Гузарга яқинлашишгач, тўхташди.

— Райларникида учрашамизми?— деб сўради Люба.

— Ҳа.

Раиса Губанованинг ҳовлисига қадам қўйган киши хонадон соҳибасининг батартиб, нозик дид эгаси эканлигини дарров ҳис этади. Қўча эшигидан чароғон айвонга олиб борувчи йўлак супурилиб, сув сеппилган. Икки ёндаги сирень дарахти ўзига хос девор ҳосил қилган. Сиренлар ортидаги боғ мудроқ уйқуга кирган — қилт этган шабада йўқ. Улар айвон олдига, анвойи гуллар экилган ялангга қадам қўйишлари билан тўпланганлар пешвоз чиқишди. Ким Бекир Асановичнинг

қўлини сиқди, ким елкасига қоқиб қўйди, кимдир ўпди ҳам. У эса йиллар ўтиб, ўзгариб кетган синфдошларининг, ҳамқишлоқларининг чеҳраларига қараб, баъзиларини яхши таний олмай, довдираб турарди.

Люба аввалига ҳаммани бир-бир таништирмоқчи эди. Аммо, меҳмонни барча бараварига ўраб олгач, қўл силтади-да, ошхонага кириб кетди. Бекир Асановични айвонга, ноз-неъмат билан тuzалган узун столга бошлашиб, тўрдан жой кўрсатишди. Дастурхон ҳам мезбонларнинг дидидан дарак бериб турарди: оппоқ дастурхонга чиройли ликопчаларда помидор, бодринг, олма, ҳатто ўтган ёздан бери сақланаётган узум ҳам қўйилган эди. Шубҳасиз, бу неъматлар орасида шишалар, биллур қадаҳлар ҳам бор эди.

Бекир Асановичнинг бир ёнидан Ефим Тимофеевич, чап томонидан эса Вера жой олди. Вера унинг қўлини меҳр билан силаб қўйди. Қиз отаси ёнида ўтиришдан беҳад мамнунлигини шу ҳаракати билан аён қилди. Рўпарада ўтирган чол-кампир Бекир Асановичнинг кўзига иссиқ кўринди. Сочларида биронта ҳам қора тола қолмаган, юзларини қалин ажин қоплаган қариялар ундан кўз узмай ўтиришар, баъзан ўзаро пичирлашиб қўйишарди. Бекир Асанович уларни таниди. Уларнинг ўғлини ҳам немислар Бекир Асанович билан бирга ҳайдаб олиб кетишган эди. Бекир Асанович улар билан қайтадан сўрашди.

— Сенга қараб Володырни кўргандай бўляпман,— деди кампир кўзига ёш олиб. Чол бас қил, дегандай уни туртиб қўйди. Кампир кўзини рўмолча билан тўсиб пастга қаради.

Рая билан Люба ошхонадан таом келтирдилар. Уларнинг феъли буткул қарама-қарши бўлса-да, болаликдан қалин дугона эдилар. Рая эркактабиат эди, жон-жаҳди билан тортишар, гап камлик қилса, қўлини ишга солишдан ҳам қайтмасди. Люба эса ҳамиша ақли билан ажралиб турарди. Раянинг дадиллиги учун ҳамиша синфком қилиб сайлашар, у ҳам барчани ўз измига солишни яхши кўрарди. Бахтига синфдаги энг мўминқобил йигит билан турмуш қурибди. Сочлари оқариб, қўкиб қолган эри бир четда худди бегонадай ўтирарди.

Рая бир-бирига ўхшаган икки қизча олдига лимонад қўйиб, Бекир Асановичнинг диққатини тортди.

— Менинг қизларим, эгизаклар,— деди меҳр билан.

Таом тортилгач, Люба раиснинг ёнидаги бўш стулга ўтирди. Рая санчқини қадаҳга уриб, барчани тинчлантирди.

— Зиёфатни Ефим Тимофеевич бошқарсин, деган таклиф бор. Қим қарши, ким бетараф, демак, бир овоздан, марҳамат, ўртоқ раис,— деди Рая ҳазиломуз расмий оҳангда.

Ефим Тимофеевич унинг бу ҳазилига жилмайиш билан жавоб бериб, ўрнидан турди. Қўлидаги қадаҳга тикилиб сукут сақлади.

— Биродарлар, аввало, сизларнинг номингиздан, ҳамқишлоқлар номидан муҳтарам меҳмоннинг лутфи учун миннатдорчилик билдираман. Бу ерга йиғилганлар Бекир Асановични яхши билишади. Баъзилар у билан бирга ўқиган. Ушанда барчангизни бир умид, бир орзу бир-лаштириб турарди. Аммо, уруш айрилиқ домига тортди. Мана шу кичкина қишлоқ ўтгиз егти ўғлонидан жудо бўлди. Илгари шундай деб ҳисоблардик. Энди рўйхат қисқарди. Бир ўғлон қайтди. Қадамингизга ҳасанот, Бекир Асанович. Ўғлонларнинг қайтиши муносабати билан ёзилажак дастурхонлар тўкин бўлаверсин.

Кампир ўзини тўхтатолмади, хўнграб юборди.

Қадаҳлар жаранги унинг йиғисини босди.

— Уялиб ўтирмай отангга хизмат қил,— деди Рая Верага қараб.

— Хизмат қияпман-ку,— деди Вера кейин вазадан қип-қизил, катта олмани олиб унинг ликопчасига қўйди.

— Онамнинг айтишича, олма сиртига қоғоз ҳарфлар ёпиштирилса,

кимнингдир отини ўқиш мумкин экан,— деди Вера муғомбирона жилмайиб.

Ҳа, Бекир Асанович ўзи экиб, парвариш қилган олманинг биринчи ҳосилига «Люба» деб ёзиб, уни севгилисига совға қилган эди. Ҳатто олмага ҳам «Любана» деб ном қўйганди. Кеча кела солиб ҳовлисидан ана шу дарахтни излаган эди. Афсус... Энди Вера ўша воқеани шама қиляпти.

— Ҳа... Тўғри,— деди Бекир Асанович гўё ҳеч нарса сезмагандек.

— Менга Паша «Вера» деб ёзилган олма совға қилмоқчи.

— Аввал Паша дарахт эксин-да, уни сенинг номинг билан атасин. Биринчи ҳосилини эса сенга инъом этсин. Фақат дарахтдан бохабар бўлиб турсин. Йўқса, қуриб қолади ёки биров чопиб ташлайди.

— Ҳўп, мен айтиб қўяман,— деди Вера кулимсираб.

Рая раисдан сўз сўраб ўрнидан турди-да, қадаҳларни тўлдиришларини сўради.

— Мен Бекир Асанович ҳақида бир-икки оғиз сўз айтмоқчиман,— деди у ниғоҳини боғ томонга қадаб. Кейин гапни нимадан бошлашни билмай қолди.— Бекир деганда кўз олдимга озғин бола келарди. Асан оға доим уни ўзи билан эргаштириб юрарди. Шунинг учун ҳам Бекирнинг гербарийси ҳамманикидан яхши бўларди. Ушанда Бекир баҳо учун ёки муаллиманинг мақтови учун ҳаракат қилмаган экан. Унинг яширин орзуси бор экан. Мана, селекциячи — олим бўлибди... Ҳозир сўзни, раиснинг руҳсати билан албатта, Бекирга берсак...

Ҳамма Рая табрик сўзи айтади, деб ўйлаган эди. Нутқининг бу томонга бурилиши нафақат Бекир Асанович, балки, бошқалар учун ҳам тасодиф эди. Бекир Асанович чиройли сўзларни топиб гапиришга уқувсиз эди. Шунинг учун ҳаяжондан қўллари титради.

— Ҳамқишлоқлару қадрдонларим...— у жуда паст овозда гап бошлади. Шунинг учун барча диққат билан унга тикилди.— Дўст билан учрашиш байрам демак. Мен бугун бирданига бир қанча дўстнинг дийдорига тўйиб ўтирибман. Бу — мен учун ниҳоятда катта байрам. Шундай байрамлар бор бўлсин, кети узилмасин!— У шундай деб қадаҳни бўшатди-да, ўтирди. Вера унинг ликопчасига газак солди.

Шундан сўнг даврада ўзаро гурунг бошланди.

— Агар тинчликни асрай олсак, бошимиз байрамдан чиқмай қолади,— деди Ефим Тимофеевич Бекир Асановичга қараб.— Биз, капиталистлар билан чиқишиб тинчликда яшамоқчимиз. Ахир биз билан улар оҳанрабоининг икки қарама-қарши қутби-ку! «Биологик номутаносиблик»ни биласиз. Ҳар ҳолда, табиат қонуни бу. Биз изланишни, ўрганишни, бугдой экишни истаймиз. Лекин...

— Сиз мутлақо ҳақсиз, Ефим Тимофеевич,— деди Бекир Асанович раиснинг фикрини давом эттирмоқчи бўлиб.— Ҳозирги сиёсий арбоблар билан дипломатлар донишманд олимлар каби таҳлилга суяниб иш кўришлари керак. Чунки, илмсиз сиёсатдаги номутаносибликни йўқотиш қийин. Илм эса, биласиз, бир жойда қотиб турмайди. Ҳамиша ривожланишда бўлади. Масала, ўзимизнинг соҳамизни олайлик. Яқинда хлоропластларни пайванд қилиш мумкин эмас эди. Энди бу оддий ишга айланиб қолди. Икки хил мафкуранинг чиқишиши амри маҳол, аммо, тинчликни сақлаш мумкин.

— Биз-ку Маркс, Ленин гоъларига суяниб, тинчлик учун курашмаяпмиз. Аммо, ганимларимизнинг йўлдан озмаслигига ким кафолат бера олади? Ҳозир қурол-яроғ деган ярамас нарса ер юзини мўр-малаҳдек босиб ётибди. Ҳарбий базалар ернинг ярасига ўхшайди. Яра эса, бора-бора патос боғлаб ёрилади.

— Демак, дипломатлар яхши сиёсий арбобгина эмас, моҳир табиб ҳам бўлишлари керак,— деди Бекир Асанович кулимсираб,— яъни,

қаер йирингласа, олиб ташла, деган экан юнонлар. Арбобларнинг ва-зифаси — жами қуролни йўқотиш, инсониятни бу хунук яралардан халос этиш.

— Осон эканми? Шунча қуролни эритиб, йўқ қилишга капиталист кўнмас. Мана, колхозимизда ишдан чиққан қанча техника бор. Ташлаб юбориш керак. Лекин, кўз қиймайди. Ер юзидаги қурол-яроғ олди-да бу арзимас чақа. Шундай экан, тийинни ҳисоб-китоб қилувчи капиталист рози бўлармикин?

— Энди фақат капиталистнинг хоҳишига қаралмайди-да. Тарихга назар солсак, инсон зоти пайдо бўлибдики, урушдан боши чиқмайди, айни чоғда, тинчлик учун курашади. Бу борада анча ютуқларга ҳам эришди. Қадимда қанча хонликлар, шоҳлар, князлар бир-бири билан ит-мушук эди. Яъни, ғаним лагерь дегани бесаноқ бўларди. Энди эса дунёда иккитагина лагерь бор. Демак, тараққиёт тинчлик сари боряпти. Бир неча лагерьга нисбатан иккита лагерьнинг тил топишиши осонроқ.

— Ер юзидаги барча одамлар Замин деган битта давлатга бирлашишлари керак!— деди суҳбатдан ҳаяжонланиб кетган раис худди минбардан гапирётгандек қўлини паҳса қилиб.

— Шунга яқинлашиб қоляпти. Шунинг учун мафкуравий ғанимларимиз халоватларини йўқотишган-да.— Бекир Асанович шундай деб иккита қадаҳга минерал сув қўйиб бирини раисга узатди.

Бу орада пойгакда гуруннга қўшилмай ўтирган тўладан келган киши қўлига гармонни олди. Бекир Асанович шунда гармончи Лёшани таниди. Илгари қишлоқдаги ҳеч бир маросим Алексейсиз ўтмасди. Унинг атрофида барча қизлар парвона эди. Вақт оқими унга ҳам муҳрини босиб ўтибди — қарибди. Ешлигида қотмадан келган, жингалак соч эди. Энди эса анча чўккан, қовоқлари чолларникики сингари осилган.

Ниҳоят, куй янграб, Алексей қўшиқ айта бошлади. Овози ҳам аввалгига нисбатан анча синиқ. Баланд авж пардаларига қўтарилма олмайди. Қўшиқ тугагач, гармончи «Бариня»ни чалиб юборди.

Рая «И-и-их!» деб ўрнидан турди-да, товонлари билан полни тақиллатганча айвон олдидаги ялангга тушиб рақсни бошлаб юборди. Гавдасининг қўполлигига қарамай, у рақсда анча енгил ҳаракат қиларди.

«Бариня» тугагач, аёллардан бири: «Алексей, «Хайтарма»ни чал!» деб қичқирди.

Алексей рўмолча билан юзини артди-да, «Хайтарма»ни бошлади. Бу куйни кўпдан бери чалмагани учунми аввалига усулга тушолмай қийналди. Бекир Асанович жойида ўтиролма қўлларини кенг ёйганча рақсга тушди. Люба унга қўшилди. У рақсга тушмасди, йўқ, Бекир Асанович, назарида, оққуш каби оҳиста сузарди. Майдонча бир зумда рақсга тушувчилар билан тўлди. Биринчи марта «Хайтарма»га тушаётган Вера ўзининг ҳаракатидан ўзи кулиб, ота-онасининг рақсини ҳавас билан томоша қиларди.

Чўққилар ортидан тўлин ой сузиб чиқди.

Алексей чарчади. Гармонни ёнига қўйди.

Бу орада қовурма тортилди.

— Бекир, адашмасам, сен ҳам тузуккина ашула айтардинг-а? — деди Рая, — татарча қўшиқларингдан айтиб бер.

Бекир Асанович бурчакдаги гитарага ишора қилиши билан Вера уни олиб келиб берди. У гитарани созлагач, ҳамма жимиб унга тикилди. Бекир Асанович ҳаяжондан терлаб кетган эди. Люба унга атир ҳиди анқиб турган рўмолчасини узатди. Бекир Асанович бош ирғаб, миннатдорчилик изҳор қилди, аммо рўмолчани олмади.

Ниҳоят, торлар жаранглади. У аввал аста хиргойи қилди. Кейин овози кўтарилди. Ғамгин оҳангга монанд қўшиқ таралди.

Уйга қайтсак биздан, албатта.
Совға олар кичигу катта.
Балки, ҳозир қариндош-ҳешлар,
Ҳадяларим илҳақ кутишар.
Олиб борсам сарвини... бефойда,
Бундай шамол эсади қайда?

Ола кетсам денгизни қўлда,
Ташналиқдан қурир-ку йўлда.
Тоғу ойни кўтарай десам,
Афсус, кучим етмайди, ошнам.
Энг яхшиси, мен ўзим билан
Она ернинг меҳрини олай...

Меҳмонлар тун ярмидан оққанда тарқалишди. Бекир Асановични барчалари жам бўлиб кузатишди. Адир ортидан тонг нафаси келди. Одамларнинг товушидан чўчиган қушлар патирлаб учишди. Кимнингдир ҳовлисида гозлар ғағиллади.

Вера отасини сайрга таклиф қилди. Кейин хиёл уялинқираб «Паша ҳам борса майлими?» деб сўради-да, розилик олгач, унинг ёноғидан ўпиб, онасига эргашди.

Ефим Тимофеевич Бекир Асановичнинг қўлини маҳкам қисар экан, яна таклифини такрорлади:

— Эртага Москвага кетяпман. Қўриша олмасак, хайр. Бизга агроном сув билан ҳаводек зарур, қайтиб келинг.

— Раҳмат. Таклифингизни ўйлаб кўраман. Отам бошлаган ишни тугатмасдан ташлай олмайман.

— Отангиз ишни шу ерда бошлаган экан, шу ерда ниҳоясига етказинг.

Икковлари яна бир оз гурунғ қилгач, хайрлашишди.

Нонушта чоғи ҳали бир хўплам чой ичишга улгурмаган ҳам эдики, ташқаридан Веранинг овози эшитилди. Варя хола дераза ёнига келди.

— Варя хола, дадам ухляптимми?

— Ҳозир, қизим, кетяпман,— деди Бекир Асанович шошиб чой хўплар экан.

Варвара Петровна унга тугунча тутди:

— Ҳар ҳолда, пешинга келмасанг керак. Сайр чоғида иштаханг очилади.

Бекир Асанович эшикдан сал нарида тортиниб турган Пашани дарров ганиди.

— Бу Паша, у ҳам биз билан бормоқчи майлими,— деди Вера унинг қўлидан тугунчани олар экан.

— Уч кишининг сайри қувноқроқ ўтади,— Бекир Асанович шундай деб тўхтади.— Менга қаранглар, бекорчидан худо безор деганлар. Бир фойдали иш қилмаймизми? А? Паша?

Йигит нима деб жавоб беришини билмай елка қисиб қўя қолди.

— Варя хола, белкурак қаерда?

— Далада ишламоқчимисан, белкуракни нима қиласан? Ана, саройда турибди.

— Озгина ишлаб қўяйлик,— У шундай деб саройга кирди-да, белкуракни кетмон сингари елкасига қўйиб чиқди. Йигитга қўл узатди.

— Қани. Паша, танишиб қўяйлик. Менинг отим...

— Сизни яхши танийман, Бекир Асанович,— Паша шундай деб ундан белкуракни олди,— Вера ҳаммасини айтиб берган. Сиз менинг акам билан ўртоқ бўлгансиз.

— Акам билан?! Кимнинг укасисан?

— Викторнинг. Викторни фашистлар ҳайдаб кетишганда, Максим етти ёшда бўлган. Мен эса чақалоқ эдим.

Бекир Асанович дастлаб Пашани кўрганда уни қимгадир ўхшатган, аммо, кимлигини аниқлай олмаган эди. Энди эслади. Виктор Степаненко!

— Анави ерда бир туп ток ўсади,— деди Паша унинг хаёлини бузиб. Бекир Асанович йигит кўрсатган томонга қаради: дарҳақиқат,

беш-ўн қадам нарида токнинг яшил барглари кўзга ташланарди.— Ҳар йили анча ҳосил қилади, лекин, пишишга улгурмайди, болалар узиб кетишади.

Болаларга егулик бўлгани яхши. Аммо, бир-икки туп ток ҳали токзор деган гап эмас. Токзорни тиклашга ёрдам бериш мумкин. Ҳаражатлар тезда қопланади. Қолхоз раҳбарлари ҳамма нарсага улгурмайди шекилли. Ранс билан гаплашиш керак. Дарвоқе, у Москвага кетмоқчи эди, афсус...

Энди улар чакалак оралаб борардилар. Дастлабки тортинчоқлигидан асар ҳам қолмаган Паша тинмай гапирар, сал илгарироқда юриб, Вера билан Бекир Асанович ўтиб кетгунча буталарни кўтариб, йўл очиб турарди.

Муздек хушқаво, ёшларнинг беғубор муносабати Бекир Асановичнинг кайфиятини кўтариб юборган, дам пастловчи, дам юқорига буталар оралаб ўрловчи сўқмоқдан чаққон юриб борарди. Бекир Асанович Пашага, аканга ўхшайсан, деганда, йигит унинг гапини маъқуллади:

— Дадам билан онам ҳам шундай дейишади.— У бир оз жим қолди-да, сўнг гапида давом этди.— Викторни фашистлар ҳайдаб олиб кетгач, бир ҳафтадан кейин отиб ташлашганларини эшитибди. Витя ўшанда менинг ёшимда бўлган.

Паша ҳақ гапни айтди. Чиндан ҳам бир ҳафта ўтгач Витяни отиб ташлашганди. Бекир Асанович бу хуштабиат йигитга акасининг қандай ҳалок бўлганини айтиб бергиси келди. Аммо, ёнида Вера борлигини эслаб, ўзини тийди. Бу воқеани Веранинг олдида айтиб бўлмайди. «Ажаб, баъзи воқеаларнинг бу ёшлар учун бир умр сир бўлиб қолгани ҳам маъқул экан,— деб ўйлади у.— Сирнинг очилиши уларнинг бахтига чанг солиши мумкин».

— Ана, кийиктошга келдик!— деди Вера чапак чалиб.

Бекир Асанович қуриб қолган булоқ бошидаги тошни қадрдондек шапатилаб қўйди-да, белкуракни ерга санчди.

— Нимага кийиктош деяпсан?— деди у қизга қараб.

— Ҳозир ҳамма шунақа дейди,— Вера тошдан икки қадам нарига ўтди, мана шу ерда онам икковингиз кийикни боққансиз-а, тўғрими?

Бекир Асанович кийикнинг ўлимидан олдин бу ерга келишганини эслаб, маъюс жилмайди:

— Ҳа, худди ўша ерда.

— Онамнинг айтишича, илгарилари кийиклар шу булоқдан сув ичгани келишаркан.

— Ҳа, келарди... Тез кунларда яна келадиган бўлишади.

Бекир Асанович шундай деб кафтини тупуги билан хўллаб, бирига ишқади-да, белкурак олиб харсанг атрофини тозалай бошлади. Йигит билан қиз аввалига унинг муддаосини тушуна олишмади. Қуриган ҳас-ҳашаклар остида нурга чанқоқ, заъфарон майса кўринди. Ер нам, демак, сув бутунлай қуримаган. Бекир Асанович булоқнинг қадимги кўзини мўлжаллаб кавлай бошлади. Бир қаричдан сўнг белкурак тошга урилди. Кавлаш оғирлашди. У дам тошларни қўли билан олиб, дам белкурак ботириб терлаб-пишиб кетди. Ҳансиради. Шунда Паша белкуракка қўл узатди. Йигит шошилмасдан, бир меъёрда ишлар, ҳаракатларидан меҳнатда чиниққанини англаш қийин эмасди. Вера эса қуруқ шохлардан бирини синдириб олиб, булоқ сув оққан ариқчани тозалади.

Қуёш тик кўтарилиб, ҳаво қизиб кетди. Бекир Асанович қўйлагини ечиб шохга илди-да, атрофдаги тошларни булоқ ёқасига тўплай бошлади. Йигитнинг хориб қолганини кўриб белкуракни олди. У энди харсанг остига қараб кавларди. Кавлаш тобора қийинлашар, лой аралаш тупроқ сувнинг яқинлашганидан дарак берарди.

Паша оёқ кийимини ечиб, шимининг почасини шимарди-да, яна ишга киришди. Бекир Асанович чуқурдан чиқиб, тошга ўтирди ва биланги билан терни артди. Нафас ростлади. Муздек шабада вужудига роҳат бағишлаб ўтди.

Уларнинг атрофида айланиб юриш жонига теккан Вера йигитдан белкуракни олиб пастга тушди. Дам ўтмай «Сув чиқди!» деб шодон қичқирди. Паша билан Бекир Асанович харсанг тош остига қарашди. Дарҳақиқат, зилол сув тупроқ орасини ёриб чиқаётган эди. Паша қизнинг қўлидан тортиб чиқаргач, ўзи пастга тушди-да, сув чиқаётган ерни кавлади. Милтиллаб кўринган сув энди тобора тезлашарди. Йигитнинг оёқлари музлаб кетди. Аммо, сир бой бермай, Бекир Асанович узатган тошларни бир текисда тера бошлади. Каттароқ тошларни четга, майдаларини ўртага беғартиб терди. Ниҳоят, иш тугагач, харсангга ўтириб, совуқдан қизариб кетган оёқларини офтобга тоблади. Кейин чўнтагидан қаламтарош чиқариб, харсангни қитирлатиб нималардир ёзди. Бекир Асанович сувда юз-қўлини ювиб, харсангга яқинлашди-да, аранг кўзга ташланаётган ёзувни ўқиди: «Кийик булоқ. М. Б. А.»

— Дадамнинг айтишича, Кримда бир одат бор экан,— деди у қилган ишидан мамнун бўлиб,— фаввора қурган уста исм-шарифини ҳам ёзиб қўяркан. Фаввора қуриш — сарой қуриш билан барабар шарафли ҳисобланаркан.

— Кийик булоқ...— деди Бекир Асанович ўйга чўмиб,— яхши ном топибсан. Аммо, инсоф юзасидан қараганда, яна икки кишининг номи ҳам ёзишинг керак.

— Йўқ, илгарилари фақат ишбошининг номи ёзилган.

— Лекин, ишбошининг хоҳиши — қонун, айтгани айтган, дегани деган бўлган.

Паша жулиб қўйди-да, «ишбошининг» хоҳишини адо этди.

— Болга билан искана олиб келиб ўчмайдиغان қилиб ёзаман,— деди у қаламтарошини чўнтагига солар экан.

Бу орада булоқ суви чуқурчани тўлдириб ариқчага тошиб чиқди-да, эски йўлдан югургилаб пастга оқа бошлади.

Учовлашиб эски тегирмон ўрнидаги ҳовуз томонга туша бошлашди. Кун пешиндан оққан.

Бекир Асанович ҳовуз лабига келиб белкурак ботирди.

— Дада, шу сувда тилла балиқ бўлганми?

— Ҳа, қизим бор эди.

— Бошқа ёққа сузиб кетганми?

— Балки.

— Ёки бу сассиқ сувда ўлиб қолганмикин?

— Йўқ, ўлмаган, сузиб кетган,— деди Бекир Асанович ишонч билан. Агар кўл тозаланса, қайтиб келади. Аммо, учовлон эплай олмасак керак.

— Эплай олмаймиз.

— Тракторни ҳайдаб келиш керак,— деди Паша ўйчан оҳангда.

Бекир Асанович қиз билан йигитнинг елкаларидан қучди.

— Ҳа, экскаватор керак.

Бекир Асанович ўйга ҳорғин, аммо, хурсанд қайтди. Белкуракни саройга қўйиб, ювинди. Варя хола ташвишли қиёфада кутиб олди.

— Яна анови ваҳший келди,— деди у титроқ овозда.— Ҳозиргина гузар томонга кетди.

— Варя хола, ташвишланманг, бугун уни топиб жигимизга тегма, деб қўяман.

Варя холанинг ранги оқариб, лаблари тигради:

— Ана, ўзи келяпти. Жон ўғлим, у билан олишиб ўтирма тагин. Турган-битгани ҳайвон-ку у.

Бекир Асанович ўгирилиб қарамади. Юзини артиб сочиқни қозиққа илгандан сўнггина ўгирилди-да, енгининг тугмаларини тақиб, эшик томонга қаради.

Соқоли ўсиб кетган, уриган телпак остидан оқ сочлари пахмайиб чиқиб турган қорувли киши эшикка суянганча у томонга мижжа қоқмай тикилиб турарди. Нигоҳида совуқ ўт бор эди. Михайло ганимининг салом беришини кутарди. Афтидан, Бекирнинг қитиғига тегадиган алик тайёрлаб ҳам қўйган эди. Аммо, Бекир Асанович индамай унга яқинлашди. Бир неча дақиқа сўзсиз бир-бирларига тикилишди.

— Нимага келдинг?— деди Михайло.

— Дўстларимни... қизимни кўргани келдим.

— Манавини бир қидлаб кўр-чи,— Михайло шундай деб унинг даҳанига муштини тиради.— Иzzатинг борида жўнаб қол. Верага осилма. Одамлардан уялмайсанми?

— Яхшиси ўзинг жўна, Михайло. Одамлар олдида сен гуноҳ қилгансан, сен уялишинг керак.

— Утмишимни юзимга солма! Ушанда адашганман. Ҳа, айбимга яраша жазо олдим. Лекин, сен нима учун тирик қайтдинг, а?— Михайло шундай дея тўрттагина қолган сариқ тишларини кўрсатиб, аянчли тиржайди. Бекир Асановичнинг димоғига самагон билан саримсоқнинг қўланса ҳиди урилиб, афтини буриштирди. Михайло эса мағлубларча оҳангда гапини давом эттирди.— Ҳамма йигитлар нобуд бўлди. Сен эса... Агар яхшилаб титкилаб кўрилса, сен ҳам мен борган ерда «дам олиб» чиқармидинг? А, қалай энди?

— Михайло, яхшиликча жўна,— деди Бекир Асанович босиқлик билан гапиришга тиричиб. Унинг вужуди ғазаб ўтида ёна бошлаган, рўпарасидаги ваҳшийни уриб юбормаслик учун эшикни тобора маҳкамроқ ушларди.— Ҳеч ким Виктор Степаненконинг қандай ҳалок бўлганини билмайди. Билганда «ҳордиқ» муддатинг анча узаярди...

Михайлонинг ранги ўзгарди. Ҳақоратга оғиз жуфтлади-ю, ганими кўлида қалтис қурол борлигини фаҳмлаб, тилини тийди. Шартта ўгирилди-да, келган йўлига қайтди.

Бекир Асанович ҳам орқасига ўгирилиб, дераза олдида турган кампирни кўрди.

— Худога шукур,— деди у Бекир Асанович уйга киргач,— қўшнилари ёрдамга чақирсаммикин, деб турувдим. Бир гап билан тинчитиб, қўйдинг. Ҳеч ким билмаган сирдан огоҳсан шекилли?

— Ҳа...— Бекир Асанович бир оз ўйга чўмиб кампирга нажот кўзи билан қаради.— Варя хола, шу пайтда ўтмишдаги ҳақиқатни юзга чиқаришга ҳожат бормикин?

Кузнинг инжиқ ёмғири уч кунгача тинмади. Танк занжирлари титиб юборган туңроқ кўчаларнинг аталаси чиқиб кетди. Шундай бўлса-да, бу йўлларда ҳаракат тинмас, немислар кучларини шошқич равишда Керчга ташларди.

Ёмғир тингач, кун бирдан қизиб кетди. Лой тош каби қотиб арава, машина ва мотоциклларнинг юриши қийинлашиб қолди. Атроф қишлоқларнинг оқсоқоллари, полицайлари хўжаларига яхши кўриниш учун йўлни текислашга қарор қилиб одам овлашга киришдилар. Даладами, кўчадами, уйдаги кўринган эркак-аёлни ушлаб ишга ҳайдадилар. Қочмоқчи бўлганларни ўқ қувиб етди. Қадимда қулдорлар Африкада одам овлаб, Америкага жўнатардилар. Энди эса Германияга вагон-вагон одам жўнатишмоқда эди.

Бекирларнинг қисмати ҳам шу экан. Аммо, уларни аввалига қатқалоқ йўлни тузатишда ишлатишди. Улар Азберда ва Жаъфар қишлоқ ўртасида йўл текислашарди. Тонгда полициячилар чўкич, белкурак, замбил тарқатишарди. Қорин оч. Қуёш аямай қиздиради. Ташналик

азоб беради. Бекирнинг лабига кечадан бери бир томчи ҳам сув тегмади. Чўкични кўтаришга ҳоли қолмаган. Тамшанганча кунчиқар томонга қарайди. Полициячиларнинг бири «Бугун сув келади», деган эди. Унинг жавдираган кўзлари йўл бошида сувбочка ортилган аравани қидиради.

Бекир чўкични сал кўтариб, беҳол ташлайди. Чўкич тош сингари қотиб қолган лойга тегиб, уни майдаламай, сирғалиб тушади.

— Ҳой, итвачча, нимага тирнаяпсан? Ишлаш қанақалигини ўргатиб қўяйми?— деди Мурод деган полициячи унга ўдагайлаб яқинлашар экан.

— Кучим етмаяпти, нима қилай?— деди Бекир алам билан, кейин чўкични ташлаб қонталаш кафтини унга кўрсатди.— Қара, одаммисан ўзинг?

— Қани, тезроқ бўлларинг. Ишни тугатмагуиларинггача кетмайсанлар.

Бу йўлда ўттизтача йигит-қиз ишлаётган эди. Михайло шағал ортилган арава атрофида ўралашарди.

«Ҳайвон,— деди Бекир унга қараб,— ҳайвон нима, ундан ҳам баттар...»

Яқинда Рефатнинг тўқсон учга кирган буваси — Аблаким бобо бу ярамасни тузлаган эди.

Аблаким бобо ҳассасига таяниб кетаётганда, гузарда қора шинель кийиб, автомат осиб олган Михайлога дуч келди. Бобо ҳассасини уза-тиб, унинг йўлини тўсиб тўхтатди.

— Уғлим, сен нима учун бу қора кафанни кийиб олдинг?— деди у ўсиқ қошлари остидан унга тикилар экан.

— Нима ишинг бор?— деди Михайло ундан кўзини олиб қочиб.

— Қишлоққа қандай кириб келганинг эсингдами? Ҳокимиятимиздан нима ёмонлик кўрдинг? Уй ҳам қўрдинг, уйлантириб қўйдик, еганинг олдингда, емаганинг кетингда эди.

Михайло хохолаб кулиб юборди. Кейин тишларини гижирлатиб ғазаб билан деди:

— Ҳа, ҳокимиятинг менга кўп ҳунар кўрсатди. Бир умр унутмайман. Ҳокимиятинг нима берди менга? Санасанг, бармоқларинг ортиб қолади. Аммо, қанча нарсамни тортиб олганини биласанми?! Қоч, йўлимни тўсма!— Михайло шундай деб автоматини тўғрилаб, чолни нари туртиб ўтиб кетган эди.

Бекир ўшанда Михайлонинг ким эканини англаган эди.

— Қоққан қозиқдек турмасдан ишингни қил!

Мурод яна унинг ёнига қайтиб елкасига туртди. Бекир қалқиб кетди. Чўкични олиб ноилож қимирлади.

Икки немис автоматини ёнига қўйганча соядаги харсанг устида дам олиб ўтирар, малайларига ишонишгани учун ишлаётганларга қараб ҳам қўйишмас эди. Уларнинг бири берилиб гармошка чаларди. Агар қорни тўқ, чанқоғи босилганда, Бекир у чалаётган қўйни эшитиб, роҳат қилган бўларди. Иккинчи немис гимнастёркасини ечиб ўт устига ташлади-да, ётиб баданини офтобда тоблай бошлади.

Сал нарида баъзи-баъзида юмронқозиқ кўриниб қолади. Тик турганча, ишлаётганларга ҳайрон қараб туради-да, яна инига кириб кетади. Одам баъзан инсон бўлиб туғилганига пушаймон қилиб, қушга, ҳеч бўлмаса, юмронқозиққа айлангиси келади. Мана, ҳозир, бир думалаб юмронқозиққа айлансанг-у, инингга кириб кетсанг. Бу ҳайвонлар изингни топа олмаса...

Мурод сувдонини оғзига олиб борди. «Атай менинг олдимда ичпоти», деди Бекир унга ғазаб билан қараб. Полициячи бир-икки қултум ичгач, қолган сувни юзига қуйди-да, қилган ишидан лаззатланганча нари кетди. Бекир чўкичга суянганча ўнг томонга қаради. Сой қуриб

қолган. Бу ерда фақат баҳор чоғлари сув бўлади. Бетон қувур гор каби оғзини очиб турибди. Бекир бирдан сергак тортди: ахир, шу қувурга кириб беркиниш мумкин-ку! Ҳамма кетгач, қоронғида ўрмонга етиб олади. Ўрмонда партизанларга қўшилади.

Бекир ишлаган киши бўлиб аста-секин қувурга яқинлашаверади. Витя — Аланга эса бу ерда анчадан бери ивирсийди. Рефат ҳам шу атрофдан кетмайди. Бугун инграмай қўйди. Белкуракни бир-икки ерга ургач туриб қолади. Атрофга аланглайди. Бечора фашистлар чангалидан қочаман деганда, қўлидан ўқ еган, бу азобга ташналикда ишлаш ортиқча бўлди.

— Қаранглар, қуён, қуён! — деди кимдир.

Шу заҳоти ўқ янгради. Ҳамма ишдан тўхтаб, овоз келган томонга қаради. Иккила немис ҳам сапчиб турганча автоматларини олиб, қуённинг кетидан югуришди.

— Нимага чақчайиб қолдиларинг? Қуён кўрмаганмисанлар! Қани, ишла, деяпман! — Михайло шундай деб барчани ишга солди-да, ўзи Муроднинг ёнига келиб сигарет тутатди. Михайлодан ҳамма қўрқарди. Чунки, у ҳеч кимни аяб ўтирмас, гапига кирмаганларни қўндоқ билан урарди. Айбдор шунда ҳам йиқилмаса, янада қаттиқроқ туширарди. Шунинг учун калтак ейдиган одам биринчи қўндоқдаёқ чўзилиб қоларди.

Бекир астойдил ишлагандай энгашиб олган, кўзлари эса олма-кесак терарди. Бирдан Михайло тез-тез юриб пастга тушди. Қувурга яқинлашиб чўк тушди.

— Қаёққа кириб олдинг, итвачча! — деди у хирилдоқ овоз билан. — Қани, бу ёққа чиқ!

Ҳамма ишдан бош кўтариб шу томонга қаради. Михайло автоматини олиб найзасини қувурга тиқди.

— Чиқ, бу ёққа, итвачча! Сени деб отилиб кетайми ҳали!

Қувур оғзида кимнингдир яланг оёғи кўринди. Михайло шу оннинг ўзида унга найза санчди. Қувурдаги одам чиқмоқчи бўлар, Михайло эса найза санчганча бўралаб сўкарди. Бекир қувурнинг нариги томонига ўтди. Қувур оғзидан тошларни тез-тез нарига ота бошлади. Бошқа йигитлар тушиб унга кўмаклашдилар. Ниҳоят, найзалар зарбидан оёғи қийма бўлаёзган Витяга эмаклаб чиқди.

— Сенинг касрингга қолишим керакми, а, итвачча! — деди Михайло унга мушт ўқталиб келаркан.

— Михайло амаки, бечора адойи тамом бўлибди, бирпас даммини олволсин, — деди қизлардан бири.

— Мен унга дамни кўрсатиб қўяман! Мен бунақа айёрларнинг кўпини кўрганман.

Бу пайтда қуённинг қулоғидан ушлаб хурсанд қайтаётган немислар кўринди. Виктор оёқ босолмай тебранар, йиқилиб тушай дерди. Йигитлар уни ўраб суяшди.

— Қоч, қоч, ҳамманг. Унга яқинлашма! — деди Михайло қўл силтаб.

— Аланга, ўзингни тут! — Йигитлар шундай деб бир қадам нари жилдилар.

— Михайло амаки, немисларга айтма, унинг учун ҳам ишлаб берамиз.

— Менга ақл ўргатма! — У шундай деб тез-тез юрганча немисларга яқинлашиб нимадир деди.

— Гут, гут! — дейишди улар Михайлонинг елкасига қоқиб.

Ярим яланғоч немис Викторга яқинлашди-да, унинг юзига мушт туширди. Виктор чалқанча йиқилди. Оғзи-бурнидан қон келди. У қўлига илинган тошни чангаллаб ўрнидан турди. Гармошка чалган немис

орқадан келиб унинг қўлларини қайириб олди. Витя огриққа чидаёлмай чангалини очиб, тошни ташлаб юборди. Фашист эса уни ҳозиргина қуён отган майдонга судради. Қирқ қадамлар юргач тўхтади. Унинг қўлини қўйиб юборди. Нимадир деб кулди-да, елкасига қоқиб қўйиб изига қайтди. Йўл-йўлакай шеригига қандайдир бир гап айтди. Ярим яланғоч немис хохолаб кулди-да, автоматни олиб, мўлжаллаб ўтирмай тепкени босди.

— Мен битта қуён, у битта қуён,— деди у Михайлога ўз ишидан мамнун бўлиб.

Михайло эса ўртада турганча қотиб қолган эди. Ҳамма унга газаб билан боқарди. У ўтли нигоҳларни ҳис қилиб ваҳшиёна бир овозда: «Нимага қараб турибсанлар? Ишла, ишла! Янги ҳокимиятга бўйсунмаганларнинг ҳоли шу бўлади» деб бақирди.

Викторнинг мурдаси олдида икки юмронқозиқ кўринди. Одамларнинг бу ишидан ҳайрон қолиб яна инларига кириб кетишди.

Фашистлар оқшомда Витяни кўмишга рухсат бердилар. Йигитлар йўл ёқасига саязгина қабр қавлашди. Бекир Викторнинг чангалидан тушган тошни олдиб келиб гўр устига бостириб қўйди...

Бекир Асанович асабдан қалтираётган бармоқлари билан сигаретни эзиб бўшатди-да, ташналик билан тутатди. Уйчан кўзлари атрофидаги ажинлар қуюқлашган Варя хола иягини қўлига тираганича жим ўтирарди.

— Степан ўглининг қабри шу яқин орада эканини билмайди,— деди ниҳоят Варя хола ҳорғин овозда.

— Қўрсатиб қўйсакмикин?

— Йўқ, кўрсатмаган маъқул. Михайло жазосини тортиб келди, унга бало ҳам урмайди. Болаларига қийин бўлади. Агар Степан эшитиб қолса. У кўринишидан мўмин бўлса ҳам, жаҳли чиқса отасини танимайди. Гапингни эшитиши билан Михайлони ўлдиради, худо ҳақи, ўлдиради!— Кампир шундай деб чўқинди.— Викторнинг ота-онаси юрагидаги яра анча битди. Унга қайта туз сепма. Қишлоғимизнинг тинчи бузилмасин.

— Тўғри, туз сепмаган маъқул,— Бекир Асанович шундай деб сигаретни кулдонга босди.

Тоғ томон ёришиб, бир оздан сўнг момақалдироқ гумбурлади. Шабада дераза пардаларини юлқиб ичкарига кирди.

— Бугун уйда ётақол. Ёмғир ёғадиганга ўхшайди,— деди кампир.

Бекир Асанович деразадан бошини чиқариб, юзини шабадага тутди.

— Саройда ётаман.— У шундай дея ҳовлига чиқиб, чуқур нафас олди. Қишлоқ оромга кирган, фақат қайдадир ит вовуллайди, қайдадир арава гилдираги ғичирлайди, қайдадир қурбақа қуруллайди. Бекир Асанович кўзини юмиб, хаёлан болаликка қайтди. Ҳаво ҳам, атрофдан келаётган овозлар ҳам ўзгармагандек...

У ҳовлини кесиб ўтиб саройга кирди-да, пичан устига юпқа кўрпача тўшаб ётди. Бир оздан сўнг эшик очилгандек бўлди. Аввалига шамолнинг иши деб ўйлади. Кейин кимдир енгил қадам ташлаб ичкари кирди.

— Ухлаяпсанми?

Бекир Асанович Любанинг овозини эшитиб, ҳаяжонланиб туриб кетди.

— Қаердасан?

— Бу ердан, тўғрига юравер.

Люба ёмғиртўшни унинг ёнига қўйди.

— Ҳали келсам, Варя холага бир нималарни тушунтираётган экансан. Халақит бергим келмади. Уйга бориб ётиб кўзим илинган

экан, чўчиб уйғониб кетдим. Кейин ҳеч уйқум келмади. Фақат сени ўйлайман. Бир кун кўрмай соғиниб қолибман.

— Келганинг яхши бўлди, мен ҳам бугун кун бўйи сени ўйладим.

→ Борька, Борька, сени кўрмаганим яхшироқ эди.

У аёлнинг елкасидан қучиб ўзига тортди. Кўкрагига бир томчи ёш томиб, ўтдек куйдирди.

— Сен Верани ростдан ҳам Тошкентга олиб кетмоқчимсан?

— Ҳа, таътилни меникида ўтказа қолсин.

— Ўзи ҳам шундай деяпти. Лекин институтга тайёрланиши керак-ку.

— Қайси институтга кирмоқчи?

— Ўзи ҳам билмайди. Сен нима десанг шу эмиш.

— Менинг айтганимни қилса, аввал бир-икки йил ишласин. Ана шунда ҳаётдан нима олишни, эвазига нима билан ҳақ тўланишини тушуниб етади.

— Гапинг тўғри,— деди Люба хўрсиниб,— ҳозир тўғри йўлни танлаб олиши муҳим.

— Ўзимнинг тажрибахонамда ишласа, нима дейсан?

— Тошкентдами? Эсинг жойидами, хотининг нима дейди?

— Нима дерди, у тушунадиган хотин.

— Тушунармикин... Аҳил яшайсизларми?

— Ҳа.

— Сен уни севасанми?

— Шундай бўлса керак.

— Меничи?

— Саволинг ортиқча.

— Уни қаттиқроқ севсанг керак.

— Қаттиқроқ севиш мумкин эмас.

— Раис менга оғиз солиб юрибди. Уч йил бурун хотини ўлган эди. Иккита бола билан қолган. Ўзи яхши киши, аммо, сира кўнглим чопмаяпти.

Булутлар орасидан ой кўринди. Унинг кумуш ёғдулари саройнинг очиқ эшиги орқали ичкарига кирди.

— Борька.

— Хм.

— Мени севишинг ростми?..

Ташна лаблар бир-бирларини тезда топди. Қўллар сийнабанд тугмаларини ечди...

Михайло чўчиб уйғонди. Назарида кимдир тумшугига мушт тугширгандай бўлди. Бир оз гарангсиб ўтирди. Сўнг чақирилмаган меҳмоннинг гапларини эслаб, афти буришди. Асаннинг итваччасига кўзи учиб тургани йўқ эди. Қаёқдан пайдо бўлди ўзи? Осмондан тушдими ё ердан чиқдими? У келдию Михайлонинг тинчи йўқолди. «Кўрқитмоқчи бўлган гапини қара-ю! Витькани эслатиб қўярмиш. Ҳе, сени ўша... Мен қилган гуноҳим учун керакли жойда ётиб, касал орттириб чиқдим. Сен-чи? Бўрдоқига боқилган буқадай бўлиб юрибсан. Витька учун гуноҳкор эмасман. Фрицларнинг отиб ташлашини билиб ўтирибманми? Менга ташаккур айтиб «грас данке», деб қўяр, мукофотига бир-икки кунга рухсат берар, девдим-да. Витькани деб ўзимнинг кўзимга ҳам неча кун уйқу келмай юрди...» Михайло ёстиқни мушти билан уриб қўйди-да, юз тубан бўлиб ётди. Хотини унинг туриб ўтирганини сезмади. Пишиллаб ухлайверди. Хотинининг тамшаниб қўйганини кўриб, Михайлонинг меҳри уйғонди. Елкаларини силади. Қундан кунга жиннига ўхшаб кетяпти. Оқшомда ҳе йўқ, бе йўқ бирдан унинг етти пуштини ўқиб ташлади. Қизи эркаланиб тиззасига чиқиб ўтирмоқчи эди,

тарсаки қўйиб юборди... Ҳаммаси ўша Асаннинг итваччаси деб бўлди. Ичкари уйда қизининг йиғисини, хотинининг овутмоқчи бўлиб айтаётган гапларини эшитиб, ичини ит таталагандай бўлди. Ичгиси келди. Хотинига: «Самогон олиб чиқ», деди. Хотини эшитмади. У жаҳл билан столга муштлиди. Стол устидаги чиннилар шарақлаб кетди. Ичкари уйдан хотини отилиб чиқди.

— Михайло, сенга нима бўлди?— деди у хавотир билан.

— Самогон олиб чиқ, деб неча марта айтишим керак?!

— Ахир мен эшитмадим-ку!

— Ҳозир иккитагина мушт есанг, қулоғинг ҳам яхши эшитадиган бўлиб қолади.

Хотин бундай пайтда эри билан айтишиб барака топмаслигини яхши биларди. Шунинг учун индамай изига қайтиб бир шиша самогон билан стакан олиб чиқиб қўйди. Михайло стаканни тўлдириб ичди. Ҳозир нечта стаканни бўшатганини эслай олмайди. Юраги сиқилаётган эди. Энди боши ҳам лўқиллаяпти. Бошига қўрғошин қуйилгандай. Ичи ёняпти. Туриб сув ичай деса, уйқу қочади.

Ёстиқ тагидан қўл соатини олиб, ой нурига тутиб қаради. Ярим кеча. У ўрнидан туриб, жундор кўкрагини деразадан кираётган муздек шабадага тутди. Шунда ҳам энгил тортмади. Бир оз тиниқиш учун кўзини юмди. Яна ётди. Кўзи илинди. Ўзининг хуррагидан ўзи чўчиб уйғонди. Яна соатини олиб қаради. Падарига лаънат, миллар мунча секин қимирлайди, ё тўхтаб қолганми? У соатини қулоғига тутди. Йўқ, бир маромда чиқиллаяпти. Ана хотини ҳам уйғонди.

— Михайло, сенга нима бўлди?

«Оббо занғаре, энди сен етмай турувдинг».

— Ҳеч нима бўлгани йўқ, ухлайвер,— деди Михайло тўнғиллаб. У ошқора безовталанаётганини сезиб тишларини ғижирлатди. Худди қайноқ сув сепилгандай сесканди. «Асаннинг итваччаси эрта бўлмаса индинга Витка Степаненконинг отасига бор гапни айтиб беради. Ўша воқеанинг шохидлари битта қолмай қирилиб кетди. Бу илон боласи эса жаҳаннам оғзидан тирик қайтибди. Агар шунақалигини ўша топда билганимда-ку... Қани энди бир чертиб кўрчи! Ҳечқиси йўқ, ҳали у Михайлонинг совунига кир юмабди. Сен ким билан ўйнашяпсан, итвачча! Михайло неча тегирмондан омон чиққан...» Унинг хаёлини қўшни уйдаги хўрознинг қичқирғи бўлди. Дераза оша ташқарига қаради. Осмон бўзарган. Соат миллари бешни кўрсатяпти. Михайло хотинига қаради. Кун ёйилгунча ётишни хуш кўрувчи лоппос хотини қўлларини ёстиқ остига тикқанича пишилларди.

Михайло ўрнидан турди. Малла мушук унинг креслога бетартиб ташланган кийимлари устида ухлаб ётарди. Илгарилари у жуда сергак эди. Сичқоннинг қитирлашини эшитиши билан сапчиб турарди. Энди эса... Балки, бу қариллик аломатидир? Бе, тиш-тирноқ бақувват бўлса, ёш нима деган гап экан? Балки, сичқоннинг уруғи қуриб, мушук дангаса бўлиб қолгандир?

Михайлонинг қаршисида ҳам ҳаётини кемириши мумкин бўлган сичқон турибди. Ҳозир ҳамла қилса — қилгани, йўқса, мушук сичқонга, ҳа, сичқонга ем бўлиши турган гап.

У щимини силтаб турди. Мушук сапчиб тушди. Михайло кийиниб ташқарига чиқди. Люба яшайдиган уйга хавотир билан қараб қўйди. Деразалари очиқ. Жимжит. Демак, ухлашяпти.

Оёқ учида юриб ҳовлини кесиб ўтди.

Қишлоқ этагидаги устахонага етиб боргач тўхтади. Атрофга разм солди. Уфқ оқариб қолган эди. Ҳали замон қишлоқ уйғонади. Михайло бир оз ниманидир ўйлаб турди. Кейин қўл силтади-да, устахонадан икки уй наридаги хонадон сари тез-тез юриб борди. Сиренга бурканган

ҳовлига кириб, тахта зинани гурс-гурс босганича юқори кўтарилди-да, эшикни тақиллатди. Кейин тешикчага қулогини тутди. Аввал даҳлизда оёқ товуши келди. Пол ғижирлади. Кейин илгак олинди. Сўнг эшик очилиб остонада оқ иштон кийган, уйқуга тўймаган кўзлари қизарган Степан кўринди.

— Ҳа, инингга биров чўп суқдими, эрта саҳардан ғимирлаб қолибсан?— деди у нохуш оҳангда.

— Муҳим бир иш билан келдим,— деди Михайло деярли шивирлаб. Сўнг ён-атрофига хавотирланиб қараб олди.— Жодугар Варвара Петровнаникида ким турганини биласанми?

— Билсам нима бўпти?— Степан эснади.

— Ҳеч нимадан хабаринг йўқ сенинг. Ҳаммасини мен биламан. Мана шу кўзларим билан кўрганман. Шайтон васвасасига берилиб немисларда хизмат қилганман. Гуноҳимга яраша жазоимни тортдим.

— Шу гапларни айтиш учун мени уйғотдингми?

— Шошилмай тур, ҳозир ҳаммасини гапириб бераман. Витянгни олиб кетишгани эсингдадир? Менинг шундай кўз олдимда турибди. Йигитмисан йигит бўлган эди ўзи ҳам. Энг гўзал қизлар ҳам унинг изини ўпарди.— Михайло шундай деб Степанга қаради. Степан сергакланиб, қўллари қалтирай бошлаганиди. Михайлога ҳам худди шу керак эди. Мўлжални тўғри олганига ишонч ҳосил қилгач, гапини давом қилди.— Мен шу йигит куёвим бўлса эди, деб орзу қилиб юрдим. Худо ҳаққи, шундай ниятим бор эди. Хароми фашистлар йигитларни кузатиб боришга мени мажбур қилди. Ўзимча бир илож топиб Витяни қочириб юбораман, деб ўйлаб қўйдим. Бир кўни улар йўлни текислаётгандилар. Витя пайт пойлаб туриб ўтлоққа шўнғиб, кўздан йўқолди. Озгина эмакласа, бутазорга етарди. Бутазорнинг этаги — жарлик. Қарабанки, кечқурун уйга етиб оларди. «Худо омадингни берсин», деб ният қилиб туравердим.

Михайло ғамга берилгандай бошини қуйи солиб, лабини тишлади. Степан эса ўтли нигоҳини унга қадаб, гапнинг давомини кутарди. Унинг чакка томирлари бўртиб, тез-тез урарди.

— Лекин... ўғлинг бутага етиб ололмади,— Михайло шундай деб пичирлади-да, кепкасини бошидан сидириб олиб кўзини артди. Шу ондаёқ хирилдоқ овозини кўтариб, ғазаб билан гапини давом эттирди:— Варьканикида ётган хароми итвачча ўғлингни немисларга кўрсатиб берди! Фашистлар ўйлаб ўтиришармиди. Автоматдан бир сидрагина...

Михайло қалтироқ қўллари билан сигарет олиб тутатди.

Степан унга бир зумгина қараб турди-да, кейин шартта ўгирилиб ичкарига кирди.

— Максим! Пашка! Турларинг, ғафлат босгурлар. Тез турларинг!

— Ҳой, сизга нима бало бўлди, қўйинг, ухлаб олишсин,— деди кампир чолнинг ҳаракатига тушунмай.

— Турларинг, деяпман!— деди Степан хотинига эътибор ҳам қилмай.

Йигитлар норози оҳангда ниманидир дейишди. Орадан кўп ўтмай учовлари остонада пайдо бўлишди. Йигитлар соч тарашга ҳам улгуринмаган, кўзларидан уйқу ҳам ўчмаган эди. Михайло четга чиқиб, уларга йўл бўшатди. Степан зинадан пастга тушмай туриб орқасига ўгирилди:

— Пашка, милтиқни олвол.

— Нимага?— деди Пашка изига қайтишни хуш кўрмай.

— Олвол дегандан кейин, гап қайтарма.— Степан шундай деб шахдам юриб кетди. Михайло унинг ёнида пилдираб борар, нимадир дер, аммо, энди Степаннинг қулогига мутлақо гап кирмасди. Қўшнинг ити бесаранжом бўлиб қаттиқ хура бошлади. Улар Варвара Пет-

ровнаникига етиб борганларида ҳам у вовуллашдан тинмади. Степан панжарага яқинлашгач тўхтаб, ҳовлини кўздан кечирди. У кела келгунча бирон марта ҳам ортига ўгирилиб қарамаса-да, ўғилларининг изма-из келаётганини биларди. Ҳозир ҳам орқасига қарамади. У ўғилларининг етиб келганига амин эди. Степан панжара эшикнинг илгагини кўтариб ўтирмади. Бир тепган эди эшик учиб тушди. Ота-ўғиллар ичкарига киришди. Михайло эса ўзини панага олди.

Степан тўғри келиб деразани қаттиқ тақиллатди. Варвара Петровна кўриниши билан: «Меҳмонга айт, тез чиқсин, отамлашадиган гап бор!» деди.

Орқада саройнинг эшиги ғижирлаб очилди. Учовлари ўгирилиб, кўйлагининг тугмаларини солиб, сочини тартибга келтираётган Любани кўрдилар. Кимдир Степанини ўша томонга итаргандай бўлди.

— Стёпа амаки, тинчликми, наҳорда нима қилиб юрибсиз?— Люба шундай деркан, юраги бир нарсани сезди-ю, сарой эшигини ёпди.

— Йўлдан қоч, қанжиқ!— деди Степан тишларини ғижирлатиб. Сўнг Любани билагидан ушлаб четга сурди. Эшикни қаттиқ тортди. Омонат эшик узилиб тушай деди. Дароз Максим бошини уриб олмаслик учун энгашиб отасининг изидан ичкари кирди. Дам ўтмай ичкаридан калтак зарблари ва ингроқ эшитилди.

Пашка эса милтиқни маҳкам ушлаганича нима қиларини билмай, ранги оқариб турарди.

— Экканингни ўриб ол энди, сотқин! Ма ол, ҳароми! Манови Витька учун, буниси ҳам Витька учун,— Степан тобора ваҳшийлашиб борар, Бекир Асановичнинг дуч келган ерига аямай тепарди.— Максим, аямай ур, ур бу ифлосни. Бу итвачча акангнинг қотили. Энди хун тўлаш вақти етди. Ур, Максим, мана бундай қилиб ур...

Люба бир дам қўрқув оғушида қолди. Кейин эсини йғиб олди-да «Нима қиляйсизлар, бераҳмлар!» деганича саройга учиб кирди. Кирдию Степанининг чинор қаби мустаҳкам елкасига осилди.

— Қоч, манжалақи!— Степан шундай деб уни қаттиқ итариб юборди. Люба йиқилган еридан сапчиб турди-да, ҳали ҳам қимирламай турган Пашка сари югурди.

— Бу ёққа бер!— деди у милтиққа ёпишиб.

Пашка Любанинг қаҳрли нигоҳидан чўчибми, милтиқни ташлаб орқасига чекинди.

Люба яна ичкарига отилди. Дам ўтмай ичкаридан ўқ овози эшитилди. Степан билан Максим олдинма кейин орқалари билан чиқиб келишди. Люба эса қўшотарни ўқталганича улардан газабнок кўзини узмай изма-из чиқди.

— Сен нимага қутуряпсан,— деди Степан ҳансираб,— милтиқни ол!

— Қутурган ит менми ё сизларми?— деди Люба ютиниб.— Бегуноҳ одамни бекордан бекорга ўлдирмоқчимисизлар, қани, қорангизни ўчиринг...

Кийинишга ҳам улгурмаган Варвара Петровна уйдан югуриб чиқди-да, йиқилиб тушмаслик учун айвон устунига суяниб ташқарида ўғри мушукдай беркиниб турган Михайлони кўрсатди.

— Витянинг ўлимига ана у айбдор!— деди Варя хола қичқириб,— ана ўша махлуқ билан гаплашларинг!

Люба милтиқни Степанинг кўкрагига тиради:

— Кетинглар, кетинглар деяпман!— Любанинг бармоқлари тепкига қадалди. Кўзларидан ёш думалади.— Кетинглар...

Режасининг буткул чиппака чиққанини англаган Михайло ҳам алам, ҳам газаб билан тупурди. Бошига кимдир гурзи билан ургандай чайқалиб кетди. Ҳаво етишмагандай оғзини очиб, бир дам милтиқ ўқталиб турган қизига тикилди. Сўнг худди чивин галасини ҳайдаёт-

ган одам каби қўлларини силкиб, орқасига чекинди. Бир-икки қадам орқаси билан юриб боргач, ўгирилди-да, югуриб кетди. Орқамдан отиб қўймасин, деб чўчигани учун энгашиб, бошини қисиб чопди.

Варя хола ҳовлини кесиб ўтиб саройга кирди.

Уқ овозидан уйғонган қўшнилари тўпланиб ҳалигача милтиқни туширмай турган Любага, ота-ўғилларга ҳайрон боқишарди.

— Люба, қоч, мен ўзидан сўрай, ўзи айтсин, энди унга тегмайман.

— Кўзимга кўринма, олдинроқ сўрагин эди.

— Жиннилик қилма, Люба, худо ҳаққи, қўлимни теккизмайман.

Мен ҳақиқатни билишим керак.

— Яхши, Стёпа амаки, сўрай қол, агар сўзингда турмасанг, ўзингдан кўр. Одатимни яхши биласан.

Степан «жойларингдан жилмаларинг», дегандай ўғилларига хўмрайиб қараб қўйди-да, саройга кирди.

— Худо хайрингни бергур, қилғилиқни қилиб қўйибсанлар, энди қораларингни ўчирсаларинг бўлмайдими?— деди Варя хола рўмоли билан Бекирнинг юзидаги қонни артар экан.

— Овозингни ўчир, кампир,— деди Степан Бекир. Асановичнинг ёнига ўтирар экан.— Менга қара, Витка қочаман деганда уни фрицларга сен кўрсатиб берганмисан?

— Жонажон ўртоғини сотадиган одамга ўхшайдими шу, ҳаммаси қирилгур Михайлонинг иши!— деб бақирди Варя хола.

— Шанғилламай турсангчи, мен ўз оғзидан эшитмоқчиман. Отаси виждонли одам эди. Бу ҳам алдамайди.

Бекир Асанович қўлларига тиралиб ўтирди. Боши айланди. Кўзи тинди.

— Олдинроқ сўрасангиз бўлмасмиди, Стёпа амаки? Агар туришга мадорим етганда, ёшингизни ҳурмат қилмай тумшуғингизга туширардим.— У шундай деб чуқур нафас олди. Яна ётди.— Варя хола бор гапни айтди.

Степан кўзларини ҳолсиз юмган Бекир Асановичга бир зум қараб қолди. Қўлларини панжалари орасига олди.

— Мени кечир, ўғлим, эсини еб қўйган аҳмоқ чолни кечир.— Степан мадордан кетгандай аста ўрнидан туриб ташқарига йўналди. Эшик оғзига боргач, кесакига суянди-да, кенжасини чақирди:— Пашка, югур, милиция чақир, отангни керакли жойга олиб кетсин...

□

Варвара Петровна нонуштадан сўнг уй кўтаришга киришди. Полларни ювиб, жавону дераза тоқчаларига қўнган чангни артди.

Бекир Асанович эса стол билан каравот оралиғидаги юмшоқ курсига чўкиб, газета ўқирди. Варя хола ҳар тонг дўкондан қайтар маҳали Бекир Асановичга янги газеталардан ола келарди. Уша кунги воқеадан сўнг Бекир Асанович бир неча кун кўрпа-ёстиқ қилиб ётди. Бахтига отасидан қолган кўп китоблар сақланган экан. Бир бошдан Котляревскийни, Шевченко, Гоголь, Грибоедовни ўқиб чиқди. Энди ўқийдиган китоб қолмади. Газеталарни битта қўймай то сўнгги эълонгача ўқиб чиқди.

Варя хола репродукторнинг овозини кўтариб қўйди. Огинский полонези янгради. Бекир Асанович газетани йиғиштириб, кўзларини юмганича куйни эшитди. Бу куйни у ҳаммша алоҳида завқ билан тингларди. Куй тингач, Огинскийнинг бошқа куйларини эсламоқчи бўлди. Йўқ, бошқасини билмас экан. Афтидан бастакорни оламга танитган куй мана шу полонез бўлса керак.

Варя хола ҳўл латта билан курсининг атрофларини артди. У ишини тугатгач Бекир Асанович яна газетага кўз югуртирди.

Ириқ селекциячи олимнинг имзосини кўриб, мақолани диққат билан ўқий бошлади. Кейин ҳаяжонини сездириб қўймаслик учун босиқлик билан Варя холага мурожаат қилди:

— Варя хола, мана бу ерда менинг ишимни ҳам тилга олишибди.

— Ростданми?— кампир пол латтасини челақка ташлаб, унга яқинлашди.— Нима дейишибди?

— Биз олиб бораётган тадқиқотнинг аҳамияти беҳад экан.

— Газетадаки шундай деб ёзишибдими, демак, нонларинг хаппаи ҳалол экан. Тиним билмай ишлайсизлар, заҳматнинг беҳуда кетмаганига шукур қилиш керак.

— Ҳали ишимиз тўла якунланганича йўқ. Лекин, унга ишонч билдиришяпти. Мана шу ишончлари учун ҳам минг раҳмат. Агар тадқиқотингга биров ноумидлик билан қараса, шаштинг қайтади. Ишонч билдирса, журъатингга журъат қўшилади.

— Гапинг тўғри, ўғлим. Аммо, эси бор одам ҳамма нарсага ҳам ишонч билдиравермайди. Демокчиманки, ишларинг аслида чакки эмас экан. Отанг-онанг тирик бўлишганда, ҳозир қувончдан ўзларини қўйгани жой топиша олишмасди. Мана энди сенинг ҳам кунинг туғиб, элга машҳур бўлдинг. Шуҳратинг ошди. Эрта-индин кўтарилиб кетсанг, Варя холангнй ҳам эсингдан чиқариб юборарсан?

— Йўқ, Варя хола, аввало сира эсдан чиқармайман. Қолаверса, меҳнатим элга манзур бўлди. Энг муҳими шу. Менга шуҳрат мутлақо керак эмас.

У юрагида бор гапни самимий тарзда айтди. Бироқ, ўзга бир одамнинг сўзларини такрорлаётганини англаб жимиб қолди. Худди шу гапни бир йил олдин дўстидан эшитган эди. Дарвоқе, дўстнинг сўзларини бегона деб бўлмайди. Дўстнинг фикрлари маъқул келдими, демак, бу фикр сенга ҳам тегишли.

— Менинг бекободлик Парда деган бир дўстим бор,— деди Бекир Асанович Варя холага бир қараб олиб. Кейин газетани тахлаб стол устига қўйди. Шуҳрат ва эътироф ҳақидаги сўзлар ҳозир унга дўстини эслатган, шу сабабли беихтиёр сўз бошлаган эди.— Биз урушда бирга бўлганмиз. Вақти келганда увоқни ҳам бўлашиб еганмиз. Уша кезлари кўрганингизда, унинг вазоҳатидан лол қолардингиз. Девнинг кучи бор эди. Мушакларининг ўйнаб туришини гимнастёркасининг устидан ҳам билса бўларди. Ечиниб ювинаётганда ҳаммамиз қараб қолардик. Юнон паҳлавонларининг ҳайкалини шу йигитга қараб туриб ишлаш мумкин эди. Парда урушга қадар кураш билан шуғулланган. Музофотнинг кураги ерга тегмаган полвони шу Парда бўлган экан. Унинг кучини филга, эпчиллигини қоплонга ўхшатишаркан. Парда билан ёнма-ён жангга кирсам, ҳеч нарсдан қўрқмасдим. Бизга йўлиққан фрицларни у бошлаб адабини берарди.

Бекир Асанович сигарета олиб тутатди. Урнидан туриб деразани очди. Варвара Петровна эса қўлини пешбандига артди-да, стулга омонат ўтирди.

— Жангдан кейин давра қуриб ўтирганимизда баъзан Парда қўлларини кўрсатарди-да, «Фрицлар билан олишавериб қўлларим метин бўлиб кетди. Урушдан кейин ўлкамизда менга тенг келадиган полвон топилмайди. Суратларим газеталардан тушмай қолади. Шуҳратим етти иқлимга таралади. Сизлар суратим чиққан газеталарни кўтариб мақтаниб юрасизлар», деб ҳазиллашарди. Парда бу гапларни кулги учун айтарди. Аммо, урушдан кейин курашда республика чемпиони бўлишни чиндан орзу қиларди. Лекин, Берлин остонасида орзуси синди.

Тиззасидан ўқ еди. Пардани госпиталга олиб кетишди. Мен у билан орадан бир йил ўтгач учрашдим.

Ғалабадан сўнг онамни излаб Бекобод томонларга келиб қолдим. Турли юмушлар билан шуғулланиб насибамни териб юрган кезларимда бадавлатроқ бир одам уй солиб, ўғил уйлайдиган бўлиб қолди. Иморат ишларидан хабарим бор эди. Ёлландим. Хашар-хушар қилиб уйни тез тикладик. Уй эгасининг таклифи билан тўйга қолдим. Ўзбекларнинг тўйини биринчи марта ўшанда кўрганман. Удумни менга дарров тушунтириб қўйишди. Келин-куёв гўшангага кириши билан қариялардан бири ўртага поёндознинг бир бўлагини ташлади. Бир қулочли оқ сурп ёш-яланг ўртасида талаш бўлди. Уларга мен ҳам қўшилдим. Матони даврадан олиб чиққан йигитнинг ошиғи олчи. Қуруқ қолганларнинг ҳолига вой. Атрофдаги қизларнинг кўзига тик қарай олмайди. Хуллас, йигитлар бир-бирини итариб, суриб сурпни талашдилар. Тўп ичида мато кўринмайди. Таваккал қилиб қўлимни чўзиб олганман. Матонинг бир учи илинса бўлди, дейман. Тўпдаги барча йигитнинг ҳам нияти шу. Бир маҳал қўлим матога тегди. Шошиб чанг солдим. Бор кучим билан силтаб тортдим. Бир бўлаги йиртидиб ҳам кетди. Тўпдан чиқдим. Гулханга яқинроқ бориб унинг ёруғида «ўлжам»га қарадим, қарадим у шошиб қўйнимга яширдим. Матони эмас, беқасам тўннинг энгини узиб чиққан эканман. Мен кўрққанымдан эмас, изза бўлганимдан томошабинлар орасига яшириниб туравердим. Ниҳоят, азаматлардан бири тўдани ёриб чиқди-ю, ҳамма тинчиди. «Парда ака!» деб шивирлашди қизлар қандайдир ғурур ва ҳавас билан. «Қойил, йигитнинг гули», дейишди қариялар ҳам. Ғолибга қарадим. Қай кўз билан кўрайки, ўзимизнинг Парда! Қизлар томонга юриб келяпти. Сал оқсоқланади. Унг оёғининг тиззаси қайрилмайди. Эгнида йўл-йўл беқасам тўн. Тўннинг бир энги... калта. Парда қизларнинг бирига ўлжасини узатди. Қиз уни олиб бир оз уялиб турди. Ҳамманинг кўзи унда. Қиз нигоҳларга чидай олмай қочиб кетди. Шундан сўнг Парда ўнг қўлини юқори кўтарди-да:

— Қани, йигитларнинг гуллари, тўннинг энгини ким узиб олди?— деди. Унга яқинлашиб энгни узатдим. Одамлар қийқириб кула бошлашди. «Пардажон!» дедим. Ҳаяжонланганимдан овозим титраб кетди. Парда ўгирилиб қаради-ю, мени таниди. Қучоқлашиб кўришдик. Одамлар ҳайрон. Воқеадан огоҳ бўлишгач, ишқовимизни алоҳида хонага олиб киришди, зиёфатни қайтадан бошлашди. Парда бу ердан икки қйшлоқ нарида турар экан. Тонг билан уникига жўнадик. Мен урушдан кейин бу ёруғ дунёда бир ўзим шўппайиб қолдим, деб юрган эдим. Йўқ, қариндошдан зиёда дўстим бор экан. Анчагача уникида яшадим.

Тошкентга кўчиб келиб институт ётоқхонасига жойлашганимдан кейин ҳам тез-тез йўқлаб бориб турдим. У тўйда «ўлжа»сини тақдим этган ўша қизга уйланди. Бўш вақтларида Тошкентга келиб турди. Вақт ўтиб, ёшимизга ёш, ташвишимизга ташвиш қўшилиб, борди-келдимиз сийраклашди.

Парда умидининг пучга чиққанидан кўп афсусланарди. «Энди кураш туша олмайман. Бола-чақаларим энди мен билан фахрланиб юролмайдик», деб қўярди. Лекин, бу гапни қайғу-алам билан эмас, одатдагидек кулиб, ҳазиллашиб айтарди. У ёғочдек қотиб турган оёғига ишора қилиб, ўзини ердан кўчириб олиб тувакка ўтқазилган гулга қиёс қиларди.

Мен илмий ишга берилиб кетиб, кейинги икки-уч йил ичида Бекобод томонларга бора олмадим. Бир куни кутилмаганда Пардадан хат келди. «Газетада ёзишларича, сен каттагина олим бўлиб етишибсан. Бекирбоёв биз томонларга қадам ранжида қилмай қўйди, деб ҳайрон

бўлиб юрган эдим. Сабабини топдим. Кўзингги шира босибди-да, а? Аммо, биз сени унутганимиз йўқ, хотиним, бола-чақам билан эслашиб тураимиз. Омадинг бундан ҳам юқори бўлсин», дебди. Хат киноа билан ёзилган, аммо, бу пичингдан мақсад — мени Бекободга келишга мажбур этиш эди. Бундай гапдан кейин бормасам бўлмасди. Шанба-як-шанбага мўлжалланган ишлардан воз кечиб Бекободга отландим. Шаҳарга етмай, автобусдан тушиб қолдим. Кун тиккага келган, жазирама авжида эди. Кўча четидаги дарахтлар соясидан паноҳ топиб, қишлоқ томонга юрдим. Парданинг уйи унчалик узоқ эмас, жазирамада йўловчи машина кутгандан кўра пиёда кетаверган маъқул. Қатор толлар тугаб, каллакларан тутзор бошланди. Яна бир оз юргач, шийпонга дуч келдим. Илгари бу йўл ёқасида ҳеч нима йўқ эди. Шийпонни янги солишганга ўхшайди. Жимжимадор безаклари кўзни олади. Шийпон олдига, ҳовуз лабига мажнунтоллар ўтқазилган. Унтача тўрқовоқда бедана сайрайди. Шийпонда беш-олти колхозчи давра қурган. Оқ халатли киши ҳовуздан сув олиб самоварга қуяётганда кўзи менга тушди. Ишни қўйиб, мен билан сўрашди-да, дарҳол шийпонга таклиф қилди. Бошқалар ҳам ўрниларидан туриб сўрашдилар. Бу ерларнинг одатини мен яхши биламан. Бирор одам яқинлашса, дастурхон атрофида ўтирган кишилар у танишим, ё нотанишим, барибир уни тўрига таклиф қиладилар. Чой тутадилар, ўзинг гап очмагунингча кимлигингни сўрамайдилар. Таклифни ерда қолдириш одобдан эмас. Шунинг учун даврага қўшилдим. Чой ича туриб шийпоннинг ўйма нақш туширилган думалоқ устунларига, нозик дид, маҳорат билан ишланган шипига тикиламан. Шийпон худди қадимги шарқ эртақларини ўзига жамлаганга ўхшайди. Бир қараганда устун лолани эслатади. Тикилиброқ қарасанг, устунга узумлари ғарқ пишган ток чирмашган: шипда ҳам боғлар, қушлар тасвири, хуллас, эртақлардаги жаннатнинг ўзи. Даврадагилар менинг бу қизиқишимни пайқашмаган бўлишса ҳам, халақит бермаслик учун жим ўтиришарди. Умуман меҳмоннинг лол-ҳайронлигидан улар мамнун эдилар. Кўзим рўпарамдаги қарияга тушиши билан, у нимани сўрамоқчи бўлганимни англади.

— Уста Парданинг иши бу,— деди фахр билан.

— Ҳа...— деб унинг гапини маъқуллади бошқаси.— Устанинг қўли гул. Хизир бўвамнинг назарлари тушган-да...

— Қайси Пардани айтяписизлар?— дедим қизиқиб.

— Ўзимизнинг Парда-да. Шу қишлоқдан.

Тушлик вақти тугади, аммо, ҳеч ким жилмади. Меҳмон кўзгалмагунча улар ишлари қолиб кетса ҳам ўтираверадилар. Бу одат ҳам менга маълум. Шунинг учун даврабошидан кетишга рухсат сўрадим. У фотиҳага қўл очди. Шийпондагилар далага, мен эса йўл бўйлаб қишлоққа қараб юрдим.

Қишлоққа кираверишдаги бир уй диққатимни тортди. Уй қора сувоқдан чиқарилган, деразалари бўялмаган эди. Ҳатто тарнови ҳам алоҳида ҳавас билан жимжимадор қилиб ишланган. Юқори томонига тунукадан қирқиб ишланган хўроз узоқдан қараган кишига худди тирикдай туюлади. Кўчани супураётган аёлга яқинлашиб, «Бу ажиб тарновларни ким ясаган?» деб сўрадим.

— Уста Парданинг ишлари...

Сал наридаги бир ҳовлига янги дарвоза ўрнатилибди. Безаклари йўлдаги шийпонни эслатади.

— Дарвозани ким ишлаган?— деб сўрадим болалардан.

— Уста Парда ака,— деб жавоб беришди улар,— лекин, уста ҳозир ҳеч кимдан иш олмаяптилар. Сизга ҳам дарвоза керакми?

— Йўқ.

— Биз устани қидириб юрибсизми, деб ўйлабмиз. Уста акани ша-

ҳардан ҳам қидириб келишади. У кишининг эса вақтлари йўқ. Қишлоғимизда маданият саройи қураштилари.

— Уйи қаерда?

— Ҳов ана.

Бола ўзим билган, мен учун қадрдон бўлган уйни кўрсатди. Уста Парда дейишганда дўстим кўз олдимга келган бўлса ҳам, иккиланиб турган эдим. Чунки, унинг бундай ҳунари борлигини ҳанузгача билмасдим. Ҳунар эмас, бундай санъати борлигидан беҳабар эканман.

Парда пояндоз солгудек бўлди. Келганимдан боши осмонга етди. Хотини салқин сўрига дарҳол кўрпачалар солди. Уртага саккиз қирралик, ўйма безаклари кўзни олувчи хонтахта қўйилди. Кечқурун ош дамланди. Утган-кетганларни эслашиб ўтирдик. Ошдан олдин иштаҳа очиш учун юзта-юзта ичдик, қулфи дилимиз очилиб, суҳбат қизиди.

— Эсингдами, чемпион бўлишни орзу қилардим,— деди Парда.— Агар муштимга чап берган фриц тиззамга ўқ тикмаганда, худо ҳаққи, айтганимдан қолмасдим. Чемпион бўлсам, мени ҳам газеталарга ёзишарди, деб орзу қилиб юрибман. Ёшлик — шуҳратталаб, иззатталаб бир давр бўлар экан.

— Оғайни, шуҳратинг чакки эмас кўринади.

— Шуҳрат? Бе, менда нима қилсин. Ҳазиллашяпсанми?

— Йўқ, чиндан айтяпман. Қаерга борсанг, одамларнинг тилида уста Парда! Кўзни олувчи барча гўзаллик сенинг қўлинг билан яратилган. Одамлар сенга дарвозами, эшикми ишлашишни орзу қилишар экан. Бундан ортиқ шуҳрат бўладими?

Парда елкасини қисиб қўйди. Менга чой қуйиб узатди.

— Билмадим. Ҳунарим одамларга маъқулдек кўринади. Лекин, ишонсанг-ишонмасанг, мен кимнингдир кўнглини олай деб ишламайман. Фақат мен ўз ишимдан лаззат қилишим керак. Шунинг учун қўлимдан келганича ишлайман. Хунук буюм ишлашга кўзим етган куни асбобларимни йиғиштириб қўяман. Буюм ўзимга ёқмаса, бошқаларга ҳам ўтиришмайди. Бундан нима наф? Базан оддий курси ясаб беринг, деб илтимос қилишади. Курси нима деган гап? Тўртта ёғочни рандалаб ёпиштирсам бас. Наридан борса бир соатлик иш. Лекин, мен бундай қила олмайман. Қўлимдан ўймакорлик келади. Бу ҳунарни асрашим керакми? Шу курсига нақш ўйса кишининг баҳри дили очилади-ку. Ҳеч ким илтимос қилмаса-да, курсига нақш ўяман. Мен, секин қимирласам ҳам, буюмни сифатли қилиб ишлайман. Кўрган одам «Буни уста Парда ишлаган» деганда ерга қарамай, дейман.

— Мана шу хислатинг билан шуҳрат топгансан.

— Ке, қўй, шуҳрат ҳақида гапирма. Кулгим келади. Менга ҳеч қанақа шуҳрат керак эмас. Бу гаплар ёшликда қолиб кетган. Шуҳрат орттирсам, мени энг гўзал қиз севиб қолади, деб ўйлардим. Қумрихон менга шуҳратсиз ҳам кўнгли қўйди.— Парда шундай деб оқ оралаган мўйловини мамнун бураб қўйди.— Оғайни, бизга шуҳрат эмас, эътироф керак. Меҳнатинг элга малол келмасин, манзур бўлсин. Бундан бўлак бахт йўқ, бу дунёда.

Варвара Петровна Бекир Асановичнинг ҳикоясини диққат билан тинглар, ора-сира тасдиқ, маъқуллаш маъносида бош ирғаб қўярди.

— Дўстинг ҳақ гапни айтибди,— деди у Бекир Асановичнинг жим бўлиб қолганини кўриб.— Одамларнинг раҳматига лойиқ бирон иш қилмаган, қўлини совуқ сувга урмаган кимса дунёдан кўз юмар чоғида кимдан ризолик сўрайди? Э, ўғлим, гапга берилиб тушликни унутибман-ку. Мен дўкон ёпилмасидан майда-чуйда олиб келай.

У шоша-пиша тўрхалтани олди-ю кўчага чиқиб кетди. Бекир Асанович бошқа газеталарга кўз югуртира бошлади. Шу пайт кўча то-

мондан кимдир уни чақирди. Бекир Асанович деразани очиб Верани кўрди. Вера панжара ортида турганича унга қўл силкиди.

— Дада, бир нарса кўрсатмоқчиман.

— Нимани кўрсатмоқчисан?— деди Бекир Асанович кулимсираб.

— Борганда кўрасан.

У маъқул ишорасини қилди-да, деразани ёпиб, кўзгу олдига келди. Юзига узоқ тикилди. Энди уялмай кўчага чиқса ҳам бўлар. Қалтак излари сезилмайди.

Кўчага чиқиши билан у қизини қўлтиқлаб олди. Веранинг кайфи чоғ эди. У катталарга мушкул топишмоқ айтиб қўйиб лаззатланаётган қизалоқ каби шодланар, қаттиқ-қаттиқ гапирар, тез-тез куларди.

Дўкон олдида Варя холага дуч келишди. Унинг қўлида кўк қоғоз бор эди.

— Телеграмма келди. Ҳозиргина бир бола ташлаб кетди,— деди у яқинлашгач.

Бекир Асанович бош ирғаб миннатдорчилик билдирди-да, телеграммани олиб кўз югуртирди. «Верани олиб тезроқ қайт. Интизорлик билан кутяпмиз. Гулсум, Лиля, Гуля».

Вера хавотирланиб отасига қаради.

— Бизни шоширишяпти,— деди Бекир Асанович жилмайиб. Кейин телеграммани қизга кўрсатди.

— Яхшиликка экан, худога шукур,— деди Варя хола тин олиб.— Телеграмма деса юрагим ўйнайди. Умрим бино бўлиб бирон марта яхши хабар келтирган телеграмма олмаганман. Бўпти, мен кетдим. Овқатга уннай.

Вера отасининг қўлтиғидан олиб йўл бошлади.

— Демак, сафарингиз қарибди-да, менам сиз билан кетаманми?

У бош ирғади. Шундан сўнг то қишлоқ адоғидаги узун отхоналар, уюм-уюм гўнлар атрофида ивирсиб юрган товуқлар галасини ёнлаб ўтгунарлича ҳам савол тинмади.

Кун тобора ёсир, дала гулларининг, ўрилган ўтларнинг ҳиди димоққа урилар, айридум қалдирғочлар кучдан қолгандай ниҳоятда пастлаб учардилар. «Гулларнинг ўткир ҳиди, қушларнинг паст учиши, дим ҳаво — ёмғирнинг белгиси», кўнглидан кечирди у ўзича. Бекир Асанович тинмай гапирётган қизига қараб миннатдор бўлди. Уйда ётавериб сиқилиб кетган эди. Кўчага чақириб жуда савоб иш қилди бу қизи тушмагур. Бош айланиши ҳам тарқалганга ўхшайди. Танасидаги оғриқ деярли қолгандай. Фақат чуқурроқ нафас олганда кўкрагида санчиқ туряпти. Бундай пайтда у тўхтаб, гўё гулга кўнган капалакни, ёинки қатор тизилган чумолилар тўпини кузатгандай бўлади.

Уйда ётиб қолганда Люба билан шу Вера жонига оро кирди. Улар деярли ҳар куни оқшомда келишар, Вера отасини зериктирмаслик учун, қўшиб-чатиб бўлса-да, қишлоқ янгиликларидан сўзлар, Люба эса Варя хола билан ошхонада овқатга уннарди. Бир куни қўлбола мусаллас кўтариб Рая ҳам келди. Тун яримлагунга қадар ҳангома қилишди. Охири Варя хола «мезбонлар меъдаларингга тегишмадими?» деб учирлиқ қилгач, истамайгина хайрлашдилар.

Кеча оқшомда, чойхўрлик қилиб ўтирганларида, Вера ҳадеб безовталанаверди.

— Ҳа, бўпти, бора қол,— деди Люба қизининг қаёққа шошилаётганини англаб. Қиз онасини ўпиб қўйдию хонадан худди учиб чиқиб кетди. Люба эса унинг изидан қараб хўрсинди-да «Паша билан оралари бузилибди» деб қўйди.

Бекир Асанович икки ёш ўртасидаги беғубор муносабатнинг бузилишига ўзини сабабчи деб билди. Вера билан кета-кетгунча шу мавзуда гап очишга уринди, лекин ҳеч мавриди келмади.

Улар Бекир Асановичга таниш йўлдан борардилар. Веранинг юзида ташвишдан асар ҳам кўринмас, юзидан кулги аримасди.

Унг томонда сарғая бошлаган буғдойзор. Чап томонда эса ўрмонзорга бориб тақалувчи адир. Уша томонлардан тўрғайларнинг сайрагани эшитилади.

Эски тегирмон ўрнидаги қадрдон кўлга яқинлашганларида Бекир Асанович болаларнинг овозини эшитиб, аввал қулоқларига ишонмади. Яқинроқ бориб қарасаки, чиндан ҳам қип-яланғоч болалар бир-бирини қувлашиб, сувга сакраб ўйнаб юришарди. Бекир Асанович шундагина Веранинг мақсадини англади. Кўлни, Бекир ва Люба муҳаббатининг сирли онларига гувоҳ бўлган кўлни кимдир тозалаган эди. Икки қулоч баландликдаги тош зиналардан кўпириб, томчиларни инжу каби сачратиб булоқ суви тушяпти. Шу мўъжаз шаршара тепасига қуёш нурларидан ажиб камалак осган.

— Пашка тозалаб қўйди,— деди Вера отасининг ҳайрон бўлиб қараб турганини сезиб.

— Икковингми?— деди Бекир Асанович тасдиқ жавобини олиш илинжида.

— Йўқ, бир ўзи,— деди Вера отасининг муддаосини англаб. Бир оз жим тургач, отасини яна саволга тутди:— Дада, энди тилла балиғнингиз қайтиб келармикин?

Бир неча дақиқа бурун Веранинг кўзлари шодликдан чақнарди. Энди эса бирданига маъюс тортди. Уйга чўмди. Бекир Асанович қизининг саволига дарров жавоб беролмади. Сувни ҳар ён сачратиб ўйнаётган, шаршара остида туриб бошқаларни қойил қолдирмоқчи бўлаётган, лекин, уддасидан чиқолмаётган болаларга қараб хаёлга чўмди. Хўрсинди.

— Бизнинг тилла балиғимиз қайтмас бўлиб кетган, қизим,— деди у ғамгин оҳангда.— Қайтадиган бўлса ҳам, бизга эмас, сен билан Пашкага хизмат қилади. Огоҳ бўлиб, уни қаттиқ эҳтиётланглар, яна кетиб қолмасин.

— Нима, у сизларни унутиб юборганми?

— Балки, унутмагандир. Лекин, биздан рози эмаслиги аниқ. Чунки, биз уни асрай олмадик.

Болакайлар ҳамон қувнаб яйрашади. Соҳилда турган Бекир Асановичнинг кўзларида армон, Веранинг нигоҳида эса умид учқуни. Қизнинг меҳри жўшиб, отасининг елкасига аста бош қўйди. Шаршара устида жилваланаётган ранго-ранг камалак эса икки қалбни туташтирувчи кўприкка ўхшайди...

□

Любанинг уйи меҳмонлар билан тўлди. Одамларнинг кўзига моховдан баттар бўлиб кўриниб қолган Михайло меҳмондорчиликнинг дарагини эшитиши билан ғойиб бўлган эди. Люба отасининг итфелилигидан бир оз чўчинқираб турганди. Михайлонинг кўздан йўқолиши унинг учун айни муддао бўлди.

Ийғилганлар ҳам аввалига Михайло яшайдиган уй томонга бир-икки қараб қўйишди. Эгаси ҳадеганда кўринавермагач, қарашни ҳам бас қилишди. Бир-икки қадаҳ бўшатишгач, Михайлонинг шу ҳовли, шу уйлар эгаси эканлиги ҳам унутилиб, барча ўзини эркин тута бошлади. Ҳатто жиндек кайф қилиб олган Бекир Асанович ҳам ҳазил-мутойибага берилди. Меҳмонларни қайта-қайта Тошкентга таклиф қилди.

Вера эса хизматда юрган Варя холанинг атрофида уймаланишарди. Четдан қараган киши ғўё уни ҳам меҳмонлар хизматида деб ўйларди. Баъзан чой тутарди, баъзан бўшаган ликопчаларни олиб қўярди. Эътибор бериб разм солган киши эса унинг умидвор кўзлари кўчага дафъ-

атан қадалаётганини сезиб оларди. Қизнинг кимни интизорлик билан кутаётгани ҳам сир эмас. Тўпланганларнинг аксари қиздаги бесаранжомликни сезса ҳам, ўзини билмаганга олиб ўтирарди. Айниқса, Бекир Асанович қиз билан барабар изтироб чекарди. «Наҳотки, хайрлашгани ҳам келмаса? деган савол хаёлига михланиб қолганди.

Яна қадаҳлар тўлагилди. Бекир Асанович ёшлик йилларида оҳанрабодек ўзига тортган, сирли туюлган Любанинг бу уйини, серфайз даврани ташлаб кетажанини эслаб, юраги орзиқди. Бирданига кетгиси келмай қолди.

Кун эрталабданоқ булутли, дим эди. Шамол туриб бир оз танга роҳат бахш этди. Дам ўтмай эзилиб ёмғир ёға бошлади. Очиқ дераза ортида чамандай бўлиб турган сариқ ва оқ картошкагуллар, қизил балдоқдай кўзни олувчи тугмагуллар энди гуссага чўккандай бошларини эгиб олганлар. Шамолда истамайгина чайқаладилар. Ёмғир томчилари тегиб нам тортган деразанинг тўр пардаси шамолда елкан сингари шошиб, Бекир Асановичнинг орқасига ёпишди. Бекир Асановичнинг елкаларига нам ўтиб сесканди.

— Дада, беркитиб қўяйми?— деди отасидан нигоҳини узмай ўтирган Вера.

— Елвизакдан қўрқадиган нозик ниҳол эмасман,— деди Бекир Асанович кулиб.— Қўявер, очиқ тураверсин.

Агар даврадаги суҳбатдошлар дилкаш бўлса, вақтнинг тез ўтгани сезилмайди. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Вера бетоқатланиб тез-тез соатига қарайди. Отасига яқинлашиб, астагина «кечикмаймизми?» деб қўяди.

— Ташвишланаверма, кечикмаймиз,— дейди Бекир Асанович қизининг хавотирини тушуниб. Бир жиҳатдан кечикмаслик учун йўлга тушишлари керак. Бекир Асанович буни яхши билиб турибди. Лекин, у ҳам қиз каби Пашканинг йўлига кўз тиккан. Ҳеч бўлмаса хайрлашгани келар, деган умид билан ўтирарди.

Дам ўтмай Бекир Асановичнинг ўзи ҳам ташвишланиб, тез-тез соатига қарай бошлади. Люба буни сезиб, соат бешда раиснинг машинаси келажанини айтиб, уни тинчлантирди. Бутун зиёфат давомида синфдошлик ҳуқуқидан тўла фойдаланиб келаётган, ўзини беҳад эркин тутаётган Рая Бекир Асановичнинг елкасига худди эркаклардай қаттиқ туширди. У қалқиб кетиб, қўлидаги қадаҳни ҳам тушириб юборай деди.

— Хавотир олма. Раисмизнинг шофери учар йигит. Икки соатга қолмай Симферополга етказиб қўяди,— Рая шундай деб унинг бўйнидан маҳкам қучди-да, ўпиб олди. Давра яна қизиди.

Роппа-роса соат бешда раиснинг машинаси сигнал берди.

Ҳамма кўчага бодраб чиқди. Бекир Асанович меҳрибони Варя хола-ни бағрига босди. У кампирнинг йиғлаб юборишидан хавотирда эди. Чунки, Варя хола кўзига ёш олса, у ҳам ўзини тутиб туrolмасди. Кампир унинг аҳволини тушундими, ҳар нечук, ўзини тутди.

— Мен сизга тез-тез хат ёзиб тураман,— деди Бекир Асанович деярли шивирлаб.

Варя хола титроқ лабларини тишлаганича бош ирғади. Йиғи ирода деб аталмиш тўғоннинг қаеридандир тошиб чиқди — кампирнинг кўзларига ёш хира парда тортди. У рўмолининг учи билан кўзларини артди. Бекир Асанович бу вақтда бошқалар билан хайрлашиб, машинага чиқди.

Шамол буталарни денгиз сари ҳайдаб кетган, ҳаво очилиб, ёқимли шабада эсиб турарди. Ёмғир тинган бўлса-да Люба, Веранинг ёмғирпўшини олди. Люба билан Бекир Асанович орқа ўриндиққа жойлашдилар. Вера эса сўзамол шофернинг ёнига ўтирди. У мулозамат кутмай, эски ошналар каби эркин суҳбатга берилди. Вера эса онда-

сонда унга жавоб қайтарар, худди учишга чоғланиб турган қушдай омонат ўтирар, кўзлари жавдираб, атрофдан кимнидир қидиравди. Хайрлашув маросими бундай пайтда ҳадсиз чўзилиши мумкин. Шофер аввалига индамай қўйиб берди. Сўнг сигнални босди-да, машинани жилдирди.

Қишлоқ этаги фахрий қоровул сингари саф тортган адл теракларга яқинлашишганда, Вера рўпарага тикилиб қолди. Йўл четида ўтирган йигит машинани кўриши билан ўрнидан турди.

— Ана, Пашка!— деди шофер кулимсираб. Кейин қаттиқ тормоз бериб, машинасини тўхтатди.

Вера машинадан деярли учиб тушди. Аммо, Пашкага яқинлашиши билан шашти қайтиб, нима қиларини билмай тўхтаб қолди. Йигит унинг қўлларини ушлади...

Бекир Асанович шофернинг елкасидан ушлаб, юравер, деган ишорани қилди. Машина улардан бир неча қадам узоқлашиб тўхтади.

Вера узоқ ушланмади. Югуриб келиб жойига ўтирди. Унинг юзлари уятданми, бир оз қизарган. Аммо, бағоят бахтли экани кўзларидаги шодликдан аён эди.

Шофер, дарҳақиқат, учар экан. Рая айтгандай, икки соат эмас, бир ярим соатдаёқ Симферополга етиб олишлари мумкин эди. Аммо, кутилмаганда машина кашанда одам сингари йўталиб, силкинди. Шофер уни йўл четида тўхтатиб, капотни очди-да, кавлаштира кетди. У шошилар, асабийлашар, шунинг учун ҳам машинанинг касалини ҳадеганда топа олмасди. Вера эса дам-бадам онасига ўгирилиб қарар, ҳали уни сўрар, ҳали бу масала юзасидан маслаҳат олар, хуллас, Пашка унга бахш этган қувонч тинч ўтиришига йўл қўймасди.

Бекир Асанович билан Люба машинадан тушиб аста пиёда кетишди. У аёлни қўлтиқлаб олди. Люба Бекир Асановичнинг бағрига сингиб кегудай бўлиб борар, туфлисининг учидан кўз узмасди. Ширин хаёллар домига берилганлари учун ҳам кўлмак сачратиб ўтаётган машиналарга кўпам эътибор беришмасди.

Бекир Асанович аёлга яхши бир сўз айтгиси келар, аммо, бемаъни гап айтиб қўйишдан чўчирди. Бу истиҳола унга йўргакда юққан. Одатдагидек, бу сафар ҳам биринчи бўлиб Люба гап бошлади:

— Урушдан кейин, жилла бўлмаса, бир энлик хат ёзганимда, ёнингга учиб борардим.

— Ёзишни кўп ўйладим. Аммо... мен оила қургандирсан, деб ўйлаган эдим. Хат ёзиб, тинчингни бузмай дедим.

— Сен бирга бўлган дамларимизни эслайсанми?

— Албатта. Сен-чи?

— Мен ҳам. Ҳар бир гапинг ёдимда. Жуда содда бўлган эканмиз. Лекин муносабатимиз самимий, покиза эди. Сени қаттиқ севиб қолганимни кейинроқ фаҳмладим... Сен-чи?

— Мен ҳам сени севардим.

— Нима учун ўшанда айтмаган эдинг?

— Мен бунга айтишга уялардим. Мен фақат сенсиз яшай олмаслигимни билардим.

— Яшаб юрибсан-ку...

Аёлнинг бу гапи Бекир Асановичга таъна бўлиб туюлди. Жим қолди. Люба билан жим юриш Бекир Асановични ноқулай аҳвол чоҳидан тортиб чиқарарди. Люба ҳам бунга тушуниб, ортиқча гапирмади. Аммо, кўзлар тўқнаш келганда, Бекир Асанович унинг қарашларидан фикрларини уқиб оларди.

Кўп ўтмай газик уларни қувиб етди. Кеч кириб қолган эди. Машина чироқларини ёқиб, қоронғилик бағрини ёриб, елиб борарди. Манзилга етгунларича ҳеч кимдан садо чиқмади.

Любанинг кўзлари ғамли боқарди. У нимадан ташвишланаяпти? Верани ўйлаётими? Бўлса бордир. Ахир яккаю ягонасини узоқ йўлга кузатаётган қайси она ташвиш чекмайди. Етуклик аттестатига эга бўлган билан бари бир ўн етти ёшли қиз она учун гўдаклигича қолаверади.

Вокзалда поезд жилай-жилай деб турганда етиб келишди. Вера онасини маҳкам қучоқлаб олди. Шофер юкларни кунегга олиб кириб қўйди. Радиодан поезднинг йўлга чиқажаги эълон қилинди. Шунда ҳам Люба қизини бағридан бўшатмади. Вера онасини кетма-кет ўпиб бағридан чиқди. Бекир Асанович Любанинг елкаларидан ушлаб, ёш милтиллаб турган кўзларидан ўпди. Люба Бекирни сўнгги марта кўраётгандай, дийдорига тўйиб қолмоқчи бўлгандай илинж тўла кўзларини унга қадади. Поезд аста юра бошлади. Бекир Асанович унинг кафтини қўллари орасига олди.

— Хайр.

Люба маъюс жилмайди.

— Дада!

Бекир Асанович Любанинг қўлини қўйиб юборди-да, югуриб бориб вагон зинасига чиқиб олди. Майда ёмғир остида мунгайиб кўринаётган вокзал ҳам, майдончадаги одамлар оқимини ёриб ўтиб, вагонга эргашаётган Люба ҳам ортда қолди. Поезд тезлигини ошириб, дам ўтмай шаҳардан ташқарига чиқди. Бекир Асанович вагоннинг дим даҳлизи бўйлаб юриб кунегга кирди.

Ота-бола дераза оша қоронғи бўшлиққа тикилганларича жим бўлиб қолишди. Ҳар иккови ҳам шу дамда рўмолчаси билан кўз ёшларини артаётган, бир қўлини ҳадеб силкиётган Любани хаёлан кўриб туришарди.

Бирданига вагон ичи ёришиб кетди. Филдираклар темир кўприкдан ўтаётгани учун қаттиқроқ гумбурлади. Пастда чироқ ёруғида кўпириб оқаяётган дарё кўринди.

Шаҳар ҳам, кўприк ҳам, дарё ҳам ортда қолди. Энди поезд адир бўйлаб борарди. Аҳён-аҳёнда, узоқларда, бир-иккита чироқ милтиллаб кўринади.

Бекирнинг кўз олдида эса ҳамон Люба...

— Уч-тўрт кун Москвада бўламиз,— деди Бекир Асанович қизини маъюс хаёллар гирдобидан олиб чиқиш учун.— Ленин мақбарасини зиёрат қиламиз. Москвага биринчи марта келган ҳар бир одам дастлаб ўша муқаддас маконга боради.

— Третьяковга-чи, борамизми?

— Албатта, Третьяков галереясига ҳам, тасвирий санъат музейига ҳам борамиз. Биласанми, бу масканларга кирган энг золим одам ҳам раҳмдил бўлиб чиқар экан. Агар билет топа олсак. Большой театрга ҳам кирамиз.

— Дада, «Боғчасарой фаввораси»га ҳам албатта киришимиз керак. Мен Пушкин деганда жонимни беришга тайёрман.

Вера шундай деб «Боғчасарой фаввораси»ни ёддан ўқий бошлади. Бекир Асановичнинг меҳри жўшиб, қизнинг пешонасидан ўпиб қўйди.

Вера гапирар экан, ўзи билмаган ҳолда терлаган деразага бармоғи билан «П» ҳарфини ёзар, ўчиради, яна ёзар эди.

— Агар мен Пушкин китобини қўлида турган кишини ёки скрипки, мольбертли одамни кўрсам, ўйланиб қоламан. Менимча, бундай одамларнинг қўлидан ҳеч қачон ёвузлик келмайди,— деди у.

— Агар тракторчи бўлса-чи?— деди Бекир Асанович. Сўнг жавоб кутмай «П» ҳарфининг ёнига қолган ҳарфларни ёзиб қўйди.

Вера отасига ҳайрон бўлиб қолди. «Паша» деган ёзувни ўчирмади.

— У ҳеч кимга ўхшамайди. У универсал. Фақат менгина укувсизман. Қўлимдан ҳеч нима келмайди.

— Ўзинг нимани орзу қиласан?

— Пушкин қандай ажойиб шеър ёзган бўлса, Паганини қандай маҳорат билан скрипка чалган, Рафаэль эса ақлни лол қиладиган нечоғлик сурат чизган бўлса, мен ҳам ўшандай маҳоратга эга бўлсам дейман. Шеър ёзишим шарт эмас. Майли, тракторчи бўлай, майли, тикувчи, ёки врач. Ахир ҳаммасига маҳорат керак-ку. Тўғрими?

Бекир Асанович маъқул ишорасини қилиб ўрнидан турди. Ниманидир босиб олди. Қараса, бир сиқимча буғдой сочилиб ётибди. Афтидан, купеда аввал ўтирганлар тешик қопда буғдой олиб келган бўлса керак. Бекир Асанович буғдойни теришга киришди. Вера ҳам энгашиб, сочилган донларни тера бошлади. Сўнг кафтлари орасига олиб ишқади-да, пуфлаб ғуборини учирди.

— Дада, худди тиллага ўхшайди,— деди у буғдойни у кафтидан бу кафтига тўкар экан. Кейин деразанинг тепа қисмини очди-да, сепиб юборди.— Увол бўлмасин, қушлар ея қолсин.

— Мен сени энг шарафли касбга ўргатаман. Сен ғаллакор бўласан.— деди Бекир Асанович қизнинг қўлидан ушлаб. Сўнг унинг кафтини очди-да, ўзи терган буғдойни солди.

Вера бу буғдойни сепиб юбормади. Узоқ қисмлаб турди. Поезд адир бағрини тилиб ҳамон илгарилайди. Қоронғи дераза ортидан Люба ҳамон қўл силкийди. Фақат энди унинг кўзларида ёш кўринмайди...

(Т а м о м)

Русчадан Тоҳир МАЛИК таржимаси.

Азиз Қайумов

ЎСЎЗ Беруний



«Ҳиндистон»¹

Беруний ўзининг Ҳиндистон ва ҳинд халқи ҳаёти тўғрисидаги асарини «Китобу фи таҳқиқи мо лил ҳинд мин маъқулатин фал ақли ав марзулатин» деб атади. Бунинг таржимаси бундай бўлади: «Ҳиндлар тўғрисида айтилган (гап)ларнинг ақл қабул қиладиган ё қабул қилмайдиганларини аниқлашга бағишланган китоб». Қўлла-нишда ўнғайлик учун уни «Ҳиндистон» деб юритилади.²

«Ҳиндистон» китобининг дастлабки ўн икки боби (биринчи бобдан то ўн иккинчи бобга қадар) ҳиндларнинг тангри, дунё ва охират тўғрисидаги тушунчаларига бағишланган. Бу бобларда ҳиндларнинг ақлий ва ҳиссий нарсалар, жон ва унинг моддага алоқаси, руҳлар, маҳшар ва жаннат тўғрисидаги тасаввурлари; диний йўл-йўриқлар, санамлар, диний китоблари тўғрисида сўз юритилади.

Ун учинчи боб шеър ва грамматикага бағишланган.

Ун тўртинчи бобда илмий китоблар тўғрисида сўйланади. Бу тўғрида Беруний бундай деб ёзган: «Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. (Айниқса) ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши кишиларнинг, дунёнинг (қундалик) зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар (билан шуғулланиш) учун бўшатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак, одамларнинг қалби буни севиш учун, бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилган» (125).

Ана шундай илм ва илм аҳлини улўғловчи фикрларини изҳор этиб бўлгач, Беруний ўзи яшаётган давр ва муҳит тўғрисида шикоят билан гапиради. Бу замона айтиб ўтилган сингари эмас, балки аксинчадир.

¹ Давоми. Боши журналнинг 3-сонида.

² «Ҳиндистон» китобини араб тилидан ўзбек тилига А. Расулов, Ю. Ҳайимжонов, Ғ. Жалоловлар таржима қилганлар. Таржиманинг масъул муҳаррири А. Ирисов. Бу таржима Беруний асарлари тўпламининг II китоби сифатида 1965 йилда Тошкентда нашр этилган.

«Ҳиндистон»нинг араб тилидан рус тилига таржимаси А. Б. Холидов, Ю. Н. Заводовскийлар томонидан амалга оширилган. Масъул муҳаррири В. И. Беляев. Бу таржима 1963 йили Тошкентда босиб чиқарилган.

«Лекин замонамиз,— деб ёзади Беруний,— айтиб ўтилгандай замон эмас, балки унинг тескарисидир. Шундай замон ва шароитда яшаш мажбурий бўлгандан кейин қачон илм юзага чиқади, ёки юзага чиққани қачон ривож топади» (125).

Олим қалбини тўлдирган бундай ҳасратли сатрлар кейинидангина бевосита ҳиндларнинг илмлари тўғрисидаги сўз бошланади.

Ҳиндларда астрономия ривож топган. Аммо уни илми нужум (астрология) билан қўшиб юборганлар.

Табобат ҳам астрономия қадар эътиборлидир. Тибга оид китоблар ичида энг муътабари «Чараки» китобидир.

Беруний ҳинд халқи турмушининг барча томонларини ёритишни ўз олдига вазифа қилиб олган эди. Шунинг учун «Ҳиндистон» китобининг айрим бобларида олим ҳиндларнинг ўлчов асбоблари тўғрисида ғоят аниқ ва қизиқарли ҳикоя қилади; сўнг ҳинд ёзуви тўғрисида, халқнинг турли-туман урф-одатлари тўғрисида лўнда маълумот беради (ўн олтинчи боб).

«Тил сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир — деб ёзарди Беруний.— Шунинг учун тил замоннинг бирон турғун қисми билан чекланиб қолади. Агар инсондаги сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамоил сингари ёйилувчи бўлмаганда эди, замонлардан-замонларга нафаслар сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замоннинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди» (138).

Беруний ёзув тарихи тўғрисида хабар бериб айтадики, ҳиндларда илгари териларга хат ёзиш одати бўлмаган. Қадим юнонда ҳам шундай эди. Сукратдан нима учун асар ёзмаслигини сўраганларида у «Илми тирик кишиларнинг қалбларидан ўлик кўйларнинг териларига кўчирмайман» деб жавоб қилган.

Ислоннинг дастлабки йилларида ёшланган териларга хат ёзганлар. Мисрда қамиш мағзи (папирус)дан ёзув учун фойдаланганлар. Чинликларда турли қоғозлар бўлган. VIII асрда асир олинган бир чинлик Самарқандда қоғоз ишлаш санъатини бунёд этган.

Ҳиндистоннинг жанубий районларида яшовчилар узунлиги бир газ, эни уч бармоқ келадиган япроқларга хат ёзадилар. Бу хурмо ва наржил дарахтларига ўхшаш бўйи узун, мевали бир дарахтнинг япроқларидир.

Мамлакатнинг шимолий ва ўрта қисмида яшовчи ҳиндлар тўз номли дарахтнинг пўстлогидан узунлиги бир газ, эни эса бармоқ бўйи қилиб оладилар. Ёглаб, сайқал берилса, у пишқ ва силқиб бўлади. Сўнг шу ишланган пўстлоқларга хат ёзадилар. Сўнг бу пўстлоқларни кийимлик парчасига ўралади, уларга иккита тахтадан муқова қилинади. Бундай китоблар путхе деб аталади.

Энг қадимий ҳинд ёзувлари унутилиб кетган. Кейин Вьёса ибн Парошара эликта ҳарфдан иборат янги ёзув ижод этган. Бу ёзув мукамаллаша бориб ҳозирги холга етишган.

Ҳинд ёзуви юнонлардаги сингари чапдан ўнгга қараб ёзилади. Бир йўлдаги ҳамма ҳарфларнинг юқори томони тўғри чизиқда текис бўлади, ҳарфнинг ўзи ва унинг шакли ўша тўғри чизиқдан қуйига туша боради.

Ҳиндларнинг машҳур хатлари сиддха матрика деб аталади. Уни Кашмир хати ҳам дейдилар.

Турли районларда ўша ёзувнинг бошқача шакллари ишлатилади. Уларнинг ўз номлари бор.

Сон белгилари (рақамлари) ҳам турлича бўлиб, уларни анка дейилади. Улар жуда чиройли ёзилади.

Ҳиндларнинг баъзи одатлари тўғрисида Беруний анча муфассал ҳикоя қилади. Ҳиндлар сочларини қирмайдилар. Шунда соч бошни иссиқдан сақлайди. Бошланг юрадилар. Соқолларини бир неча ўрам қилиб ўраб қўядилар. Тирноқларини ўстирадилар. Бўз дастурхонда ёлғиз-ёлғиз овқат ейдилар. Ортиб қолган овқатни емайдилар. Наҳорга узум ичимлиги ичадилар, сўнг овқатланадилар. Чанг сөзини чўп курул билан чаладилар. Кийимлари хилма-хил бўлади (оз ва кўпликда). Кўйлаklarининг этагини ўнг ва сўл томондан қирқиб ёриб ажратиб қўядилар. Турли фикр ва ҳодисаларда хотинлари билан маслаҳат қиладилар. Бола туғилганда хотинларни эмас, балки эрларини мақтайдилар. Мактаб болаларининг тахталари қора бўлиб энига эмас, бўйига оқ нарса билан ёзадилар. Китоб исмини бошланишига эмас охирига ёзадилар.

«Ҳиндистон» китобида географияга оид ғоят қизиқарли ва муҳим маълумотлар бор (ўн саккизинчи боб).

Даставвал олим ерни таърифлайди. Ернинг тўртдан бир бўлагида одамлар яшайдилар. Юнонлар ўз ўлкаларининг ғарб томонидаги жойни Уқёнус (Океан) деб атаганлар. Океан ернинг бу томони билан нариги томонидаги одамлар яшайдиган қуруқликни бир-биридан ажратиб туради. Шимол томондан эса одамлар яшайдиган ерни совуқ ҳаво ажратиб туради.

Беруний жанубдаги муҳит (Ҳинд океани) ва Африка қирғоқлари, унга яқин бўлган ороларни аниқ тасвир этган. Шундан сўнг олим тоғ тизмалари, улардан шарқ ва ғарб сари оққан дарёлар тўғрисида фикр юритади.

«Ҳинд мамлакати,— деб ёзади Беруний,— шу қуруқликларнинг бир қисми бў-

либ уни жанубдан мазкур Ҳинд денгизи, бошқа томонлардан эса ўша баланд тизма тоғ ўраб олган. (Тизма) тоғнинг сувлари ҳинд мамлакатига ёйилади» (текстда «қуйилади» дейилган А. Қ.) (159).

Шундан кейин Беруний Ҳиндистоннинг асосий районлари, йирик шаҳарлари, улар орасидаги масофалар, табиатининг ўзига хос хусусиятлари, ҳайвонот дунёси, иқлими тўғрисида муфассал маълумот беради.

Ҳинд календарии тўғрисида сўз борганида, Беруний хабар берадики, ҳиндларда ҳафта кунларининг исмлари етти сайёранинг номларидан олинган. Форслар ҳар куни номига «шанба» қўшиб атаганлари сингари ҳиндлар унга «бора» қўшадилар. Яқшанбани «одитьябора» яъни «қуёш куни», душанбани «сомабора» — «ой куни», сешанбани «мангалабора» — «миррих куни», чоршанбани «будҳабора» — «аторуд куни», пайшанбани «брахостибора», — «муштарий куни», жумани «шукрибора» — «зуҳра куни», шанбани «шайтгорибора» — «зуҳал куни» деб атайдилар.

Шундан кейин Беруний ҳиндларнинг осмон, ер, сув тўғрисидаги тасаввурларини баён қилади; орол ва денгизларнинг ҳиндча номларини келтиради, сайёралар, улар орасидаги масофалар, қутб тўғрисида билдирган фикрларини изҳор этади.

Алоҳида бир боб (йигирма бешинчи) Ҳинд дарёларининг тасвирига бағишланган.

Кейин Беруний ер тузилиши ва астрономияга оид фикрлар изҳорига ўтади.

Ҳинд астрономларининг осмон ва ер шакли тўғрисидаги тасавури бошқачадир. Беруний ўзи мансуб бўлган доирадаги тасаввурга зид бўлган бу ҳолни айтар экан, ислом дунёсидаги баъзи қаллоб, ёлғончиларни қаттиқ танқид қилади. Бундай икки юзлама муттаҳамлар соддадил одамларни лақиллатиш учун макр ва алдов билан машғулдилар. «Чунки — деб ёзади Беруний, — авом халқнинг қалблари хурофотга жуда мойил; шунинг натижасида хабар ва ривоятлар қоришиб кетган» (208).

Ҳиндлар тасавурига кўра осмон ва олам сфера, Ер, эса шар шаклидадир.

Ернинг шимол томонининг ярми қуруқлик, жануб томонининг ярми сувга кўмилган. Ер тегирмон тоши сингари айланиб туради. Ер ўртада, оғирликлар унга қараб тортиладилар. Ҳиндлар ернинг юмалоқлигини турли жойларда турлича вақт бўлиши, қуёш кўтарилиши орқали исботлайдилар.

Беруний Ернинг шар шаклида эканини тасдиқлайди. Аммо бу шарнинг ярми қуруқлик, қолган ярми эса сувдан иборат деган фикрга қўшилмайди. Беруний ернинг шимолӣ икки чорагидан бири қуруқлик, шу сабабли бу чоракка диаметрал бўлган чоракнинг ҳам қуруқлик бўлишини тахмин қилади.

Сўнг Беруний «Божу пурана» китобига асосланиб ҳинд шаҳарлари ва ўлкалари тўғрисидаги маълумотларни келтиради.

Яна Беруний «Сангхита» китобида Ҳинд ерларининг тўққиз бўлакка тақсимлангани ёзилган эканини билдиради, шу бўлаklar ва улардаги шаҳарларни тўла кўрсатади.

Жой номларининг турлича сабабларга кўра ўзгариб туриши мумкинлиги тўғрисида гапириб, Беруний бунга мисол қилиб Тошкент шаҳарининг номини олади. Беруний ёзади: «Айниқса тили бошқа бўлган халқнинг ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ ўзгаради.

Кўпинча тиллари (бошқа халқ) у сўзларни келиштириб айта олмай қабул қилади (натижада ўша) исмларнинг маънолари ўзгариб шу куйича юнонлар одати сингари ўз тилларига киради. Кўрмайсанми, тош сўзи (асли) туркча бўлиб шош кўришишини олган.

Тошканд — тошли қишлоқ демакдир. Жуғрофия китобида. у Бурж-ал-ҳижора (Тошқалъа) деб номланган».

Беруний «Ҳиндистон» китобида ҳиндларнинг кун бўлаklари, кундуз ва кеча, ойлар ва йилларнинг турлари, ой ва йил бўлаklари тўғрисидаги тушунчаларини анча муфассал баён қилади.

Ҳиндлар эътиқоидида муҳим ўрин тутган ҳикоя Норояна тўғрисидаги ҳикояга ҳам Беруний ўз китобида анча ўрин берган. (Қирқ олтинчи боб).

Ҳиндларнинг фикрига кўра Норояна олий қувватлардан бири. У бузуқлик ва ёмонликни мумкин қадар йўқотди.

Тарихлар тўғрисида ҳинд халқининг тушунчаларини баён қилар экан, Беруний ҳиндларнинг эралар, йил ва ойлари ҳисоблаш усуллари, планеталарнинг ўрнини ҳисоблаб аниқлаш усуллари тўғрисида яна ой манзиллари ҳақидаги тасаввурларини хабар қилади.

Эллик еттинчи бобда олим ҳиндларнинг ёритгичлар ҳаракатида боғлиқ расм-русмлари тўғрисида сўз юритган.

Сухайл юлдузининг пайдо бўлиши тўғрисидаги Бароҳамиҳаранинг айтганларини Беруний тўлиқ таржима қилиб, ўз китобига киритган. Бу ҳикоя тасвирнинг фоят гўзаллиги, мавзунинг аниқ ва ёрқин ифода этилиши билан ажралиб туради.

Беруний ҳиндларнинг Ой ва Қуёш тутилиши тўғрисида сўзлар экан, Ойнинг тутилтирувчиси Ер сояси эканлигини, Қуёшнинг тутилтирувчиси Ой эканини маълум ҳақиқат сифатида сўзлайди. Шундан кейин ана шу ҳоллар ва Ой тутилишлари орасидаги муддатлар тўғрисида маълумот беради.

«Ҳиндистон» китобида Беруний ҳиндлар жамятининг ички тузилиши тўғрисида ҳам қимматли ахборот жамлаган.

Бу жамият брахманлар, кшатрийлар, вайшья ва шудралардан иборат. Брахманлар қаландар сифатидаги руҳонийлардир. Улар устозлардан дарс оладилар ва муқаддас «Веда» китобини ўқишни ўрганадилар, илоҳий илмлар ва шариатни таҳлил қиладилар. Сўнгра улар брахманларга ва кшатрийларга шу илмлардан таълим берадилар.

Кшатрий эса «Веда»ни ўрганади, аммо бошқаларга ўргата олмайди. Кшатрий душманларга қарши уруш қилмоқ учун яратилган деб ҳисобланади.

Вайшья деҳқончилик, иморат қуриш, брахманга хизмат қилиш билан машғул бўлиши керак.

Ҳиндлар деҳқончилик ва чорвачиликдан келадиган даромадларидан олинадиган солиқни, ҳамда ер, ўтлоқ солиқларини волийга тўлайдилар. Солиққа ҳосилнинг олтидан бир қисми берилади (Брахманлар солиқ тўламайдилар).

Ҳосилнинг тўққиздан бири садақа учун ажратилади. Қолган маҳсулот тўққизга тақсим қилинади. Унинг уч қисми кўнгиш тўқи учун олиб қўйилади (резерв А. Қ.). Иккинчи уч бўлаги олди-соттига кетади. Қолган уч садақа учун берилади, икки қисмини оила эҳтиёжига сарф қиладилар.

Махсус қолдирилган маҳсул (резерв) оиланинг уч йиллик эҳтиёжи учун етарли бўлиши керак.

Ҳиндларда қорамолни сўйиш мутлақо ман этилган. Қўй, эчки, кийик, қуён, каркидон — гандҳо, қўтас, балиқ, қуруқлик ва сув қушлари, чумчуқ, қумри, тустовуқ, каптар, товус шуларга ўхшаш инсон табиати жирканмайдиган жониворларнинг гўшти истеъмол қилиниши мумкин.

Қуйидаги ҳайвонларнинг гўштини истеъмол этиш таъқиқланган: қорамол, от, хахир, эшак, туя, фил, уй товуғи, қарға, тўти, майна ва бу қушларнинг тухуми.

Ичкилик бошқалар учун ҳаром бўлсада, шудра учун ҳалолдир.

Беруний қорамол гўштининг истеъмоли ман этилганини кишиларнинг ҳаёт шариоити билан боғли равишда изоҳлайди. Ҳиндлар мамлакатининг ҳавоси иссиқ, кишиларнинг ички баданлари совуқ; тўғма, табиий ҳароратлари суст, ҳазм қилиш қуввати заифдир.

Шунинг учун қорамол гўшти истеъмол этилмайди:

Бу ернинг одамлари таомдан кейин танбул дарахтининг баргини еб фуфал чайнаб овқат сингдириш қувватини оширадилар. Фуфал яна тиш ва милкларни мустаҳкамлайди.

Яна Беруний таъкидлаб ўтадики, қорамол деҳқончиликда ер ҳайдаш ва хирмон кўтаришда ишлатилади: унинг сути, мойи, тезагидан оилада фойдаланилади, нафаси уйни иситади. Шулар ҳам унинг гўштини ейишга монелик қилувчи омиллардир.

Ҳамма нарса ҳалол ва ҳаромликда баробар. Олим одам ўз илми туфайли сақлашни лозим бўлган нарсаларнинг фарқига бораолади. Чунки ҳалол бўлса, уни тушунтиришга эҳтиёжи йўқ, ҳаром бўлса унга ўзи рағбат қилмайди. Нодонлар учун эса баъзи нарсалар ҳалол ва баъзи нарсалар ҳаром деб чеклаб қўйиш зарур бўлган.

Беруний Ҳиндлардаги никоҳ, оилавий маросимлар, меросхўрлик масалаларни ҳам ўз китобида ёритиб ўтган.

Халқлар орасида ҳеч қайсиси никоҳдан холи эмас. Никоҳ ақлан хунук бўлган сифат ўз урғочисини қизғаниш, талашини каби (ёмон аҳволлардан) сақлайди. (409). Зино (никоҳга хиёнат) қилувчилар ақл-идроксиз ҳайвонлардан ҳам тубан турадилар. Никоҳ болалик чоғидаёқ ёшларнинг оталари томонидан амалга оширилади. Эр билан хотинни фақат ўлим ажратиши мумкин.

Эркалар тўрттагача хотин олишга ҳуқуқлари бор.

Агар эри вафот этса, хотин иккинчи эрга тегишга ҳаққи йўқ. У ё бир умр тул бўлиб ўтади, ё ўзини ўтга ёндириб ҳалок этиши керак.

Бегоналарга уйланиш қариндошларга уйланишдан афзал ҳисобланади.

Болалар отасининг эмас, онасининг табақасига мансуб бўладилар.

Мерос қолдиришда эркаларнинг имконияти ортиқ. Ўтмиш замонларда ўликлар очиқ ҳавога топширилган. Ўрни яланғоч ҳолда очиқ далага олиб бориб ташланган. Касаллар ҳам худди шундай қилинган.

Агар бирор касал тузалгудай бўлса, ўзи қайтиб келган.

Кейинчалик Норояна ўликларни оловда куйдиришни расм қилган. Нур ва олов йўли билан инсон танасидаги бор нуқта осмонга кўтарилади, ерда қоладиган қисмлари эса куйиб кетади, деб ишонганлар.

Ҳиндлар Буддха ўлиқнинг гавдасини оқар сувга ташлашни буюрган дейдилар.

Ҳиндларнинг ўзлари эса ўлик жасадини ювиб, кафанлаб атр сеппиб, мумкин бўлса сандал ёғочи, бўлмаса ўтин билан куйдириб, куйдирилган суяклар кулини Ганга дарёсига ташлайдилар. Ганга дарёси жаннат йўли деб ҳисобланади.

Ҳиндларда рўза ихтиёрийдир. У бир неча фурсат овқат емасликдан иборат.

«Ҳиндистон» китобида Беруний Ҳиндларнинг байрамлари, яхши кунлар ва ёмон кунлар тўғрисидаги ақидаларини ҳам келтиради.

Гарчи Беруний астрологияга қарши бўлсада, ўз китобининг охириги саксонинчи бобида Ҳинд астрологиясининг асослари тўғрисида маълумот берган.

Шундан сўнг олим, «узунлиги ва кенглиги билан малол келтирган сўзларни тўхтатайлик» деб «Ҳиндистон» асарини тугаллайди.

Берунийнинг «Ҳиндистон» китоби «узунлиги ва кенглиги билан» ақлни ҳайратда қолдирадиган даражада мукаммал, ғоят мароқли, ифода услуби ва чуқур мазмундорлиги тўғрисида «узунлиги ва кенглиги» асло сезилмайдиган; буюк ҳинд халқи ва мамлакатининг ҳаётининг барча томонларини тўла ёритган, ҳечқачон қиймати камаймайдиган бир қомус сифатида жаҳон илм-фани аҳли орасида эътироф топган.

Подшоҳ ва олим

1030 йил. Ғазна. Эрта баҳор тонги. Осмон ер курраси устидан эндигина кўтарилаётган қуёшни муносиб кутмоқ ниятида чехрасига ранго-ранг безаклар бермоқда. Тун зулматининг чекиниши ва кун ёришаётганидан мамнун қушлар оҳангдор қўшиқларини авжга чиқарганлар.

Абу Райҳон Беруний ўз хонасида саҳар намозини ўқиб бўлиб юзига фотиҳа тортди ва астагина ўрнидан турди.

Айвондаги хонтахта устида тунги машғулоти тонгда давом этдирмоқ учун ҳамма нарса муҳайё.

Олим айвонга чиқиб хонтахта атрофига тўшалган юмшоқ кўрпачага ўлтирди. У хонтахта устидаги тайёрлаб қўйилган пиёлани олиб ундаги шарбатдан ҳузур билан ҳўпладида, сўнгра пиёлани жойига қўйиб шу ерда турган қаламни қўяига олди. Берунийнинг иш куни бошланган эди. Нонуштагача навбатдаги асарнинг бирор бобини тугаллаш мумкин. Олимнинг ишлаш фурсати тонг ёришар-ёришмас бошланади ва ярим тунгача давом этади. Унинг доимий ҳамнафаси қалам, довод, қоғоз, китоб, илмий асбоблар. Берунийнинг яқинлари унинг қўли қаламдан, нигоҳи доимий кузатувлардан ҳолий бўлганини билмайдилар. Олимнинг қалби ҳамиша фикрга ғарқ. Бугунги тонг ҳам шунинг шоҳидидир.

Беруний хонтахта устидаги қоғозларни тартибга келтирди, сўнгра айрим варақларни ажратиб олиб уларни кўздан кечиришга киришди. Бу қоғозлар эндигина ёзиб тулланган «Ҳиндистон» китобининг қўлёзмалари эди.

Беруний ўз асарларини ўша даврнинг илмий тили бўлмиш араб тилида ёзган. У бошқа тиллар қатори араб тилини ҳам жуда мукаммал билган. Бу тилда эркин сўзлаган ва ёзган. Аммо қанчалар бошқа тилни киши яхши билмасин, ўз она тиличалик билмайди. Шунинг учун Беруний ўз қўлёзмаларини кўп таҳрир қилар эди. Унга гўё у ёки бу жумла араб тили қоидаларига сал хилоф тузилгандай туюлар, уни қайта-қайта тuzатар, натижада жумлалар кўпинча мурраккаблашиб кетар эди. Ҳар ҳолда Берунийнинг араб тили одатдагидан кўра пухталиги ва ўзига ҳослиги билан ажраб турар эди. Уни ўқиган одам араб тили Берунийнинг она тили эмас эканига дарров ишонч пайдо қилиши мумкин.

«Ҳиндистон» китобининг қўлёзмаларини қайта кўздан кечирар экан, Беруний одатдагидек айрим жумлаларни сал-сал таҳрирдан ўтказиб борди. У ўз меҳнатининг самарадорлигидан ич-ичида мамнун эди.

Қўлёзманинг ҳар бир варағида буюк ҳинд тафаккури дурдоналари нур сочар эдилар. Босқинчилар истилосидан ярадор ҳинд қалбининг тепиши варақлар шиврида эшитиларди; боблардан-бобларга ўтган сари бу мажруҳ қалбнинг улғў қудрати тикланаётгандай туюлар эди. Истибоднинг зўравонлик билан ёяётган ёлғонини тор-мор келтирувчи ҳақиқат нафас олар эди, бу китобнинг ҳар саҳифасида.

Шимолий Ҳиндистон вилоятларини ўттиз йил давомида ўн етти мартаба оёқ-ости қилган подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий Панжоб ва Кашмирдаги бойликларни талаш билан чекланмади. У ҳинд халқининг иззат-нафси, шону-шавкати, анъаналари, ғурури ва пок тийнатиши ер билан яқсон қилмоққа уринди.

Чунки Маҳмуд Ғазнавийнинг талончилик юришлари ғазовот деб аталар; ислом байроғи остида жам бўлган ғоратгарлар ўзларига ғоззий ва мутааввунлар деб от қўйиб, «ғайридинлар»нинг бор-будини талар, уларни хонавайрон қилар ва бу ваҳшатангез зулмкорликда ўзларини ҳақ деб билар эдилар.

Ана шундай бешафқат курашда мазлум Ҳиндистоннинг ғоят қудратли бир ҳимоячиси бўлган. Бу Абу Райҳон Беруний тафаккури.

Беруний мустабид ҳукмроннинг ғазоби, мутаассиб босқинчиларнинг жинниёна ҳайқириқлари, ҳар силкинишида не-не беғуноҳ юракларнинг қонларини дарё қилувчи қилич ва тиглар шиддати остидан ҳинд халқининг асрий обидалари, урф-одатлари, билм ва закосини омон олиб чиқди. Уларнинг келгуси авлодларгача етиб келишини таъминлади.

«Ҳиндистон» китобининг қўлёзмаларини варақлар экан, Беруний ҳаёлида чуқур бир андеша ҳукмрон эди.

Бу китобни подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий қандай қарши олар экан? Карматийлар тўғрисидаги ҳаққоний асари учун Берунийнинг боши кесилишига сал-қолган эмасми эди. Бечора Абдуссамад эса жаҳолат ва таассуб қурбони бўлиб кетди.

Воқеа бундай бўлган эди: Маҳмуд Ғазнавий Хоразми эгаллаган (1017) йил. Берунийни ва унинг ҳамкасби олим Абдуссамад Аввални подшоҳ ўз ҳузурига даъват қилаётганини хабар қилдилар;

Беруний шоҳ қабулхонасига кириб келганида икки қўли кишанланган Абдуссамад подшоҳ қаршисида тиз чўккан, тахт устида ўлтирган, подшоҳнинг башарасида ғазаб олови чақнар эди. Подшоҳнинг ёнида одоб ва изтироб билан қўл қовуштириб тик турган вазир Маҳмудхўжа Ҳасаннинг чеҳрасида чуқур дард ва ҳаяжон зоҳир эди. Эшик олдида икки жаллод шоҳ фармониға мунтазир.

Берунийни келтирган соқчилар қабулхона ташқарисида қолдилар. Олим қабулхонаға кириб лозим қоидаға биноан подшоҳға таъзим қилди ва бир чеккада тик тўхтади.

Подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий Берунийнинг саломига жавобан бир бош ирғитган бўлдида, Абдуссамадни сўроқ қилишда давом этди:

— Мусулмон динининг ашаддий душманлари кофир карматийларни мақтаб, уларнинг худо йўлиға зид, шариатға хилоф эътиқодини тарғиб этувчи китобни сен ёзганмисен.

— Мен, тақсир. Аммо карматийларнинг эътиқоди бу китобда тарғиб этилган эмас, фақат баён этилган,— деб жавоб қилди Абдуссамад. Унинг овозида паришонлик ва хавотир сезилиб турар эди.

— Исломға ихтилофли эътиқодни баён этмоқ, уни тарғиб этмоқ демакдир.

— Подшоҳ ҳазратлари, илмларни ўрганмоқ ҳар бир мусулмон ва мусулмон аёлнинг вазифасидир, деганлар Расуллоҳ,— одоб ва ёввошлик билан жавоб қилди Абдуссамад.

— Ўзға эътиқодларни ўрганмоқ ва таҳлил этмоқ шариатға хилоф бўлмас, бу иш илм учун даркордир.

— Қатл этилсин бу кофир!— деб буюрди шоҳ. Вазир Маҳмудхўжа Ҳасан бир ирғиб тушди.

Ранги бўздек оқариб кетган, кутилмаган фармондан эсу-хушини йўқотган Абдуссамадни жаллодлар хонадан судрагандай қилиб олиб чиқиб кетдилар.

Подшоҳ Берунийға юзланди ва ундан сўради:

— Карматийлар тўғрисидаги китобға сизнинг ҳам алоқангиз бўлганми?

— Бўлган, подшоҳим. Мен бу китобнинг муаллифларидан биримен.

— Кофир карматийларнинг ислом диниға душманликдан иборат эътиқодини не важдан тарғиб этадурсиз?

— Ҳар бир халқ ва жамоа ўз эътиқодига эға бўлиш ҳуқуқиға молик. Олимнинг вазифаси уларни чуқур ўрганмоқ, ҳақиқат қай бириға кўпроқ оид эканини аниқламоқдир. Бу вазифанинг ижроси билан эътиқод тарғиби ўртасида фарқ каттадир.

— Сизнинг бундай кажбахслигингиз бошингиз кесилишиға боис бўлур. Буни англаб етасизми?

— Тақдир бизға шундай қисматни насиб этган бўлса, унга ризо бўлмай не чорамиз бор?

Вазир турган жойида яна бир сесканиб тушди.

— Боши кесилсин!— буюрди подшоҳ қисқагина. Тайёр турган бошқа икки жаллод Берунийни ташқарига етакладилар. Олим инсон умрининг қисқалиғи, ростлик ва истибоддод зўравонлиғи ўртасидаги зиддиятни тафаккур қилгандек жим хаёлға чўмган ҳолда икки жаллод ўртасида ташқарига чиқди.

Хонада подшоҳ билан ёлғиз қолган вазир Маҳмудхўжа Ҳасан шоҳға таъзим қилиб тез-тез сўзлайбошлади:

— Подшоҳ ҳазратлари, бу олимларни қатл этмангиз. Фармон ижросини тўхта-тишингизни илтижо қиламен. Буларнинг илм ва истеъдоди тахту-тожингизнинг жило-си бўлажак. Афву марҳаматингиздан миннатдор бўлиб улар бир умр салтанатға садоқат билан хизмат қилурлар. Икки одамнинг боши кесилгани салтанатға обрў келтир-мас, балки икки олим қатли учун мусулмонлар сиздан норози бўлурлар. Лутфу-иноя-тингиз эл кўнглини мамнун этар, олимлар тафаккури эса давлатингиз эътибориға эъти-бор қўшар. Утинаман, подшоҳим, уларнинг қонидан кечингиз.

— Карматийлар ҳимоячиларининг қонидан қандай кечиш мумкин?

— Карматийлар тўғрисидаги китоб ҳали топилган эмас. Унда нелар ёзилгани аниқ маълум бўлмаган. Бу китоб тўғрисида хабар етказганлар истеъдод ва илмға душманлик, олимларға ҳасад билан тўхмат қилган бўлишлари ҳам мумкин.

Йўқ китоб тўғрисида ёлғон-яшиқ гапға ишониб икки улуғ олимни қатл этиш сиз-нинг адолатпаноҳ подшоҳлик шухратингизға доғ солур... Вазирнинг гапи тугамас, унинг юрак сўзларини етказаетган дардли овози подшоҳ кулоғиға қўрғошиндек куюл-моқда эди.

Маҳмуд Ғазнавий ўз фармонининг шошма-шошарлик билан берилганини тушу-ниб турар эди. Айниқса Берунийдек олимнинг ҳали салтанатға кўп фойдаси етади. Унинг қатли эса тахтға иснод келтиражағи аниқ.

— Берунийни қайтариб келтирингиз!— деди подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий.

Вазир ўзи эшик сари чопиб подшоҳ буйруғини ижрончиларға етказди.

Сал ўтмай қўллари кишанланган, чеҳрасиға ўлим излари тушган Берунийни икки мулозим етаклаб подшоҳ ҳузурига олиб келдилар.

Подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий Берунийға деди:

— Сизнинг гуноҳингиздан ўтдик. Қолган умрингизни ғанимат билиб шоҳлик сал-танатиға ихлос билан хизмат қилурсиз.

Улимга маҳкум инсоннинг юзига сал қон югурди. У ҳали ҳам яна тирик сақла-нишига ишонмас эди.

— Марҳаматингиздан миннатдормен — деди Беруний паст овоз билан.

— Подшоҳ ҳазратларининг умрлари узун, тахту давлатлари мудом барқарор ва баравж бўлсин — деб вазир Маҳмудхўжа Ҳасан дуо қилди. Ҳамма фотиҳа тортидилар.

— Абдуссамад Аввал ҳам мутлақо бегуноҳдир, подшоҳим, — деди Беруний — Унинг қонидан кечилса бу ҳам ғоят адолатли қарор бўлур эди.

— Сиз бориб ўз илмингиз билан машғул бўлингиз. Подшоҳлик фармонлари ва унинг ижроси бизнинг машғулотимиздир, — деди подшоҳ. Унинг қатъий овози гап тугаганини билдирад эди.

Маҳмуд Ғазнавийдек подшоҳ бирданига ўзининг икки фармонини бекор қила олмас эди.

Уша куни бечора Абдуссамаднинг бегуноҳ жасади унинг билим тўла бошидан жудо қилинди.

Беруний бугун ана шу воқеани эсига олди. Ҳиндлар тўғрисидаги китоб ҳам подшоҳнинг ғазабини кўзатиши табиий. Бу эса олимнинг яна золим қаҳрига учрашини англатади. Аммо илм ёлғончилик қаршисида чекиниши шартми? Ахир Беруний ёлғонни рад қилиб ҳақиқатни тасдиқлаш мақсадида бу китобни ёздику. Олим фақат ростлик, илмий ҳақиқат тантанаси учун яшайди ва ижод қилади эмасми!

Беруний фикрида шундай ҳаяжонли мулоҳазалар ғулғула қилаётган пайтда саройдан хабарчи етиб келди. У келтирган хабар ҳам жуда кутилмаган бир янгилик эди. Хабарчи подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг вафот этгани хабарини келтирган эди.

Беруний бу ахборотдан анча муттассир бўлди. Улим хабари ҳеч қачон ҳеч кимга бетаъсир қолмайди. Ҳокимнинг ҳам, маҳкумнинг ҳам ўлими ҳамиша бу қатъий яқуннинг ҳақ эканини эслатади. Кишиларни хушёрликка чорлайди.

Беруний ўлтирган жойида кўлини фотиҳага очди, қуръондан бир сура ўқиб, сўнг Йаминуд (давла ва аминул мила (ҳокимиятнинг кўли ва диннинг амини) подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг жойини худо жаннатдан ато этсин деб фотиҳа ўқиди.

Шундан кейин Беруний ва сарой хабарчиси биргаликда Урда сари йўл олдилар.

Сийёсий ўзгаришлар

Беруний Урдага етиб келганида бу ерда подшоҳ оиласи, олий даргоҳ аҳли шоҳона мотам маросимини ўтмоқда эдилар. Шу билан бирга Урда аҳлида қандайдир бесаранжомлик, баланд мартабали зотларнинг хатти-ҳаракатларида мотамдан ташқари бошқа бир ташвиш борлиги сезилиб турар эди.

Марҳум подшоҳнинг ўғли шаҳзода Муҳаммад барча тadbирларга бош Вазир Маҳмуд Абу Али Ҳасан унинг ёнида парвона, у шаҳзода ёнидан бир нафас жилмас, шаҳзоданинг фармойишини ўз атрофида ўралишаётган одамлар орқали дарҳол амалга оширад эди.

Бошқа бир гуруҳ амалдорлар шаҳзода Масъуд теварагида ҳам жам бўлганлар, улар Масъуднинг ўз укаси Муҳаммаднинг йўл-йўриқларига ҳалақит бериш мақсадида қилаётган ишларига жону жаҳд билан кўмаклашадилар.

Подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг вафотига оид мотам маросими бир неча кун давом этди. Ғазна аҳли улуг сийёсатчи ва фотиҳни муносиб турматлар билан абадий дунёга кузатдилар. Сабрли она тупроқ яна бир шоҳона фарзандини ўз бағрига олди. Ғазна тахти эса шаҳзода Муҳаммад ихтиёрига ўтди. Марҳум подшоҳнинг васиятига кўра амалга ошган бу тadbир тахтга бошқа даъвогар Масъудга ҳеч ёқмади.

Уша йили кузак пайти Масъуд укаси Муҳаммадни ҳокимиятдан воз кечишга мажбур этди ва Ғазна тахтини эгаллади.

Янги подшоҳ Масъуд шунча ҳаракат билан қўлга киритган ҳокимиятни бошқаришга бепарво қарар эди. У кўпроқ вақтини тахтгоҳда эмас, ишратгоҳда ўтказади. У лашкарбошилар ва амалдорлар сўхбатидан кўра дилрабо раққоса ва созандалар базмини хуш кўради, давлат ишлари захридан кўра айш шароби унинг кўнглига ёқимлироқ.

Лекин Масъуднинг Берунийга муносабати олдинги подшоҳнинг муомиласидан кўра бутунлай бошқача бўлди.

Ҳар бир янги ҳукмрон сингари Масъуд олдинги ҳокимият эгасига зид бўлганларни қувватлади ва уларни ўз атрофига тўплашга киришди.

Марҳум подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийнинг Берунийга салбий муносабати ҳаммага аён эди. Масъуд эса олимга кўп илтифот кўрсатди. Уни ўзига яқин тутди. Ёш султон Султон Масъуд Берунийнинг билими, ақлу-зақосидан баҳраманд бўлмоқни истар. Кўп фанлар бўйича у Берунийдан дарс олар эди.

Уларнинг машғулотлари асосан араб тили ва астрономияга бағишланарди.

Подшоҳнинг махсус таълим хонаси. Заррин нақшлар билан безакланган деворларда турли ранглардаги дераза ойналаридан ўтган қуёш нурлари жилваланади. Юмшоқ кўрпача устида паркуга суяниб ўлтирган Масъуд Берунийнинг астрономияга оид суҳбатини тингламоқда.

Олим шоҳга қуёш ва ой ҳаракатлари, ер айланишининг суръати, тун ва кунларнинг узун ва қисқа бўлиш сабаблари тўғрисида сўзлаб берди.

Беруний таҳлилида энг мураккаб ва мушкул масалалар ҳам ғоят тушунарли содда ҳамда қизиқарли шаклда баён топар эди. У ўзининг илмга бўлган чексиз муҳаббати туйғули ҳар қандай кўнгилни ҳам фанга мафтун этувчи жозобага эга эди.

Дарс якунида Беруний подшоҳга деди:

— Сиз мағриб ва машриқни ўз тасарруфига киритган улуғ ҳукмдор бутун ер юзасининг султонлигига муносиб бир шоҳдирсиз. Агар шундай баланд мартабали зот кун ва тун шароити, улардаги ишларнинг бориши обод ерларда, ҳамда сахро ва инсон яшамайдиган жойларда кун ва тунларнинг қай даражадаги узунлигига оид маълумотларни яхши билса, бу билимлар фақат олий салтанатни мустақамламоққа хизмат қилган бўлур эди.

— Шундай билимларни ўзида жам этган, аммо муталаа учун қулай ва енгил битилган китоблар даркор.

— Бу сўзларингизни мен учун фармон деб билишга рухсат этгайсиз. Подшоҳим айтган тарздаги китобни битмакка дарҳол киришгумдир.

— Фақат ҳозирги мунажжимларнинг қабул қилган усуллари ва ибораларидан ўзгачароқ бўлса,— деди подшоҳ Масъуд,— чунки буларнинг ёзганлари бемиқдор, услублари мураккаб, ифода ва иборалари ғализ.

— Илм равшанлик ила фазилатлидир. Ҳақиқат эса ғоят содда ва тўппа-тўғри. Мураккаблик ва ғализлик муаллифнинг ўз баёнидаги ҳақиқатга шубҳаси борлигидан нишонадир.

— Тўғри,— деб кулди Масъуд,— китоб ёзган киши бу китобни одамлар ўқийдилар деган умид билан ёзмоғи даркор. Баъзилар эса шундай ёзадиларки, улар бу китобни ҳеч ким ўқимайди деб ўйлаган бўлсалар керак, деб кўнгилга келади.

Шу суҳбатдан бошлаб Беруний ўзининг кўп йиллардан бери ўйлаб юрган ишига киришмоққа қарор қилди. Дастлаб дебоча сифатида бир кичикроқ китоб ёзиб уни султон Масъудга йўллади. Унда тун ва кун узунлигини аниқлаш тамомила янги, мавжуд усуллардан ўзининг соддалиги ва ихчамлиги билан фарқли ҳолда баён этилган эди.

Султон Масъудга бу китоб мақбул бўлди. Подшоҳнинг тақдирлаши олимни ўз қарорида яна қатъийлаштирди.

Берунийнинг анча фурсатдан бери ер ва осмон ҳақидаги билимларнинг мажмуи бўлган катта бир асар яратмоқ режаси бор эди. Аммо подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий билан Беруний орасидаги ноҳуш муносабатлар олимнинг кўнглига тинчлик бермас; бундан ташқари кундалик бошқа хил илмий машғулотлар бир яхлит мавзу устида қўмилиб ишлашга йўл қўймай келар эди. Султон Масъуднинг Берунийга ҳурматли муносабати, султоннинг ёш, маърифатли экани, илм-фанга хайрихоҳлиги Берунийни шу катта иш ижросига чорлаган бўлди.

1031 йилдан бошлаб олим ана шу шоҳ асарини яратишга киришди. У олти йилдан ортиқ муддат ишлади. Берунийнинг кечасию-кундузи тинмай қилган меҳнати, унинг илм ва меҳнатга муҳаббатининг самараси сифатида улкан бир китоб юзага келди. Беруний ўзининг бутун куч ва қуввати, фурсат ва имкониятини илмга бағишлаган, илҳом ва муҳаббат билан фанга хизмат қилувчи бир заҳматкаш эди.

Султон Масъуд олимнинг ана шу интилишига ҳурматли муносабатда бўлди. Олимни ўз шоҳлик қудрати билан эътироф этди. Олимга бошқача илтифот керак эмас. Унга шундай ҳурматли эътироф даркор ҳалос. Шундан миннатдор бўлган Беруний ўзининг янги шоҳ асарини Султон Масъудга бағишлади ва бу китобни «Қонуни Масъудий» деб атади.

«Қонуни Масъудий»

Бу асар Беруний яратган жуда кўп илмий асарлар ичида ўзининг ғоят мазмундорлиги, кенг қўламдаги маълумотларни жам этганлиги билан ажралиб туради.

Бу шоҳ асарини яратиш фурсатида Беруний ўзининг ўрганган билимлари, йиқ-

¹ Ҳозир жаҳон кутубхоналарида «Қонуни Масъудий»нинг етти қўлёзма нусхаси бор. Улар Лондон, Париж, Берлин, Истамбул ва Қоҳира шаҳарларида сақланадилар. Немис олими Макс Круза «Қонуни Масъудий»нинг тўрт қўлёзмаси асосида унинг илмий-танқидий текстини тузиб 1954—56 йиллари Ҳайдарободда (Ҳиндистон) нашр этган. «Қонуни Масъудий»нинг араб тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси Тошкентда нашр этилган (I китоб, 1973 йили, II китоб, 1976 йили, «ФАН» нашриёти) Таржимон А. Расулов, махсус муҳаррир А. Аҳмедов, масъул муҳаррир С. Ҳ. Сирожиддинов. «Қонуний Масъудий»нинг рус тилига таржимаси, П. Г. Булгаков ва В. А. Розанфельд, А. Аҳмедов, М. М. Рожанская томонидан амалга оширилган. Бу ҳам икки китобдан иборат бўлиб, улар Тошкентда «Фан» нашриёти томонидан 1973—1976 йиллари нашр этилган.

қан ҳаёт тажрибаси, сайқал топган услуб ва ифода маҳорати жиҳатидан энг юксак даражага эришган эди.

«Қонуни Масъудий» ўн битта улкан бўлақлардан иборат. Бу бўлақларни олим мақола деб атайди.

Ҳар бир мақола шакл ва мундарижа жиҳатидан айрим фан соҳасига оид алоҳида катта бир китоб кабидир.

«Қонуни Масъудий» ни икки қисмга ажратиш мумкин. Биринчи қисм беш мақоладан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири айрим ва бир илмий соҳанинг тасвир ва таҳлилига бағишланган.

Иккинчи қисм эса қолган олти мақолани ўз ичига олади. Уларнинг ҳаммаси олимнинг кўнглига энг яқин бўлган соҳа — астрономияга оид.

Биринчи мақолада Беруний оламдаги мавжудастлар, уларнинг умумий шакллари тўғрисида ҳикоя қилади.

Олам юмалоқ шакли бир жисм. Унинг бир бўлаги ҳаракатсиз. Ҳаракатсиз қисмнинг атрофидагилар «ҳақиқий қуйилик» — «Ернинг ҳақиқий маркази» бўйлаб фазода айланма ҳаракат қиладилар. Ана шу барча мавжуд жисмларнинг йиғиндиси олам деб аталади.

Шу йиғиндининг айланма ҳаракат қилувчи бўлаги «юқори олам»; тўғри ҳаракат қилувчи қисми «қуйи олам» дейилади. Тўғри ҳаракат қилувчилар тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво, олов тўпламидан иборат.

Ер шу тўрт навнинг биридир. Бу тўрт унсур олам ўртасида тартиб билан жойлаштирилган. Уларнинг вазн оғирлиги олам марказига интилади, енгили эса марказдан қочади.

Одамлар қай ерда турган бўлмасинлар, фақат осмоннинг ярминигина кўрадилар. У мавжуд гумбаз тарзида кўринади.

Одамларнинг ердаги ҳолатлари ҳамма жойда бир хил бўлмайди. Жойларни аниқламоқ учун кенглик ва узунлик қўлланилади. Шимолдан жанубга томон ҳисобланса кенглик бўлади, шарқдан ғарбга ҳисоблангани узунлик бўлади.

Эфир етти сайёрага эга. Шунга қараб у етти сферага бўлинади. Улардан юқоридagi саккизинчи сферада турғун юлдузлар жойлашганлар. Сфералар шарққа қараб ҳаракат қиладилар.

Бу сфераларнинг қуйи томондан биринчиси Ой сферасидир. Ой думалоқ шакли қаттиқ жисм бўлиб, Қуёшдан унга тушаётган нур Ойда аксланади. Шунинг учун у гўё ёруғлик тан манбаи бўлиб кўринади.

Ой сферасидан сўнг Меркурий, сўнгра Зуҳра сфераси келади. Бу икки сферанинг юқорисида Қуёш туради. Қуёшнинг осмондаги жойи худди подшоҳнинг жойи мамлакат марказида бўлган сингаридир. Ҳамма сайёраларнинг аҳвол ва ҳаракатлари қуёшга боғлиқ ва қуёш ҳаракати орқали ўлчанади.

Ер, Меркурий, Зуҳра қуйи планеталардир.

Сфералари қуёшдан юқорида бўлган сайёралар ичиде Қуёшга энг яқини Марс, энг узоғи Сатурн. Уларнинг оралиғида Юпитер жойлашган.

Сайёраларнинг ҳар бири мақсад учун ҳаракат қилади, ўз табиатига кўра ҳаракатланади. Уларнинг ҳар бири ўз сферасидагина юради.

Беруний бу маълумотларни Птоломейнинг «Алмажастий» китобидан олиб ўз талқинида баён қилган.

Беруний ернинг думалоқлиги тўғрисида кўп исботлар келтирган. Шу жумладан ой тутилган пайтда ернинг ойга тушган сояси айлана шаклида эканлиги ҳам айтиб ўтилган.

«Қонуни Масъудий»нинг иккинчи мақоласида турли халқларда ишлатиладиган эралар тўғрисида сўз боради. Беруний бу мақолада эралар ўртасидаги муносабатлар турли халқларнинг урф-одатлари, байрамлари тўғрисида сўзлайди. Бу маълумотлар «Ўтмиш ёдгорликлари» китобидаги маълумотларнинг бошқача йўсиндаги изҳоридан иборат.

Учинчи мақола математикага бағишланган. Унда сферик астрономия учун зарур бўлган геометрия ва тригонометрияга оид масалалар ёритилган. Бу мақолани ундан кейинги мақолаларда берилган вазифаларни бажармоқ ва кўзда тутилган ҳисобларни амалга оширмоқ учун ишлатиладиган математик аппарат деса бўлади (П. Г. Булгаков фикри).

Тўртинчи мақола ёйлар ва бурчакларнинг миқдорлари, сфера сиртидаги нуқталар ва уларнинг турли ҳолатларини аниқлаш ва шунга ўхшаш бошқа ишларга бағишланади.

Бешинчи мақолада аксариси ёритгичлар ҳаракатларини кўрсатиш учун қурол каби қўлланиладиган нарсалар тўғрисида сўз боради.

Бу мақолада Беруний турар жойларнинг ўрнини ой тутилишини кузатиш воситасида аниқлаш усулини баён этади; икки шаҳар ўртасидаги масофалар бўйича уларнинг узунликларини аниқлаш узунлиги ва кенлиги маълум икки шаҳар орасидаги масофани аниқлаш кабилар тўғрисида фикр юритади. Шу билан бирга ер айланасини шартли бўлақлар ёрдами билан белгилаш иқлимлар, уларнинг узунлик ва кенгликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам шу мақолада келтирилган.

Бу ҳолатлар «Геодезия» китобида ҳам анча муфассал ёритилган эди.

Бешинчи мақбалаға катта жадвал илова қйлинган. Унда иқлимлар ва айрим шаҳарларнинг ўрни кўрсатилган.

Масалан Ҳирот шаҳарининг ўрни $88^{\circ} 40'$ узунлик ва $34^{\circ} 31'$ кенгликда деб берилган. Унинг Хуросон вилоятида эканлиги айтилган. Кат эса $85^{\circ} 0'$ узунлик ва $41^{\circ} 36'$ кенгликдадир. Бухоро $87^{\circ} 30'$ узунлик ва $35^{\circ} 20'$ кенгликдадир (Беруний Самарқандни турк тилида Кувеш шаҳри маъносини англатади, деб изоҳлайди).

Бинкāt $89^{\circ} 10'$ узунлик: $42^{\circ} 30'$ кенгликда жойлашган. Бу шаҳар туркчада Тошканд, юнёнчада Тошқалъа деб аталганини Беруний элатиб ўтади.

Фарғона вилоятининг маркази Ахсикат $92^{\circ} 0'$ узунликда ва $42^{\circ} 20'$ кенгликда жойлашган. Болосоғун шаҳари $91^{\circ} 30'$ узунлик ва $47^{\circ} 40'$ кенгликда жойлашган.

Жадвалда бундай маълумотлар анча бор.

Олтинчи мақола қувеш ҳаракати тўғрисида ҳикоя қилади.

Еттинчи мақолада ой ҳаракатлари тўғрисида сўз боради.

Сайқизинчи мақола қувеш ва ой тутилиши масалаларига бағишланган.

Тўққизинчи мақола юлдузлар тўғрисидадир. Унинг мақбалада Сатурн, Юпитер, Марс, Зуҳра ва Меркурий сайёраларининг ҳаракатлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Ун биринчи мақола осмон сфераларининг геометрияси, ёритқичларнинг ҳаракатлари, уларнинг ўрнашган жойи, бир-бирларига нисбатан қйладиган ҳаракатлари каби масалаларга бағишланган.

«Қонуни Масъудий» ўрта аср шарқ илмларининг қомусидир.

Беруний «Қонуни Масъудий»да ўзигача бўлган астрономияга оид билимларни танқидий жиҳатдан таҳлил қйлди, улардаги янгилкларни аниқлаб тузатди; астрономияга оид кўп масалаларни ҳал қйлиб берди.

Шоҳона тўхфа

Беруний «Қонуни Масъудий»ни подшоҳ Масъудга топширди. Подшоҳ бу китобдан мамнун бўлди. Энг улўғ бир илмий қомус ёш подшоҳнинг номини абадийян фан тарихига олиб кирган эди:

Масъуд Берунийнинг бу катта хизмати ва шарафли бағишлови эвазига унга улкан муқофот тайин қйлди.

Ғазна кўчалари. Қатор саф тортган расталар. От-улов билан турли қйшлоқлардан келган деҳқонлар бозор майдони сари ошиқадилар. Мисгарлар, тақачилар дўконларида жаранг-журунг тақа-тақ болғалар дуқиллайди. Савдо расталари салобат билан саф тортган. Шаҳар ўз кундалик ҳаёти оғушида.

Ғазна кўчаларидан бир отлик туябон икки серҳашам безакли туяни оҳиёта етаклаб ўтиб боради. Туяларнинг кажаваларига ортилган кичик-кичик қолчалар таранг. Юкнинг оғирлигидан туялар ҳорғинлик билан қадам ташлайдилар.

Туябон олдида безакли тақинчоқлар билан тўла отга минган зарҳал либосли бир сувори кетмоқда. Катта юк ортилган бу туяни отлик икки соқчи қуриқлаб борадилар.

Растадаги дўконлардан бирида ўтирган савдогар ўз суҳбатдошига бу кичик карвонни кўрсатиб деди:

— Ушбу туялар ўрда хазинасидан чиққанлар. Улар қимматбаҳо юкларни қайгадир элтмоқдалар.

— Карвон олдидаги киши ҳам, хазина хизматчиси бўлса керак. Либоси шундан далолат беради.

— Шундай.

Ғазна кўчаларидан виқор билан кечмоқда бўлган бу карвон тезда кўпчиликнинг диққатини тортди.

Суворийлар, ва икки туя тезда шаҳарнинг марказидан ўтиб унинг чеккасидаги боғ кўчалар сари йўл олдилар.

Беруний эрталабдан бери тинмай илмий машғулот билан банд бўлиб сал толиқди, шекилли ишини тўхтатиб боққа чиқди. У гулзор ёқасида жадал оқаетган ариқчадаги сув овзини тинглаб, гуллар жамолига боқиб бир оз ҳордиқ чиқарди. Бу тўхтовсиз оқим олимга ҳаёт фурсатининг тез ўтишини эслатди. Ана шу ариқдаги сув каби гуллар ундириб, махсулларга барака бериб яшамони лозим ҳар бир одам. Ҳаётнинг чин моҳияти элга, кишиларга баҳра етказмоқдир. Агар шу ариқдаги сув бўлмаса, гулзорлар қақраб қуриқшаб кетгани сингари ҳар бир киши фаолиятдан кўпчиликка баҳра етмаса, эл ҳаёти ҳам камбағаллашади, одамларга наф етказмай яшаган кимса эса сувсиз ариқ каби бефойда ва қуруқдир.

Беруний шундай мулоҳазаларда фарқ бўлиб боғда сайр этар экан, хизматчи келиб ўрдадан келган одам Берунийни йўқлаётганини хабар қйлди.

Беруний боғ эшигидан кўчага чиқди. Боғ дарвозаси олдида икки катта туя ерга чўккан ва устидаги оғир юкни ташини машаққатидан холий бўлгани учун шукур қйлгандай чукур нафас олар эди. Дарвоза бошида турган хизматчи отдан тушиб Берунийнинг қақирғини кутмоқда. У олимнинг ўзи эшикдан чиқиб келганини қуриб сал саросимада қолди ва дарҳол от жйловини ёнида турган соқчилардан бирига топши-

риб ўзи Беруний ҳузурига келди. У олимга таъзим қилиб салом берди. Беруний унга одоб ила алик қайтарди.

Сарой хизматчиси олимга деди:

— Олий ҳазрат шаҳаншоҳ сизга ушбу совғаларни йўлламишдирлар. Қаёрга тушурмоқни буюргайёиз.

— Бу не совғалардир?

— Подшоҳ ҳазратларига сизнинг китобингиз ғоят маъқул тушмиш. Олий ҳазрат буюрдиларки, икки туя кўтара оладиган миқдорда кумуш тангаларни сиз тақсиримга совға этиб етказилсин. Ушбу туяларга ортилган қоплардаги тангалар ушул олий мукофотдир.

Хизматчининг сўзини тасдиқлагандай туялар пишиллаб бошларини у ён бу ёнга чайқар эдилар.

Беруний бундай илтифотни кутмаган эди. У бир оз жим қолди. Сўнг олим сарой хизматчисига деди:

— Мен подшоҳ ҳазратларининг бундай олий даражадаги инъомларидан беҳад миннатдормен. Аммо бу қадар катта давлат ва бойликнинг менга зарурати йўқ. Ал-ҳамдуллоҳ, подшоҳ ҳазратларининг лутфу иноятлари ва олий даргоҳи соясида тирикчилигим учун етарли озуқа ва кийинмоқ учун керакли кийим менда бор. Ундан бошқа нарсанинг эса менга ҳожати йўқ. Шунинг учун бу тангаларни хазинага қайтариб элтингиз. Улар шаҳаншоҳ давлатининг лозим эҳтиёжларига сарф этилар.

Сарой хизматчиси бу юкларни Берунийнинг уйида қолдириш учун кўп уриниб кўрди. Аммо натижа бўлмади. Ниҳоят тангалар ортилган икки туя ўша соқчилар ҳимоясида орқага ўрда сари йўл олди.

Беруний боғ орқали ўз уйига қайтди ва яна илҳом билан ижод жараёнига чўмди.

Айтадиларки, Беруний йил давомида фақат икки мартаба — ҳайит кунлари дам олар эди. Ушанда у ўзига лозим озуқа ва кийим тайёрлар эди. Бошқа кунлари эса тинмай илм-фан машғулотини билан банд эди. Олим молу давлат, бойликка нисбатан мутлақо бефарқ бўлиб, кундалик тирикчиликка етарлигина нарсалар билан кифояланар, унинг бутун бойлиги ҳаёт ва инсонларга чексиз муҳаббати, фикрини ҳамиша равшан ва давлатманд этиб турган илм ва тафаккур хазинасидан иборат бўлган. Олим ўзидаги шу билим дурларини самимият билан элу-юрт учун бағишламоқ ила бахтиёр эди.

Минераллар тўғрисидаги китоб

Ўзининг қимматбаҳо тошлар, уларнинг хоссалари тўғрисида ёзмоқда бўлган асарини Беруний бундай деб атади: «Китобул-жамофир фи хилофатул-жавоҳир», буни араб тилидан ўзбек тилига «Кимматбаҳо тошларни танимоқ учун (лозим) маълумотлар тўплами» деб таржима қилмоқ мумкин. Фанда уни қисқартириб «Минералогия» деб юритадилар.¹

«Минералогия» тарчи қимматбаҳо тошлар ва металллар тўғрисида маълумот беришга мўлжалланган бўлса-да, у фалсафий, тарбиявий ва адабий материалларга жуда бой. Шунинг учун у ўқилишга қулай ва ғоят қизиқарли шаклга эга.

Бу китобда турли ҳаётини тажрибаларга асосланган фалсафий дидактик хулосалар баён этилган. Уларни олим тарвиҳа деб атайди.

Тарвиҳалардан сўнг турли қимматбаҳо тошлар ва металллар таърифи бағишланган боблар келади.

«Минералогия»нинг биринчи қисмида ёқут, лаъл, олмос, феруза, ақиқ, биллур, қаҳрабо ва бошқалар тўғрисида сўз боради. Иккинчи қисмда эса олтин, кумуш, мис, темир, кўрғошин, бронза сингари қимматбаҳо металллар тўғрисидаги маълумотлар бор.

Ёқут қимматбаҳо тошлар ичида энг гўзал ва қимматбаҳолидир. Ёқут оқ, кўк, сариқ ва қизил бўлади. Форс тилида ёқутни йакунд дейдилар. Араблар бу сўзни ёқут

¹ Беруний «Минералогия» асарининг уч қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Улардан бири Испаниядаги Эскуриал кутубхонасида, қолган иккитаси эса Туркияда сақланади. Немис олими Ф. Кренков шу уч нусха асосида бу асарнинг илмий-таъриҳий текстини тузди ва бу текст 1936—37 (1355 Ҳ.) йиллари Ҳайдарободда (Ҳиндистон) нашр этилди.

Совет арабшунос олимларидан А. М. Веленицкий «Минералогия»ни шу текст асосида араб тилидан рус тилига таржима қилди. Бу таржима 1963 йили Москвада СССР Фанлар Академияси томонидан босиб чиқарилган. Бу нашрга Абдураҳмон Ал-Хоразмийнинг «Ҳикмат тарозуси» китобидан Берунийнинг металллар ва қимматбаҳо тошларга оид ёзганлари олиниб илова қилинган.

Яна ушбу нашрга А. М. Веленицкийнинг таржима ҳақидаги сўзи, Беруний ҳаёти ва ижодига доир катта илмий тадқиқоти ва Г. Г. Лемлейнинг «Беруний» асаридаги минералогияга оид маълумотлар асари киритилган.

деб талаффуз қилганлар. Форслар яна уни сабаж асмур деб ҳам атаганлар. Бунинг маъноси «вабодан асровчи» демакдир. Узоқ асрлар давомида араблар ва Урта Осиё халқларида ёқут таққан одам вабодан омон қолади деган ишонч бўлган.

Ёқутнинг кўп бўладиган жойи Сарондиб (Шри-Ланка) орол-дир. Бу мамлакатнинг Балакаран деган жойида ёқут кони бор. Унда сариқ ва сурмаанг ёқут бўлади. Уша ердан юқориқда рўнак деган жойда Барқ тоғи бор. Бу тоғ остида қизил ёқут кони мавжуд. Айтадиларки, бу конни чақмоқ пайдо қилган эмиш. Лекин бу чақмоқ шамол йиққан булутлар бағрида чақнайдиган яшин эмас, балки тоғ тепасида доим ёниб турадиган оловдир. У баъзан кучли аланга бўлиб порлайди. Тунда денгиздаги кемалар ундан мўлжал оладилар. Кундузлари эса Барқ тоғи устида доимо тутунга ўхшаш нарса чиқиб туради.

Беруний ёқутлар тўғрисидаги баъзи қизиқ-қизиқ воқеаларни ҳикоя қилади.

Амир Йаминуд-давла (подшоҳ Маҳмуд Ғазнавий)нинг ихтиёрида бир ёқут бўлган. У узун бўлиб, вази йигирма мисқол эди. Рай шаҳарлик ака-укалар ал Ҳасан ва ал Ҳусан бу ёқутни йигирма минг динорга баҳолаганлар. Амир шу баҳога рози бўлган. Яна Амир, деган: «Паручанонал (ҳинд шоҳи) бу ёқутнинг эгаси эди. Шоҳ уни бир савдогарга тўрт юз минг дирҳамга гаровга берган экан». Беруний изоҳ бериб айтадики, ҳақиқатда бу ёқутнинг вази бир ярим мисқол ҳам келмас эди.

Чўлот исмли бир хинд шоҳи катта бир ёқут ўрнатилган зиначага эга бўлган. Ҳар сафар тўрт киши бу зиначани ушлаб турар ва шоҳ оёғини ёқут устига қўйиб калласи хачирнинг елкасига тежжунича кўтарилар, сўнг аравага ўлтирар экан.

Амир Масъуднинг ихтиёрида бир ёқут бор экан. У арслон шаклида бўлган. Уни қўлга олганларида бошмалдоқ ва чинчалоқ ортидан чиқиб турар экан.

Бу ёқутни Сарондибдан қандай қилиб олиб чиқилгани тўғрисидаги ҳикоя худди эртатка ўхшайди:

Бир киши сочини қирдирган. Сўнг мисдан қалпоқ ясашиб, у қалпоқни ғалвирга ўхшатиб кўп тешиклар қилдирган. Бошининг орт томонига ўша ёқут учун махсус жой тайёрлатган. Сўнг узоқ фурсат шу қалпоқни кийиб юрган. Соchlари ўсиб чиқиб қалпоқни бутунлай қоплаб беркитгач, ўша одам қўлига ҳасса тутиб гадойлар сингари йўлга чиққан. Шу йўсинда у чегарадаги текшириладиган жойлардан шу ёқутни бошида соchlари орасида яшириб олиб ўтган.

Беруний баъзи ҳукмиронларнинг қимматбаҳо тошларга ўч бўлганликларини қоралайди. Араб ҳалифаларидан Умавийлар чумоли каби йиққан бойликларни Аббосий халифалари туялар каби хароб қилганлар. Хусусан, халифа Ал-Муқтадир жуда исрофгар эди. У йиртқич босқинчилар сингари пулга ўзини ташлар, бефойда ишларни ёқтирар, беҳуда машғулотларга ишқибоз эди. Халифа ҳамиша хотинлар билан қайфу-сафо қилар, қимматбаҳо тошларни хотинларга сочар ва уларнинг қўли билан бу бойликларни барбод берар эди.

Аммо, халифа Ал-Муқтадир бу қилмишлари учун вазири Ал-Аббосдан хижолатда бўлган. Шунинг учун халифа вазирни ҳам бундай исрофгарчиликка шерик қилишга ва вазирга хиёнат доғини туширмоққа ҳаракат қилган. Шунда вазир халифанинг нолайиқ ишларидан кўз юмишга мажбур бўлар эди.

Халифа вазирга бир катта қимматбаҳо тошни совға қилиб юборади. Аммо вазир бу бойлик халифаликка тегишли ва уни талон-торож қилиш ярамайди, деб бу совғани қабул қилмайди. Халифа ўз қилмишидан хижолатда қолади.

Али ибн Мусо Маккадан қайтгач, халифа Ал-Муқтадир билан суҳбатда бўлди. У халифадан ибн Дажжолдан ўттиз минг динорга олинган маржон қаерда, деб сўрайди. «Ҳазинада» деб жавоб берди халифа. Али ибн Мусо ўша маржонни келтиришни сўрайди. Аммо ахтариб уни хазинадан топаолмайдилар. Шунда Али ибн Мусо енгил остидан ўша маржонни чиқариб халифага кўрсатади ва дейди: «Бунинг Мисрда мен учун сотиб олиб бердилар. Агар қимматбаҳо тош билан шундай ҳодиса содир бўлган бўлса, бошқа нарсалар билан нималар бўлиши мумкин?»

Бу ўғирликни қилган Ал-Муқтадирнинг яқинларидан бири, сарой хоними Зайдони эди.

Беруний қимматбаҳо тошлардан беҳуда безаклар сифатида фойдаланишга мутлақо қарши бўлган.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ўғли Абдуллоҳнинг бир минг дирҳамга узук учун қимматбаҳо тош сотиб олганини эшитгач, унга хат ёзиб буюрганки, ўғли дарҳол бу узукни сотсин, тушган пулга эса минг оч одам учун озуқа берсин, ўзига мисдан узук ясашиб муҳр қилдирсин.

Халифа Абдуллоҳ ибн Марвон ибн Муҳаммад Нубиядан пиёда қайтиб келаётганида унда латтага ўралган бир минг дирҳам баҳоли қизил тош бор эди. Халифа дердики, ох, шунинг ўрнига устига миниш мумкин бўлган бир жонивор бўлганда эди.

Марвонийлардан бири бундай деган: «Қочиб кетаётган пайтимизда беш динордан ортиқ қимматга эга бўлмаган арзон тошлар кўп фойда келтирди. Чунки уларни чиқариш ва сотиш мумкин эди. Қимматбаҳо тошларни эса чиқаргани кўрқар эдик, уларнинг қиммати биз учун бефойда бўлди».

Шулардан кўриниб турибдики, Беруний қимматбаҳо тошларнинг сифатлари, таърифи ва баҳоси тўғрисида сўзлабгина қолмайди. Беруний фан тарихида биринчи бор минералларнинг солиштирма оғирлиги тушунчасини яратди, уларни аниқлаб бир тар-

тибга солиб берди. Олим бундай бойликларга қандай муносабатда бўлиши лозимлигини ҳам ўргатади. Кишиларнинг маънавий бойлиги қимматбаҳо тошларга бефарқлигидандир. Улардан (қимматбаҳо тошлардан) шухратпарастлик, исрофгарчилик мақсадида эмас, балки элу юрт, мамлакат манфаатлари йўлида фойдаланиш керак. Бундай тошларга очкўзлик билан ёпишиб олиш кишилар учун бефойда, ҳатто таҳликали эканини ҳам олим алоҳида уқдириб ўтади.

Олтин тўғрисидаги мақола ҳам ана шу хулосаларни ўз ичига олган.

Беруний ёзадики, олтиннинг кам учраши уни йиғабериш ва хазиналар жамғаришни тақозо этмайди.

Зинж вилоятининг одами кокос ёнғоқларидан олинган шарбатни ичиб кайф қилган чоғда дунёда ҳеч нарсага аҳамият бермайди, бутун дунёни ўз қўлига олган сингари ҳис қилади.

Олимнинг кўнгли ҳам ана шу ҳимматли зинжий тарафидадир.

Фойдали маслаҳатлар

Ғазнадаги олтин бозори. Қатор кетган раста дўконлар билан лиқ тўла. Дўконлар эса турли-туман олтин, жавоҳир, кумуш, ёқут, зумрад ва бошқа қимматбаҳо тошлар ва маъданлар билан тўлиб тошган. Дўконларда қатор терилган бу тилла буюмларга қараган кишининг кўзи қамашади.

Дўконлардан бирида бир ёш қорасоқол заргар қўлидаги қўлэзма китобни диққат билан варақлайди. Харидор йўқлик пайтида унинг учун китоб мутолааси энг ёқимли машғулот. Аммо бугун унга айниқса муҳим бир китобни топиш муяссар бўлган. Бу Берунийнинг қимматбаҳо тошлар ва маъданларга оид китоби. Заргар китобнинг бевосита заргарликка оид бобларини кўздан кечирди. У қимматбаҳо тошларнинг хасталаниши, бунинг сабаблари, хасталикни даволаш усуллари тўғрисида ёзилганларни диққат билан ўқиди.

Шундан кейин китобни яна варақлаб кўрди. Олдин унча диққат қилмаган бошланғич боблари — тарвихаларни секин ўқий бошлади. Сўнг қизиқиб кетдида, бошини китобдан кўтармаганича узоқ вақт мутолаада банд бўлди. Орадан бирмунча фурсат ўтди. Бир киши дўкон ёнига келиб тўхтади. У дўкондорнинг китоб ўқишга берилиб кетганини озгина вақт кузатиб турдида, сўнг кулимсираб секин салом бериб деди:

— Ассалому-алайкум мулла Асғар, бу муқовалар орасидан қандай хазина топмишдирсиз?

Дўкондор бошини кўтариб дўкон ёнида турган кишини кўргач, дик этиб ўтирган ўрнидан туриб дўкондан пастга, кўчага тушди ва келган кишига хурсандлик билан алик қайтариб унга жавоб қилди:

— Воалайкум ассалом, мулла Нодир, ҳуш келдингиз, қани марҳамат, бу ёққа ўтсинлар.

Мулла Асғар дарҳол дўконга қайта чиқиб бир чеккада турган кўрпачани дўкон четига солди. Икки ҳамсуҳбат кўрпача устига ўлтириб фотиҳага қўл очдилар. Мулла Нодир дўкондор Асгарнинг ёшида, муртларига ҳали устара тегмаган, бошида мўъжаз оқ салла, ғоят озода кийинган бир муллабачча эди. У Мулла Асгарнинг яқин дўсти. Мадраса таҳсилга кетаётганда ҳам, қайтаётганда ҳам ўз дўсти билан албатта учрашиб ўтар эди.

Уларнинг суҳбати давом этди.

— Берунийнинг янги китоби қўлимга тушди,— деди мамнуният билан заргар мулла Асғар — бу бизнинг ҳунарга оиддир. Ғоят мароқли бир китоб, мутолаага шўнғиб кетиб сизнинг келганингизни ҳам сезмай қолибмен.

— Беруний ҳар йили бир неча китоб ёзиб элни баҳраманд этар. Бу улуг аллома туфайли Ғазна илм, фан нуридан чароғон бўлмоқда,— деди мулла Нодир. У Берунийнинг ёзган кўп китобларини ўқиган. Ғазнадаги ҳар бир ёрқин фикрли толиби илм билан ифтихор қилар эди.

— Аммо — деб сўзида давом этди мулла Нодир,— мен Берунийнинг олтин ва жавоҳирлар тўғрисида китоб ёзганидан хабарим йўқдир. Чунки бутун Ғазна аҳлига Берунийнинг қимматбаҳо тошлар, олтин ва кумушга бефарқ муносабати ёруғ кундек равшан.

У Султон Масъуднинг икки туяга ортилган кумушлардан иборат совғасини Беруний олмай қайтариб юборганига шама қилмоқда эди. Бу воқеа бутун Ғазнага машҳур бўлиб кетгани учун мана неча йилки халқнинг хотиридан чиқмас эди.

— Ундай бўлса энди шундай китобдан бохабар бўлиб хабардорлик хазинангизни янги дуру, гавҳарлар билан бойитгайсиз,— деди ҳазиломуз мулла Асғар ва қўлидаги қўлэзmani меҳмонга узатди.

Мулла Нодир олдин унга тўтилган пиёладаги шарбатдан бир ҳўплаб пиёлани қайтариб қўйдида, сўнг китобни қўлига олди. У қўлэзmani биринчи варағидан бошлаб диққат билан кўздан кечирмоққа киришди. Китоб билан танишиб чиққач мулла Нодир бармоғини бир варақ устига қўйгани ҳолда:

— Берунийнинг бу китоби сизнинг ҳунарингизга эмас, бизнинг ҳунарга кўпроқ

алоқадордир. Муддатдан илгари шодланган кўринасиз,— деди ҳазий билан. У мадрасада фалсафа, мантиқ дарсларини кўпроқ муҳаббат билан ўрганар эди.

— Бу китоб жавоҳир ва олтинлар тўғрисида. Қимматбаҳо тошлар, маъданларнинг таркиби ва ҳолати хусусидадир. Бу сарлавҳасидан ҳам аёнку— деди мулла Асғар бўш келмай.

— Бу китоб инсон кўнгли ва ҳаётини ўша жавоҳирлар каби азиз ва пок бўлмоққа чорлар, инсоний фазилатларнинг қимматбаҳо бойлик эканидан таълим берар— деди мулла Нодир.

Икки дўстнинг ҳазиломиз ва латиф баҳси шу йўсинда бир оз давом этди. Мулла Нодир ўз фикрининг исботи учун китобнинг биринчи бўлагидаги тарвиҳа (истироҳат) деб аталган бобидан баъзи жойларини баланд овоз билан ўқий бошлади.

Инсон энг олийжаноб фазилатлар соҳибидир,— деб ёзган эди Беруний — яқин дўсти бор киши чинакам бахтиёр кишидир. У дўст муносиб ҳаёт тарзига эга, ёқимли хусусиятлар соҳиб. Икки дўст бир-бирига қалби билан киришиб кетишган.

Ана шундай чин дўст ҳар бир кишида битта бўлади. Бундан ортиқ бўлмайди. Шундан сўнг олим киноя билан айтиб ўтадики, бошқача дўстларнинг кўп ё оз бўлиши одамнинг молу давлати ва кишиларни ўзига жалб эта олиш қобилиятига боғлиқ.

Одам ҳамиша бошқаларга яхшилик кўрсатиши керак. Агар яхшилик қилиш имкониятига эга бўлмаса, яхши тилаклар изҳор этсин.

Ана шундай эзгу фикрлар баёнидан сўнг олим кишиларнинг кундалик турмушдаги юриш-туришлари, ўзларини тутishi, шахсий гигиенасига оид маслаҳатлар берган. Инсоний сифатлардан энг муҳимлари озодалик ва тартиблиликдир.

Инсоннинг энг яқин нарсаи унинг табиати, руҳидир. Шунинг учун киши табиатига ёқадиган ишларни қилиши керак.

Ундан кейин инсонга энг яқин нарса— кийган кийимидир. Кийим одам танасига ёпишиб, терисини ёпиб туради. Яна одамга энг яқин нарса яшамоқда бўлган уй-жойи, ғамхўрлик қилувчи одами, идишлардаги ейдиган, ичадиган озуқаси, ҳамда меҳнат куролидир...

— Хўш бунга нима дейсиз мулла Асғар,— деди мулла Нодир,— бу ҳам олтин-жавоҳирларга оидми?

— Бу энг қимматбаҳо жавоҳир, бебаҳо олтинга, яъни инсонга оид,— деб кулиб тан берди мулла Асғар— Барчага аёнки, Беруний учун инсондан шарафлироқ ва қимматлироқ зот йўқ. Шунинг учун қимматбаҳо тошлар ва маъданлар тўғрисида китоб ёзганда, Беруний даставвал инсон ҳақида сўзлаяжағи бешак ва шубҳадир. Қани, давомини ҳам тинглайлик.

Мулла Нодир ўқишда давом этди.

Инсоннинг чеҳраси чиройли, қадди-қомати келишган бўлса, унга боқиш ёқимли бўлади. Кишининг исми ҳам жарангдор бўлиши керак. Илгари элчиликка ташқи кўриниши чиройли, номи оҳангдор бўлган кишиларни танлаганлар. Агар исми шундай бўлмаса, бошқача гўзал отлар берганлар.

Кишининг чеҳраси ҳали у онасининг қорнида экан пайтида шаклланади. Шунинг учун уни ўзгартиб бўлмайди. Лекин одам ахлоқий қиёфаси ва турмуш тарзини ўзгартирмоққа қодир.

Агар киши ўз ҳирсларидан устун тура олса, ўзидаги бор нуқсонларни йўқ қилиб уларни яхши сифатларга айлантира олади.

Ҳаммадан аввал кишининг кўзи тушадиган жой бу одамнинг териси ва ташқи кўринишидир.

Гарчи киши ўз чеҳрасини ўзгартиришдан бжиз бўлсада, терисини тоза сақлаш унинг ўзига боғлиқ.

Инсоннинг озодалиги сув билан. Сувнинг покизалиги ва хушбўйлигидан шаббодалар ёқимли бўй касб этадилар; сув ҳаётга тотли таъм бағишлайди. Бундай сифат сувга ўхшаш бошқа суюқликларга ҳам ҳосдир.

Мулла Нодир шу ерда тўхтади ва мулла Асғарга деди:

— Қолган жойларини баланд овоз билан ўқиб бўлмас. Уни холийда ўзингиз ўқирсиз. Айниқса уйдагилар ўқисинлар.— У китобни ўша вараққа белги қўйган ҳолда мулла Асғарга узатди. Уларнинг суҳбати бошқа мавзуда узоқ давом этди.

Мулла Нодирни кузатиб қўйгач, мулла Асғар бир-икки келган харидорлар билан савдо қилди. Заргарларнинг савдоси чаққон эмас. Харидор оз. Кундузги овқатдан сўнг ҳаво исиб, айниқса бозор касбд бўлди. Шунинг учун пешиндан кейин дўқондор ўз дўконини ёпди-да, ичкаридаги кичик бир салқин хонага ўтди. У бир оз тамадди қилиб олгач, Берунийнинг ўша «Минералогия» китобини қўлига олганича кўрпачага ёнбошлади.

Мулла Асғар белги қўйилган вараққа кўз югуртириб унда ёзилганлар билан танишар экан, у дарҳақиқат буларни баланд овоз билан ўқиш ноқулайлигига ишонди. Бу тарвиҳада Беруний кишиларнинг энг назоқатли турмуш лавҳалари тўғрисида сўзлар, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан шахсий турмушнинг жуда нозик томонлари бўйича ўғитлар берар эди.

Бу ўғитлар озодалик, эру хотин алоқалари, чирой ва покиза табиатлиликка оид. Улар айниқса аёллар учун жуда қимматли. Олим кўп меҳрибон ота-оналарнинг ўз

қизларига берган маслаҳатлари шаклида эл қизларига тозалик ва оилада аҳиллик ўрнатиш таълимини бермоқда.

Тозалик боиси сув. Кўп ота-оналарининг қизларига қилган насиҳатлари оилавий муносабатлар ҳам сувга оид.

Абдулла ибн Жаъфар қизини эрга бераётганда унга бундай деган: «Рашқдан сақлангил. У талоқнинг калидидир. (Эринга) тез-тез танбех қилишни сенга таъқиқлайман. Чунки танбех нафрат уйғотади. Узингни безаб юргин. Бунинг учун энг яхши восита сурмадир. Яна хушбўй атрлардан фойдалангин. Уларнинг ичида энг яхшиси сувдир».

Омир ибн аз — Зариб ал-Алвоний қизини эрга бераётган пайтида қизнинг она-сига бундай деган: «Қизингга қаттиқ буюргинки, сахрога чиқадиغان бўлса, сувни ғамлаб олсин. Сув юза томонга жило беради, ички томонни пок қилади. Эрининг хоҳишларига қаршилик кўрсатмасин, чунки бахт ўзаро мувофиқликдадир...»

Бир араб тўй кечаси қизига бундай маслаҳат берган экан: «Сен эрининг чури-си бўлгин, ўшанда эринг сенинг қўлинг бўлади. Сен у билан ҳамиша юмшоқ муомилада бўл, бу нозу карашмадан афзалдир. Яна сувдан кўп фойдалангин. Хушбўй нарсалар ичида энг биринчиси сувдир».

Бир она қизига маслаҳат бериб айтган: «...эринг хурсанд эканида хафа, у хафа бўлганида хурсанд бўлиб кўринишдан асрангин. У сендан ҳеч бир хунук нарса тўғрисида хабар эшитмасин. Унга сендан фақат ёқимли хушбўй ҳидларгина бориб етсин. Сен сув ва сурмани ҳамиша ёнингда сақла, ҳамма хушбўй нарсалар ичида энг яхшиси сувдир».

Бир она қизига дебди: «Терингга яхши атрлар сепгин, эрининг гапига қўлоқ ос энг кўй қўллайдиган хушбўй нарсанг сув бўлсин». Яна бири айтган экан: Эрингга гап қайтарма, уни толиқтириб қўясан, у билан жанжал қилма, уни ўзингдан совитасан; у билан чин кўнгилдан рўстгўйлик билан сўзлашгин, сувни ўзингнинг энг яхши атринг қилиб ол».

Беруний ота-оналарнинг қизларига берган бундай оқилона маслаҳатларини тўласига маъқуллаган. Аслда булар ҳаммаси Берунийнинг маслаҳатларидир. Шундан кейин у яна ўз номидан айтилган маслаҳатларни ҳам баён этади. Улар ҳамма учун фойдали. Аммо олим кўпроқ аёлларни кўзда тутиб бу маслаҳатларни берган.

Ўз чиройини сақламоқчи бўлган киши терисини, баданининг ҳамма жойларини мўл сув билан узоқ ювиб тўзалагандан сўнг, уни турли ранглар билан безамоққа киришса бўлади. Бу ранглар нур туфайли кўзга ташланадилар. Кўп-кўп ювиниш ва гул ёки ёғ (крем) суртиш орқали терини оппоқ қиладилар. Шундай қилиб, танага безак берилади. Айниқса кишининг терисига табиий ёки тасодифий сарғишлик бўлса, шундай қилинади. Сўнгра тишларни тозалаш ва қиртишлэш керак, қовоқ ва кўзларни тоза сақлаш шарт, уларга сурма суртиш, зарурият бўлса, сочларини бўяш керак; сочларини тараш, уларнинг учларини кесиб туриш, баъзи бир толаларини юлиб ташлаш лозим. Тирноқларни олиш, уларни бир хил текисликда тутиш даркор.

Беруний уқдирадими, киши танасини ўраб турган нарсалар ичида одам учун энг муҳими ва биринчиси устибошидир. Чунки у танага ёпишиб туради.

Киши устибошини тоза сақлаши шарт. Кийимнинг ранги кенг қўлланилади-ган, яъни оқ рангда бўлгани яхши. Кийим силлиқ бўлиши керак. Агар у ғижим бўлса, чанг ва гард юқади. Кийимнинг ранги йил мавсумларига мос рангда, ёки шу мамлакатдаги кишиларнинг урф-одатларига тўғри келади-ган бўлиши маъқул.

Умар ибн Хаттобдан мурувват нимададир, деб сўраганларида, кийимнинг тартибли эканидадир, деб жавоб берган. Яна бир киши «мурувват кийимнинг озода эканлигида» деган.

Беруний кийимни озода тутиш қандай аҳамиятга эга эканини шарҳлаб ёзади: «Кийимнинг озодалигига диққат қилган киши даставвал ўз танасининг озода бўлишига аҳамият беради. Чунки кир бадан кийимни ичидан кирлатиши мумкин. Шундан кейин уйининг, одамлар йиғилладиган жойларнинг озода бўлишига эътибор қилади. Чунки бу жойлар ифлос бўлса, кийимни ташқаридан кир қилиши ёки чанг бостириши мумкин. Шундай қилиб умумий мақсад кийим орқали амалга оширилади.

Кимки, озодалик тўғрисида айтилган гапларга риоя қилмаса, у ўша гапларнинг ҳақ эканини ўз хатти-ҳаракати билан яна бир бор исботлайди, холос.

Абулфатҳ деган бир бадавлат, баланд мартабали кишининг номуносиб ҳолдаги башараси ва кўриниши, унинг ўзи, минган оти, хизматчисининг кир ва ифлослиги унинг баланд даражасига иснод келтиргани бир шеърда айтилган:

Абулфатҳнинг башарасига бадавлатлик ҳам,
Исломурунинг ярақлаши ҳам ҳеч ярашмайди.
Чунки унинг кийими ҳам ифлос,
Салласи, минган оти ҳам ифлос,
Афти, бўйни ҳам кир ва хизматчиси ҳам ифлос.

Беруний озодалик, унинг муравватнинг бир бўлаги эканлиги тўғрисида берган маслаҳатларига хулоса қилиб ёзадики, ташқи ва ички кийимларнинг озода ва тартибли бўлиши инсон қалби ва руҳининг тозалигини билдиради. Кийимнинг тозаллиги ҳақида айтилган сўзлар қалб ва ҳаракатнинг покизалигига ҳам алоқадор. Инсоннинг ҳам

ташқи кўриниши, ҳам ички дунёси энг олий даражада гўзал, ақл ва даҳо талабларига муносиб бўлмоғи лозим.

Мулло Асфар мутоалага берилиб кетиб дўконни очиш пайти келганини ҳам унутмаган эди. У ўқиганларини тафаккур қилганигача ўрнидан турди ва дўкон сари йўл олди. Берунийнинг китоблари саводли ва ўқимишли кишиларга шунчалар манзур эди. Газнагина эмас, Хуросон, Мовароуннаҳр, Эронзамин, Хоразм, Ироқ ва бошқа элларда ҳам Беруний ёзган китоблар одамларнинг кўлидан тушмас, илмий анжуманларда бош мавзу бўлар, кишилар бу китобларни ҳаё ерда муҳаббат ва ихлос билан ўқир, улардан таълим олар эдилар.

Охириги китоб

Куз тонгининг баҳор ва ёз тонгидан фарқи кўп. Энг муҳими шундаки, кун қисқарганидан тонг кеч ёришади, ишни фақат кундузга мўлжалланса, унга оз фурсат қолиши табиий.

Абу Райҳон Берунийнинг хонасида тонг ёришмасдан анча олдин шамлар ёқиларди. Мўйсафид олим одатини қанда қилмай жуда барвақт туради. Эрталабки лозим—оммадалар амалга оширилгач, унинг бошини албатта ёзув хонтахтаси устида кўрасиз.

Олим бирмунча фурсат ёзув билан банд бўлгач, навбатдаги саҳифани тугаллаб, уни қуритмоқ учун алоҳида жойга қўйдида, кўзларини юмди.

У деворга суянган парқуга сал оғишиб бошини юқори кўтарди ва юмилган кўзларини очмай сал дам олди. Киприкларининг ости, қовоқлари сирқираб оғрир эди. Мана бир неча ойдирки, у турли кўз оғриқлари азобини тартади. Яқиндагина икки ҳафтадан ортиқ азоб берган говмижжанинг излари ҳали кўз атрофида турипти. Хат ё китобга боққанда кўзлари ачишади. Олим бошида тафаккур шуълалари қанча кучлироқ порласа, кўзида кўрув нурлари шунчалар сўнмоқда эди.

Узоқ кечалар осмон жисмларининг ҳаракатини муттасил кузатишлар, кундузлари қуёш ҳароратини тадқиқ этиш олимнинг кўриш органларига қаттиқ таъсир қилган эди. Ҳозир бу таъсир ўзининг кўнгилсиз натижаларини сездирмоқда, унинг устига қулоқ ҳам оғирлашиб бормоқда. Ҳамсуҳбатининг гапларини у аранг эшитади. Гоҳо эшитиш умуман ёмонлашади, шунда олим айтувчининг сўзларини фарқ қилаолмай қолади. Фақат бирор нарсага урилгандаги сингари қаттиқ овозгина унга аниқ эшитилади.

Бир умр тинимсиз қилинган меҳнат, турмуш изтироблари, ҳаёт етказган кўп ачиқ-чучук кечинмаларнинг излари эди бу кўринишлар. Ёш ҳам улғайиб қолди.

Етти-ўн йиллик воқеалар, меҳнат ва заҳмат билан тўлганича орда қолди.

Аммо ҳолати қандай мураккаб бўлмасин, Беруний бирор кун илмий машғулоти тини тарк қилмайди.

Олим нонуштагача, одатдаги каби, анча ишлади ўйланган янги китобнинг муҳим масалаларини алоҳида-алоҳида қоғозларга йирик ёзувлар билан белгилаб чиқди. Муфассал ёзишнинг иложи бўлмай қолган.

Нонушта фурсати яқинлашган эди. Олим ўрнидан турди, хонанинг уёқ-буёғига юриб жисмига сал истироҳат бахш этган бўлди.

Аммо Беруний учун энг ёқимли, кўнглига ором ва меҳнатига унум бағишловчи дамлар ҳали олдинда. Олим мунтазирлик билан эшикка боқди. Унинг қарашини сезгандек эшикдан хизматчи кириб келди ва салом бериб нонуштага таклиф ишорасини қилди. Беруний тоқатсизлик билан унинг таклифини рад қилди. Хизматчи секин қайтиб чиқиб кетди.

Беруний деразадан ташқарига, боққа назар ташлади. Кузнинг охириги кунлари. Боғ йўлкалари тозалаб шипирилган. Унда-бунда йиғиб қўйилган хазон уюмлари ишланган ерлар ўртасидаги беҳаёт дўнгликларни эслатади. Дарахтларнинг яшил либослари аллақачон чириб тўкилган. Яланғоч шохларнинг қорайган танлари кириб келаётган қиш совуқларидан ҳайқиқиб титрайдилар. Гоҳо зоғларнинг машъум қаҳқаҳаси эшитилади.

Бу нохуш манзарага тикилиб турган Берунийнинг ўйчан нигоҳида тўсатдан бир ёруғлик пайдо бўлди. Олим бир кишининг дераза ёнидан ўтиб уй эшиги сари йўналганини кўрган эди.

Беруний дарҳол уй эшигини очиб айвонга чиқди ва бу ерга кириб келган меҳмонни хурсандлик билан қарши олди. Улар мамнуният ила бир-бирлари билан саломлашдилар. Ҳолу-аҳвол сўрашдилар. Сўнг Беруний меҳмонни нонушта тайёрланган овқатхонага бошлади.

Бу киши Берунийнинг шогирди, ҳамкасабаси ва дўсти Абу Ҳомид Аҳмад ибн Муҳаммад ан-Нахшай эди. Абу Ҳомид Нахшай табиб. У табобат илмини кўп муътабар билимдонлар таълимида ўрганган, яна тибга оид китобларни диққат билан ўқиб илмини бойитган. У ҳозир хастахонага бошчилик қилади. Шу билан эгаллаган билимларини амалий машғулоти орқали мустаҳкамлайди. Абу Ҳомид илм шайдоисси, фан заҳматқоши, у доимо янги ва қадимий китоблар мутолааси билан машғул. Агар би

роҳ китобнинг биронта боби, ёки ундаги ўткир ифодаларни тилга олгудай бўлсангиз, Абу Ҳомид шу гаплар қайси китобнинг нечанчи саҳифасида эканини дарров айтиб бера олади. Абу Ҳомид ёмон ният ва иккиюзламаликдан қочиб, ҳаммаша эзгу ишларга бел боғлаган олижаноб бир зот эди.

Беруний билан Абу Ҳомид бирга нонушта қилдилар.

Табиб муҳтарам устозининг нотоблигини билар, бу нотобликка илож тополмаганидан азобланар эди. Аммо у Берунийнинг Абу Ҳомид суҳбатини ёқтиришини, улар суҳбат қуришганда устоз ўз дардларини унутгандай бўлажagini ҳам билар эди. Шунинг учун Абу Ҳомид деярли ҳар куни хизматдан бўш фурсатида устоз ҳузурига келар, унинг донишмандлик тўла гапларидан баҳра олар, устознинг илмий фоалиятига оид қўлидан келган ҳар бир ишни бажариб унга сидқидил билан кўмаклашар эди.

Беруний ўз умр мезонининг интиҳоси яқинлашаётганини тушунар, шунинг учун ўйлаган илмий режаларини тезроқ амалга оширишга интиларди. Бу эзгу мақсад ижросида Абу Ҳомид олимга энг фойдали ва самимий ёрдамчи эди.

Нонушта сўнгидея устоз ва шогирд чой ичиб озгина суҳбат қурдилар. Беруний пиёладаги чойдан бир хўплаб сўнг пиёлани дастурхон четига қўйдида, деди:

— Чой энг яхши ичимликдир. У мураккаб дориларнинг ўрнини босади, аммо мураккаб дорилар етказадиган зарарни чой етказмайди, аксинча у фойда келтиради.

Абу Ҳомид Берунийнинг бу сўзларини олдин ҳам эшитган, чойнинг фойдасини ўзи ҳам яхши билар эди. Аммо устознинг чойга муҳаббатини сезганидан унинг сўзларига диққат билан қулоқ солди. Ҳамсуҳбатининг бу кайфиятидан огоҳ бўлгандек Беруний сўради:

— Чой ўсимлигининг қай тарзда аниқлангани тўғрисидаги ҳикояни эшитганмудирсиз?

Абу Ҳомид бу ҳикояни эшитмаган эди.

Беруний шогирдига шу ҳикояни сўзлайбошлади:

«Хитой ҳоқони ўз одамларидан бирига қаҳр қилиб уни мамлакатдан чиқариб тоғларга ҳайдаб юборган. У одам нимжон, касалванд, ранглари ўчган бир киши эди. У тоғларда тентираб юриб ғоят ҳолдан кетиб қолган вақтида тасодифан бир ўсимликни кўриб қолди ва шунга еб яшайбошлади. Бир қанча вақт ўтгач, бу одам ўзида соғайиш аломатларини сезди, ранги-рўйи очилиб танига қувват келаберди. У ўша ўсимликни емоқни давом эттирди. Натижада соғайиб, қуввати ошиб чеҳраси очилиб, аҳволи яхшиланиб кетди.

Шу фурсатда хоннинг кишиларидан бири тоғ йўлидан ўтаётганида ўша қувланди-ни учратди, унинг жуда кўрмили ва соғлом бўлиб кетганидан ҳайратланди ва ҳоқонга бориб бу хабарни етказди.

Ҳоқон сурғундаги одамни тоғдан топиб ўз ҳузурига келтиришни буюрди. Уни олиб келганларида ҳоқон қанчалик диққат билан қарамасин уни таний олмади. Қувгиндининг қиёфаси шунчалар ўзгариб яхшиланиб кетган эди. Ҳоқон унинг аҳволидаги ўзгаришлар ва соғайишининг сабабини сўради. У ҳоқонга ўзи еб тирикчилик қилган ўсимлик тўғрисида сўзлаб берди. Ана шу ўсимлик чой эди.

Чойнинг бундай хусусияти маълум бўлгач, уни тажриба қилиб синаб кўрдилар, бутун фойдалари аниқлангач, дору-дармон сифатида ишлатабошладилар.

— Менинг эшитишимча, чой ичимлиги шароб зарарини ҳам йўқотса керак,— деди Абу Ҳомид.

— Тўғри,— деди Беруний — шунинг учун уни Таббатга кўп келтирадилар. Чунки Таббатдагилар шаробни кўп истеъмол қилурлар. Шаробнинг зарарини кетказмоқ учун эса чойдан фойдалироқ ҳеч нарса бўлмас.

Суҳбат мавзуси дорилар хусусига кўчди.

Абу Ҳомид Аҳмад ўз табиблик тажрибасидан мисоллар келтириб баъзи дориларнинг хасталарга таъсир қилмаганини айтди. Яна бу дориларни тайёрламоқ учун керакли моддалар топила бермайди. Табибнинг фикрича, зарурият бўлмаса, заҳарли дорилардан истифода этмаслик керак. Дори бўладиган озуқа истеъмол этилса, фойдаси кўпроқ тегади.

— Маълумки,— деди Беруний,— инсоннинг ўз ичига ютадиган ҳар бир нарсаси ё озуқа, ё заҳар бўлади. Дорилар ана шуларнинг ўртасида турадилар. Дорилар озуқани парчалайдилар. Заҳарни эса тузатадилар. Уларнинг таъсири тажрибали ва эҳтиёткор табибнинг чоралари орқали кўринади. Хасталарни даволашда, аввало табиб даволовчи озуқалар тайин қилгани дуруст. Бундай овқатларни тайёрлаш ва истеъмол этмоқ ғоят назокатли равишда амалга оширилиши керак. Агар бу иложлар кор этмаса, ўшандагина дорилардан фойдаланиш керак бўлади.

— Ушанда ҳам,— деб кўшимча қилди Абу Ҳомид,— даставвал оддий дорилар тавсия қилиниши лозим. Агар улар фойда етказмасалар шундан сўнг мураккаб дориларни қўллаш мумкин. Ушанда ҳам оз таркибли мураккаб дорилар ишлатилса тузук.

— Мутлақо тўғри,— деди Беруний, ўз фикрининг тажрибали ва билимдон табиб томонидан маъқулланганидан мамнун бўлиб.— Агар дори тайёрлаш масаласига келсак, унинг учун барча лозим моддалар топилмаган тақдирда, ўшаларни ишлатмасдан, ёки топилмаган моддаларни бошқа моддалар билан алмаштирган ҳолда дорини тайёрлай бериш керак. У дори сустроқ бўлиб қолса ҳам, бари бир шифо қилаберади.

Ахир, фақат бир-икки бармоғигина бутун бўлган одам истаган нәрсасини ушлай олади-ку: яна оқсоқ киши соғ одамга нисбатан кўпроқ чарчаса ва секинроқ юрса ҳам юк кўтариб маълум масофани боса олади-ку:

Абу Ҳомид гапнинг хонаси келиб қолгани учун анчадан бери сўрамоқчи бўлиб юрган саволини устозидан сўради:

— Дорилар тайёрловчи кишини сайдалоний ёки, сайданоний деб аташларини ва бу иборанинг «Сайданоний» — қирқоёқ деган ҳашарот номидан олинганини бир эшитиб эдим. Гўё қирқоёқнинг оёқлари кўп бўлгани сингари доришуноснинг ҳам халтача ва идишлари кўп бўлар эмиш. Шунинг учун доришуносни сайданоний деб атаган эмишлар. Шу тўғримуидир?

Беруний энгил табассум қилиб шогирдига савол берди:

— Уша ҳашаротнинг нечта оёғи бордир.

— Уни қирқ тўрт оёқ, ҳатто етмишоёқ деб атаганларини эшитган эдим, шунча оёғи бўлса керак.

— Мен бирининг оёқларини санаб чиққанман, — деди Беруний. — Бу ҳашаротда икки юз қирқта оёқ бор эди. Доришуноснинг халтача ва идишлари бунча бўлмас.

Шу ҳазиломиз мубоҳасадан сўнг Беруний шогирдига «Сайдана» сўзининг маъносини тушунтириб берди.

«Сайдино» сўзи ҳиндларнинг «чандан» сўзидан келиб чиққан. Ҳиндлар барча хушбўй нәрсалар ичида сандални айниқса ёқтирадилар. Ҳамза Исфохоний ёзадики, араблар бу сўзни ўз тилларига мослаштириб «Сайдана» («Дорилар билими») деб атаганлар. Шундан сайданоний, сайдалоний иборалари пайдо бўлган.

Сўхбат давомида икки дўст ибора, ифодаларнинг юзага келиши, уларни ифода этиш имкониятига қайси тил бойроқ экани тўғрисида ҳам фикр алмашдилар. Беруний араб тилининг бойлиги, илмий тушунчаларни ифодаламоққа қулайлигини таъкидлади. Форс тили эса шеърят учун ўнғай. Олим ўз она тили Хоразмий тилининг камбағаллашиб бораётганидан афсусланиб гапирди. Бу мавзудаги сўхбат шунчалар мароқли бўлдики, Абу Ҳомид шу айтилган гапларни доришунослик тўғрисида Беруний ёзаётган китобга муқаддима сифатида киритишни илтимос қилди. Токи, устознинг бу қимматли фикр ва хулосалари китоб саҳифаларига жойлашсин ва келгуси авлодларга ҳам етиб борсин.

Беруний бу маслаҳатга рози бўлди.

Доришуносликка бағишланган «Сайдана» китоби устида Беруний ва Абу Ҳомид биргалашиб ишлар эдилар. Беруний белгилаб қўйган режаларни Абу Ҳомид кўчириб ёзар, баъзи масалаларни Беруний шогирдига азбар қилар эди.

Беруний дори бўладиган моддаларнинг барча мавжуд таърифларини турли манбалардан йиғиб жам қилди ва «Сайдана» китобига киритди. Беруний бу масалага оид эрон, ҳинд, семит, турк, юнон, лотин, франк ва зинж (шарқий Африка, хусусан банту тили оиласига алоқадор) тилларидаги маълумотларни қислаб тадқиқ этиб чиқди. У. Каримовнинг хабар беришига кўра «Сайдана»да тўрт минг беш юздан ортиқ ўсимликлар, ҳайвонлар, минераллар ва улардан олинадиган озукаларнинг номлари ва изоҳлари келтирилган.

Беруний турли илмий тушунчаларни адабий мисоллар орқали исботлаш ва изоҳлашга кўп аҳамият берар эди. Бундай адабий воситалар ўқишни энгиллаштиради. Уқилган мазмунни ўқишга ёрдамлашади. Иш асносида айрим ўсимликларни ўзи билан олиб келарди. Беруний ва шогирди икковлари бу ўсимликларнинг таърифини ёзиб чиқишарди.

Бир кун улар эрталабдан барвақт-биргаликда ишга ўлтиришди. Берунийнинг кўнгли нохушроқ. Нотоблик аста-секин лекин муттасил кучайиб бормоқда. Олим бунга сезади. Шунинг учун ишга шитоб беради. Унинг «Сайдана» китобини тугаллашга улгуроқмаслигидан хавотири бор.

Хонтахта устида ва тоқчаларда китоблар қатор терилган. Олимлар китоблардан керакли жойларини кўздан кечирмоқ учун белгилар қўйишган. Беруний ва Абу Ҳомид икки хонтахтада ёнма-ён ўлтирадилар.

Беруний шогирдига айтиб турибди, Абу Ҳомид эса айтилганларни тез ёзиб бормоқда.

Шу йўсинда битта-биттадан ғишт терилиб иморат қад кўтаргани сингари ҳар бир ўсимлик, модда номи, таърифи хусусиятлари ёзилиб-ёзилиб «Сайдана» китоби вужудга келаборди. У шарқ доришунослигининг буюк бир қомуси сифатида яралмоқда эди.

— Зайтун ва зайт таърифида Ан Нобиганинг мана бу байти жуда ўрнига тушади деди, — Беруний Абу Ҳомидга бир кун иш пайтида ва ўша байтни араб тилида ёддан ўқиди. У байтнинг мазмуни бундай эди:

Кечди у равшанланиб ёғли чироғнинг нуридек
Бетутун парлар эди у қудратли аллоҳдин.

(чироқ ёғи — салит; тутун — нухос. А. Қ.) Бу шеърдаги нухос сўзи тутунни билдира-

ди,— деб тушунтирди Беруний — салит эса ёғ, аммо бу ёғ туянинг ўрқачидан олинадиган ёғдир. Одат бўлганки; чироққа қандай ёғ қуйилмасин, у салит дейилабёради.

— Мен ҳам қалқадис (купороснинг бир тури) учун бир шеър танлаб қўйган эдим, — деди Абу Ҳомид ва ён дафтарини чўнтагидан олиб очди ва баланд овоз билан ўқиди:

Эзгу ишда суст, аммо у ёвузлик ичра тез,
Қалқадисдек барқарор доим дилда наҳслек.

Беруний бу ўринли ташбеҳларга тўла байтдан завқ олиб кулиб юборди ва Абу Ҳомидга албатта бу байтни қалқадис бобига киритиш кераклигини тайинлади.

— Илмий китобларда шеърятдан ўринли фойдаланиш жуда зарур,— деди Беруний,— шеърлар мақсадни тушунтириш ва маънони хотирда сақлаб қолишга ёрдам қиладилар. Қадимий араблар саҳроларда яшаган вақтларида ёзувлари бўлмаган. Бирор нарсани абадийлаштирмоқчи бўлсалар, хотирда сақлашга ва тилдан-тилга ўтказишга уринганлар. Шеърят улар учун билимлар мажмуаси бўлган. Шеър орқали улар кураш кунлари, ота-боболар тарихини ёдда сақлаганлар.

ИНТИҲО

440-нчи ҳижрий (1048 мелодий) йил. Ғазна. Бир неча кундирик, Беруний қаттиқ нотоб. Унинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб боради.

Етмиш беш яшар мўйсафид олимнинг умр бўйи қилган тинимсиз меҳнати, дарон савдоларининг кулфати энди ўз таъсирини сездирмоқда. Тана ҳаракатсизликка мубтало. Аммо ҳар қачонгидек олимнинг фикри равшан, нутқ ҳам сақланган.

Абу Ҳомид, Берунийнинг бошқа шогирдлари, олим хизматида бўлган кишилар бир дақиқа хастанинг ёнидан аримайдилар. Улар навбатма-навбат кечасию-кундузи бемордан хабардор бўлиб турадилар. Аммо ҳаммалари ҳам устоз мулоқотига оид ғайимат дәмлар тугаб бораётганини сезиб турибдилар.

Беруний гоҳо уйқуга ботади. Бу уйқу эмас беҳоллик. Гоҳо кўзини очиб қуввати етганича ёнидагилар билан сўзлашади. Унинг ҳар бир сўзи илм-фан мавзуида, ҳатто гоҳо илмий мубоҳаса ҳам қилиб туради.

Бугун эрталаб беморнинг ҳолати анча яхшиланди. Олим Абу Ҳомид билан «Сайдана» китобини тугаллаш тўғрисида маслаҳатлашди, қайси бобларини кўчириб ёзиш кераклигини ўқиди.

Гарчи хаста ҳали сал дурустлашган бўлсада, ҳамма бу охириги жонланиш эканини фаҳмлар эдилар. Ёни тугаган чироғ охириги бор порламоқда эди.

Тушдан кейин беморнинг ҳолати ёмонлаша бошлади. Юрак уриши заифлашди. У оғир нафас олар эди. Атрофдагилар бир-бирларига оғир, мазмунли боқар эдилар. Дилларга чуқур ғамгинлик чўқди.

Шу пайт Берунийдан ҳол сўрамоқ учун қози Валвалижий салом бериб кириб келди. Бемор кўзини очиб келган кишининг саломига жавоб қайтарди. Валвалижий хастанинг ёнига ўлтирди. Зўрға хириллаб нафас олаётган Беруний секин-секин ҳар бир сўзини узоқ танаффуслардан сўнг айтиб Валвалижийга савол берди:

— Мерос тақсимоти тўғрисидаги қондаларга янгича талқин бергансиз, — деб эшитган эдим. Шунини менга бир тушунтириб берсангиз.

Қози хаста Берунийга қаради. Олимнинг бутун вужуди ўлим тутқаноғи билан олишмоқда. Кўзлари мақсадсиз жавдирайди, кўкраги оғир кўтарилади, нафас гоҳ тезлашади, гоҳ тўхтагандай бўлади.

— Шундай аҳволда бу зарурмидир,— деди хастага раҳми келиб Валвалижий,— кейинчалик, соғайиб кетганингиздан сўнг бафуржа бу ҳақда суҳбатлашармиз.

— Эй қози,— деди Беруний сўзларини бирма-бир териб паст овоз билан,— шу масалани билмай бу дунёдан ўтиб кетганимдан кўра ўшани билиб кетганим тузук эмасми?

Қози Валвалижий ноилож мерос тақсимоти қондасига қилган талқинини айта бошлади. Беруний унинг айтганларини такрорлаб турар, баъзи жойларини қайтаришни сўрар эди. Қози сўзини тугатгач, Беруний бу масала бўйича ўз фикрини изҳор этди. Шундан сўнг қози Валвалижий олимга шифо тилаб у билан хайрлашди ва ташқарига чиқди.

Валвалижий Берунийнинг уйдан ҳали унча узоқлашганича ҳам йўқ эдики, бирдан уйдан доду фарёд, йиғи овозлари кўтарилди. Қози дарҳол изига қайтди.

Абу Райҳон Беруний дунёдан ўтган эди.

Берунийнинг ўлмас асарлари асрлар давомида илм аҳлининг қўлидан тушмаган, улар авлодлардан-авлодларга ўтиб эл кўнглидан янада чуқурроқ жой ола борган. Чунки буюк олим, мутафаккир, халқпарвар ва инсонпарвар олим Беруний ўзининг бутун умрини баркамол ижоди ва ёрқин истеъдодини чин юракдан элу юрт, одамлар, илму маърифат учун бағишлаган эди.



ОЧЕРК


Нортўхта Қиличев

Кўнчал МУЛҚИ

Мамлакатимизни бамисоли каттакон бир рўзгор деб фараз қилсак, уни турли касб эгалари биргаликда «тебратиб», унга куч-қувват ва собитлик бахш этадилар. Улар орасида, бир қараганда, кўзга унча ташланмайдиган, бироқ турмушимиз учун ниҳоятда зарур — телеграфчилик, маиший хизмат кўрсатиш, шофёрлик, ошпазлик каби қатор касб соҳиблари ҳам бор. Лекин негадир биз улар ҳақида нисбатан кам гапирамиз. Ваҳоланки, буларсиз кундалик ҳаётимизни файзли-фараҳли — бекаму кўст тасаввур этиб бўлмас эди.

Ана шундай — «кўзга унча ташланмайдиган» касб-кор эгалари орасида савдо ходимларининг алоҳида ўрни бор.

Республикамиз савдо соҳасининг гуркираб яшнашига, бунинг аҳамиятини тўла англаб етган ҳолда, ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келаётганлар талайгина. Шундай заҳматқашлардан бири Бобожон Маҳмудовдир. Унинг кўп йиллик самарали хизматлари партия ва ҳукуватимиз томонидан муносиб тақдирланган. Бобожон Маҳмудов — «Ҳурмат белгиси» ордени, «Совет савдоси аълочиси» унвони, «Шавкатли меҳнати учун» медаллари ва бир неча Фахрий ёрлиқларга сазовор бўлган. Қиёямиз шу ҳақда.



Эшик очилиб, бўсағада машинкачи жувон кўринди.
— Кираверинг, қизим,— деди Бобожон Маҳмудов вазмин бош силкиб.— Келинг, келаверинг.

Жувон қоғозларни унинг кўлига бериб, яна индамай, орқасига тисарилди. Эшик очиқ қолди.

Бобожон Маҳмудов бемалол курсига суюниб, қоғозлардан бирини кўзига яқин олиб борди. Хат ўзининг қачон, қаерда ишлагани ҳақида республика Савдо министрининг номига ёзилганлигини яхши биларди. Шунга қарамай, тагин бир қарра назардан кечириб қўймоқчи бўлдию дастлабки жумлаларни ўқийтиб, шуурида жўш урган хотирот туғёнидан бармоқлари хиёл титраб кетганини сизди. Секин қаншарини ушлаб, кўзларини юмди.

«Ана-мана дегунча қирқ беш йил ўтиб кетибди-я! Қирқ беш йил... Ҳ-ў, югурик дунё!»



Бир кунни отаси Бобожонга доналари оқ, қизил мўъжазгина чўт келтириб берди. Кейин онаси бахмалдан жилд тикиб, елкасига осди, юзларидан ўпиб:

- Ақлли бўл, ўғлим!— деди.
- Уқийсан энди!— деди отаси.
- Уқийман!— деди Бобожон.
- Демак, ёдингда бўлсин:

Уялма маърифатни ўрганурдан,
Нодон пастдур ҳаттоки хору хасдан.

— Зилдай байтларингиз билан боланинг миясини чарчатманг-да, адаси!— деди Зебинисо ая малолсиз тақиқ оҳангида.— Ҳали ёш-ку, тушунармиди...

Чамаси, тушунган эканми ё зеҳни тез эканми — хуллас, Бобожон яхши ўқиди. Кейин, мана энди эслаганда ёниқ антиктирувчи — турмуш ташвишларидан холи даврлари ортда қолди, синфдошлар ҳар тарафга тарқаб кетдилар.

Бобожон Абдулла Авлоний шеърларини севиб ўқир, аксариятини ёддан билар эди. Зарҳал ёзувли шаҳодатномасини Наримонов номидаги педагогика техникумига элтиб топширди. Бундан на отаси, на онаси хабар топди.

Сўнграқ ўзича байтлар хиргойи қилиб юрадиган Маҳмуджон ака:

— Майли,— деди охири ўғлига ройиш билдириб. — Айтиб қўяй, бу танлаган соҳанг оти ўзганники, ўғлим. Отинг ўзсин-да, ишқилиб. Лекин... «Лекин»ни бирор кун вақти-соати келганда айтарман.

Туф-десанг, тупугинг золдирдек ғилдираб кетадиган қиш пайти.

Зебинисо аянинг ортидан тарақлаб эшик ёпилди.

Бобожон савол назари билан онасининг безовта кўзларига тикилди.

— Икки-уч кунгина ўқишга бормай турсанг бўларди.

— Нимага, ойи, тинчликми?

— Тинчликка — тинчликку-я, лекин... Совуқни кўрмаяпсанми, ахир?!

— Вой, шунгами?

— Ёшлигингга борасан-да, болагинам.— Бирдам Зебинисо аянинг киприкларига ёш илиниб, лаблари қалтиради.— Адангни ёнларида ўтир!

Отаси анчадан бери касал эди. Бобожон беихтиёр ҳушёр тортди. Портфелини киритиб, жойига қўйди.

Отаси қўшни хонада — уй бурчидаги танчанинг тўрида гўё киприкларида шифтни кўтариб тургандек оғир қараб ётарди.

Бобожон қўлида китоб билан келиб, танчага ўтирди. Отасига синчков разм солди: Чиройи равшан. Кўнгли хотиржам бўлди.

- Ўқишингга бормадингми, ўғлим?— деб сўради отаси.
- Ҳозир имтиҳон пайти.
- Ҳм-м...
- Ада, тузукмисиз энди?
- Шукур.
- Ада, хув бирда: «Бирор кунни «лекини»ниям айтарман» деган эдингиз.

Ёдингиздами?

— Ҳа-ҳа.— Маҳмуджон аканинг чўкиб кетган кўзларида бир учқун йилт этиб пешонасидаги ажинлар қуюқлашди. Сўнг ўғлига юзланди.— Бир савдогар саҳрода хўжаи Хизрга йўлиқиб, ҳеч бири икки бўлолмасётганидан шикоят қилибди. Хўжаи Хизр: «Асли ота касбингиз нима эди?» деб сўрабдилар. «Ғадолик эди, ҳазратим!» дебди савдогар. «Ота касбингизни хўрламанг, ниятингизга етасиз», деб хўжаи Хизр яна кўздан ғойиб бўлибдилар.— Ота бир оз сукутдан сўнг чуқур нафас олиб: — Асли, тижорату савдо ишлари бизга бобо мерос, ўғлим,— деди.— Ушанда шунини айтмоқчи бўлганман. Шундай... Бирор савдо ўқишида ҳам ўқиб кўрсанг, тузук бўларди.

Бобожон ўйлаб туриб:

- Олдин бунни битирайин-чи,— деди.
- Лекин, ўғлим, қаерда, ким бўлиб ишлашингдан қатъий назар, бунинг аҳамияти йўқ, ёмонлик кўрмайин, десанг, одамларга яхшилиқ қил. Доим руҳинг бардам, кўнглинг хотиржам юрасан. Машойихлар айтадиларки: Яхшилиқ қил — яхшилиқ эр кишининг ишидур.

Ёмонлик айлаганни нон била ур.

Тушундингми?...— Ота унинг жавобини эшитгач, устига кўрпани тортди.— Майли, мен энди озгина ухлаб олай. Аъзои баданим яна увишиб бораёпти.

Бобожон китобни очди-ю, аммо бирор сатр ҳам ўқимай, энгаҳини кафтига тиради. Кўзлари ўйчан аллозда деразага тикилди.

Қаҳратон дераза ойналарига чакалакзорлар расмини, ҳаволаб бораётган қушлар суратини чизиб ташлаган. Ташқари қор тўзонидан хира куринади. Шамол увилайди.



Бобожон Маҳмудов қоғозни стол устига ташлаб, ўрнидан турди, дераза ёнига борди. Сўнг пештоққа суяниб, кўчани кузата бошлади.

Ҳаммаёқ ям-яшил. Рўпарадаги акас дарахтининг хушбўй гуллари баҳор шабадасида кўз илғар-илғамас силкинади.

Трамвай ғийқиллаб айланди, тўхтади. Йўловчилар ЦУМ — марказий универсал магазин томон шошилар, ул-бул харид қилганлар эса мамнун қайтар эдилар.

Бобожон Маҳмудов марказий универсал магазинга савдо директори — Бош директорнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишга келгунига қадар — минг тўққиз юз эллик учинчи йилдан минг тўққиз юз олтиш иккинчи йилгача «Ташпромторг»-да директор муовини, минг тўққиз юз олтиш иккинчи йилдан олтиш тўртинчи йилгача «Ташхозкультторг»да директор, ундан олдин — 1950—53 йилларда «Главторг» базасида директор эди.

Уруш йилларида эса...

Ушанда — минг тўққиз юз ўттинчи йилда бўлса керак, Нариманов номидаги педагогика техникуми Самарқандга кўчирилгандан кейин Бобожон План ва иқтисод институтига ўқишга кирди (Агар техникум Самарқандга кўчирилмаганда у адабиёт муаллими бўлиб ишлаб кетармиди? Эҳтимол... Ота васияти-чи.. Ҳарна қилганда ҳам, тақдиридан шод!).

Орадан уч йил ўтганидан сўнг институтни битириб, Бағдорчилик ва узумчилик трестида минг тўққиз юз қирқ учинчи йилгача катта иқтисодчи бўлиб ишлади. Кейин республика Компартияси Марказкомининг буйруғи билан халқ қурилиши — Фарҳод ГЭСининг ишчилар таъминоти бўлими бошлиғига ўринбосар қилиб ишга қоборилди.

Қурилишга бевосита Усмон Юсуповнинг ўзи раҳбарлик қиларди.

Жуда қисқа фурсатда олтиш минг ҳашарчи ўн олти миллион кубометр тупроқ қазиб ишларини бажариб, 400 минг кубометр темир-бетон ётқизди — ўжар Сайхунни бўйсундирди.

Бир ёқда уруш кетяпти, бир ёқда қимматчилик... Лекин одамлар руҳан тетик, бир-бирини меҳрибон.

Ватан таҳлика остида — гитлерчилар Ленинград бўсағаларида, Сталинград остоналарида... Лекин афсонавий фарҳодчиларда эътиқод мустаҳкам, шиддат зўр эди. Тонг саҳардан кетмонларини мисрон ва белкуракларини кўтариб ишга отланардилар...

Гармсел уфуриб турган кунларнинг бирида Бобожоннинг олдига шаҳардан хотини Арофат меҳмон бўлиб келди. Бу пайтда у ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи — Фарҳод ГЭСи қурилиши бошқарувчисининг ўринбосари, айна чоғда 2-Далварзин совхозининг директори эди. Узи эса бир нуроний кампирниқиде ижарада яшарди.

Бобожон тўнғич ўғли Анварни кучоғига босиб:

— Ойим тузукмилар? — деб хотинидан сўради. — Соғлиқлари яхшими?

— Ҳа. Сизга кўпдан-кўп салом айтиб юбордилар, — деди хотини унинг хийла сийрақлашиб қолган сочларини дилгирлик билан силаркан. — Узингиз нега бунчалик озиб-тўзиб кетдингиз? Сочларингиз тўсдай, бирам қоп-қора эдики!..

— Ишляямиз-да, Орохон! — деди Бобожон кулимсираб. — Сизлар у ёқда...

— Бўлмаса, бизлар ҳам кўчиб келайлик.

— Узим бориб-келиб турибман-ку. Ойимла-чи?.. Йўқ, керак эмас.

Арофат шаҳарга қайтар куни:

— Тез-тез бориб туринг-да, адаси! — деди тайинлаб. — Жим бўлиб кетманг ойим безовталанадилар... Айтганча, энди қизингиз ҳам бор, борганингизда кўрасиз. Бобожон дарвозадан кириши билан қисик кўзли, тўрт-беш ёшлар чамасидаги озғингина қизча пилдираб олдидан чиқди.

— Адам телдила! Адам...

Қизчанинг нимжонлигини кўриб, Бобожоннинг юраги шув этиб кетди. Беихтиёр сергак тортиб, чўнқайди. Мурувват оҳангида:

— Отинг ким? — деб сўради.

Қизча отини билмасди, тумшайиб, ортига ўгирилди. Бобожон ҳам шу томонга қараб, уч-тўрт қадам нарида жилмайиб турган онаси — Зебинисо аяни кўрди.

Кейин Зебинисо ая ўғлига ҳаммасини ҳикоя қилиб берди.

Арофат одатдагидек тушдан сўнг нон олиш учун магазинга чиқса, тахтовор дўконнинг биқинида эски-тускига ўралган бир нарса ғимирлаб ётганмиш. Бориб қараса, юзчалари совуқдан кўкариб кетган, мунчоқдек кўзлари жавдираб турган қизалоқ!

Сўнг уйга қараб югурибди.

— Дарров бу ёққа олиб келинг, қизим, савоб бўлади, дедим. Шундай қилиб, мана, қизлик ҳам бўлдинг, ўғлим, — деди Зебинисо ая. — Қирон келсин бу урушга! Ота-онаси йўқлаб келса, олиб кетар. Бўлмаса... Узи ҳалимдеккина қизча экан.

— Бўпти, отини Ҳалима кўямиз-да! — деди Бобожон.

— Майли, сен айтганча бўлақолсин...

Бобожон Маҳмудов магазинга кириб-чиқётганларни, кўз ўнгидаги ям-яшил

! Кейинчалик бу ҳам Самарқандга кўчирилган.

манзарани ҳамон иккинчи қаватнинг деразасидан кузатиб тураркан, ногаҳон қовоғини ўйиб, афсуснамо бош чайқаб қўйди.

— Ҳалимангиз қизимни чирқиллатиб ўрибди, сочлариниям юлибди!— дея шовқин солиб, қўшни хотин ҳовлига бостириб кирди.— Уруш қанақа бўлишини ман ҳозир унга кўрсатиб қўяман!

Кўлида тоққайчи билан гулзор оралаб юрган Бобожон ажабланди: «Наҳотки, мўминтойғина қиз ўзининг дугонасини урса, сочларини юлса...»

— Урмагандир-э, қўшни. Шунчаки...

— Ёлғон бўлса, ана, сўраб кўринг. Коп-котта хотин бўлиб, ёлғон гапирармидим.

— Опоқингнинг гаплари ростми, қизим? Урдингми, тўғриси янайт.

Ҳалима бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Унинг ўрнига Гулчеҳра чулдираб:

— Ўзи, асрандисан, сенинг ота-онанг бошқа, деб опамлани сўқди,— деди.—

Кейин опам уни урдила, сочиниям бурадила.

— Асрандилиги ёлғонми?!— деб ўдағайлади қўшни хотин.— Хў-ў, сан етимчанинг қўлларинг...

Бобожон тутаккиб:

— Чиқинг қўшни, чиқинг!— деди ва Ҳалимағни бағрига босиб, кўз ёшларини артди.— Уларнинг гапига асло ишонма, қизим. Сен менинг катта қизим, ақлли, эркатой қизимсан. Анваржон, Озоджон, Орифжон, Гулчеҳра— сенинг укаларинг. Сен уларнинг опасансан, жон қизим.



— Бобожон ака, мумкинми?

Маҳмудов секин ортига ўгирилиб, магазиннинг учинчи қаватидаги бўлимларидан бирида ишлайдиган Валижон исмли хушсурат йигитни кўрди.

— Кел, ўғлим, келавер,— дея бориб, жойига ўтирди.— Хўш-ш?

— Ўзингиз кеча, кейинроқ келарсан, деб чиқариб юборувдингиз.

— Валижон, очигини айт, нимага ишдан бўшаб кетмоқчисан?

— Ҳа, энди...

— Эшикни ёпгин... Яқинроқ келиб ўтир.

Валижон техникумни ўтган йили битирган. Ишлаётганига яқинда бир йил бўлади. Ўзи жуда одобли, хушхулқ йигит, харидорлар билан муомаласи ҳам яхши. Маоши ҳам тузук. Эпчил, зеҳни ўткир. Лекин негадир бўшаб кетмоқчи.

— Аризангда ҳам сабабини кўрсатмабсан. Билсам бўладими? Балки сотувчилик касби сенга ёқмай қолгандир?

— Йўғ-э, ундай эмас, Бобожон ака.

— Хўш?

— Бобожон ака, гапнинг очиги, ғийбатни ёмон кўраман,— деди Валижон қизариб.

— Бу масалада мен сендан ҳам баттарман... Очикроқ гапир, нима бўлди?

— Шу... бўлимдагилар билан қиқшошмаяпман. Ё бошқа бўлимга ўтказинг, ёки аризамга қўл қўйиб беринг? Илтимос.

— Ҳм-м, ундай бўлса, ишлайсан, ўғлим. Уз ўрнингда ишлайсан!— Бобожон Маҳмудов шундай деб, пиёлага яхна чойдан қўйди. Сўнг қўлига олди-да, ичмай, яна жойига қўйди.— Шу яхши. Чунки бошқа бўлимдагилар билан ҳам чиқшошмай қолишинг мумкин-да! Кейин қасбиндан кўнглинг совиб кетади. Бу ҳаммасидан ҳам ёмон. Биласанми, шуни а?

— Биламан, Бобожон ака.

— Бунинг биз учун... ёмон томони ҳам бор. Ўзинг ўйлаб кўр, масалан, сен кетиб қолганингдан кейин ўрнингга аллақандай тил билмасни ёки ўқимаганини ишга олишга мажбур бўламиз. Хўш, бундан коллективга, планнинг бажарилишига не фойда?.. Чўлдан тушган чўпоннинг, даладан келган деҳқоннинг тилини, дидини сенлар яхши биласан. Савдо ходимлари мамлакат маъмурчилигини таъминлаб турган улкан занжирнинг бир ҳалқаси эканлигини, агар унга дарз кетса, бутун бошли занжирга путур етишини ёдингдан чиқарма... Шу-да, халқимизга сен каби юрагида ўти бор, ҳалол сотувчилар керак. Одамларга ўзининг ҳамиша асқотишингни сезиб, шуни юрак-юракдан ҳис қилиб яшайдан ҳам ортиқроқ бахт борми, ўғлим! Қанийди, сенга ўхшаганлар ҳамма магазинларимизда яна ҳам кўпроқ бўлса...

Валижон Бобожон Маҳмудовнинг одамоҳунлигини, ажойиб ташкилотчилигини, ғамхўр мураббийлигини касбдошларидан кўп эшитган. Бир йилдан бери, мана, ўзи ҳам кўриб юрибди. Унинг Фарҳод ГЭСи қурилишидаги фаол хизматлари республика партия-хукуматининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганини ҳамда СССР Энергетика ва электрлаштириш Министрлигининг «Аълочи энергетик» унвони билан мукофотланганини ҳам эшитган.

— Бобожон ака субутида собит одам, назари баланд, ҳалол одам,— деган эди унга бир ҳамкасаба ўртоғи ўзаро суҳбат чоғида.— Шунинг учун ҳам қирқ беш йилдан бери шаънига гард юқтирмай ишлаб келаяпти. Бир йигитнинг умрича-я... Бўлмаса, ўзинг биласан-ку, айримлар, хусусан ўзимизнинг савдо соҳасидагилари амал курсисига ўтиришлари билан босар-тусарларини билмай, бойлик кетидан қувишга

тушадилар, маишатпарастликка берилдилар. Сўнг охири қора курсида кўним топадилар. Бор-ку, шунақалариям... Лекин Бобожон аканинг бировнинг ҳақиға хиёнат қилганини — ўзим бўлай, деганини сезган эмасман. Ҳаммасидан ҳам камтаринлигини, меҳнатсеварлигини айтмайсанми!..

Меҳнат Қизил Байроқ орденли марказий универсал магазин ишга тушган кундан буён у савдо директори. Универмагнинг дастлабки бир йиллик плани 45 миллион сўм бўлган. Бу йил эса коллектив хариддорларга 130 миллион сўмлик истеъмол буюмлари сотиш мажбуриятини олди. Олти йилда саксон беш миллион сўмлик ўсиш! Ўтган йили Бобожон Маҳмудовнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқариш корхоналарининг ўзида тўққиз миллион юз минг сўмлик мол сотилди. Магазиннинг савдо ҳаракатида мўътадиллик мароми учун кўрилаётган чора-тадбирлар, саноат корхоналари билан ўрнатилаётган ҳамкорлик алоқаларининг ўзи бир дoston. Акс ҳолда план-топшириқлар ошириб бажарилармиди?!

Валижон шуларни ўйлаб, ундан кўп нарса ўрганиш мумкинлигини, ҳатто фахрланиш мумкинлигини идрок этганча жимгина қулоқ солиб, хушнудлик билан ўқитин-ўқитин бош ирғаб ўтирарди.

— Агар касбингдан барака топай десанг, феълингни кенг қил, ўғлим. Савдонини бойлик орттириш манбаи деб ўйлаб, иш тутаётганлар ҳеч қачон барака топган эмаслар.— Бобожон Маҳмудов Валижоннинг кўзларига тик қараб, самимиёт билан:—Қаноатли бўл, қадринг ошади!— дея ўқтирди.— Бизнинг, аслида ҳамма соҳада ҳам-ку, лекин савдо-сотиқ соҳамизда дарров билинади: Нияти пок, мақсади ҳолдиз, ҳаромдан ҳазар қиладиган қаноатчиларгина ҳурмат-эътиборга тез сазовор бўладилар.

Мен одамзодга кўп нарса — ортиқча юк, ҳаловатсиз ташвиш эканлигини ўша — қирғинбарот уруш йилларида, қаҳатчилик пайтларида жуда яхши билиб олганман. Кунжут еб кун кечирган одамларни ҳам кўрдим, яширарга жой тополмай, олтин тангаларини ютган одамларни ҳам эшитдим... Қани ўшалар?! Шунданми, гоҳо, фалончи қамалибди ёки фалончининг молу мулки мусодара қилинибди, деган гаплар қулоғимга чалиниб қолса, нафратим кўзиб кетади. Хўш, агар ўша фалончилар ўзганинг ҳақи тешиб чиқишини; ортиқча бойлик — бахтсиз қисмат эканлигини билсалар, шундай қилармидилар? Албатта йўқ! Сен, Валижон, шуни билишга — юрак-юрагингдан англаб етишга ҳаракат қил. Кийимлар секциясининг мудири Маҳмуд Ҳакимов бор-ку, Ленин орденли — ўша, газламалар бўлимидаги Эътибор Ҳамид-хўжаева, тўр-пардалар бўлимидаги Валентина Фоминых, пойафзал бўлимидаги Қобилжон Ғофуров, чолга асбоблари бўлимидаги Форрух Султоновга ўхшаган акаларингдан, опаларингдан ўрнак ол, уларнинг сўхбатида кўпроқ бўл. Сен ҳам шуларга ўхшаб бир куни бўлим мудири бўласан. Кейин... Биласанми, уларнинг кўпчилиги олий маълумотли. Агар хоҳласанг, сенга ҳам шароит яратиб берамиз, сиртдан ўқийсан.

— Жуда яхши бўларди-да!

— Бир воқеа ёдимга тушди. Мақтанаяпти, демасанг, шуни айтиб берай.— Бобожон Маҳмудов шундай дея сезилар-сезилмас мийиғида жилмайиб, чойдан ҳўплади-да, курсига суянди.— Беғовотда Иномжон исмли тутинган ўғлим бор. Фарҳод ГЭСида ишлаб юрганимда бир кампирниқида яшаганман. Иномжон ўшанинг ўғли. Ўқишга борасанми, десам: «Ҳа», деди. Лекин кампир: «Уламан халлоқ, юбормайман!» дейди. Кампирни зўрға кўндириб, Иномжонни аввал Магнитогорскдаги Металлургия техникумида, кейин Сталинградда Пўлатсозлик институтида ўқиттирганман. Ҳозир Металлургия заводида цех бошлиғи. Шаҳарга ҳар тушганда бир уч-рашмагунча кетмайди.

— Мен ҳам сиздан бир умр миннатдор бўлардим, Бобожон ака.

— Иномжонларнинг даврида замон оғир, ўқиш қийин эди, Валижон. Ҳозир сизларга маза-ку! Ўқиш керак. Қанийди, сенинг ёшингда бўлсам! Лекин буёғи пенсия...— У соатига кўз қирини ташлаб:— Хўш, Валижон?— деди.

— Раҳмат сизга, Бобожон ака!.. Шу — ўз ўрнимда ишлайвераман.

— Шундай бўлсин, ўғлим!



«Буёғи энди пенсия... Нафақахўрлик-да!— Бобожон Маҳмудов кафтларини бир-бирига иштиёқ билан ишқалаб, у ёқдан-бу ёққа секин юра бошлади.— Ўзбекчиликнинг ўзи бир олам! Энди кўни-қўшнига тўй-ҳашамларда қўл-қанот бўлиш керак. Невараларни уйлантириш, турмушга чиқариш... Универмагнинг Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш совети, Илмий техника жамаияти мутасаддилиги, Малака ошириш комиссияси раислиги... эҳ-е, ҳали яна аллақанча жамоатчилик ишлари бор!— Боя Валижонга айтган гаплари беихтиёр унинг хаёлидан ўтди.— О-о, чиндан ҳам атрофингдигиларга ҳамиша асқотишингни сезиб туриш қандай яхши-я! Бахт... Шунинг ўзи катта бахт!»



ДЕМЬЯН БЕДНИЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН



Владимир Ильич Ленин адабиёт ва санъат масалаларига доимо катта эътибор билан қараган. Доҳийнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги, айрим ёзувчи, шоирлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари бадиий маданиятимиз ривожига учун программ йўналиш беради. Ленин Пушкин ва Тургенев, Некрасов ва Толстой, Чехов ва Горький, Серафимович ва Демьян Бедний, Маяковский ва бошқа кўпгина ижодкорларнинг ижодини юксак баҳолаган.

Пролетар шоири Демьян Беднийнинг дастлабки шеър ва масалларидек доҳий диққатини тортган эди. «Владимир Ильичнинг,— деб ёзади ўз хотираларида Вл. Бонч-Бруевич,— халқ ижодига муносабати менга маълум бўлгач, худди шу аснода, шу лаҳзада Владимир Ильичнинг Демьян Беднийнинг қудратли созига меҳр билан қарашининг боисини аниқ билдим

Партиямиз Марказий Комитети топшириғи билан нашр этиладиган «Звезда»да Демьян Беднийнинг дастлабки шеърлари, кейин масаллари пайдо бўлиши биланоқ редакциямизга Владимир Ильич хат ёзиб, унда Демьян Беднийнинг кимлигини сўраган, бу ёш, қобилиятли шоирга эътиборимизни қаратган, уни ўз даврамизга, ўз газетамизга иложи борича яқинроқ жалб этишни маслаҳат берган эди. У Демьян Беднийнинг асарларини жуда бийрон тил билан ёзилган, гўзал, мўлжалга аниқ урувчи асарлар деб таърифлаган эди. Шундан кейин у Демьян Беднийнинг ижодига доимо жуда эътибор бериб келди¹. Асарлари Ленин диққатини тортганини кўрган Демьян Бедний 1912 йилнинг 15 ноябрида Краковга, Ленинга хат ёзиб, Ленин билан ёзишиш истаги борлигини билдиради. Шу йилнинг 5 декабрида Демьян Беднийнинг хатини олган Ленин дарров жавоб хати йўллайди, шу тариқа улар 1917 йилнинг апрелигача, яъни Ленин чет элдан Россияга қайтунича хат ёзишиб турдилар. «Правда» газетаси редколлегия аъзоларидан баъзи бировларнинг Демьян Беднийга ишончсизлик билан қараётганини эшитган Ленин 1913 йилнинг 5 майида редакцияга хат йўллаб шундай ёзганди:

«Демьян Беднийга келганда, мен ҳамон уни ёқлайман (курсив—В. И. Л.). Дўстлар, кишининг заиф томонларига осила берманг! Кам учрайдиган талант. Уни систематик равишда ва эътиёткорлик билан қўллаб-қувватлаш керак. Агар сиз талантили ходимни ўз томонингизга тортмасангиз унга кўмаклашмасангиз (курсив—В. И. Л.) гуноҳ сизнинг устингизга тушади, катта гуноҳ тушади (агар турли шахсий «гуноҳлар» бўлса, улардан юз марта катта «гуноҳ» тушади...) Жанжаллар кичкина эди, аммо иш жиддий. Бу тўғрида ўйлаб кўринг» (Уша китоб, 242-бет). Лениннинг бу хати доҳийнинг талантили ижодкорларни жуда эътиёт қилганлиги, авайлаганлигидан далолатдир.

¹ Вл. Бонч-Бруевич. Ленин поэзия ҳақида, В. И. Ленин адабиёт тўғрисида, «Ўзбекистон» нашриёти Т., 1974.

Февраль революциясидан сўнг Россия-га қайтган Ленин партия наشريёти «Хаёт ва билим» фаолияти билан танишади. Нашриёт иши билан таништираётган Вл. Бонч-Бруевич Владимир Ильичга Демьян Беднийнинг шу нашриётда чоп этилган тўртта китобини кўрсатади. «Владимир Ильич уларни дарров кўлига олиб, шу жойдаёқ диққат билан кўздан кечириб бошлади,— деб ёзади хотирасида Вл. Бонч-Бруевич.— У ўқир экан, ҳадеб кулар эди. Унинг кулгиси ҳатто қаҳ-қаҳага ўтиб кетарди. Владимир Ильич кулиб туриб дер эди:

— Ажойиб! Жуда яхши айтилган! Уткир! Жуда яхши» (Уша китоб. 350—351-бетлар).

Демьян Бедний шеър ва масалларида даврнинг муҳим масалаларини кўтариб чиққанлиги, ижоди билан пролетар ишига хизмат қилганлиги учун ҳам доҳий хурматига сазовор бўлган эди.

«Известия» газетаси чиқа бошлаши билан, шоир Демьян Бедний унинг актив муаллифларидан бири бўлади. Газетанинг иккинчи сониди шоирнинг «Дона Тофута» шеърининг босилиши меньшевиклар орасида ғалва кўтаради. Бу шеърда Демьян Бедний дўстларни революция учун охиригача оғишмай курашга чақирганди. Большевикларнинг Демьян Беднийга қарши иғво қилишаётганини эшитган Ленин шоирни химоя қилиб айтганди:

«...Бу ифлослар Демьян Бедний ижодининг аҳамияти нақадар катталигини тушунишмайди. Бу — ҳақиқатан пролетарга хос ижод, у ишчилар оmmasига яқин, улар бу шеърларни жуда яхши тушунсалар керак, аминманки ҳозирги матбуот эркинлиги даврида Демьян Бедний янада баракали ва ранг-баранг ижод қилади» (Уша китоб. 352-бет).

Доҳий нутқларида шоир Демьян Бедний шеърлари ва масалларидан кўплаб мисоллар келтирган. Айниқса унинг «Либердан», собиқ меньшевиклар Либер ва Дан ҳақидаги ибораси Ленинга маъқул тушган. Революцион кўшиқлар яратилишига катта эътибор билан қараган Ленин бу борада ҳам аввало Демьян Беднийга мурожаат қилган ва халқ йўлида яратилган «Кузатув» кўшигини юқори баҳолаганди. Ленин умрининг охиригача Демьян Бедний ижодини кузатиб, ғамхўрлик қилиб келди. «Ильич ҳаётининг сўнгги ойлари,— деб ёзади Н. К. Крупская,— Ильичнинг топшириғи билан мен унга, одатда кечқурунлари балетристика ўқиб берар эдим. Шчедриннинг асарларини, Горькийнинг «Менинг университетларим» асарини ўқирдим. Бундан ташқари, у шеърлар тинглашни, айниқса Демьян Бедний шеърларини тинглашни севар эди» (Уша китоб. 308-бет).

Асарлари доҳиймиз диққатини тортган, унинг юксак баҳосини олган шоир Демьян Бедний ижодини ўзбек совет адабиёти билан боғлиқ томонлари борлигини кузатиш қувончлидир. Интернационалист шоир Демьян Бедний ўзга халқлар ижодини диқ-

қат билан кузатиб борган. Кўҳна шарқ уни айниқса кўпроқ қизиқтирган. Минг йиллар билан ўлчанадиган маданий, адабий ёдгорликлари ҳам, ўзига хос турмуш тарзи ҳам шоир диққатини жалб қилган. Шунингдек, қизиқиш, интилишнинг самараси бўлса керакки, шоир ижодида шарқ мавзуси анча салмоқли ўрин эгаллайди. У Шарқ халқлари ҳаётини чуқур ўрганиб яратган асарлари рус поэзиясида алғохиди диққатга сазовордир. Шоир шарқ мавзусида кичик шеърый асарлар яратибгина қолмасдан, балки йирик поэмалар ҳам ёзди. У шарқ мавзусида ёзилган асарларини тўплаб 1933 йили «Шарқ» номи билан нашр этиради. Тўпламга жамланган асарларга шоир асос қилиб қардош ўзбек, туркман, бошқирд халқларининг ҳаётдан олинган воқеалар танлайди. Демьян Бедний Совет Шарқи, Кавказ халқлари ҳаётини ҳикоя қилувчи асарлари билан бирга, хорижий Шарқ халқларининг турмуш шароити хусусида фикр юритувчи асарлар ҳам яратди. «Ҳинд меҳмони» асари шулар сирасига киради.

Демьян Беднийнинг ориентал поэзиясига халқлар дўстлиғи ғояси, интернационализм туйғуси сингиб кетган. Шоир ўз «шарқий» асарларини яратишда, рус ориентал поэзиясининг кўп йиллик тажрибаларига суяниш билан биргалликда, бевосита ўша халқнинг маданий меросига ҳам мурожаат қилди. Демьян Бедний бутун ижоди давомида фольклордан ўрганган ва халқ кўшиқлари асосида асарлар яратган.

Шоирнинг «Кузатиш», «Танька-Ванька», «Солдат кўшиғи» каби кўпгина асарлари худди мана шу жиҳати билан ҳам характерлидир. Шоирнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарини асосида яратган қатор асарлари кўп йиллик изланиш, ўрганишларнинг самараси сифатида майдонга келган. «Ер бахти» ва «Тоғлар ортида» асарлари ўзбек фольклор материалларини жиддий ўрганиб, қайта ишлаш туфайли юз очган асарлардир.

«Ер бахти» асари Ленин ҳақида Ўзбекистонда халқ ижод қилган сюжет асосига қурилган. Асарга асос қилиб олинган халқ ижоди намунаси борасида шоир шундай ёзади: «Правда» газетасининг 21 январь [1929 йил кўзда тутиляпти — курсив бизники А. А.] сонида босилган «Ер бахти» афсонасига нима асос бўлган,— деб мендан сўрашди. Мен Л. Соловьевнинг Фарғона область Хожя Ягона қишлоғида яшовчи Эргаш Қорабоевдан ёзиб олган афсонани қайта ишлаганман». (Демьян Бедний. Собрание сочинени. Т—6. Изд. «Художественная литература» М., 1965 г.)

Шунингдек шоир Ленин ҳақида шарқ халқлари томонидан тўқилган афсоналар ижодий текширишга, жиддий ўрганишга муҳтожлигини уқтиради.

Унинг Горький номли Жаҳон адабиёти институтида сақланаётган архив материаллари орасида Шарқ халқлари ҳаётига оид қизиқарли фактлар учрайди. Шоир совет шарқи адабиётини муттасил кузатиб, шу

ҳақда матбуотда чиққан материалларни тўплаб борган. Москвада, 1924 йили нашр қилинган «Звезда Востока» («Шарқ юлдузи») журналининг №1 сони институт архивида №3261 инв. билан сақланади. Унда ўзбек халқ оғзаки ижодидан намуналар, ўзбек шоирларининг шеърларидан таржималар мунтазам бериб борилган. Мана шу журнал саҳифаларидан ўрин олган «Булбул ва Лайлак» номли Хива афсонаси Демьян Беднийнинг диққатини тортган. Афсонанинг қисқача мазмуни қуйидагича: Қадим замонда Лайлак билан Булбул сайрашни билмас эканлар. Улар Довид пайғамбар олдига келиб сайрашни ўрганмоқчи бўлишибди. Булбулдан аввалроқ сайрашни ўрганиб олмоқчи бўлган Лайлак яширинча йўлга чиқибди ва Довид маконига етиб келибди. У тўғри Довиднинг уйига борибди. Шу пайт Довид меҳмонга кетаётган экан, у дарвозадан чиққанида эшик «тақ» этиб ёпилибди. Бу овозни эшитган лайлак кўшиқ деб ўйлаб, сайрашни ўрганиб деяр орқага қайтибди. Мулоҳазалик булбул Довид яшайдиган шаҳарга келиб, унга учрашишдан олдин, карвонсаройда тунаб мусулмон урф-одатларини бажо келтирибди. Сўнгра унинг олдида бориб одоб билан ўзига сайрашни ўргатишини сурабди. Довид одобли булбулга сайрашни ўргатибди. Мана шу кичкина афсонада халқнинг маънавий дунёси акс этиб турганлигини шоир кўра билган ва ўзбек халқ оғзаки ижоди образларига қойил қолган. У булбулга сайрашни ўргатган пайғамбар Довид тимсолида халқ ва унинг ижодини кўради. Шунинг учун «Пайғамбар Довид» сўзини қалам билан чизиб «халқ ва унинг ижоди» деб ёзиб қўйганди. Шоирга бу афсона мусулмонлар урф-одатларини билишда, ўрганишда материал бўлган. Бу каби фактлар шоир шарқ мавзусини ёритишида асос бўлиб, ижодининг тематик жиҳатдан ранг-баранглигини таъминлаган, шу билан рус совет адабиётига ҳам янги образлар олиб кириб, уни бойитишига имконият туғдирган.

Демьян Бедний ижодида «Зийнатнинг қасами» поэмаси алоҳида ўрин тутлади. Поэмада шоир жасур ўзбек қизи Майна Ҳасанова ҳаётида содир бўлган воқеалар хусусида фикр юритади. Асар биринчи маротаба 1925 йили «Правда» газетасининг 8 март сонидида «Эскиз» номи билан босилиб чиқади. Сарлавҳага берилган изоҳда «Бу асар Бухоро турмушидан олинган факт асосида ёзилган» деган сўзлар келтирилган. Демьян Бедний Майна Ҳасанова билан Москвада Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетида танишади. Қашқадарёлик Майна Ҳасанова Улуғ Октябрь инқилоби туйғайли озодликка чиққан ўзбек қизларининг бири. У бутун кучини, ғайратини революция ишига бағишлаб уни ҳимоя қилиш учун бўлган курашларда актив иштирок этади.

1921 йили Қизил Армия полки составида Бухорога юборилган Майна Ҳасанова Қоракум саҳроларида босқинчиларга қарши бўлган юришларда қатнашади. Бухоро

томонларда босмачилар тор-мор этилгандан сўнг полк Самарқандга келади. Эскадрода разведкачи бўлиб хизмат қилган Майна Уратепада босмачилар кўлига тушиб қолади. Аламзада босмачилар жасур разведкачи қизнинг қўлини, кўксини кесиб ўлади деган хаёл билан чўлга ташлаб кетдилар. Уни Қизил Армия қисмларидан бири топиб олади. Зудлик билан даволаниш учун қиз Москвага, Кремлга жўнатилади. Асарнинг ишонарли чиқишида Демьян Беднийнинг Майна Ҳасанова билан учрашганлиги, бевосита ўзи билан суҳбат қўрганлиги шубҳасиз катта роль ўйнаган. Қизнинг шартли номи Зоҳида бўлганлиги учун ҳам шоир поэмани «Зийнатнинг қасами» деб номлаган. В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасининг Қўлёзмалар фондида Демьян Беднийнинг «Зийнатнинг қасами» поэмасининг қўлёзма варианты сақланади (фонд №178, шифр №60287). Қўлёзма вариантни ўрганиш шоир асар устида нечоғлик катта меҳнат қилганлигини кўрсатади. Бунда ўзбекча сўзларни русча таржимасини ёзиб олган шоирнинг шу асосда поэмада ўзбекча сўзларни ҳам жуда ўринли ишлатганлигини кўриш мумкин. Поэманинг қоралама нусхасининг биринчи саҳифасига «Любовью посвящ. Зейнет Хесмитовой», деган сўзлар бор. Бундан ташқари — Саламат! (здравил)

— яхши

— ўзбек

— Яшасун Ўзбекистан!

— бисмалла раҳим раҳмет!

— Ну-дыр-Бай-Лар-дан

Ер-ал-дьеен-са-лара-бер-ды!»

каби ёзувлар борки, булар шоир асарни ёзиш жараёнида ўзбек халқи урф одатини, характерини синчиклаб ўрганганидан шаҳодат бериб турибди. У поэмада Шарқ халқларига хос руҳиятни тўлароқ очишга ҳаракат қилиб воқеа баёнида миллий сўзлардан кенг ва ўринли фойдаланади. Қаҳрамонларнинг ҳаракатлари орқали уларнинг дунёқаршини очиб бериш шоирнинг бадиий қуввати неларга қодир эканлигини намойиш этган. Зийнат Мирзога салом бериб кирганда унинг алиқ олиш ўрнига қилган ҳаракатини шоир «Мирза бир керишиб ўралди тўнга» деб кўрсатиб феодал эр муносабатини ифодалайди. Шарқ классик адабиётида гўзал қизлар қомати кўпинча тўғри, тик ўсадиган дарахтларга (масалан сарвга) қиёс қилинади. Демьян Бедний ҳам Зийнатнинг гўзаллигини таъриф қиларкан шарқнинг классик шеърийатиға хос бўлган худди шу йўлдан боради:

Мирзага учинчи хотинди Зийнат,

Қомати сарвдек келишган балад.

Тенги йўқ ўзбекнинг қизи ичда

чиройли жуда.

(Д. Бедний. Шеърлар, масаллар, поэмалар. УзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Т. 1963).

20-йиллар рус совет ориентал поэзияси

даги реалистик тасвирнинг чуқурлашувида, ўзга халқ мавзусини замон билан ҳамнафас, чамбарчас боғлиқ ҳолда акс эттиришда Демьян Беднийнинг «Зийнатнинг қасами» поэмаси намуна вазифасини ўтади. Шоир шарқ мавзуси устида узлуксиз иш олиб борди. У Урта Осиё халқлари ҳаётида бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимо хабардор бўлишга интиларди. Шунинг натижасида 1930 йили «Шайтон арава» поэмаси бунёдга келди. Асар Турксиб темир йўли қурилиши ҳақида, совет халқининг ижодкорлик меҳнати тўғрисидадир. Турксиб темир йўли қурилиши бу табиат инжиқликлари билан курашгина эмас, балки қулоқлар, миллатчилик руҳидаги кишилар билан ҳам кураш эди. Коммунистик партия раҳбарлигида бунёдкор халқ табиат устидан ҳам, ёт унсурлар устидан ҳам ғалаба қозонди.

Демьян Бедний ижодига ўзбек совет адабиёти вакиллари катта қизиқиш билан қараганлар. Шу қизиқишнинг маҳсули сифатида Ғафур Ғулوم, Ғайратий, Уйғун, Мирмуҳсин каби ижодкорларнинг Демьян Бедний ижодини юқори баҳолаб ёзган мақолалари ва шоир тўғрисида эҳтиром ҳисси билан йўғрилган шеърлари пайдо бўлади. Уйғун Демьян Беднийга бағишланган шеърларида; революция куйчисининг ижоди ҳар бир шоир учун намуна эканлигини таъкидлаб, унинг шеърятини «бўстон»га қиёс этади. Шоирнинг «бўстонидан чечаклар» теришга бўлган иштиёқини шундай ифодалайди:

Шеърый жавҳарларнинг олдида олтин,
Одийгина маъдан, бир темир-терсақ.
Безаган бўлардиқ шеърый чаманни
Унинг бўстонидан чечаклар терсақ.
(«Чечаклар терсақ»).

Уйғуннинг Демьян Беднийга бағишланган шеърларида шоирга нисбатан катта ҳурмат, салимият ўз аксини топган. Бу жиҳатдан унинг «Демьян Беднийга» деб номланган шеъри айрича ҳол касб этади. Шеърда шоир Демьян Беднийни шеърят кўкида ёнган қуёшга ўхшатади, ижоди билан шеър кучини намоеён эта олганини фахрланиб тилга олади:

Камтарин ном қўйди «Демьян
Бедний» деб,
Аммо шеърятда жуда бой эрур.
Шеърят кўкида пирпираб ёнган
Сўнмас қуёш эрур, порлоқ ой эрур.
Дунёнинг бойлиги етмас мутлақо.
Унинг бойлигини ўлчамоқ учун.
Уни ўқи дўстим, билмоқчи бўлсанг,
Шеърят қудратин, шеърят кучин.

Бу сатрларнинг маъзиди Демьян Бедний ижодини дилдан туйиш, унинг оташин мисраларидан таъсирланиш туйғуси этади.

Шу боис унинг ижодини Уйғун «улуғ шеърятти, улуғ даврнинг» деб юқори баҳолайди.

Д. Бедний шеърятдаги жанговар руҳ, коммунистик партия ғоясига содиқлик

ҳар бир ўзбек шоири учун ибратлидир. Кекса адиб Умаржон Исмоилов Д. Бедний билан учрашув ҳар бир ўзбек адаби учун бир сабоқ, янгилик эканлигини ўз хотираларида ёзган.

Д. Бедний шарқ темасидаги асарлари билангина эмас, балки бутун ижоди билан, айниқса сатирик шеърлари билан кўпгина ўзбек совет ёзувчиларига намуна бўлди. Ёш ўзбек адиблари Д. Беднийнинг сатирик маҳоратидан ўрганидилар.


«Д. Бедний рус сатирасига янги тема олиб кирди,— деб ёзади А. Спиридонова — ички партиялар курашини, партиянинг сийҳи ҳаётини акс эттириб, газетавий фельетон жанрини бадий асар даражасига кўтарди. У ўз сатирик асарларига сюжет қилиб большевикларнинг кадетлар, меньшевиклар, эсерлар билан кураши эпизодларини олди». (А. А. Спиридонова (Евстичнева) Русская сатирическая литература начала XX века. Из-во «Наука» Москва, 1977 г. стр. 120)

Унинг асарларининг таъсири ва маҳорати хусусида адиб Мирмуҳсин «Доимо тирик ва навқирон» деб номланган мақоласида шундай ёзади: «Совет адабиётининг асосчиларидан бири Демьян Бедний ҳажвиётда, масалчиликда ҳам беқиёс эди. Иван Андреевич Криловдан кейинги буюк масалчи сифатида уни таниймиз. Демьян Бедний ўз ҳажвиёти-сатирик шеър ва масаллари билан совет мамлакатимиз душманларининг абжағини чиқарган. Унинг қўлидаги тўғ мислсиз ўткир эди. Партиямизнинг баходир солдати сифатида ўз постиди у ҳамма вақт турди. «Фон Врангель манифести» каби асарлари билан душманга қақшатқич зарба берди.

...Совет сатирасининг устаси Демьян Бедний буюк устоз, катта қалб эгаси, партиянинг содиқ солдати сифатида ҳамма вақт бизга ибрат ва намуна бўлади. Машқи кам қўл билан ўткир тўғни ишлатиб бўлмайдиган, албатта. Демьян Бедний мактабини чуқур ўрганиш, унинг коммунистик ғоявийлик учун олиб борган курашидан намуна олмоғимиз керак» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1963 йил, 13 апрель №38). Демьян Беднийнинг ижодига шундай ҳурмат билан қараган Мирмуҳсин бир қанча ҳажвий шеърларини унинг изидан бориб яратди. Хусусан маънавий мухолифларимизни ҳажв қилиш, ўз манфаатини кўзловчи, танбал шахсларни сатира тўғи билан уриш асосига қурилган «Қора кўзойнак», «Бир андалиб»га, «Эзма», «Тайёр гаплари кўп халтада», «Бир адабий танқидчи ҳақида» каби асарлари фикризмизнинг далилидир.

Қисқаси ўзбек совет адабиётининг рус совет адабиёти билан ўзаро алоқаси ва таъсири проблемасини чуқурроқ ўрганиш адабиётшунослигимизнинг бугунги кундаги муҳим масалаларидан биридир. Бу эса ўзбек совет адабиёти тарихини янада равшанроқ кўриш имконини беради.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ.



АДАБИЁТИМИЗНИНГ ҚАДРОН ДЎСТИ

СОБИТ МУҚОНОВ ТУГИЛГАНИГА 80 ЙИЛ ТУЛДИ



Ўз ижод жавахирлари билан халқ қалбига ором бахш этиб, ўзига бир умр ҳайкал ўрната олган санъаткорлар кўп. Улуғ қозоқ ёзувчиси Собит Муқонов ана шундай ижодкорлар сирасига мансубдир. Адабиётга дастлаб шоир сифатида кириб келган Собит Муқонов кейинчалик бадий ижоднинг деярли ҳамма турларида асарлар яратиб қозоқ совет адабиётини иттифоқ доирасига олиб чиқишда муносиб ҳисса қўшди.

У қозоқ совет адабиётининг биринчи бўғини вакиллари Сакен Сейфуллин, Илёс Жонсуғиров, Бейимбет Майлин, Мухтор Аvezов, Ғабид Мусрепов, Ғабиден Мустафинлар билан бирга ўз ижодида она юртининг ажойиб жамолини, халқнинг бахт-

саодатини, ўтмиши ва бугунини, орзу-умидларини, дўстлиги ва биродарлигини, социалистик интернационализм ғояларини меҳр билан мадҳ этди. Натижада у, етук шоир, таниқли ёзувчи, атоқли драматург, билимдон адабиётшунос олим ва йирик жамоат арбоби даражасига кўтарилиб китобхонлар меҳрига тушди. «Сулув соч», «Қонли йўл», «Батрак», «Етим қиз», «Альбом», «Йилқичи» сингари бадий жиҳатдан бақувват шеър ва поэмалари, «Ҳаёт мактаби», «Сирдарё», «Бўтакўз», «Қўриқдаги тўлқинлар» каби насрий асарлари, шунингдек «Ғалаба кунлари», «Ғалаба қўшиқлари», «Олтин туғ», «Чўқон Валихон», «Сакен Сейфуллин» номли драмалари ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлари, ҳамда ҳикоя, очерк, публицистик мақолалари унинг ижод уфқларининг кенглигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам, ижодкорнинг асарлари 50 дан ортиқ тилларга таржима этилган.

Собит Муқонов қозоқ халқининг бой оғзаки ижодини, адабиётининг буюк намоянадалари дурдоналарини кунт билан ўрганади. Жаҳон ва қардош халқлар фольклори намуналари ва классик сиймолар яратган асарлари билан танишади. У Урта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган Шарқ шоирларининг қисса ва дostonларини ўқиб, баъзиларини ёд олади. «Шокир ва Шокират», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Сайфул Малик», «Бодигул ва Жамол», «Алпомиш», «Эр Торғин» сингари эпик дostonлар унинг сезимли асарларидан эди. Булар, ўз навбатида бўлажак ижодкорнинг бадий адабиётга бўлган қизиқишини ғоят кучайтиради. Маҳорат сирларини ўрганиш бобида тинмай изланган адиб самарали меҳнати тўғайли катта ижодкор даражасига кўтарилади.

Собит Муқонов турли қардош адабиётларнинг йирик вакиллари, жумладан, ўзбек совет ёзувчилари билан дўстона муносабат ўрнатган эди. У буюк ўзбек шоири Алишер Навоийни меҳр билан ўзига устоз деб билганди. Ҳамза, Абдулла Қоди-

рий, Садриддин Айнийлар билан бир неча марта учрашган ва қизгин ижодий суҳбатда бўлган, уларнинг асарларини ардоқлаб ўқиб, маънавий оламини бойитган эди. Собит оға Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Комил Яшин, Миртемир, Шароф Рашидов каби ўзбек адиблари билан яқиндан алоқа боғлаб, улар ижодини кузатиб борган ва қозоқ китобхонларига кенг тарғиб қилганди. Унинг айниқса Ғафур Ғулом билан бўлган ижодий биродарлиги икки адабиётнинг дўстлиги рамзига айланиб кетган.

Шунинг учун ҳам Ғафур Ғулом «Қозоқ элининг улуғ тўйи» номли шеърда фахр билан шундай ёзган эди:

Мақтанмайман, чин айтганда,
Бир чамалаб қарайман.
Айтисувда Собит билан
Тортишувга ярайман.

Собит Муқоновнинг ўзбек халқи ҳаёти, маданияти, адабиёти намуналаридан воқиф бўлиши, унинг вакиллари билан мулоқот қилиши 20-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. У, 1927 йили Сакен Сейфуллин, Аҳмед Баржақсинлар билан биргаликда Тошкентга келган эди. Улар шу келишида Ҳамза ва Абдулла Қодирийлар билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлдилар. Кейинчалик Собит Муқонов ўзининг Ҳамза ҳақидаги «Буюк маданият арбоби» номли мақоласида бу учрашувни шундай хотирлайди: «1927 йилнинг кузи. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг байрами, арафаси. Қозоқ совет адабиётининг асосчиси, Қозоғистонда совет ҳокимиятини барпо этишда иштирок этган Сакен Сейфуллин, менга Октябрь байрамини Тошкент шаҳрида ўтказишни таклиф қилди... Биз уч киши Сакен Сейфуллин, Аҳмед Баржақсин ва мен Тошкентга келиб, «Ревью» меҳмонхонасига жойлашдик. ...Урта Қосиё халқлари адабиёти билан яши таниш бўлган Сакен ўзбек адабиёти, унинг атоқли ёзувчилари ҳақида менга поезда гапириб берди. Эртаси куни бизни Абдулла Қодирий ўз уйига таклиф қилди. Унинг уйдаги меҳмонлар орасида буғдой ранг, сийрак мўйлов бир киши, сўзга чечан, ҳазилкаш ва қувноқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Бу киши Ҳамза Ҳакимзода экан. Сакен Сейфуллин уни менга «биринчи ўзбек революционер шоири» деб, таништирди. Суҳбатимиз эркин, хушчақчақ давом қилди».

Ўзбек совет адабиётининг йирик вакиллари билан бўлган бундай учрашув ва суҳбатлар Собит Муқоновнинг ижодида сезиларли из қолдиради. Бунинг самараси сифатида у турли жанрларда ёзилган бир қатор асарларида ўзбек адабиёти, унинг номдор намояндалари тўғрисида, ўзбек — қозоқ халқлари дўстлиги, адабиётларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳақида фикр юритиб, таҳсинга сазовор ишлар қилди. Бу жиҳатдан ижодкорнинг «Сирдарё» романи, «Азамат қадамлар», «Ошпаз» сингари очерк ва ҳикоялари, «Тугишганимга», «Самарқанд», «Дўстим Ғафур Ғуломга» шеърлари билан бир қаторда «Салом, Ўзбек

кистон», «Буюк маданият арбоби», «Қардошлигимиз ҳақида сўз», «Ҳамнийтлар», «Адабиётимизнинг дўстлик мусобақаси», «Дўстлар билан учрашганда», «Ғафурнинг сунгги дақиқаси», «Қамолотимиз кўриги» каби адабий-танқидий мақолалари алоҳида аҳамиятга эга.

Халқлар дўстлиги ва биродарлигини ғоят эъозлаб, уни ўз ижодининг асосий лейтмотивига айлантирган Собит Муқонов, ҳар икки қардош қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлигини улуғлади. «Бу икки халқнинг тақдири ҳам бир,— деб ёзган эди у.— Тарихқа назар ташласак, уларнинг ички ва ташқи душманларга қарши бир ёқадан бош чиқариб, курашиб келганликларини билиб олиш қийин эмас. Биринчи бошига қийинчилик тушганда, иккинчиси унга ёрдам қўлини ўзган. Шундай қилиб улар бир вақтлар ўзларининг ерларига бостириб кирган араб, форс ҳамда мўғул босқинчиларига қақшатғич зарба беришган, ички душманларга қарши аёвсиз курашганлар». «Қардошлигимиз ҳақида сўз» номли мақоласида эса жонажон дўсти Ғафур Ғулом шеърятини шундай характерлайди: «Мен сени ўзбек поэзиясининггина эмас, бутун совет поэзиясининг атоқли вакиллари билан бири деб, ҳисоблайман». Адибнинг «Сирдарё» номли романида Улуғ Ватан уруши йилларидаги шароит, меҳнат фронтидаги жасоратлар, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат акс эттирилган. Асарда ўзбек қизлари Саодат ва Гулнор характерлари меҳр билан тасвирланган.

1948 йили улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилей таштасини Қозоғистонда ўтказиш маросимида ҳам Собит Муқонов фаол иштирок этиб, катта жонбозлик кўрсатади. Шу муносабат билан ёзган «Салом, Ўзбекистон» номли мақоласида буюқ санъаткорнинг сўз кучи ва қувватини инкишоф этади. Унинг XIX асрда яшаб, ижод этган қозоқ халқ оқинларига кўрсатган самарали таъсири борасида тўхталади. Иккинчи бир мақоласи «Қамолотимиз кўригини эса бевосита шу фикрларини давом эттириб;—«Ўзбек халқининг буюқ классик шоири Алишер Навоий қозоқ шоирларига, айниқса Абайга кўп таъсир кўрсатган»,— деб таъкидлайди.

Собит Муқонов қардош ўзбек адабиётининг ижодкорлари билан яқиндан алоқа боғланлиги учун ҳам унда рўй берган ҳар бир янгиликдан, ўзбек халқи қўлга киритаётган ютуқ ва зафарлардан қувонар эди. Шу сабабли у ўзининг «Ошпаз», «Азамат қадамлар» каби очерк ва ҳикоялари ҳамда публицистик мақолаларида Ўзбекистоннинг бугунги жамолини, бу юрт кичиларининг меҳнатдаги жасоратларини, буюқ инсоний фазилатларини моҳирона акс эттирса, «Қардошларимга», «Дўстим, Ғафур Ғуломга», «Самарқанд» сингари шеърларида эса ўзбек халқига бўлган қардошлик туйғусини, дўстлик меҳрини бадиий бўёқларда ифодалайди. У жонажон дўсти Ғафур Ғулом ҳақида қалб ҳарорати билан тўлқинданиб гапиради. Бу икки қарта қалбнинг боғланган дўстлик ришталари

тўғрисида Комил Яшин: «Ғафур билан Собит Муқоновнинг дўстлик алоқалари чамбарчас ижодий ҳамкорлик даражасига кўтарилди»,— деб ёзган эди. Бу ҳар иккала шoirнинг шеърӣ садоларида баралла янграб, икки халқ адабий алоқалари тарихида муҳим саҳифа бўлиб қолди.

1956 йили Жанубий Қозоғистон областидаги Бўстонлик райони Ўзбекистонга армуғон этилган эди. Собит Муқонов бу ҳақда «Туғишганимга» номли шеърини ёзади. Шеърда:

Қозоқ халқи ўз оғаси Ўзбекка,
Ер топшириб, қалбдан салом

Йўллайди.

Янги роман ёзиш учун Ойбекка
Адиб дўсти соғ-сиҳатлик тилайди.
Бу ерларда яралсин боғу-бўстон.
Мўл оғ олтин ҳосил берсин илҳом,
Жўш уриб ижод этсин гўзал достон
Чин ўртоғим, қаламкаш Ғафур Ғуллом.
Қардош халқлар ҳурмати-ла ашар

мангу
Пахтага кон кенг дала яшнар гулгун,
Бу ҳақида яхши преса — бизнинг

орзу,

Буни тезроқ қаламга олсин Уйғун.

деб, қозоқ халқи номидан дил сўзини айтиб, янги топширилаётган ерларнинг боғу-бўстонга айланишини орзу этади адиб.

Ижодкор 1960 йили Ўзбекистонда бўлиб ўтган қозоқ адабиёти ва санъати ҳафталигига, 1963 йили дўсти Ғафур Ғулломнинг 60 йиллик тантанасига, шунингдек Тошкентда ўтказилган йирик анжуманлар ҳамда симпозиум, конференцияларга актив иштирок этди ва қардош ўзбек халқи ҳаёти, маданияти ва адабиётидаги янгиликлар билан янада яқинроқ танишди. У ҳатто, ўзбек ёзувчиларининг съезд ва пленумларига ҳам фаол иштирок этиб, ҳамкасб кадрдонлари ҳақида, уларнинг ижодий фаолияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини ҳамиша самимият билан изҳор этди.

Собит Муқонов ўзбек диёрига охириги марта 1971 йили ташриф буюради. Уша йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган ўзбек ёзувчиларининг VI съездида иштирок этади. Шунда сўзлаган нўткида ҳамкасб кадрдон дўстлари Ғафур Ғуллом, Ойбек, Мақсуд Шайхўдаларни хотирлаб, ҳозирги ўзбек совет адабиётининг ўсиб бораётганлиги ҳақида фахрланиб фикр юритган эди. Шу сафарига адиб Самарқанд, Жиззах, Қўқоқ каби шаҳарларда бўлиб, у ердаги ўзбек меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишади. Ҳамид Олимжон қабрига бориб, унга гулчамбарлар кўяди. Собит оға ўз она диёри Олмаотага қайтган, сафар таасуротлари асосида «Самарқанд» номли шеърини ёзиб, унда ҳамиша гўзал ва навқирон Самарқанднинг ажойиб қиёфасини

акс эттиради. Шеърда дастлаб Улуғ Октябрь революциясигача бўлган ўзбек халқининг тақдири, хотин-қизларининг оғир аҳволи тасвирланади. Шоир кўҳна шаҳарнинг бугунги янги қиёфасини айниқса жўшиб куйлайди. Ҳозирги кунда, ўз тақдирларини ўзлари яратиб, яйраб яшаётган ўзбек хотин-қизларига офаринлар айтади. Самарқанд меҳнаткашларининг бунёдкорлигини улуғлайди.

Ўзбек адабиётининг энг яқин дўсти, ўзбек элининг куйчиси Собит Муқоновнинг бир қанча шеърӣ, насрий асарларини бугунги кунда ўзбек китобхонлари ардоқлаб ўқимокдалар.

Ижодкорнинг ўзбек юртига ўз ижодкори сифатидаи сингиб кетганлиги шу даражадаки, у ҳақда ўзбек қаламкашлари томонидан қатор-қатор шеърлар, ижодий фаолияти тўғрисида мақолалар ёзилган. Бу ўринда Ғафур Ғулломнинг «Қозоқ элининг улуғ тўйи» номли шеърдаги Собит Муқонов ҳақидаги дил сўзларни эслаш билан бирга, Уйғуннинг унга бағишлаб ёзган «Шеърят осмонида», Миртемининг «Собит оға» каби шеърларини хотирга келтириш кифоя.

Миртемир «Собит оға» номли шеърда, ижодкорга бўлган самимиятини шундай изҳор этади:

Собит оға, бу гал ҳам
эриб кетсанг бўлмасми,
Бўзларингдан бир бўлак
бериб кетсанг бўлмасми,
Қўноқлик давронини
суриб кетсанг бўлмасми,
Хоразм ва Сурхонда
юриб кетсанг бўлмасми,
Фарғона боғларини
кўриб кетсанг бўлмасми?..
Тошкентдами, Тўйтепа —
сенга улкан уй қилсак,
Ҳар йилингни бир китоб
ё ҳикматли куй қилсак,
Юз йилга тўлганингда
Самарқандда тўй қилсак.


Бу ижодкор қалбларнинг бир-бирига бўлган самимий меҳридан туғилган кўнгил тебранишлари нишонасидир.

Собит Муқонов, 1973 йилда 73 ёшида оламдан ўтди. У яратган ранг-баранг ижод дурдоналари кўп миллатли совет адабиётининг ёрқин саҳифасини ташкил этади.

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Абай номидаги Республика Давлат муқофотининг лауреати, аллома ижодкор, дўстлик ва қардошлик куйчиси Собит Муқоновнинг асарлари китобхонларнинг маънавий мулкига айланиб кетган. Шунинг учун ҳам бу улкан адиб барҳаёт яшайди.

Қолдибек СЕЙДОНОВ,
филология фанлари кандидати





ТАНКИД
ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК

Умарали Норматов

СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ НАЗАРИЯСИ ВА ҲОЗИРГИ АДАБИЙ ЖАРАЁННИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

КПСС XXV съезди «Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида назарияни янада ижодий ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж камаймайди, балки, аксиңча, тағин ҳам орта боради»¹,— деб таъкидлаган эди. Шуниси ҳам борки, назария амалиёт билан боғлангандагина катта таъсир кучига айланади. Съездда уқтирилганидек, ҳар қандай назариянинг чинлигини кўрсатувчи мезон амалиётнинг ўзидир, ижтимоий фанимиз олдида турган вазифалар турмуш билан жуда чамбарчас боғлангандагина ҳал қилиб берилиши мумкин. Шунинг учун ҳам съезд: «Схоластик назариябозлик олға томон қилаётган ҳаракатимизга тўсқинлик қилиши мумкин, холос. Амалиёт билан боғланиб иш олиб боришгина фаннинг самарадорлигини ошириши мумкин»²,— деб огоҳлантиради.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» деб чиқарган қарорида назарий масалаларга эътиборни кучайтириш, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичи ўртага қўяётган туб проблемаларни тадқиқ этиш зарурлиги алоҳида таъкидланади, бунда асосий диққат-эътибор яна ўша назарий фикрнинг ҳаётийлиги, амалиёт билан мустақкам алоқадорлиги масаласига қаратилади; партия бу ишда дадилроқ бўлишга ундайди, ижтимоий ҳаё-

тимизнинг актуал масалаларини ошқора муҳокамага қўйишдан кўрқиб, ҳал этилмаган проблемаларни, кескин масалаларни четлаб ўтиш, реал ҳаётимизда мавжуд бўлган камчилик ва қийинчиликлар ҳақида лом-мим демаслик ҳолларини кескин танқид остига олади.

Партиянинг мана шу йўл-йўриқлари барча ижтимоий фан кишилари, идеология ходимлари қатори адабиётчиларга, адабиётшунос олимларга, танқидчиларга ҳам тўла-тўқис дахлдордир.

Кейинги йилларда республикамызда сўз санъати қонуниятларини, асл табиатини ўрганишга, бадий ижоднинг назарий масалаларига қизиқиш хийла кучайди, адабиёт ҳақидаги фаннинг етакчи тармоқлари — адабий танқидчилик, адабиёт тарихи қаторида адабиёт назарияси ҳам янги босқичга кўтарилди бошлади, адабиётимизнинг хилма-хил назарий проблемаларини ёритувчи кўплаб монографиялар, тўпламлар чоп этилди, бирин-кетин икки томлик «Адабиёт назарияси», бирданига иккита «Адабиётшуносликка кириш» ўқув қўлланмиси, Иззат Султоновнинг «Адабиёт назарияси» туркум мақолалари майдонга келди; социалистик реализм масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган Буниттифок илмий конференцияси материаллари алоҳида тўплам ҳолида босилиб чиқди. Уларда илмий-назарий тафаккур соҳасида эришилган муваффақиятларимиз маълум даражада ўз ифодасини топган.

Бироқ бизда назариянинг ҳозирги аҳволи ҳар жиҳатдан замон талаби даражасида деб бўлмайди, хусусан ўзбек адабиётида социалистик реализм тараққиёти,

¹ КПСС XXV съездининг материаллари. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 98-бет.

² КПСС XXV съездининг материаллари, 99-бет.

унинг типологик ва ўзига хос томонлари, ҳозирги адабий жараёндаги янги хусусиятлари назарий жиҳатдан чинакамига атрофлича ўрганилгани йўқ. Адабиёт ривожининг, қолаверса адабиёт ҳақидаги фаннинг ҳозирги босқичдаги ривожига тақозо этаётган қатор проблемалар, чунончи социалистик реализм табиати, унинг исто-ризми, социалистик реализмда ижодий индивидуаллик, услубий, шаклий хилма-хиллик, миллийлик, интернационаллик, традиция ва нобаторлик масалалари, ҳаётий ҳақиқат, қахрамон концепцияси каби муаммолар янгича, бугунги тафаккур даражасида туриб ижодий ёндашишни талаб этаётир.

Социалистик реализмнинг назарий масалаларига дадил, ижодий конструктив тарзда ёндашиш бобида социалистик мамлакатлар, қардош халқлар адабиётшунослари, биринчи галда рус адабиётшунос олимлари, танқидчилари ибрат бўларли ишлар қиялпти. Фақат 70-йиллар давомида рус олимларининг бевосита реализм ва социалистик реализм проблемаларига бағишланган юзга яқин хилма-хил китоблари нашр қилинди; журнал ва газеталарда сон-саноксиз мақолалар эълон этилди; бу-нинг устига «Вопросы литературы», «Литературное обозрение», «Литературная учеба», «Литературная газета» саҳифаларида социалистик реализм назарияси ва практикасига доир¹ узлуksиз, мунозаралар давом этмоқда, ғоят қизиқарли, социалистик реализм методи ҳақидаги тасаввуримизни бойтадиган, ўйлашга, фикрлашга ундайдиган мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.

Кейинги пайтларда социалистик реализмнинг очик система экани тўғрисидаги қараш, тасаввур теварагида² қизгин баҳс бормоқда. Бу концепциянинг моҳиятини камситиб кўрсатиш ёки уни бирёқлама талқин этиш ҳоллари ҳам учраб турибди, бироқ, шунга қарамай, унинг тарафдорлари тобора кўпайиб бормоқда, чет элдаги дўстларимиз ҳам унга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Атоқли адабиётшунос олим М. Б. Храпченко социалистик реализм методига очик эстетик система сифатида қараш шубҳасиз ижобий маънога эга, дейди¹. Яна бир улкан адабиётшунос Л. Тимофеев фикрича: Очик концепция социалистик реализм имкониятлари доирасини кенгайтиришга, уларни тўғри тушунишга имкон беради². Чехословакиялик олим С. Шабоук: «Методимизга нисбатан берилётган «очик» сўзи нега актуаллик касб этаётир?»—деган савол қўйиб ўзи: «Чунки у назарий тасаввурга эрк бериб эришилган нарсаларни қонун

тусига киритиб қўйишдан асрайди. Социалистик реализм классик асарларининг аҳамияти ва таъсири катта. Бироқ олға бориш уларга тақлид қилишдан иборат бўлмаслиги керак. Фақат маъжуд намуналарнигина нишонга олиб иш тутадиган бўлсак санъатни тақлидчилик, юзакичилик йўлига тортган бўламиз. «Очик» сўзи бу ерда «эски»нинг аҳамиятини камситмаган ҳолда янгисини яратишга, уни илмий тушунишга даъват этади»¹,—дея жавоб беради.

Ҳуш, очик система тушунчасининг асл маъноси, моҳияти нимадан иборат? Бу концепция муаллифлари уни шундай изоҳлайдилар. Жумладан Б. Сучков ёзади: «Санъатимиз ижодий методининг очик категория эканлиги маъноси шундаки, унга асосланган санъат дунёда юз бераётган тарихий ўзгаришларга, янги проблема ва конфликтларга, янги характерларга, социалистик жаҳият ривожига, тузумимиз маънавий, ахлоқий, сиёсий иқлими туфайли юз берадиган янги вазиятларга ниҳоятда сезгирдир»².

Очик система тарафдорларидан яна бир адабиётшунос Д. Марков бу концепциянинг туб моҳиятини инъикос назарияси, объектив ҳақиқат билан субъектнинг ўзаро муносабати, субъектнинг объектив ҳақиқатни билиш, эгаллаш даражаси, объектив ҳақиқатни билиб, ўзлаштириб олган субъектнинг революционлаштирувчи роли, объектга таъсири, дунёни билиш билан чекланмай уни ўзгартириш, меҳнаткаш халқ эгаллашга мослаштириш, инсонийлаштириш ҳам зарурлиги ҳақидаги марксча-ленинча қарашларга таяниб изоҳлайди. «Инсоннинг маънавий камолотга эришиши имкониятлари, тарих билан боғланган онглилиги, онгли равишда ва фаол ҳаракат қилиш даражасига кўтарилиши худди шу ҳолатлар билан боғлиқ,—деб ёзади олим.—Санъатимиз методининг концепциясини белгиладиган янги типдаги гуманизмнинг маъноси ҳам шунда»³.—Сунгра олим субъективликнинг родини мутлоқлаштирмаган, объективликнинг аҳамиятини камситмаган ҳолда ижодда субъектнинг фаоллиги—санъатда ҳаёт ҳаракатининг моҳияти ва қонуниятига кираиб бориш, тарихий ҳақиқатни англаш зарурияти хусусида тўхталиб дейди: «Кўп нарса санъаткорнинг тарихий жараёни субъектив билиш даражасига боғлиқ. Субъективлик ҳаётнинг реал ҳаракати, тарихий жараён билан қанчалик узвий боғланса, у шунчалик бой, таъсирчан бўлади. Бу умувий қонуният социалистик реализм санъаткорлари ижодий фаолиятида алоҳида куч-қудрат

¹ Сава Шабоук. Идти дальше. «Литературная газета», 1979 йил, 10 январь.

² Борис Сучков. Действительность искусства. М., «Советский писатель», 1978, 86-бет.

³ Д. Марков. Историческая открытая система правдивого изображения жизни. «Вопросы литературы», 1977, № 1, 36-бет.

¹ М. Б. Храпченко. Рост литературы и проблемы теории. «Контекст. 1977», М., «Наука», 1978, 10-бет.

² Л. Тимофеев. «Идти непременно дальше...». «Литературная газета», 1979 йил, 23 май.

касб этади. Бу ердаги историзм жамият тараққиёти жараёнлари, истиқболи, ҳодисалар орасидаги сабабий боғланишларни илмий социализм позициясида туриб чуқур билиш натижасидир. Бундай субъективлик ифодаси аслида билишнинг объективлиги ва ижодкор шахсининг социал активлигини ўзида мужассамлаштирадиган адабиёт ва санъатнинг ленинча партиявийлигидир («Вопросы литературы», 1977, 1, 37—38-бетлар).

Д. Марковнинг уқдиришича, юқоридаги принциплар социалистик реализмнинг новаторлигини белгилайди; қисқаси объектив ҳақиқатни билиш, унга актив муносабатда бўлиш, уни хилма-хил шаклларда ифода этиш имкониятлари маъносига социалистик реализм очиқ системадир.

Айрим адабиётшунослар, масалан Ю. Андреев очиқ система тарафдорларини шакл масалаларига ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб кетишда, шаклбозликда айблайди, бу концепциядаги «очиқ» сўзини шаклга нисбат бериш деб тушунади; у социалистик реализмнинг новаторлигини, унинг имкониятларини аввало тарихий тараққиёт қонуниятларини бадий билиш ва ифодалаш соҳасидан қидириш кераклигини айтади¹. Ю. Андреев олға сурган фикр тўғри, аммо у очиқ система тарафдорларини шаклбозликда айблаганида ноҳақ, чунки, юқорида кўриб ўтганимиздек, очиқ система концепцияси муаллифлари, тарафдорлари ҳам биринчи галда шакл масаласига эмас, мазмун, тарихий тараққиёт қонуниятларини бадий билиш масаласига алоҳида урғу берадилар.

Очиқ система концепцияси таркибидagi «англанган историзм» тушунчаси, «шакллар, услублар хилма-хиллиги» масаласи теварагида ҳам жўшқин тортишувлар бўлиб турибди. Социалистик реализм адабиётида санъаткорнинг тарихий актив ёндашишдан келиб чиқадиган англанган историзмни баъзан фақат дунёқарашга оид тушунча деб билиш, баъзан эса англанган историзм социалистик реализмгагина эмас, бошқа ижодий методларга ҳам хос хусусият деб қараш ҳоллари бўлди.

Бизнингча, социалистик реализм историзмига нисбатан англанган тушунчасининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир; бу ҳол бошқа ижодий методларда, чунончи танқидий реализмда шундай хусусиятнинг йўқлигини билдирмайди, балки марксча-ленинча дунёқараш билан қўролланган социалистик реализм адабиётида тарихий тараққиёт қонуниятларини билиш, моҳиятига етиш, уни англаш имкониятлари ниҳоятда кенгайганлигини билдиради. М. Храпченко социалистик реализм историзмининг назарий-методологик планда шундай таърифлайди: «...янги типдаги адабиёт историзми аввало шундан иборатки, у дунёни тубдан ўзгар-

тириш зарур, муқаррар эканини тан олади. Социализм ва коммунизм қуришни у инсониятни хусусий мулкчилик туғдирган қабоҳат ва кулфатлардан халос этишнинг чуқур қонуний жараёни деб қарайди. Социалистик реализм историзми ижтимоий тараққиётнинг, инсонни қуршаб турган муҳитнинг ўзгарувчанлигини тан олиш, шу ўзгарувчанликни, унинг хилма-хил шаклларини очиқ бериш билан чеқланмайди. У ҳаёт ҳаракатини унинг тубдан янгиланиш истиқболида, социалистик муносабатларни ўсишда, янги инсонни камолотда кўради» («Контекст. 1977», 14—15-бетлар).

Ф. Энгельс Ф. Лассалга 1859 йил 18 майда йўллаган хатида англанган историзм билан юксак бадийликнинг қўшилиб кетиши келажак адабиётининг хусусияти эканлигини олдиндан баҳорат қилган эди. У ёзади: «Сиз ҳақли суратда немис драмасига мансуб деб ҳисоблаётган зўр ғоявий теранлик, яхши англаб олинган тарихий мазмун билан шекспирона жонлили ва ҳаракатлар бойлигининг батамом қўшилиб кетишига афтидан фақат келажакдагина эришилади, шунда ҳам, эҳтимол, немислар эмас, бошқалар эришарлар»¹. Дарҳақиқат, бунга социалистик реализм адабиётида эришилди, чуқур англаб олинган тарихийлик билан юксак бадийликнинг уйғунлиги бу адабиётнинг характерли хусусиятига айланди.

Кейинги йилларда социалистик реализм поэтикасининг ранг-баранглиги, бойлиги, бу метод бағри хилма-хил услубларга, услубий йўналишларга, шаклларга, ижодий изланишларга кенг очиқ экани ҳақида кўп гапирилди, кўп иш қилинди. Бир вақтлар реализм, жумладан социалистик реализм учун фақат биргина тасвир шакли хос, реализм ҳаётни ўз кўринишида гавдалантиришдан иборат, деган фикр ҳукмронлик қилган, шартли тасвирий шаклларга реализмдан чеклиниш деб қаралган. Бундай қараш реализм, хусусан социалистик реализм табиатига, тараққиётига зид эди, шунга кўра у жиддий эътирозларга сабаб бўлди. Фактлар шундан далолат берадики, етук реалистик адабиётда, улкан реалист ёзувчилар ижодида ҳаётни ўз шаклида кўрсатиш билан баробар бошқа хилма-хил шартли шаклларда ифода этиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бу йўл социалистик реализмда алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан кейинги йилларда шартли, ҳаттоки фантастик тасвирий шаклларга, умуман хилма-хил ижодий методлар тажрибасига қадимий адабиёт, фольклор усуллари, ривоят, афсоналарга қизиқиш хийла кучайди. Бунинг устига ҳозирги ривожланган социализм шароитида социалистик миллатлар, миллий маданиятлар, адабиётлар орасидаги ҳамкорликнинг — бири бири билан яқинлашиш, бир-бирига таъсир кўрсатиш, бойитиш жараёнининг мисли

¹ Ю. Андреев. Чтобы постигнуть суть вещей. «Литературная газета». 1979 йил, 10 октябрь.

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Санъат тўғрисида. Икки томлик. 1-том, Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1975, 24-бет.

кўрилмаган даражада кучайиши социалистик реализм адабиёти поэтикасида ҳам чуқур из қолдирмоқда. Қисқаси, социалистик реализм поэтикасини кенгайтиришга бўлган фавол, онгли интилиш ҳозирги адабий ҳаракатнинг муҳим тенденцияларидан биридир; социалистик реализмнинг эстетик бойлиги, имкониятлари ниҳоятда кенглигини ҳисоблашга интилиш эса ҳозирги адабий-танқидий тафаккур ривожини учун характерли хусусиятлардан биридир. Ҳам назарияда, ҳам амалиётда содир бўлаётган бу ғоят мураккаб, қудратли ҳодиса табиий равишда бир қатор янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Социалистик реализм эстетик имкониятлари ниҳоятда кенг, унинг бағри хилма-хил шаклларга, услубларга, изланишларга кенг очик деган тезис бу методни «ҳудудсиз реализм» томонига тортмасмикин? Ҳар қандай адабий йўналишлар, оқимлар тажрибаларига бағрини кенг очиб қўйиш туфайли социалистик реализм поэтикаси системаси дарз кетмасмикин? Социалистик реализм жаҳон прогрессив бадий маданияти яратган, яратаётган жамики илғор нарсаларни ўзлаштириш асосида ривожланар экан, унинг поэтикаси хилма-хил адабий оқим, йўналишларга хос хусусиятларнинг йиғиндиси, қурамасига айланиб қолмасмикин, Ю. Андреев ибораси билан айтганда, реализм яхлит система сифатида йўқолиб унинг ўрнига шаклсиз, размерсиз, ҳудудсиз бир нарса вужудга келмасмикин? Модомики, социалистик реализмга янгича эстетик система деб қаралаётган экан, унинг поэтик системаси, бу системанинг ўзига хос томонлари нималардан иборат? Биламизми, ҳар қандай ижодий методнинг бош услубий тенденцияси, ўзига хос ифода тарзи бўлади. Социалистик реализмнинг етакчи услубий тенденцияси, бош услубий хусусияти нимадан иборат?

Адабиётшунос Юрий Кузьменко «Социалистик реализм методи жумбоғи» мақоласида («Литературная учеба», 1978, № 5) реализм, романтизм, символизм адабиётига оид шеърини парчалар келтириб, келтирилган кичик парчаларнинг тасвир тарзига, услубига қараб уларнинг қайси методга оидлигини осонгина аниқлаш мумкин эканлигини айтади. Бироқ социалистик реализмга келганда шаклига, услубига қараб бу методнинг туб хусусиятларини аниқлайдиган мисол йўқлигини эслатади. Сўнгра: «Демак, социалистик реализм адабий асарнинг услубида, шаклида, ташқи белгиларида бевосита намоён бўлмайдиган ўзгана ҳодиса... У ўзига нисбатан махсус муносабатни талаб этади»,— деб ёзади танқидчи. Социалистик реализм поэтикаси масаласига махсус муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақидаги гап адолатли, бироқ Ю. Кузьменконинг «социалистик реализм адабий асарнинг услубида, шаклида, ташқи белгиларида бевосита намоён бўлмайдиган ўзгана ҳодиса» деган фикри мунозарали; бу ўз-ўзидан социалистик реализмнинг ўзига хос поэтикаси мавжудлигини маълум даражада шубҳа остида

қолдиради. Бизнингча, социалистик реализм эстетик система сифатида тан олинар экан, унинг ўзига хос поэтик системаси мавжуд деб қаралар экан, методнинг моҳияти шаклда ҳам зуҳур этилади, бироқ бу масала, тақрор айтганимиз, ўзига хос, янгича, мураккаб тарзда намоён бўлади. Бу ҳол ҳали адабиётшуносликда яхши ўрганилган, етарли аниқланган эмас.

Очиқ система концепцияси муаллифлари, тарафдорлари социалистик реализм поэтик имкониятлари кенглигини таъкидлаш билан баробар, унинг чеки-чегарасини аниқлайдиган назарий методологик йўл-йўриқлар беришга интиладилар. М. Храпченко ёзади: «У (социалистик реализм — У. Н.) ўтмиш адабиётидагина эмас, ҳозирги давр адабиётида мавжуд бўлган барна яхши, илғор нарсаларни ўзлаштиришга қодир. Бироқ бундай ўзлаштириш хилма-хил ижодий қиёфага эга ёзувчилар томонидан яратилган бадий усул ва воситаларни коллекция ишқибозига ўхшаб фаросатсиз равишда бир ерга йиғишдан иборат эмас. Самарали, ўзлаштириш уларни чуқур англаш, улардан ўзгача йўлда, янги мақсадда фойдаланиш демақдир» («Контекст. 1977», 11-бет). Б. Сучков яна ҳам аниқроқ қилиб дейди: «...Бадий тафаккурнинг англаган историзми социалистик реализмнинг бошқа категориялари каби санъат асарини реализмдан, ҳақиқий ҳаёт, кишилар дунёси билан алоқадан маҳрум этадиган тасвирий приём ва воситалардан воз кечиш зарурлигини тақозо этади» («Действенность искусства», 105-бет). Ю. Андреевнинг худди шу хусусда илғори сурган фикри масала моҳиятига яна ҳам яқинроқ келади. Унингча, реализм бениҳоя бой метод, имкониятлари чексиз. Агар реалист санъаткор учун у ёки бу бадий приём ва воситалардан фойдаланиш эҳтиёжи туғилса, сўзсиз улардан фойдаланаверади, ҳар доим шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлаверади; бутун гап мана шу приём ва воситалар қандай мақсадга қаратилганида, воқеликни англаш, ҳодисалар моҳиятини очишга қанчалик хизмат этганида; реалистик санъатнинг маъноси, бош хусусияти шунда, худди шу бош функцияси билан у бошқа барча методлардан ажралиб туради, яъни фақат реализмдагина бадий тафаккур воситалари орқали реал воқеликни билиш бош муддаога айланади; тарихий тараққиёт қонуниятларини марксча-ленинча фанга яқин келар даражада ҳаққоний тарзда бадий билиш ва ифодалаш социалистик реализмнинг туб моҳиятини белгилайди («Литературная газета», 1979 йил, 10 октябрь).

Социалистик реализм поэтик бойлиги, имкониятлари кенглигини фақат бу метод бағрининг бошқа адабий оқимлар, методлар тажрибаси учун кенг очик эканидан қидириш билан чекланиш ҳам тўғри эмас. Социалистик реализм ярим асрдан ошиқроқ ривожини давомида ўзининг барқарор, жуда ранг-баранг поэтик традицияларини яратдики, бугунги кунда улар тобора

сайқаллашиб, яшариб, янги фазилатлар билан бойиб бормоқда ва социалистик реализм адабиёти ривожда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Социалистик реализмнинг барқарор, ранг-баранг поэтик традициялари проблемаси ҳам ҳали етарлича ўрганилмай келаётир.

Социалистик реализм назарияси, очиқ эстетик система тушунчаси устида сўнгги йилларда олға сурилган асосий фикрлар, тортишувларга асос бўлаётган проблемалар, қисқача айтганда, ана шулардан иборат. Баъзи адабиётшунослар, жумладан Ф. Кузнецов очиқ система концепциясини социалистик реализм назариясидан муқаррар ўрин олганлигини эътироф этган ҳолда, бу масала ўзил-кесил ҳал этилган, унга эндиликда қайтишнинг ҳожати йўқ дейди¹. Юқоридаги мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибдики, социалистик реализмнинг очиқ эстетик система эканлиги ҳақидаги концепциянинг барча томонлари ҳали ўзил-кесил ҳал этилган эмас, бу борада аниқланиши, чуқурлаштирилиши лозим бўлган анчагина муаммолар бор. Бироқ шу ҳолда ҳам очиқ эстетик концепция социалистик реализм назариясидан олға ташланган муҳим қадам; бу концепция амалиётга яқинлиги, социалистик реализмнинг реал бойликларини, унинг асл табиатини англаб олишга, имкониятлари ва чегарасини белгилашга қаратилгани, бугунги адабий жараёнга фаол аралашши, кўмаклашиш истаги билан сўғорилгани учун ҳам қимматлидир.

Биз одатда назарияда йўл қўйилган камчиликларимизни такрор-такрор эътироф этамиз-у; кашф этилган мақбул назарий фикрларнинг амалиётдаги роли ҳақида кам гапираемиз. Хайриятки, буни баъзан чет элдаги дўстларимиз ёдга тушириб турадилар. Масалан, 30-йиллари социалистик реализмни тор тушуниш ҳоллари бўлгани кейинги пайтларда кўп марта танқид қилинди, лекин маълум кам-кўстларига қарамай, ўша йиллари социалистик реализм назариясининг ишлаб чиқирилиши адабий жараён ривожини учун принципиал аҳамиятга эга бўлгани баъзан эътибордан четда қола бошлади. «Мен,— деб ёзади инглиз ёзувчиси Жеймс Олдриж,— хаёлан 30-йилларга, совет ёзувчилари Союзи ташкил этилган ва социалистик реализм принципи Союз уставида ифодасини топган даврга қайтиб, агар совет адабиёти ўшанда ўз олдида турган вазифаларни аниқ-равшан аниқлаб олмаганида нима бўларди, дея ўзимдан сўрайман. Менимча, у инсонни маълум ижтимоий шароит маҳсули бўлмиш шахс сифатида тасвир этиш учун аниқ социал йўл-йўриқ бўлмагани сабабли адабиёт калаванинг учини йўқотиб қўйган фарб адабиёти сингари издан чиқиб кетган бўларди»².

1 Феликс Кузнецов. Точность мировоззренческих критериев. «Литературная газета», 1979 йил, 10 январь.

2 Джеймс Олдриж. Поразительное богатство. «Лит. газета», 1979 йил, 22 август.

Ҳақ гап, ҳаммамиз учун ибрат бўларли, топиб айтилган гап! Социалистик реализм назариясига оид сўнгги йиллардаги янгиликлар, жумладан очиқ эстетик концепция ҳам ҳозирги адабий ҳаракат ривожини учун ана шундай принципиал, амалий аҳамиятга эга.

Очиқ система теварагидаги баҳс-мунозаралардан келиб чиқадиغان асосий хулоса шуки, реализм ва социалистик реализм адабиётида ғоявийлик билан бадийликнинг узвийлиги, санъаткор томонидан ҳаётни, унинг қонуниятларини чуқур билишнинг аҳамияти ниҳоятда ортади. «Партия адабиётимиз ва санъатимиз асарларининг ғоявийлиги ҳам бадийлигини доимо узвий бир нарса деб, шу асарлар фазилатини баҳолашнинг яхлит мезони деб ҳисоблаб келди,— дейди М. А. Сулов идеология ходимлари Бутуниттифоқ кенгашида қилган докладыда.— Ҳаёт ҳодисаларини, социалистик воқеликни бадий жиҳатдан идрок қилишни жамиятда содир бўлаётган иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жараёнларни чуқур тушунмай туриб тасаввур этиб бўлмайдиган ҳозирги шароитда бу мезон икки ҳисса адолатлидир»¹.

Бу ҳол бизни ҳозирги кунда бадий талант табиати, ёзувчининг ижодий индивидуаллиги масалаларига янгича, юксак талаблар билан ёндашишга ундайди. Фақат ёзишни, бадийят техникасини эгаллашнинг ўзи талант учун етарли эмас, айна пайтда талант эгаси ҳаёт ҳодисаларини тадқиқ эта оладиган, масала моҳиятини чуқур очишга қодир файласуф, ҳаёт ҳақида оригинал фикр юритишга қобил мутафаккир ҳам бўлмоғи зарур. Ҳозирги пайтда ёзувчи маҳоратини фақат унинг ҳаёт ҳодисаларини жонли гавдалантиришига, тирик одам образини яратишига қарабгина белгилаш камлик қилади, ҳаммага маълум оддий ҳақиқатни ифода этиш, ижодий ҳодисаларни шунчаки тасдиқлаш, тараққиёт йўлидаги тўсиқларни қоралаш, инкор этиш билангина иш битмайди; санъаткор маҳорати, истеъдод даражаси, савияси оқибат-натижада ҳаёт қонуниятларининг, ҳодиса моҳиятининг қанчалик чуқур бадий таҳлил ва талқин этилганига, очилганига, у яратган асарнинг ғоявий чуқурлигига, кўтариб чиққан масаланинг салмоқдорлигига қараб белгиланади. Ёзувчининг ижодий индивидуаллигини фақат унинг ифода тарзи, услуби, воқеликни бадий ифода-лашда қўлланадиган усуллар, ёзиш манерасининг ўзгачалиги, ёзувчининг ўзигагина тааллуқли бўлган тасвирлаш маҳорати, ҳикоялаш йўсини, ҳеч кимнигина ўхшамаган овози, оҳанги, лексика ва стилистик тайёргарлиги ва ҳоказолар орқалигина белгилаш практикаси эндиликда эскириб қолди, аниқроғи ёзувчининг ижодий индивидуаллигини белгилашда бундай мезон калталик қилаётир. Ёзувчининг ижодий

1 М. А. Сулов. Бутун партиянинг иши. «Совет Ўзбекистони», 1979 йил, 17 октябрь.

индивидуаллиги ҳаммадан бурун у ўз асари орқали кашф этган ҳаёт ва шахннинг бадий концепциясида намоён бўлади; санъаткор ҳаёт ҳодисаларига, инсон шахсига янги жиҳатдан чуқур ёндашгандагина, бошқалар кўрмаган, сезмаган муҳим ҳарактерли томонларини очиб берган тақдирдагина, ҳаёт ва инсон шахси ҳақида ўзига хос, чуқур ҳис этилган, кўпчиликини қизиқтирадиган, ўйлатадиган, ҳаяжонга соладиган, катта ҳаёт ҳақиқатига мос келадиган оригинал концепцияга эга бўлгандагина — фақат шу йўл билангина чинакам ижодий оригиналликка эриша олади.

Бу билан биз, оригинал концепциянинг ифодаси, ёзувчининг тасвирлаш, сўзлаш манераси, бу борадаги маҳорати, ўзига хослиги аҳамиятини асло камситмоқчи эмасмиз. Бу ерда биз ижодий индивидуалликини таъмин этадиган бош факторнинг ролини таъкидлаб ўтаётимиз, ҳолос. Аслида ҳаёт ва шахннинг бадий тадқиқи, ёзувчининг оригинал, салмоқдор концепцияси бетакрор, юксак бадий шаклини топгандагина чуқур ғоявийлик билан юксак бадийлик узвийлик касб этгандагина катта таъсир кучига эга бўлади.



Социалистик реализм назариясига оид янгиликлар ҳақида гапирганда, булар айтилган пайтда социалистик реализм ривожига янги тенденциялар билан боғлиқ эканлигини, булар социалистик реализм адабиётининг ҳозирги босқичдаги тажрибаларини умумлаштириш асосида юзага келганлигини асло унутмаслик керак. Социалистик реализмга 30-йиллардаги қараш асосан социалистик реализм адабиётининг ўша кезлардаги тажриба ва даражасини акс эттирса, ҳозирги назарий хулосалар, бир томондан, босиб ўтилган йўлни қайта идрок этиш, иккинчи томондан, социалистик реализмнинг узлуксиз ривожланишда, ўзгаришда, янгиланиб боришда эканлигини назарда тутиб иш кўриш самарасидир.

Энди социалистик реализм назариясига оид юқоридаги мулоҳазалар асосида ҳозирги адабий жараённинг баъзи тенденциялари, аниқроқ айтганда ўзбек адабиётининг бугунги ривожига алоқадор айрим масалаларга ўтсак.

Адабиётимизнинг ҳозирги ривожига хос етакчи тенденциялар устида гап борганда ҳаммадан бурун унда аналитик тасвирга, ҳаёт ҳодисаларини мураккаблиги, ички тўлқинлари, зиддиятлари, мусбат ва манфий томонлари билан намоён этишга мойиллик ортиб бораётганлиги айтилади. Бундай самарали тенденция ўз навбатида қаҳрамон проблемасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда; адибларимиз инсон шахсига хилма-хил томондан ёндашишга, уни мураккаблиги, кучли ва ожиз томонлари билан гавдалантиришга интилоқдалар. Бундай интилиш туфайли ада-

биётимиз қаҳрамонлари, бир томондан, кўп нарса ютди, улардаги инсоний жозоба ортди, улар самимияти, одмилиги, ташвиш ва қувончларининг табиийлиги, ҳаётга яқинлиги, чуқур ҳамдардлик туйғуси, гуманистик пафос билан йўғрилганлиги билан ўкувчи қалбидан ўрин олабошлади; айти пайтда, шахсий мураккаблиги, камкўстлари билан кўрсатишга мойиллик туфайли ижобий қаҳрамон баъзи жиҳатларни бой бергандай бўлди, айрим ижобий образлардаги кучли, қаҳрамонона хислатлар бир оз хира торта бошлади; бир вақтлар «конфликtsizлик назарияси», «ҳаётни пардозлаб кўрсатиш» тенденцияси туғдирган сохта, ҳаётдан узилиб қолган «идеал қаҳрамонлар»га қарши курашиш шиори остида умуман ижобий қаҳрамон муаммосини шубҳа остида қолдириш ҳоллари ҳам бўлди. Бу ҳол ташвиш туғдирмаслиги мумкин эмас эди. Бевоқиф адибларимизнинг ўзлари ҳам, танқидчилар ҳам бу масалада бош қотирмоқдалар. Бизнинг Ҳамид Ғулум, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов каби ёзувчилар билан матбуотда эълон этилган адабий суҳбатларимизда ҳам шу масала тилга олиб ўтилган эди. Жумладан, қатор қисса ва романларида бир талай мураккаб шахс образларини яратган ёзувчи Мирмуҳсин: «Ижобий қаҳрамон бўлиши керак, узоқ тарих ҳам буни исботлаган. Гарчи баъзи инсоний нуқсонлари бўлса ҳам мана мен деган зўр қаҳрамон бўлиши керак»,— дейди («Ўзбекистон маданияти», 1976 йил, 23 март).

Атоқли адабиётшунос А. Метченко «Литературная газета»да (1979 йил, 21 март) эълон этилган «Ўтуқлик» сарлавҳали мақоласида бу проблемани жуда кескин қилиб қўяди; мамлакатимиз парвозни юксак олиб, коммунизм сари бораётган бугунги кунда, душманларимиз бу йутқларнинг жаҳон озодлик ҳаракатига кучли таъсирини кўриб коммунизм ғояларини, бу ғояларни барқарор этаётган курашчилар ишини ҳар қандай йўл билан камситишга интилаётган бир шароитда янги дунё қурувчиларининг олдинги сафида бораётган, халқимизнинг сара кишилари, даврнинг ҳақиқий ижобий қаҳрамонлари образини, ўзининг яратувчанлик ишлари кўламига кўра аср савияси билан тенглаша оладиган қаҳрамон образини яратиш энг ақтуал вазифалардан бири бўлиб турганлигини айтади. 1979 йили «Литературная газета» саҳифаларида давом этган «қишлоқ прозаси» масалаларига бағишланган мунозаранинг айрим қатнашчилари ҳозирги қишлоқ ҳаётини ёритувчи асарларда худди ана шундай қаҳрамонлар етишмаётганлигидан қаттиқ қўйиндилар. Таниқли адабиётшунос Матёқуб Қўшжоновнинг «Адабиёт ҳаёт қиёсида» мақоласидаги ижобий қаҳрамон хусусида илгари сурган мулоҳазалари ўша ташвишларга ҳамоҳангдир. Танқидчи дейди: «Шу бугун яратилаётган асарларга бир назар ташлаб, афсус билан шуни айтиш зарурки, биз кейинги пайтларда нимагадир бутун-бутун авлодлар руҳий оламига таъсир ўтказган Павел Власов, Павел Корчагин, Олег

Кошевой сингари образларнинг яратилишидаги ҳаётий романтикадан узоқлашгандек бўлаёلمиз. Ҳатто бу улуғ образларни яратган услуб ва ифода йўлларини бадиий ижоднинг ўтмиш босқичига чиқариб қўяёلمиз» («Шарқ юлдузи», 1979, №6, 224-бет).

Қисқаси, сўнгги пайтларда бизга кучли, ҳаракатчан, курашчан, теран, собитқадам, социал актив, шу бойсдан ҳам диққатга сазовор инсон бўлмиш ижобий қаҳрамон керак, деган даъватлар такрор-такрор айтиляпти. Бу — ҳақ талаб, унга эътибор бермай илож йўқ. Кейинги йилларда шундай қаҳрамонларга эътибор бир оз сусайиб қолгани ҳақидаги ташвишларда ҳам жон бор. Шу билан баробар, ҳар қандай баҳс-мунозара пайтида бўлгани каби, ижобий қаҳрамон хусусидаги бу галги баҳсда ҳам маълум бирёқламаликларга дуч келаётирмиз.

Авалло шунга айтиш керакки, романтик жило билан йўғрилган курашчан қаҳрамонларга эътибор бир оз сусайган бўлса-да, бу тур қаҳрамонлар сўнгги йилларда мўтлақо яратилмади деб бўлмайди, ҳаётий романтикадан узоқлашиб кетяёلمиз, деган гапга ҳам тўла қўшилиш қийин. М. Қўшжонов тилга олган машҳур адабий қаҳрамонлар билан ҳар жиҳатдан тенглаша оладиган образлар яратилмаётган бўлса-да, ҳар ҳолда бизда кучли, курашчи, бунёдкор қаҳрамонлар образини яратиш аънанаси бутунлай тўхтаб қолгани йўқ. «Ғолиблар»даги Ойқиз, Олимжон, «Чинор»даги Ориф, Очил бобо, Комила, Умидалар, «Бўронларда бордек ҳаловат» повестидаги Заргаров, «Мангулик», «Нур борки, соя бор», «Сўнгги бекат» романларининг, «Шарора» (Барот Бойқобилов), «Қабул соатлари» (Эркин Самандаров) поэмаларининг етакчи персонажлари — буларнинг барчаси ҳаётий романтика билан йўғрилган курашчи, собитқадам шахслардир. Гарчи «Чотқол йўлбарси»даги Қоражон, Садовников, «Диёнат»даги Нормурод домла хилидаги образлар мураккаблиги зиддиятлари билан кўрсатилсада, улар ҳам моҳият эътибори билан социалистик реализм классик асарларига хос қаҳрамонна аънаналар руҳидаги социал актив персонажлардир.

Биздаги марказида курашчи ижобий қаҳрамонлар турган асарлар кўпроқ курашнинг замини — ҳаётий конфликт жиҳатидан оксайди; айрим асарларда курашнинг асоси заиф, омонат, сунбий; баъзиларида қаҳрамон курашда осонгина ғалабага эришади, ҳаш-паш дегунча ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборади, бир вақтлар бўлгани каби қаҳрамонни нуқул омади келган, бахти қулган ғолиб шахс сифатида талқин этиш ҳоллари ҳамон учраб қолаётир («Нур борки, соя бор», «Шарора»); талайгина асарларда эса яхлит, салмоқдор жиддий конфликт йўқ, асар майда, арзимас тасодифий можаролар, алоҳида-алоҳида мустақил интригалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолмоқда («Дамир Усмоновнинг икки баҳори», «Қабул соат-

лари»); баъзан, М. Қўшжонов юқорида тилга олинган мақоласида тўри кўрсатганидек, авторлар қаҳрамон характеридаги зиддиятлар «таҳлили»га берилиб кетиб, уларни олдинда турган реал тўсиқлар билан тўқнашув ва курашлардан, кураш машаққатларидан четда қолдирадилар.

Бу камчиликларнинг барчаси жам бўлгани ҳолда курашчи ижобий қаҳрамонларнинг жозоба кучини, таъсирчанлигини су-сайтирмоқда. Бунинг устига ижобий қаҳрамонлар психологизми — қийинчиликларга дуч келгандаги, уни енгиб ўтиб ёки енгилгандаги руҳий ҳолати, қалбидagi нозик тебранишлар, иккиланишлар, кучли ва заиф жиҳатлар ҳар доим ҳам тўлалигича, нозик жиҳатлари, бутун нафосати билан бетакрор тарзда очиб берилаётир деб бўлмайди. Психологик таҳлилни теранлиги, самимийлиги, чуқурлиги жиҳатидан кўпинча курашчи ижобий қаҳрамонларга кўра характери зиддиятчи персонажлар муваффақиятли чиқаётир ва улар тезроқ кўзга ташланаётир. Чунинчи «Эрк»даги ҳар жиҳатдан «ижобий» Розияга кўра хийла зиддиятчи Ойшаҳон, «Нур борки, соя бор» романидаги курашчи Шерзодага нисбатан «Баҳор қайтмайди» қиссасидаги мураккаб табиатли Алимардон, «Сўнгги бекат»даги иродали аёл Сабоҳат, собитқадам Қувватбеков, шижоаткор Мунирага қиёсан ҳаёт гирдобига тушиб қолган Шамшиддинов, Уктам, Насиба ва Исҳоқ чоллар, «Диёнат»даги ақлли, ибратли раҳбар ходим Шукуровга қараганда табиатан камчиликлардан холи бўлмаган Отақўзи, Нормурод домалар ёрқинроқ, ҳаётийроқ, ишончлироқ, бинобарин таъсирчанроқ чиққанлиги сир эмас! Бундай қиёсларни яна давом эттирвериш мумкин. Табиатан зиддиятчи персонажлар ифодасида қўлга киритилган тажрибалардан, яъни инсон қалбига чуқур кириб бориш, тасвирнинг самимийлиги, табиийлиги, нафислигига эришиш маҳорати сирларидан курашчи ижобий қаҳрамонлар тасвирида дадилроқ қўлланилаверса зарар қилмас эди.

Ниҳоят, мавжуд курашчи ижобий қаҳрамонларни табиатан зиддиятчи, мураккаб персонажлар билан таққослаганда уларда яна бир характерли, балки асосий камчиликка дуч келаёلمиз. Кўпинча зиддиятчи, мураккаб ёки пассив шахслар образида ёзувчининг оригинал, чуқур ҳис этилган концепцияси ёрқин кўзга ташланиб тургани ҳолда, курашчи ижобий қаҳрамонларда шундай хусусият етшимайди; ёзувчи қаҳрамоннинг курашчанлигини таъкидлайди, курашларини қайд этиб бораверишию, бундай хислат, бундай кураш маъносини, гоъвий-эстетик қимматини очишга етарли эътибор бермайди; қаҳрамон олиб борган кураш баъзан чуқур гуманистик мазмундан холи бўлиб қолади, баъзан эса қаҳрамон ёзувчи ғоссининг, концепциясининг шунчаки жарчисига айланади, иллюстративлик касб этади.

Кўриниб турибдики, социалистик реализм адабиётининг ҳозирги тараққиёти учун курашчи ижобий қаҳрамон тасвири,

талқини билан боғлиқ муаммолар ниҳоятда муҳим, принципиал аҳамиятга эга. Бироқ ҳозирги кунда қаҳрамон муаммоси фақат курашчи кишилар образини яратишга алоқадор масалалардангина иборат эмас. Очиқ система концепцияси социалистик реализм адабиётида қаҳрамонларнинг хилма-хиллигини ҳам тақозо этади. Курашчи ижобий қаҳрамонларнинг ролига катта эътибор, бериш билан баробар, бошқа тур персонажларнинг аҳамиятини асло инкор эта олмаймиз. Социалистик реализм адабиётига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Улкан ҳаёт ҳақиқати, бойлиги, ранг-баранглиги хилма-хил персонажлар орқалигина адабиётда тўлароқ намоён бўлади; ҳаёт ҳақиқатини, етакчи тенденцияларини зиддиятли, мураккаб, курашчанликдан холи, ҳаттоки салбий, сатирик персонажлар орқали ҳам ифода этавериш мумкинлиги, бундай ҳолларда бутун гап **ёзувчининг позициясига** боғлиқ экани фанда аллақачон исбот этилган. Шундай бўлишига қарамай, адабий ҳодисаларни, алоҳида асарлар ва образларни баҳолашда баъзан чалқашликларга йўл қўйилапти. Айрим адабий-танқидий ишларда бош қаҳрамон харақтерига хос табиий зиддиятлар, камчиликлар учун ёзувчини айблаш, ўта хокисор кишиларни қаҳрамон қилиб олгани учун ундан койиниш ёки, аксинча, катта ҳаёт оқимидан четда қолган пассив, хокисор персонажларга, муаллиф нуқтани-назарини ҳисобга олмаган ва адабий тажрибадан ажратиб олган ҳолда ортиқча баҳо бериб юбориш ҳоллари бўляпти. Энг кейинги ҳодисага оид биргина мисол келтираман. Танқидчи Ёқуб Яқвалхўжаевнинг «Уч қисса — уч олам» («Ўзбекистон маданияти», 1979 йил, 16 октябрь) сарлавҳали мақоласида ёш ёзувчи Мурод Мухаммадўстнинг «Чоллардан бири» қиссаси таҳлилида шундай бирёқламаликка йўл қўйилган.

Танқидчи қиссада ёш авторнинг чоллардан бири Мустафо фаолияти тасвирида табиийлик ва ҳаётйилликка эришганлигини такрор-такрор мамнуният билан қайд этади. «Ҳалоллик, одамларга бўлган муҳаббат, чинакам маънодаги мулоимлик, софлик Мустафонинг эътиқодига айланган. У бировни ранжитмайди, бировнинг мол-дунёсига, туриш-турмушига ҳасад қилмайди. Узининг ҳаётидан ҳам нолимайди. Мустафо характери, унинг руҳий олами ана шу хусусиятлар билан **табиийлик касб этади**»,— деб ёзади танқидчи. «Ўғри,— деб давом этади у,— унинг характерида иккинчи бир томон — ўзини ранжитган, уни таҳқирлаган шахсларга қарши **исёнкорлик йўқ**. Йўққина эмас, бу хусусият **Мустафо учун тамомла ёт**». Сўнгга танқидчи шундай хулосага келади: «Гўё у шундай яратилган ва шу харақати, харақтери, оҳанги ва муносабатлари билан **янги қаҳрамон**». Мунаққид бу билан чекланмай яна дейди: «Мустафо китобхон юрагида **эзгулик, ҳалолликнинг рамзи сифатида қолади**. Натижада айрим ҳолларда Мустафони таҳқирлаган шахсларга нисбатан **ўқувчида қат-**

тиқ нафрат уйғонади. Улар Мустафони эмас, ҳалолликни поймол қилаётган шахслар сифатида **разиллик рамзига** айланади». (Кўчирмалардаги барча таъкидлар бизники — У. Н.)

Танқидчи Мустафони сўз санъатида янги кашфиёт сифатида баҳолаб экан, бир ўринда: «Мустафо Чингиз Айтматовнинг Мўмин чол типидagi характерлардан бири. Лекин унинг ўзига хос томонлари, олами, индивидуал хусусиятлари бор»,— дея сал паст тушгандай бўлади, лекин ўзбек адабиётидаги унга ўхшайдиган, «тенг келадиган» қаҳрамонларни тийга олишни эп кўрмайди. Танқидчи яна сал пастроқ тушганида Мустафо типидagi одамлар образи адабиётимизда тўлиб-тошиб ётганлигини, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясидан тортиб, «Ўтмишдан эртаклар»ига қадар, Мирмуҳсиннинг «Ҷамила» повестидан тортиб Пиримкул Қодировнинг «Эркин»га қадар ўнлаб асарларда бу тур образларнинг бутун бир галереяси яратилганлигини эслagan бўларди. Узоққа бормаганда ҳам сўнгги йилларда яратилган Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзамов, Алишер Ибодinov ҳикояларидаги айни Мустафога ўхшаш қарияларни ёдга олиши мумкин эди. Аслини олганда Мустафо «янги қаҳрамон» бўлиш у ёқда турсин, Ш. Холмирзаевнинг «Сўнгги бекат» романидаги Исҳоқ чол образининг кучли таъсирида, балким унга тақлид тарзида яратилган. «Эзгулик, ҳалолликнинг рамзи» аталмиш Мустафо қўлиб қўйгандек Исҳоқ чолнинг, унинг зидди саналмиш «разиллик рамзи» Болта қас-соб эса ўша романдаги Барот чолнинг шундоққина ўзгинаси. Ҳаттоки Болта қас-собнинг русчалаб сўкинйшларигача Барот чолга ўхшайди. Фақат уларнинг касби-қори бошқача, Барот чол — қоровул, Болта эса қас-соб...

Қиссада «Сўнгги бекат»ни эслатадиган эпизодлар, лавҳалар жуда кўп. Чунончи, бир ўринда Ибодулла Махсум деган одам билан Мустафо орасида шундай суҳбат бўлиб ўтади:

«...— Одамлар сизни эшак қилиб минади-ку, қани, сиз бир марта миқ этсангиз!.. Кетинг, Мустафо, мен сиз билан гаплашмайман!.. Умрингизда бирор марта сўкин-ганмисиз ўзи?

— Сўкинмаганман, Махсум,— тан олди Мустафо.

— Сўкинмаган бўлсангиз, кетинг!..— деди Ибодулла Махсум.— Туринг ўрнингиздан!..

Мустафо мўминлик билан ўрнидан турди. («Шарқ юлдузи», 1979, № 8, 165-бет).

Айни шу хилдаги суҳбатни олдирроқ «Сўнгги бекат»да ўқиган эдик, Барот чол Исҳоқ чолни сўроққа тутайди:

«— Менга қара, сен умрингизда бирор билан уришганмисан?

— Уришишни ҳам ёмон кўраман.

— Вот масала қаерда. Лекин,— қўлини кўтарди Барот чол.— Уйингга ёв бостириб келса, мисолга айтаяпман, унда нима қиласан?

— Шу гапларнинг нима кераги бор.

— Керак. Сен қўрқоқсан!

— Хўп, биз қўрқоқ,— жилмайди қари.— Ахир, кимдир қўрқоқ бўлиши ҳам керакку?

— Йўқ! Сен вообше қўрқоқ одамсан. Қани, мени бир сўйиб кўрчи ҳозир. Сў-колмайсан! Мен сўкаман. Хоҳласам...» («Шарқ юлдузи», 1976, №3, 70-бет).

Салгина ўзгартириш, таҳрир билан келтирилган бу хилдаги ошқора тақлидий парчаларни ўқиганда, рости, бироз ҳижолатда қоласан киши. Ёш ёзувчи Мустафо характери, хатти-ҳаракатлари тасвирида, асарнинг услуби, ифода тарзида ҳар жиҳатдан «Сўнгги бекат»га тақлид қилсада, бир масалада — характерлар хатти-ҳаракатини баҳолаш, унга нисбатан ўз нуқтаи-назарини тайин этишда ишнинг уйдасидан чиқолмай қолади. Маълумки, «Сўнгги бекат» автори Исҳоқ чолга, ундаги ҳокисорлик, соддалик, самимийлик, ишонувчанлик, бошқаларга нисбатан меҳр, бировга асло ёмонликни раво кўрмаслик каби фазилатларга ҳурмат билан қарагани ҳолда, чолдаги заиф томонларни ҳам кўрсатади, мутелик, пассивлик, ўзини қадрлай билмаслик, нукул ўзгаларга, ким бўлишидан қатъий назар, яхшилик қилиб, ўзгалардан ҳеч нарса тама қилмаслик каби хусусиятлар бугунги кунда киши учун оғир кўргилик, балки жиддий фожиа эканлигини эҳтирос билан очиб ташлайди. Асарни ўқиб ўқувчи, бир томондан, бу ёқимтой чолни ёқтириб қолади, иккинчи томондан, унинг ўта ҳокисор эканлиги, шу туфайли ўзининг инсонлик шайнини, нафсониятини оёқ ости этаётганини кўриб ундан қаттиқ хафа бўлиб кетади. Агар эътибор берилса, шу турдаги энг яхши табиатан ҳокисор, муте персонажлар талқинида ёзувчилар ҳамиша актив, талабчан гуманистик позицияда турадилар; А.Қаҳҳор Бабарни, Ч. Айтматов Мўминни, Мирмуҳсин Жамилани, П. Қодиров Ойшахонни — ҳар бир ёзувчи моҳият эътибори билан бир-бирига яқин шу хил образларни ўзича бетақдор тарзда яратганлар, лекин авторлар бир масалада яқдилдилар — уларнинг барчаси персонажлар характеридаги мутелик психологиясини кескин қоралайдилар, бундай кайфиятнинг аянчли оқибатларини бутун даҳшати билан кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам тилга олинган образлар қатта ижтимоий-эстетик таъсир кучига моликдилар. «Чоллардан бири»нинг автори эса бошда соддадил, муте, ҳокисор Мустафонинг баъзи хатти-ҳаракатлари учун койигандек бўлади, бора-бора уни ҳар жиҳатдан оқлаш, ҳимоя этиш, улуғлаш томонга ўтиб кетади. Танқидчи даъво қилганидек, бугунги кунда Мустафо типидagi ўта ҳокисор, оми, муте бир одами ҳар жиҳатдан «эзгулик, ҳалолликнинг рамзи» деб бўлармикин? Шунинг ҳам айтиш зарурки, «Сўнгги бекат»даги Исҳоқ чолда бўлгани каби Мустафо табиатида ҳам асрашга, ардоқлашга арзийдиган айрим фазилатлар бор, айни пайтда, тақдор айтмиш, тақлидий характерда бўлса ҳам кўп ожиз, қолақ томонлар ҳам борки,

уларга бефарқ қараб бўлмайди, бу ҳол аввало ўша типдаги одамлар учун оғир кўргилик, бошқалар учун эса ачиқ сабоқ. Масаланинг шу томонини унутмаслик лозим.

□

Юқорида айтиб ўтилгандек, очиқ система концепцияси тақозосига кўра, социалистик реализм поэтикасини бойитишга, имкониятлари доирасини кенгайтиришга интилиш ҳозирги адабий ҳаракатнинг муҳим тенденцияларидан бирини ташкил этади. Бугунги ўзбек адабиётида бу тенденция, биринчидан, совет даврида ташкил топган янги поэтик традицияларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, янгилаш, иккинчидан, миллий классик адабиёт, фольклор аъёнларини давом эттириш, учинчидан, қардош халқлар ва жаҳон прогрессив адабиёти янги тажрибаларини умумлаштиришга фаол интилиш тарзида содир бўлмоқда. Бундай ҳаракат маълум самаралар келтириш билан баробар, бу йўлдаги ижодий изланишларнинг жиддий кам-кўстлари, қийинчиликлари ҳам кўзга ташланмоқда. «Ўзбекистон маданияти» газетаси саҳифаларида «Талант тарбияси» мавзуида бўлиб ўтган мунозарада классик адабиёт шаклларида фойдаланишдаги қийинчиликлар қайд қилиб ўтилди; танқидчи Иброҳим Ғафуров «Кўнларнинг тараққотлари» мақоласида («Шарқ юлдузи», 1979 йил, №8) ҳозирги ёш шоирлар ижодидаги жаҳон прогрессив адабиётдаги оқим — сюрреализм тажрибаларини ўзлаштириш билан алоқдор камчиликларни тўғри кўрсатиб ўтган. Фольклор тажрибалари хусусида ҳам гаплашиб оладиган бир талай муаммолар йиғилиб қолди.

Бугунги кунга келиб адабиётда фольклорга, афсона сюжетлари ва ифода усулларига қизиқиш кучайиши сабабларини ижодкорларнинг ўзлари ҳам шарҳлашга интиладилар.

Чунончи атоқли бошқирд шоири, драматурги, қадимги миф асосида ёзилган «Оловни ташлама, Прометей!» драмасининг автори Мустай Карим бу хусусда шундай дейди:

«Ҳозирги кунда бутун инсоният олдида кўндаланг бўлиб турган машиналашув, ўта рационаллашув тенденцияси, буларнинг маънавий фаолият доирасига кириб бориши, проблемаларнинг кенг миқёсга эга эканлиги бизни беихтиёр босиб ўтган йўлимизга қайрилиб қарашга ундаётир.

Менинг Прометей образига мурожаат этишим ҳам кишилар тақдири, фан, маданият, инсоният билими, прогресс ҳақидаги ўйлардан туғилган»¹.

Бу хил шарҳларда маълум асос бор, лекин фольклор тажрибаларига қизиқиш боисини фақат фан-техника революцияси оқибатлари билангина изоҳлаш етарли

¹ Мустай Карим. Правда в искусстве должна быть окрыленной, «Литературная газета», 1979 йил, 10 октябрь.

эмас; реализм ва социалистик реализмнинг ҳамма босқичларида фольклор традициялари қандайдир даражада мавжуд, жумладан, фан-техника революцияси мўъжизалари эндигина ҳаётга кириб кела бошлаган 20-30-йилларда ҳам бизда фольклор сюжет ва усуллари асосида кўплаб асарлар битилган. Ҳозирги босқичда фольклор тажрибаларини ўзлаштиришда қандай янги тенденциялар пайдо бўлаётир, қайси тенденцияларнинг истиқболи порлоғу, қайсиларида оқсоқлик мавжуд? Бундай саволларга адабиёт фанида ҳали етарлича жавоб олингани йўқ.

Ҳозирги кунда фольклор тажрибалари ғоят хилма-хил мақсадда, турли савия, даражада ўзлаштирилмоқда. Фольклорга шунчаки қизиқиш, унинг шаклларидан шунчаки бир приём сифатида фойдаланиш, фольклор сюжетларини шунчаки қайта ҳикоя қилиш, бир жойга тўплаш ҳоллари ҳам бор; айна пайтда фольклор мотив ва усулларига инсон ҳаёти ва табиати моҳиятини, яшашнинг маъносини очишда муҳим восита сифатида қараш тенденцияси ҳам мавжуд; кейинги йўл, бизнингча, ғоят самаралидир, бу йўл ижодкорларни шаклбозликдан асрайди, реализмдан узоқлаштирмайди, аксинча яқинлаштиради.

Агар реализм позициясида мустаҳкам турган ижодкор реализмнинг бош принциpidан келиб чиққан ҳолда фольклор тажрибаларига реал ҳақиқатни — инсон ҳаёти ва табиати моҳиятини очишда бир восита деб қарайдиган бўлса, тақрор айтамиз, ҳақиқатдан узоқлашмайди, ҳаёлот билан реалликни қўшишга, икки оёғи билан заминда мустаҳкам турган инсон ҳаёти маъносини чуқурроқ очишга, унинг маънавий тажрибаларини кенгроқ умумлаштиришга, муҳим фалсафий-эстетик хулосалар чиқаришга эришаверади; реалист санъаткор қўлида сирдан ҳаёлий, афсонавий туюлган ҳодисалар реал ҳаёт, унинг қонуниятлари сир, сехрини англашга, бизни ҳаяжонга солаётган ҳаётий муаммолар мағзини чақишга ёрдам беради. «Ҳаққуш қичқирғи»нинг айрим боблари, Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», Эркин Воҳидовнинг «Қумурсқалар жанги», «Арслон ўйнатувчи», «Рухлар исёни» асарлари, шунингдек қардошларимиз адабиётида яратилаётган шу турдаги энг яхши асарлар ана шундай хулосаларга келиш имконини беради...



Реализм, социалистик реализм ҳақида гап кетганда аксари проза ва драматургия намуналарига таянадилар, шеърят, негадир, эътибордан четда қолади, мабодо шеърят намуналари тилга олинганда ҳам улар кўпроқ методнинг ғоявий аспекти текшириш, баъзи жузъий қирраларини очиш учун далил сифатидагина келтирилади. Биргина мисол. «Краткая литературная энциклопедия»да реализмга кенг ўрин берилган, унда реализм ҳақидаги мавжуд

фикрлар, реализмнинг бой назарияси, тарихи умумлаштирилган, реализм тарихида катта роль ўйнаган, адиблар, машҳур асарлар эслатиб ўтилган, лекин бу йирик умумлаштирувчи мақолада «Евгений Онегин»ни мустасно қилганда бутун бошли шеърят ҳақида лом-мим дейилмаган. Наҳотки шеърят жаҳон адабиёти тараққиётидаги улкан бир оқимдан четда турган бўлса?! «Социалистик реализм» ҳақидаги мақолада аҳвол бир оз ўзгаради, В. Маяковский, А. Твардовский, Э. Межелайтис, Р. Ҳамзатов, Н. Ҳикмат, П. Элюар, П. Неруда сингари шоирларнинг социалистик реализмнинг шаклланиши ва ривожланишидаги хизмати айтилади, лекин булар, боя таъкидланганидек, кўпроқ ҳодисанинг ғоявий аспекти очиш, шунингдек социалистик реализмдаги миллий традициялар, услублар ранг-баранглигини далиллаш учун келтирилади, холос.

Ўзбек адабиётшунлигидаги аҳвол ҳам деярли шундай. Классик шеърятимизнинг реалистик хусусиятлари ҳали чинакамига тадқиқ этилгани йўқ. Бу борадаги баҳслар фақат лиро-эпик ва ҳажвий асарлар доирасида қолиб келяпти. Э. Каримовнинг ўзбек адабиётида реализмнинг асримиз бошидаги ривожини текширишга бағишланган махсус ишида ҳам ғоят бой, ранг-баранг материал — шеърят четлаб ўтилган. Ўзбек совет шеърятининг реализм, социалистик реализм йўлидаги 60 йиллик ривожини, бу йўлдаги изланишлари, қийинчиликлари, йўқотишлари, кашфиётлари, ютуқлари ҳозирча тадқиқ этилгани йўқ.

Бадий ижоднинг юксак чўққиси — реализм ҳақида гап кетганда шеърятнинг эътибордан четда қолишига сабаб нима экан? Шеърятнинг сирли, сехрли, романтизмга мойилроқ эканими, унинг кундалик ҳаётдан бир оз баландроқ туриши, парвозга, ҳаёлга ўчлигимиз? Ёки бу соҳага реализм принципларининг сустроқ кириб келишимиз, шеърятда реализмнинг тўла намоён бўлишига имконият торлигимиз? Ётуқ, мукаммал реалистик шеърларнинг камлигимиз? Ёки шеърятнинг реализм «қолиплари»га, «қондалари»га сиғмаслигимиз?

Бу тахминларнинг ҳар бирида қисман асос бор. Ҳар бир метод принциплари бирор адабий шаклда тўлароқ намоён бўлиши ҳақиқат. Реализм имкониятлари аввало унинг табиатиға ниҳоятда мос тушувчи прозада, қолаверса драматургияда кенгроқ очилади. Бироқ шеърят бу улкан оқимдан четда туролмайди, адабиётда реализм, социалистик реализм тантана қилган бир пайтда, бу метод принципларининг ўзида намоён қилолган адабий шаклига яшашга қодир, шундай шаклига адабиёт тарихида из қолдира олади.

Юқоридаги кузатишлар, мулоҳазалар шунинг кўрсатиб турибдики, бугунги ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг иттифоқ ва жаҳон миқёсида қўйилаётган янги назарий масалалари билан боғлиқ ҳолда олиб қараладиган, баҳшлашадиган муаммолар жуда кўп.



УМИД НИШОНАСИ

Нурали ҚОБУЛ.
«Салом, тоғлар!» Қисса ва ҳикоялар. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979 йил.

Ёш қаламкаш Нурали Қобулнинг «Салом, тоғлар!» қиссаси соф ва беғубор қалбларда вояга етган пок муҳаббат ҳақидадир.

Қисса воқеалари уруш арафасида ва урушнинг дастлабки даврларида содир бўлади. Воқеалар тоғлик қишлоқ одамларининг ҳаёти мисолида ифода этилади.

Уруш арафасидаги шаброит қийинчилиги мамлакатимизда социализм қуриш ва уни мустаҳкамлаш билан боғлиқ эди. Қиссада Шодмонқулнинг бошига тушган савдолар, Қоракўзлар хонадонидagi моддий йўқчилик, Ғойибназарнинг ҳисобчиликка ўтиши ватенда ишдан бўшатилиши, Тошбуви холанинг бригадирга илтимос қилиб, ўғлини ўроқчилар орасида ва хирмонда ишлашига кўндириши каби воқеалар тасвири худди шу шароит қийинчиликларини кўрсатишга қаратилган.

Машвум уруш ҳақидаги дастлабки хабардан кейин ўз севгилиси Қоракўзга эришган Ғойибназарнинг қалб изтироблари-ю, хайрлашув оналари; келинлик либоси билан ўроқчилар орасида эрта тондан то кечгача Ғойибназар учун ҳам меҳнат қилаётган Қоракўзнинг нотинч ўйлари;

кампирларнинг ҳам далага чиқиб меҳнат қилиши; Ғойибназар шаънига тарқалган тухмат; нораства гўдакнинг ўлими; Хужа ва Қоракўз ўртасидаги самимий муносабатни тескари тушуниш сингари лавҳалар тасвири бадиий бўёқларда акс эттирилган.

Мазкур воқеалар заминда китобхон урушга кетганлар ўрнида ҳам меҳнат қилган оналаримиз, қиз-жувонлар-у ўсмирлар бошига тушган қийинчилик ва азоб-уқубатларни, оғир жудоликларни, ўша даврдаги аччиқ турмушни англайди. Бу қийинчиликлар ғалбага бўлган қатъий ишонч руҳида меҳнат қилаётган кишилар иродасини буколмасди. Қиссада ана шу ишонч туйғули одамлар кўнглида, кайфиятида юз берган туйғулар ўз инъикосини топган.

«Салом, тоғлар» қиссаси икки ёш қалбидаги нозик туйғуларнинг лирик фонда; ҳаёт мураккабликларига омухта этилиб берилиши билан характерлидир.

Қисса қаҳрамонлари Қоракўз ва Ғойибназар ўртасида севги ниҳолининг илдиз отиб гулга кириши ишончли ва табиий ифодаланган. Ғойибназар ҳисобчиликдан дастлабки моюнасида Қоракўзга атаб совға олади. Қизил рўмол, унинг учига тугилган тўрт мисра шеър битилган қоғоз... Шу «совға» воқеаси сабаб китобхон Қоракўз қалбини эшитишга ошиқади. Қизнинг ички кечинмаси орқали севги тор-

ларининг майин оҳанги чертила бошлайди. Тоғ қизи қалбидаги бу муҳаббат оташи секин-аста воқеалар ривожини замида алангалиниб боради.

Қоракўз баъзан қаттиқ изтироб чекканда отаси Шодмонқулни эслаб у билан хаёлан суҳбатлашади. Бундай таъсирли лаҳзалар китобхонни ҳам қизнинг изтиробларига шерик қилади. Қоракўз ҳаётга умид билан боқади. Нозик момонинг, Нурмон бобонинг гаплари унга далда беради. Ғойибназар насиҳатларидан қувват олади. Ана шулар сабабли қалбида Ғойибназарга (яхши одамларга) нисбатан муҳаббати янада кучаяди. Қоракўзнинг муҳаббатни қадрлашини, унга пок, улуғ туйғу деб қарашини Қамариддин билан бўлган юзма-юз тўқнашуви манзарасида сезамиз. Қамариддин қизнинг йўлини тўсиб ёш тўқканида, ҳатто ўзини ўлдирishга тайёр эканлигини айтиб тилёғламалик қилганида Қоракўз шундай жавоб беради.

— «Худди эртак айтаётганга ўхшаясан, Қамариддин. Менимча, муҳаббат инсоннинг инсонга бўлган чуқур ҳурмати ва ҳеч нимага тенглаштириб бўлмайдиган эътиқоднинг устига қурилади» (59-бет). Бу эса қизда бундай юксак туйғуга нисбатан қатъий ва барқарор садоқат борлигини нишонлади.

Қиссани ўқиш давомида ўқувчи «қўйдек ювош» Ғойибназарни севиб қола-

ди. Қоракўзга бўлган унинг муносабатини зямдан кузатади, улар ўртасидаги муҳаббатга гард ҳам юқмаслигини истайди. Ғойибназар табиатан ақлли, фаросатли. Ҳар бир ишга аввал ўйлаб, уни удаллашига кўзи етган тақдирдагина амалга оширишга киришади. Асар воқеалари ривожланган сари китобхон унинг дардларига ҳамдард бўлиб боради.

Ғойибназар уруш ҳақидаги хабарни эшитганда ҳеч иккиланмасдан ватанни ҳимоя қилиш учун отланади. Улуғ Ватанга бўлган чексиз муҳаббат унда ҳали мактаб партасида ўтирганида, аниқроғи мактабда етим болаларга иссиқ кийим тарқатилганда уйғонган эди.

Шунинг учун ҳам фронтга жўнашини эшитиб йиғлаган Қоракўзни юпатиб шундай дейди:

— Узингизни босинг Қоракўз! Ҳозир одам ўзини ўйлайдиган вақт эмас. Эсингизда борми, мактабимизда ҳамма етим болаларга кийим-кечак беришгани, шунда мендан: «Бу кийим-кечакларни ким юборган-а?»— деб сўрагандингиз. Мен «Давлат бобо» дегандим... Уша давлатимизни ўйлашимиз керак» (76-бет). Ғойибназар Ватанни бошига тушган фалокатдан қутқариш учун фронтга жўнаш ўрнига, бурчак-бурчакларда ўргимчак мисол писиб юрган Самандар ва Юсуф думларнинг нопок ўғилларидан нафратланади, одамларни улардан ҳазар қилишга ундайди. Худди ана шундай лавҳалар тасвири берилган ўринлар қиссага анча жозиба касб этган. Табиат тасвири ҳам қахрамонлар руҳияти ва юрак уришлари ҳолатига мос бўёқларда акс эттирилган. Бундай бадиий манзара Қоракўз билан Ғойибназарнинг охири учрашув пайтидаги кайфиятлари тасвирида анча жонли чизилган.

«...Табиат борлигини тунга бағишлаган. Худди улар ўзларини бир-бирларига бағишлагандай. Дўлानазор беозор ва оҳиста шовуллайди... Пастга томон шиддат билан оқаётган сой тошларни олис-олисларга олиб кетмоқчи бўлади, аммо улар севикли сойини ташлаб кетгиси келмагандай, бир-бирининг пинжиги суқилишади» (85-бет).

Қиссада қишлоқ одамларининг ўзига хос урф-одатларини тасвир этишга ажратилган ўринларда ҳам ёш қаламкашнинг бадиий маҳорат сирларини эгаллаш борасида интилаётганини кўрсатувчи нишонлар ёзилади. Жумладан шовулоқ воқеаси, дўлананинг майда-майда шохларига сиғиниш, отадан қолган пичоқни асраш хўсусидаги лавҳалар тасвири шундай таассурот қолдиради. Асарда таъсирли чизилган образлардан бири Нурмон бободир. У содда, лўкин ўз сўзида қатъий турган, табиатни севган ва уни асраб-авайлаш учун тинмай жон куйдирган киши сифатида гавдаланади.

Арчани кестирган оқ пошшога қарши бўлган бу чолнинг катта қалби ва бой ички олами ёш ёзувчи томонидан бадиий тадқиқ этилган. Худди шу ўринда Нозик момо характери ҳам кенг ёритилса, қисса яна бир ёрқин образ билан бойиб, унинг таъсирчанлик қуввати ошарди деган фикр туғилади. Чўнки асар воқеалари давомида ҳар иккала ёш Нозик момони ҳурмат қилиши тўғрисида фикр боради-ю, аммо ана шу ҳурматнинг асоси тўла очилмай қолган. Шунингдек асар бошланишидаги таранглик, лирик фон қисса сўнгиги борган сайин суст тортади. Бу каби жузъий нуқсонлар қиссанинг ўқилишига унча зарар ётказмайди. Қисқаси табиатнинг бетакрор гўзал манзарала-

ри, қишлоқ одамларининг қиёфалари, қалбларда кечган лирик ҳолатлар, уруш даври ҳаётининг одамлар юрагида қолдирган ўчмас асоратларини айрим лавҳалари акс эттирилган бу қисса Нурали Қобулнинг бадиёт сирларини мукаммал эгаллаш борасида астойдил уринаётганидан далолат беради.

Китобга ёш ёзувчининг бир қатор ҳикоялари ҳам жамланган. «Бемор» ҳикоясининг қаҳрамони Саидмурод ака ҳалол, меҳнаткаш инсон. Бироқ у ишлаётган жўй раҳбарлари унинг қалб изтиробларини эшитишни, оилавий аҳволини тушунишни хоҳламайди. Бунинг оқибатида у хотини Меҳри оғани вақтида даволотмай доғда қолади. Унинг врачлар ҳузурда елиб-югуришлари ҳеч қандай фойда бермайди. Ёш қаламкаш бу оддий воқеани ҳикоя асосига қўйиб, аввало айрим раҳбарларнинг ва ўз касбини суиистеъмол қилган врачларнинг қалбини даволаш керак деган ғояни илғари суради.

«Елкадаги ўқ» ҳикоясида эса бизнинг қалбимизга гўзаллик туйғуларини жо этаётган табиатни кўз қорачиғидек асраш ва уни поймол этаётганларга шафқатсиз бўлиш керак деган фикрни бадиий ифодалашга ҳаракат қилган. Китобга кирган кичик ҳикояларида у рамзалар орқали фикр юритишга, ҳаётда учрайдиган айрим нуқсонларни кескин қоралашга интиланган. Аммо шу типдаги баъзи ҳикояларда (хусусан «Одамлар») тақрорий ҳолатлар сезилади.

Хулоса қилиб айтганда ёш қаламкаш Нурали Қобулнинг ранг-баранг мавзудаги асарлари ўқувчида унга нисбатан умид туғдиради.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ,
филология фанлари
кандидати.



Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙҒУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ,
И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ,
Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБ-
ДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ,
У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ХУ-
ДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ.

©Шарқ юлдузи, 1980.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 5.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1980.

Рассом А. Қамбаров. Техредактор М. Мирражабов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қай-
тарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши
шарт.

Теришга берилди 4.03.1980 й. Босишга рухсат этилди 25.05.1980 й. Р—02939 Қоғоз
формати 70×108¹/₁₆. Қабарик босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21.
Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 210.159. Заказ № 2679.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси, Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР ЎРИНБОСАРИ — 320828,
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА,
САНЪАТ, ХАТЛАР БЎЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.